

## "Шримад-Бҳагаватам"

Учинчи кўшиқ

### Биринчи боб Видуранинг саволлари

#### Текст 1

1. Шукадева Госвами деди: Худонинг буюк содиги Видура ўзининг бадавлат хонадонини тарқ этиб ўрмонга йўл олди ва у ерда Ҳазрат Майтрея Ришига шундай саволлар билан мурожаат қилди:

#### Текст 2

2. Пандулар хонадони ҳақида яна нималар дейиш мумкин? Парвардигори Олам Шри Кришнанинг Ўзи сизларнинг маслаҳатчингиз эди. У сизларнинг хонадонга худди Ўз уйига киргандай кирап, Дурйодхоннинг уйини эса четлаб ўтарди.

Изоҳ: Гаудия-вайшнавларнинг *ачинтья-бхеда-абхеда-таттва* фалсафасига асосан Парвардигор Шри Кришнанинг хиссиётига лаззат бағишлийдиган нарсаларнинг ҳаммаси Кришнанинг Ўзидан фарқ қиласиди. Масалан, Шри Вриндавана-дхама Парвардигор Шри Кришна билан бир(*тад-дхама вриндаванам*), чунки Парвардигор Вриндаванда Ўзининг ички қуввати ёрдамида илоҳий лаззатланиб яшайди. Пандузодаларнинг хонадони ҳам Парвардигор учун илоҳий лаззат манбаи эди. Бу ерда айтилганидек, Парвардигор Ўзи билан Пандузодаларнинг уйини бир-биридан ажратмасди. Шунинг учун Пандузодаларнинг уйи ҳам Вриндавандан фарқ қиласди, шу боис илоҳий лаззатга тўла бу хонадонни тарқ этиб кетишига Видурада ҳеч қандай сабаб йўқ эди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, унинг уйдан кетишига оилавий можаролар эмас, балки Майтрея Риши билан учрашиш ва у билан илоҳий мавзудаги масалаларни муҳокама килиш истаги сабаб бўлган эди. Видурага ўхшаган тақводор инсонлар дунёвий ташвишларга унчалик аҳамият бериб ўтирумайдилар. Лекин, ана шундай ташвишлар баъзида инсоннинг руҳий юксалишига ёрдам беради, шунинг учун Видура оилавий можароларни баҳона қилиб, Майтрея Риши билан учрашишга интилди.

#### Текст 3

Шоҳ Шукадева Госвамидан сўради: Тақводор Видура билан Майтрея Муни ҳазратлари қаерда ва қачон учрашиб ҳамсұхбат бўлдилар? Марҳамат қилиб бизга ана шу ҳақда гапириб бер.

Изоҳ: Худди Сута Госвами Шаунака Ришининг саволларига жавоб берганидек, Шрила Шукадева Госвами ҳам шоҳ Паришитнинг саволларига

жавоб берарди. Шоҳни ана шу буюк зотлар нималар ҳақида сұхбатлашгани қизиктиради.

#### Текст 4

Тақводор Видура Худо Шахсининг соф содиги бўлган буюк зот эди, шу боис, ҳеч қандай шубҳа йўқки, у Ҳазрат Майтрея Ришига чукур маъноли саволлар билан мурожаат қиласиди. Албатта, бу саволлар жуда юқори руҳий погонадаги буюк донишмандларнинг таҳсиналирга сазовор илоҳий саволлар эди.

Изоҳ: Одамлар орасида бўлиб ўтадиган барча савол-жавобларнинг қадри бир хил эмас, уларнинг аҳамияти савол бераётган ҳамда уларга жавоб бераётган кишиларнинг руҳий юксалиш даражасига боғлик бўлади. Бозорда савдо-сотик билан машғул ишбилармон кимгадир инсон хаётининг мазмуни ҳақида чукур маъноли руҳий саволлар беришига ишониш қийин. Саволларга ва уларга бериладиган жавобларнинг мазмунига қараб савол бераётган, шунингдек уларга жавоб бераётган кишиларнинг кимлигини билиб олиш мумкин. "Бҳагавад Гита" - Парвардигор Шри Кришна билан Аржуна, Олий Шахс ва Унинг буюк содиги орасида бўлиб ўтган ўзаро сұхбатдан иборат. Парвардигорнинг Ўзи Аржунани Ўзининг содиги ва дўсти деб айтятпи(Б.г.4.3), шу боис, ҳар қандай фаросатли киши англаб етиши мумкинки, уларнинг ўзаро сұхбати *бхакти-йога* қонун-қоидалари ҳақида бўлган. Аслини олганда, "Бҳагавад Гита"да гап факат *бхакти-йога* ҳақида боради. *Карма* билан *карма-йогани* бир-бири билан адаштирмаслик керак. *Карма* – натижасидан лаззатланиш мақсадида, маълум қонун-қоидалар асосида амалга ошириладиган фаолият, *карма-йога* эса – Худонинг содигининг Парвардигорни мамнун қилиш учун кўрсатаётган фаолияти. *Карма-йога* бхактига, яъни, Парвардигорни мамнун қилишга асосланган фаолият, карма эса, фаолият кўрсатаётган кишининг ҳиссиётини лаззатлантиришга каратилган. "Шримад Бҳагаватам"да ҳақиқатан ҳам юксак руҳий қадриятлар ҳақидаги саволларга жавоб олишга интилаётган кишига ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш тавсия қилинган. Лекин, руҳий қадриятлар билан қизиқмайдиган, шунчаки мода???(бошқалардан колмаслик) учун руҳий устоз қабул қилишга уринадиган оддий одамларнинг руҳий устозга мурожаат қилишининг ҳеч қандай маъноси йўқ. Махараж Паришит Худо ҳақидаги илмни англаб етишга интилаётган жиддий шогирд эди, Шукадева Госвами эса, - руҳий илмни мукаммал биладиган ҳақиқий руҳий устоз эди. Уларнинг иккисига ҳам маълум эдик, Видура билан Майтрея Риши улуғвор мавзуларда сұхбат курганлар, шунинг учун Махараж Паришит ҳақиқий руҳий устоздан уларнинг қайси мавзуларда сұхбатлашганини билиб олишга қизикарди.

#### Текст 5

Шри Сута Госвами шундай деди: Шохнинг саволлари чукур илмга эга бўлган буюк донишманд Шукадева Госвамини жуда мамнун қилди. Унга жавобан донишманд шундай гап бошлади: “Менинг гапларимга диққат билан кулок сол!”

#### Текст 6

Шри Шукадева Госвами деди: Ўзининг виждонсиз фарзандларининг фаровон келажагини таъминлашни гуноҳкорона ният қилган шоҳ Дхритараштра жиянлари - етим қолган Пандузодаларни походдан қилинган саройга киришга мажбур қилиб, кейин унга ўт қўйиб уларни ўлдирмоқчи бўлди.

Изоҳ: Дхритараштра туғма кўр эди, лекин ўз фарзандларининг келажаги учун уни гуноҳ ишлар қилишга мажбур қиладиган маънавий қўрлик жисмоний қўрликка нисбатан анча зарапли эди. Жисмоний жиҳатдан кўр бўлиш инсоннинг руҳий юксалишига тўсқинлик қила олмайди. Лекин кўзлари кўрадиган кишининг маънавий жиҳатдан кўрлиги руҳий юксалиш йўлида жиддий тўсик бўлади.

#### Текст 7

Одил шоҳ Юдхиштхиранинг хотини Драупадининг кўзидан оқаётган ёшлар унинг кўксига сурилган қизил кункумани юваётганига қарамай, ўғли Духшасан уни сочидан судраб ҳақорат қилганида, шоҳ Дхритараштра ўғлига ҳеч кандай қаршилик билдирамади.

#### Текст 8

Ҳеч кимни ўзига душман деб билмайдиган Юдхиштхира қимор ўйинида маккор рақибларига ютқазиб қўйди, чунки унинг рақиблари фирромлик қилгандилар. Шунга қарамай, уларга берган ваъдасига содик қолиб, у ўрмонга йўл олди. Узлат вақти тугагандан кейин ўрмондан қайтиб келиб, Юдхиштхира ўзининг ҳаққоний салтанатини қайтариб беришни сўраганида, ғафлат ботқоғига ботган Дхритараштра унинг илтимосини рад этди.

Изоҳ: Махараж Юдхиштхира ўзининг отасидан колган салтанатнинг конуний меросхўри эди. Лекин, Махараж Юдхиштхиранинг амакиси Дхритараштра ўзининг Дурйодхана бошлиқ ўғилларининг келажагини фаровон қилишни ўйлаб, жиянларини салтанатдаги конуний улушидан маҳрум қилиш учун турли хийлаларни режалаштириб қўйганди. Нихоят Пандузодалар салтанатдан ўзларига атиги бешта, яъни ҳар бирига биттадан қишлоқ ажратиб беришни илтимос қилдилар, аммо олчоқ қариндошлари уларнинг ана шу илтимосини ҳам рад этишди. Улар ўзларининг бу ҳатти-ҳаракати билан Курукшетрада бўлиб ўтган урушга сабабчи бўлдилар. Шундай қилиб, бу кирғинбарот урушни Пандузодалар эмас, балки Курулар бошлаган эди.

Пандузодалар кшатрий бўлгани сабабли, уларнинг жамиятда қиладиган асосий ва ягона иши ҳукмронлик қилиш эди. Брахманлар, кшатрийлар ва вайшьялар ҳеч қачон бирорларга ёлланиб ишлаш билан тирикчилик қилмасликлари керак.

#### Текст 9

Аржун бутун олам аҳлининг руҳий устози Парвардигор Шри Кришнани (Курулар) мажлисига жўнатди. Худо Шахсининг (шу ерда) айтган гаплари (Бхишма ва унга ўҳшаган) диёнатли кишилар учун шарбатдек лаззатли эди, аммо аввал қилган савоб ишларининг натижасини охирги мисқолигача сарфлаб тугатганлари сабабли бошқа одамлар Унинг гапларига заррача ҳам эътибор бермадилар. Шоҳ (Дхритараштра ёки Дурйодхана) Шри Кришнанинг гапларини умуман жиддий қабул қилмади.

Изоҳ: Бутун олам аҳлининг руҳий устози Парвардигор Шри Кришна Аржуннинг илтимоси билан элчи бўлиш маъсулиятини Ўз бўйнига олиб шоҳ Дхритараштранинг мажлисига тинчлик элчиси бўлиб борди. Кришна – бутун борлиқнинг ҳукмдори, лекин, Аржуннинг илоҳий дўсти бўлган ҳолда, унга дўстона хизмат қилиш учун У Ўз ихтиёри билан Аржуннинг элчиси бўлишга жон деб рози бўлди. Бу ҳам Парвардигорнинг Ўзининг асл содикларига қанчалик меҳрибон эканлигини кўрсатади. Мажлисга келиб Кришна тинчлик ҳақида гапирди, бошқа буюк лашкарбошилар билан биргаликда Бхишма Унинг гапларини лаззатланиб тингладилар – ахир уларга Парвардигорнинг шахсан Ўзи мурожаат қилардида. Лекин, Дурйодхана ва унинг отаси Кришнанинг гапларини жиддий қабул қилмадилар, чунки улар ўзларининг аввал қилган савоб ишларининг натижасини бутунлай сарфлаб бўлган эдилар. Ўзини шундай тутиш имонсиз одамларнинг ҳаммасига хос бўлган хусусият. Аввалги ҳаётида етарлича савоб ишлар қилган киши кейинги ҳаётида шоҳ даражасига кўтарилиши мумкин, аммо, Дурйодхана ва унинг ҳамтоворлари энди барча савоб ишларининг натижаларини сарфлаб бўлган эдилар, шу боис улар ўз салтанатидан маҳрум бўлиб, уни Пандузодаларга бўшатиб беришлари лозим эди, уларнинг барча ҳатти-ҳаракатлари шундан далолат бериб турарди. Худонинг содиклари учун Парвардигор Шри Кришнанинг гаплари ҳамиша шарбатдай лаззатли, аммо имонсизлар учун Унинг гаплари аччиқ туюлади. Худди шундай, соғлом киши учун сўрокканд ҳамиша ширин, аммо сарик касалига чалинган кишига сўроққанднинг таъми аччиқ бўлиб туюлади.

#### Текст 10

Акаси(Дхритараштра) маслаҳат сўраш учун олдига чақиртирганида, Видура унинг уйига келиб унга жуда ўринли маслаҳатлар берган эди. Унинг маслаҳатлари ҳаммага маълум ва уларни

давлатнинг барча донишманд арбоблари юқори баҳолагандилар.

Изоҳ: Ҳозирги даврда одамлар орасида ўрта асрларда яшаб ўтган, сиёсат ва ахлок бобида мўътабар зот сифатида тан олинган Чанакя Пандит ўзининг сиёсий маслаҳатлари билан машҳур бўлгани сингари, Видура ҳам ўзининг жуда ўринли сиёсий маслаҳатлари билан машҳур эди.

### Текст 11

(Видура шундай деганди:) - Ҳеч кимни ўзининг душмани деб хисобламайдиган ва сенинг барча азобларинга чидам билан сабр қилиб келган Юдхиштхира га салтанатдан қонуний улушкини қайтариб беришинг керак. У укалари билан бирга сендан шуни талаб қиляптилар. Уларнинг орасида қасос олиш учун пайт пойлаб кутурган илондай нафас олаётган даҳшатли Бҳима ҳам бор. Наҳотки, сен ундан кўрқмасанг?

### Текст 12

Олий Шахс-Худо, Парвардигор Шри Кришна Притхининг ўғилларини Ўзига қариндош деб билади, жаҳондаги барча хукмдорлар эса - Шри Кришна тарафида. Ҳозир Шри Кришна Ўз уйида - кўплаб хукмдору-султонларни мағлуб қилган Ядавалар хонадони аъзоларининг даврасида уларга рахнамолик қилиб юрибди.

Изоҳ: Видура Дхритараштра га Притхининг ўғиллари, яъни Пандузодалар билан сиёсий иттифоқ тузишни таклиф қилиб жуда доно маслаҳат берганди. Биринчидан, Пандузодалар Парвардигор Шри Кришнанинг яқин қариндошлари, Кришна уларга жиян бўлади. Парвардигор Шри Кришна – Олий Шахс, Худо бўлгани учун Унга ҳамма браҳманлар, шунингдек, бу дунёning ишини бошқариб турган фаришталар сажда қиласидар. Бундан ташқари Парвардигор Шри Кришна ва Унинг қариндошлари, шоҳлар ва Ядавалар хонадонининг шаҳзода аъзолари жаҳондаги барча хукмдорлар устидан ғалаба қозонгандар.

Кшатрийларнинг одатига кўра улар бошқа жойларда хукмонлик қилаётган шоҳларни яккама-якка жангга таклиф қилганлар, уларни мағлуб қилиб қизларини, чиройли маликаларни келин қилиб олиб кетганлар. Бу алоҳида ҳурматга муносиб бўлган урф-одат, чунки ана шундай удумлар туфайли факат жасорат ва қаҳрамонлик кўрсата олган кшатрийларгина уйланиб оила курганлар. Ядавалар хонадонидаги барча ёш шаҳзодалар шу тарзда – факат олижаноблик билан куч ишлатиш орқали бошқа шоҳларнинг қизларига уйланган эдилар, шу боис Ядаваларни “барча хукмдорларни мағлуб қилган голиб шоҳлар сулоласи” деб атардилар. Видура акасини Пандузодалар билан жанг қилиш уни жуда оғир аҳволга солиб қўйишига ишонтирмоқчи эди, чунки уларни ҳали ёшлигидәқ Камса, Жарасандха сингари иблислар ҳамда Браҳма ва

Индра сингари буюк фаришталар устидан ғалаба қозонган Парвардигор Шри Кришна қўллаб-куватлаб турарди. Шундай қилиб, оламдаги барча кучлар Пандузодалар томонда эди.

### Текст 13

Барча гуноҳ ишлар тимсоли бўлган Дурйодхана Парвардигор Шри Кришнага нисбатан душманларча муносабатда бўлиб юрганига қарамай сен уни бегуноҳ фарзандим деб юрибсан. Парвардигор Кришнанинг душманини қўллаб-куватлаш билан сен барча савоб ишларинг натижасидан маҳрум бўласан. Бундай оғир юқдан ўзингни дарров ҳалос эт, шунда сен ўзингнинг бутун урғ-авлодингга саховат келтирасан!

Изоҳ: Муносиб ўғил фарзандни *апатія*, яъни “отасининг тубанликка юз тутишига йўл кўймайдиган фарзанд” деб атайдилар. Отаси ўлгандан кейин ўғли Худони, Парвардигор Вишнуни мамнун қилиш ниятида қурбонлик маросими ўтказиб, отасининг руҳига ғамхўрлик қилиши лозим. Бундай урғ-одат Ҳиндистонда ҳозир ҳам кенг тарқалган. Отаси ўлгандан кейин унинг ўғли Гайа шаҳрига йўл олади, Парвардигор Вишнунинг нибуфар қадамлари пойида қурбонлик маросими ўтказиб, отасининг руҳини поклайди, агар отаси гуноҳкор инсон бўлса, уни дўзах азобидан ҳалос этади. Аммо, Вишнуга душманлик қилиб юрган фарзанд Унинг нибуфар қадамларига бирор нарса эҳсон қила оладими? Парвардигор Шри Кришна – Олий Шахс Худо, Вишнунинг Ўзи, Дурйодхана эса Унга душманлик қилиб юрибди, шу боис у отаси Дхритараштра ўлгандан кейин унга ҳеч қандай ёрдам бера олмасди. Дурйодхананинг ўзи тубанликка юз тутган эди, чунки у Парвардигор Вишнуга сажда қилмасди. Шундай экан, у ўзининг отасини ҳимоя қила олишига ишониб бўлармиди? Видура Дхритараштра га, агар ҳақиқатан ҳам ўз урғ-авлодининг баҳт-саодатини ўйлаётган бўлса, иложи борича тезроқ ўзининг номуносиб фарзанди Дурйодханадан воз кечиши маслаҳат берди.

Чанакя Пандит ўзининг ибратли гапларидан бирида шундай дейди: “Илмсиз ва имонсиз ўғилдан нима фойда?” Худонинг содик хизматкори бўлмаган фарзанд кўр кишининг кўзига ўхшайди, у ўзининг отасига ҳамиша ташвиш келтириб юради. Одатда врачлар кўр кишини кераксиз оғриклардан ҳалос этиш учун ундан фойдасиз кўзни бутунлай олиб ташлашни маслаҳат берадилар. Дурйодхана ҳам худди ана шундай, кўрмайдиган, лекин факат ташвиш келтирадиган кўзга ўхшаган фарзанд бўлиб, Видура унинг Дхритараштра хонадонига буюк мусибатлар келтиришини олдиндан билган эди. Шу боис унинг акасига иложи борича тезроқ бу зулм манбаидан ҳалос бўлишни маслаҳат беришга тўла асоси бор эди. Дхритараштра эса, қалб кўзининг кўрлиги сабабли Дурёдханани отасини озодликка чиқаришга қодир бўлган муносиб

фарзанд деб хисоблаб, бу гуноҳлар тимсолини қўллаб-куватлашда давом этарди.

#### Текст 14

Муносиб инсонларнинг ҳаммаси "бегуноҳ инсон" деб тан олган Видуранинг гапларини эшигтан Дурйодхана ғазабдан юzlари қизариб, лаби титраб Видурани қаттиқ ҳақорат қила бошлади. Укалари, Карна ва тоғаси Шакуни ҳам Дурйодхон билан бирга эди.

Изоҳ: Аҳмокқа акл берсанг, факат жаҳли чиқади, илонга сут берсанг, заҳри кучаяди, деган гап бор. Покдомон, тақводор Видура шунчалик олижаноб инсон эдики, уни ҳамма муносиб кишилар хурмат килишарди. Аммо Дурёдхон шу қадар нодон эдики, хатто Видурадай олижаноб инсонни ҳақорат қилишга журъат қилди. Бунга сабаб унинг барча қабиҳ ишларини қўллаб-куватлаб, олқишлиб юрган тоғаси Шакуни ва дўсти Карнанинг унга қўрсатаётган салбий таъсиrlари эди.

#### Текст 15

Бу чўризодани бу ерга ким чақирди? Ўзини парваришлаб, қорнини тўйғазиб юрган одамларга сотқинлик қилиб, бу иккюзламачи бизнинг душманларимиз фойдасига ишляпти. Уни ҳозироқ саройдан ҳайдаб чиқаринг ҳамда уни олаётган нафасидан бошқа ҳамма нарсадан маҳрум қилинг!

Изоҳ: Шоҳ-кшатрий уйланганида унинг уйига келин билан биргаликда бир неча ёш қизлар ҳам келади. Шоҳнинг ана шу канизакларини *dasi*(асира, чўри) деб атаганлар. Шоҳ билан жинсий алоқа қилиб, улар шоҳга фарзандлар туғиб берганлар, шундай фарзандлар *dasi-putra* деб аталган. Асиralарнинг фарзандлари таҳтинг меросхўри бўлишга ҳақли бўлмаган, аммо уларни ҳам шоҳнинг фарзандлари билан бирга тарбиялаганлар. Видура ҳам ана шундай асиralардан бирининг ўғли эди, шунинг учун у *кишатрий* хисобланмасди. Лекин шоҳ Ҳристараштра ўзининг укаси – *dasi-putra* Видурани жуда яхши кўрарди, Видура унинг дўсти ва доно маслаҳатчиси эди. Видура – буюк зот эканини, у ҳамиша уларнинг хонадонига факат яхшилик қилишга интилишини Дурёдхана жуда яхши биларди, лекин шунга қарамай, ўзининг бошига балони сотиб олиб, у ҳеч қандай айби бўлмаган амакиси Видурани қаттиқ ҳақорат қилди. У Видуранинг ижтимоий келиб чиқишини эслатиб қўйиш билан бирга уни соткин деб ҳақорат қилди, чунки Дурёдхана уни ўзининг душмани деб биладиган Юдхиштхиранинг тарафини оляпти деб ўйларди. У ҳозироқ Видурани бутун мол-мулкидан маҳрум қилиб саройдан ҳайдаб чиқаришларини истаганди. Агар бунга кучи етса у ҳозироқ Видурани то ўлгунча калтаклашга амр этган бўларди. У Видурани Пандузодаларнинг фойдасига жосуслик қилишда

айбларди, чунки унинг Ҳристараштарага бераётган маслаҳатлари Пандузодалар манфаатини кўзларди. Сарой ичкарисидаги мухит одатда шундай натижаларга олиб келадики, хатто Видура сингари пок виждонли ва тақводор инсонларни ҳам энг пасткаш ишларда айблаб, оғир жазолайдилар. Дурёдхана ўзининг бу ҳаракати билан Видурани қаттиқ ҳақорат қилган эди, у ўзини куч билан саройдан ҳайдаб чиқаришларини кутиб ўтирасдан, ҳозироқ бу ерни биратўла тарк этишга қарор қилди.

#### Текст 16

Бундай аччиқ сўзлар пайкони қалбida чукур жароҳат қолдирган Видура, камонини эшик олдида қолдириб, акасининг саройини тарк этди. У бу воқеадан ҳеч қандай тушкунликка тушмади, чунки у Худонинг ташки қувватининг ҳукми билан бўладиган ишлардан бу дунёда ҳеч ким қочиб кутула олмаслигини яхши биларди.

Изоҳ: Худонинг асл содиги хатто Парвардигорнинг ташки қуввати юзага келтирадиган жуда хатарли ва ёқимсиз вазиятларда ҳам ўзини йўқотиб кўймайди. "Бҳагавад Гита"(3.27) шундай дейилган: *пракритех крийаманани гунаих кармани сарваших аханкара-вимудхатма картахам ити манияте*

Моддий табиатнинг турли гуналари таъсирига берилиб, шартланган рух моддий тириклик асири бўлиб юради. Соҳта ўзлиги уни ҳамма ҳаракатларни ўзим мустақил ҳолда амалга оширяпман деб ўйлашга мажбур қиласди. Парвардигорнинг ташки қуввати, моддий табиат, тўлалигича Парвардигорнинг ҳукми остида, шартланган рух эса, бутунлай ташки қувват ҳукми остида. Демак, шартланган тирик мавжудотнинг қўл-оёклари, ҳатти-ҳаракатлари бутунлай Парвардигорнинг қонунларига бўйсунади. Лекин, алданиш домига тушиб қолгани боис у ўзим мустақил, эркин ҳаракат қиласман деб ўйлади. Дурёдхана ҳам ташки қувват таъсири остида ҳаракат килаётган эди, ана шу ташки қувват кейинчалик унинг ўзини яксон қиласди. У Видуранинг доно насиҳатига кулоқ солмасдан, ўзининг хонадонига факат яхшилик қилиб юрган шундай олижаноб инсонни ҳақорат қилди. Видура буни яхши тушунарди, чунки у Худонинг соғ содиги эди, гарчи Дурёдхананинг гаплари уни қаттиқ изтиробга солган бўлса ҳам, Дурёдхана ташки қувват - майя чангалига тушиб қолганини, шиддат билан ўзининг мукаррар ҳалокати сари бораётганини Видура кўриб турарди. Айни пайтда у Парвардигорнинг ички қуввати шундай қалтис вазиятда ҳам унга ёрдам бераётганини кўриб турарди. Худонинг содик хизматкори таркидунё қилишга ҳамиша тайёр туради, чунки ҳеч қандай дунёвий шодликлар уни қаноатлантира олмайди. Видура ҳеч қачон акасининг саройида яшаш имкониятини ўзи учун қадрли нарса деб билмаган. У ҳаётини Худога муҳаббат ва садоқат билан

хизмат қилишга бутунлай бағищаңаш учун истаган пайтда бу ердан чиқиб кетишиңа тайёр юради. Мана, Дурёдхоннинг марҳамати билан ҳозир у ана шундай имкониятга эга бўлиб турибди, шу боис, ўзини ҳақорат қилгани учун азият чекиши ўрнига Видура ичида, ўзига муқаддас саждагоҳда узлатга берилиб, қолган умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағищаңаш имконини бергани учун Дурёдханадан жуда миннатдор бўлган эди. Бу шеърда *гата-вийатхах*(бўлиб ўтган воқеадан афсусланмасдан) ибораси муҳим аҳамиятга эга, чунки бу воқеалар Видурани моддий фаолиятга хос иллат бўлган барча ташвишлардан халос этганди. Шундай қилиб, у энди ўзининг жазога маҳкум бўлган акасини ҳимоя қилишда давом этишининг ҳеч қандай маъноси қолмади деган қарорга келди ва камонини эшик олдида қолдириб, Дурёдхана ҳали унга қарши бирор ҳаракат қилишга улгурмасидан аввал саройдан чиқиб кетди. Парвардигорнинг олий қуввати Майя бу ерда ҳам ички, ҳам ташқи қувват сифатида ҳаракат қилди.

### Текст 17

Ўзининг тақводорлиги шарофати билан Видура саҳоватли Куру хонадонида дунёга келганди. У Ҳастинапурни тарқ этиб, Худо Шахсининг нилуфар қадамжолари бўлган муқаддас жойларни зиёрат қилишга отланди. Ўзининг бу дунёдаги хайрли савоб ишларини кўпайтириш учун у Худонинг минглаб илоҳий қиёфалари мавжуд бўлган муқаддас эҳромларни айланиб чиқди.

Изоҳ: Ҳеч шубҳа йўқки, Видура жуда улуғвор ва олижаноб инсон эди, акс ҳолда у Курулар хонадонида дунёга келмасди. Мартабали хонадонда туғилиш, бойлик, илм ва гўзаллик – буларнинг ҳаммаси инсонга аввалги ҳаётида қилган савоб ишлари эвазига берилади. Лекин, Худонинг марҳаматига эришиш ва Унга илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлиш учун бундай савоб ишлар камлик қиласди. Видура ўзини етарли даражада тақводор инсон деб хисобламасди, шу боис ўзининг савоб ишларини кўпайтириш ҳамда Худога яқинлашиш мақсадида у барча машҳур муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб чиқишига қарор қиласди. Ўша даврда Парвардигорнинг Ўзи ер юзида юрган эди, агар истаса Видура Унинг Ўзи билан бевосита мулокотда бўла оларди, лекин у бундай қилмади, чунки гуноҳларидан ҳали тўла покланмаган эди. Токи инсон ўзининг гуноҳ ишларининг барча оқибатларидан биратўла халос бўлмас экан, у ўзи ихтиёрини Худога бутунлай топшира олмайди. Иккюзламачи Дхритараштра ва Дурёдхана билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида ўзининг поклигига путур етганини, натижада у Парвардигор билан шахсан мулокотда бўлиш имкониятидан маҳрум бўлганини Видур яхши биларди. Парвардигор Шри Кришна "Бҳагавад Гита"да (7.28) буни шундай тасдиқлайди:

Йешам тв анта-гатам папам жсанам пунйа-  
карманам  
Те двандва-моха-нирмукта бхаджсанте мам дрида-  
вратах

Камса ва Жарасандҳа сингари Гуноҳга ботган асуralар Парвардигор Шри Кришнада Олий Шахс Худони, Мутлақ Ҳақиқатни кўра олмайдилар. Факат тақводор ҳаётнинг шастраларда кўрсатилган барча қонун-қоидаларига риоя қилиб юрган соф содикларгина карма-йога билан, кейин гўяна-йога билан шуғуллана оладилар ва соф муроқаба қилиш поғонасига кўтарилиб, соф онгнинг табиатини англаб ета оладилар.

Худони англаб етган инсон Унинг асл содиклари билан ҳамсуҳбат бўлишдан ўзларига ҳақиқий фойда келтириш имкониятига эга бўладилар. *Сийан махат-севайа випраҳ пунйа-тиртхা-нишеванат*: ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ содик Парвардигор билан бевосита сухбатлаша олади.

Зиёратчиларни гуноҳлардан поклаш учун мўлжалланган муқаддас саждагоҳлар коинотнинг ҳамма жойлари бўйлаб тарқалган, Худони англаб етиш ва Унинг мавжудлигини ҳақиқатан ҳам хис қилиш учун истаган киши уларни зиёрат қилиши мумкин. Лекин муқаддас зиёратгоҳларни шунчаки зиёрат қилиш ва шу ердаги удумларни амалга ошириш билан қаноатланиб қолмаслик керак: у жойларда яшаб Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган буюк зотлар билан учрашиб сухбатлашишга ҳаракат қилиш лозим.

Ҳар бир муқаддас саждагоҳда Парвардигор Ўзининг сон-саноқсиз қиёфаларидан бирида мавжуд бўлади. Ана шу қиёфалар *арча-муṛti* – Парвардигорнинг оддий одамлар ҳам кўра оладиган қиёфалари деб аталади. Илоҳий табиатли Парвардигорни моддий сезгилар ёрдамида кўришнинг иложи йўқ. уни моддий кўзлар билан кўришнинг ёки моддий қулоқлар билан эшишишнинг иложи йўқ. Биз Парвардигорнинг мавжудлигини Худога садоқат билан хизмат қилишда эришган поғонамизга ва гуноҳлардан покланганлик даражамизга мос равища хис қила оламиз. Парвардигор Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиб, оддий одамларга ҳам Ўзини эҳромларда ўрнатилган арча-муṛti қиёфасида кўриш имконини беради. Шу боис факат аҳмоқ одамлар эъромдаги арча-муṛtiни бут, санам деб хисоблашлари мумкин. Шу боис қилаётган ҳар бир ҳаракатимизни Худонинг асл содиги кўрсатмалари асосида бажаришимиз жуда муҳим.

Бхарат-варша замини ўзининг бутун мамлакат бўйлаб жойлашган кўплаган зиёратгоҳлари билан машҳур, минглаб йиллардан бери одат бўлиб қолган удумларга риоя қилиб, одамлар шу саждагоҳларни йилнинг ҳамма фаслларида зиёрат қиласидилар. Кўйида Парвардигорнинг турли муқаддас саждагоҳларда жойлашган арча-муṛtilари санаб ўтилган: Матхура(Кришнанинг бу дунёга келган жойи)да Парвардигор ўзининг Ади-кешава қиёфасида,

Пури(Орисса)да - Парвардигор  
Жаганнатха(Пурушоттама номи билан ҳам ашхур)  
киёфасида мавжуд. Аллахабад(Праяг)да  
Парвардигор Ўзининг Бинду-мадхава киёфасида,  
Мандара тогида эса – Мадхусудана киёфасида  
мавжуд. Анандаранъяда Парвардигор Васудева,  
Падманабха ва Жанардана номи билан,  
Вишнуканчида эса – Уни Вишну, Майяпурда –  
Хари деб атайдилар. Бутун коинот бўйлаб  
Парвардигорнинг миллион, миллиардлаб ана  
шундай арча-мурти киёфалари мавжуд. “Чайтанья-  
чаритамрита”да арча-мурти ҳакида шундай  
дейилган:

*Сарватра пракаша танра – бхакте сукхадите*

*Джагатера адхарма наши дхарма  
стхапите*

“Бутун коинот бўйлаб Ўзининг турли  
киёфаларини намоён этиб Парвардигор Ўзининг  
содикларига чексиз шодлик келтиради, оддий  
инсонларга гуноҳлардан покланиш имконини  
беради ва оламда дин қонунларини ўрнатади”.

#### Текст 18

Ёлғиз саёҳат қиласар экан, у бутун фикру-ҳаёлини  
ҳамиша Шри Кришнада мужассам қилиб юрди.  
Айодхя, Дварака, Матхура ва бошқа муқаддас  
жойларни зиёрат қилди. У тоғлару-боғларни,  
бегубор осмонли, дарё ва кўллари соғ мусаффо,  
Худо Шахсининг мафтункор киёфалари безаб  
турган сўлим жойларда бўлди. Унинг зиёрати шу  
тарзда ўта бошлади.

Изоҳ: Имонсиз даҳрийлар Парвардигорнинг арча-  
муртисини бут, санам деб хисоблашлари мумкин,  
аммо Худонинг Видура сингари содик  
хизматкорлари учун имонсизларнинг фикрлари  
хеч қандай аҳамиятга эга эмас. Парвардигорнинг  
киёфалари бу ерда *ананта-линга* деб аталган. Бу  
киёфалар ҳам худди Парвардигорнинг Ўзи  
сингари чексиз илохий қудратга эга. Арчанинг  
қудрати билан Парвардигорнинг шахсий  
киёфаларининг қудрати орасида хеч қандай фарқ  
йўқ. Буни почта хизмати ва почта қутилари  
мисолида тушунтириш мумкин. Шаҳар бўйлаб  
ҳамма жойда қўйилган почта қутилари бутун  
алоқа бўлимининг вазифасини бажаради. Почта  
хизмати хатларни жўнатиш билан шугулланади.  
Агар хатингизни алоқа бўлими ўрнатган почта  
кутисига ташласангиз, у албатта эгасига бориб  
етади. Худди шундай, *арча-мурти* ҳам  
Парвардигорнинг Ўзи сингари чексиз қудратга  
эга. Шундай қилиб, Видура Кришна ва Унинг сон-  
саноқсиз арча-киёфаларидан бошқа бирор нарса  
кўрмади ва оқибат-натижада бутун дунёда фақат  
Кришнадан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмаслигини  
англаб етди.

#### Текст 19

Ўзининг мана шу дарбадар юришларида у фақат  
Парвардигор Харини мамнун қилиш ҳакида

ўйларди. У ҳеч кимдан ҳеч нарса таъма қилмасди,  
унинг қилаётган барча ҳатти-ҳаракатлари пок,  
ҳалол эди. У жулдур кийимларда, соч-соқолини  
парваришилмай, такир ерда ётиб юрган бўлса ҳам,  
муқаддас жойлардаги сувларда чўмилиб ҳар куни  
покланарди. Кўп қариндошлари бундай ахволда  
уни таний олмасдилар.

Изоҳ: Зиёратчининг асосий вазифаси –  
Парвардигор харини мамнун қилиш. Бирор  
муқаддас жойга зиёратга отланган киши  
жамиятнинг талабини кондириш ҳакида  
ўйламаслиги керак. У жамиятдаги шарт-  
шароитларга эътибор бермаслиги, овқатланиш ё  
ўзининг уст-боши ҳакида ташвишланмаслиги  
керак. Зиёратчи ўзининг бутун фикру-ҳаёлини  
Худони мамнун қилишга қартиши лозим. Шу  
тариқа ўзининг фикри ва ишларини поклаб, зиёрат  
сафарига чиқкан киши аста-секин Худони англаб  
етади.

#### Текст 20

Бхаратаварша бўйлаб сайр қилиб, барча муқаддас  
жойларни зиёрат қилиб, у нихоят  
Прабхасакшетрага этиб борди. Бу пайтга келиб,  
енгилмас Кришнанинг марҳамати билан оламга  
ўзининг қудратли қўшини ёрдамида бутун  
жаҳонни ягона байроқ остига бирлаштирган  
Махараж Юдхиштхира хукмронлик қиларди.

Изоҳ: Беш минг йил муқаддам, тақводор Видур  
зиёрат сафарига чиққанида Хиндистон замини  
Бхарата-варша деб аталарди, ҳатто ҳозир ҳам  
баъзилар уни шундай аташда давом этяпдилар.  
Тарих фани ер юзида уч минг йил аввал бўлиб  
ўтган воқеа-ҳодисалар ҳакида маълумотга эга  
эмас, гарчи бундан олдин ҳам ер юзида ягона  
давлат бўлиб, унга бутун олам императори, барча  
давлатларни ягона байроқ остига бирлаштирган  
шоҳ Махараж Юдхиштхира хукмронлик қиларди.  
Ҳозир Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси  
устида минглаган байроқлар ҳилпираб турибди,  
аммо Видура яшаган даврда Аджита, яъни  
Парвардигор Кришнанинг марҳамати билан ер  
юзида фақат битта байроқ бор эди. Ҳозирги  
дavrдаги ҳалқлар ҳам ер юзида ягона байроқ  
остига бириккан ягона давлат барпо этишга  
интиляптилар, лекин бунга эришиш учун  
Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати  
бўлиши лозим, чунки фақат Унинг Ўзи бутун  
жаҳон ҳалқларининг ягона оила бўлиб  
бирлашишига ёрдам беришга қодир.

#### Текст 21

Бамбукларнинг бир-бирига ишқаланишидан пайдо  
бўлган ёнғин бутун ўрмонни ёкиб кул қилгани  
сингари, унинг барча қариндошлари ҳам,  
ловуллаган жаҳолат оловининг курбони бўлгани  
ҳакидаги хабар Прабхаса деган муқаддас жойда  
Видурага этиб борди. Шундан сўнг у гарбга,  
муқаддас Сарасвати дарёси бўйларига йўл олди.

Изоҳ: Видура ўзининг ҳамма қариндошлари – Ядавалар ва Курулар – қирғинбартот урушда ҳалок бўлганидан хабар топди. Инсонлар жамиятида қайнаб турган эҳтирос туйғуси бу ерда бамбукларнинг бир-бирига ишқаланишига қиёсланган. Бу дунё худди ўрмонга ўхшайди, одамлар орасидаги тўқнашувлар истаган пайтда катта ёнғин бошлананишига сабаб бўлиши мумкин. Ўрмонга ҳеч ким атайлаб ўт қўймайди, ёнғин бамбукларнинг бир-бири билан ишқаланиши сабабли пайдо бўлади ва натижада бутун ўрмон ёниб кулга айланади. Худди шундай, Парвардигорнинг ташқи куввати адаштириб қўйган шартланган руҳларни қамраб олган эҳтирос олови шунга олиб келадики, жаҳон сиёсатининг катта ўрмонида уруш олови ўт олади. Худди ўрмонга кетган ёнғинни фақат осмондан ёғадиган ёмғир ўчира олиши мумкин бўлгани сингари, бутун жаҳонни қамраб олган эҳтирос оловини ҳам фақат авлиё ва тақводор инсонларнинг меҳр-муҳаббат булутларидан оқадиган марҳамат ёмғири ўчира олади.

### Текст 22

Сарасвати дарёси соҳилида ўн битта муқаддас саждагоҳ мавжуд: Трита, Ушана, Ману, Притху, Агни, Асита, Ваю, Судаса, Го, Гуха, Шраддхадева. Видура зарур бўлган маросимларни ўтказиб, шу жойларнинг ҳаммасини зиёрат килиб чиқди.

### Текст 23

Бундан ташқари, у жойларда Олий Шахс - Вишнунинг турли қиёфалари шарафига қурилган бошқа эҳромлар ҳам бор эди. Буюк донишмандлар ва фаришталар томонидан қурилган бу эҳромларнинг ҳар бирини, одамларга Парвардигор Шри Кришнани эслатиб, Худонинг ҳар хил кўринишдаги Илоҳлари безаб турарди.

Изоҳ: Инсонлар жамияти тўрт табақага ва руҳий ҳаётнинг тўрт поғонасига мос бўлган турмуш тарзига бўлинади. Жамиятнинг ҳар бир аъзосига тааллуқли бўлган бу тизим *варнашрама-дхарма* деб аталади, бу ҳақда мана шу буюк асар саҳифаларида бир неча марта хикоя қилинган эди. Донишмандларни, яъни умрини инсонлар жамиятига руҳий илм ўргатишга бағишилаган кишиларни двиджа-девалар, иккиси түғилганлар орасида энг яхшилари деб, Ой сайёрасидан бошлаб юқори сайёralарнинг аҳолисини эса, девалар деб атайдилар. Двиджа-девалар ва девалар эҳромлар қуриш билан машғул бўладилар. Бу эҳромлarda одамлар Говинда, Мадхусудана, Нрисимха, Мадхава, Кешава, Нарайяна, Падманабха, Пархасаратахи ва бошқа кўплаб қиёфаларда намоён бўлган ягона Парвардигор Вишнуга сифинадилар. Парвардигор сон-саноқсиз қиёфа ва шаклларда намоён бўлади, аммо уларнинг ҳаммаси бир биридан фарқ қилмайди. Парвардигор Вишнунинг тўрт қўли бор, уларнинг ҳар бирида У бирор жисмни ушлаб туради – сур, ҳалқа, гурзи ва нилуфар гули. Бу жисмлардан

асосийси чакра(ҳалқа) ҳисобланади. Вишнунинг бошланғич қиёфаси Парвардигор Шри Кришна фақат чакра(ҳалқа) ушлаб туради, шу боис Уни баъзан Чакри деб ҳам атайдилар. Парвардигорнинг Чакраси У бутун борлиқнинг хукмдори эканини билдириб туради. Одамлар узокдан кўзи тушишлари билан Парвардигор Шри Кришнани эслашлари учун Вишнунинг барча эҳромларининг тепасига Чакра қўйилган. Эҳромлар узокдан кўзга ташланиб туриши учун атайлаб уларнинг биносини баланд қилиб қурадилар. Инсоният тарихи бошланганидан анча илгари пайдо бўлган мана шу қоидага Ҳиндистон ҳалқи эҳром курилишида ҳозир ҳам катъий равишда амал киладилар. Калтафаҳм даҳрийларнинг Вишнунинг эҳромлари яқин ўтмишда қурилган деган тахминлари хато эканини мана шу ҳолатнинг ўзиёқ исботлаб турибди: Видура Вишнунинг эҳромларини камидан беш минг йил аввал зиёрат килиб чиқкан, бу эҳромлар эса, у ерларга Видура борганидан анча аввал қурилган. Буюк донишмандлар ва фаришталар ҳеч қачон эҳромларда одамлар ёки фаришталарнинг хайкалларини ўрнатмайдилар; улар оддий инсонларнинг баҳтини ўйлаб, уларнинг онгини ҳам Худони англаш даражасига кўтариш мақсадида Вишнунинг эҳромларини қурадилар.

### Текст 24

Унинг йўли Куружангала деб аталадиган ғарбий Ҳиндистон орқали, шунингдек, гуллаб яшнаётган Сурат, Саувира ва Матсья вилоятлари орқали ўтарди. Ниҳоят у Ямуна кирғоқларига етиб борди ва шу ерда Парвардигор Шри Кришнанинг буюк содик хизматкори Уддхавани учратди.

Изоҳ: Ҳозирги Дехли шаҳридан то Уттар-Прадеш штатидаги Матхура вилоятигача(Пенжаб вилоятининг Гуржаон туманининг бир қисми ҳам) бўлган тахминан 450 квадрат километрга тенг майдон бутун Ҳиндистон заминидаги энг муқаддас жой ҳисобланади. Бу жойлар табаррук жойлар, чунки бу ерлардан Парвардигор Шри Кришна ўтган. У Матхурада, онасининг акаси Камсанинг ўйида дунёга келган ва Вриндаванда тутинган отаси Нанда Махаражднинг ўйида ўсиб улғайган. У жойларда ҳозир ҳам чукур жазавага тушиб Кришнани ва Унинг болалиқдаги дўстлари бўлган гопиларни излаб юрган Худонинг асл содикларини кўплаб учратиш мумкин. Улар Кришна билан юзма-юз учрашмасалар ҳам, барибир, - бу муҳим эмас, - чунки ҳакиқий содик учун Кришнани бетиним излаш – У билан юзма-юз учрашиш билан бир. Нимага бундай бўлишини тушунтиришнинг иложи йўқ, лекин Парвардигорнинг соғ содиклари ҳамиша ана шундай ҳис-туйғу билан яшайдилар. Фалсафий нуқтаи-назардан қараганда, Парвардигор Шри Кришна ва уни узлуксиз эслаш мутлак поғонода туради, соғ онг билан Парвардигорни Вриндавандан излаш ҳакидаги фикрнинг ўзиёқ содикка Парвардигор билан юзма-юз учрашишдан

кўра кўпроқ лаззат бағишлийди. Ана шундай содиклар Уни умрининг хар бир дақиқасида яққол кўриб юрадилар, бу ҳақиқат “Брахма-самхита”(5.38) ҳам тасдиқланади:

*преманджана-ччхурита-бхакти-вилочанена  
сантаҳ садаива хридайешу вилокайанти  
йам шийамасундарам ачинтия-гуна-сварупам  
говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

“Олий Шахс Худо, Парвардигор Шиямасундара(Кришна)га жазавали мухаббат уммонига ғарқ бўлган содиклар чуқур муҳаббати ва садоқат билан қилган холис хизмати туфайли ҳамиша Уни ўзларининг қалбida кўриб юрадилар”. Ана шундай улуғвор содиклар каторига Видура билан Уддхавани ҳам киритиш мумкин, шу боис уларнинг иккиси ҳам Ямуна кирғогида пайдо бўлиб бир-бири билан учрашдилар.

#### Текст 25

Қалби муҳаббат ва шодликка тўлган Видура қачонлардир Брихаспатининг энг яхши шогирдларидан бири, Парвардигор Шри Кришнанинг доимий ҳамрохи(Уддхава)ни бағрига каттиқ босди. Кейин у Уддхавадан Парвардигор Шри Кришнанинг оиласи ҳақида гапириб беришни сўради.

Изоҳ: Видура ёши жиҳатидан Уддхаванинг отаси катори эди, шунинг учун Уддхава Видура билан учрашганда унга таъзим қилди, Видура эса, уни худди ўз ўғлидай бағрига босди. Видуранинг акаси Панду Парвардигор Шри Кришнанинг тоғаси эди, Уддхава эса Кришнанинг амаки укаси эди. Одатга кўра, Уддхава Видурага худди ўз отасидай хурмат-эҳтиром кўрсатиши лозим эди. Уддхава буюқ билимдон-рухоний, фаришталарнинг руҳий устози бўлган Брихаспатининг асранди ўғли ва шогирди бўлиб, мантиқ бўйича чуқур билимга эга эди. Видура гарчи қариндошлари аллақачон кирилиб кетганини билса ҳам, Уддхавадан ўзининг қариндошлари ҳақида сўраб-суриштириди. Бу савол ғалати бўлиб туюлиши мумкин, аммо, Шрила Жива Госвамининг фикрига кўра, қариндошларининг ҳалокати Видурани шу қадар чуқур мусибатга солган эдики, бу воқеа қандай рўй берганини батафсилоқ билиб олиш учун у бу ҳақда Уддхавадан сўрашга қарор қилди. Шундай килиб, Видуранинг саволи амалий нуқтаи-назардан эмас, балки унинг руҳий ҳолати билан боғлиқ эди.

#### Текст 26

Парвардигорнинг азалий шахслари ҳақида гапириб бер! Улар Брахманинг илтижоларини инобатга олиб Ер юзида намоён бўлиб, хар бир инсонни улуғвор погонага кўтариб, бутун оламга фаровонлик келтирилар. Шурасена хонадонида яшаётган Уларнинг ҳамма ишлари жойидами?

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна ва Парвардигор Баларама Парвардигорнинг икки хил Шахслари

эмас. Худо бир, аммо У Ўзини бир-биридан ажралмайдиган кўплаб қиёфаларда тарқатади. Уларнинг ҳаммаси – Унинг тўла экспансиялари ҳисобланади. Парвардигор Шри Кришнанинг биринчи экспансияси Баладева ҳисобланади, Гарбходакашайи Вишнунинг танасидан ўсиб чиқадиган нибуфар гулидан пайдо бўлган Брахма, - Баладеванинг экспансияси ҳисобланади. Шундай қилиб, Кришна ва Баладева коинот қонунларига бўйсунмайдилар, аксинча, бутун борлиқ Уларга бўйсунади. Улар Брахманинг илтимоси билан Ер сайёрасининг оғирини енгил қилиш учун шу ерда намоён бўлдилар. Улар кўплаб гайритабиий кароматлар кўрсатиб, оламни иллатлардан покладилар, унга баҳт-саодат ва фаровонлик келтирилар. Худонинг марҳаматисиз ҳеч ким баҳтли бўлолмайди, ҳеч ким бирор ишда муваффақият қозона олмайди. Худонинг содикларининг оилавий баҳти Парвардигорнинг баҳтига боғлиқ бўлгани учун, Видура биринчи навбатда Парвардигорнинг фаровонлиги ҳақида сўраб суриштириди.

#### Текст 27

Куру хонадонининг энг яқин дўсти, бизга куёв бўлмиш Васудеванинг ахволлари яхшими? Унинг саховатининг чегараси йўқ. У ўз сингилларига ота ўрнида ғамхўрлик қилади ва ҳамиша хотинларининг кўнглини топа билади.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришнанинг отаси Васудеванинг ўн олти хотини бор эди, улардан бири Паурави ёки Рохини Баладеванинг онаси ҳамда Видуранинг синглиси эди. Демак, Видуранинг опасининг эри Васудева унга куёв бўларди. Васудеванинг синглиси Кунти Пандунинг, Видуранинг акасининг хотини эди, бу томондан ҳам Васудева Видурага қариндош эди. Кунти Васудеванинг синглиси эди, аканинг бурчи эса, синглисига худди ўзининг қизидек ғамхўрлик қилишдан иборат. Кунти бирор нарсага муҳтоҷ бўлганида синглисими жонидан азиз кўрадиган Васудева саховат билан унга ҳамма нарсани инъом этарди. Васудева ҳамиша ўзининг хотинларига ғамхўрлик қилар ва синглисинг барча истакларини амалга оширади. У Кунтига алоҳида меҳр билан ғамхўрлик қиларди, чунки синглиси эрта бева бўлиб қолганди. Васудеванинг ҳол-аҳволи ҳақида сўраб-суриштирас экан Видура Васудева ва унинг оиланинг бошқа аъзолари билан бўлган ўзаро муносабатларига тааллукли ҳамма нарсаларни эслади.

#### Текст 28

Эй Уддхава, аввалги ҳаётида Купидон бўлган, ҳозир эса Ядулар қўшинининг қўймондени Прадюмна яхши юрибдими? Холис хизмати билан брахманларнинг хурматини қозониб, уларнинг дуо-илтижолари шарофати билан Рукмини уни Кришнадан туқсан эди.

Изоҳ: Шрила Жива Госвамининг фикрига кўра, Смарा(Купидон, Камадева) Кришнанинг мангу ҳамроҳларидан бири. Жива Госвами буни ўзининг “Кришна-сандарбҳа” трактатида батафсил тушунтириб беради.

### Текст 29

Эй дўстим, Сатватлар, Вришнилар, Бходжа ва Дашархалар шоҳи Уграсенанинг аҳволлари яхими? Сургунга кетаётиб у салтанат тахтини эгаллашдан батамом умидини узган эди, аммо Парвардигор Шри Кришна уни яна салтанат тахтига ўтқазди.

### Текст 30

Эй мартабали зот, отаси - Худо Шахсиға қуиб қўйгандек ўхшайдиган Самбанинг ишлари яхими? Олдинги ҳаётида унинг исми Карттикея бўлиб, Шиванинг хотинидан дунёга келган эди. Бу ҳаётида эса, Шри Кришна хотинларининг ичидаги энг саховатлиси бўлган Джамбаватидан дунёга келди.

Изоҳ: Худо Шахсининг уч гуна-аватарасидан бири бўлган маъбуд Шива Парвардигорнинг тўлиқ экспансияси ҳисобланади. Ундан дунёга келган Карттикея Парвардигор Шри Кришнанинг ўғли Прадьюмана билан бир поғонода туради. Парвардигор Шри Кришна моддий оламга ташриф буюрганида У билан бирга Унинг тўлиқ экспансиялари ҳам тушади ва Унинг ишларини амалга оширишда ёрдам беради. Парвардигорнинг Вриндавандаги эрмакларидан бошқа Унинг бу дунёдаги барча ишларини Унинг тўлиқ экспансиялари амалга оширган. Васудева – Нарайянанинг тўлиқ экспансияларидан бири. Деваки билан Васудеванинг олдида Васудева қиёфасида пайдо бўлиб, Парвардигор уларга

Ўзининг Нарайяна қиёфасини намоён этди. У билан бирга жаннатий сайёralардаги барча фаришталар ер юзида туғилдилар, улар Кришнанинг қариндошлари ва дўстлари – Прадьюмана, Самба, Уддхава ва бошқаларнинг вазифасини бажардилар. Бу шеърлардан маълумки, фаришта Камадева ер сайёрасида Прадьюмана қиёфасида, Карттикея эса – Самба қиёфасида, Васулардан бири эса ер юзига Уддхава бўлиб келган. Уларнинг ҳаммаси Кришнанинг эрмакларини қизиқарли ва чиройли қилиши учун ўзларига юқлатилган вазифани бажариб Худога хизмат қилдилар.

### Текст 31

О Уддхава, Ююдхананинг ишлари жойидами? Ҳарбий санъат сирларини у Аржундан ўрганиб илоҳий поғонага кўтарилиган эди. Бундай мартабага ҳатто таркидунё қилган улуғ инсонлар ичидаги аълосининг ҳам эришиши амри маҳол.

Изоҳ: Илоҳий поғонага эришиш – адҳокшаджса, яъни, “моддий сезгилар ёрдамида қабул қилиш

мумкин бўлмаган Зот” деб аталадиган Парвардигор билан шахсан мулоқотда бўлиш имкониятига эга бўлиш демакдир. Таркидунё қилган кишилар Шахсиятсиз Браҳманга қўшилишдан илоҳий лаззат олиш учун оиласини, хотин, бола-чакасини, дўст-ёрларини, уйини, бутун бойлигини тарк этиб – бир сўз билан айтганда ҳамма нарсадан воз кечиб, бу дунё билан бўлган ҳамма алоқаларини узадилар. Лекин, Браҳманга қўшилиб кетган кишининг ҳис киладиган лаззатини Адҳокшаджани англаб етган кишининг ҳис киладиган баҳти билан умуман тенгглаштириб бўлмайди. Эмпирик файласуфлар Олий Ҳақиқат ҳақида фикр-мулоҳаза юритишдан илоҳий лаззат оладилар, аммо уларнинг оладиган лаззати Браҳман Ўзининг мангу Худо Шахси қиёфасида оладиган лаззати билан умуман тенгглаша олмайди. Браҳманга қўшилиш лаззати тирик мавжудотга у моддий олам тутқунлигидан озодликка чиққанида келади, аммо Парабраҳман, Худо Шахси Ўзининг хладини-шакти деб аталадиган ички қувватидан мангу лаззат олади. Моддий оламдан воз кечиб Браҳманни англаб етадиган эмпирик файласуфлар ҳали Браҳманнинг хладини қувватини англаб етмаганлар. Ҳар нарсага қодир Парвардигорнинг сон-саноқсиз қувватлари ичидаги Унинг ички қувватининг уч тури мавжуд: *самвит, сандхини ва хладини*. Буюк йоглар ва гіанилар яма, нияма, асана, дхяна, дхарана ва пранаяма қоидаларига қанчалик қатъий риоя қилмасинлар, барибири улар Парвардигорнинг ички қуввати салтанатига кира олмайдилар. Аммо, Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содиклар ҳеч қийналмасдан Унинг ички қувватига кира оладилар. Худди Аржундан таълим олиб ҳарбий санъат сирларини эгаллагани сингари, Ююдхана ҳам ана шу қувватни англаб етган эди. Шундай қилиб у ҳаётда ҳам моддий, ҳам руҳий жиҳатдан тўла муваффакият қозонган эди. Худога садоқат билан хизмат қилишнинг натижаси ана шундай бўлади.

### Текст 32

Швапхалканинг ўғли Акруранинг ишлари жойидами? У ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган покдомон зотлардан биридир. Бир куни у илоҳий муҳаббатдан жазавага тушиб, ақлу-хушини йўқотиб, йўлда Парвардигор Шри Кришнанинг оёқ излари сакланиб колган чанг устига ўзини ташлаган эди.

Изоҳ: Акрура Кришнани излаб Вриндаванга кириб борганида, Нанда-граманинг чанг йўллари устида у Парвардигорнинг оёқ изларини кўриб қолди ва илоҳий муҳаббатдан жазавага тушиб, шу заҳотиёқ ўзини чанг йўлга ташлади. Фақат ҳамиша Кришна ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга бутунлай ғарқ бўлиб юрган содикларгина ана шундай илоҳий жазавали лаззатни ҳис кила оладилар. Парвардигорнинг шундай содиги пок ва бегуноҳ бўлади, чунки у ҳамиша мутлақ поклик тимсоли бўлган Худо Шахси билан мулоқотда бўлиб

юради. Узлуксиз равишда Парвардигор ҳакида фикр-мулоҳаза юритиш – инсонни моддий сифатлар билан булғанишдан асраб юрадиган ўзига хос антисептик ҳисобланади. Парвардигор ҳакида ўйлаб юрган содиқ ҳамиша У билан бирга бўлади. Лекин, маълум бир вазиятларда содикнинг илохий хис-туйғулари бошқача кўринишга эга бўлиб, уни руҳий хотиржамлик ҳолатидан чиқариб юбориши мумкин. Илохий лаззатнинг ёрқин намунасини Парвардигор Чайтанъя кўрсатиб кетган, бу ҳакда Парвардигорнинг намоён бўлган ана шу киёфасининг ҳаёти ҳакидаги асарларда батафсил ҳикоя қилинган.

### Текст 33

Ўзида барча турдаги қурбонлик жараёнларининг мақсадини мужассам қилган “Веда”лар сингари, Бходжа шоҳи Деваканинг қизи ҳам, фаришталарнинг онасига ўхшаб, қорнида Олий Худо Шахсини олиб юрди. Ана шу Девакининг ишлари жойидами?

Изоҳ: Ведалар ўзида илохий илм ва руҳий қадриятларни мужассам қилган; худди шундай, Парвардигор Шри Кришнанинг онаси Деваки ҳам, ўзининг корнида Ведавий донишмандлик илмининг тимсоли бўлган Парвардигорни олиб юрганди. Ведалар билан Парвардигор орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Ведаларнинг мақсади – Ведалар тимсоли бўлган Парвардигорни англаб етишдан иборат. Деваки чукур маънога эга бўлган Ведаларга ўхшайди, Парвардигор эса, Ведаларнинг мақсади ҳисобланади.

### Текст 34

Анирудханинг ҳамма ишлари жойидами? У асл содикларнинг барча истакларини рўёбга чиқаради ва уни азалдан “Риг-веда”нинг манбаи, ақлни яратувчи ҳамда Парвардигор Вишнунинг тўла намоён бўлган тўртинчи киёфаси деб ҳисоблайдилар.

Изоҳ: *Ади-чатурбхуджса*, яъни Баладеванинг бирламчи тўрт экспансияси таркибига Васудева, Санкаршана, Прадьюмна ва Анируддха киради. Уларнинг ҳаммаси *вишну-таттва* ҳисобланади, яъни Худо Шахсидан фарқ қилмайди. Ана шу экспансиялар ер юзига ўзларининг эрмакларини намоён этиш учун Парвардигорнинг Шри Рама киёфаси билан бирга ташриф буюрганлар. Парвардигор Рама – бошлангич Васудеванинг ўзи, Санкаршана, Прадьюмна ва Анируддха эса Унинг укалари бўлди. Анируддха шунингдек, нафасидан “Риг-веда” пайдо бўлган Маха-Вишнунинг манбаи ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси “Маркандея-пурана”да батафсил тушунирилган. Ер юзига Парвардигор Шри Кришна ташриф буюрганида Анируддха Унинг ўғли бўлиб келди. Даракадаги Парвардигор Шри Кришна – ади-чатурбхуджа таркибидаги Васудева ҳисобланади. Азалий Парвардигор Шри Кришна ҳеч қачон Голока

Бриндаванни тарк этмайди. Парвардигорнинг барча тўлиқ экспансиялари ягона вишну-таттва бўлиб, уларнинг ҳаммаси бир хил қудратга эга.

### Текст 35

Эй чукур мулоҳазали инсон, у ердаги бошқа зотлар қандай кун кечиряптилар, Парвардигор Шри Кришнани ўзларининг жони деб биладиган ва шу боис Унинг барча кўрсатмаларига сўзсиз амал қиласидиган Хридика, Чарудешна, Гада ва Сатябҳаманинг ишлари яхшими?

### Текст 36

Яна айтчи, шаҳаншоҳ Юдхиштҳира салтанатни диний қонун-коидалар асосида бошкаряптими, ўзи ҳам дин қонунларини эъзозлайдими? Бир вақтлар, Дурйодхана Юдхиштҳирага нисбатан ҳасад ўтида ёниб юрарди, чунки Шри Кришна ва Аржуннинг қўллари уни шу қадар мустаҳкам химоя қиласиди, гўё бу қўллар унинг ўзининг қўллари эди.

Изоҳ: Махараж Юдхиштҳира дин тимсоли эди. У Кришна ва Аржуна ёрдамида салтанатга ҳуқмронлик қилиб юрган пайтларда унинг бойлиги жаннатдаги сайёralарнинг барча бойликларидан ҳам кўпроқ эди. Юдхиштҳиранинг бойлиги бутун оламнинг бойлигидан кўплигининг сабаби шунда эдики, Парвардигор Шри Кришна ва Аржуна унинг “қўллари” бўлиб хизмат қиласиди. Юдхиштҳирага ҳасад қилиб юрган Дурйодхана унга бирор зарар етказиш учун ҳамиша турли ҳийла-найранглар ўйлаб топарди, буларнинг ҳаммаси охир-окибатда Курукшетрада жанг бошланишига сабаб бўлди. Уруш тугагандан кейин Махараж Юдхиштҳира ўзининг қонуний салтанатида яна тахтга ўтириди ва унда виждон қонунларини ҳамда динни эъзозлаш қоидаларини ўрнатди. Тахтида Махараж Юдхиштҳирага ўхшаган такводор шоҳ ўтирган салтанат ана шуниси билан ажойиб ҳисобланади.

### Текст 37

Кобра илони сингари енгилмас Бҳима узок вақтдан бери ичига ютиб келаётган ғазаб оловини ниҳоят бу виждонсизлар бошига ёғдирдими? У ўзининг гурзисини ўйнатиб жанг майдонига чиққанида шу ерга тўпланган барча жангчилар таърифлаб бўлмас даражада даҳшатга тушардилар.

Изоҳ: Бҳиманинг қанчалик кучли эканини Видура яхши биларди. Ҳар гал жанг майдонида Бҳима пайдо бўлганида, бу жангчининг моҳирлик билан гурзисини ўйнатиши ва шахдам қадамлари душман жангчиларини даҳшатга соларди. Қудратли Бҳима узок вақтгача Дхритараштранинг ўғилларига қарши бирор фаол қаршилик кўрсатмади, шунинг учун Видуруни ниҳоят Бҳима ўзининг жароҳатланган кобра илонининг ғазабини эслатадиган ўткир ғазаби ўтини душманларига соча олгани қизиқтиради. Ўзининг жаҳлини узок

вақт ушлаб турған кобра илони кимга захрини сочса, ўша одам ўлимга маҳкум хисобланади.

### Текст 38

Гандива номли камон эгаси Аржуннинг ишлари яхшими? Жанг аравасида жанг қиласидан жангчилар орасида у душманлари устидан ҳамиша ғалаба қозониши билан машхур. Шива бир куни овчи қиёфасида унинг олдида пайдо бўлганида, уни танимасдан моҳирлик билан унга ўқлар ёмғирини ёғдиргани учун ҳатто маъбуд Шива ҳам Аржундан мамнун бўлган эди.

Изоҳ: Бир куни маъбуд Шива Аржуннинг кучини синаб кўрмоқчи бўлди ва отиб ўлдирилган тўнғизни баҳона қилиб у билан жанжаллашиб қолди. У Аржуннинг олдида овчи кийимида пайдо бўлди, шунда Аржун то Шива унинг энг моҳир камончи эканига ишонч ҳосил қилмагунча уни пайконлар ёмғирига кўмиб ташлади. Аржунни дуо қилиб, маъбуд Шива унга ўзининг Пащупати қуролини ҳадя қилди. Видура ана шу буюк жангчининг ишлари қандай экани билан қизиқди.

### Текст 39

Катта акалари соясида яшаётган эгизакларнинг аҳволи яхшими? Бир пайтлар Гаруда осмон шоҳи Индранинг оғзидан шарбатни олиб кетгани сингари, душмани Дурйодхоннинг қўлидан ўзларининг қонуний салтанатини тортиб олган Притхининг ўғиллари шу эгизакларни худди киприклар кўзни асрагандай ҳимоя қиласидар.

Изоҳ: Осмон шоҳи Индра ҳамиша қўлига яшин қуролини ушлаб юради, кудратли кучга эга, шунга қарамай, Парвардигор Вишнуни олиб юрадиган қуш Гаруда ундан мангулик шарбатини тортиб олиб кетган эди. Дурйодхана куч борасида осмон шоҳидан қолишмасди, лекин барибир Притхининг ўғиллари, Пандузодалар ундан ўз салтанатини тортиб олдилар. Гаруда ҳам, Партахалар ҳам – Парвардигорнинг суюкли содиқлари, шунинг учун улар ҳар қандай, ҳатто энг кучли душман устидан ҳам ғалаба қозона оладилар.

Видура кичкина Пандузодалар, Накула ва Сахадева ҳақида сўраганди. Эгизак ака-укалар бошқа Пандузодаларнинг ўгай онаси Мадрининг ўғиллари эди. Гарчи улар Кунтининг ўғилларига ўгай бўлсалар ҳам, Кунти уларга худди ўз ўғилларидай ғамхўрлик қиласидар, шунинг учун Накула билан Сахадева ҳам худди қолган катта уч Пандузода – Юдхиштхира, Бхима ва Аржундай бўлиб ўсиб улғайдилар. Бутун олам беш Пандузодани туғишган ака-укалар деб ҳисоблайди. Уч катта ака кичикларни худди киприклар кўзни асрагандай авайлаб ҳимоя қилиб юрадилар. Видура, Пандузодалар ўз салтанатини Дурйодханадан тортиб олгандан кейин кичик Пандузодалар катталарнинг ҳимояси остида баҳтиёр яшаётганини билмоқчи эди.

### Текст 40

Эй ҳукмдор, Притха(Кунти) яхши яшаетими? У етим қолган шу ўғилларини ўйлабгина тирик қолганди. Агар улар бўлмаса, у иккинчи камондан фойдаланиб бир ўзи оламнинг тўрт тарафини забт этган эри, буюк саркарда, шаҳаншоҳ Пандудан айрилиқ азобига бардош беролмасди.

Изоҳ: Садоқатли хотин ўзининг ҳукмдори, эрисиз яшай олмайди, шунинг учун қадимда бева қолган аёллар ўз ихтиёри билан эрининг танаси ёқиласидан гулхан ичига кирганлар. Ҳиндистонда бу удум жуда кенг тарқалган эди, чунки ўша пайтларда аёллар покомонлиги ва ўз эрларига садоқати билан ажралиб турардилар. Кейинчалик, Кали юга даври кириб келиши билан аёлларда эрларига бўлган аввалгидай садоқат қолмади, беваларнинг ўз ихтиёри билан эрининг жасади ёқилаётган гулхан ичига кириш одати ҳам унтулиб кетди. Яқинда ана шу удум қонун билан таъкиқлаб кўйилди, чунки бу одат баъзи жойларда ихтиёрий эмас, балки зўрлик билан амалга оширила бошланди, аёллар энди бу ишни ўз ихтиёри билан эмас, жамоатчилик тазиики остида мажбуран қилишга мажбур бўла бошладилар.

Махараж Панду ўлганида унинг икки хотини – Кунти ҳам, Мадри ҳам – дафн гулханига киришга тайёрландилар, лекин Мадри Кунтидан етим қолган беш Пандузода учун тирик қолишни илтимос қилди. Унинг илтимосига Въясадева ҳам қўшилди – шундан кейин Кунти рози бўлди. Бу буюк йўқотишга қарамай, Кунти яшашга қарор қилди, аммо, у эри ўлгандан кейин ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун эмас, балки ўз фарзандларини қаровсиз ва ҳимоясиз қолдирмаслик учун шундай қилди. Келини Кунтидевининг ҳаётининг барча икирчикирларини билгани учун Видура бу воқеаларни эслаб ўтаётган эди. Бу шеърдан кўриниб турибди, Махараж Панду буюк жангчи бўлиб, бир ўзи, камон ва пайконлар ёрдамида оламнинг тўрт томонини забт қила олган. Ана шундай эридан айрилган Кунти оддий бева бўлиб ҳам яшашни ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олмасди, лекин ўзининг беш ўғли учун яшашга мажбур эди.

### Текст 41

Эй олийжаноб инсон, мархум укасига қарши чиқаётган (Дхритараштра)нинг аҳволига ичичимдан қайғуришдан бошқа иложим йўқ. Мен ҳамиша унга чин қалбимдан яхшилик тилардим, аммо у ўғилларининг гапига кириб, мени ўз уйимдан ҳайдаб чиқарди.

Изоҳ: Видура Уддхавадан акасининг ҳол-аҳволи ҳақида сўраб-суриштириб ўтирамди, чунки тубанликка юз тутиб дўзах сари шиддат билан бораётган кишининг ҳаёти яхши бўлиши мумкин эмас. Видура ҳамиша Дхритараштрага яхшилик қиласидар, шу боис у барибир қалбининг тўрида шу баҳтиқаро акаси ҳақида жуда кўп ўйларди. Дхритараштранинг марҳум укасининг ўғилларига қарши чиқаётгани ва ўзининг виждонсиз

ўғилларининг гапига кириб уни ўз уйидан ҳайдаб юборгани Видурани қаттиқ қийнарди. Лекин шунга қарамай, Видура ҳеч қачон Дхритараштрані ўз душмани деб ҳисобламаган ва унга фақат яхшилик исташда давом этган, Дхритараштранинг умрининг охирги қунларида эса, бу дунёда фақат Видура унинг ҳақиқий дўсти экани маълум бўлади. Видурага ўхшаган ҳақиқий вайшнав ўзини ана шундай тутади: у ҳаммага, ҳатто ўзининг душманларига ҳам фақат яхшилик килишни истайди.

#### Текст 42

Шунча вақтдан бери пинҳона юрт айланиб юргандан кейин, буларнинг мен учун ҳеч ажабланарли жойи қолмади. Оддий одамнинг ишларига ўхшаб кетадиган Парвардигорнинг кароматлари кўп кишиларни ҳайратга солади, аммо Унинг марҳамати билан менга Унинг улугворлиги аён бўлди ва шу боис ўзимни тўла баҳтиёр деб биламан.

Изоҳ: Гарчи Видура билан Дхритараштра акаукалар бўлса ҳам, улар бир-бирига умуман ўхшамасдилар. Парвардигор Шри Кришнанинг марҳамати билан Видура, акасидан фарқли равишда жуда ақлли инсон эди, акаси билан ҳамсұхбат бўлиш унга ўзининг салбий таъсирини ўтказа олмаган эди. Дхритараштра ва унинг материалист ўғиллари оламга сохта хукмонликни куч билан қўлга киритишга уриндилар. Парвардигор уларнинг интилишини маъқуллади, натижада улар моддий тирикчилик тўрига баттар ўралашиб қолдилар. Видура эса, Худога холис хизмат қилишга самимий интиларди, шу боис ўз ихтиёрини бутунлай Худога топширган буюк рух бўлиб етишди. Муқаддас саждаохларни зиёрат қилиб юриб буни англаб етганида, у барча шубҳаю-гумонлардан бутунлай покланди. У фақат Худонинг марҳаматидан умидвор бўлиб яшаш инсонга унинг ўз уйидан кўра кўпроқ эркинлик беришини тушунгани учун уйидан маҳрум бўлганидан сира афсусланмасди. Парвардигор ҳамиша унга ғамхўрлик қилиб, уни ҳамиша химоя қилиб юришига қаттиқ ишонган кишигина таркидунё қилиб яшашга қодир бўлади. "Бҳагавад Гита"(16.1)да инсон ҳаётининг ана шу поғонаси ҳақида шундай дейилган: *абхайам саттва-самишуддхиҳ* – ҳар бир тирик мавжудотнинг ҳаёти бутунлай Худонинг марҳаматига боғлиқ, лекин буни фақат ўзининг ҳаётини тўла поклаган кишигина англаб етишга қодир. Инсон ўзининг ҳаёти бутунлай Худонинг қўлида эканини англаб етган поғона *саттва-самишуддхиҳ* – ҳаётини поклаш деб аталади. Ана шундай поклаш натижасида инсон қалбида кўркув туйгуси бутунлай йўқолади. Худонинг *нараяна-пара* деб аталағиган содик хизматкори ҳеч қачон ҳеч нарсадан қўрқмайди, чунки у ҳар қандай вазиятда ҳам Парвардигорнинг ишончли ҳимояси остида эканини билади. Шунга ишончи комил бўлган Видура ёлғиз ҳолда саёҳат қилиб юради, уни

дўстлари ҳам, душманлари ҳам кўрмас, танимас эдилар. Шу тариқа у ўзидан барча дунёвий вазифаларни соқит қилиб, тўла эркин, мустақил ҳолда лаззатланиб юради.

Парвардигор Шри Кришна Ўзининг мангу, лаззатга тўла Шъямасундара қиёфасида бу ўткинчи дунёда юрган пайтда, Унинг соф содифи бўлмаган кишилар Уни танимадилар ва Унинг улуғворлигини билмас эдилар. *Аваджсананти мам мудха манушим танум ашритам*(Б.г.(9.11): У Ўзига ишонмайдиган кишилар учун ҳамиша жумбок бўлиб қолаверади, Унинг содиклари эса, ўзларининг садоқатли хизмати эвазига ҳамиша Парвардигорни кўриб юриш имкониятига эга бўладилар.

#### Текст 43

Изтироб чекаётганларга дарҳол ёрдамга келишга тайёр ва бутун борлиқ устидан хукмон эканлигига қарамай, гарчи, Куруларнинг қилмаган гуноҳи қолмаган ва уч ҳил манманликнинг (бойлиги, илми, хокимиияти) таъсири остида бошқа подшоҳлар ҳам ўзларининг ҳарбий юришлари билан Ер сайёрасининг тинчлигини бузაётганини кўриб турган бўлса ҳам, У (Шри Кришна) Куру хонадонини бирданига яксон қилмади.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"да айтилганидек, Парвардигор бу ўткинчи дунёга жуда муҳим иш(миссия) билан келади: гуноҳкорларни яксон қилиш ва мусибат чекаётган тақводорларни ҳимоя қилиш. Шунга қарамай Парвардигор Куруларнинг Драупадини ҳақорат қилишларига йўл қўйиб берди, Пандузодаларнинг бошига тушаётган адолатсизликларга карши ҳеч қандай чора кўрмади, ҳатто Ўзини ҳақорат қилишларига ҳам чидам билан сабр қилди. Шундай савол туғилиши мумкин: "Қандай қилиб Парвардигор Ўзининг кўзи олдида ана шундай конунбузарликларга, ҳақорат қилишларга йўл қўйди? Нимага У шу заҳотиёқ Курузодаларни жазоламади?" Курузодалар Драупадини ҳақорат қилмоқчи бўлганларида Парвардигор Драупадининг сарисини чексиз узун қилиб, уни ҳимоя қилди, лекин уни ҳақорат қилган жиноятчиларни шу заҳотиёқ жазолаб ўтирамади. Лекин Парвардигорнинг бундай қилиши У Курузодаларнинг бу гуноҳини кечириб юборди дегани эмас. Ўша пайтда ер юзида ўзининг бойлиги, билимдонлиги ва фуқароларининг сони билан мағурланиб, бир-бири билан бетиним урушлар олиб бориб Ернинг тинчлигини бузиб юрган бошқа шоҳлар ҳам кўп эди. Парвардигор шунчаки уларнинг ҳаммасини бирданига яксон қилиш, шу билан иблисларни яксон қилишдан иборат вазифасини тезроқ амалга ошириш учун уларнинг ҳаммаси Курукшетра жанг майдонида тўпланишини кутиб юрган эди. Худога ишонмайдиган имонсиз шоҳлар ёки ҳукumat раҳбарлари ўзларининг бойлиги, илми ва фуқароларининг кўплиги билан мағурулана бошласа, куролларини ишга солиб, бегуноҳ

одамларга чексиз мусибат келтира бошлайдилар. Парвардигор Шри Кришна ер юзида юрган пайтларда ана шундай шохлар жуда кўп эди, шунинг учун Парвардигор Курукшетра жанг майдонида катта урушни уюштириди. Аржунага Ўзининг вишва-рупа қиёфасини намоён этиб, Парвардигор Ўзининг ер сайёрасига келишдан мақсадини шундай таърифлаганди: “Мен Ўз ихтиёrim билан номаъкул аҳолининг сонини камайтириш мақсадида Ер сайёрасига бешафқат Замон тимсолида ташриф буюрдим. Мен бу ерга тўпланган жангчиларнинг ҳаммасини яксон қиласман, фақат сиз Пандузодалар тирик қоласизлар. Бу жангчиларнинг тақдири сенинг жанг қилиш ёки қилмаслигинга боғлиқ эмас. Уларнинг тақдири аллақачон ҳал бўлган: уларнинг ҳаммасини Мен Ўзим ўлдираман. Агар сен бу жангнинг қаҳрамони бўлиб шухрат қозонишни ва қўлга киритган бойлигинг билан лаззатланишини истасанг, эй Савясачи, унда ана шу жангчиларнинг ҳалок бўлишига бевосита сабабчи бўл ва қаҳрамонлик билан шухрат қозон. Мен бу ерга тўпланган барча буюк жангчилар: Бхишма, Драна, Жаядратха, Карна ва бошқа кўплаб саркардаларни аллақачон ўлдириб кўйганман. Ҳеч нарсадан ташвишланма. Жанг қил ва галаба нашъасини сур”(Б.г.11.32-34).

Парвардигор Ўзи амалга оширган у ёки бу қаҳрамонликнинг барча шон-шуҳрати Унинг содик хизматкориники бўлишини уюштиришни жуда яхши кўради. У Ўзининг дўсти ва содик хизматкори Аржунани Курукшетрадаги жангнинг қаҳрамони сифатида кўришни истаган, шу боис жаҳоннинг барча гуноҳкорлари бир жойга тўпланадиган пайтни кутиб юрган эди. Унинг гуноҳкорларни жазолашдан Ўзини тийиб туришига шундан бошқа бирор сабаб йўқ эди.

#### Текст 44

Парвардигор Шри Кришна бу дунёда ўзидан бошқаларни писанд қилмайдиган димогдорларни яксон қилиш учун Ўзини намоён қиласди. Унинг кўрсатган кароматлари илоҳий табиатга эга ва бу ишларни У фақат инсонларнинг ғафлат босган кўзларини очиш учунгина қиласди. Моддий табиат гуналарига нисбатан мутлақо илоҳий бўлган Худо Шахси, Ерда намоён бўлар экан, бошқа нимани ҳам ният қилиши мумкин?

Изоҳ: *Ишвараҳ парамаҳ кришинаҳ сач-чиd-ананда-виграҳаҳ*(Б.с.5.1): Парвардигорнинг қиёфаси мангу, илм ва лаззатга тўла. Шунинг учун Унинг туғилиши – шунчаки бир кўриниш, холос. Буни худди уфқда күёшнинг пайдо бўлишига ўхшатиш мумкин. Бошқа тирик мавжудотларнинг туғилишидан фарқли равишда Унинг бу дунёга келиши моддий табиат қонунлари асосида рўй бермайди ва Унинг аввалги фаолиятининг натижаси хисобланмайди. Парвардигорнинг ишлари ва кароматлари – шунчаки Унинг эрмаклари, Унинг Ўзининг эркин иродасини намоён этиши бўлиб, уларга моддий табиат

конунлари таъсир қиласди. "Бҳагавад Гита"(4.14)да шундай дейилган:

*на мам кармани лимпанти на ме карма-пхале сприха ити мам ѹо "бҳиджсанати кармабхир на са бадхъате*

Парвардигорнинг тирик мавжудотлар учун ўрнатиб қўйган карма қонунлари Унинг Ўзига таъсир қиласди, бошқа тирик мавжудотлардан фарқли равишда Парвардигор ҳеч қачон Ўзининг ҳолатини яхшилаш мақсадида бирор фаолият билан шуғулланмайди. Оддий тирик мавжудотлар ўзларининг моддий оламдаги тирикчилик қилиш шароитларини яхшилаш учун меҳнат қиласди. Аммо Парвардигор азалдан ҳамма бойликларнинг, ҳамма куч-кудратнинг, барча шон-шуҳратнинг, бутун гўзалликнинг, бутун илмнинг ва таркидунёликнинг эгаси хисобланади. Унинг интиладиган бирор мақсади йўқ. Ҳеч ким йўзининг бирор жихати бўйича Парвардигордип устун бўла олмайди, шунинг учун Унинг Ўзининг ҳолатини яхшилаш учун бирор нарсага интилишига ҳеч кандай сабаб йўқ. Парвардигорнинг кўрсатадиган кароматлари билан оддий тирик мавжудотларнинг қиласди ишлари орасидаги фарқни билиш керак. Парвардигорнинг илоҳий Зот эканини англаб етган киши Худонинг содик хизматкори бўлишга ва йўзининг аввалги фаолиятининг барча оқибатларидан ҳалос бўлишга кодир бўлади. *Кармани нирдаҳати кинту ча бҳакти-бҳаджам:* Парвардигор Ўзининг содик хизматкорининг барча гуноҳлари оқибатини кескин камайтириб юборади ёки бутунлай яксон қиласди(Б.с.5.54).

Барча тирик мавжудотлар Парвардигорнинг кўрсатган кароматлари ҳакида тинглаши ва улардан лаззатланиши лозим. Парвардигорнинг бу дунёда турли кароматлар кўрсатишдан ягона мақсади – оддий одамларнинг дикқатини Ўзига жалб қиласдан иборат. Парвардигор ҳамиша Ўзининг содик хизматкорларининг манфаатини кўзлаб ҳаракат қиласи ва уларни ҳимоя қиласди билан оддий одамлар(кармилар ва нажот излаб юрган гянилар)ни Ўзига жалб қиласди. Ўз меҳнатларининг натижасидан лаззатланиш мақсадида меҳнат қиласидан кишилар ҳам Худога садоқат билан хизмат қиласи орқали мақсадига эришишлари мумкин; нажот излаб юрганлар ҳам шундай. Аммо, Худонинг содикларини нажот топиш ҳам, ўз меҳнатининг натижалари ҳам қизиқтиримайди. Улар Парвардигорнинг ажойиб, ғайритабиий кароматлари шарбатидан лаззатланиб яшайдилар, масалан, Унинг болалик давридаги ўйинлари пайтида Говардхана тоғини кўтаргани ёки иблис Путанани ўлдириши ҳакидағи хикоялардан. Парвардигор Ўзининг бу кароматларини ҳаммани – карми, гъяни ва бҳактиларни Ўзига жалб қиласи учун амалга ошириди. Барча карма қонунларига илоҳий муносабатда бўлган ҳолда Парвардигор ҳеч қачон, ўзларининг моддий фаолияти ва уларнинг оқибатлари занжирига боғланган оддий тирик мавжудотлар мажбур бўлгани сингари, майянинг моддий қиёфаларига кирмайди.

Парвардигорнинг Ер юзига келишдан иккинчи мақсади – ўзларига бино қўйган асурларни яксон қилиш ва калтафаҳм одамлар тарғибот қилаётган атеизм таълимотига чек қўйишдан иборат. Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан Унинг қўлида ҳалок бўлган асурлар руҳий озодликка эришадилар. Парвардигорнинг ер юзига келиши ҳамиша чукур маънога эга бўлади ва бу билан оддий одамларнинг туғилиши орасида хеч қандай умумийлик йўқ. Бу дунёга Ўзининг бошлангич сач-чид-ананда қиёфасида келадиган ва моддий тана билан боғлиқ бўлган чеклашлардан ҳамиша пок Парвардигор эмас, ҳатто Худонинг соф содиклари ҳам моддий танага боғлиқ эмаслар.

#### Текст 45

Шундай экан, эй дўстим, муқаддас жойларда шарафлаб куйланадиган Парвардигорни олқишлиб ҳамду санолар айт. У туғилмаган Зот, лекин шунга қарамай Ўзига содик бўлган ҳукмдорларга чексиз марҳаматини кўрсатиш учун У Ер юзига келади. Фақат уларнинг баҳти учунгина У Ўзининг соф содиклари бўлган Ядавалар хонадонида пайдо бўлди.

Изоҳ: Коинотнинг турли сайёralарида ҳар хил фаришталар ва ҳукмдорлар ҳукмронлик қиласидилар, уларнинг сон-саноғи йўқ. Қуёш сайёрасида Қуёш фариштаси, Ойда – ой фариштаси, жаннатий сайёralарда - Индра, улардан ташқари Ваю, Варуна ва маъбуд Брахма яшайдиган Браҳмалокада яшайдиган зотлар бор. Уларнинг ҳаммаси – Парвардигорнинг итоаткор хизматкорларидир. Ҳар гал, турли коинотлардаги сон-саноқсиз сайёralарнинг бирортасида қандайдир мушкул вазият юзага келса, ана шу сайёрининг ҳукмдорлари Парвардигордан шу ерга келишни илтимос қиласидилар, шунда Парвардигор уларнинг илтимосини бажаради. Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"нинг Биринчи қўшигида айтилган эди(1.3.28):

*этё чамиа-калаҳ пумсаҳ криинас ту бхагаван свайам индари-вийакулам локам мридайанти ўуге ўуге*

Ҳар бир даврда, коинотдаги Парвардигорнинг итоаткор ҳукмдорлари қийин аҳволга тушиб қолганида Парвардигор уларга ёрдамга келади. Унинг бу дунёга келишидан яна бир мақсади – Ўзининг соф садоқатли, асл содикларини қўллаб-куватлашдан иборат. Парвардигорга итоат қиласидиган ҳукмдорлар ва соф содиклар ҳамиша ва ҳамма нарсада Парвардигорнинг кўрсатмаларига бўйсунадилар ва Унинг барча истакларини сўзиз амалга оширадилар, шунинг учун Парвардигор ҳам ҳамиша уларга ғамхўрлик қилиб юради.

Барча зиёратчиларнинг мақсади – ҳамиша Парвардигор ҳақида ўйлаб юриш, шунинг учун Парвардигорни тиртха-кирти деб атайдилар. Аслида одамлар Парвардигорни шарафлаб куйлаш имкониятига эга бўлиш учун зиёратга йўл оладилар. Гарчи ҳозир замон ўзгариб кетган бўлса ҳам, Ҳиндистон заминида ҳалигача анча муқаддас

саждагоҳлар сақланиб қолган. Масалан, бизнинг анча вақт яшшимизга тўғри келган Матхура ва Бриндаванда одамлар эрта тонгда уйқудан уйғонадилар, эрталаб соат тўртдан то қоронғу кечагача Парвардигорни шарафлаб куйлайдилар. Муқаддас саждагоҳлар шуниси билан яхшики, у жойларда ҳамма нарса инсонга Парвардигорнинг табаррук шон-шуҳратини эслатиб туради. Парвардигорнинг номлари, шон-шуҳрати, сифатлари, қиёфалари, эрмаклари ва атрофидағилар Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, шунинг учун Парвардигор шарафлаб куйланадиган жойда Унинг Ўзи шахсан иштирок этади. Парвардигор ҳамиша Уни шарафлаб куйлаб юрган Ўзининг соф содикларининг орасида бўлади. Парвардигорнинг Ўзи айтадики, У ҳамиша Уни шарафлаб куйлаётган асл содиклари даврасида иштирок этади.

*"Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшик  
"Видуранинг саволлари" деб аталағидиган биринчи  
бобига Бхактиведантанинг изоҳлари шундай  
якунланади.*

#### Иккинчи боб.

#### Парвардигор Шри Кришнани эслаш

##### Текст 1

Шри Шукадева Госвами шундай деди: Видура буюк содик Уддхавадан унинг қалбига энг яқин Зот(Парвардигор Шри Кришна) ҳақида гапириб беришни сўраганида, Уни эслаш натижасида қалбида пайдо бўлган чукур хаяжон остида у Видурага дарров жавоб берга олмади.

##### Текст 2

У(Уддхава)ни ҳали беш яшар болалик пайтидаёқ, Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш шунчалик ўзига ром этган эдики, ҳатто онаси уни нонуштага чақирганида, овқатланишдан ҳам бош тортарди.

Изоҳ: Уддхава туғилганиданоқ Парвардигор Шри Кришнанинг содик хизматкори, яъни нитъасиддхи, озод руҳ эди. У ҳали болалик пайтиданоқ табиий равишда ўзидан-ўзи Худога садоқат билан хизмат қила бошлаган эди. Унинг ўйинчоқлари Кришнанинг қиёфаларидан иборат бўлиб, у ана шу ўйинчоқларга хизмат қиласидар – уларни кийинтира, овқатлантира, ана шундай илоҳий ўйинларга фарқ бўлиб, уларга сифинар эди. Мангу озод руҳларнинг белгилари ана шундай бўлади. Мангу озод руҳ – хеч қачон Худони эсидан чиқармайдиган содикдир. Инсон бўлиб яшашнинг маъноси Парвардигор билан ўзаро мангу муносабатларимизни қайта тиклашдан, барча диний кўрсатмаларнинг мақсади эса – тирик мавжудотнинг қалбида ана шу муносабатлар ҳақидаги хотирани уйғотишдан иборат. Ана

шундай уйганиш қанчалик эрта амалга ошса, инсон бу дунёда инсон бўлиб яшашдан кўйилган мақсадга шунчалик тез эришади. Тақводор инсонлар оиласида туғилган фарзанд болалик пайтиданоқ Худога хизмат қилиш имкониятига эга бўлади, шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилишда маълум бир поғонага кўтарилиган тирик мавжудот кейинги ҳаётида тақводор инсонлар хонадонида туғилиш хукуқига эга бўлади. Бу ҳақиқат "Бҳагавад Гита"(6.41)да ҳам тасдиқланади. *Шучинам шриматам гехе йогабхрашто "бхиджайате":* ҳатто содик хизматкор тақво йўлидан адашса ҳам, кейинги ҳаётида у тақводор браҳман оиласида ёки бадавлат савдогар оиласида туғилиш имкониятига эга бўлади. Бу икки ҳолатда ҳам инсон ўзининг қалбида Худога садоқат туйғусини ривожлантира олади, чунки бундай оиласарда мунтазам равишда Парвардигор Шри Кришнага сифиниш маросимлари ўтказилиб туради ва фарзанд ёшлигидан арчана деб аталадиган ана шу маросимларга тақлид қилиш имкониятига эга бўлади.

Панчаратрика тизими бўйича Худога садоқат билан хизмат қилишга ўргатиш Парвардигорга эҳромда сифиниш коидаларига асосланган, бу усул одамларга Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини эгаллашга ёрдам беради. Махараж Паришит ҳам ёшлигига ўйинчоқ ўрнига Кришнанинг қиёфалари билан ўйнарди. Ҳиндистондаги тақводор инсонлар хонадонида ҳалигача фарзандларида Худога хизмат қилишга ихлос уйғотиш учун ёш болаларга кўғирчоқ сифатида Рама ва Кришнанинг қиёфаларини, баъзида эса фаришталар қиёфасидаги қўғирчиқларни берадилар. Худонинг марҳамати билан бизнинг ота-онамиз ҳам бизга ана шундай имконият яратиб бергандилар, ҳали жуда кичкина болалик пайтимизданоқ бизнинг ҳаётилизнинг мазмуни Худога сифинишдан иборат бўлган эди.

### Текст 3

Уддхава шу тарзда ёшлигиданоқ Парвардигорга узлуксиз хизмат қилар, ҳатто кексайганида ҳам Унга сўнмас ихлос билан хизмат қилишда давом этарди. Видура ундан Парвардигор ҳакида гапириб беришни сўраганида, у шу заҳотиёқ Шри Кришна билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслади.

Изоҳ: Худога илоҳий хизмат қилиш билан моддий фаолият орасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Содик Худога хизмат қилишга ҳамиша кучайиб борадиган иштиёқ билан ўзини бағишилайди, шунинг интилиши ҳеч қачон сусайиб кетмайди. Дунёвий ишларда эса, инсон кексайиб қолганда, одатда унга хизмат қилишни ташлаб дам олишга рухсат берадилар. Аммо, Худога илоҳий хизмат қилиш билан машғул бўлиб юрган содикларда нафакага

чикадиган ёш йўқ, аксинча, ёш ўтиши билан Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги тобора кучая боради. Худога садоқат билан хизмат қилишдан тўйиб кетишнинг иложи йўқ, шунинг

учун бундай фаолиятда дам олишга кетиш деган тушунча йўқ. Моддий фаолият билан шуғуланиб юрган киши жисмоний жиҳатдан чарчоқ ҳис қила бошласа, у дам олишга кетади, лекин Худога илоҳий хизмат қилиб юрган киши чарчаши нималигини билмайди, чунки унинг хизмати руҳий табиатга эга бўлиб, унинг моддий танага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Дунёвий фаолият билан шуғуланиб юрган кишининг танаси кесайиб қолганида у камроқ ишлай бошлайди, аммо Худога илоҳий хизмат қилиш кишини ҳеч қачон чарчатиб кўймайди, чунки руҳ ҳеч қачон чарчамайди.

Шубҳа йўқки, Уддхава кексайиб қолган эди, лекин бу унинг руҳи ҳам кексайиб қолган эди, дегани эмас. Унинг бутун хизмати илоҳий поғонада эди, шунинг учун Видура ундан Кришна ҳакида гапириб беришни илтимос қилганида, Уддхава шу заҳотиёқ Парвардигор ҳакида гапириб беради(лакшанам бҳакти-йогасия ва ҳок.).

### Текст 4

У анча вактгача ҳаракатсиз, сукут сақлаб жим қолди. У Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини эсдан чиқариб қўйганидан афсусланаётгандай эди. Аммо Видуранинг саволлари унга Худо Шахсини ва Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ҳакида эслатиб кўйди, бундан у худди Парвардигорнинг Ўзи иштирок этаётгандай чукур жазавали лаззат ҳис қила бошлади. Парвардигор мутлақ табиатга эга, шунинг учун У ҳакидағи фикрлар билан Унинг шахсан Ўзи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Шундай қилиб, Уддхава бир неча лаҳза сукут сақлаб турди, шундан кейин у яна ҳам кучлироқ ва чукурроқ лаззат ҳис қила бошлагандай бўлди. Ана шундай жазавали лаззат туйғусини фақат Худога садоқат билан хизмат қилишда юқори поғонага кўтарилиган кишилар ҳис қила оладилар. Танада намоён бўладиган илоҳий ўзгаришларнинг саккиз тури мавжуд: кўз ёшлари, титроқ, терлаш, безовта бўлиш, юрак уришининг кучайиши, тез-тез нафас олиш ва ҳоказо, – Видура ана шу аломатларнинг ҳаммаси Уддхавада намоён бўлганини кўрди.

### Текст 5

Видура чукур илоҳий жазава ҳолатига тушган ва кўзларидан бетиним оқаётган хижрон ёшларини артаётган Уддхаванинг танасидаги бу илоҳий ўзгаришларни кузатиб турарди. Видура бу

аломатларни кўриб Уддхава Парвардигорни бениҳоя чукур муҳаббат билан қаттиқ севишини тушунди.

Изоҳ: Тажрибали содик хизматкор бўлган Видура Уддхаванинг танасида унинг Худога садоқат билан хизмат қилишда юқори поғонага кўтарилиган зот эканини тасдиқлайдиган аломатларни кўрди ва шу тариқа Уддхава қалбида Худога нисбатан комил муҳаббат туйгусини ривожлантирганига амин бўлди. Танада рўй берадиган жазавали ўзгаришлар факат руҳий поғонада турган кишиларда пайдо бўлади, бундай ўзгаришларни узоқ тажрибалар ёрдамида сунъий равишда юзага келтириб бўлмайди.

Руҳий юксалиш йўлида содик уч поғонадан ўтади. Биринчи поғонада у шастраларда кўрсатилган, Худога садоқат билан хизмат қилишни тартибга соладиган қонун-қоидаларга риоя қилиб юради. Иккинчи поғонада у Худога садоқат билан хизмат қилиш билан онгли равишда мунтазам шугуллана бошлайди. Кейинги поғонада унинг Худога садоқат билан хизмат қилиши танасидаги илоҳий ўзгаришларда намоён бўладиган чукур жазавали илоҳий лаззатга айланади. Бҳакти жараёни Худога садоқат билан хизмат қилишнинг тўққиз тури – тинглаш, такрорлаш, эслаш ва хоказолар билан қонун-қоидалар асосида мунтазам шугулланишдан бошланади. Парвардигорнинг улуғворлиги ва эрмаклари ҳақида мунтазам тинглай бошлаганида содикнинг қалби аста-секин моддий иллатлардан поклана боради. Қалби поклана борган сари у мунтазам равишда Худога садоқат билан хизмат қила бошлайди. Аввалига унинг Худога садоқат билан хизмат қилиши мунтазам тус олади, кейин у қалбида чукур ишонч ҳосил қиласди, кейин хизмат қилишнинг ширинлигини хис қиласди, кейин у Худони англаб етади ва ниҳоят унинг қалбида ҳамма нарсани қамраб оладиган илоҳий муҳаббат юзага келади – мана шулар содикнинг руҳий фаолиятида бирин кетин намоён бўладиган сифатлардир. Шу тариқа Худога садоқат билан хизмат қилишнинг эволюцион жараёнида Худога муҳаббат туйғуси то энг юқори поғонага кўтарилигунча аста-секин кучайиб боради. Бу поғонада содикнинг қалбида қўшимча аломатлар пайдо бўлади – боғланиш, ғазаб, садоқат, алоҳида ҳолларда содик одатда оддий тирик мавжудотлар эриша олмайдиган маҳа-бхава поғонасига кўтарилади. Ана шу аломатларнинг ҳаммасини Худога муҳаббатнинг тирик тимсоли бўлган Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабхунинг кузатиш мумкин эди.

Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабхунинг издоши Шрила Рупа Госвами ўзининг “Бҳакти-расамрита-синдху” асарида Уддхава сингари ҳақиқий содикларда пайдо бўладиган илоҳий белгиларни тартиб билан бир тизимга солиб, батафсил таърифлаб берган. Биз “Садоқат лаззати” деган китобимизда “Бҳакти-расамрита-синдху” асарининг мазмунини қисқача баён қилганимиз, Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида

батафсил маълумот олишни истайдиган кишиларга шу китобни тавсия қиласиз.

### Текст 6

Анча вақтдан кейин буюк содик Уддхава Парвардигорнинг даргоҳидан одамлар яшайдиган бу дунёга қайтиб кўз ёшлиарни артди; Унинг ҳаёлида ўтмиш таассуротлари қайта жонланди ва лаззатли руҳий ҳолатда у Видуранинг саволларига жавоб бера бошлади.

Изоҳ: Худога муҳаббатнинг жазавали илоҳий лаззатига бутунлай ғарқ бўлган Уддхава ташқи олам мавжудлигини бутунлай унубиб кўйган эди. Ҳатто бу дунёнинг матоси бўлган моддий тана ичида юриб ҳам соғ содиклар Худонинг даргоҳини тарқ этмайдилар, Парвардигор ҳақидаги илоҳий фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўлиб юргани учун аслида у моддий оламда яшамайди. Видура билан суҳбатлашиш ниятида Уддхава Парвардигорнинг даргоҳи бўлган Дваракадан одамлар яшайдиган моддий оламга тушди. Худонинг асл содиги ҳатто мана шу ўткинчи оламда яшаб юриб ҳам Парвардигор билан бўлган алоқасини сақлаб қолади. У моддий оламга қандайдир моддий сабаб билан эмас, балки Худонинг элчиси сифатида, бу ерда Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш учун келади. Онгининг ҳолатига қараб тирик мавжудот ё моддий оламда, ё Парвардигорнинг илоҳий даргоҳида яшайди. Тирик мавжудот онгининг эволюцион ривожланиши “Чайтаня-чаритамrita” асарида, Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабхунинг Рупа Госвамига насиҳатлар берадиган бобида таърифланган: “Ҳар хил коинотларда яшайдиган тирик мавжудотлар умрлар оша ўзларининг дунёвий кармали фаолиятининг натижаларидан лаззатланиб яшайдилар. Худонинг соғ содиги билан учрашиш баҳтига муяссар бўлган тирик мавжудотларнинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилишга ихлос пайдо бўлиши мумкин, шу тариқа у Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлади. Ана шу ихлос Худога садоқат билан хизмат қилишнинг уруғи ҳисобланади. Ана шу уруғни олиш баҳтига муяссар бўлган киши уни ўзининг қалбига жойлаши лозим. Одатда экилган уруғ униб чиқиши учун уни сугориб туриш лозим; ҳудди шундай, содикнинг қалбида Худога садоқат билан хизмат қилиш уруғи униб чиқиши учун уни Парвардигорнинг номларини ва кўрсатган кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва такрорлаш билан сугориб туриши лозим. Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳоли ана шундай парвариш ёрдамида ўса бошлайди, содик эса, боғбон вазифасини бажариб, уни бетиним тинглаш ва такрорлаш сувлари билан сугориб юради. Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳоли ривожланиб, шу даражада баланд ўсиб кетадики, моддий олам чегараларига бориб етади, ундан ўтиб, руҳий оламга етади, ўсишда давом этиб, Голока Вриндаванага этиб боради. Муқаддас

номни тақрорлаш ва тинглашдан бошланадиган Худога садоқат билан хизмат қилиш шунга олиб келади, бөгбон-содик ҳатто моддий оламда юриб ҳам Парвардигорнинг даргохига кириш имконига эга бўлади. Одатда оддий чирмовук ўзидан каттароқ ниҳолга чирмасиб ўсади, содик парваришлаб юрган Худога садоқат билан хизмат қилиш ниҳоли, илохий чирмовук эса, мустаҳкам бўлиш учун Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ўраб олади. Мустаҳкам бўлиб олгандан кейин ниҳол мева берга бошлайди, уни парваришлаб юрган содик ана шу муҳаббат мевасидан лаззатланади, айни пайтда у бу дунёда яшашнинг олий мақсадига эришади". Уддхаванинг ҳатти-харакатлари шундан далолат бериб турибдики, у ана шундай погонага эриша олган. У бир вақтнинг ўзида ҳам моддий оламда, ҳам Худонинг даргохининг энг олий сайёрасида юришга қодир бўлган.

#### Текст 7

Шри Уддхава шундай деди: Азизим Видура бу дунёнинг порлоқ қуёши ботди – Парвардигор Шри Кришна Ўз даргохига йўл олди ва Замон кўринишидаги буюк илон уйимизни ўз домига тортиб кетди. Аҳволимизни сенга яна қандай сўзлар билан таърифласам экан?

Изоҳ: Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур ўзининг изоҳларида Кришна қуёшининг ботишини куйидагича тушунтиради. Ядаваларнинг ҳалокати ва унинг ўз оиласи – Курулар хонадони бошига тушган мусибатлар ҳакида эшитиб, Видура қаттиқ изтироб чекди. Уддхава Видуранинг дардига ҳамдард бўлди, шунинг учун биринчи навбатда қуёш ботгандан кейин олам ҳамиша зулмат қаърига ғарқ бўлишини айтиб, унга ўзининг ҳамдардлигини билдириди. Бутун жаҳон аҳли оғир ғам ва мусибат қаърига чўмгани туфайли на Видура, на Уддхава ва на бошқа бирор бу дунёда баҳтиёр бўлолмасди. Уддхава ҳам Видурадан кам изтироб чекаётгани йўқ эди, шунинг учун уларнинг баҳт-саодати ҳакида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Кришнанинг қуёшга таққосланишини жуда ўринли деб қабул қилиш лозим. Қуёш ботганида ер юзини коронғу зулмат қоплаб олади. Лекин оддий одам тушиб қолган зулмат на у ботган пайтида, на чиқаётган пайтда қуёшга заррача таъсири қўлмайди. Парвардигор Шри Кришнанинг бу дунёга келиб кетиши худди қуёшнинг чиқиши ва ботишига ўхшайди. У сон-саноқсиз сайёralарда пайдо бўлади ва ғойиб бўлади, У ҳозир қайси коинотда бўлса, ўша коинот Унинг илохий ёғдуси билан ёришиб туради, У тарқ этган коинот эса, зулмат қаърига ғарқ бўлади. Лекин Парвардигорнинг эрмаклари мангу давом этаверади. Худди қуёш ҳамиша ё шарқий, ё ғарбий ярим шарда бўлгани каби, Парвардигор ҳамиша коинотларнинг бирортасида албатта мавжуд бўлади. Қуёш ҳамиша осмонда – ё Ҳиндистонда, ё Америкада, аммо у Ҳиндистон устида нур сочиб

турганида Америка қоронғу зулматга чўккан бўлади, у Америкада пайдо бўлганда эса, Ҳиндистонга зулмат чўккан бўлади.

Худди қуёш эрталаб биринчи ярим шарда кўтарилиб, аста-секин баландга кўтарилигани, кейин бир вақтнинг ўзида бота бориб, иккинчи ярим шарда пайдо бўлгани сингари, Парвардигор Шри Кришна ҳам, бир коинотдан кетар экан, шу заҳотиёқ бошқа бир коинотда Ўзининг эрмакларини бошлаб юборади. Бу коинотда Унинг бир эрмаги ниҳоясига этиши билан у дарров бошқа бир коинотда бошланади. Шундай килиб Парвардигор Шри Кришнанинг нитъя-лила, мангу эрмаклари чексиз давом этаверади. Ҳар бир сутка - 24 соатда қуёш бир марта чиққани сингари, Парвардигор Шри Кришнанинг эрмаклари ҳам коинотда маълум бир вақт оралиғида бўлиб ўтади – Браҳманинг куни давомида бир марта. "Бҳагавад Гита" келтирилган хисоб бўйича Браҳманинг бир куни 4.300.000.000 қуёш иилига teng. Лекин, Парвардигор қаерга борса ҳам, шу ерда Унинг шастраларда ёзилган барча эрмаклари бўлиб ўтади.

Қуёш ботгандан кейин илонлар кучга кирадилар, ўғрилар дадилроқ ҳаракат кила бошлайдилар, жин-арвоҳлар фаоллаша бошлайди, нилуфар гулининг ғунчаси ёпилиб қолади, чакравака деган күш йиглай бошлайди; худди шундай, Парвардигор Шри Кришна кетиши билан имонсизлар бош кўтара бошлайдилар, Худонинг содиклари эса хижрон азобига дучор бўлиб, каттиқ изтироб чека бошлайдилар.

#### Текст 8

Барча сайёralари билан бирга бу коинот баҳтиқароларнинг энг баҳтиқаросидир. Аммо, Ядавалар хонадонига мансуб бўлган зотлар ундан ҳам баҳтсизроқ, чунки, бир замонлар ойнинг нима эканини англай олмаган балиқлар сингари, улар ҳам Парвардигор Хари - Олий Шахс, Худо эканини тушуна олмадилар.

Изоҳ: Уддхава гарчи бу дунёда Кришнанинг илохий сифатларини кўриб юрган бўлишларига қарамай, барибири Парвардигор Шри Кришнанинг аслида ким эканлигини тушуна олмаган баҳтиқаро одамларга ачиняпти. Камсанинг зиндонида дунёга келган пайтидан бошлаб то маусала-лиласигача У Ўзининг илохий қудратини – барча олти хил комиллик – бойлик, куч, шон-шуҳрат, гўзаллик, илм ва таркидунёликка тўла эга бўлган Олий Шахс, Худонинг ҳар нарсага қодир қудратини бир неча марта намоён этди, шунга қарамай, бу дунёда яшаб юрган ғофил нодонлар уларнинг кўз олдида Парвардигорнинг Ўзи турганини тушунмадилар. Парвардигор билан ўзаро яқин муносабатда бўлмагани туфайли улар Уни машхур тарихий шахс деб ҳисоблаган бўлсалар керак. Аммо, Ядавалар сулоласининг Парвардигорнинг хонадонига мансуб бўлган, ҳамиша Парвардигор билан бирга юрган, шунга қарамай, Унинг Олий Шахс, Худо эканини била олмаган кишиларнинг

аҳволи яна ҳам ачинарлироқ. Уддхава ўзининг аҳволига ҳам қаттиқ ачинарди, чунки ҳатто унинг ўзи ҳам Кришнанинг Олий Шахс, Худо эканини била туриб, ўзининг Худога хизмат қилиш имкониятидан тўла фойдалана олмади. У ҳаммани, шу жумладан ўзини ҳам омадсиз одамлар деб ҳисобларди. Худонинг соф содиги ҳамиша ўзини дунёдаги энг омадсиз киши деб ҳисоблайди. Ўзига нисбатан бундай муносабатда бўлишининг асосида унинг қалbidаги Парвардигорга бўлган чукур муҳабbat ётади, бу муносабат унинг вираха, яъни Парвардигор билан илохий ҳижрон азобида қийналётганинг белгиси ҳисобланади.

Муқаддас китоблардан маълумки, Ой сут уммонидан дунёга келган Жаннатий сайёralардан бирида сут уммони мавжуд, ана шу уммон ўртасида Кширодакашайи Вишну – Параматма(Олий Рух) кўринишида ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор Вишнунинг даргоҳи жойлашган. Фақат шўр сувли уммонни кўрган, шу боис сут уммони ҳам мавжуд бўлишига ишонмайдиган кишиларга эслатиб қўймоқчимизки, бу олам “го”, яъни “сигир” деб аталади. “Аюр-веда” илмига асосан сигирнинг сийдигининг таъми шўр бўлади ва жигар касалини даволашда жуда самарали дори ҳисобланади. Жигар касалига учраган кишилар сигир сутининг таъмини билмасликлари мумкин, чунки уларга сут ичиш таъкиқланади. Лекин шундай беморлар билиб олишлари лозимки, гарчи умрида сут ичиб қўрмаган бўлсалар ҳам, сигир сийдикдан ташқари сут ҳам беради. Худди шундай, фақат шўр сувли уммони бўлган мана шу арзимаган кичик сайёрадан бошқа оламни билмайдиган ва ҳеч качон сут уммонини қўрмаган одамлар бу хақда муқаддас китоблардан билиб олишлари мумкин. Шундай қилиб, Ой сут уммони қаъридан дунёга

келган, лекин, ана шу уммонда яшайдиган балиқлар уни оддий балиқларнинг биттаси деб юрган эдилар. Улар ойни ҳам ўзларига ўхшаган, лекин ўзидан бироз нур таратиб турадиган, бошқа ҳеч сифати билан бошқалардан фарқ қилмайдиган оддий балиқ деб ҳисоблардилар. Парвардигор Шри Кришнанинг ким эканини тушунишга қодир бўлмаган бахтиқаро одамлар ана шу балиқларга ўхшайдилар. Улар Парвардигор ҳам уларга ўхшаган, лекин анча кучлироқ, бадавлатроқ ва ҳоказо сифатларга эга бўлган оддий одам деб биладилар. "Бҳагавад Гита" ана шундай нодон одамларни жамиятдаги энг бахтиқаро одамлар деб ҳисоблайди: *аваджсананти мам мудха манушим танум ашритам.*

## Текст 9

Ядавалар Худонинг тажрибали содиклари бўлиб, одамларнинг руҳиятини яхши билардилар, бунинг устига улар ҳамиша Парвардигорга ҳамроҳ бўлиб, Унинг барча эрмакларида иштирок этардилар. Шунга қарамай улар Унинг тимсолида фақат ҳамма ерда мавжуд бўлган ягона Хукмдорни кўрардилар.

Изоҳ: Ведаларда айтилганки, Олий Шахсни, яъни Параматмани шунчаки китоб ўқиб илм ўрганиш ёки фалсафий фикрлашлар орқали англаб етишнинг иложи йўқ. *Найам атма правачанена лабхий на медхайа на баҳуна шрутене*(Катх-упанишад 1.2.23). Фақат Парвардигор Ўз марҳаматини кўрсатган кишигина Уни англаб ета олади. Ядавалар турли соҳадаги илмларни эгаллаган тажрибали содиклар эдилар, лекин, Парвардигорда фақат ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган Зотни кўриш билан улар Кришна аслида азалий Парвардигор, Олий Шахс, Худо эканини англай олмадилар. Бундай тушунмовчиликни уларнинг илми саёзлиги деб тушунтириб бўлмайди, бунга сабаб уларнинг омадсизлиги эди. Аммо, Вриндаван аҳолиси ҳатто шуни ҳам билмасдилар, чунки уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг соф, холис содиклари эдилар, улар Парвардигорни фақат ўзлари жонидан ҳам ортиқ севадиган Зот деб билардилар. Улар Кришнанинг Худо Шахси эканини билмасдилар, Ядавалар, Дварака аҳолиси эса, Парвардигор Шри Кришна – Васудева, ҳамма жойда мавжуд бўлган Олий Рух эканини билардилар, аммо улар Кришна – ягона Парвардигор эканини билмасдилар. Ведаларни яхши билган ҳолда улар *эко девах... сарвабхутадхивасаҳ... антарйами...ва вриининам пар-девата...* сингари ведавий мадҳияларнинг ҳақиқат эканига ишончи комил эди. Шунинг учун Ядавалар Парвардигор Шри Кришнани уларнинг хонадонида дунёга келган Олий Рух деб билардилар, холос.

## Текст 10

Парвардигорнинг алдамчи қуввати – майя таъсирида адашиб юрган кишиларнинг ҳар хил гаплари ўз ихтиёрини Худога бутунлай топширган содикларнинг ақлини безовта қила олмайди.

Изоҳ: Ведаларнинг ҳаммаси шуни таъкидлайдиларки, Парвардигор Шри Кришна – Олий Шахс, Худо. Барча ачаръялар, шу жумладан Шрипада Шанкарачарья ҳам буни тасдиклайди. Лекин, Парвардигор бу дунёда юрган пайтда ҳар хил одамлар Уни турлича қабул килдилар, шунинг учун уларнинг Худо ҳақидаги тасаввурлари ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Муқаддас китобларнинг гапларига ишонадиган кишилар Парвардигор аслида ким эканини тушунардилар, шунинг учун Унинг бу дунёдан кетиши улар учун жуда оғир йўқотиш бўлган эди. Биз "Шримад Бҳагаватам"нинг Биринчи Қўшиғида Парвардигор Шри Кришнанинг кетиши Аржуна билан Юдхиштхираға қанчалик оғир зарба бўлганини, бу зарбадан улар то умрининг охиригача ўзларига келолмай қанчалик қаттиқ изтироб чеккани ҳақида ҳикоя килган эдик.

Парвардигор аслида ким эканини Ядавалар қисман тушуниб етган эдилар, шунга қарамай улар ҳам барibir ҳар қандай олқишига сазовор, чунки улар ўз уруғининг сардори

вазифасини бажриб юрган Парвардигор билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга эдилар ва Унга шахсан хизмат қилардилар. Ядаваларни ва Парвардигорнинг бошқа содикларини ғофиллиги сабабли Кришнани оддий инсон деб юрган бошқа одамлар билан ҳатто тенглаштириш ҳам мумкин эмас. Хеч шубҳа йўқки, ундай одамларни Парвардигорнинг алдамчи куввати йўлдан адаштириб қўйган. Имонсиз иблисларга хос фикрға эга бўлиб, улар Парвардигорга ҳасад қиласидилар. Алдамчи кувват уларни ўз чангалида қаттиқ ушлаб турибди, чунки дунёвий нуқтаи-назардан қараганда ажойиб маълумотга эга бўлишларига қарамай, шундай одамлар Худога ишонмайдилар ва атеизм ғояси билан заҳарланганлар. Улар жон-жаҳди билан Парвардигор Шри Кришна оддий инсон эканини, ўша даврда ер юзида хукмронлик қилган иблиссифат шоҳлар Жарасандҳа ва Дхритараштранинг ўғилларига қарши уюширилган сүиқасдда иштирок этгани учун жазо олиб, овчининг пайкони етказган жароҳат туфайли ҳалок бўлганини исботлашга уринадилар. Ундай одамлар "Бҳагавад Гита"нинг: *на мам карманни лимпанти, яъни "Парвардигорнинг бирор фаолияти ҳеч қандай кармали оқибат келтирмайди"* деган гапларига ишонмайдилар. Атеистларнинг фикрига кўра, Парвардигор Шри Кришнанинг хонадони, яъни Ядавалар қабиласининг браҳманлар қарғишига учраб қирилиб кетиши – Дхритараштранинг ўғиллари ва бошқаларни ўлдириш билан Кришнанинг ортирган гуноҳлари оқибати эмиш. Худога қарши бундай бемаъни гаплар, Парвардигор ҳақидаги Ҳақиқатни тўғри англаб етган Худонинг содиклари ақлини безовта қилишга қодир эмас. Уларнинг ақлини Парвардигорга бўлган турли шубҳаю-гумонлар безовта қилишга қодир эмас. Аммо, асурларнинг гапларини жиддий қабул қиласидан кишилар ҳам, асурларнинг ўзлари сингари Худонинг ланъатига учрайдилар. Бу шеърда келтирилган Уддхаванинг гапларининг маъноси шундан иборат.

### Текст 11

Етарли даражада риёзат чекмагани сабабли Унинг тимсолида Олий Худо Шахсини кўра олмаган одамларнинг кўзидан ғойиб бўлиб, бутун оламга Ўзининг мангу қиёфасини намойиш этган Парвардигор Шри Кришна бу дунёни тарк этиб Ўзининг мангу даргоҳига кетди.

Изоҳ: Бу шеърда *авитрипта-дришам* ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Моддий оламда яшаётган шартланган рухлар хар хил усууллар ёрдамида ўзларининг ҳиссиётини қониктиришга уринадилар, аммо уларнинг бу йўлдаги барча уринишлари бекорга кетаверади, чунки ҳиссий лаззатлар ҳеч кимни тўла қаноатлантиришга қодир эмас. Уларни куруқликка чиқиб қолган балиқларга қиёслаш мумкин. Агар балиқни сувдан

чиқарсангиз, бирор лаззат уни бахтиёр кила олмайди. Шунга ўхшаб, мангу рух факат олий тирик мавжудот, Худо Шахси билан ҳамсухбат бўлгандагина бахтили бўлиши мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Ўзининг чегара билмас бесабаб марҳамати билан Парвардигор браҳмаджойоти руҳий осмонида сузуб юрган сон-саноқсиз Ваикунтҳа сайёralарини яратиб қўйибди, ана шу илоҳий салтанатда тирик мавжудотлар узлуксиз лаззатланиб яшаш учун чексиз имкониятларга эга.

Парвардигор бу ерда Ўзининг, одатда Бриндавана, Матхура ва Дваракада бўлиб ўтадиган илоҳий эрмакларини намоён этиш учун ер юзига ташриф буюради. У шартланган рухларни Ўзига жалб қилиш ва уларни ўзларининг мангу салтанатдаги уйига қайтариш учун бу ерда намоён бўлади. Лекин, етарлича савобга эга бўлмаган кишилар Парвардигорнинг эрмакларига эътиборсизлик билан қарайдилар. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан факат ўзларининг аввалги гуноҳлари оқибатидан бутунлай покланган кишилар хизмат қила оладилар. Барча ведавий маросимлар, урф-одатлар шартланган рухларни такводорлик йўлига чиқариш учун мўлжалланган. Жамиятда тутган ўрнига мос келадиган барча вазифаларини виждон билан бажариб яшаш орқали инсон ўзида ростгўйлик, ақлини ва ҳиссиётини жиловлай олиш, сабр-тоқат сингари эзгу фазилатларни ривожлантиради ва ниҳоят Худога соғ садоқат билан хизмат килиш погонасига кўтарилади. Фақат ана шундай илоҳий нуқтаи-назарга эга бўлган кишигина Ўзининг моддий истакларини тўла кондира олади.

Парвардигор бу дунёда юрган пайтида Унинг ягона Парвардигор эканини таний олган кишилар ўзларининг барча моддий истакларини тўла қаноатлантиридилар ва У билан бирга Унинг салтанатига қайтиб кетдилар. Парвардигорни асл ҳолида таний олмаган кишилар эса, ўзларининг моддий истакларига боғланиб қолдилар ва ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб кета олмадилар. Мазкур шеър ҳам тасдиқлаб турибди, бу дунёдаги одамларнинг кўзидан ғойиб бўлиб, Парвардигор Ўзининг азалий мангу танасида қолди. Шартланган одамлар орасида тарқалган нотўғри фикрларга қарши равища, У бу ерда Ўзининг танасини қолдирган эмас. Мазкур шеър имонсиз атеистларнинг "Парвардигор ҳам бу дунёни худди шартланган рухларга ўхшаб тарк этди" деган нотўғри фикрларини тўла инкор этади. Парвардигор бу дунёга ер юзини имонсиз асурларнинг зулмидан ҳалос қилиш учун келди ва Ўзининг олдига қўйган вазифасини бажариб, одамлар кўзидан ғойиб бўлди.

### Текст 12

Парвардигор ички куввати - *йога-майя* ёрдамида бу ўткинчи дунёда Ўз Шахсини намоён этди. Бу ерга У Ўзининг эрмаклари учун мос келадиган мангу қиёфасида ташриф буюреди.

Парвардигорнинг эрмаклари барчани, ҳатто ўзининг эзгу фазилатлари билан мағурланиб юрган зотларни ҳам, шу жумладан Вайкунханинг Ҳукмдори қиёфасидаги Парвардигорнинг Ўзини ҳам ҳайратта солди. Шунинг учун ҳам У(Шри Кришна)нинг илоҳий танаси барча безакларнинг безаги ҳисобланади.

Изоҳ: Ведавий мадҳияларда айтилганидек(нитийо нитианам четанаш четананам), Худо Шахси моддий оламда яшайдиган барча тирик мавжудотлардан устун туради. У – барча тирик мавжудотлар ичида энг асосийси; бойлик, куч, шон-шуҳрат, гўзаллик, илм ва таркидунёлик бобида ҳеч ким У билан тенглаша олмайди. Парвардигор Шри Кришна бу коинотда бўлган пайтда У оддий одамлардай бўлиб кўринарди, чунки бу ерга Ўзининг бу ўткинчи дунёдаги эрмакларига мос келадиган қиёфада келган эди. У одамлар орасида Ўзининг Вайкунхадагидай тўрт кўллик қиёфасида пайдо бўлмади, чунки Унинг бу қиёфаси Унинг бу ергага эрмакларига мос келмасди. Аммо, Парвардигор гарчи оддий одамлардай кўринадиган бўлса ҳам, барибир ўзининг фазилатлари билан Унга тенглаша оладиган ёки Ундан устун келадиган бирор зот бўлмаган, йўқ ва бўлмайди. Бу дунёда яшайдиган ҳар бир киши ўзининг файсидир фазилати билан мағурланади, лекин, Парвардигор Шри Кришна одамлар орасида юрганида Ўзининг эзгу фазилатлари билан коинотдаги барча замондошларидан устун турарди.

Парвардигорнинг одамлар кўзига кўринадиган эрмаклари праката деб аталади, бизларнинг кўзимизга кўринмайдиган эрмаклари эса – апраката деб аталади. Аслида, худди қуёш ҳеч қачон осмонни тарқ этмагани сингари, Парвардигорнинг эрмаклари ҳеч қачон адо бўлмайди. Қуёш ҳамиша ўз орбитасининг бирор нуқтасида юради, аммо бизлар ўзимизнинг чекланган кўриш қобилиятимиз билан баъзан уни кўра олмиз, баъзан эса кўролмаймиз. Худди шундай, Парвардигорнинг эрмаклари ҳам ҳамиша у ёки бу коинотда бўлиб туради, шу боис, Парвардигор Ўзининг илоҳий даргохи Дваракадан ғойиб бўлганида, У шунчаки шу ергага одамлар кўзидан ғойиб бўлган, холос. Ҳеч қачон Унинг мана шу ўткинчи дунёдаги эрмаклари учун қулай бўлган илоҳий танасини бирор жихатдан Парвардигорнинг намоён этган бошқа, Вайкунхадаги экспансиялари танасидан паст туради деб ўйламаслик керак. Парвардигорнинг бу дунёда намоён этган танаси шу маънода олий дараҷада илоҳий табиатга эгаки, Унинг бу дунёдаги эрмаклари Унинг Вайкунхалокаларда кўрсатадиган марҳаматидан анча устун туради. Вайкунхалокаларда Парвардигор Ўзининг марҳаматини озод рух(нитя-мукта)ларга кўрсатади, Ўзининг

шартланган ҳаёт кечиришга мангу маҳкум бўлган адашган рухларга, нитя-баддхиларга кўрсатади. Парвардигор Ўзининг ички қуввати, йога-майя ёрдамида моддий оламда намоён этган олти фазилатини ҳатто Вайкунхалокада яшайдиган зотлар ҳам камдан-кам ҳолларда кузата оладилар. Унинг барча эрмаклари Унинг моддий қувватининг эмас, балки руҳий қувватининг намоён бўлишидир. Парвардигорнинг Вриндавандаги раса-лиласининг ажойиблиги ҳамда Унинг ўн олти минг хотини билан бўлган ўзаро эр-хотинлик муносабатлари бу ўткинчи дунёда яшаётган тирик мавжудотлар нари турсин, ҳатто Вайкунхадаги Нарайанани ҳам ҳайратга солади. Парвардигорнинг эрмакларидан Унинг бошқа қиёфалари – Шри Рама, Нрисимха, ва Варахалар ҳам ҳайратга тушадилар. Парвардигорнинг ғаройиблиги шу қадар жозибали эдики, Унинг эрмаклари ҳатто Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзидан фарқ қилмайдиган Вайкунх Ҳукмдорини ҳам ҳайратга солди.

### Текст 13

Махараж Юдхиштхира уюштирган раджасуя-ягия(курбонлик маросими) ўтказилаётган жойга олий, ўрта ва қуйи сайёralар тизимидағи барча фаришталар тўпландилар. Парвардигор Шри Кришнанинг тенгсиз гўзаллигини кўриб, улар Шри Кришнанинг танасини - инсонларни яратган "Тангри Браҳма яратган энг мукаммал мавжудот" деб баҳоладилар.

Изоҳ: Парвардигор бу дунёда бўлган пайтда Унинг танасининг гўзаллиги атрофдаги ҳамма нарсаларнинг жилосини сўндириб қўйган эди. Моддий оламда гўзаллик намунаси ҳаворанг нилуфар гули ёки қоронғу тундаги осмонда пайдо бўладиган тўлин ой ҳисобланади, лекин Парвардигорнинг илоҳий танасининг гўзаллиги билан нилуфар гули ҳам, тўлин ой ҳам беллаша олмадилар, буни коинотдаги энг чиройли мавжудотлар – фаришталар ҳам тасдиқлаяптилар. Фаришталар Парвардигор Шри Кришнани, худди уларнинг ўзлари сингари маъбуд Браҳма яратган деб ўйлардилар, лекин аслида маъбуд Браҳманинг ўзини Парвардигор Шри Кришна яратган эди. Браҳма Парвардигорнинг илоҳий танасини яратишга қодир эмас. Кришнанинг яратувчиси йўқ. "Бҳагавад Гита"(10.8)да айтганидек: *ахам сарвасайа пррабхаво маттах сарвам правартате*, Унинг Ўзи барча мавжудотларнинг яратувчиси ҳисобланади.

### Текст 14.

Шри Кришна билан бирга ўйнаган пайтларида кулиб, ҳазиллашиб, нигоҳ алмашиб юрган Враджа қизлари ҳар гал Шри Кришна уларни ташлаб кетганида қалбларида қаттиқ оғриқ ҳис килардилар. Улар Унинг орқасидан узоқ тикилиб қолишар, кейин ўзларининг уй ишларини давом эттира олмай, узоқ вақтгача мажолисиз ҳолда ерга жим ўтириб қолишарди.

эрмакларини бу ўткинчи оламда намоён этиш билан эса, У Ўзининг бесабаб марҳаматини

Изоҳ: Парвардигор Вриндаванда болалик даврини ўтказган пайтларида У билан ўзаро илоҳий муҳаббат ришталари билан боғланган дугона ва тенгқурлари билан тез-тез ҳазиллашиб, уларнинг жигига тегиб туради. У уларни шунчалик қаттиқ севардики, бундан Унинг оладиган жазавали лаззатини таърифлашнинг иложи йўқ. Враджалик қизлар эса, Унга шу қадар садоқатли эдиларки, уларнинг Кришнага бўлган муҳаббати Браҳма ва Шива сингари буюк фаришталарнинг Парвардигорга бўлган муҳаббатидан ҳам анча кучлироқ эди. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришна гопилар Уни ўзларининг илоҳий муҳаббати билан мағлуб қилганини ва У уларнинг ана шундай пок ҳис-туйғуларига муносиб жавоб бериб, уларни муносиб мукофотлашга кучи етмаслигини тан олганди. Гарчи гопилар, Парвардигорнинг ҳазилларидан қийналгандай бўлиб кўринса ҳам, ҳар гал Кришна уларнинг олдидан кетганида улар Парвардигор билан айрилик азобига чидай олмай, нигоҳлари билан Уни узок кузатиб қолардилар. Гопилар учун Кришнадан айрилиш шу қадар қаттиқ зарба эдики, улар узок вактгача ўзларига келолмай, уй ишларини давом эттиrolмай ўтирадилар. Ўзаро муносабатларда Кришнанинг Вриндаванлик қизларга нисбатан ҳис қиласиган муҳаббатини ҳам бошқа ҳеч қандай муҳаббатга тенглаштириб бўлмайди. Муқаддас китобларда айтилганки, Парвардигор Шри Кришна ҳеч қачон Вриндаванни ташлаб кетмайди. У Вриндаван аҳолисининг илоҳий муҳаббат ришталари билан боғланган ҳолда шу ерда мангум яшайди. Шунинг учун бизлар моддий кўзларимиз билан уни кўра олмасак ҳам, У бирлаҳза ҳам Вриндаванни тарқ этмасдан, худди аввалгидай ҳозир ҳам Вриндаванда яшайди.

### Текст 15.

Ҳам руҳий, ҳам моддий олам ҳукмдори, чексиз марҳамат уммони бўлган Парвардигор туғилмаган Зот, аммо Унинг тинчликсевар содиклари билан моддий табиат гуналари таъсирига берилган одамлар орасида низо пайдо бўлганида, У худди олов каби дарров шу ерда пайдо бўлади. У билан бирга бу дунёга маҳат-таттва ҳам ташриф буюради.

Изоҳ: Худонинг содиклари табиатан жуда тинчликсевар бўладилар, чунки улар ҳар қандай моддий истаклардан пок инсонлардир. Озодликка чиккан руҳнинг ҳеч қандай моддий истаги бўлмайди, шунинг учун у қайгу нималигини билмайди. Бирор нарсага интилиб юрган одамлар моддий бойлигидан айрилиб қолсалар қаттиқ изтироб чекадилар. Лекин Худонинг содиклари моддий бойликка ҳам, озодликка чиқишга ҳам интилмайдилар. Улар Худога илоҳий муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилишини ўзларининг бурчи деб биладилар, шу боис улар учун уларнинг

қаерда бўлиши, хизматнинг қайси тури билан машғул бўлиши аҳамиятга эга эмас. Кармилар, гйанилар ва йоглар моддий ёки руҳий бойликка эга бўлишга интиладилар. Кармилар кўпроқ моддий бойлик изидан қувадилар, гйани ва йоглар – руҳий бойликка интиладилар, Худонинг содикларига эса униси ҳам, буниси ҳам керак эмас. Уларнинг ягона истаги – ё моддий оламда, ё руҳий оламда, Худо нимани истаса шу тарзда Худога хизмат қилишдан иборат. Шу боис Парвардигор ана шундай содикларга ҳамиша алоҳида ҳамдардлик билан ғамхўрлик килиб юради.

Карми, гйани ва йогларнинг фикр-мулоҳазалари моддий табиат гуналари таъсирида шаклланади, шунинг учун уларни итарами, яъни “садоқатсиз”лар деб атайдилар. Йоглар ҳам шулар жумласидан бўлган ана шундай итаралар баъзан Худонинг содикларини безовта қиласидилар. Буюк йог Дурваса Муни Махараж Амбаришани таъкиб килиб юради, чунки у Худонинг буюк содикларидан эди; буюк карми ва гйани бўлган Хиранякашипу эса, ҳатто ўзининг ўғли бўлишига қарамай, вайшнав бўлгани учун Прахлад Махаражни қаттиқ қийнаб азоблаган эди. Инсоният тарихида ана шундай итараларнинг Худонинг тинчликсевар содикларини таъкиб қилиш ҳоллари жуда кўп бўлган. Улар орасида ана шундай низолар пайдо бўлганида, Ўзининг соғ содикларига ҳамдардлик билдириб Парвардигорнинг Ўзи бу дунёга Ўзининг махаттатвани бошқариб турадиган тўла экспансиялари билан бирга келади.

Парвардигор ҳамма жойда – ҳам руҳий оламда, ҳам моддий оламда мавжуд. У Худонинг содиклари билан имонсизлар орасида ўзаро жанжал юзага келганда Ўзининг содикларини ҳимоя қилиш учун бу ерда намоён бўлади. Қаерда бўлишидан қатъий назар, икки жисмнинг бир бири билан ўзаро ишқаланиши натижасида электр заряди ҳосил бўлгани сингари, Худонинг содиклари билан имонсизлар орасида бўлиб ўтадиган низолар ҳам ҳар жойда мавжуд Парвардигорнинг бу дунёда пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўз вазифасини амалга ошириш учун У бу дунёга Ўзининг тўлиқ экспансиялари билан бирга келади. Унинг Васудеванинг ўғли сифатида келганини ҳар хил одамлар турлича қабул қилдилар. “Бу – Олий Шахс, Худонинг Ўзи” – дедилар бирорлар, “У – Парвардигор Нааянанинг намоён этган қиёфаларидан бири” – дедилар бошқалар. “Бу – Кширодакашаи Вишнунинг намоён этган қиёфаси” – дедилар яна бирорлар. Лекин, аслида У бошлангич Олий Шахс, Худонинг Ўзи, - кришнас ту бхагаван свайам, - Нааяна, пуруша ва Унинг бошқа бошқа экспансиялари Парвардигорнинг бу дунёдаги эрмакларида ўзларига ажратилган ролларни ўйнаш учун У билан бирга келадилар. Махад-амша-йуктаҳ сўзлари шуни англатадики, Парвардигор ер юзига махат-таттвани яратадиган пурушалар билан бирга

келади. Буни бошқа ведавий мадхиялар ҳам тасдиқлади: махантам вибхум атманам.

Худди электр заряди сингари, Парвардигор Шри Кришна ҳам ер юзида бир томондан Камса, иккинчи томондан Васудева ва Уграсеналар орасида юзага келган низолар натижасида пайдо бўлди. Васудева билан Уграсена Худонинг содиклари эди, ҳақиқий карми ва гйаниларнинг тимсоли Камса эса, имонсиз атеист, итара эди. Кришнани одатда қуёшга ўхшатадилар. У Девакининг қорнидаги уммондан дунёга келди ва худди ўзининг нурлари билан эрталаб нибуфар гулғунчаларини очилтириб юборадиган қуёш сингари Ўзининг болалик йилларида У Матхура ахолисига чексиз кувонч ва шодлик ҳадя қилди. Дваракада эса, худди осмонга баланд кўтарилган, кейин аста-секин ботаётган қуёш сингари Парвардигор бу дунёни тарк этди ва, Уддхаванинг гапи билан айтганда, бутун олам зулмат қаърига фарқ бўлди.

16. Парвардигор Шри Кришна ҳақида ўйлаганимда – Ўзи туғилмаган Зот бўлган ҳолда Унинг Васудева қамалиб ётган зинданда туғилгани, отасининг паноҳидан маҳрум бўлиб Враджага келгани ва душманлардан кўрқиб у ерда Ўзини бошқа оддий одамлардай қилиб кўрсатгандар ҳамда, Ўзи ҳар нарсага қодир кудратга эга бўлишига қарамай, Матхурадан қочиб кетгани ҳақида ўйласам, ҳайратга тушиб, ақлим адашиб, қийналиб кетаман.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна азалий шахс, бутун борлиқнинг бошлангич манбаи – ахам сарвасайя пррабхаваҳ(Б.г. 10.8), джанмадӣ асайя йатаҳ(Веданта-сутра 1.1.2) – бўлгани учун бирор мавжудот У билан тенглаша олмайди ё Ундан устун бўла олмайди. Парвардигор энг олий мукаммалликдир, шунинг учун У Ўзининг илохий эрмакларида кимнингдир ўғли, рақиби ёки душмани ролини ўйнаганида, У бу ролларни шу қадар моҳирлик билан ижро этади, бу билан У ҳатто Ўзининг Уддхава сингари соғ содикларининг ҳам ақлини адаштириб қўяди. Масалан, Уддхава Парвардигор Шри Кришна мангу мавжуд эканини, У ҳеч қачон ўлиши, йўқолиб кетиши мумкин эмслигини жуда яхши биларди, шунга қарамай Унинг бу дунёни тарк этиб кетганидан қийналиб йиғларди. Бундай эрмакларнинг ҳаммаси шунчаки Парвардигорнинг тенгсиз улуғворлигини яна ҳам мукаммалроқ қилиш учун керак. У бу ролларни шунчаки улардан лаззатланиш учун ижро этади. ота ўзининг кичкина ўғли билан ўйнаб, полга йиқилиб, ўзини ўғлидан енгилган қилиб кўрсатганида, у буни шунчаки ўғлини кувонтириш учун қилади. Парвардигор ҳар нарсага қодир, шу боис У бир бирига мос келмайдиган ишларни ҳам бемалол амалга оширади – Ўзи туғилмаган Зот бўла туриб туғилади, енгилмас бўлган ҳолда енгилади, кўркув нималигини билмай туриб, кўркади. Худонинг асл содиги Парвардигор

қандай қилиб Ўзида ҳар қандай зиддиятни бирлашириши мумкинлигини яхши билади, шу боис у Парвардигорнинг ҳар нарсага қодирлигини билмасдан Уни шунчаки муқаддас китобларда жуда кўп зиддиятлар бўлгани учунгина оддий афсонавий қаҳрамон деб биладиган имонсиз одамларнинг ахволига каттиқ ачинади. Аслини олганда муқаддас китобларда ҳеч қандай зиддият йўқ; агар биз уларда таърифланган Парвардигорни ўзимизга ўхшаган камчилкларга тўла одамлардан бири деб эмас, балки ҳақиқатан ҳам ҳар нарсага қодир бўлган ягона Парвардигор деб қабул қилсан, ҳаммаси ўзидан ўзи тушунарли бўлади.

### Текст 17

Шоҳ Камсадан кўркканидан уйидан узоқда юрганлари сабабли, Улар(Шри Кришна ва Шри Баларама) ота-оналарининг пойи қадамларига хизмат қила олмаганлари учун Шри Кришна улардан кечирим сўради: “Онажон! Отажон! - деди У, - фарзандлик бурчимиzioni бажара олмаганимиз учун Бизларни кечиринг!” Худо Шахсининг шунга ўхшаган ишларидан қалбим ларзага келади.

Изоҳ: Бир қараганда Парвардигор Шри Кришна ва Баладева Камсадан ўлгудай кўрқадиган ва шу боис ундан яшириниб юргандай бўлиб кўринади. Лекин, агар Парвардигор Шри Кришна ва Баладева – Олий Шахс, Худо бўлсалар, қандай қилиб Улар Камсадан кўрқишилари мумкин? Бу ерда қандайдир зиддият бор эмасми? Кришнага бўлган муҳаббати туфайли Васудева Уни ҳимоя қилишга харакат қиласди. Кришнанинг Олий Шахс, Худо экани, У Ўзини бемалол ҳимоя қила олиши унинг хаёлига ҳам келмасди: У Кришнани ўзининг ўғли деб биларди. Васудева Парвардигорнинг буюк содиги бўлгани учун У Кришна ҳам Камса ўлдирган ўзининг бошқа болалари сингари ўлиб кетишини истамасди. Одоб-ахлоқ қоидаларига кўра Васудева Кришнани Камсанинг кўлига топшириши лозим эди, чунки у Камсага ўзининг ҳамма болаларини беришга ваъда берган эди. Лекин, унинг Кришнага бўлган муҳаббати шу қадар кучли эдик, ўз ваъдасини бузишга қарор қилди, Васудеванинг бундай илохий қароридан Парвардигор жуда мамнун бўлди. Васудеванинг шундай кучли туйғуларига халақит бермаслик учун У Ўзини Нанда ва Яшоданинг уйига олиб боришга рухсат берди. Унинг отаси дарёдан ўтаётганида Парвардигор унинг муҳаббатини синаб кўриш учун Ямуна сувларига йиқилиб тушди. Васудева кутуриб турган дарё сувларидан фарзандини кутқаришга уринар экан, ўғлини ўқотиб қўйишдан кўрқиб, бу мусибатдан шу заҳотиёқ ақлдан озиб қолаёзди.

Буларнинг ҳаммаси – Парвардигорнинг машхур илохий эрмаклари бўлиб, уларда ҳеч қандай зиддият йўқ. Олий Шахс, Худо бўлган ҳолда Кришна ҳеч қачон Камсадан кўрккан эмас. У Ўзининг отасига кувонч келтириш учунгина Ўзини ундан кўрккандай қилиб кўрсатарди.

Лекин, Парвардигорнинг ҳатти-ҳаракатларида энг ҳайратланарлиси бошқа нарса эди: Ўзининг ота-оналари олдига қайтиб келиб, У Камсадан яшириниб шунча вақт уйдан узоқда юргани ва уларнинг пойи қадамларига хизмат қила олмагани учун улардан ялиниб кечирим сўрарди. Нибуфар пойи қадамларига Браhma, Шива сингари фаришталар сажда қиласидан Парвардигор отаси Васудеванинг пойи қадамларига сажда қилмоқчи эди. Ўзининг ҳатти-ҳаракати билан Парвардигор одамларга ажойиб ибрат кўрсатди. Ҳар бир инсон ўзининг ота-онасига хизмат килиши лозим, чунки ҳатто Парвардигорнинг Ўзи ҳам шундай қилган. Фарзанд ўзининг ота-онаси олдидаги қарзини ҳеч қачон уза олмайди, шунинг учун у ўзи қанча катта мартабага эга бўлишига қарамай уларга хизмат қилиши лозим. Бу билан Кришна бир томондан Олий Ота – Парвардигорни қабул қилишдан бош тортайтган имонсизларга сабоқ бермоқчи ва Олий Отага қандай хурмат-эҳтиром кўрсатиш кераклигини уларга кўрсатиб қўймоқчи эди. Парвардигорнинг бенуқсон ҳатти-ҳаракатидан қалбининг тўригача ҳайратга тушган Уддхава У билан бирга бу дунёни тарк этиб кетмаганидан қаттиқ афсусланарди.

#### Текст 18

Унинг нибуфар қадамлари пойидаги чанглар ҳидининг лаззатидан бирор марта тотиб кўрган киши Унинг хуш бўй атрини сира эсидан чиқара оларми? Қошини бир чимириш билан Шри Кришна Ер юзини азобга солиб келаётгандарнинг барчасини бир зумда яксон қилди.

Изоҳ: Гарчи У итоаткор ўғил ролини ижро этган бўлса ҳам, Парвардигор Шри Кришнани оддий инсон деб хисобламаслик керак. Унинг бутун фаолияти ва кўрсатган кароматлари файритабии – У қошини бир чимириши билан, бутун ер юзига ташвиш келтириб юрган иблисларнинг ҳаммаси яксон бўлдилар.

#### Текст 19

Парвардигор Шри Кришнадан нафрлатланиб юрган бўлса ҳам, Чеда шоҳи(Шишуپала) кўз олдингда йоганинг олий мақсадига эришганди. Ҳатто ҳақиқий йогалар ҳам бундай муваффакиятга эришишни орзу қиласидар ва бунинг учун турли машқлар бажариб юрадилар. Ана шундай Парвардигор Кришна билан ҳижрон азобини тортишга ким ҳам бардош бера оларди?

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна Махараж Юдхиштхиранинг буюк мажлисида Ўзининг бесабаб марҳаматини кўрсатди. У ҳатто Ўзининг душманидан, ҳамиша Унга ҳасад қилиб, У билан рақобат қилиб юрган Чеди шоҳидан ҳам Ўз марҳаматини аямади. Лекин, аслида ҳеч ким Парвардигорга муносиб ракиб бўла олмаслиги сабабли, Чеди шоҳи бутун вужуди билан Парвардигор Шри Кришнани ёмон кўёрарди. Ўзининг шу жиҳати билан у Камса ва Жарасандха

сингари бошқа асурлардан фарқ килмасди. Махараж Юдхиштхиранинг раджасуя-ягъясига таклиф этилган барча меҳмонлар олдида Шишуپала Парвардигор Шри Кришнани ҳақорат кила бошлади, оқибат-натижада Парвардигор уни ўлдирди. Лекин шу ерда иштирок этаётгандарнинг ҳаммаси Чеди шоҳининг танасидан ажралиб чиккан ёрқин нур келиб Парвардигор Шри Кришнанинг танасига кирганини ўз кўзи билан кўрдилар. Демак, Чедираджа Парвардигорнинг танасига қўшилиб, руҳий озодликка эришди, яъни, гъяни ва йоглар орзу қилиб юрадиган ва шу мақсадга интилиб илоҳий фаолиятнинг турли усулларидан фойдаланадиган баркамолликка эришди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Олий Ҳақиқатни факат ўз кучи билан – сеҳрли йога билан ёки Мутлақ Ҳақиқатнинг табиати ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга берилиш ёрдамида англаб етишга интилиб юрган кишилар ҳам Парвардигорнинг Ўзи Ўз кўли билан ўлдирадиган душманлари эришган натижага эришадилар. Улар ҳам, булар ҳам Парвардигорнинг илоҳий танасидан тарагиб турадиган ёғду - брахмаджитотига қўшилиб кетиш имконини берадиган озодликка эришадилар. Парвардигор ҳатто Ўзининг душманига ҳам марҳамат кўрсатди, Махараж Юдхиштхиранинг мажлисида иштирок этаётгандарнинг ҳаммаси Чеди шоҳининг бундай омадига гувоҳ бўлдилар. Видура ҳам улар орасида эди, Уддхава унга ана шу воқеани эслатиб қўяётган эди.

#### Текст 20

Ҳеч шубҳа йўқки, Курукшетра жанг майдонидаги жангчилар Аржун ёғдирган пайконлар ёмғири остида поклангандилар ва Шри Кришнанинг кўзларни қувонтирувчи нибуфарсимон сиймосини кўриб, Худонинг даргоҳига эришдилар.

Изоҳ: Олий Шахс, Худо, Парвардигор Шри Кришна бу дунёга икки мақсад билан келади: содикларни озодликка чиқариш ҳамда золимларни яксон қилиш. Лекин, Парвардигор мутлақ табиатга эга бўлгани учун Унинг бир қарашда ҳар хил бўлиб кўринган бу икки мақсади ҳам аслини олганда бир биридан фарқ қилмайди. Шишуپала ва унга ўҳшаганларни ўлдирар экан, Парвардигор уларга ҳам Ўзининг паноҳига кирган содиклар эришадиган баҳтни ато этади. Аржунга қарши жанг қилган жангчиларнинг ҳаммаси кўз олдиларида Парвардигорнинг нибуфарсимон сиймосини кўриб турардилар, шу боис улар ҳам, Худонинг содиклари сингари, кейинги ҳаётида Унинг даргоҳига эришдилар. Бу шеърда ишлатилган “кўзларни қувонтирувчи” иборасига алоҳида эътибор бериш керак. Жанг қиласидан сафида Кришнани кўриб, душман қўшинидаги жангчилар Унинг гўззалигига маҳлиё бўлган ва уларнинг қалбида Худога муҳаббат туйғуси уйғонган эди. Шишуپала ҳам Парвардигорни кўриб турганди, лекин у Унга нисбатан ҳеч қандай муҳаббатсиз, худди Ўзининг душманига

карагандай қаради, шунинг учун Шишупала Унинг илохий танасидан таралётган ёнду, брахмажойотига кириб, Парвардигорга қўшилиб кетди. Парвардигорга нисбатан оралиқ муносабатда бўлган, Уни ўзига дўст ҳам, душман ҳам деб хисобламайдиган кишилар эса, Унинг тенгиз гўзал сиймосини қўриб, қалбида Унга нисбатан яқинлик ҳис қилдилар ва шу заҳотиёқ руҳий сайёralарга, Вайкунтхага равона бўлдилар. Парвардигорнинг Ўзининг даргохини Голока Вриндавана деб атайдилар, Парвардигор Ўзининг Нарайна киёфасида мавжуд бўлган Унинг тўлиқ экспансияларининг даргохи эса, Вайкунтха деб аталади.

Худога муҳаббат ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мудраб ётибди, Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнининг хаммаси қалбимиздаги ана шу мангу муҳаббатни уйғотишга қаратилган. Лекин ана илохий уйғониш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Қалбидаги Худога бўлган муҳаббатни тўла уйғота олган киши руҳий оламнинг энг олий сайёрасига, Голока Вриндаванага қайтиб борадилар, омади келиб қандайдир йўллар билан ёки Худонинг содиклари билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида қалбидаги Худога бўлган муҳаббат туйғуси энди уйғона бошлаган кишилар эса, Вайкунтха сайёralарига эришадилар. Аслини олганда Голока билан Вайкунтха орасида катта фарқ йўқ, лекин Вайкунтха аҳолиси Парвардигорга Унинг чексиз улуғворлиги олдида бош эгиб хизмат қиласидилар, Голока аҳолиси эса, Унга бўлган табиий муҳаббат ва боғланиш туйғуси билан хизмат қиласидилар.

Тирик мавжудотнинг қалбида Худога муҳаббат туйғуси Худонинг асл содиклари билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида уйғонади. Бу ерда партхастра-путах ибораси муҳим аҳамиятга эга. Курукшетрада Парвардигорнинг ажойиб сиймосини қўрган кишилар аввалига Аржуннинг пайконлари остида гуноҳларидан покландилар. Парвардигор ер юзига унинг офирини енгил қилиш учун келди, Аржун Унинг номидан жанг қилиб, бу вазифани бажаришда Унга ёрдам берди. Аржуннинг ўзи жангда иштирок этишни истамаган эди, бутун "Бҳагавад Гита" унга фақат уни жангда иштирок этишга қўндириш учун айтилган эди. Парвардигорнинг асл содиги бўлган ҳолда, Аржун, Ўзининг аввалги фикридан қайтиб, жанг қилишга рози бўлди ва Парвардигорга ернинг офирини енгил қилишда ёрдам бериб, жангда иштирок этди. Худонинг асл содиги нима иш қиласа ҳам Худо учун қиласи, чунки ҳеч қандай шахсий истаклари бўлмайди. Шунинг учун Курукшетрада жангда иштирок этган жангчилар учун Аржуннинг қўлидан ҳалок бўлиш Парвардигорнинг Ўзининг қўлида ўлиш билан баробар эди. Аржуннинг пайконлари душманга бориб санчилар экан, уни барча моддий иллатлардан поклар ва у руҳий оламга эришарди. Жанг майдонида Парвардигорнинг жамолини қўрган ва Унинг нилуфар пойи қадамлари гўзаллигидан лаззатланган жангчилар қалбида

Худога муҳаббат туйғуси уйғонди ва улар Шишупала сингари шахсиятсиз брахмажойотига қўшилиб кетмасдан, Вайкунтхалокага кўтарилидилар. Шишупала қалбида Худога муҳаббат туйғуси уйғонмасдан ҳалок бўлди, бошқа жангчилар эса, Парвардигорнинг файритабиий гўзаллигига маҳлиё бўлиб таналарини тарқ этдилар. Шишупала ҳам, бу жангчилар ҳам руҳий салтанатга эришдилар, лекин қалбида Худога муҳаббат уйғонган кишилар илохий осмондаги мангу сайёralарга эришдилар.

Бир караганда Уддхава, Курукшетрада жангда иштирок этган жангчилар ундан кўра яхшироқ ахволда эканидан ўзига ачинаётгандай туюларди: улар Вайкунтхага йўл олдилар, у эса Парвардигорнинг кетганига аза тутиш учун бу ерда қолди.

## Текст 21

Парвардигор Шри Кришна - намоён бўлган уч бирлик (уч оламнинг, уч гунанинг, уч пуруша)нинг ҳукмдори ва барча сифату бойликларнинг мустақил олий эгасидир. Бутун Борликнинг тартибини саклаб турган миллионлаб ҳукмдорлар Унга сажда қиласидилар ва бошидаги тожларини Унинг оёқларига теккизиб, сажда қиласидилар ҳолда Унга эхсонлар ҳадя қиласидилар.

Изоҳ: Аввалги шеърларда айтилганидек, Парвардигор Шри Кришна чексиз меҳрибон ва марҳаматли, лекин айни пайтда У намоён бўлган барча учликларнинг Олий ҳукмдори хисобланади. У – уч оламнинг, моддий табиатнинг уч гунасининг ва уч пуруша(Каранодакашайи, Гарбходакашайи ва Кширодакашайи Вишну)нинг Олий Парвардигори. Сон-саноқсиз коинотлар мавжуд, уларнинг ҳар бирини ўзининг Браҳмаси, Вишнуси ва Рудраси бошқаради. Бундан ташқари Ўзининг капгирларида барча коинотларни кўтариб турадиган Шеша-мурти бор, ана шуларнинг барчасига Парвардигор Шри Кришна ҳукмронлик қиласиди. Ўзининг Ману киёфасида Парвардигор сон-саноқсиз коинотларни бошқариб турган барча Мануларнинг манбаи хисобланади. Ҳар бир коинотга 504000 Ману келади. У – уч асосий қувват: чит-шакти, майя-шакти ва татастха-шактининг ягона ҳукмдори ва олти мукаммаллик(бойлик, куч, шон-шуҳрат, гўзаллик, илм ва боғланмаслик)нинг мутлақ соҳибидир. Ҳеч ким Ундан кўра чуқурроқ лаззат ҳис қила олмайди, ҳеч ким бирор жиҳатдан Ундан устун бўла олмайди. Унга тенглаша оладиган ёки Ундан буюкроқ бирор мавжудот мавжуд эмас. Ким ва қаерда бўлишидан қатъий назар ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи – ўз ихтиёрини Худога топширишдан иборат, шунинг учун моддий оламнинг барча илохий ҳукмдорлари Унга сажда қиласиди, ҳар хил эхсонлар ҳадя қилишининг ҳеч ажабланарли жойи йўқ.

## Текст 22

Шундай экан, эй Видур, Унинг содик хизматкори бўлган бизлар қандай килиб У(Шри Кришна)нинг тахтда ўтирган шоҳ Уграсена олдида туриб: ”Эй ҳукмдор, нима содир бўлганини гапириб беришимга рухсат беринг!“ - деб камтарин рухсат сўраб турганини қалбимиз ларзага келмасдан эслай оламиз?

Изоҳ: Парвардигорнинг ёши улуғларга – Ўзининг отасига, акасига нисбатан кўрсатган иззатикроми, Унниг Ўз “хотин”лари, дўстлари ва тенгдошлари билан ўзаро муносабатларидағи ширин муомаласи, Унинг Яшода онанинг жажжи ўғли ролини қандай ижро этгани, Унинг Ўз дугоналари гопиларга қилган турли қиликлари Уддхава сингари соф содикларни ҳам адаштириб қўйиши мумкин. Аммо, бу дунёда Ўзини оддий одамлардай тутиб юрган Парвардигорнинг одоби Унинг содиклари бўлмаган одамларни йўлдан адаштириб қўяди. "Бҳагавад Гита"(9.11)да Парвардигорнинг Ўзи уларнинг алданиши сабабини тушунитиради:

*аваджсананти мам мудха манушим танум ашритам  
парам бхавам аджсананто мама бхута-махешварам*  
Ғофил одамлар, Парвардигор Шри Кришна – бутун борликнинг ягона Ҳукмдори эканини билмасдан Худо Шахсини ўзлари турган поғонага тушириб қўймоқчи бўладилар. "Бҳагавад Гита"да Парвардигор Ўзининг ҳолатини аниқ таърифлаб берган, аммо ана шу асарни ўрганадиган имонсиз атеист олимлар ўзларини қониқтирадиган изоҳларни тўқиб чиқариб, ўзларининг калтафаҳам издошларини ўзларининг нотўғри ғоялари билан заҳарлаб, йўлдан адаштирадилар. Ана шу баҳтиқаро одамлар бу буюк илмлар китобидан гапларни узиб олиб, уларни ўзларининг шиорига айлантирадилар, лекин ўзлари Парвардигорни Олий Шахс, Худо деб тан олишдан бош тортадилар. Лекин, ана шундай бузгунчи имонсиз атеистларнинг сохта ғоялари Уддхава сингари Парвардигорнинг асл содикларини йўлдан адаштиришга қодир эмас.

### Текст 23.

Кўкрагига заҳар суртиб келиб, Парвардигорни ўлдириш ниятида, Унинг оғзига кўксини тутган ёвуз алвасти(Путана)ни Ўзининг даргоҳида оналик мартабасига кўтартган Парвардигор Шри Кришнадан ҳам олийхимматроқ зотни яна қаердан топишим мумкин?

Изоҳ: Мазкур шеърда эслаб ўтилган воқеа – Парвардигор ҳатто Ўзининг душманларига ҳам чексиз марҳамат кўрсатишига яққол мисол бўла олади.

Олижаноб инсон худди бир уммон заҳардан ҳам бир томчи шарбат чиқариб оладиган киши сингари, ҳатто ярамас одамда ҳам фақат яхши фаялатларни кўради, деган гап бор. Янги туғилган чақалоқ қиёфасидаги Парвардигорни ўлдириш учун ялмогиз Путана ана шу ажойиб чақалоққа кучли заҳар берган эди. Аммо, иблис бўлгани учун

у Парвардигор ҳатто жажжи чақалоқ ролини ижро этаётганида ҳам барибир Олий Шахс, Худо бўлиб қолаверишини билмас эди. Ўзининг содик хизматкори Яшодани мамнун қилиш учун Парвардигор жажжи чақалоққа айлангани билан У Ўзининг Олий Шахс Худога хос сифатларидан маҳрум бўлмаган эди. Парвардигор кичкина чақалоқ ёки оддий инсон қиёфасига кириши мумкин, лекин бу билан ҳеч нарса ўзгармайди: У ҳамиша Олий Шахс, Худо бўлиб қолаверади. Лекин, инсон қанчалик қаттиқ риёзатлар чекмасин, шу риёзатлари ёрдамида қанчалик катта курдатга эга бўлмасин, у ҳеч қачон Олий Шахс даражасига кўтарила олмайди.

Парвардигор Шри Кришна Путанага худди Ўз онасидай муносабат билдириди, чунки у ўзини суюкли онадай тутиб, Унга ўзининг кўксидан сут берганди. Парвардигор тирик мавжудотнинг ҳатто энг арзимас хизматини ҳам қабул қиласди ва бунинг эвазига унга чексиз мукофот ато этади. Кришна ана шундай. Шундай экан, Парвардигордан бошқа ким ҳам барча тирик мавжудотларнинг охирги нажот макони бўлиши мумкин?

### Текст 24.

Ўйлайманки, Худога нафрат кўзи билан қарайдиган иблислар Унинг содик хизматкорларидан ҳам омадлироқ, чунки, улар Парвардигор ҳақидаги ёмон фикрларга гарқ бўлиб У билан жанг қилаётганларида улар Таркшя(Кашяпа)нинг ўғли Гаруданинг елкасида ўтириб, қўлида Ўзининг даҳшатли ҳалқасини тутган Худо Шахсини кўз олдиларида яққол кўрадилар.

Изоҳ: Парвардигор билан жанг қилган асурлар озодликка эришдилар, чунки улар Худо Шахсининг кўлида ҳалок бўлдилар. Иблислар Худонинг содиклари бўлгани учун эмас, балки Унинг бесабаб марҳамати сабабли озодликка эришдилар. Парвардигор билан бўлиб ўтган бир лаҳзалик сұхбат ҳам инсонга энг катта баҳт келтириди, ана шундацай мuloқot шарофати билан у ҳамма нарсага, ҳатто озодликка эриша олади, чунки Парвардигор ҳар жиҳатдан комил Зот. У шу қадар марҳаматлики, ҳатто Ўзининг душманларини ҳам озодликка чиқаради, чунки улар у билан ҳамсұхбат бўладилар, душманлик билан бўлса ҳам барибир ҳамиша У ҳақида ўйлаб юрадилар. Аслини олганда ҳеч қачон иблисларни Худонинг асл содикларига тенгламаслик керак, - бундай фикрлар Уддхаванинг Парвардигор билан айрилиқ азобида изтироб чекиб тургани сабабли юзага келган эди. У умрининг охирида Худо Шахсини иблисларга ўхшаб юзма-юз кўриш имкониятига эга бўлмай қолишидан кўрқарди. Лекин ҳамиша Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат килиб юрган содиклар иблисларнинг тақдирига ёзилган омаддан кўра минг марта кўпроқ мукофотга эга бўладилар – улар руҳий сайёralарга эришадилар ва шу жойда лаззатга

тўла мангу ҳаётга ҳамда Парвардигор билан шахсан мулоқот қилиб юриш ҳуқуқига эга бўладилар. Худонинг содиклари руҳий сайёralарга эришган бир пайтда, иблислар ва имперсоналистлар эса мукофот сифатида Парвардигорнинг танасидан тараалаётган нур, брахмажойтига қўшилиб кетиш имкониятига эга бўладилар. улар орасидаги фарқни тушуниб олиш учун кўз олдимизга коинотда учиб юрган кишини келтириб, унинг ҳолатини жаннатий сайёralарда яшаб юрган одамлар билан таққослаш керак. Жаннатий сайёralарда яшаб юрган зотлар ўз таналаридан маҳрум бўлиб, қуёш нурининг квантларига қўшилиб кетган тирик мавжудотларга караганда лаззатланиш учун чексиз кўп имкониятларга эга бўладилар. Шундай қилиб, имперсоналистларнинг ҳолати Парвардигорнинг душманларининг ҳолатидан яхши эмас: улар ҳам булар ҳам руҳий озодликнинг бир хил даражасига эришадилар.

#### Текст 25

Ер юзига фаровонлик келтиришни илтимос қилган Браҳманинг илтижоларини инобатга олиб, Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна Бходжа шоҳининг зиндонида Васудева билан унинг хотини Девакининг ўғли бўлиб дунёга келди.

Изоҳ: Парвардигорнинг келиши ва кетиши бир биридан умуман фарқ қилмайди, аммо Худонинг содиклари одатда Унинг кетиши ҳакида гапирмасликка ҳаракат қиласидар. Уддхавадан кришна-катха, яъни Парвардигор Шри Кришнанинг ҳаёти ҳакида гапириб беришни илтимос қиласар экан, Видура Парвардигорнинг бу дунёдан кетиши тафсилотларини билмоқчи бўлганди. Аммо Уддхава унга ҳаммасини бошидан, Кришнанинг Матхурада, Бходжа шоҳининг зиндонида Васудева ва Девакининг ўғли бўлиб дунёга келишидан бошлаб гапира бошлиди. Парвардигорнинг бу дунёда қиласидан иши йўқ, лекин Браҳма сингари содиклари Ундан илтимос қилганида, У бутун коинотга баҳт-саодат келтириб ер юзига ташриф буюради. Бу ҳақда "Бҳагавад Гита"(4.8)да айтилган.

*паритранайа садхунам винашайа ча душкритам  
дхарма-самстханартахайа самбхавами йуге йуге.*

#### Текст 26

Шундан сўнг Кришнанинг отаси Камсадан кўрканидан Уни Нанда Махаражнинг ўтлоқлари ястаниб ётган жойга олиб борди. Анча вақтгача кўзга кўринмай тутаб турадиган олов сингари, У акаси Баладева билан шу жойда ўн бир йил яшади.

Изоҳ: Кришна дунёга келиши билан Камса уни ўлдириши мумкинлигидан кўркиб Парвардигорни Нанда Махаражнинг уйига олиб боришига теч қандай зарурат йўқ эди. Асурларнинг фақат Олий Шахс, Худони ўлдиришга уриниш, ё қандай қилиб бўлса ҳам Худо йўқ, Кришна – Худо эмас, шунчаки оддий инсон деб исботлашга жон –жаҳди

билан зўр бериб уринишдан бошқа иши йўқ. Камсага ўхшаган имонсиз одамларнинг ана шундай шиддатли фаолияти Парвардигор Шри Кришнага ҳеч қандай зарар етказа олмайди, аммо, жажжи чакалок ролини ижро этиб, У Камсанинг зулмидан қўрқсан отасининг Ўзини Нанда Махаражнинг ўтлоғига олиб боришига имкон берди. Нанда Махаражнинг такдирига Парвардигорни ўғил қилиб асраб олиш, Яшода онага эса, - Унинг болалиқдаги эрмакларидан лаззатланиш ёзилган эди, шу боис, уларнинг ҳар бирининг истагини амалга ошириш учун, Кммсанинг зиндонида эндинига дунёга келган Парвардигор Ўзини Матхурадан Вриндаванга олиб боришиларига имкон берди. Шу ерда У Ўзининг акаси, Парвардигор Шри Кришнанинг биринчи экспансияси Парвардигор Баладева билан ўн бир йил яшади, Ўзининг таърифлаб бўлмас даражада гаройиб бўлган болалик ва ўсмирлик эрмакларини намоён этди. Васудеванинг Кришнани Камсанинг ғазабидан ҳимоя қилишга интилиши уларнинг ўзаро илоҳий муносабатларининг бир қисми ҳисобланади. Кришна Ўзини Олий Шахс, Худо деб биладиган кишининг сажда қилиб сифинишидан кўра, Ўзини Уни ўзининг ҳамхўрлик қилишга муҳтоҷ ўғли деб биладиган содик хизматкорининг қўлига топширишни ёқтиради. У – ҳар биримизни ҳимоя қилиб юрадиган бизнинг отамиз, лекин Парвардигор унинг ғамхўрлик қилишига муҳтоҷ эканига ишончи комил содик ўзининг хизмати билан Худога илоҳий лаззат бағишлиди. Шунинг учун Васудева Камсанинг Унга бирор зарар етказишидан қўрқиб, Уни Вриндаванга олиб борганида, Парвардигор чукур лаззат ҳис қилди, лекин Унинг Ўзи Камсадан ҳам, бошқа бирон зотдан ҳам муман кўрқмасди.

#### Текст 27

Ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор болалигида подачи болалар ва бузоқлар даврасида сайроқи кушлар овозига тўла қалин бутазор ва ўрмонлардан ўтиб Ямуна дарёси соҳилида сайр қилиб юрарди..

Изоҳ: Нанда Махараж шоҳ Камсанинг ерларини ижарага олган эди, лекин, вайшъя бўлгани, яъни жамиятнинг савдогар ва дехқонлар табақасига мансуб бўлгани учун, унинг минглаб сигирлари бор эди. Кшатрийларнинг жамиятдаги бурчи фуқароларни зулмдан ҳимоя қилиш бўлгани сингари, вайшъяларнинг бурчи – сигирларни ҳимоя қилишдан иборат. Парвардигор ҳали ёш бола бўлгани учун тенгкур дўстлари, подачи-болалар билан Унга бузоқларга ғамхўрлик қилишни ишониб топширилар. Ана шу подачи болалар аввалги ҳаётида буюк ришилар ва йоглар бўлган; кўплаган умрлар давомида такводор ҳаёт кечириб, улар Парвардигор билан бевосита ҳамсұхбат бўлиш ва У билан тенгдош дўстлар сифатида бирга ўйнаш имкониятига эга бўлганлар.

Уларни Кришна аслида ким экани умуман қизиқтирмасди, улар Кришна билан ўзларининг энг яқин ва севимли дўсти сифатида бирга ўйнардилар. Улар Парвардигордан шунчалик хайратда эдиларки, ҳатто кечкурун ухлагани ётганларида ҳам хаёлида факат бир ўй билан ухлардилар: тезроқ тонг отсаю, улар яна Кришнани кўрса, яна У билан бирга бузоқ бокқани ўрмонга йўл олсалар.

Ямуна соҳилидаги ўрмонлар – манго, нон дарахти, апельсин, олма, гуава, узум, пальмалар, ёввойи мевали дарахтлар ўсиб, турли анвойи гуллар гуллаб ётган ажойиб боғлардан иборат. Ана шу ўрмонар Ямуна қирғоғида ўсгани сабабли улардаги дарахт шоҳаларида шу ерга макон қурган ўрдаклар, турналар, товуслар ўтирадилар. Ана шу дарахтлар, күшлар ва бошқа ҳайвонлар Парвардигор Шри Кришнага ва Унинг мангу ҳамроҳлари бўлган подачи-болаларга лаззат келтириш учун илоҳий даргоҳ Вриндаванда дунёга келган тақводор зотлар эдилар.

Ўзининг болаликдаги ўртоқлари билан бирга ўтказган эрмаклари пайтида Парвардигор кўплаб иблисларни ўлдирди, улар орасида Агхасура, Бакасура, Праламбасура ва Гардабхасуралар бор эди. Вриндаванда яшар экан, Кришна кичкина болакай қиёфасида бўлиб, ҳақиқатан ҳам тутаб турган оловга ўхшарди. Худди кичкина учқун катта ёнғинга сабаб бўлгани сингари, Кришна ҳам Нанда Махаражнинг уйида ўтказган болалик давридан иблисларни ўлдиришни бошлаб, ана шу буюк иблисларнинг ҳаммасини яксон қилди. Парвардигорнинг болаликдаги эрмаклари ўтган жой Вриндаван ҳозир ҳам мавжуд, гарчи ҳеч биримиз ўзимизнинг номукаммал кўзларимиз билан Парвардигорни кўришга қодир бўлмасак ҳам, шу даргоҳга борган ҳар қандай инсон қалбидা илоҳий лаззат ҳис қиласди. Парвардигор Чайтаня Махапрабху айтган эдики, Парвардигорнинг даргоҳи Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, шу боис Парвардигорнинг ҳамма содиклари учун муқаддас саждағоҳ ҳисобланади. Унинг ана шу насиҳатларига айниқса Парвардигор Чайтаня Махапрабхунинг издошлари, Гаудия-вайшнавлар изчил амал қиласидилар. Вриндаван замини Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмагани сабабли Уддхава, Видура ва бошқалар ҳали бундан беш минг йил муқаддам кўринар-кўринмас Парвардигор билан ҳамсухбат бўлиш учун шу ерга келганлар. Ҳозирги кунда ҳам Парвардигорнинг минглаб содиклари ўзларининг мангу уйига, Худонинг даргоҳига қайтишга тайёрланиб, Вриндаваннинг муқаддас жойлари бўйлаб зиёрат қиласидилар.

## Текст 28

Факат Вриндаван аҳолисигина Парвардигорнинг болаликдаги эрмаклари лаззатидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга эди. Худди оддий болалардек, У баъзан йиглаб ҳарҳаша қилас, баъзан қиқирлаб қулар, шу ўйинларида У худди жажжи арслон боласига ўхшаб кетарди.

Изоҳ: Парвардигорнинг болаликдаги эрмакларидан лаззатланиши истаган киши Враджа аҳолисининг – Нанда, Упананда ва Парвардигор билан ота-оналарча муҳаббат расасида бўлган бошқа вриндаванликларнинг изидан боришлари лозим. Бирор истагини амалга ошириш учун ёш бола шунчалик дод-вой солиб йиглайдики, унинг йиги овози қўшни ҳовлиларда ҳам эшитилади, лекин ўзи истаган нарсага эришган заҳоти у йигидан тўхта қиқирлаб кула бошлайди. Ёш боланинг йигиси ҳам, кулгиси ҳам ота-оналар ҳамда оиланинг катта аъзолари учун бирдай кувонч бағишлидии, шунинг учун Парвардигор одатда бир вактнинг ўзида ҳам йиглар, ҳам қиқирлаб қулар, бу билан Ўзининг ота-она содикларини чексиз илоҳий лаззат уммонига гарқ қиласди. Парвардигорнинг болаликдаги эрмаклари билан факат Враджа аҳолиси – Нанда Махараж ва бошқалар лаззатлана олади, шахсиятсиз Брахман ёки Параматмага сажда қилиб юрган имперсоналистлар эса, бундай имкониятга эга эмаслар. Гоҳида ўрмонда иблислар билан юзма-юз учрашар экан, Кришна уларнинг афтини кўриб ҳайратга тушганидан бир зум қотиб қоларди, кейин эса худди ёш арслон ўзининг ўлжасига қарагани сингари уларга Ўз нигоҳини ташларди ва уларни турган жойида ўлдиради. Унинг ҳайратга тушган дўстлари бу воеаларни кузатиб турардилар, уйларига келгандан сўнг бу ҳақда ота-оналарига гапириб берар, ҳамма ўзлари севган Кришнанинг кўрсатган қаҳрамонликларидан ҳайратга тушарди. Жажжи Кришна факат ўзининг ота-онаси Нанда ва Яшоданинг ўғли эмасди, У бутун ёши катта Враджа аҳолисининг ўғли, Ўзининг барча тенгдошлари – вриндаванлик ўспириналар ҳамда ёш қизларнинг дўсти эди. вриндаваннинг бутун аҳолиси, ҳатто ҳайвонлар, сигирлар ва бузоқлар ҳам Кришнани жонидан ортиқ севардилар.

## Текст 29

Чиройли ҳўқизларни бокқани яйловга олиб кетаётib, баҳт ва фаровонлик манбаи бўлган Парвардигор Ўзининг ўзгармас мангу ҳамроҳлари бўлган подачи болаларнинг қалбларини кувончга тўлдириб найида куйлар чаларди.

Изоҳ: Парвардигор олти ёшга тўлганида Унга ўтлоқдаги сигир ва ҳўқизларга қараб туришни топширидилар. У яйловда минглаб сигирлари ўтлаб юрган бадавлат ер эгасининг ўғли эди. Ведалар жамиятида одамларнинг бойлиги қанча сигири ва ғалласи борлиги билан ўлчанарди. Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш учун инсониятга атиги икки нарса зарур - ғалла ва сигирлар. Одамларда етарли миқдорда ғалла ва сигирлар бўлиши лозим, шунда жамиятда ҳеч қандай иктиносидий муаммо юзага келмайди. Бошқа барча эҳтиёжларнинг ҳаммаси сунъий равишда одамларнинг ўзлари ўйлаб чиқарган. Одамлар уларни ўзларининг бебаҳо инсон умрини ҳазон қилиш ҳамда кераксиз

нарсалар изидан қувиб вақтини бекорга кетказиш учун ўйлаб топганлар. Инсониятнинг устози Парвардигор Шри Кришна Ўз ҳаёти мисолида кўрсатиб кетдики, савдо ва дехқончилик билан шугулланадиган вайшъялар сигир ва хўқизларни парваришилаши, бу билан ана шу бебаҳо жониворларни химоя қилишлари лозим. Смритиларда айтилганидек, сигир инсоннинг онаси, хўқиз эса – отаси ҳисобланади. Сигир – бизнинг онамиз, чунки худди ёш бола она сутини ичгандек, биз унинг сутини ичамиз. Худди шундай хўқиз инсониятнинг отаси ҳисобланади, чунки худди ота ўз фарзандларини боқиши учун меҳнат қилгани сингари, у ҳам одамларга ғалла етиширишга ёрдам бериб ер ҳайдайди. Отаси билан онасини ўлдириш билан одамлар ўзидағи ҳаёт нафасини ўлдирадилар. Бу ерда айтилганки, Кришна боқиб юрган ажойиб сигир ва хўқизлар ҳар хил рангда эдилар: сариқ, қора, кўқ, малла, кулранг ва ҳоказо. Ҳамма жойда дайдиб, соғ ва корни тўқлигидан пишқириб юрган ола-була чиройли сигир ва хўқизлар аҳолининг кўзини кувонтириб, Вриндаван муҳитига ўзига хос гаройиб файз киритарди.

Бундан ташқари Парвардигор ҳар куни Ўзининг машҳур найида куйлар чаларди. Кришнанинг най наволари Унинг дўстларининг калбини шундай ажойиб илохий ҳаяжонга ғарқ қилардики, улар имперсоналистлар кўкка кўтариб олқишлидиган браҳмананда ҳақидаги ҳар қандай гапларни бутунлай уннутиб юборардилар. Шукадева кейинчалик тушунтирганидай, подачи болалар аслида аввал жуда кўп савоб ишлар қилган зотлар эдилар. Мана шу туфайли улар Парвардигор билан бевосита ҳамсуҳбат бўлишдан ҳамда Унинг илохий найининг ширин наволаридан лаззатланиш имкониятига эга бўлгандилар. “Браҳма-самхита”(5.30)да ҳам Парвардигор одатда Ўзининг илохий найида ажойиб куйлар чалиб юриши тасдиқланади:

*Венум кванантам аравинда-далайатакшам  
Бархаватамсам аситамбуда-сундарангам  
Кандарпа-коти-каминийа-вишеша-шобхам  
Говиндам ади-пурушам там ахам бхаджами*

Браҳмаджи шундай дейди: “Мен Ўзининг илохий найида куйлар чаладиган азалий Парвардигор Говиндага сажда қиласман. Унинг кўзлари нилуфар гулбаргларига ўхшайди, У товус пати билан безанган, Унинг ёмғир тўла булат рангини эслатадиган танаси шунчалик чиройлики, миллионлаб Купидонларнинг гўзаллигини сўндириб кўяди”. Парвардигорнинг бетакрор гўзал сиймоси ана шундай.

### Текст 30.

Кришнани ўлдириш учун Бходжа шохи Камса Унинг олдига бирин-кетин ҳар турли қиёфага кира оладиган буюк сеҳргару-жодугарларни юбора бошлади, аммо Парвардигор Ўзининг эрмаклари давомида уларни, худди ёш бола ўйинчоқларни синдиргани сингари, осонлик билан ўлдириб ташларди.

Изоҳ: Имонсиз Камса Кришнани энди дунёга келган заҳотиёқ ўлдириб ташламоқчи эди, лекин ўша пайтда унинг нияти амалга ошмай қолди. Орадан сал вақт ўтгандан кейин Камса Кришнанинг Вриндаванда, Нанда Махаражнинг уйида яшаётганини билиб қолди, шунинг учун у ҳар хил мўжизалар кўрсатишга ҳамда ўз хоҳиши билан истаган қиёфага кира оладиган кўплаб сеҳргарларни олдига чақирди. Уларнинг ҳаммаси ҳар хил – Агха, Бака, Путана, Шаката, Тринаварта, Дхенука ва Гардабха қиёфаларида бирин-кетин жажжи Кришнанинг олдида пайдо бўлдилар ва ўзларининг бор имкониятларини ишга солиб Уни ўлдиришга уриндилар. Лекин Парвардигор худди ўйинчоқлар билан ўйнагандек уларнинг ҳаммасини яксон қиласади. Ўйинчоқ шер, фил, тўнғиз каби ўйинчоқлар билан ўйнаб, ёш болалар одатда уларни синдириб ташлайдилар. Ҳар нарсага қодир Парвардигор олдида ҳар қандай, ҳатто энг қудратли тирик мавжудот ҳам худди ёш боланинг қўлидаги ўйинчоқ арслонга ўхшайди. Ҳеч ким Парвардигордан устун бўла олмайди, демак, Унга тенг келадиган ёки Ундан буюкрок зот мавжуд эмас. Ҳар канча уринмасин, ҳеч ким Худо билан тенглаша олмайди.

Гайна, йога ва бҳакти – руҳий ўзликни англашнинг ҳамма тан олган уч йўли ҳисобланади. Ана шу йўлларнинг бирортасидан бориб камолотга эришган киши руҳий фаолиятнинг мақсадига эришади, лекин бу ҳали у Парвардигорнинг комиллигига тенг баркамолликка эришди дегани эмас. Парвардигор ҳамиша Парвардигор бўлиб қолаверади. Яшодамая онасининг тиззасида ўйнаб ётган гўдак қиёфасида бўлгандা ҳам, ёки Ўзининг илохий дўстлари даврасида подачи бола қиёфасида шўх ўйнаб юрган пайтда ҳам У барибир Парвардигорлигича колган ва олти турли буюк фазилат ҳамиша Унда мужассам эди. Шунинг учун бутун оламда Парвардигор билан беллаша оладиган ҳеч ким йўқ.

### Текст 31.

Судралиб юрувчилар шохи Калия Ямуна дарёси сувини заҳарлаганида Вриндаван аҳолиси нима қилишни билмай танг аҳволда колгандилар. Шу заҳотиёқ дарёга сакраб, Парвардигор илонлар сultonининг таъзирини берди ва уни бу ерларни тарқ этишига мажбур қиласади. Кирғокқа чиқиб, у сигирларга дарёдан сув ичирди. Буни кўрганларнинг барчаси дарё суви яна аввалгидай тоза ва ширин бўлиб қолганига ишонч ҳосил қилдилар.

### Текст 32.

Парвардигор Шри Кришна Нанда Махаражнинг жуда катта бойлигини сигирларга сажда қилиш учун сарфламоқчи, айни пайтда осмон шохи Индранинг адабини бериб қўймокчи бўлди. Шу ниятда У отасидан донишманд браҳманлар

ёрдамида "го" - ўтлоқ ва сигирларга сифиниш маросимини ўтказишни сўради.

Изоҳ: Бутун инсониятнинг устози бўлган ҳолда Парвардигор ҳатто Ўзининг отаси Нанда Махаражга ҳам таълим берган. Нанда Махараж кўплаб сигирлари бўлган бадавлат ер эгаси эди. Одатга кўра Кришнанинг отаси ҳар йили дабдабали қурбонлик маросими уюштириб осмон шоҳи Индрага сифиниш маросимини ўтказарди. Бошқа кўп удумлар билан бирга фаришталарга сифиниш маросимлари ҳам ведаларда батафсил таърифланган. Одамлар сифиниш жараёнида бу оламни Парвардигор қўл остидаги олий кучлар бошқариб турганини англаб етишлари учун ведаларда фаришталарга сифиниш тавсия қилинган. Фаришталар –Худонинг хизматкорлари бўлиб, Парвардигор уларга коинотнинг турли соҳалардаги фаолиятини бошқариб туришни тайинлаган. Шунинг учун ведавий муқаддас китоблар одамларга қурбонлик маросими ўтказишни тавсия қиласди, бундан мақсад – фаришталарнинг марҳаматини қозониш. Лекин, бевосита Олий Шахс, Худога хизмат қилиб юрган кишининг фаришталардан марҳамат тилашининг ҳожати йўқ. Фаришталарга сифинишнинг мақсади - одамларни аслида ҳамма нарсага Парвардигор олий ҳукмдор эканини тан олишга ундаш, лекин уларга сифиниш шарт эмас. Бундай сифиниш маросими одатда бирор бирор моддий мақсадни кўзлаб ўтказилади. Бу асарнинг Иккинчи қўшиғида биз ягона Парвардигорнинг олий ҳокимлигини тан олган кишилар Унинг ҳукми остида бўлган фаришталарга сифиниб юришининг ҳожати йўқлигини айтиб ўтган эдик. Баъзан, айрим калтафаҳм одамларнинг ўзининг олдида сажда қилиб, олдида кўркув аралаш ҳаяжон билан сифиниб юрганини кўрган фаришталар ўзининг қудратидан мағрурлана бошлайдилар ва Парвардигорнинг устиворлигини эсдан чиқариб кўядилар. Парвардигор Шри Кришна ер юзида юрган пайтда осмон шоҳи ана шундай қилганди, шу боис Парвардигор унинг адабини бериб кўймокчи эди. У Нанда Махараждан Индрага аталган қурбонлик маросимини ўтказишни тўхтатишини ва унга тайёрланган нарсалар билан Говардхана тоғининг ён бағрида жойлашган ўтлоқларга ва сигирларга сифиниш маросими ўтказиб, ўз жойида ишлатишни илтимос қилди. Бу билан Парвардигор Шри Кришна одамларга кўрсатмоқчи эдик, улар ўзларининг бутун фаолиятини ва унинг натижаларини Худога бағишлиб, ягона Парвардигорга сифинишлари лозим. Кейинчалик Парвардигор Ўзининг бу насиҳатларини "Бҳагавад Гита"да такрорлади. Шу тариқа харакат қилиш билан инсон ўзининг барча истакларини амалга ошира олади. Масалан, вайшъялар оғир меҳнат қилиб топган пулларини шамолга совурмасдан, сигирларга, ўтлоқларга ёки экин экиладиган ерларга ғамхўрлик қилишлари лозим, шунда Парвардигор улардан мамнун бўлади. Инсон ўз бурчини шахсан ўзининг, ўз

табақасининг, ўз миллатининг олдида қанчалик мукаммал бажарганини унинг қилган ишидан Парвардигор қанчалик мамнун экани билан аниқлаш мумкин.

### Текст 33.

Эй донишманд Видура, нафсониятига текканига чидамаган Индра Вриндаванга кучли жала кўйдирди ва Враджа(сигирлар макони) ахолиси саросимага тушиб қолди. Аммо, марҳамат уммони бўлган Парвардигор Шри Кришна Ўзининг "ўйинчок" соябони - Говардхана тепалигини кўтариб, уларни бу хатардан ҳимоя этди.

### Текст 34.

Йилнинг учинчи фасли кириб келиши билан Парвардигор Ўзининг иштироки билан ёш қизлар даврасини безаб, уларни Ўзининг тўлин ой ёритиб турган куз окшомида ўрмон

узыра таралаётган қўшиқларининг сехрли оҳанглари билан мафтун этиб, уларнинг даврасида лаззатланарди.

Изоҳ: Сигирлар макони бўлган Вриндаванни тарк этишдан олдин Парвардигор Ўзининг раса-лила эрмагини намоён этиб ёш дугоналари, илохий гопиларга лаззат бағишлиди. Шу билан Уддхава Парвардигорнинг кароматларини таърифлашни тамомлади.

*Бҳактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг учинчи қўшиқ, "Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги ўйлар" деб аталағида иккинчи бобига изоҳлари шу билан якунланади.*

Учинчи боб  
**Парвардигорнинг Вриндавандан ташқаридағи эрмаклари.**

### Текст 1

Шри Уддхава деди: Кейин Парвардигор Шри Кришна билан Баладева Матхурага йўл олдилар. У ерда, ота-оналарини мамнун қилишни истаб Улар душманлар сардори Камсани таҳтдан олиб ташладилар, уни ўлдириб, жасадини ерда судраб юрдилар.

Изоҳ: Шоҳ Камсанинг ўлими ҳақида бу ерда жуда оз айтилган. Бу эрмакларнинг ёркин ва батафсил тарифи "Шримад Бҳагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғида келтирилган. Ўн олти ёшидаёқ Парвардигор Ўзининг ота-онасининг муносиб фарзанди эканини исботлади. Икки ака-ука, Парвардигор Шри Кришна ва Парвардигор Баладева Вриндаванни тарк этиб, Матхурага йўл олдилар, шу ерда Улар ота-онасига шунча азоб берган тоғаси Камсани ўлдиридилар. Камсанинг гавдаси ҳақиқатан ҳам жуда баҳайбат эди, шу боис Васудева билан Деваки Кришна билан Балорам

шундай даҳшатли ва қудратли душманни ўлдира олишини ҳатто ҳаёлига ҳам келтира олмасдилар. Ака-укалар таҳтда ўтирган Камсага хужум қилгандарида Уларнинг ота-онаси Камса энди шу имкониятдан фойдаланиб уларнинг шунча вактдан бери Нанда Махаражнинг уйидаги яшириб келган ўғилларини ўлдириб ташлайди деб ўйлаб даҳшатга тушдилар. Парвардигорнинг ўз фарзандларига нисбатан меҳри тошган ота-онасига уларнинг ўғилларига жуда катта фалокат ҳавф солиб тургандай туюлди. Улар қўркиб кетганидан хушидан кетишларига оз қолди. Ота-онасига далда бериш ва уларни ҳақиқатан ҳам Улар Камсани ўлдирганига ишонтириш учун Кришна ва Баладева унинг жонсиз танасини ерда судраб юрдилар.

#### Текст 2

Кўп сонли бўлимлари билан бирга ҳамма Ведаларни ўрганиш учун Парвардигор уларни Ўзининг устози Сандипани Мунидан бир марта тинглашининг ўзи кифоя эди. У устозига миннатдорчилик билдириб устозининг ўлган ўғлини Ямалокадан қайтариб берди.

Изоҳ: Парвардигордан бошқа ҳеч ким устозидан бир марта эшитиш билан Ведаларнинг ҳамма бўлимларини мукаммал ўргана олишга қодир эмас, жон танани тарқ этиб Ямараж салтанатига боргандан кейин ўлик танани тирилтириш ҳам ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Лекин Парвардигор Шри Кришна Ямалока сайёрасига йўл олди, у ерда Ўз устозининг ўлган ўғлини топди ва олган илми учун миннатдорчилик сифатида уни отасига қайтариб берди. Парвардигор азалдан мукаммал илмга эга, лекин шунга қарамай У, одамларга ишонарли устоз раҳбарлиги остида Ведаларни ўрганиш, Ўзининг хизмати билан устозини мамнун қилиш ва кейин олган илми учун устозига миннатдорчилик билдириш ҳар бир инсоннинг бурчи эканини Ўзининг мисолида кўрсатиш учун Ведаларни ўргана бошлади. Парвардигор устози Сандипани Мунига Ўз хизматини таклиф қилди. Парвардигорнинг курдатини яхши билган Муни Ундан бошқа ҳеч ким қила олмайдиган ишни, - Ўзининг қаттиқ севадиган марҳум ўғлини қайтариб беришни илтимос қилди, Парвардигор унинг илтимосини бажарди. Шундай қилиб, Парвардигор Унга кимнингдир қилган хизматини ҳеч қачон эсдан чиқармайди. У Ўзига қилинган ҳар қандай хизматни юз чандон қилиб қайтаради, шунинг учун ҳамиша Унга илоҳий мухаббат билан хизмат қилиб юрган содиклар бу йўлда ҳеч қандай афсусланмайдилар.

#### Текст 3

Шоҳ Бхишмакининг қизи Рукминининг гўзаллиги ва фазилатларига мафтун бўлиб, кўплаб буюк шоҳ ва шаҳзодалар унинг қўлига эга бўлиш ниятида маликанинг куёв танлаш маросимига тўпландилар. Лекин Парвардигор Шри Кришна шу ерга тўпланган куёвларнинг каллалари устидан юриб

бориб, фаришталардан мангалик шарбатини олиб кетган Гаруда сингари, ҳақли равища ўзига тегишли бўлган ўлжа сифатида уни олиб кетди.

Изоҳ: Шоҳ Бхишмакининг қизи Рукмини худди бойлик сингари жозибадор эди, чунки ўзининг фазилатлари ва танасининг ранги билан соф олтинга ўхшарди. Бойлик ва равнақ фариштаси Лакшми Олий Шахс, Худонинг мулки, шунинг учун Рукмини аслида Парвардигор Шри Кришнанинг хотини бўлишга мўлжалланган эди. Лекин қизи Кришнага эрга чиқишини хоҳлаган шоҳ Бхишмакининг истагига қарши равища, Рукминининг акаси уни Шишупалага эрга бермоқчи эди. Рукмини Кришнадан уни Шишупаланинг чангалидан тортиб олишни илтимос қилди, шунинг учун Шишупала Рукминига уйланишга ният қилиб ўзининг ҳамроҳлари билан бирга унга совчиликка келганида, ҳамма учун кутилмагандага бирданига Кришна пайдо бўлиб қолди. Кришна шу ерда тўпланган шаҳзодаларнинг бошлари устидан юриб Рукминининг олдига борди ва фаришталарнинг қўлидан нектарни олиб кетган Гаруда сингари уни олиб кетди. Буларнинг ҳаммаси "Шримад Бҳагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғида батафсил хикоя қилинади.

#### Текст 4

Кутурган етти хўқизни жиловлаб, Парвардигор очиқ жангда малика Нагнаджитанинг қўлига эгалик қилди. Лекин Парвардигор ғолиб чиққанига қармай, Унинг рақиблари маликанинг қўлига давогарлик қила бошладилар, шунда улар орасида жанг бошланди. Ҳар хил қуроллар соҳиби бўлган Парвардигор Ўзининг барча рақибларини ўлдирди ёки ярадор қилди, лекин Ўзи жангда соппа-соф қолди.

#### Текст 5

Оддий эрлар сингари, Ўзининг хотинини мамнун қилиш учун Парвардигор унга жаннатдан париджата дараҳтини олиб келди. Лекин осмон шоҳи Индра, Ўзининг хотинларининг гапига кириб, Парвардигор билан жанг қилиш ниятида Унинг изидан қува бошлади.

Изоҳ: Бир куни Парвардигор хотини Сатьябхама билан фаришталарнинг онаси Адитининг сирғасини қайтариб олиб келиш учун жаннатий сайёрага йўл олди. Жаннатий сайёраларда париджата деб аталағиган гул дараҳти ўсади, Сатьябхама ана шу дараҳт унинг боғида ҳам бўлишини истади. Оддий эрларга ўхшаб Ўзининг хотинини мамнун қилиш ниятида, Парвардигор ана шу дараҳтни ҳам Ўзи билан бирга олиб кетди, Унинг бу иши Ваджра, яъни яшин хукмдори Индранинг жаҳлини чиқарди. Индранинг хотинлари ундан Парвардигорнинг изидан қувиб бориб, У билан жанг қилишни талаб қилдилар. Хотинларининг гапидан чиқмайдиган, бунинг устига етарлича фаросатли бўлмаган Индра

хотинларининг гапига кириб Кришна билан жанг қилишга журъат қилди. Бу кечириб бўлмайдиган нодонлик эди, чунки у аслида ҳамма нарса ягона Парвардигорнинг мулки эканини унутиб қўйган эди.

Жаннатий сайёralардан бу дарахтни олиб кетиш билан Парвардигор ҳеч қандай ёмон иш қилгани йўқ, лекин одатда хотинига ўз эркини бериб қўядиган эркакларда тез-тез бўлиб турганидек, ҳамиша ўзининг гўзал хотинларининг истагини бажариб юрадиган Индра бутунлай ақлдан озган эди. Индра хотини Сатьябхаманинг гапидан чиқмайдиган Кришна унинг илтимоси билан жаннатдагиларнинг мулкини ўғирлаб кетди, шунинг учун Уни жазолаш керак деб ҳисоблаган эди. У аслида бутун борлик Парвардигорнинг мулки эканини, ҳеч ким Уни ўз амрига бўйсундира олмаслигини унутиб қўйган эди. Парвардигор бутунлай мустақил, агар У истаса, шу заҳотиёқ Унинг Сатьябхамага ўхшаган минглаб хотинлари бўлади. Шунинг учун Уни гўзаллиги учун Сатьябхамага боғланиб колган деб бўлмасди. Шунчаки Парвардигор садоқат билан хизмат қилаётгани учун Сатьябхамадан мамнун эди ва холис муҳаббати ва садоқати учун Ўзининг содигига миннатдорчилик билдиromoқчи эди.

#### Текст 6

Дхаритри(Ер)нинг ўғли Наракасура бутун осмонни забт қилмоқчи бўлган, шунинг учун Парвардигор уни ўлдирган эди. Унинг онаси Парвардигорга илтижо қилди, унинг илтижоларини тинглаб, Парвардигор Наракасуранинг салтанатини унинг ўғлига қайтариб берди, Ўзи эса иблиснинг саройига кирди.

Изоҳ: Бошқа Пураналарда айтилганки, Наракасура Дхаритри(Ер)нинг Парвардигорнинг Ўзидан кўрган ўғли эди. Лекин, иблис Бана билан бирга юриб, унинг салбий таъсири остида унинг ўзи ҳам иблисга айланган. Иблислар деб имонсиз атеистларни айтадилар, тақводор оилада туғилган одамларнинг ана шундай имонсиз одамлар таъсирига берилиб ўзлари ҳам иблисларга айланганига жуда кўп мисоллар бор. Инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши ҳамиша унинг олижаноблик мезони бўлавермайди; факт ҳамиша тақводор инсонлар орасида юрган ва улар орасида тарбия кўрган киши ҳақиқий тақводор олижаноб инсон бўлиб етишади.

#### Текст 7

Барча мазлумларнинг дўсти бўлган Парвардигорни кўриб, Наракасура ўғирлаб кетган ва иблиснинг саройида қамалиб ётган маликалар Унга пешвоз чиқдилар. Парвардигорга илтижо билан ўзларининг шодликка тўла, иболи нигоҳларини ташлаб, улар Ундан ўзларини хотинликка олишни илтимос қилдилар.

Изоҳ: Наракасура жуда кўп буюк шоҳларнинг кизларини ўғирлаган ва уларни ўзининг саройига камаб қўйган эди. Лекин, уни ўлдириб Парвардигор унинг саройига кирганида маликалар қалбида умид учкуни пайдо бўлганди; кувонганидан улар Парвардигордан уларни хотинликка олишни илтимос қилди, чунки улар Парвардигор – бошига мусибат тушганларнинг ягона дўсти эканини яхши билардилар. Агар Парвардигор уларнинг илтимосини қабул қилмаса, улар ҳеч қачон эрга чиқа олмасдилар, - Наракасуранинг қўлида бўлгандан кейин ҳеч ким уларни хотинликка олишга рози бўлмасди. Ведалар маданиятида ўрнатилган урф-одатга кўра киз бола ота-онасининг қўли остидан эрининг қўлига ўтиши лозим. Бу пайтга келиб бу маликалар оталарининг қўли остидан кетган, шу боис уларнинг ўзларига ягона Парвардигордан бошқа эр топишлари жуда қийин эди.

#### Текст 8.

Парвардигор ҳар бир маликани алоҳида бир саройга жойлаштириди ва Ўзини кўплаб қиёфаларда кўпайтириб, уларнинг ҳар бирига муносиб жуфт бўлди. Кейин Ўзининг ички қуввати ёрдамида никоҳ маросимларини ўтказиб, улар билан никоҳдан ўтди.

Изоҳ: “Браҳма самхита”(5.33)да Парвардигорнинг сон-саноқсиз тўла экспансиялари шундай таърифланган:

“Мен сигинадиган ягона Парвардигор, Говинда Олий Шахс, Худонинг Ўзи. У Ўзининг сон-саноқсиз тўла намоён бўлган, бегуноҳ, азалий, чексиз ва мангу қиёфаларга эга бўлган экспансияларидан фарқ қилмайди. Лекин У – азалий, бошлангич Парвардигор ва бутун борлиқда Ундан каттароқ ҳеч ким бўлишига қарамай, У ҳамиша ўш ва навқирон кўринади.”

Ўзининг ички қуввати ёрдамида Парвардигор Ўзини сон-саноқсиз сваям-пракаша, кейин прабхава-рупа ва вайбхава-рупа шахсий қиёфаларда тарқатади, уларнинг ҳаммаси бир биридан фарқ қилмайди. Маликаларга уйланиш учун Парвардигорнинг тарқатган қиёфалари ҳар бир маликанинг ўзига мос бўлиб, бир биридан бироз фарқ қиларди. Парвардигорнинг вайбхава-виласа деб аталадиган ана шу қиёфаларини Унинг ички қуввати, йога-майя яратади.

#### Текст 9

Ўзининг илохий табиатли шахсининг турли жихатларини намоён қилиш учун Парвардигор Ўзининг ҳар бир хотини билан ўнтадан фарзандни дунёга келтирди, унинг барча ўқиллари Унинг Ўзи билан teng фазилатларга эга эди.

#### Текст 10.

Калаявана, Шалва ва Магадхи шоҳи Матхурага хужум қилдилар, лекин уларнинг қўшини шаҳарни ўраб олганида, бутун жаҳонга Ўзининг содик

хизматкорларининг каҳрамонлигини намоён килиш истагида уларни Ўзи ўлдира бошлади.

Изоҳ: Камса ўлгандан кейин Матхурани Калаявана, Жарасандха ва Шалванинг кўшини ўраб олганида Парвардигор Ўзини улардан кўрккандай қилиб кўрсатиб, шаҳардан қочиб кетди. Шундан кейин Уни “Ранҷхор”, яъни “жанг майдонидан қочган Зот” деб атай бошладилар. Лекин аслида Парвардигор бу иблисларни Ўзининг содик хизматкорлари Мучукунда ва Бхима ўлдиришини истаган эди. Парвардигорнинг номидан харакат қилиб, Мучукунда Калаяванани, Бхима эса, - Магадхи шоҳини ўлдирди. Парвардигор Ўзининг содик хизматкорларининг довругини оламга тарқатиш учун шундай килганди. У Ўзини худди жанг қилишга қодир эмасдай қилиб кўрсатди, лекин Унинг содиклари Унинг душманларини яксон қила олдилар. Парвардигорнинг содиклар билан ўзаро муносабатлари улар учун чексиз баҳт манбаи ҳисобланади. Аслида Парвардигор ер юзига Браҳманинг илтимоси билан, бу олами кимлардан тозалаш керак бўлса, уларнинг ҳаммасини яксон қилиш учун келган эди, лекин У Ўзининг содиклари ҳам У билан бирга Унинг шон-шуҳратига шерик бўлишини истарди; шунинг учун баъзан Парвардигор уларнинг шон-шуҳрат қозонишига имкон бериб, уларга бирор ишини буюарди. Курукшетрадаги жангни Парвардигорнинг Ўзи уюштирган эди, аммо, ғолиблик шарафи Ўзининг содик хизматкори Аржунга тегишини истаб(нимитта-матрам бхава савйасачин), жанг қилиш ва бу жангнинг каҳрамони бўлиш имкониятини Аржунга бериб, Унинг Ўзи унинг жиловдори бўлди. Ўзининг илоҳий режаларини ҳаммасини Парвардигор Ўзининг содиклари ёрдамида амалга оширади ва бу билан соф садоқатли хизматкорларига Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатади.

#### Текст 11

Баъзи шоҳларни – Шамбара, Двивида, Бана, Мура, Балвала ва бошқа иблисларни Унинг Ўзи яксон қилди, уларнинг баъзиларни эса, Унинг амри билан бошқалар ўлдирдилар.

#### Текст 12.

Кейин, эй Видура, Парвардигор шундай қилдики, Курукшетрада барча шоҳлар – душман томонидагилар ҳам, сенинг жиянларинг томонда туриб жанг қилгандар ҳам ҳалок бўлдилар. Бу шоҳлар шу қадар баҳайбат ва қудратли эдиларки, улар жанг майдонидан ўтганида уларнинг оёқлари остида ет титради.

#### Текст 13.

Карна, Духшасана ва Саубаланинг аҳмоқона насиҳатларига қулоқ солиб йўлдан адашган Дурйодхана ўз бойлигидан айрилди ва охир-оқибатда бевақт ажалига дуч келди. Сонлари маҳақланиб, ер билан яксон бўлиб ётган қудратли

Дурйодхана ҳамда унинг атрофида ётган унинг ҳамтовоклари Парвардигорга қувонч бағишиламаган эди.

Изоҳ: Гарчи У Аржунга ёрдам бериб юрган ва жанг пайтида Бхимага қандай қилиб Дурйодхананинг сонини маҳақлашни Унинг Ўзи эслатган бўлса ҳам, Дхритараштранинг ўғли Дурйодхананинг ҳалокатга учраши Парвардигорга шодлик келтирмади. Парвардигор гуноҳкорларни жазолашга мажбур, лекин уларни жазолар экан У бундан лаззатлана олмайди, чунки аслида барча тирик мавжудотлар Унинг ажралмас заррачалари ҳисобланади. Парвардигор гуноҳкорларга нисбатан яшиндай бешафқат, тақводорлага нисбатан эса – атиргулдай мулоим. Инсон ёмон дўстлар ва Худонинг қонунларига зид бўлган аҳмоқона маслаҳатлар таъсирида ёмон йўлга кириб кетади. Бунинг оқибатида инсон Худонинг қонунларини бузади ва ўзини Унинг ғазабига дучор қиласди. Баҳтга олиб борадиган энг тўғри йўл – унутувчан тирик мавжудотлар учун Ведалар ҳамда Пураналарда ёзиб қўйилган Худонинг қонунларига амал қилиш ҳамда Унинг қонунларини бузмасдан яшашдан иборат.

#### Текст 14

(Курукшетрадаги жанг тамом бўлгандан кейин Парвардигор деди:) Драна, Бхишма, Аржуна ҳамда Бхима, ўн саккиз акшаухини қўшинни яксон қилиб, ернинг оғирини енгил қилишда Менга ёрдам бердилар. Лекин Мен ҳозир нимани қўриб турибман? Менинг Ўзимнинг қариндошларим – Ядавалар хонадони, - аввалгидай қудратли ва улар ер учун яна ҳам оғирроқ дард бўлишлари мумкин.

Изоҳ: Ер юзида бўладиган урушлар ва бошқа оғатларнинг юзага келишига сайёрада аҳоли сони ошиб кетгани сабаб бўлади, деб ҳисоблайдиган таълимот умуман нотўғри ҳисобланади. Ер юзида аҳоли сони керагидан ошмаган ва ошиб кетмайди ҳам. Катта-катта тоғларда ва чукур океанларда яшайдиган тирик мавжудотлар ер юзидағи одамлар сонидан анча кўпни ташкил этади, лекин тоғлар ва океанлар уларда тирик мавжудотлар кўпайиб кетишидан қийналмайди. Агар ер юзида яшайдиган тирик мавжудотлар ҳисоблаб чиқилса, ҳеч шубҳа йўқки, одамлар барча тирик мавжудотларнинг умумий сонидан атиги беш фойизини ташкил қилиши тасдиқланган бўларди. Аҳоли сони кўпайиши билан шунга мос равища бошқа тирик мавжудотларнинг сони ҳам кўпая боради. Қуий турдаги - ҳайвонлар, баликлар, қушлар ва бошқалар сингари тирик мавжудотларда кўпайиш жараёни одамларнига қараганда анча юқори. Худонинг амри билан ер юзида яшайдиган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси етарлича озиқ-овқатга эга, агар тирик мавжудотларнинг сони кўпайиб кетган тақдирда ҳам, озиқ-овқат заҳираларини кўпайтириш Парвардигор учун қийин иш эмас.

Шундай килиб, аҳоли сонининг кўпайиб кетиши - Ер учун оғир юк деб ҳисоблашга хеч қандай асос йўқ. Ер сайёраси дхарма-глани, яъни одамлар Худонинг қонунларига бўйсунмай қўйганида азият кечади. Парвардигор Ер юзига, дунёвий иқтисодчилар нотўғри ўйлаганидай аҳоли сонининг ўсишини эмас, гуноҳкор одамлар сонининг кўпайиб кетишига чек қўйиш учун келган. Парвардигор Шри Кришна ер юзига келган даврда ер юзини Худонинг амрига бўйсунмайдиган гуноҳкор одамлар босиб кетган эди. Моддий олам Худонинг амрини – Худонинг даргоҳига киришга муносиб бўлмаган шартланган тирик мавжудотларга руҳий оламга қайтиш хукукини берадиган сифатларга эга бўлиш имкониятини беришдан иборат ниятини амалга ошириш учун яратиб қўйилган. Бутун коинот ягона мақсад учун яралган: шартланган руҳларга Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятини бериш – Парвардигорнинг моддий қуввати эса уларнинг бу дунёда яшаш учун барча зарур эҳтиёжларини етарлича қондиради.

Шунинг учун ҳатто ер юзи аҳолисининг сони ҳаддан ташқари ошиб кетган тақдирда ҳам, агар ер юзидаги одамлар Худонинг амрига бўйсуниб, Унинг онги билан яшасалар, гуноҳ қиласалар, бундай ташвиш ер сайёраси учун лаззат манбаи ҳисобланади. Ташвиш икки турли бўлади. Эшакнинг устига ортилган юқдай озор берадиган ташвиш бор, кейин, инсон хурсанд бўлиб ўзи ўз зиммасига оладиган ташвиш бор. Биринчى ташвиш инсонга мусибат келтиради, иккинчи ташвиш эса – лаззат манбаи ҳисобланади. Ёқимли ташвиш ҳақида гапирап экан, Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур жуда хаётий мисол келтирган. У айтадики, ёш хотиннинг ўз эрига ғамхўрлик қилиш учун ташвиши, онанинг ўз фарзанди учун ташвиши, савдогарнинг ҳамёнидаги олтиннинг оғирлиги – оғир ташвиш, лекин айни пайтда улар учун лаззат манбаи ҳисобланади, агар улар шу ташвишлардан маҳрум бўлсалар, улар айрилиқ азобига дучор бўладилар, ана шу азоб, мухаббат азобидан анча оғир ҳисобланади. Ядаваларни ер учун оғир ташвиш деганда Парвардигор Шри Кришна бу хонадон ерга оғир дард бўлади демаган. Парвардигор Шри Кришнанинг оиласи жуда катта бўлиб бир неча миллион кишидан иборат эди, бу албатта ернинг аҳоли сонини жуда ошириб юборган эди, аммо, Унинг барча авлодлари Парвардигорнинг Ўзининг экспансиялари бўлгани туфайли, улар ер юзи учун чексиз лаззат манбаи эди. Уларни ер учун оғир юк деганда Парвардигор уларнинг ер юзидан муқаррар кетишини назарда тутган эди. Парвардигор Шри Кришнанинг оила аъзоларининг ҳаммаси ерга ташриф буюрган фаришталар эди, уларнинг ҳаммаси Парвардигор билан бирга ер сайёрасини тарк этиб кетишлиари керак эди. Ядавалар хонадонини ер юзига оғир юк деганда Парвардигор улар билан бўладиган муқаррар айрилиқни назарда тутган. Буни Шрила Жива Госвами ҳам тасдиқлайди.

### Текст 15

Қачон улар ичган асал(мадху)лари таъсиридан кўзлари асалдай қизариб, маст бўлиб бир бири билан ўзаро жанжал бошласалар, шундагина ер юзидан ғойиб бўладилар. бунинг бошқа иложи йўқ. Бу ҳодиса Мен кетадиган куни рўй беради.

Изоҳ: Парвардигор ва Унинг ҳамроҳлари бу дунёга Худонинг амри билан келадилар, Унинг амри билан кетадилар. Уларга моддий табиат қонунлари таъсир кила олмайди. Парвардигорнинг оиласини хеч ким яксон қила олмасди, Унинг оила аъзолари кексалик сабабли ҳам ўлмасдилар. Шундай қилиб, гўё мастилик сабабли юзага келгандай бўлиб туюлган уларнинг ўзаро жанжаллашуви – улар учун ер юзини тарк этиш учун ягона имконият эди. Бу “жанжал” Худонинг хоҳиши билан бўлиб ўтган эди, бунинг бошқа сабаби йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмасди. Худди, Парвардигор “Бҳагавад Гита”ни баён этишига сабаб бўлиши учун алдамчи қувват таъсирига тушиб қолган Аржун ўзининг қариндошлари ачингани сингари, Ядавалар ҳам қандайдир бошқа сабаб билан эмас, балки фақат Парвардигорнинг хоҳиши шундай бўлгани учунгина маст бўлгандилар. Худонинг содиклари ва ҳамроҳлари – Унга ўз ихтиёрини бутунлай топширган зотлар, шу боис улар Парвардигорнинг қўлидаги илохий куроллар бўлиб, У улардан Ўз хоҳиши билан истаган мақсадда фойдаланади. Парвардигорнинг ана шундай эрмакларида иштирок этиб, Худонинг содикларининг ўзлари ҳам лаззатланадилар, чунки уларнинг ягона истаги – ҳамиша Парвардигорни баҳтиёр қўришдан иборат. Содиклар ҳеч қачон ўзларининг “менининг” мустакиллигига даъвогарлик қилмайдилар, аксинча, улар ўзининг

“мен”идан Худонинг иродасини амалга ошириш учун фойдаланадилар. Содикларнинг Парвардигор билан ана шундай ҳамкорлиги туфайли Унинг эрмаклари бўлиб ўтадиган ажойиб мухит юзага келади.

### Текст 16

Ўзича шундай ўйлар экан, Парвардигор бутун жаҳонга эзгулик қонунлари асосида ҳукмронлик қилиш намунасини кўрсатиш ниятида Махараж Юдхиштхирани ер юзининг олий ҳукмдори килиб тайинлади.

### Текст 17

Буюк қаҳрамоннинг ўз хотини Уттара қолдирган зурёди бўлмиш Пуру авлоди Дронанинг ўғли йўллаган оловли қурол таъсиридан куйиб бораётган эди, лекин Парвардигор уни яна химоя килди.

Изоҳ: Ашваттхама йўллаган брахмастра Паришитнинг буюк қаҳрамон Абхиманьюдан ҳомиладор бўлган онаси Уттара корнида ривожланаётган ҳомиласини куйдириб юбораётган

эди, аммо Парвардигор унинг қорнига кириб, зурёдга янги тана бериб, пуро авлодини асраб қолди. Бу воқеа аниқ исботлаб турибдики, тана билан тирик мавжудот, рухий зарра бир биридан фарқ қиласди, тирик мавжудот эркаклик уруғи билан аёлнинг бачадонига кирганида, эркак ва аёлнинг уруғлари қўшиласди, натижада тариқдек тана юзага келади, кейин шу тана ривожланиб бола танасига айланади. Лекин, пайдо бўлган ҳомилага қандайдир йўллар билан шикаст етказсалар, тирик мавжудот бошқа бир танада ёки бошқа бир аёл қорнида паноҳ излашга мажбур бўлади. Махараж Пурунинг авлоди ва Пандуларнинг вориси бўлиши учун танланган тирик мавжудот оддий тирик мавжудот бўлиши мумкин эмасди. Парвардигорнинг олий амри билан у Махараж Юдхиштхиранинг меросхўри бўлиши лозим эди. Шунинг учун Ашваттхама Махараж Паришитнинг ҳомиласини яксон қилганида, Парвардигор Ўзининг ички қуввати ёрдамида, ажал ҳавф солиб турган бўлгуси Махараж Паришитга Ўзини намоён этиш учун Ўзининг тўлиқ экспансияси киёфасида Уттаранинг бачадонига кирди. Уттаранинг қорнида пайдо бўлиб, ҳар нарсага қодир Парвардигор болага далда берди ва янги тана бериб, уни ҳимоя қилди. Ҳамма жойга сингиб кетган Парвардигор бир вақтнинг ўзида ҳам Уттаранинг ичиди, ҳам унинг танасидан ҳам, шунингдек Пандузодаларнинг бошқа оила аъзоларининг таналаридан ҳам ташқарида эди.

#### Текст 18.

Парвардигор Дхарманинг ўғлини уч марта от курбонлик маросими ўтказишга илҳомлантириди. Шу тариқа ҳамиша ва ҳамма ишда Олий Шахс Худога сўзсиз итоат қиласиган Махараж Паришит ўзининг укалари ёрдамида ер юзини ҳимоя қилди ва унинг неъматларидан лаззатланиб яшади.

Изоҳ: Махараж Юдхиштхира намунали монарх, Худонинг ердаги вакили эди, чунки ҳамиша ва ҳамма нарсада олий Шахс Худога. Парвардигор Шри Кришнага сўзсиз итоат қиласди. Ведаларда (“Ишопанишад”)да айтилганидек, шартланган руҳларга Парвардигор билан ўзаро муносабатларини қайта тиклаш ва шунинг шарофати билан ўзларининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имконини берадиган, бу бутун борлик ягона Парвардигорнинг мулки ҳисобланади. Бутун моддий олам ана шундай мақсад ва режа билан яратилган. Парвардигорнинг ана шу режасини амалга оширишга қаршилик қиласиган зотларнинг ҳаммасини Олий Шахснинг амрини бажарадиган моддий табиат қонунлари жазолайди. Махараж Юдхиштхира Парвардигорнинг вакили сифатида ер юзини Унинг номидан бошқаарди. Шоҳ Худонинг ердаги вакили бўлиши лозим. Мукаммал монархия – ҳамиша Парвардигорнинг олий иродасини акс эттириб келган,

Махараж Юдхиштхира ер юзига ана шу олий қоида асосида ҳукмронлик қилган намунали монарх эди. Ўзининг кундалик бурчини адо этар экан, шоҳ ва унинг фуқаролари баҳтиёр эдилар, шунинг учун Махараж Юдхиштхира ва унинг муносиб авлодлари – Махараж Паришит ва бошқалар - салтанатида одамлар ўзини ишончли ҳимоя остида хис қилиб табиий, равишда моддий табиат билан тўла ҳамоҳанг бўлиб баҳтиёр турмуш кечирардилар.

#### Текст 19

Айни пайтда Парвардигор ведалар маданиятининг барча урф-одатларига қатъий риоя қилиб Дваракада хаётдан лаззатланиб яшарди. Санкхъя фалсафаси талаб қилганидек, У Ўзининг хаётида мукаммал илм асосида боғланмаслик қоидасига риоя қилиб яшарди.

Изоҳ: оламни Махараж Юдхиштхира бошқариб турган ўша даврда Парвардигор Шри Кришна Дварака шоҳи бўлиб, Унинг Дваракадхиша деган унвони бор эди. бошқа тобе шоҳлар сингари У ҳам Махараж Юдхиштхира ҳукмига бўйсунар эди. Парвардигор Шри Кришна – бутун борлиқнинг Олий ҳукмдори бўлишига қарамай, Ўзининг ер юзида юрган пайтларида У ҳар бир инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти қандай бўлиши лозимлиги кўрсатилган ведавий қонун-қоидаларни хеч қаҷон бузмаган. Ўзининг барча эътиёжларини таъминлаш ва ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун инсон санкхъя фалсафаси деб аталадиган илмга асосланган ведавий қонун-қоидаларга риоя қилиб яшashi лозим. Ана шу илмдан – бу дунёга боғланмаслик ва ведавий урф-одатлардан маҳрум бўлган инсонлар жамияти яшашдан мақсади – еб-ичиш ва лаззатланишдан иборат бўлган ҳайвонлар жамиятияга айлануб қолади. Бутунлай эркин бўлган ҳолда, ҳамиша Ўзининг истакларига мос ҳаракат қилиб, айни пайтда Парвардигор Ўз ҳаётининг мисолида одамларни ҳаётда мукаммал илмга асосланиб яшашга ҳамда боғланмаслик қоидасига қатъий амал қилишга ўргатган. Илм ўрганиш ва ўзида боғланмаслик сифатини ривожлантириш – ҳақиқий баркамолликка эришиш демакдир. Баркамолликка эришишнинг ана шу йўли санкхъя фалсафасида ёритилган. Санкхъя фалсафасига кўра, инсон ҳаёти моддий тириклийликнинг барча мусибатларига биратула чек кўйиш учун мўлжалланган эканини тушунадиган киши илмга эга инсон деб аталади. Бунинг устига илмли киши ўз танасининг эътиёжларини Ведаларнинг кўрсатмалари асосида қондиради ва ҳаётнинг ана шу томонига боғлануб қолмайди. Тананинг эҳтиёжларини қондириш – барча ҳайвонларга хос бўлган тириклий, инсон ҳаётининг ҳақиқий мақсади эса – рухий табиатга эга бўлган жоннинг вазифасини бажаришдан иборат.

#### Текст 20

У ерда Парвардигор равнақ фариштасининг макони бўлган Ўзининг илохий танасида эди. Парвардигорнинг мулойим сиймосида ҳамиша ширин табассум, Унинг гаплари нектардай ширин, одоби эса бенуқсон эди.

Изоҳ: Аввалги шеърда, санкхъя фалсафасини муқаммал биладиган Парвардигор Шри Кришна бирор моддий нарсага боғланмаган экани айтилган эди, бу шеърда эса Уни равнақ фариштасининг макони деб атаяпти. Бу гаплар бир бирига зид эмас. куйи табиатнинг хилма-хиллигига боғланмасдан Парвардигор Шри Кришна руҳий табиатдан – Ўзининг ички қувватидан мангу лаззат олиб юради. Илмсиз одамлар Парвардигорнинг ички ва ташқи қуввати орасидаги фарқни тушуна олмайдилар. Парвардигорнинг ички қуввати "Бҳагавад Гита"да паро прақрити деб аталган. "Вишну-пурана"да Вишнунинг ички қуввати ҳам паро шакти деб аталган. Парвардигор ва паро шакти бир биридан ажралмайди. "Браhma-самхита"(5.37)да паро шакти ва унинг намоён бўлган кўринишлари ҳақида шундай дейилган: анада-чинмайа-раса-пратибхавитабхих. Парвардигор мангу шодликка тўла ва ҳамиша илохий лаззат ҳис қилиб юради. Куйи қувватнинг хилма-хиллигини инкор этиши деганда руҳий оламнинг мутлақ илохий лаззатини инкор этиш назарда тутилмайди. Шундай қилиб, Парвардигорнинг мулойим сиймоси, Унинг табассуми, одоби ва У билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммаси, илохий табиатга эга. Ички қувватнинг бундай намоён бўлиши – ҳақиқат, ўткинчи моддий олам эса, ана шу ҳақиқатнинг вақтнчалик намоён бўлишидир. Ҳақиқий илмга эга бўлган киши унга боғланиб қолмайди.

## Текст 21

Парвардигор Ўзининг ҳам бу оламда, ҳам бошқа оламларда(олий сайёralарда) ўтаётган эрмакларидан, айниқса Ядавалар суполоси аъзолари иштирок этадиган эрмакларидан лаззатланиб юради. Тунда эса, дам олиш пайтларида У аёллар билан эр-хотинлик мұхабатидан лаззатланарди.

Изоҳ: Бу дунёда яшар экан, Парвардигор Ўзининг соғ содиклари даврасида лаззатланарди. Кришна – Олий Шахс, Худо барча моддий боғланишларга нисбатан илохий ҳолатда бўлган ягона Парвардигор, шунга қарамай, ер юзида юрган пайтида У Ўзининг содик хизматкорларига, шунингдек олий сайёralарда қудратли ҳукмдорлар сифатида Унга хизмат қиласидиган ва Ўзи моддий фаолиятнинг турли соҳаларини бошқаришни тайинлаб қўйган фаришталарга қанчалик боғланиб қолган эканини кўрсатди. Айниқса У Ўзининг қариндошлари бўлган Ядаваларга ва У билан тунлари, дам олиш пайтларида бирга бўлиш баҳтига мұяссар бўлган Ўзининг ўн олти минг хотинига кучли боғланиб қолган эди. Парвардигорнинг бундай

боғланишлари Унинг ички қувватининг намоён бўлишидир, ташки қувват эса ана шу қувватнинг кучисиз акси ҳисобланади. Парвардигорнинг ички қувватининг намоён бўлиши мавжудлиги "Сканда-пурана"нинг праҳаса-кханда бўлимида, маъбуд Шива билан Гаурининг сухбатида тасдиқланишини кўришимиз мумкин. Унда айтилганки, гарчи Парвардигор илохий Олий Рух(Хамса) ва барча тирик мавжудотларнинг нажот макони бўлса ҳам, У ўн олти мингта подачи киз билан учрашувга келди. Ўн олти мингта подачи киз Унинг ички қувватининг ўн олти турда намоён бўлишидир. Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"нинг Ўнинчи қўшиғида батафсил хикоя қилинган. У ерда Парвардигор Шри Кришнани ойга, Унинг ички қувватининг тимсоли бўлган қизларни эса, ойнинг атрофида тўпланган юлдузларга қиёслайдилар.

## Текст 22

Шу тариқа узок йиллар давомида Парвардигор оилали кишидай бўлиб яшади, лекин ер юзидағи умрининг охирги даврида У ўткинчи жинсий лаззатлардан бутунлай воз кечганини кўрсатди.

Изоҳ: Парвардигор моддий жинсий лаззатларга боғланган бўлиши мумкин эмас, аммо, бутун олам устози сифатида У оилали одам қандай яшashi лозимлигини кўрсатиш учун узок йиллар мобайнида оилавий турмуш тарзи билан яшади. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур тушунтирадики, самаджайата ибораси "тўла намоён килди" деганинг англатади. Парвардигорнинг дунёвий ишлардан бутунлай воз кечгани Унинг бу дунёда килган ҳамма ишларида намоён бўлди, аммо У Ўзининг ҳаёти мисолида одамларга инсон оилавий турмушга то умрининг охиригача боғланиб қолмаслиги лозимлигини кўрсатмоқчи бўлганида Унинг таркидунёлиги тўла даражада намоён бўлди. Бу боғланишдан озод бўлиш инсон ҳаётининг табиий якуни бўлиши лозим. Парвардигорнинг оилавий ҳаётдан воз кечишини У Ўзининг мангу ҳамроҳларидан, илохий подачилардан воз кечди деб тушунмаслик керак. Парвардигор шунчаки Ўзининг моддий табиатнинг уч гунасига бўлган вақтнчалик боғланишидан воз кечишга қарор килди, лекин У ҳеч қачон Ўзининг илохий ҳамроҳлари – Руммини ва бошқа равнақ фаришталарининг хизматидан воз кечмайди, бу ҳақда "Браhma-самхита"(5.29)да айтилган: лакшми-саҳасра-шата-самбхрама-севйаманам.

## Текст 23

Ҳар бир тирик мавжудотни қандайдир олий куч бошқариб туради, унинг ҳиссий лаззатлари ҳам ана шу ғайритабиий куч ҳукми остида бўлади. Шунинг учун Парвардигор Шри Кришнанинг илохий ҳиссиётининг кўрсатган фаолиятига факат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Унинг содик хизматкори бўлган қишигина ишона олади.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"да айтилганидек, Парвардигорнинг бу дунёда пайдо бўлиши ва кўрсатган кароматларининг илохий табиатини тўла англаб етишга ҳеч ким кодир эмас. Буни мана шу шеър ҳам тасдиқлаб турибди: Парвардигорнинг кароматлари олий кучлар ҳукми остидаги тирик мавжудотларнинг фаолиятидан нимаси билан фарқ қилишини факат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида покланган ҳамда илмга эга бўлган киши англай олади. Моддий оламдаги хайвонларнинг, одамларнинг ва фаришталарнинг хиссий лаззатларини пракрити ёки дайви-майя деб аталағидан файритабиий куч бошқариб туради. Моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар хиссий лаззатга интилиб яшайдилар, лекин улар бу йўлда олий кучлар ҳукми остида. Файритабиий кучлар ҳукми остида бўлган одамлар Парвардигор Шри Кришна мутлақо мустақил ҳолда хиссий лаззатга берилишига ишона олмайдилар. Улар Парвардигорнинг хиссиёти илохий табиатга эга эканини тушунмайдилар. "Брахма-самхита"да маъбуд Брахма Парвардигорнинг ҳар бир сезги аъзоси бошқа истаган бир сезги аъзосининг вазифасини бажара олишини назарда тутиб, Унинг хиссиёти ҳар нарсага қодир деб атаган. Сезгилари чекланган зот Парвардигор Ўзининг илохий қулоғи билан овқатнинг таъмини билишига ёки нигоҳи билан жинсий алоқа қилишига ишонмайди. Бундай лаззатлар бировнинг ҳукми остида бўлиб шартланган ҳаёт кечираётган тирик мавжудотнинг тушига ҳам кирмайди. Аммо, бҳакти-йога билан шуғуланиб юрган киши Парвардигорнинг илохий табиатини ва Унинг кароматларини англаб ета олади. Парвардигорнинг Ўзи "Бҳагавад Гита"(18.55)да шундай дейди: бҳакти мам аҳиджанати йаван йаш часми таттватаҳ – Худонинг асл содиги бўлмаган киши ўзининг дунёвий ақли билан Унинг кароматларининг ҳатто заррача қисмини ҳам англаб етишга қодир эмас.

#### Текст 24

Бир куни Ядавалар ва Бходжанинг авлодлари бўлган шахзодалар ўзларининг қиликлари билан буюк донишмандларнинг ғазабини келтирдилар, Парвардигорнинг амри билан донишмандлар уларни дуои бад қилдилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг Ядавалар ва Бходжа сулоласининг шахзодалари ролини ўйнаган содиклари оддий тирик мавжудотлар эмасдилар. Худди Худонинг асл содиги бўлган донишмандлар Парвардигорнинг Ўзи аъзо бўлган табаррук Ядава ва Бходжа сулоласида дунёга келган шахзодаларни дуои-бад қилиши мумкин бўлмагани сингари, улар ҳам бирор авлиё зотни ёки донишмандни ҳақорат қилишлари мумкин эмасди. Донишмандларнинг Ядава ва Бходжа шахзодаларининг дуои бад қилиши – Парвардигорнинг навбатдаги илохий эрмаги, Унинг қалбаки ғазабининг намоён бўлишидир. Шахзодалар бошига тушган ланъят тамгаси

одамларга шуни кўрсатиши лозим эдики, ҳатто Унинг моддий табиат хеч қандай зарап етказа олмайдиган ўз қариндошлари ҳам Парвардигорнинг буюк содикларини ҳақорат қилишнинг ҳалокатли оқибатидан қочиб қутула олмайдилар. Шунинг учун Худонинг содик хизматкорини ҳақорат қилиб қўймаслик учун жуда эҳтиёт бўлиш керак.

#### Текст 25

Орадан бир неча ой ўтгандан кейин Вришни, Бходжа ва Андҳака қабиласининг аъзолари бўлиб туғилган фаришталар Кришна адаштириб қўйгани туфайли Прабхасага йўл олдилар, Парвардигорнинг мангу содиклари эса Дваракада қолдилар.

#### Текст 26

Шу ерга келиб, улар ювиниб покландилар ва шу муқаддас жойнинг сувидан тақдим этиб, авлодларининг, фаришталарнинг ва буюк донишмандларнинг руҳини хотирлаб шод этдилар. Кейин улар браҳманларга шоҳона эъсонлар сифатида кўплаб сигирлар ҳадя қилдилар.

Изоҳ: Худонинг содиклари бир неча турларга бўлинади, уларни икки асосий тоифага ажратиш мумкин: нитъя –сиддхи ва садхана-сиддхи. Нитъя-сиддхи содиклар гарчи баъзан Парвардигорнинг бирор амрини бажариш учун моддий оламга ташриф буюрсалар ҳам, ҳеч қачон моддий табиат таъсирига берилмайдилар, садхана-сиддхилар эса, шартланган руҳларнинг орасидан етишиб чиқадилар. Садхана-бҳактилар соғ содикларга ва садоқатига карма ва гъяна аломатлари қўшилган содиклар тоифасига бўлинади. Кейинги тоифа содиклар кармали фаолият билан ҳамда эмпирик фалсафа билан шуғулланишдан лаззатланадилар. Аммо соғ содикларнинг фаолияти бундай қўшимчалардан пок; улар қаерда ва қандай шароитда бўлишидан қатъий назар бутунлай Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул бўладилар. Худонинг содиклари муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиш истаги – тўғри йўлдан адашган ақлимизнинг навбатдаги хатоси, чунки қаерда бўлишимиздан қатъий назар, Худога садоқат билан хизмат қилиш – руҳий баркамолликнинг энг олий чўққисидир".

Худога илохий мухабbat билан хизмат қилишдан тўла қаноат ҳосил қилган асл содиклар зиёратгоҳларга бориб юришининг ҳожати йўқ. Лекин, ҳали бу даражага эришмаган содикларга Ведалар вақти-вақти билан муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб туриш ва шу ерлардаги барча урф-одатларни бажариш тавсия қилинган. Ядаваларнинг Прабхасага йўл олган аъзолари зиёратчилар қилиши лозим бўлган ҳамма

ишларни бажардилар, ўзлари қилган савоб ишларнинг ҳамма натижаларини аждодларига, фаришталарга ва буюк донишмандларга бағишиладилар.

Хар бир инсон Парвардигор олдида, фаришталар, буюк донишмандлар, бошқа тирик мавжудотлар, одамлар, аждодлари ва бошқалар олдида улардан олган ҳамма нарсалари учун қарздордир. Уларнинг биз учун қилган ҳамма хизматлари учун биз улардан миннатдор бўлишимиз лозим. Прабхасага йўл олган Ядавалар шоҳона саховат билан браҳманларга ер, олтин, семиз сигирлар эҳсон қилиш билан ўз бурчини бажардилар, бу хақда кейинги шеърда айтилади.

### Текст 27

Браҳманлар семиз-семиз сигирлардан ташқари олтин, олтин танглар, кўрпа-тўшақ, кийим бош, терилар, отлар, филлар, қизлар ва тирикчилик қилиш учун қанча зарур бўлса, шунча ер олдилар.

Изоҳ: Бу хайр-эҳсонларнинг ҳаммаси ўзининг бутун ҳаётини жамиятнинг ҳам руҳий ҳам моддий фаровонлиги йўлида хизмат қилишга бағишилаган браҳманларга аталган эди. Браҳманлар ҳеч қачон иш ҳақи учун ишламаганлар, лекин жамият уларни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб турган. Ўланишга муҳтож бўлган браҳманларга ўзларининг қизларини берганлар. Шундай қилиб жамиятдаги браҳманлар муҳтожлик нималигини билмай яшаганлар. Шоҳкшатрийлар ва бадавлат савдогарлар уларни барча зарур нарсалар билан таъминлаганлар, браҳманлар эса ўз навбатида ўзларининг бутун вақтини жамиятнинг фаровонлиги ва руҳий ривожланиши учун сарфлаганлар. Шу тариқа жамиятнинг турли табақалари бир бири билан ҳамкорлик қилганлар. Лекин, браҳманлар ўз бурчларини вижданан бажармасдан, ўзларининг браҳманларга хос фазилатларини йўқотиб, аввалгидай жамият ҳисобидан кун кечира бошлаганида, улар браҳмабандхуларга, яъни, ўзининг улугвор фазилатидан маҳрум браҳманларга айландилар, уларнинг кетидан бутун жамият руҳий юксалиш йўлидан четга чиқиб кетди. "Бҳагавад Гита"да айтилганидек, жамиятнинг табақаларга бўлиниш тизимини Парвардигорнинг Ўзи яратиб қўйибди, ана шу тизимда ҳар бир одамнинг ўрни, ҳозирги тубанликка юз тутган жамиятдаги одамлар ўйлагандек, уларнинг ижтимоий келиб чиқиши билан эмас, балки кўрсатаётган фаолиятининг тури билан аникланади.

### Текст 28.

Кейин улар браҳманларга аввал Худо Шахсига таклиф этилган тансиқ таомлар олиб келдилар ва ҳурмат-эхтиром билан бошларини ерга теккизизб, уларнинг оёқларига йикилдилар. Уларнинг ҳатти-ҳаракатлари бенуқсон бўлиб, ҳаётлари эса сигир ва браҳманларга ғамхўрлик қилиш билан ўтарди.

Изоҳ: Прабхасага зиёратга борган пайтида Ядавалар ўзларини инсон ҳаётининг энг мукаммал поғонасига кўтарилиган юксак маданиятли одамлардай тутдилар. Баркамолликка эришиш учун инсон маданиятли ҳаётнинг уч қоидасига риоя қилиб яшаши лозим: сигирларни химоя қилиш, браҳманлар маданиятини қўллаб кувватлаш ва энг асосийси, Худонинг асл содиги бўлиб яшашга ҳаракат қилиш. Парвардигорнинг асл содиги бўлмай туриб баркамол инсон бўлиш, яъни туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликлар мавжуд бўлмаган руҳий оламга кириш ҳукукини қўлга киритишнинг иложи йўқ. Инсон ҳаётининг олий мақсади ва баркамоллиги мана шундан иборат. Агар одамлар мана шу мақсадга интилиб яшамасалар, ҳозирги ҳаётида қанчалик моддий фаровонликка эришмасинлар, ўзларига қанчалик қурайликлар яратмасинлар, уларнинг инсон танасидаги ҳаёти бекор кетган бўлади.

Браҳманлар ва вайшнавлар аввал Худо Шахсига таклиф этилмаган таомдан емайдилар. Парвардигорга таклиф этилган таомни Унинг содиклари Худонинг марҳамати деб биладилар, чунки охир-окибатда одамларни ҳам, ҳайвонларни ҳам озиқ-овқат билан Худонинг Ўзи таъминлаб туряди.

Инсон ҳамиша эсида тутиши лозимки, озиқ-овқатни, яъни галла, сабзавотлар, сут, сув, бир сўз билан айтганда, унинг ҳаёти учун биринчи навбатда зарур бўлган нарсаларни унга Парвардигор беради; бирор олим, бирор материалист бу маҳсулотларни ўзлари курган лабароторияларда ёки фабрикаларда ишлаб чиқара олмайди. Жамиятнинг зиёли, чуқур мулоҳазали одамларини браҳманлар деб атайдилар, Мутлақ Ҳақиқатни Унинг энг олий, шахсий қўринишида англаб етган кишилар эса, вайшнавлар ҳисобланади. Лекин, улар ҳам, булар ҳам фақат Худога эҳсон қилинган нарсаларнинг қолдиғи билан овқатланадилар. Хар қандай қурбонлик маросимининг охирги мақсади ягъя-пурушани, Парвардигор Вишнуни мамнун қилишдан иборат. "Бҳагавад Гита"(3.13)да айтилганки, қурбонлик маросими қолдиқлари билан озиқланадиган кишилар ўз гуноҳларидан покланадилар, фақат ўзининг танасини таъминлаш учун овқат пиширадиганлар эса, бундай таом билан овқатланиш билан фақат кейин чексиз мусибатларга дучор киладиган ҳар хил гуноҳларга ботадилар. Ядаваларнинг муқаддас саждағоҳ Прабхасада тайёрлаган ва браҳманларга олиб келган таомларининг ҳаммаси аввал Худо Шахси Парвардигор Вишнуга таклиф этилган эди. Ядавалар самимий иззат-икром билан бошларини ерга текказиб браҳманларга сажда қилдилар. Жамиятнинг бошқа табақа ва синфларига мансуб одамлар билан Худога хизмат қилишда ҳамкорлик қилиш туйгуси, ведавий жамиятнинг бошқа маданиятли оиласлари вакиллари сингари, Ядавалар хонадони аъзоларига ҳам

ёшлиқдан сингдирилган эди, шу боис улар учун рухий баркамолликка эришиш йўли очиқ эди.

Бу шеърда келтирилган уру-расам иборасига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Фалла, сабзавот ва сут маҳсулотларидан юзлаб тансик таомлар тайёрлаш мумкин. Бу таомларнинг ҳаммаси эзгулик гунасидаги таомлар ҳисобланади, шунинг учун уларни Худо Шахсиға таклиф қилиш мумкин. "Бҳагавад Гита"(9.26)да айтилганидек, Парвардигор факат мевалардан, гуллардан, барглардан ва сувдан тайёрланган таомларни факат ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга самимий топширган кишидан қабул қиласи. Садоқат – Парвардигор бизнинг эҳсонимизни қабул қилиши учун зарур бўлган энг асосий ягона шарт. Парвардигор бизни ишонтириб айтиптики, У Ўзининг содик хизматкори таклиф қилган таомни албатта тотиб кўради. Шундай қилиб, Ядавалар ҳар томонлама илмли, юксак маданиятли одамлар эдилар, фақат Парвардигор шуни истагани учун браҳманлар уларни дуои-бад қилган эдилар. Бу воқеа ўзининг ҳаёти давомида браҳманлар ва вайшнавлар билан учрашадиган ҳар бир инсон учун сабоқ бўлиши лозим: улар билан бўладиган муносабатларда ўзини эркин тутиш жуда оғир оқибатларга олиб келади.

### *Бхактиведантанинг "Шримад*

*Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ  
"Парвардигорнинг Вриндавандан ташқаридағи  
эрмаклари" деб аталағидан учинчи бобига  
изоҳлари шундай якунланади.*

## **Тўртинчи боб Видуранинг Майтрея билан учрашуви**

### Текст 1

Кейин уларнинг ҳаммаси браҳманларнинг рухсати билан прасад қолдигидан едилар ва гуруч виносидан ичдилар. Вино таъсиридан улар ақлидан адашиб, ўзларини билмаган ҳолда бир бирини юракларни жароҳатлайдиган оғир гаплар билан ҳақоратлай бошладилар

Изоҳ: Браҳманлар ва вайшнавлар кўплаб тансик таомлар билан меҳмон қилинадиган катта байрамларда уй эгалари ўзлари тайёрлаган таомлардан факат меҳмонларнинг рухсати билан тотишлари мумкин. Ана шу одатга риоя қилиб, Вришни ва Бходжа хонадони аъзолари ҳам ўзлари тайёралаган таомлардан едилар. Баъзи ҳолларда кшатрийларга вино ичиш рухсат этилади, шунинг учун уларнинг ҳаммаси енгил гуруч виносидан ичдилар. Вино таъсиридан уларнинг ақли бузилди, бир бирига қариндош эканини ҳам унтутиб, улар қалбни жароҳатлайдиган гаплар билан бир бирини ҳақорат қила бошладилар. Ароқ инсонга шундай заарали таъсир қиласиди, ҳатто

энг олижаноб кишилар ҳам маст бўлиб бутунлай ақлини йўқотиб қўядилар. Вришни ва Бходжа хонадони аъзоларининг бундай қилишларини ҳеч ким кутмаган эди, аммо, Худонинг хоҳиши билан вино ичиб, улар ақлдан озиб бир бирини ҳақоратлай бошладилар.

### Текст 2

Худди бамбукларнинг бир бирига ишқаланиши ўрмоннинг ёниб кетишига олиб келгани сингари, қуёш ботаётган пайтда мастиликдан ақлини йўқотган шаҳзодалар ўзаро бир бирларини яксон қилдилар.

Изоҳ: Ўрмонга ёнгин кетиши зарурати пайдо бўлганида Худонинг амри билан бамбукларнинг бир бирига ишқаланиши натижасида ёнгин пайдо бўлади. Худди шундай, Парвардигор Ядаваларнинг ҳалок бўлишини истаганида улар ўзларини ўзлари яксон қилдилар. Қалин ўрмон ичида унга ўт кўядиган ҳеч ким бўлмайди, худди шунингдек, бутун оламда Парвардигорнинг Ўзи ҳимоя қилиб юрган Ядавалар авлодини яксон қилишга қодир бўлган куч йўқ эди. Парвардигор улар учун айнан мана шундай ҳалокатни танлади ва улар Унинг амрига бўйсундилар. Мазкур шеърдаги тад-ануджата ибораси шуни кўрсатади.

### Текст 3

Ўзининг ички куввати ёрдамида (Ўз оиласининг ҳалокатга учрашини) олдиндан сезиб, Парвардигор Шри Кришна Сарасвати дарёси томон йўл олди, дарё сувидан ичиб, дараҳт тагига ўтириди.

Изоҳ: Юқорида ҳикоя қилинган, Ядава ва Бходжа сулолаларининг шаҳзодалари орасида бўлиб ўтган воқеалар, Худонинг ер юзида қиласидан ишлари ниҳоясига етганида уларнинг ўз даргоҳига қайтишларини истаган Парвардигорнинг ички кувватининг фаолияти натижасида содир бўлганди. Уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг ўғиллари ва неваралари эди, Унинг оталарча меҳрмуҳаббати уларни ҳар қандай мусибатлардан сақлаб юрарди. Қандай қилиб улар Парвардигор ҳали ер юзида юрган пайтда ҳалокатга учрадилар? Бу саволга жавоб мазкур шеърда берилган: бу ишларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг Ўзи амалга оширган(сватм-майайах). Унинг оила аъзолари ё Унинг тўла экспансияларининг намоён бўлган қиёфалари, ё жаннатий сайёralардан келган фаришталар эдилар, шунинг учун Ўзининг кетиши арафасида У ички куввати ёрдамида уларни бир биридан ажратган эди. Уларнинг ҳар бирини ўз даргоҳига жўнатишдан олдин Парвардигор уларни муқаддас саждаҳоҳ Прабхасага юборди, шу ерда диний маросимлар ўтказиб, улар истаганча еб, ичиб олдилар. Кейин Парвардигор шундай қилдики, уларнинг ҳаммаси ўзларининг даргоҳига эришдилар, бутун олам аҳли Ядавалар хонадони ер юзидан бутунлай йўқ бўлганидан хабар топди. Аввалги шеърда

ишлатилган, бу воқеаларнинг ҳаммасини Парвардигорнинг Ўзи уюштирганини билдирадиган ану-джнага ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Парвардигорнинг бу эрмакларининг Унинг ташқи кувватига, моддий табиатта ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг ички кувватининг бундай намоён бўлишлари мангу, шунинг учун Ядавалар ва Бходжаларнинг ҳалокатини одатдаги маст кишиларнинг ўзаро жанжали натижаси деб ўйламаслик керак. Бу воқеаларни изоҳлар экан, Шри Жива Госвами уларни сехгарнинг кўрсатган мўжизаларига ўхшатади.

#### Текст 4

Парвардигор ўз ихтиёрини Унга топширган кишини барча мусибатлардан ҳимоя қиласди. Шунинг учун Ўз оиласини яксон килишга қарор қиласди экан, бундан олдин У менга Бадарикашрамга жўнашни буюрди.

Изоҳ: Парвардигор Ўзи бу дунёдан кетгандан кейин ва Ядавалар хонадони ҳалокатга учрагандан кейин ер юзига ёғиладиган мусибатлар ҳақида Дваракада Уддхавани огоҳлантириди. У Уддхавага Бадарикашрамга жўнашни маслаҳат берди, чунки у ерда Уддхава Нара-Нарайянининг содиклари билан ҳамсуҳбат бўлиши ва биргаликда Худога садоқат билан хизмат қилиб, қалбида тинглаш ва тақрорлашга ихлос уйғотиши, ўзининг илмини ошириши ва ташқи оламга бўлган боғланишидан халос бўлиши мумкин.

#### Текст 5

Лекин, гарчи Унинг ниятидан хабардор бўлсан ҳам, о Ариндама, мен Унинг изидан боравердим, чунки ўз ҳукмдоримнинг нилуфар пойи қадамларидан айрилиш азобига бардош беролмасдим.

#### Текст 6

Унинг изидан бориб, мен ўзимнинг ҳукмдорим ва ҳалоскоримни(Парвардигор Шри Кришнани) ёлғиз ҳолда чукур ўйга толиб ўтирганини кўрдим. Ўзи равнақ фариштасининг нажот макони бўлган ҳолда У Ўзига Сарасвати дарёси соҳилидан паноҳ топган эди.

Изоҳ: Таркидунё қилган кишилар одатда бирор дарахт соясида паноҳ топадилар. Уддхава Парвардигорнинг худди бошпанасиз қолган одамлар сингари иш тутаётганини кўрди. Бутун олам Парвардигорнинг мулки ҳисобланади, шунинг учун оламнинг истаган бурчаги Унинг учун бошпана бўлади, бутун борлиқ Унинг нилуфар пойи қадамлари остида жойлашган. Ҳам руҳий, ҳам моддий оламларнинг мавжудлигини таъминлаб турар экан, У бутун борлиқнинг нажот макони ҳисобланади. Шунинг учун Унинг худди таркидунё қилган, бошпанасиз қолган одамдек дарахт остидан Ўзига паноҳ топганининг ҳайратланарли жойи йўқ.

#### Текст 7

Қора рангли бўлишига қарамай Парвардигорнинг танаси мангу, лаззатга, илмга тўла ҳамда чексиз гўзал. Унинг чиқаётган қуёш рангини эслатадиган кўзлари ҳамиша хотиржам. Ҳар хил белгилардан, сарик ипак либосидан, шунингдек тўрт қўли борлигидан мен Унинг Олий Шахс, Худо эканини дарров билиб олдим.

#### Текст 8

Парвардигор ёш банъян(қантал) дарахтига суюниб, ўнг оёгини чап тиззаси устига қўйиб ўтиради; шундай ҳолатда ўтирад экан, уйдаги барча куляйликлардан воз кечганига қарамай, У жуда мамнун кўринарди.

Изоҳ: Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакурнинг фикрига кўра, Парвардигорнинг елкаси билан ёш баян дарахтига суюниб ўтириши суқур рамзий маънога эга. Баян дарахти жуда узоқ, кўп ийллар умр кўргани учун уни ашватха деб атайдилар. Унинг ҳаво илдизлари ва уларнинг куввати – беш турли моддий унсурларни Парвардигорнинг ташқи куввати яратади, шунинг учун улар Парвардигорнинг орқасида жойлашган. Бу коинот бошқа барча коинотлар ичida энг кичиги бўлгани учун, баян дарахти ҳам бу ерда кичкина ниҳол деб аталган.

Тякта-пиппалам ибораси Парвардигор мана шу кичкина коинотда Ўзининг эрмакларини охирига етказганини билдиради, аммо, У мутлақ ва мангу лаззатга тўла, шу боис У бирор нарсани қабул қилганида ёки ташлаб кетганида, Унинг бу ҳаракатлари бир биридан фарқ қилмайди.

Шундай қилиб, худди бир сайёрада ботиб, иккинчи сайёрада чиқадиган, аммо бу билан Ўзининг ҳолатини ўзгартирмайдиган қуёш сингари, Парвардигор бу коинотни тарқ этиб бошқа коинотга йўл олишга тайёрланарди.

#### Текст 9

Айни пайтда бахтли тасодиф билан ана шу ерга оламни кезиб юрган Парвардигорнинг буюк содиги, буюк донишманд Кришна-двойпаяна Въясанинг дўсти Майтрея келиб қолди.

Изоҳ: Майтрея Въсадеванинг отаси Махарши Парашара Мунининг шогирдларидан бири эди, шу боис у билан Въсадева ўзаро яқин дўстлар бўлиб, ҳамиша бир бирига яхшилик қилиб юрадилар. Бахтли тасодиф билан Майтрея Парвардигор Шри Кришна дам олишга ўтирган жойга келиб қолган эди. Парвардигор билан учрашиш шунчаки оддий воқеа эмас. Майтрея буюк донишманд ва билимдон-файлласуф эди, лекин Парвардигорнинг соғ содиги эмасди, шунинг учун унинг Парвардигор билан учрашиб туриши ағъята-сукрти,

ўзи билмаган ҳолда Худога қилган хизмати натижаси бўлиши мумкин. Асл содиклар хамиша Худога садоқат билан хизмат қилиш билан машғул, шу боис, улар Парвардигор билан учрашса, бунинг ажабланарли жойи йўқ. Лекин, ҳали қалбиди Худога соф садоқат уйғонмаган кишилар Парвардигор билан учрашса, бунга фақат уларнинг Худо учун садоқат билан бирор хизмат қилишига имкон берган кутилмаган баҳтли тасодиф сабаб бўлиши мумкин.

#### Текст 10

У(Парвардигор)нга қаттиқ боғланиб қолган Майтрея Муни, бағрини очиб шодлик билан Парвардигорни кучди. Парвардигор менга табассум билан қараб қўйди ва ўтиришимга рухсат бериб, менга қараб гапира бошлади.

Изоҳ: Уддхава ҳам, Майтрея ҳам буюк зотлар эди, лекин Парвардигор Уддхавага қўпроқ илтифот кўрсатарди, чунки у Худонинг бенуқсон соф содиги эди. Гъяна-бҳакта, яъни Парвардигорга бўлган садоқатига Худо ҳақидаги тасаввурлари аралашган содик соф содик ҳисобланмайди. Майтрея худонинг содиги эди, лекин унинг Худога бўлган садоқати соф эмасди. Парвардигор Ўзининг содиклари билан ўзаро муносабатларини фалсафий илм ёки кармали фаолият билан эмас, балки фақат илоҳий муҳаббат асосида ўрнатади. Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда Худо ҳақидаги фалсафага ёки кармали(бирор нарса таъма қиласидан) фаолиятга ўрин йўқ. Вриндаванлик гопилар билимдон файласуф ҳам эмасдилар, сеҳргар-йог ҳам эмасдилар. Уларнинг Худога бўлган муҳаббати табиий эди, шунинг учун, уларга Кришнадан қадрлироқ зот йўқ эди, Кришна учун эса гопилардан азиз зот йўқ. Парвардигор Чайтаня Махапрабху гопилар билан Парвардигорнинг ўзаро муносабатларини алоҳида руҳнинг Парвардигор билан бўладиган муносабатларнинг энг олий тури деб ҳисоблаган. Бу шеърдан кўриниб турибдики, Парвардигор Майтрея Мунига қараганда Уддхавага қўпроқ меҳр-муҳаббат кўрсатарди.

#### Текст 11

О Васу, сенинг ҳамма ўйларинг Менга маълум, шунинг учун Мен сенинг қалбингда ўтган даврларда, оламни яратиш учун меҳнат қилган Васу ва бошка фаришталар курбонлик маросими ўтказаётган пайтда юзага келган истагингни биламан. Сен мен билан ҳамсұхбат бўлишини истаган эдинг. Мен сенга бошқалар учун деярли эришиб бўлмайдиган орзу бўлган ана шундай имкониятни бераман.

Изоҳ: Уддхава - Парвардигорнинг мангу ҳамроҳларидан бири. Уддхаванинг тўла экспансияси бир пайтлар саккиз Васудан бири бўлган эди. Қадим ўтган замонларда саккиз Васу коинотнинг ҳукмдорлари, олий сайёralардаги фаришталар билан биргаликда улардан ҳар бири ўз олдига қўйган мақсадга эришиш ниятида

курбонлик маросими ўтказган эдилар. Шунда Васулардан биттаси, Уддхаванинг собиқ экспансияси ўзининг олдига Парвардигорни ҳамрохи бўлишини мақсад қилган эди. Парвардигор унинг шу ниятидан хабардор эди, чунки У Параматма кўринишида ёки Олий Онг сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбиди мавжуд. Ҳар биримизнинг қалбимизда Олий Онг мавжуд, У тирик мавжудотнинг чекланган онгини хотира билан таъминлаб туради. Чекланган бўлган ҳолда тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида бўлган воқеаларни унугиб юборади, лекин Олий Онг тирик мавжудотга ўзининг аввал тўплаган илмига асосланиб қандай ҳаракат қилишини кўрсатиб туради. "Бҳагавад Гита"да буни тасдиқловчи бир неча гаплар бор: ёе йатха мам прападйантем тамс татхава бҳаджамй аҳам(Б.г., 4.11), сарвасий чаҳам хриди саннивишто маттаҳ смритир джнанам апоханам ча(Б.г.15.15).

Биз ҳар биримиз ўзимиз ҳоҳлаган нарсани исташимиз мумкин, лекин бизларнинг истагимизни амалга оширадиган Зот ягона Парвардигор ҳисобланади. Биз мустақил ҳолда фикрлашимиз, исташимиз мумкин, лекин истакларимизнинг амалга ошиши Худонинг ҳоҳишига боғлиқ бўлади. Худонинг мана шу қонуни ҳалқнинг қуидаги мақолида акс этган: "Исташ инсоннинг иши, истакнинг амалга ошиши Худонинг ҳоҳишига боғлиқ"(человек предполагает, а Бог располагает). Фаришталар ва Васулар биргаликда курбонлик маросими ўтказган пайтда Уддхава Парвардигор билан ҳамсұхбат бўлиш имкониятига эга бўлишини орзу қилган эди. Эмпирик фалсафа ёки кармали фаолият йўлидан бораётганлар учун бундай орзунинг амалга ошиши амри маҳол. Шундай одамлар кимдир Парвардигорнинг ҳамрохи бўлиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қила олмайдилар. Худонинг марҳамати билан фақат соф содикларгина Парвардигор билан бевосита ҳамсұхбат бўлиш инсон ҳаётининг энг олий камолот чўққиси эканини тушуна оладилар. Парвардигор Уддхавага унинг ана шу истагини амалга оширишга вайда берди. Парвардигорнинг Уддхавага айтган гапларини тинглаб туриб, Майтрея ниҳоят Парвардигор билан ҳамсұхбат бўлишнинг муҳимлигини англаш етди.

#### Текст 12

Эй эзгу нияти зот, сенинг ҳозирги ҳаётинг – сен яшаб ўтган ҳаётларинг ичиди энг яхшиси ва охиргисидир, чунки унда сенга Менинг олий марҳаматим ато этилди. Энди сен шартланган руҳларнинг макони бўлган бу сайёрани тарқ этиб кетишинг ҳамда Менинг илоҳий даргоҳимга, Вайкунтахага йўл олишинг мумкин. Сенга буюк омад кулиб бокди: соф садоқат билан бетиним хизмат қилганинг шарофати билан сен мана шу хилват жойда Мен билан учрашиш имкониятига эга бўлдинг.

Изоҳ: Инсон Парвардигорни озодликка эришган комил тирик мавжудот англаб етиши мумкин бўлган даражада англаб етганда у руҳий салтанатга кириш ва Вайкунтах сайдаридан бирига эришиш имкониятига эга бўлади. Бу коинот аҳолисининг кўз олдидан ғойиб бўлишдан олдин Парвардигор хилват жойда тўхтади, ана шу пайтда Уддхава Парвардигорни учратиш ва Ундан Вайкунтахага жўнашга рухсат олиш имкониятига эга бўлди. Аслини олганда, ҳамма жойда мавжуд бўлган ҳолда Парвардигор ҳеч қачон Ўзи яратган олами тарк этмайди; у ёки бу коинотнинг аҳолисига шунчаки У келган ва кетгандай бўлиб туюлади. Парвардигор қуёшга ўхшайди, қуёш пайдо бўлиб, йўқолиб турмайди – у шунчаки одамларнинг кўзига кечқурун ботгандай, эрталаб чиккандай бўлиб кўринади. Ҳамиша Вайкунтахада бўлган ҳолда Парвардигор бир вакътнинг ўзида ҳамма жойда мавжуд – Вайкунтахада ҳам, ундан ташқарида ҳам.

#### Текст 13

О Уддхава, қадим замонда, олам яратила бошлаган нилуфар даврида Мен Ўзимнинг илоҳий улуғвор ҳолатимни Менинг киндигимда ўсиб турган нилуфар гулида ўтирган Браҳмага гапириб берган эдим. Буюк донишмандлар Менинг ана шу гапларимни "Шримад Бҳагаватам" деб атадилар.

Изоҳ: Бу шеърда Браҳма тинглаган ва мана шу буюк асарнинг Иккинчи қўшиғида баён этилган Олий Руҳнинг табиати ҳақидаги маълумот яна ҳам тўлдирилади. Парвардигор бу ерда айтятники, Браҳмага "Шримад Бҳагаватам"нинг асл мазмунини айтиш билан У унга Худонинг шахсий аспектини англаб етишда ёрдам бермоқчи бўлган. Мазкур шеър имперсоналистларнинг "Шримад Бҳагаватам"нинг иккинчи қўшиғида келтирилган бошланғич тўрт шеърига берган изоҳлари бутунлай нотўғри эканини исботлайди. Бу борада Шридхара Свами ҳам айтадики, "Шримад Бҳагаватам"нинг кисқача мазмуни Парвардигорнинг эрмакларига тегишли бўлиб, ҳеч қачон у имперсоналистларнинг нуқтаи-назарини исботлаш учун мўлжалланмаган.

#### Текст 14

Уддхава деди: О Видура, Олий Шахс Худо, умримнинг ҳар бир лаҳзасида менга Ўзининг чексиз марҳаматини кўрсатиб келган Парвардигор Шри Кришна менга чукур муҳабbat

тўла сўзлар билан мурожаат қилганида, томогимга тиқилиб, овозимни бўғиб кўйган кўз ёшлари туфайли анча вақтгача ҳеч нарса деёлмай қолдим. Танамдаги туклар тикка бўлиб кетди. Кейин мен кўз ёшларимни артиб, қўлларимни қовуштириб шундай дедим:

#### Текст 15

Эй Худойим, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига илоҳий муҳабbat билан хизмат қилиб юрган

садиклар тўрт тоифадан бирига мансуб бўлган ҳар қандай мақсадга осонлик билан эриша оладилар: такводорлик, моддий фаровонлик, хиссий лаззатлар ва озодликка чиқиши. Мен эса, эй буюк зот буларнинг ҳаммасидан Сенинг нилуфар қадамларинг пойига садоқат билан хизмат килишни афзал биламан.

Изоҳ: Парвардигорнинг Вайкунтах сайдаридаги ҳамроҳлари Парвардигорнинг танасига ўхшаган танага эга бўладилар ва уларни Парвардигор Вишиндан деярли ажратиб бўлмайди. Бу беш хил озодликнинг сарупъя-муқти деб аталағидан бир тури хисобланади. Саюдъя-муқти, яъни браҳмаджайотига, Парвардигордан таралиб турган ёғдуга қўшилиб кетиш Худога илоҳий муҳабbat билан хизмат қилиб юрган содикларни қаноатлантирмайди, шунинг учун содиклар ҳеч қачон унга рози бўлмайдилар. Улар фақат озодликка эмас, балки такводорлик, моддий фаровонлик ва хиссий лаззатланиш соҳасида, шунингдек жаннатий сайдарлардаги фаришталар салтанатига кўтарилишгача бўлган ҳар қандай мақсадга эриша оладилар. Лекин, асл содик Уддхава ана шу имкониятларнинг ҳаммасини инкор этяпти. Парвардигорнинг асл содиги ҳеч қачон ўзининг баҳтини ўйламайди, у факат бир нарсага – Худога бетиним хизмат қилиш ҳақида ўйлайди.

#### Текст 16

Эй Парвардигор, Сен ҳар қандай истаклардан пок, ҳар нарсага қодир Парвардигор бўлган ҳолда кармали фаолият билан шуғулланиб юрганингни; Сен, туғилмаган бўлган ҳолда – туғилганингни; Сен, ҳатто енгиб бўлмас замон ҳам бўйсунадиган Зот бўлган ҳолда, душманларингдан кўрқанингдан қочиб, қўргон ичидаги яширинганингни; Сен, ҳамиша лаззатни Ўз ичингдан оладиган Зот бўлган ҳолда атрофинингга аёлларни тўплаб, оиласиб ҳаётдан лаззатланиб юрганингни кўрганларида ҳатто буюк донишмандлар ҳам ҳар хил шубҳаю-гумонларга бориб ўйланиб қоладилар.

Изоҳ: Асл содикларни Парвардигорнинг илоҳий табиатини ўрганиш билан боғлиқ бўлган фалсафий фикр-мулоҳазалар унчалик қизиқтирилмайди. Бунинг устига улар яхши биладиларки, Худони охиригача англай олишнинг иложи йўқ. Улар Худо ҳақида ҳатто жуда оз илм билсалар ҳам, ўзлари билган илм билан қаноатланадилар, чунки улар тинглаб ва такрорлаб юрган Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикоялар уларга тўла мамнуният олиб келади. Бундай ҳикоялар уларга таърифлаб бўлмайдиган илоҳий лаззат бағишлайди. Лекин, ҳатто Худонинг соғ садоқатли хизматкорларига ҳам Унинг эрмаклари баъзан зиддиятли кўринади, шунинг учун Уддхава Парвардигордан ана шу зиддиятларнинг баъзиларини тушунтириб беришни илтимос қиляпти. Парвардигорнинг Ўзи

бирор иш қилмайди, деган гап бор, ҳақиқатан ҳам шундай, чунки Унинг Ўзи ҳатто моддий оламни яратишида ва унинг мвжудлигини таъминлаб туришда ҳам иштирок этмайди. Лекин бундай деб айтиш, Парвардигор Ўзининг асл содикларини химоя қилиш учун Говардхана тепалигини кўттарганига зид келадигандай бўлиб кўринади. Олий Браҳман, Мутлақ Ҳақиқат, Худо Шахси бўлган Парвардигор худди оддий инсондай кўринарди, шунинг учун Уддхава Унинг шунча илоҳий кароматлар кўрсатишига шубҳа қиласпти. Худо Шахси билан шахсиятсиз Браҳман орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Нима учун шунда Парвардигор ҳар хил фаолият билан машғул бўлган бир пайтда, шахсиятсиз Браҳман учун моддий фаолият ҳам, руҳий фаолият ҳам бегона? Агар Парвардигор туғилмаган бўлса, нимага У Васудева билан Девакининг ўғли бўлиб дунёга келади? Унинг олдида ҳатто кала, қўрқувнинг олий тимсоли зир титраб турди, У эса, Жарасандха билан жанг қилишдан кўрқиб, кўргон ичига яширинади. Ҳамиша Ўзининг ичидан лаззат олиб юрган Зотнинг аёллар даврасидан лаззат излашининг нима кераги бор? Нимага У уларга уйланади ва худди оддий оиласи одамлардай Ўзининг оиласи, бола-чақаси, қариндошлари ва ота-онаси даврасида лаззатланишга интилади? Зиддиятдай бўлиб кўринган ана шундай ҳолатлар ҳатто буюк донишмандларни ҳам боши берк кўчага киритиб қўяди, ақли адашганидан улар тушунмай қоладилар – ҳақиқатан ҳам Парвардигор ҳеч нарса қилмайдими ё Унинг кўрсатадиган кароматлари шунчаки фаолият кўрсатишига тақлид қилишми?

Бу саволларнинг ҳаммасига жавоб шундан иборатки, Парвардигорнинг моддий фаолиятга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Унинг барча кароматлари илоҳий табиатга эга. Аммо, дунёвий файласуфлар буни тушунишга қодир эмаслар. Улар учун Парвардигорнинг кароматлари жумбоқ бўлиб қолаверади, айни пайтда илоҳий содиклар учун Унинг кароматларининг ҳеч қандай ҳайратланарли жойи йўқ. Мутлақ Ҳақиқат ҳақида шахсиятсиз Браҳман сифатида тассаввурга эга бўлиш албатта, ҳар қандай моддий фаолиятни инкор этади, лекин, Мутлақ Ҳақиқатни Парабраҳман сифатида тасаввур қилиш албатта Унинг ҳар хил фаолият билан машғул эканини назарда тутади. Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсиятсиз Браҳман жиҳати Унинг Олий Браҳман жиҳатидан нимаси билан фарқ қилишини тушунадиган киши ҳақиқий илоҳиётчи киши хисобланади. Ана шундай илоҳиёт кишиларини Парвардигорнинг ҳатти-харакатларидағи зиддиятдек бўлиб кўринган ҳолатлар йўлдан адаштира олмайди. Парвардигорнинг Ўзи "Бҳагавад Гита"(10.2)да шундай дейди: "Менинг кароматларим ва илоҳий қувватларим ҳақида ҳатто буюк донишмандлар ва фаришталар ҳам ҳеч нарса билмайдилар". Парвардигорнинг кароматларини Бхишмадева батафсил таърифлаб берган("Шримад Бҳагаватам".1.9.16).

### Текст 17

Эй Парвардигор, замон мангу ва бўлинмас Зот бўлган Сенга ўз хукмини ўтказа олмайди, Сенинг мукаммал илминг эса чексиздир. Сен мустақил ҳолда Ўзинг ҳар қандай қарор қабул қила оласан, лекин Сен худди аросатда колгандай бўлиб мендан маслаҳат сўрадинг. Сен ҳеч қачон аросатга тушишинг мумкин эмас. Сенинг бундай ишларинг мени ҳайратга солади.

Изоҳ: Аслида Уддхавани ҳеч нарса ҳайратга солишга қодир эмас, лекин бу ерда у айтятники, Парвардигорнинг эрмакларидаги зиддиятлар уни боши берк кўчага киритиб қўяяпти. Умуман олганда Кришна билан Уддхаванинг сухбати шу ерда иштирок этаётган Майтрея учун мўлжалланган эди. Матхурага бошқа саркардалар билан биргаликда Жарасандха хужум қилганида, шунингдек Дварака шоҳи сифатида ўз бурчини бажариб курбонлик маросими ўтказмоқчи бўлганда Парвардигор маслаҳат сўраб Уддхавага мурожаат қилганди. Мангу замон Парвардигорга ўз хукмини ўтказа олмагани туфайли Унинг учун ўтмиш, хозир ва келажак деган тушунчалар йўқ ва Ундан ҳеч нарсани яшириш мумкин эмас, унинг тафаккури ўзига тўла бутун. Шунинг учун, Унинг маслаҳат сўраб Уддхавага мурожаат қилганини эшитиб, биз албатта ҳайрон бўламиз. Гарчи Унинг кундалик ишларида ҳеч қандай зиддият бўлмаса ҳам, Парвардигорнинг бундай ҳатти-харакатлари зиддиятларидай бўлиб туюлади. Шунинг учун, яхшиси уларга қандайдир изоҳ бериб ўтирасдан, уларни қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш лозим.

### Текст 18.

Эй Худойим, агар сен мени шунга муносиб деб хисобласанг, илтимос, менга Сени англаш этиш учун билишим керак бўлган, - Сен бир вактлар Браҳмаджига ўргатган илоҳий илм сирларини ошкор эт.

Изоҳ: Уддхавага ўхшаган асл содик моддий мусибат нима эканини билмайди, чунки ҳамиша Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрадилар. Асл содик фақат Парвардигор билан ҳамсуҳбат бўлиш имкониятидан маҳрум бўлганида изтироб чекади. Парвардигорнинг кароматлари ҳақида узлуксиз равища эслаб юриш содикнинг ҳаётини таъминлаб турди, шунинг учун Уддхава Парвардигордан унга "Шримад Бҳагаватам"да берилган, аввал У Браҳмаджига ўргатган илмни ошишни илтимос қилди.

### Текст 19

Мен Парвардигорга шу пайтгача қалбимнинг тўрида асраб келган истагимни изҳор этганимда нилуфар кўзли Парвардигор менга Ўзининг илоҳий табиати ҳақида гапириб берди.

Изоҳ: Бу шеърдаги парамам стхитим ибораси алоҳида дикқатга сазовор. Парвардиғор Ўзининг илоҳий табиатининг сирини У "Шримад Бҳагаватам"(2.9.33-36)нинг бошланғич тўрт шеърини тушунтирганда ҳатто Браҳмага ҳам ошкор этмаган. Парвардиғорнинг илоҳий борлиғи Унинг Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содиклар билан ўзаро муносабатларидан иборат. Бу муносабатларни Парвардиғор Шри Кришна Дварака ва Вриндаванда намоён этган. Ўзининг алоҳида, илоҳий ҳолатини ошкор этар экан, Парвардиғор фақат Уддхавага мурожаат килди, буни алоҳида таъкидлаб, гарчи уларнинг сухбати чоғида буюк донишманд Майтрея ҳам шу ерда бўлса ҳам, Уддхава атайлаб маҳйам(менга) деб айтяпти. Садоқати таркибида фалсафий фикрлар ёки кармали фаолият қўшимчалари бўлган кишилар Парвардиғорнинг илоҳий табиатини англаб етишга кодир эмас. Парвардиғор Ўзининг сирли кароматларининг маҳфий сирини камдан кам ҳолларда фалсафий изланишлар ва сехргарлик аралашган садоқат билан хизмат қилиш қизиқтирадиган оддий содикларга ошкор этади. Парвардиғорнинг ана шундай кароматлари Парвардиғорнинг илоҳий эрмакларининг мазмунини ташкил этади.

## Текст 20

Шундай қилиб мен ўзимнинг руҳий устозим Худо Шахсидан руҳий ўзликни англаш йўлини билиб олдим. Кейин, Унинг атрофини айланиб ўтиб, у жойни тарқ этдим ва ҳижрон азобида қийналиб бу ерга келдим.

Изоҳ: Шри Уддхаванинг ҳаёти "Шримад Бҳагаватам"даги чатух-шлока, Парвардиғор Браҳмаджига баён этган тўрт шеърнинг тимсоли ҳисобланади. Майявади файласуфлар ана шу тўрт буюк ва муҳим шеърни олиб ташлайдилар ёки улар ёрдамида шахсиятсиз монизм фалсафаси таълимотини исботлашга уриниб, ўзларига мос равища талқин қиласидилар. Мазкур шеърда ана шундай ўзбilarмон файласуфларга муносиб жавоб берилган. "Шримад Бҳагаватам" шеърларида фақат "Бҳагавад Гита"ни ўрганиб чиккан киши тушуна олишга кодир бўлган соғ теологик таълимот баён этилган. Бемаъни ва ишонарли бўлмаган фалсафий таълимотларнинг издошлари Парвардиғор Шри Кришнанинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қиласидилар, чунки улар оддий одамларни тўғри йўлдан адаштириб ҳамда ўзларини тўппа-тўғри Андхатамисра дўзахига олиб борадиган йўл ҳозирлаб "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" асарларининг мазмунини бутунлай бузиб талқин қиласидилар. "Бҳагавад Гита"(16.20)да айтилганидек, ана шундай ҳасадгўй файласуфлар ғоғиллик ботқоғига ботиб кетгандар ва кўплаб умрлар давомида ачинарли ҳаёт шаклларида тирикчилик қилишга мажбурдирлар. Улар Шрипода Шанкарачарьянинг обрўсини ниқоб

килиб олганлар, лекин Шанкарачарья ҳеч қачон Парвардиғор Шри Кришнанинг нилуфар қадамларинг пойини ҳақорат қилмаган. Парвардиғор Шри Чайтаня Махапрабху тушунтирган эдики, Шрипода Шанкарачарья аниқ бир мақсадни қўзлаб майявади фалсафасини тарғибот қилган. Унинг фалсафаси руҳнинг мавжудлигини инкор этадиган буддизм таълимотини инкор этиш учун зарур эди, лекин унинг бу фалсафани даврлар оша мустаҳкам ўрнатиш нияти йўқ эди. Бу шунчаки фавқулодда вазиятда кўрилган чора эди. Шунинг учун ўзининг "Бҳагавад Гита"га ёзган изоҳларида Шанкарачарья Парвардиғор Шри Кришнанинг Олий Шахс Худо эканини тан олади. Парвардиғор Шри Кришнанинг буюк содиги бўлган ҳолда у "Шримад Бҳагаватам"га изоҳ ёзишга журъят қилмади, чунки бу Парвардиғорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиш бўларди. Лекин унинг шогирдлари ва издошлари, майявада фалсафаси тарафдорлари ўзларининг шахсий манфаатини қўзлаб, "Шримад Бҳагаватам"нинг чатух-шлокасига ўзларининг ҳеч кимга кераксиз изоҳларини ёзадилар.

Монизм фалсафаси издошларининг "Шримад Бҳагаватам"га ҳатто қўлларини теккизишга ҳам ҳаққи йўқ, чунки унинг буюк муаллифининг ўзи уларнинг бу ведавий мукаддас китобни ўрганишни таъкидлаб қўйган. Шрила Вийасадева дунёвий мақсадларни қўзлаб диний фаолият билан шуғулланиб, иқтисодий фаровонлик, хиссий лаззалиниш ёки озодликка интилиб юрган кишиларга улар учун мўлжалланмаган "Шримад Бҳагаватам"нинг мазмунини тушунишга уринишни бутунлай таъкидлаб қўйган("Шримад Бҳагаватам".1.1.2). "Шримад Бҳагаватам"га изоҳ ёзган буюк содик Шрипода Шридхара Свами ҳам озодликка интилиб юрган ёки монизм фалсафасига ишониб юрганларга "Шримад Бҳагаватам"га қўл теккизишни таъкидлаб қўйган. Бу асар улар учун мўлжалланмаган. Лекин ана шу таъкидларга қарамасдан, имперсоналистлар ўжарлик билан "Шримад Бҳагаватам"нинг маъносини бузиб, уни англашга уринадилар. Бу иши билан Парвардиғорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақоратлайдилар, бунга ҳатто Шрипода Шанкарачарьянинг ўзи журъят қилмаган. Бу билан улар фақат ўзларини бу дунёда изтироб чекишида давом этишга маҳкум этадилар, холос. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Уддхава "Шримад Бҳагаватам"нинг чатух-шлокасининг таърифини оламни яратиш тонгида Браҳмаджига тушунтирган Парвардиғорнинг Ўзидан тинглаган. Лекин Парвардиғор Уддхавага ўзликни англаш илмининг яна ҳам маҳфийроқ мазмунини – парамам стхитимни ошкор этган. Руҳий ўзликни англаш ҳамда Худога муҳаббат билан хизмат қилиш илмини эгаллаб, Уддхава Парвардиғор билан айрилик сабабли юзага келган чукур қайгуга фарқ бўлди. Токи инсон Уддхава эришган поғонага кўтарилемас экан, яъни, Парвардиғор Чайтаня Махапрабху намоён этганидек, ҳамиша

калбидар Худога илохий мұхаббаттаға ғарқ бўлиб, Парвардигор билан хижрон азобини ҳис қилиб юрмас экан, у "Шримад Бҳагаватам"нинг бошланғич тўрт шеърининг мазмунини тушуна олмайди. "Шримад Бҳагаватам"нинг мазмунини ўзининг ишончсиз изоҳлари билан бузишга, бу билан Худога шак келтиришдай хатарли йўлга киришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

#### Текст 21

Азизим Видура, Парвардигорни кўриш баҳтидан маҳрум бўлганимдан мусибатга тушиб мен бутунлай ақлдан озиб қолдим; ана шу изтиробни енгиллатиш учун ҳамда Унинг амрини бажариш учун ҳозир мен Ҳимолай тоғларида жойлашган Бадаришрамга кетяпман.

Изоҳ: Уддхава турган поғонага эришган содик ҳамиша қалбидар Парвардигор билан хижрон азобини, айни пайтда ҳамиша Уни ўзини ёнида ҳис қилиб юради. Худонинг асл содиги Парвардигорга илохий хизмат қилишни бир лаҳза ҳам тарк этмайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш – асл содикнинг асосий машғулоти. Парвардигор билан айрилиқ азобига чидамасдан, Уддхава Унинг амрини бажариш учун Бадаришрамга йўл олди, чунки Парвардигорнинг амри Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Токи инсон Худонинг амрини бажарип ҳаракат қиласи экан, у ҳамиша ўзининг ёнида Уни ҳис қилиб юради.

#### Текст 22

Бадаришрамда Парвардигор Нара ва Нааяна киёфасида мужассам бўлиб, қадим замонлардан бери Ўзининг қалбига яқин бўлган барча тирик мавжудотларнинг баҳт-саодати учун буюк риёзатларга берилиб яшайдилар.

Изоҳ: Ҳимолай тоғларида жойлашган Бадаришрам, Нара-Нааянанинг даргоҳи барча хиндишонликлар учун муқаддас саждагоҳ ҳисобланади. Ҳатто ҳозирги кунда ҳам Парвардигорнинг Нара-Нааяна киёфасига ҳурмат-эъҳтиром кўрсатиш учун минглаб тақводор хиндишонликлар шу ерга борадилар. Бу шеърдан кўриниб турибдики, беш минг йил олдин Уддхавага ўхшаган авлиё зотлар ҳам ҳали ўша пайтлардаёқ жуда қадимиҳ ҳисобланган ана шу жойларга зиёратга борганлар. Оддий инсоннинг Бадаришрамга бориши жуда қийин, чунки бу жойлар Ҳимолайнинг бориши қийин бўлган жойларида жойлашган, унга бориладиган йўл деярли йил бўйи қор билан қопланган. У жойларга фақат ёзинг бир неча ойи давомида бориши мумкин, барibir бу зиёрат ҳеч қачон осон бўлмайди. Ер юзида руҳий олам сайёralарининг, шу жумладан Брахмаджайоти ва Вайкунта тимсоли бўлган тўрт дхама(Худонинг даргоҳи) бор. Булар Бадаришрам, Рамешвара, Джаганнатха-пури ва Дварака. Уддхава сингари содиклар изидан бориб, тақводор хиндулар руҳий

ўзликни англаш йўлида баркамолликка эришиш учун ҳозирги кунларда ҳам ана шу муқаддас саждагоҳларни зиёрат қиласидар.

#### Текст 23

Шри Шукадева Госвами шундай деди: Илохий илм Уддхавадан ўзининг дўстлари ва қариндошларининг ҳалокатга учраганини эшигтан Видурага қалбини қамраб олган қайғуни енгишга ёрдам берди.

Изоҳ: Видура Уддхавадан Курукшетра жанг майдонидаги урушнинг оқибатлари ҳақида билиб олди: ўзининг дўстлари ва қариндошларининг ҳалок бўлгани, Ядавалар уруғининг яксон бўлиши ва Парвардигорнинг бу дунёдан кетиши. Бу хабарлар анча вақтгача уни қаттиқ қайғуга солиб турди, лекин кейин, илохий илмга эга бўлган Видура, шу илм ёрдамида бошига тушган бу кулфатдан қайғуга ботган туйғуларини жиловлаб олди. Узоқ вактлар давомида қариндошлик ва дўстлик ришталари билан боғланган одамлардан айрилиш сабабли юзага келадиган қайғу табиий туйғу ҳисобланади, лекин, "Бҳагавад Гита"да айтилганидек, биз бу қайғуни олий, илохий илм ёрдамида енгишни ўрганишимиз лозим. Уддхава билан Видура Кришна ҳақида кун ботаётган пайтда сухбатлаша бошладилар, Уддхава билан ҳамсұхбат бўлиш шарофати билан Видура илохий илмни аввалгига қараганда анча чуқурроқ тушуниб олди.

#### Текст 24

Худонинг содик хизматкори, Унинг алоҳида ишончига сазовор бўлган ва бошқа барча содикларнинг сардори Уддхава кетишига ҳозирланганида, қалбидаги унга нисбатан мұхаббати таъсирида Видура унга илтимос билан мурожаат килди.

Изоҳ: Видура Уддхавадан анча катта эди. Уддхава Кришнанинг укаси ва тенгдоши эди, Видура эса, Васудеванинг тенгдоши бўлиб, унинг отаси қаторида эди. лекин, ўзи ёш бўлишига қарамай, Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга етгани туфайли бу ерда у Худонинг барча содикларининг боши, сардори деб аталган. Видура буни яхши биларди, шу боис Уддхавага муносиб ҳурмат кўрсатарди. Фақат ҳақиқий содиклар ана шундай иззат-икром билан бир бирига ҳурмат кўрсатадилар.

#### Текст 25

Видура шундай деди: О Уддхава, Олий Шахс, Вишнунинг хизматкорлари бошқаларга хизмат қилиш учун жаҳон кезиб юрадилар, шу боис агар сен менга, Парвардигорнинг Ўзи сенга ўргатган руҳий ўзликни англаш илмини ўргатсанг жуда ўринли бўларди.

Изоҳ: Худонинг содиклари – жамиятнинг ҳақиқий хизматкорларидир. Одамлар орасида яшар экан

улар факат бир мақсадни кўзлайдилар: уларга илохий илм сирларини – тирик мавжудотнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари қандайлиги, ана шу илохий муносабатлар доирасидаги фаолият ҳамда инсон ҳаётининг олий мақсади ҳақидаги илмни ўргатиш. Жамиятга ҳақиқий фаровонлик олиб келадиган ҳақиқий илм ана шундан иборат. Фаннинг турли соҳаларини ташкил этадиган, тананинг (овқатланиш, уйку, зурёд қолдириш ва ўзини ҳимоя қилиш сингари) эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган илм – вақтингчалик илмдир. Тирик мавжудот моддий тана эмас, балки Олий Зотнинг мангу ажралмас руҳий заррачаси, шунинг учун у биринчи навбатда ўзининг ҳақиқий “мен”и ҳақидаги илмни ривожлантириши лозим. Ана шундай илмдан маҳрум бўлган кишининг умри зое кетади. Илохий илмни тарқатиш маъсулити Худонинг содикларига юқлатилган вазифадир, шу боис улар ер юзи ва коинотнинг бошқа сайёralари бўйлаб айланиб юрадилар. Шундай килиб, Уддхаванинг бевосита Парвардигорнинг Ўзидан олган илми бошқа одамларга, биринчи навбатда Видурага ўхшаб, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришган зотларга маълум бўлиши керак. Ҳақиқий руҳий илм шогирдлар силсиласи орқали берилади - Парвардигордан Уддхавага, Уддхавадан Видурага ва ҳоказо. Олий илохий илмни мукаммалликдан йироқ бўлган бемаъни баҳс-мунозараларни ёқтирадиган дунёвий файласуф олимларнинг Мутлақ Зотнинг табииати ҳақидаги фикр мулоҳазалари ёрдамида эгаллаб бўлмайди. Видура Уддхавадан парамам стхитим – “Парвардигорни ва Унинг илохий эрмакларини англаш имкониятини берадиган илм”, деб аталадиган сирли илмни эгаллаш иштиёқида ёнарди. Гарчи Видура Уддхавадан катта бўлса ҳам, унинг илохий хизматкори бўлишга интиларди. Парвардигор Чайтаня Махапрабху ҳам одамларни илохий шогирдлар силсиласи тизимишининг асосини ташкил этган ана шу қоидага ўргатган. Парвардигор Чайтаня Махапрабху айтган эдики, ким бўлишидан қатъий назар – браҳман, шудра, оиласи киши ёки саннъяси – Кришна ҳақидаги илмни мукаммал билган киши бошқаларга илохий илм ўргатиш ҳукуқига эга. Кришна ҳақидаги илмни англаб етган киши ҳақиқий руҳий устоз ҳисобланади.

## Текст 26

Шри Уддхава деди: Сен шу ерга яқин жойда ўтирган, илохий илм ўрганиш учун одамлар сажда қилиб юрган буюк донишманд Майтреяга шогирд бўлишинг мумкин. Бу илмни унга Парвардигорнинг Ўзи бу дунёни тарқ этиш олдидан ошкор этиб кетган.

Изоҳ: Ҳатто илохий илмни чуқур эгаллаб олган киши ҳам марьяда-въятиқрама, яъни, “ўзидан каттароқ мартаба эгаллаб турган кишига нисбатан ҳурматсизлик” деб аталадиган ҳақоратни содир қилишдан жуда эҳтиёт бўлиши лозим. Муқаддас

китоблар бизни марьяда-вътиқрама содир қилишни таъқиқлайдиган қонунни бузишдан эҳтиёт бўлишни буюради, чунки уни бузган киши ўзининг умрини қисқартиради, бойлигидан, шон-шуҳратидан, савоб ишлари маҳсулидан, бу дунёдаги барча саодатларидан маҳрум бўлади. Илохий илмга эга бўлиш – уни ҳаётда қўллай билиш демакдир. Илохий илмнинг барча сирларини яхши биладиган Уддхава Видурага илохий илм сирларини билиб олиш учун Майтрея Ришига мурожаат қилишни маслаҳат берди. Видура ўзига руҳий устоз қилиб Уддхавани қабул қилишни истаганди, лекин Уддхава бундай вазифани бажаришдан бош тортди, чунки Видура унинг отаси қатори бўлиб, айниқса шу яқин атрофда Майтрея бўла туриб, Уддхава унинг руҳий устози бўлолмасди. Одоб коидалари бўйича, ҳатто билими ва илм ўргатиш ҳукуқи бўлган киши ҳам, ўзидан мартабалироқ киши бор жойда бошқаларга насиҳат қилмаслиги лозим. Шунинг учун Уддхава Парвардигор бу ўткинчи дунёни тарқ этиб кетишидан олдин бевосита Унинг Ўзидан насиҳатлар тинглаб, илохий илмни мукаммал эгаллаган бўлишига қарамай, у ҳурматли Видурани кекса Майтрея олдига жўннатишга қарор қилди. Уддхава ҳам, Майтрея ҳам Парвардигорнинг Ўзидан насиҳат олдилар, шунинг учун у ҳам, бу ҳам Видурунинг ёки бошқа истаган кишининг руҳий устози бўлиши мумкин эди. Лекин ёши катта бўлгани туфайли Майтрея, айниқса Уддхавадан анча катта Видурунинг руҳий устози бўлишга кўпроқ ҳақлироқ эди. Ҳеч қачон инсон бойлик, шон-шуҳрат сингари арзимас нарсаларни кўзлаб руҳий устоз бўлишга интилмаслик керак. Факат шундай йўл(бошқаларга илм ўргатиш) билан Худога садоқат билан хизмат қилиш мақсадида руҳий устоз бўлиш лозим. Парвардигор марьяда-вътиқрама содир қилган кишининг гунохини кечирмайди. Соч-соқоли оқарган руҳий устозининг соясида ўзи юқори мартабага эришиб, шон-шуҳрат ва бойлик ортириш ниятида унга ҳурматсизлик қилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ана шундай бетакаллуф, ўзбилармон руҳий устознинг бундай ноўрин ҳатти-ҳаракати унинг руҳий юксалишида катта тўсқинлик қиласди.

## Текст 27

Шукадева Госвами деди: Эй шоҳ, Ямуна дарёси соҳилида Видура билан учрашиб, Парвардигорнинг илохий номлари, шон-шуҳрати, сифатлари ва бошқалар ҳақида анча вакт ўтказган Уддхава яна оғир қайгуга чўмди. Бу тун Уддхава учун худди бир лаҳзадай бўлиб ўтиб кетди, эрта тонгда эса у Видура билан видолашди.

Изоҳ: Мазкур шеърда Кришна вишва-мурти деб таърифланган. Уддхава ҳам, Видура ҳам Парвардигор Шри Кришнанинг кетиши туфайли каттиқ қайгуга чўмган эдилар, улар Парвардигорнинг илохий номлари, шон-шуҳрати, ва сифатлари ҳақида қанчалик кўп гапирсалар,

уларга Унинг ўзлари ҳамма жойда кўриб юрган сиймоси шунчалик аниқроқ намоён бўла борарди. Парвардигорнинг илоҳий қиёфаларини кўриш – сароб ёки хом хаёлда бўлган сохта тасаввур эмас, балки Мутлақ Ҳақиқатнинг Ўзидир. Инсон Парвардигорни вишва-мурти қиёфасида кўрганида, Парвардигор Ўзининг шахсий сифатларини ёки мангуда илоҳий қиёфасини йўқотади дегани эмас, аксинча, Парвардигор Ўзини содик хизматкорига ана шу мангуда қиёфада намоён этди, шунда содик хизматкор Парвардигорнинг ана шу илоҳий қиёфасини ҳамма жойда кўриб юради.

#### Текст 28

Шоҳ деди: Бутун уч олам Парвардигори, Шри Кришна Ўзининг ер юзидағи эрмакларини тамом этди, Вришни ва Бходжа авлодининг вакиллари бўлган буюк саркардаларнинг энг аълолари бу дунёни тарқ этдилар. Нимага Уддхава улар билан бирга кетмасдан ер юзида қолди?

Изоҳ: Шри Жива Госвами нидханам иборасини “Парвардигорнинг илоҳий даргоҳи” деб таржима килади. “ни” – олий, дханам – “бойлик” дегани билдиради. Парвардигорнинг даргоҳи Унинг илоҳий бойлигининг олий даражада намоён бўлишидир, шу боис уни нидханам деб таърифлайдилар. Грамматик таҳлилни четга кўятуриб, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, нидханам иборасини ишлатишдан ҳақиқий мақсад – Вришни ва Бходжа сулоласининг барча аъзолари Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари, Парвардигор Ўзининг бу дунёдаги эрмакларини ниҳоясига етказгандан кейин уларнинг ҳаммаси илоҳий оламдаги ўзларининг ўрнига қайтиб кетганини кўрсатишдан иборат эди.

Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакур акритим иборасини “эрмаклар” деб таржима қилган. а – “тўла”, критим – “илоҳий эрмаклар”. Парвардигор Ўзининг танасидан фарқ қилмагани учун У танасини ташлаши ёки алмашлаши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Моддий оламнинг қонунлари ва урф-одатларини бузишини истамагани сабабли Парвардигор гўё туғилгандай, гўё танасини тарқ этгандай бўлади, аммо Унинг содик хизматкорлари асл ҳақиқат қандай эканини яхши биладилар. Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"ни ўрганишга жиддий эътибор берив юрган киши унга Жива Госвами ва Вишванатха Чакраварти сингари буюк ачаръяларнинг ёзган изоҳларидан фойдаланиши лозим. Парвардигорнинг содик хизматкори бўлмаган одамлар учун бу ачаръяларнинг изоҳлари казуистикадай??? бўлиб кўриниши мумкин, аммо шогирдлар силсиласига мансуб шогирдлар буюк ачаръялар ёзган изоҳларнинг муҳимлигини ва ўринли эканини англай оладилар.

Бу ерда упагатешу ибораси ҳам эътиборга лойик. Вришни ва Бходжа қабиласининг барча аъзолари тўппа-тўғри Парвардигорнинг даргоҳига йўл олдилар. Бошқа содиклар одатда

Парвардигорнинг даргоҳига бирданига эришмайдилар, аммо Парвардигорнинг асл ҳамроҳларини моддий оламнинг ҳеч қандай бойликлари ўзига жалб эта олмайди. Парвардигорнинг даргоҳига киришга муносиб бўлган баъзи содиклар ўзларининг қизиқувчанлиги сабабли олий сайёralарнинг бойликларига кўз ташлайдилар; камолотга олиб борувчи йўлдан бориб, улар Ер сайёрасидан устун турадиган ана шу сайёralарга эришадилар. Аммо Вришни ва Бходжа қабиласи аъзолари тўппа-тўғри Парвардигорнинг даргоҳига йўл олдилар, чунки уларни моддий оламнинг бирор сайёраси ўзига жалб этолмасди. Шрила Вишванатха Тхакур ёзганки, “Амара-коша” лугатига асосан, акрити иборасининг яна бир маъноси – “белги”. Парвардигор Шри Кришна Уддхавага Ўзи бу дунёдан кетгандан кейин Бадарикашрамга боришга имо билан белги берди, Парвардигорнинг асл содиги бўлган Уддхава, Худога, Парвардигорнинг даргоҳига қайтиш ўрнига итоаткорлик билан Унинг кўрсатмасини бажарди. Ҳатто Парвардигор кетгандан кейин ҳам Уддхаванинг ер юзида қолишининг сабаби шу эди.

#### Текст 29

Шукадева Госвами жавоб берди: Эй шоҳ, браҳманларнинг қарғиши шунчаки бир баҳона эди, аслида ҳамма воқеа-ҳодисалар Парвардигорнинг олий амри билан бўлиб ўтаётган эди. у Ўзининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетган оиласини бу ердан Ўз даргоҳига жўнатгандан кейин ер юзидан ғойиб бўлмоқчи эди. Бу ҳақда ўйлар экан, У шундай фикр юритарди:

Изоҳ: Бу шеърда Парвардигор Шри Кришна Ўз танасини тарқ этганини кўрсатадиган тийакшиян ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Парвардигор илм, лаззат ва мавжудликнинг мангуда қиёфаси, демак, Унинг танаси – Унинг Ўзи билан бир хил. Шундай экан, У қандай қилиб Ўзининг танасини ташлаши ва ер юзидан ғойиб бўлиши мумкин? Худонинг содиклари бўлмаган кишилар, яъни майядилар орасида Парвардигорнинг жумбоқли ғойиб бўлиши ҳақида баҳс –мунозаралар адо бўлмайди; Шрила Жива Госвами “Кришна-сандарбҳа” асарида бу масалани тўла тушунтириб беради ва ғофил одамлар қалбида пайдо бўладиган барча шубҳаю-гумонларни тарқатиб юборади.

“Брахма-самхита”да айтилганидек, Парвардигор Ўзини жуда кўп қиёфаларда тарқатади. Унда айтилганки, Парвардигорнинг сон-саноқсиз қиёфалари мавжуд. У тирик мавжудотларнинг кўз олдида пайдо бўлганида, Унинг барча қиёфалари бир қиёфада мужассам бўлади. Ўзининг ана шу илоҳий қиёфалидан ташқари Парвардигорнинг Курукушетра жанг майдонида Аржунга кўрсатган фазовий қиёфаси ҳам мавжуд. Мазкур шеърда спхитам ибораси ҳам ишлатилган бўлиб, бу ибора Парвардигор азалий, бошлангич мангуда қиёфасини эмас, балки Ўзининг баҳайбат фазовий қиёфаси(вират-рупа)ни тарқ

этганини билдиради, чунки Унинг Ўзининг мангу сач-чид-ананда киёфасини алмаштириши мумкин эмас. Худонинг содиклари учун бу жуда оддий ва тушунарли, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиб юрмаган имонсиз одамлар ё мана шу оддий ҳақиқатни тушуна олмайдилар, ё Парвардигорниң илохий танаси мангу эканини инкор этиш учун атайлаб баҳс-мунозара қилишига интиладилар. Албатта бунга сабаб – мукаммал бўлмаган тирик мавжудотларга хос бўлган бошқаларни алдаш хусусиятидир.

Бундан ташқари, ҳатто бугунги кунда ҳам кўриш мумкинки, ҳар хил эҳромларда Худонинг содиклари илоҳларниң қиёфаси Парвардигорниң шахсий қиёфасидан фарқ килмаслигини англаб, Парвардигорниң илохий қиёфасига сифинадилар. "Бҳагавад Гита"(7.25)да ёзилган Парвардигорниң ички қувватининг англаб бўлмас кароматлари шундай: нахам пракашаҳ сарвасия йога-майя-самавритаҳ. Парвардигор Ўзини дуч келган кишига ошкор этаверишга мажбур эмас. "Падмапурана"да шундай дейилган: атак шри-кришнанамида на бхавед грихям индриях. Парвардигорниң номини ва қиёфасини моддий сезгилар ёрдамида ҳис қилиб бўлмайди, лекин Ўзини дунёвий одамларга намоён этиш учун Парвардигор вират-рупа қиёфасига киради. Парвардигор бу кўшимча намоён бўлган қиёфаси У билан худди эга билан кесимнинг боғланишига ўхшайди. Агар гапнинг таркибидан эгани аникловчи сифатни олиб ташласақ, эга ўзгармай қолаверади. Худди шундай, Парвардигор Ўзининг вират-рупа қиёфасини тарқ этиб кетганида ҳам Унинг мангу қиёфаси ўзгармай қолаверади. Аслида Унинг Ўзи билан Унинг сон-саноқсиз қиёфалари орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Бешинчи кўшиқда турли сайёralарниң аҳолиси ҳозирги кунда ҳам, худди ер юзида турли эҳромларда сифингани сингари, Парвардигорниң турли қиёфаларига сифиниши ҳақида хикоя қилинади.

Шрила Жива Госвами ва Шрила Вишванатх Чакраварти Тхакур ўзларининг ёзган изоҳларини ишонарли ведавий манбалардан олинган мисоллар билан тасдиқлаб, Парвардигорниң бу дунёдан кетиши ҳодисасини батафсил таърифлаб берганлар. Биз асарнинг ҳажмини кўпайтирмаслик мақсадида бу ерда уларниң изоҳларини келтирмадик. Бу воқеанинг батафсил таърифи, юқорида айтилганидек "Бҳагавад Гита"да берилган: Парвардигор Ўзининг махфий сирини дуч келган кишига очаверишга мажбур эмас. У Ўзини қалбида Худога нисбатан на мухаббат, на садоқат бўлмаган, шу боис ўзини Худодан тобора узоқлаштириб юрган имонсиз кишилар кўзидан бекитиб қўйган. Парвардигор ер юзига Кширодакашайи Вишнуга илтижо қилган маъбуд Брахманинг илтимоси билан келган, шу боис Парвардигор Ўзини ер юзида намоён этганида, Парвардигор Вишнунинг ҳамма қиёфалари Унда мужассам бўлган, У Ўзининг олдига қўйган вазифасини бажариб бўлганида улар яна тарқалиб, ўзларининг аввалги жойларини эгаллаганлар.

### Текст 30

Моддий оламни тарқ этар эканман, кўриб турибманки, Менинг содик хизматкорларим ичida аълоси бўлган Удхава Мен ҳақимдаги илмни ишониб топширса бўладиган ягона инсон.

Изоҳ: Бу шеърда джнанам мад-ашрайам ибораси жуда муҳим аҳамиятга эга. Илохий илм уч бўлимдан иборат: шахсиятсиз Браҳман ҳақидаги илм, ҳамма жойга сингиб кетган Олий Рух ҳақидаги илм ва Худо Шахси ҳақидаги илм. Улардан энг муҳими Худо Шахси ҳақидаги бхагават-таттва-вигъяна, яъни "Худо Шахси ҳақидаги маҳсус илм" деб аталадиган илохий илм хисобланади. Бу илмни факат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали эгаллаш мумкин. Бу "Бҳагавад Гита"(18.55)да ҳам таъкидланган: бхактья мам абхиджанати йаван йаш часми таттватаҳ – "Факат Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган содикларгина Парвардигорниң илохий ҳолатини англай оладилар". Удхава ўша даврда ер юзида яшаётган содикларнинг аълоси эди, шунинг учун Парвардигор Ўзининг чексиз марҳаматини намоён этиб, У бу дунёни тарқ этиб кетгандан кейин одамлар Удхаванинг илмидан фойдалана олишлари учун унга насиҳатлар берди. Парвардигор Удхавага Ўзини Нара-Нарайна Илоҳлари қиёфасида намоён этган Бадарикашрамга йўл олишни буорганининг биринчи сабаби шундан иборат. Илохий илм сирларини англаб етган киши эҳромда ўрнатилган Илоҳдан бевосита илм ўрганиши мумкин, шунинг учун илохий илм сирларини чуқурроқ англаб этиш учун Худонинг содиклари ҳамиша бирор эҳромга яқин жойда яшашга ҳаракат қиласидилар.

### Текст 31

Удхава бирор жиҳатдан Мендан қолишмайди, чунки у ҳеч қачон моддий табиат гуналари таъсирига берилмайди. Шундай экан, у бу дунёда қолсин ва одамларга Худо Шахси ҳақидаги маҳфий илмни етказсин.

Изоҳ: Моддий табиат гуналари таъсирига берилмаслик – инсоннинг Парвардигорниң вакили бўлиши учун зарур бўлган алоҳида сифат. Моддий оламда инсон эриша оладиган энг олий ҳолат – браҳман ҳолатидир. Лекин браҳман эзгулик гунасида ўлади, шу боис, Парвардигорниң вакили бўлиш учун шунчаки браҳман бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун эзгулик гунасидан ҳам юқори кўтарилиб, моддий табиатнинг бирор сифатлари таъсир кила олмайдиган соғ эзгулик гунасида мустаҳкам туриб олиш керак. Ана шу илохий ҳолат шуддҳасаттва, яъни васудева деб аталади ва шу погонаға эришган киши Парвардигор ҳақидаги илмни эгаллаш қобилиятига эга бўлади. Парвардигор моддий табиат гуналари таъсирига берилмаган, Унинг асл содик хизматкори ҳам уларниң таъсирига берилмайди. Парвардигор билан бир

хил поғонага кўтарилиш учун зарур бўлган асосий сифат мана шундан иборат. Ана шундай илоҳий сифатга эга бўлган кишини, гарчи сиртдан караганда у аввалгидай моддий шароитларда юргандай бўлиб кўринса ҳам, живан-мукта, “озодликка эришган зот” деб айтадилар. Ҳамиша илоҳий муҳаббат билан Худога хизмат килиб юрган киши ана шундай озодликка эришади. “Бҳакти-расамрита-синдху”(1.2.187)да шундай дейилган: “Ҳеч шубха йўқки, гарчи сиртдан караганда дунёвий ҳаёт билан яшаб юргандай кўринса ҳам, ўзининг барча амалларини, ақлини ва нутқини Худога бағишилаб, бутун умрени Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бағишилаган киши, озодликка эришган руҳдир”. Удҳава ана шундай илоҳий ҳолатга эришган эди, шу боис Парвардигор бу дунёда жисмонан иштирок этмаган даврда Унинг вакили бўлиш учун тайинланган эди. Ана шундай содикка на моддий кувват, на моддий тафаккур, на барча моддий нарсаларга боғланмаслик ҳам таъсир қилмайди. У моддий табиатнинг ҳар қандай хужумига бардош бериши мумкин, шунинг учун ундан кишини госвами деб атайдилар. Фақат ана шундай госвамилар Парвардигор билан бўладиган ўзаро ишқий муносабатлар сирини англаш етишга қодир бўладилар.

### Текст 32

Шукадева Госвами шоҳга хабар берди, бутун уч олам устози ва барча ведавий билимлар манбаи бўлган Олий Шахс Худодан шундай насиҳатларни олиб Удҳава йўлга тушди ва муқаддас Бадаришрам заминига етиб келди ва Парвардигорни мамнун қилиш ниятида шу ерда илоҳий муроқабага фарқ бўлди.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна бутун уч олам устози ҳамда ведавий донишмандлик илмининг бошлангич манбаи ҳисобланади. Аммо, ҳатто Ведалар ёрдамида ҳам Мутлақ Ҳақиқатнинг шахсий жиҳатини англаш етиш жуда мушкул. Олий Шахс Худони Олий Мутлақ Ҳақиқат сифатида англаш етиш учун Парвардигорнинг Ўзидан илм ўрганиш лозим. Ана шу илоҳий илмнинг мазмuni “Бҳагавад Гита”да баён этилган. Парвардигорнинг марҳаматига эришмай туриб бу илмни англаш етишнинг иложи йўқ. Моддий оламда бўлган пайтида Парвардигор Ўзининг ана шундай алоҳида марҳаматини Аржуна билан Удҳавага инъом этган.

Курукшетра жанг майдонида Парвардигор Аржунга фақат уни жанг қилишга ундаш учун “Бҳагавад Гита”ни гапириб берди, лекин бу асада илоҳий илмнинг мағзи мужассам бўлган, ана шу илмни баён этишни охирига етказиш учун Парвардигор Удҳавага

насиҳатлар берди. Ведаларни ўzlари учун энг мўътабар ишонарли манба деб ҳисоблайдиган кишилар мазкур шеърдан яна шуни билиб оладиларки, барча ведавий илмларнинг манбаи

Парвардигордир. Ведалар ёрдамида Олий Шахс Худони таниб олишга қодир бўлмаган кишилар Олий Худо Шахс Худо ҳакидаги илмни чуқурроқ англаш етиш учун Парвардигорнинг Удҳавага ўхшаган содикларининг ёрдамидан фойдаланиши мумкин.”Бҳахма-самхита”да айтилганки, Ведаларни ўрганиб Олий Шахс Худони англаш етиш жуда мушкул, лекин Худонинг Удҳавага ўхшаган асл содикларининг гапларини тинглаш билан бунга осон эришиш мумкин. Бадаришрамда яшаётган буюк донишмандларга чексиз марҳаматини кўрсатиб, Парвардигор Ўз номидан улар билан суҳбатлашиш учун Удҳавани тайинлади. Парвардигордан ана шундай ваколат олмасдан туриб инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини эгаллашга ҳам, уни бошқаларга тарғибот қилишга ҳам қодир бўлмайди.

Ер юзида юрар экан, Парвардигор кўплаб гаройиб кароматлар кўрсатди – У ҳатто коинот бўйлаб сайр килиб, жаннатий сайдерадан ер сайдерасига париджата гул дараҳтини олиб келди, шунингдек, руҳий устози Сандипани Мунининг ўғлини ўликлар салтанатидан қайтариб олиб келди. Албатта, Удҳава бошқа сайдералардаги яшаш шароитларини яхши биларди, Бадаришрамда яшаётган барча донишмандлар эса, коинотнинг бошқа сайдералари ҳақида билиб олишга бизлардан кам интилмасдилар. Парвардигор Удҳавага ошкор этган илмни фақат шу ерда яшаётган донишмандларга эмас, балки Нара-Нарайна Илоҳларига ҳам ўргатиш учун унга Бадаришрамга боришига аниқ кўрсатма берди. Демак, Удҳавага ошкор этилган илм Ведалардаги донишмандлик илмидан ҳам маҳфийроқ бўлиши керак.

Парвардигор барча илмларнинг манбаи экани шубҳасиз, Удҳаванинг Нара-Нарайнага ва Бадаришрамлик донишмандларга етказган илми ҳам Ведалар илмининг маҳфийроқ бир қисми бўлиб, уни бошқаларга фақат Удҳава сингари соғ садоқатли хизматкор бера олиши мумкин. Мазкур шеърда айтилганки, Удҳава Парвардигорнинг Ўзи билан бир поғонада турарди, чунки бу маҳфий илм факат Парвардигорга ва Удҳавага маълум эди. Ҳар қандай тирик мавжудот агар муҳаббат ва садоқат билан Худога хизмат қилиб Унинг ишончини қозона олса, Удҳава сингари Парвардигор билан бир поғонага кўтарилишга ва Унинг элчиси бўлишга қодир.

“Бҳагавад Гита”да ҳам айтилганки, энг маҳфий илмни Парвардигор фақат Ўзининг Аржуна ва Удҳава сингари асл содикларига ошкор этади, бу сирни фақат улар ёрдамида билиб олиш мумкин, бунинг бошқа йўли йўқ. Парвардигорнинг ишончини қозонган содикларнинг ёрдамисиз инсон на “Бҳагавад Гита”, на “Шримад Бҳагаватам” илмини англаш олмайди. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакуранинг фикрига кўра бу ерда гап бораётган маҳфий илм Парвардигорнинг бу дунёдан кетиши

ва Унинг моддий оламда яшаши керак бўлган юз иили ниҳоясига етганида Ядаваларнинг ҳалокатга учраши ҳақидаги илмдир. Ядаваларнинг жумбокли ҳалокати ҳақида билиб олишни ҳамма истарди, шунинг учун Парвардигор уни Уддхавага гапириб бериши лозим эди. Уддхава Парвардигорнинг ана шу хабарини Бадарикашрамга етказиб, Парвардигорнинг шу ерда яшаётган асл содикларига ва Нара-Нааяна Илоҳларига ошкор этди.

### Текст 33

Шунингдек, Видура Уддхавадан Олий Рух Парвардигор Шри Кришнанинг бу дунёга келиши ҳамда бу ўткинчи дунёни тарк этиши ҳақидаги ҳикояни ҳам тинглади. Буюк донишмандлар бу сирларни билиб олишга изчиллик билан интиладилар.

Изоҳ: Олий Рух Парвардигор Шри Кришнанинг келиши ва кетиши маҳфий сир бўлиб, буни ҳатто буюк донишмандлар ҳам билишга қодир эмаслар. Мазкур шеърда параматманаҳ ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Оддий тирик мавжудотни атма деб атайдилар, аммо Парвардигор Шри Кришнани ҳеч қачон оддий тирик мавжудотлар қаторига қўшмаслик керак, чунки У параматма, Олий Рухдир. Шунга қарамай, Унинг инсон қиёфасида бу дунёга келиши ва бу ўткинчи дунёдан кетиши изчиллик билан изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар учун ўрганилмаган мавзу, сир бўлиб қолаверади. Улар бу мавзуни сўнмас қизиқиш билан ўрганишда давом этадилар, шунинг ўзиёқ кишини ҳайратга солади, чунки улар бунда Парвардигор Ўзининг бу ўткинчи дунёдаги ишларини бажариб бўлгандан кейин борадиган илоҳий даргоҳини излашлари керак бўлади. Лекин ана шу буюк донишмандлар ҳам моддий олам ташқарисида ястаниб ётган руҳий олам, Парвардигор Шри Кришнанинг ҳамда Унинг ҳамроҳларининг, улар ҳеч қачон, ҳатто бу ўткинчи дунёда бир коинотдан бошқасига ўтиб, ўзларининг эрмакларини намоён этганда ҳам тарк этиб кетмайдиган мангу даргоҳи ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Биз бу ҳақиқатнинг тасдиқланишини “Брахма-санхита”(5.37)да кўришимиз мумкин: голока эва нивасатий акхилатма-бхутах – “Парвардигорнинг англаб бўлмас қуввати Унга ҳамиша Ўзининг мангу даргоҳи Голокада бўлишга имкон беради, айни пайтда Олий Рух сифатида У ҳамма жойда – Ўзи намоён этган сон-саноқсиз кўринишларда ҳам руҳий оламда, ҳам моддий оламда юради”. Шунинг учун Унинг келиши ва кетиши бир вақтга тўғри келади, шу боис уларнинг қайси бири аввал, қайси бири кейин содир бўлганини аниқлашнинг иложи йўқ. Парвардигорнинг мангу эрмакларининг боши ҳам, охири ҳам йўқ, бекорчи тадқиқотларга бебаҳо инсон умрини бекорга сарфлаб юрмасдан уларни факат Худонинг асл содиги раҳбарлиги остида ўрганиш лозим.

### Текст 34

Худонинг содик хизматкори бўлмаган кишилар учун Унинг буюк кароматларини англаб этиш ва қандай килиб У бу ўткинчи дунёда Ўзининг ғаройиб эрмакларини намоён этиб, ҳар хил илоҳий қиёфаларга киришини тушуниш жуда қийин, ҳайвонларни эса, (Парвардигорнинг эрмаклари) ақлдан оздирив, факат жаҳлини чиқаради.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"да айтилганки, Худонинг содик хизматкори бўлмаган кишининг Унинг илоҳий қиёфаси ва эрмакларини англаб этиши жуда қийин. Парвардигор ҳеч қачон Ўзини гыйаналарга ва йогларга ошкор этмайди. Лекин, улардан бошқа шундай одамлар ҳам борки, улар Парвардигорни жон-жаҳди билан ёмон кўрадилар. Уларни одатда ҳайвонлар тоифасига қўшиб қўядилар; Парвардигорнинг бу дунёга келиши ва кетиши ҳақидаги воқеалар ана шундай ҳасадгўй мавжудотларнинг факат жаҳлини чиқаради. "Бҳагавад Гита"(7.15)да айтилганидек, факат моддий лаззатланиш учун эшакдай оғир меҳнат қиласиган гуноҳкорларнинг табиати асурикабхава, яъни ўжар исёнкор бўлади ва уларни Худонинг амрига қарши чиқишига мажбур қиласи. Шу боис улар Худони англаб этишдан деярли маҳрум бўлган мавжудотлар ҳисобланади.

Парвардигор Ўзининг бу ўткинчи дунёдаги эрмаклари давомида намоён этадиган илоҳий танасининг экспансиялари, шунингдек ана шу экспансияларнинг пайдо бўлиши ва ғойиб бўлиши – жуда қийин, тушуниш мушкул бўлган мавзулардир, шу боис Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қилиб қўймаслик учун Худонинг содиклари бўлмаган одамларга Унинг бу дунёга келиши ва кетишини муҳокама қилиш тавсия қилинмайди. "Бҳагавад Гита"(16.20)да таъкидланганидек, иблис табиатли имонсиз кишилар Парвардигорнинг бу дунёга илоҳий равишда келиши ва кетиши ҳақида қанча қўп гапирсалар, дўзахнинг энг чукур жойларига тобора чуқурроқ маҳкум бўлаверадилар. Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан бош тортадиган ҳар қандай тирик мавжудотнинг ҳайвондан фарки йўқ, буни "Шримад Бҳагаватам"нинг мазкур шеъри тасдиқлайди.

### Текст 35

Парвардигор Шри Кришна бу дунёдан кетиши олдидан уни эслаганини эшишиб жазавали муҳаббатга гарқ бўлган Видура хўнграб йиглаб юборди.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна Ўзининг ер юзида ўтказган вақтининг охирги лаҳзаларида уни эслагани ҳақида эшифтган Видура жазавали муҳаббат туйғусига гарқ бўлди. У ўзини арзимас бир мавжудот деб ҳисобларди, лекин шунга қарамай Ўзининг чексиз марҳамати билан Парвардигор уни эслаган эди. Видура буни Парвардигорнинг унга кўрсатган чексиз марҳамати деб қабул қилди, шу боис кўз

ёшларини тўхтата олмади. Унинг кўз ёшлари – у Худога садоқат билан хизмат қилишда энг юксак погонага кўтарилигинидан далолат берадиган аломатдир. Худони эслаб кўз ёши тўкишга қодир бўлган содик албатта Худога садоқат билан хизмат қилишнинг олий мақсадига етган бўлади.

### Текст 36

Ямуна соҳилида бир неча кун бўлиб, ўзининг мангу рух эканини англаб етган Видура буюк донишманд Майтрея жойлашиб олган жойга, Ганга соҳилига йўл олди.

*Бхактиведантанинг "Шримад Бхагаватам"нинг учинчи қўшиқ "Видуранинг Майтреяни учратиши" деб аталағидан тўртинчи бобига изоҳлари шу билан яқунланади.*

## Бешинчи боб Видуранинг Майтрея билан сұхбати

### Текст 1

Шукадева Госвами деди: Шундай қилиб, Куру авлодининг аълоси, Худога садоқат билан хизмат қилишда камолотга эришган Видура самовий Ганга дарёсининг бошига, ҳақиқатан ҳам чукур илоҳий им соҳиби бўлган буюк донишманд Майтрея жойлашган Хардварга етиб келди. Бошқалардан ўзининг олижаноблиги ва факат илоҳий нарсалардан лаззатланиб юриши билан ажалиб турадиган Видура унга шундай саволлар билан мурожаат қилди.

Изоҳ: Бу вақтга келиб Видура ўзининг бегуноҳ Парвардигорга бўлган соф садоқати шарофати билан руҳий баркамолликка эришган эди. Парвардигор ва тирик мавжудотлар ўз табиатига кўра сифат жиҳатидан бир хил, лекин Парвардигор миқдор жиҳатидан бошка ҳар қандай тирик мавжудотдан устун туради. У – мангу бегуноҳ, тирик мавжудотлар эса, алдамчи кувват таъсири остига тушиб қолиш хусусиятига эга. Видура ўзидағи шартланган тирик мавжудотларга хос бўлган ана шу адашиш хусусиятини енга олган эди, чунки у ачбюта-бхава, ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилишга гарк бўлган содик эди. Содик ҳаётининг ана шу погонасини ачйтубхава-сiddха, яъни “Худога садоқат билан хизмат қилиш шарофати билан эришилган баркамоллик” деб атайдилар. Шундай қилиб, Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай гарк бўлган киши озодликка чиқсан рух ҳисобланади ва барча эзгу фазилатларга эга бўлади. Руҳий баркамолликка эришган, барча илоҳий фазилатларга эга бўлган Видура ўзининг саволлари билан мурожаат қилиш учун донишманд Майтреянинг олдига келганида у Ганга қирғоғида жойлашган Хардварда чўл жойда ўтиради.

### Текст 2

Видура шундай деди: Эй буюк донишманд, бу дунёда ҳамма бахтга эришиш ниятида кармали фаолият билан машғул, аммо ҳеч ким ўзининг бахтга бўлган чанқоғини қондирган ва мусибатлардан халос бўла олмаган. Аксинча, бундай фаолият уларга янги мусибатларни келтиради. Шунинг учун марҳамат қилиб бизга тушунтириб берчи, инсон ҳақиқий бахтга эришиши учун қандай яшashi лозим.

Изоҳ: Видура Майтреяга умумий характердаги бир неча савол билан мурожаат қилди, лекин аввал унда бундай ният йўқ эди. Уддхава Видурани Майтреянинг олдига ундан Парвардигор билан, Унинг номи, шон-шуҳрати, сифатлари, киёфаси, эрмаклари, атрофидағилар каби мавзуларда савол бериш учун юборган эди. Шунинг учун Майтреянинг олдига келган Видура унга факат Парвардигорга тааллукли бўлган саволлар билан мурожаат қилади деб ўйлаш мумкин эди. Лекин, Видура камтарлар билан дарров Парвардигор ҳақида савол беришни бошламасдан, аввал оддий одамлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлар берди. Оддий инсон Парвардигорни англаб етишга қодир эмас. Энг аввало у ўзига ва унинг ҳаётига Парвардигорнинг алдамчи қуввати қандай таъсири кўрсатишини англаб олиши лозим. Алдамчи қувват адаштириб қўйгани сабабли инсон бахтга эришишнинг ягона йўли – кармали фаолият деб ўйлади, аммо кармали фаолият билан шуғулланар экан у аслида ўзининг фаолияти ва унинг оқибатларига баттар боғланиб қолади, унинг яшашдан асосий мақсади эса, барибир ҳал бўлмай қолаверади. Бир қўшиқда қўйланганидек: “Баҳт излаб мен ўзимга уй қурдим, аммо барча режаларим чиппакка чиқди, чунки кутилмаганда уйимга ўт кетди”. Моддий табиат қонунлари шундай. Моддий оламда бахтга эришиш учун одамлар ҳар хил режалар тузадилар, лекин табиатнинг шафқатсиз қонунлари уларнинг барча лойиҳаларининг кулини кўкка совуради; кармиларни уларга ҳеч қандай режалари бахтиёр қила олмайди, уларнинг бахтга бўлган азалий чанқоғлиги барибир қондирилмай қолаверади.

### Текст 3

Эй ҳукмдорим, инсонларга меҳр қўйган буюк зотлар Худонинг амрига бўйсунишни истамайдиган шу зотларга ачинганидан уларга Олий Шахс Худонинг хабарини етказиб жаҳон кезиб юрадилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг амрига итоат этиш – ҳар бир тирик мавжудотнинг табиий ҳолати. Лекин, аввал қилган гуноҳлари сабабли тирик мавжудот Худонинг амрига бўйсунмай қўяди, шунда унинг бошига бу дунёning барча мусибатлари ёғилади. Тирик мавжудотнинг Парвардигор Шри Кришнага илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан бошка ҳеч қандай бурчи йўқ, шунинг учун Худога

садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳар қандай фаолият – у ёки бу даражада Худонинг олий амрига қарши чиқиш ҳисобланади. Кармали фаолият, дунёвий фалсафа ва сеҳрли йога билан шуғуланиш маълум даражада Худонинг амрига итоат этиб яшаш руҳига зид ҳисобланади, бундай фаолиятлар билан шуғулланадиган ҳар қандай жонзотни Парвардигорнинг амрини бажо келтирадиган моддий табиат қонунлари албатта жазолайди. Худонинг буюк соф содиклари адашган руҳларга ачинганидан жаҳон кезиб, шартланган руҳларни ўз уйларига, Худонинг даргоҳига қайтариш учун бор имкониятдан фойдаланиб юрадилар. Худонинг ана шундай асл содиклари адашган руҳларни озодликка чиқариш учун Худонинг хабарини тарғибот қиладилар, шунинг учун Парвардигорнинг ташки қуввати таъсири остида юрган оддий одамлар ҳамиша улар билан учрашишга интилишлари лозим.

#### Текст 4

Шунинг учун эй буюк донишманд, илтимос, ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор қалбимда туриб менга Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги илмни ошкор этиши учун менга Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилиш илмини ўргат; бу илм қадимий ведавий битикларда ёзилган бўлиб у факат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараённида покланган содикларгагина маълум.

Изоҳ: Биринчи кўшиқда тушунтирилган эдики, Мутлақ Ҳақиқат уч кўринишда бўлади, гарчи, аслини олганда Унинг уч жиҳати бир биридан фарқ қилмаса ҳам, ўзларининг қобилиятига яраша турли хил одамлар Мутлақ Ҳақиқатнинг турли кўринишларини англаб етадилар. Парвардигорнинг қалбида кармали фаолият ёки фалсафий изланишлар билан шуғуланишга умуман ҳеч қандай истак қолмаган содик хизматкори Илоҳий Зотни энг чукур англаб етган бўлади. Инсон ўзининг қалбини карма, гайна ва йога иллатларининг моддий қобиқларидан факат Худога садоқат билан хизмат қилиш ёрдамида поклай олади. Алоҳида руҳ билан бирга ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор фақат ана шу йўл билан покланган кишига, Ўзининг содик хизматкорининг олий мақсадга – ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига эришишига ёрдам бериб, ҳар хил кўрсатмалар беради. Бу ҳақиқат "Бхагавад Гита"(10.10)да ҳам тасдиқланган: тешам сатата-йуктанам бҳаджатам. Факат Парвардигор содик хизматкорининг хизматидан мамнун бўлгандагина Аржун ва Уддхавага бергани сингари, унга ҳам насиҳат бера бошлади.

Гйанилар, йоглар ва кармилар Парвардигорнинг бевосита ёрдамидан умидвор бўла олмайдилар. Улар илоҳий хизмат қилиш билан Парвардигорни мамнун қила олмайдилар, бунинг устига улар Худога садоқат билан хизмат қилиш мумкинлигига ишонмайдилар. Вайдхи-бҳакти қоидалари асосида тартибга солинган

бҳакти-йога билан шуғулланиш шастраларда ёзилган ва барча ачаръялар тавсия қиласидиган усул. Бу усулда тажрибасиз содик хизматкорнинг ичидаги туриб Парвардигорнинг Ўзи чайтъя-гуру сифатида кўрсатмалар берадиган рага-бҳакти погонасига кўтарилишига ёрдам беради. Худонинг содикларидан бошқа бирор илоҳиёт одамлари Олий Руҳ билан руҳ орасидаги фарқни тушуна олмайдилар, чунки адашганидан алоҳида онгни Олий онг билан бир деб биладилар. Ана шу адашиши Худонинг содиклари бўлмаган кишиларга Парвардигордан ичдан кўрсатма олишга халақит бериб, уларни Парвардигорнинг бевосита ёрдамидан маҳрум қиласиди. Монизм таълимотининг издошлари Парвардигорга сажда килиш зарурлигини тушуниб олиши ва содик хизматкор бир вактнинг ўзида Парвардигор билан бир, айни пайтда Ундан фарқ килишини англашетиши учун кўп умрлар яшали лозим бўлади. Фақат шуни англаш етгандан кейингина у ўз ихтиёрини Васудевага топширади. Унинг соф садоқатли хизмати шундай бошланади. Адашган монистлар бораётган Мутлақ Ҳақиқатни англашетиши жараёни жуда мушкул, Худонинг содикларини эса Мутлақ Ҳақиқатни англаш ўйлидан улардан мамнун бўлган Парвардигорнинг Ўзи етаклаб боради. Майтреяга кўплаган тажрибасиз содиклар номидан савол берар экан, Видура қалбимизда мавжуд бўлган Парвардигорни мамнун қилиш ҳақидаги саволдан бошлади.

#### Текст 5

Эй буюк донишманд, илтимос, менга гапириб берчи, Олий Шахс Худо, мутлақо мустақил, ҳеч қандай истаги бўлмаган, бутун уч олам Парвардигори ва барча қувватлар ҳукмдори қандай қилиб бу дунёда пайдо бўлади ва намоён бўлган коинотнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган мукаммал қонунлар асосида уни яратади.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна, азалий Худо Шахси уч пуруша-аватара, Ўзининг моддий оламни яратувчи қиёфаларининг манбай ҳисобланади: Каранадакашайи Вишну, Гарбходакашайи Вишну ва Кширодакашайи Вишну. Парвардигорнинг ташки қуввати ёрдамида ана шу уч пуруша бир неча погонада бутун моддий оламни яратадилар. Шундай қилиб, моддий табиат Парвардигорнинг ҳукми остида бўлади. Моддий табиатни мустақил деб ҳисоблаш – ҳудди эчкининг бўйнидаги эмчакдан сут соғишга уринишдай бемаъни иш. Парвардигор бутунлай мустақил, Унинг ҳеч қандай истаги йўқ. Моддий истакларимизни амалга ошириш учун уйланиб оила қурадиган бизлардан фарқли равишда Парвардигор моддий оламни Ўзи лаззатланиш учун яратмайди. Аслини олганда Парвардигор моддий оламни факат қадим замонлардан бери Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан бош тортиб юрган шартланган

рухлар мана шу ерда алдамчи лаззатларга берилиб яшаши учун яратади. Ҳар бир моддий коинот ўзига тўла бутун мустақил олам ҳисобланади. Моддий оламда унинг мавжуд бўлиб туриши учун ҳамма нарса етарлича мавжуд. Шунга қарамай материалистлар ғоғиллиги сабабли ер юзида аҳоли сонининг ошиб боришидан ташвишга тушадилар. Ер юзида бирор тирик мавжудот пайдо бўлганида Парвардигор уни барча зарур нарсалар билан таъминлаб қўяди. Одамларга нисбатан анча кўпчиликни ташкил этадиган бошқа тирик мавжудотлар озиқ-овқат ҳакида қайгуриб безовта бўлмайдилар, лекин ҳеч ким уларнинг очдан ўлганини кўрган эмас. Факат одамларгина озиқ-овқат етишмаслигидан қийналадилар, бунга сабаб жамиятни бошқаришда ўзлари йўл қўйган хатолари эканини озгина бўлса ҳам яшириш мақсадида улар ер юзида аҳоли сонининг ошиб кетганини баҳона қиласидилар. Ер юзида одамларга етишмайдиган ягона нарса – Худони англаб етиш, Худонинг марҳамати билан бошқа бирор нарсада камчилик йўқ.

#### Текст 6

У Ўзининг осмон шаклида кенг ёйилган юрагига кириб жойлашади. Шундай қилиб, У бутун борлиқни ана шу фазога жойлади ва Ўзини ҳаётнинг турли шаклларига мансуб бўлган сонсаноқсиз тирик мавжудотлар кўринишида тарқатади. У Ўзининг мавжудлигини таъминлаб туриши учун бирор ҳаракат қилишининг ҳожати йўқ, чунки У барча сехр құдратларининг ҳукмдори ва бутун борлиқнинг эгасидир. Мана шуниси билан У бошқа тирик мавжудотлардан ажralиб туради.

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"нинг ҳар хил қисмларида келтирилган Оламнинг яратилиши, мавжуд бўлиб туриши ва яксон қилиниши ҳақидаги ҳикоялар турли давр(калпа)ларда рўй берган. Шунинг учун ўз шогирдларининг саволларига жавоб берар экан, турли устозлар уларни турлича таърифлайдилар. Уларнинг хилмалхиллиги оламни яратиш жараёнини белгилайдиган қонунларга тааллукли эмас, худди шунингдек, устозларнинг бирортаси ана шу жараён Парвардигорнинг ҳукми остида эканини инкор этмайди, лекин шунга қарамай, оламни яратиш жарёни ҳар хил калпаларда бир биридан унчалик муҳим бўлмаган фарқлар билан ажralиб туради. Чексиз осмон – Парвардигорнинг вират-рупа деб аталаидиган моддий танасидир, ана шу осмон - Парвардигорнинг юраги ичига бутун моддий олам жойлашади. Шунинг учун қўпол моддий сезгилар сеза оладиган биринчи моддий унсур - осмондан бошлаб то ергача бўлган бутун борлиқни Браҳман деб атайдилар. Сарвад кхалв идам браҳма: "Парвардигордан ташқарида ҳеч нарса мавжуд эмас; факат Унинг Ўзи мавжуд". Тирик мавжудотлар – Унинг намоён бўлган олий кувватидир, модда эса – Унинг қуий қуввати; ана

шу қувватларнинг бирикмаси Парвардигорнинг юрагида жойлашган моддий оламни ташкил этади.

#### Текст 7

Шунингдек бизга Парвардигор иккибор туғилганларнинг, сигирлар ва фаришталарнинг фаровонлигини ўйлаб Ўзининг турли қиёфаларида намоён этадиган шавкатли қаҳрамонликлари ҳакида гапириб бер. Гарчи бизлар Унинг илоҳий кароматлари ҳакидаги ҳикояларни бетиним тинглаб юрсак ҳам, ақлимиз сира уларга тўймайди.

Изоҳ: Коинотда Матсья, Курма, Вараха ва Нрисимха қиёфаларида мужассам бўлиб Парвардигор иккибор туғилганларнинг, сигирлар ва фаришталарнинг баҳти учун ҳар хил илоҳий ишларни амалга оширади. Парвардигор айникса икки бор туғилган зотлар, яъни маданиятли одамларга алоҳида ғамхўрлик қиласиди. Иккинчи марта туғилган киши маданиятли киши деб аталади. Моддий оламда тирик мавжудот эркак зоти билан аёл зотининг жинсий алоқаси натижасида дунёга келади. Инсон отаси билан онасининг қовушиши натижасида дунёга келади, аммо маданиятли киши унинг ҳақиқий отаси бўлган руҳий устози билан ҳамсуҳбат бўлиш натижасида иккинчи марта дунёга келади. Бизнинг моддий танамизни дунёга келтирган ота ва онамиз факт биргина ҳаётимиз давомида бизга ота-она бўлади, кейинги ҳаётимизда уларнинг ўрнини бошқа бирор эгаллаши мумкин. Лекин ҳақиқий руҳий устоз, Парвардигорнинг вакили бўлган ҳолда ўз шогирдининг мангу отаси ҳисобланади, чунки у шогирдини руҳий озодликка чиқаришни, инсон ҳаётининг олий мақсадига эриштиришни ўз зиммасига олади. Шундай қилиб, маданиятли инсон бўлиш учун инсон иккинчи марта туғилиши лозим, акс ҳолда унинг ҳайвондан фарқи бўлмайди.

Сигир – инсон учун энг зарур ҳайвон, чунки сигирнинг сути инсон танасининг ривожланишига ва уни мукаммал ҳолга келтиришга ёрдам беради. Тананинг тириклигини турли маҳсулотлар билан озиқланиб таъминлаб туриш мумкин, аммо сигир сути инсон миасининг илоҳий илмни англаш имкониятини берадиган нафис ҳужайраларини озиқлантиради. Маданиятли киши мева, сабзавот, дон, шакар ҳамда сут маҳсулотлари билан озиқланиши лозим. Ҳўқиз деҳқонга ғалла ва бошқа маҳсулотлар етиширишда ёрдамлашади, шундай қилиб, у баъзи бир жиҳатдан инсоннинг отаси, ўзининг сутини берадиган сигир эса – унинг онаси ҳисобланади. Шунинг учун маданиятли киши сигир ва ҳўқизларга ғамхўрлик қилиб, уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиши лозим.

Фаришталар – коинотнинг юқори сайёralарида яшайдиган тирик мавжудотлар бўлиб, ҳар томонлама одамлардан устун турадилар. Юқори сайёralарда яшаш шароити Ердагига нисбатан анча яхши, шунинг учун фаришталар инсонларнинг бирортаси эга бўлмаган

кулай шароитда яшайдилар. Лекин шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси Худонинг содиклари ҳисобланади. Парвардигор факат руҳий ўзликни англашга қаратилган ҳаётни тартибга соладиган қонун-қоидаларни кўллаб-қувватлашга бевосита маъсул бўлган маданиятли одамлар, сигирлар ва фаришталарни кўллаб-қувватлаш учунгина моддий оламда балиқ, тошбақа, тўнғиз ёки инсон танасида Ўзини намоён этади. Бутун моддий олам шартланган руҳларга руҳий ўзлигини англаб етиш имкониятини бериш учун мўлжалланган. Ана шу имкониятдан фойдаланган киши фаришта ёки маданиятли инсон деб аталади. Сигирнинг вазифаси инсонга ана шу мақсадга эришиш учун улуғвор ҳаёт кечиришда ёрдам беришдан иборат.

Парвардигорнинг иккабор туғилган маданиятли кишиларни, сигир ва фаришталарни ҳимоя қилиш учун намоён этган барча эрмаклари илохий табиатга эга. Одамлар саргузаштли ҳикоялар тинглашни ёқтирадилар, маданиятли кишиларнинг ана шу талабларини қондириш учун жаҳонда кўплаб китоб, журнал ва газеталар нашр қилинади. Лекин бир марта ўқилгандан кейин бундай асарлар янгилик сифатини йўқотади, хеч ким уларни тақороран ўқиши истамайди. Газетани ўқиб бўлиш учун инсонга бир соат кифоя, кейин у газетани ахлатга улоқтиради. Бошқа дунёвий адабиётлар ҳам шундай. "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" сингари илохий асарларнинг улуғворлиги шундаки, улар хеч қачон эскирмайди. Охирги беш минг йил давомида маданиятли кишилар уларни тақорор ва тақорор ўқиб ўрганяптилар, лекин шунча вақт ичиди улар заррача эскиргани йўқ. Ведавий илмлар билимдонлари ҳамда Худонинг содиклари учун бу асарлар хеч қачон ўзининг янгилигини йўқотмайди; Видурага ўхшаган содик хизматкорлар ҳар куни "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам"дан шеърлар ўқиб, хеч қачон улардан тўймайди.

Видура Майтрея билан учрашишдан олдин ҳам Парвардигорнинг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни бир неча марта тинглаган бўлса керак, шунга қарамай ундан уларни яна бир марта гапириб беришни илтимос қиляпти, чунки у бу ҳикояларни узлуксиз тинглашга тайёр. Парвардигорнинг шавкатли кароматларининг илохий табиати ана шундай.

## Текст 8

Ҳар хил сайёralарни ва яшаш жойларини яратиб, барча шоҳларнинг Олий ҳукмдори уларга кўрсатадиган фаолиятининг турига ҳамда моддий табиатнинг қайси гунаси

таъсирида эканлигига мос равишда тартиб билан тирик мавжудотларни жойлаб кўйди. Кейин уларга ҳукмрон қилиб турли шоҳ ва ҳукмдорларни тайинлади.

Изоҳ: Парвардигор Шри Кришна барча шоҳларнинг Ҳукмдори, У ҳар хил тирик

мавжудотлар учун турли сайёralарни яратди. Ҳатто сайёрамизнинг турли жойларида турли ҳалқлар яшайди. Чўлларда, оролларда, тог бағларида – ҳамма жойда (аввалги фаолиятининг натижасига қараб) моддий табиатнинг турли гуналари таъсири остида туғилган турли хил одамлар яшайди. Арабистон чўлларида яшайдиган ҳалқлар Ҳимолай тоғларида яшайдиган одамларга ўхшамайди, ўз навбатида улар ороллардаги одамларга ўхшамайди. Худди шундай коинотда ҳам ҳар хил сайёralар мавжуд. Ер сатҳидан пастки орбиталарда жойлашган, то Паталагача бўлган сайёralарда ҳар хил тирик мавжудотлар яшайди; замонавий ғофил олимларнинг нотўғри фикрларига қарши коинотдаги бирор сайёра ҳаётсиз бўш сахро эмас. "Бҳагавад Гита"да Парвардигорнинг Ўзи айтадики, тирик мавжудотлар сарва-гата, яъни тирик мавжудотлар ҳамма жойда, ҳар қандай шароитда яшай оладилар. Демак, бошқа сайёralарда ҳам худди бизлар сингари тирик мавжудотлар яшашига ҳеч қандай шубҳа йўқ, уларнинг баъзилари бизларга караганда кўпроқ бойликка ва ривожланган тафаккурга эга. Тафаккури анча ривожланган тирик мавжудотлар Ер сайёрасидан кўра яхшироқ шароитларда яшайдилар. Қуёш нури етиб бормайдиган сайёralар ҳам мавжуд, ана шундай сайёralарда ўзларининг қилган гуноҳлари сабабли жазо олаётган тирик мавжудотлар яшайди. Ҳар хил ҳаёт шароитларини Олий Шахс Худо яратади, Худо ҳақидаги илмини ошириш мақсадида Видура Майтреядан ана шулар ҳақида батафсилроқ гапириб беришни илтимос қилди.

## Текст 9

Эй браҳманлар аълоси, шунингдек бизга оламнинг яратувчиси ва Ўзига тўла-бутун Парвардигор Нарайна қандай қилиб сон-саноқсиз тирик мавжудотларнинг турли сифатларини, фаолият турларини, қиёфаларини, таналарини ва номларини яратишини ҳам гапириб бер.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот моддий табиат гуналари таъсири остида ўзининг түфма табиати, мойиллиги асосида ҳаракат қиласи. Унинг фаолиятининг ҳарактерини моддий табиатнинг уч гунаси белгилайди, унинг ташки кўриниши унинг фаолиятининг турига боғлиқ, ном эса, - унинг ташки кўринишига қараб берилади. Масалан, жамиятнинг олий табақасига мансуб одамларнинг танаси оқ(шукла), паст табақага мансуб одамлар эса - кора рангли бўлади. Одамнинг танасининг ранги эса – унинг қандай(иғлос ишми ёки тоза) иш билан шуғулланиб юрганига боғлиқ бўлади. Эзгу ишлар инсоннинг мартабали хонадонда туғилишига, бадавлат яшашига, яхши таълим-тарбия олишига ёки чиройли ташки кўринишига эга бўлишига имконият беради. Гуноҳ ишлар шунга олиб келадики, инсон кейинги ҳаётида начор-камбагал одамлар оиласида туғилади, ҳамиша муҳтоҗликда яшайди, таълим-тарбиясиз, саводсиз қолади, ақлсиз бўлади ёки хунук, ёқимсиз танага

эга бўлади. Видура Майтреядан Олий Шахс Худо Наräяна яратган тирик мавжудотлар орасидаги фарқлар хақида гапириб беришни илтимос қилди.

#### Текст 10

Эй ҳукмдорим, Въясадеванинг оғзидан мен бир неча марта жамиятнинг юқори ва қуий табақаларига мансуб одамлар ҳақида эшитганман. Мен бу дунёвий мавзулардан ва улар келтирадиган лаззатлардан аллақачон тўйиб кетганман. Бу ҳикоялар менга мамнуният олиб келмади, чунки уларда Парвардигор Шри Кришнанинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларнинг ширин шарбати йўқ.

Изоҳ: Одамлардаги тарихий-ижтимоий мавзудаги асарларга бўлган кучли қизиқиши ҳисобга олиб, Шрила Въясадева улар учун кўп асарлар ёзган, масалан, Пураналар ва "Махобҳорат"ни. Бу асарлар оддий одамларга мўлжалланган бўлиб, уларнинг қалбидаги моддий оламда шартланган ҳаёт кечириб юргани сабабли унутилиб кетган Худони англашга интилиш туйғусини уйғотиш мақсадида ёзилган. Бундай асарларнинг ҳақиқий мақсади шунчаки тарихий воқеаларни ҳикоя қилиш эмас, балки одамлар қалбida Худонинг онгини қайта тикилашдан иборат. Масалан, "Махобҳорат" Курукшетрадаги жанг ҳақида ҳикоя қиласи, оддий одамлар уни мароқ билан ўқийдилар, чунки унинг таркибига одамлар жамиятининг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолари муҳокама килинадиган ҳикоялар киритилган. Лекин "Махобҳорат"нинг энг муҳим қисми – тарихий воқеаларга қўшилиб кетган ва китобхон Курукшетрадаги жанг тафсилотлари билан биргаликда осон қабул қиласидан "Бҳагавад Гита" хисобланади.

Видура тан олиб Майтреяга айтди, дунёвий ижтимоий-тарихий гаплар жонига тегиб кетган, у энди уларга умуман қизиқмай қўйган. У Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги илоҳий ҳикояларни тикилашга интиларди. Пураналарда ва "Махобҳорат"да Парвардигор Шри Кришна билан бевосита боғлиқ бўлган ҳикоялар кўп учрамагани сабабли бу асарларни тикилаш Видурага мамнуният олиб келмади ва унинг Кришна ҳақида иложи борича кўпроқ билим олиш истагини қондирмади. Кришна-катха, ёки Кришна ҳақидаги ҳикоялар илоҳий табиатга эга, шунинг учун уларни бетиним тинглайвериш мумкин. "Бҳагавад Гита"нинг моҳияти шундан иборатки, у Кришна-катха, яъни Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзининг гаплари хисобланади. Курукшетрадаги жанг тарихи оддий одамларни жалб этиши мумкин, аммо, Видурага ўхшаб, Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришган кишиларни фақат Кришна-катха, - Кришна ва У билан боғлиқ бўлган нарсалар ҳақидаги ҳикоялар қизиктиради. Майтреянинг насиҳатларини тикилаш истагида Видура унга саволлар бера бошлади, у Майтреянинг айтадиган гапларининг ҳаммаси Кришна билан боғлиқ бўлишини

ҳоҳларди. Худди ўтиналарни ўз домига ютаётган олов ҳеч қачон тўймагани сингари, содиклар ҳам ҳеч қачон Кришна ҳақидаги ҳикояларни тикилашдан тўймайди. Ижтимоий ва сиёсий воқеалар Кришна билан боғлиқ бўлса, улар ҳақидаги ҳикоялар илоҳий табиатга эга бўлади. Шу тариқа дунёвий ҳикоялар ҳам руҳий ҳикояларга айланади. Агар ҳамма воқеа-ҳодисалар қандайдир йўллар билан Кришна-катхага боғланса, бутун олам Вайкунхага айланади.

Кришна ҳақида ҳикоя қиласидан асарлар ичида бизгача етиб келган икки асар "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Ҳагаватам" ҳисобланади. "Бҳагавад Гита" – Кришна-катха, чунки уни Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи ҳикоя қиласи, "Шримад Ҳагаватам" – Кришна-катха, чунки Парвардигор Шри Кришна ҳақида ҳикоя қиласи. Парвардигор Чайтанья Ўзининг шогирдларига Кришна-катхани бутун жаҳон бўйлаб ҳаммага тарқатишни васият қиласи, чунки Кришна-катханинг илоҳий мазмуни ҳар қандай инсонни моддий иллатлардан поклашга қодир.

#### Текст 11

Нилуфар қадамлари пойи барча муқаддас саждагоҳлар мамуи бўлган Парвардигор ҳақида, барча буюк донишмандлар ва Худонинг содиклари сажда қиласидан Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тўйиб тикилашмаган киши қалбida мамнуният ҳосил қилиши мумкинми? Бундай ҳикоялар инсоннинг қулоғига етиб борган заҳоти унинг қалбидаги ўз оила аъзоларига боғланиш ришталарини узиб ташлайди.

Изоҳ: Кришна-катха шу қадар кудратли кучга эгаки, унга салгина қулоқ солган киши шу заҳотиёқ барча оилавий боғланишлардан халос бўлади. Оилага боғланиб қолиш – ташки қувватнинг намоён бўлиши бўлиб, инсонни моддий фаолиятга ундан турадиган ягона сабаб ҳисобланади. Токи инсон моддий фаолият билан шуғулланишни тарқ этмас экан, унинг ақли шу фаолиятга ғарқ бўлиб юраверади, у моддий оламда, зулмат ва ғоғилик оламида тақрор ва тақрор туғилишга ва ўлишга мажбур бўлади. Одамларнинг аксарият кўпчилиги ғафлат гунаси таъсири остида яшайдилар, уларнинг фақат озигина қисми эҳтирос гунаси таъсиридалар. Ана шу икки гуна таъсири остидаги тирик мавжудот ҳамиша ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурларга асосланиб ҳаракат қиласи. Моддий табиат гуналари унга йузининг аслида ким эканини англаш етишга имкон бермайди. Эҳтирос ва ғафлат гуналари тирик мавжудотни йузининг "мен"ини тана деб биладиган алдамчи ғояга маҳкам боғлаб қўяди. Ана шундай адашиб юрган нодонларнинг энг яхшилари эҳтирос гунаси таъсири остида алтруистик(одамларга дунёвий яхшилик қилиш) фаолият билан шуғуллана бошлайди.

"Бҳагавад Гита" одамларга тана – ўткинчи, унга сингиб кетган онг – мангу экани ҳақида оддий тушунча берадиган Кришна-катха

хисобланади. Онг сохиби бўлган рух мангу мавжуд, тана ҳалок бўлганда у ўлмайди, уни хеч қандай йўл билан яксон қилиб, ўлдириб бўлмайди. Ўзини ўткинчи тана деб юрган ва ана шу сохта гояга асосланиб, ўзининг фаолиятини ижтимоий фаолият, сиёсат, филантропия, альтруизм, национализм ёки интернационализм деб атаб юрган киши ҳақни ноҳақдан ажратса олмайдиган аҳмок одамдир. Ана шундай одамларнинг баъзилари эҳтирос ва ғафлат гуналаридан юқори кўтарилиб, эзгулик гунасига эришадилар, лекин моддий эзгулик ҳамиша ғафлат ва эҳтирос билан аралашган бўлади. Моддий эзгулик гунаси инсонга тана билан рух орасидаги фарқни англай олиш имкониятини беради, эзгулик гунасидаги одам ўзининг танаси эмас, рух(жон)ини ўйлаб иш қиласди. Аммо табиатнинг қуий гуналари билан онги булғанган, моддий эзгулик гунаси остидаги кишилар алоҳида руҳнинг ҳақиқий, шахсий табиатини англаб ета олмайдилар. Имперсоналистларнинг жон ҳақидаги танадан фарқ қиласдиган руҳий онг деган тасаввuri, уларга моддий эзгулик гунаси таъсири остида яаш имконини беради, аммо, тики уларда Кришна-катхага ихлос уйғонмас экан, улар моддий олам тутқулигидан озодликка чиқа олмайдилар. Кришна-катха – бу дунёда яшаётган ҳамма одамларни ғофиллик иллатидан даволашга қодир бўлган ягона воситадир, чунки у инсонга ўзининг ҳақиқий “мен”ини англаб этишга ва моддий олам тутқулигидан озодликка чиқишига ёрдам беради. Парвардигор Чайтаня Махапрабху айтган эдик, бутун жаҳон бўйлаб кришна-катхани тарғибот қилиш – энг эзгу фаолиятдир: ер юзида барча соглом фикрли кишилар Парвардигор Чайтаня бошлаган ана шу ҳаракатга қўшилишлари лозим.

### Текст 12

Ўзининг буюк асари “Маҳобҳорат”да сенинг дўстинг, буюк донишманд Кришна-двайпаяна Въяса Парвардигорнинг илоҳий сифатларини таърифлаб берган. Лекин “Маҳобҳорат”нинг мақсади – оддий инсонларнинг дунёвий асарларни ўқишига бўлган қизиқишидан фойдаланиб, уларнинг дикқатини кришна-катха(“Бҳагавад Гита”)га жалб этишдан иборат.

Изоҳ: Буюк донишманд Кришна-двайпаяна Въяса барча ведавий асарларнинг муаллифи хисобланади, уларнинг энг машҳурлари – “Веданта-сутра”, “Шримад Бҳагаватам” ва “Маҳобҳорат” хисобланади. “Шримад Бҳагаватам”(1.4.25)да айтилганидек, Шрила Въясадева “Маҳобҳорат”ни ҳаёт фалсафасидан кўра кўпроқ дунёвий мавзулар қизиқтирадиган калтафаҳм одамлар учун ёзган. “Веданта-сутра” дунёвий ишларга қизиқиши тарқ этган, “моддий баҳт” аламини тотиб кўрган одамлар учун мўлжалланган. “Веданта-сутра”нинг биринчи афоризми: атхато брахма-джижнаса. Бунинг мазмуни шундан иборатки, фақат ўзининг эркин қизиқишлирини хиссий лаззатлар бозорида

қаноатлантириб бўлган кишигина Браҳманнинг – Илоҳий Мавжудликнинг табиати ҳақидаги саволларга жавоб излашни бошлашга қодир бўлади. Газета ва журналларнинг саҳифаларида муҳокама қилинадиган дунёвий муаммолар билан қизиқадиган кишилар стри-шудра-двиджабандху, яъни “аёллар, ишчилар ва олий табака(браҳман, кшатрий ва вайшьялар)нинг номуносиб вакиллари” тоифасига кирадиган одамлардир. Тафаккури заифлиги туфайли, гарчи уларнинг баъзилари ўзларининг тасаввурини тасдиқлайдиган мисоллар излаб сураларни ўрганиб юрсалар ҳам, бундай одамлар “Веданта-сутра”нинг маъносини тушуна олмайдилар. “Веданта-сутра”нинг ҳақиқий мақсадини унинг муаллифи “Шримад Бҳагаватам”да очиб берган, “Шримад Бҳагаватам”га мурожаат қилмасдан “Веданта-сутра”нинг мазмунини тушинишга уриниб юрган ҳар қандай инсон хато йўлдан бораётган кишидир. Ҳаётда адашиб юрган, дунёвий савоб ишлар қизиқтирадиган ва ўзини моддий тана деб биладиган кишиларнинг Шрила Въясадеванинг атайлаб улар учун ёзган “Маҳобҳорат” асарига мурожаат қилгани маъқул. Бу буюк донишманд “Маҳобҳорат” асарини шундай ёзганки, акли дунёвий нарсаларга фарқ бўлган ғофил кишилар “Маҳобҳорат”ни ўқиб, “Шримад Бҳагаватам” ёки “Веданта-сутра”ни ўрганишни бошлашдан олдин ўрганиш зарур бўлган “Бҳагавад Гита” билан танишадилар. Шрила Въясадева бу тарихий воқеаларнинг ҳаммасини фақат тафаккури етарлича ривожланмаган одамлар “Бҳагавад Гита”ни ўрганишлари ва шу тарзда илоҳий илмдан хабар топишлари учун ёзган. Видуранинг бу ерда “Маҳобҳорат”ни эслатиб ўтиши унинг бу асарни муқаддас саждагоҳларни зиёрат қилиб юрган пайтларида ўзининг ҳақиқий отаси Въясадевадан эшитганидан далолат беради.

### Текст 13

Бетиним кришна-катха тинглаб юрган одамларда бошқа ҳамма нарсага бўлган қизиқиши аста-секин сусайиб кетади. Парвардигор Шри Кришнанинг нибуфар қадамлари пойи ҳақида ҳамиша эслаб юриш шарофати билан илоҳий лаззат таъмини тотиб кўрган содик шу заҳотиёқ барча мусибатлардан ҳалос бўлади.

Изоҳ: Шуни тушуниш лозимки, мутлақ поғонада кришна-катха билан Кришна бир биридан фарқ қилмайди. Парвардигор Мутлақ Ҳақиқат бўлгани учун, кришна-катханинг мавзуси бўлган Унинг номи, қиёфаси, сифатлари ва бошқа нарсалари Кришнанинг ўзидан фарқ қилмайди. Парвардигорнинг ўзи гапириб берган “Бҳагавад Гита” Унинг ўзи билан бир. Самимий содик хизматкор учун “Бҳагавад Гита” – Парвардигорнинг бевосита ўзини кўриши билан бир, аммо баҳс-мунозарани яхши кўрадиган материалист уни бошқача қабул қиласди. “Бҳагавад Гита”ни ўқир экан, агар инсон уни ҳақиқатан ҳам

Парвардигорнинг Ўзи айтганда қилиб ўқиса, унда Парвардигорнинг бутун курдати мужассам эканини хис қилиши мумкин. Лекин, ўзининг нодонлиги сабабли "Бҳагавад Гита"ни ўзича талқин қилишга уринадиган киши учун "Бҳагавад Гита" ҳеч қандай фойда келтирмайди. "Бҳагавад Гита"дан унга ёт бўлган ғояларни топишга ёки яширин ниятлар билан уни ўзича талқин қилишга уринадиган ҳар қандай инсон шрададхана-пумса, яъни "кришна-катха тинглашга интилаётган киши" эмас. Ҳатто дунёвий одамлар уни буюк олим деб юрган бўлсалар ҳам, "Бҳагавад Гита"ни ўрганиш унга бирор фойда келтирмайди. Фақат шрададхана, унда айтилган гапларга самимий ишонадиган инсонгина "Бҳагавад Гита" ни ўкишдан ҳақиқий манфаат кўра олади, чунки ҳар нарсага кодир Парвардигорнинг марҳамати билан шундай содик ўзининг барча боғланишларини яксон қилиб юборадиган ва улар оқибатида келадиган барча мусибатларни йўққа чикарадиган илоҳий лаззатга эришади. Фақат ўз тажрибасида ана шу лаззатни хис қилган содикларгина Видура айтган мана шу шеърнинг мазмунини тушуна оладилар. Кришна-катха тинглаш ҳамда Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини бетиним эслаб юриш Худонинг асл содиклари учун мангу лаззат манбаи ҳисобланади. Унинг учун моддий тириклик деган тушунча мавжуд эмас, машхур брахмананда лаззати эса, илоҳий лаззатга гарқ бўлган содик хизматкор учун эътиборга арзимайдиган арзимас нарса бўлиб қолади.

#### Текст 14

Эй донишманд, ўзлари содир қилган гуноҳлари туфайли Илоҳий Зот ҳақидаги ҳикояларга қизикмайдиган, шу боис "Маҳобхорат"("Бҳагавад Гита")нинг мақсадини тушуна олмайдиган кишиларнинг ахволи ўзлари ачинишга арзийдиган зотларга ачинарли бўлиб кўринади. Мен ҳам уларни қайғураман, чунки улар инсон ҳаётининг олий мақсади ҳақида ўзларича турли тахминларга бориб, фалсафий фикр-мулоҳаза юритар ва ҳар хил диний удумларни ўтказиб юрар экан, мангу замон уларнинг умрларини тобора ютиб бораётганини кўриб турибман.

Изоҳ: Моддий табиатнинг қайси гунаси таъсирида эканига қараб инсонни Олий Шахс Худо билан уч турли муносабатлар боғлаб туриши мумкин. Эҳтирос ва ғафлат гуналари таъсири остидаги одамлар Худонинг борлигини инкор этадилар ёки Унинг мавжудлигини шунчаки тилида тан оладилар ва Уни ўзларининг истакларини бажарадиган Зот деб биладилар. Эзгулик гунаси таъсири остида юрган одамлар улардан устун турадилар. Шундай одамлар Олий Браҳман шаш сифатига эга эмаслар деб биладилар. Шундай одамлар биринчи ва энг мухим иши кришна-катха бўлган бҳактилар маданиятини улар мақсад эмас, шунчаки восита деб биладилар. Моддий эзгулик гунасидан юқори кўтарилиб, илоҳий погонада

турадиган Худонинг содиклари унда одамлардан устун турадилар. Худонинг содиклари Худо Шахсининг номи, қиёфаси, шон-шуҳрати ва сифатлари бир биридан мутлақо фарқ қилмаслигига тўлиқ ишонадилар. Улар учун кришна-катха тинглаш билан Кришнанинг Ўзини бевосита кўриш орасида фарқ йўқ. Худога соф садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиган кишилар инсон ҳаётининг олий мақсади – пурушартха – Худога садоқат билан хизмат қилишдан иборат бўлиб, инсон ҳаётининг мазмуни ана шундан иборат. Фалсафий фикр-мулоҳазаларга гарқ бўлган ва Худо Шахсига ишонмайдиган импресоналистлар Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглашнинг мазмунини тушуна олмайдилар. Парвардигорнинг асл, соф содиклари уларнинг ахволига ачинадилар. Ўзлари ачинарли аҳволда бўлатуриб, имперсоналистлар ғафлат ва эҳтирос гунаси таъсири остида юрганларга ачинадилар, Худонинг асл содиклари эса, уларга ҳам, буларга ҳам ачинадилар, чунки уларнинг ҳаммаси инсон ҳаётининг қимматли вақтларини сохта мақсадларга эришишга, ҳиссий лаззатлар изидан қувишга, ҳар хил фалсафий таълимотлар ўйлаб топишга ва инсон ҳаётининг мазмуни ҳақидаги бемаъни фикрларга сарфлайдилар.

#### Текст 15

Эй, мусибатдаги одамларнинг дўсти Майтрея, факат Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикоялар ер юзидағи барча одамларга ҳақиқий баҳт-саодат келтира олади. Шу боис худди гуллардан нектар йигиб юрган асаларилар сингари, менга оламдаги барча ҳикояларнинг мағзини – Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни гапириб бер.

Изоҳ: Моддий табиатнинг турли гуналари таъсирида юрган одамлар учун мўлжалланган кўплаб асарлар ёзилган, лекин аслини олганда факат Парвардигор ҳақидаги ҳикояларгина дикқатга сазовордир. Афсуски, моддий қувват ҳукми остидаги шартланган рухларда Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглашга интилиш йўқ, - уларнинг баъзилари Худога ишонмайдилар, бошқа бирлари факат Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳати борлигини тан оладилар. Уларга ҳам, буларга ҳам Худо ҳақида гапириб бўлмайди. Худога ишонмайдиган имонсизлар ҳам, имперсоналистлар ҳам, барча ҳикояларнинг мағзи бўлган бундай ҳикояларни инкор этадилар, шу боис уларнинг дикқат-эътибори ё ҳиссий лаззатланиш билан, ё фалсафий таълимотлар билан боғлиқ бўлган нисбий ҳақиқатларни турлича таърифлари билан банд. Видура сингари Парвардигорнинг асл содиклари учун дунёвий муаллифларнинг ҳамда эмпирик-файласуфларнинг асарлари мутлақо бемаъни туюлади. Шунинг учун Видура Майтреядан унга факат Парвардигор Шри Кришна билан

боғлиқ бўлган нарсалар ҳақида гапиришни, бошқа нарсаларга чалғимасликни илтмос қилди.

#### Текст 16

Намоён бўлган қиёфалари космик оламни яратиш ва унинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун мутлақо етарли қурдатга эга бўлган Олий ҳукмдорнинг ғайритабиий, илоҳий кароматлари ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Албатта, Видура Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги ҳикояларни тинглаш иштиёқида ёнарди, лекин у Парвардигорнинг кетгани ҳақидаги хабарни эшитиб оғир қайғуга чўмган эди. Шунинг учун у Парвардигор Шри Кришнанинг оламни яратиш ва унинг мавжудлигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган барча кувватларга эга пуруша-аватараларининг кароматлари ҳақида тинглашни истарди. Аслида пуруша – аватараларнинг кароматлари Парвардигорнинг йўзининг ишларининг давомидир. Видура Майтреяга у ўзининг ҳикоясини нимадан бошлиши кераклигини эслатиб қўйяпти, чунки у Видурага Парвардигор Шри Кришнанинг қайси кароматлари ҳақида гапиришни билмай иккиланиб турарди.

#### Текст 17

Шукадева Госвами деди: Видурга чукур хурмат эҳтиром кўрсатиб, бутун инсониятнинг фаровонлиги ҳақида қайгурадиган буюк донишманд Майтрея Муни ўзининг ҳикоясини бошлади.

Изоҳ: Буюк донишманд Майтрея Муни бу ерда бхагаван деб аталган, чунки ўзининг илми ва ҳаётий тажрибаси билан у бошқа барча инсонлардан устун туради. Шунинг учун унинг инсоният учун қайси ишлар энг буюк саодат экани ҳақидаги фикрини энг ишонарли мўътабар фикр деб хисоблаш лозим. Факат Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳаммага бирдай мутлақ саодат келтира олади, шу боис Видуранинг илтимоси билан донишманд Худога садоқат билан хизмат қилишни ҳар жиҳатдан батафсил таърифлаб берди.

#### Текст 18

Шри Майтрея деди: Илоҳийликни англаш етган Майтрея Муни кўрдики, Видуранинг ақли Илоҳийлик ҳиқидаги фикрлар билан бутунлай банд бўлган. Адҳокшаджа ибораси “сезгилар ёрдамида билиб бўлмайдиган” ёки “сезгилар чегарасидан ташқарида” деган маънони англатади. Парвардигор бизнинг сезгиларимизга нисбатан илоҳий ҳолатда, лекин У Ўзини самимий содик хизматкорига ошкор этади. Видура ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан банд бўлиб юарди, шунинг учун Майтрея унинг илоҳий фазилатларини юқори баҳолади. Видуранинг чукур маънога эга саволлари Майтреяни мамнун

килди, шу боис у унга чукур эҳтиром кўрсатиб миннатдорчилик билдириди.

#### Текст 19

Эй Видура, сенинг Парвардигорни ҳеч иккиланмасдан қабул қилишингнинг ажабланарли жойи йўқ, ахир сен Въясадева уруғидан дунёга келгансан.

Изоҳ: Мазкур шеърда Видура мисолида яхши оиласда туғилиш ҳамда олижаноб хонадонга мансуб бўлишнинг аҳамияти очиб берилган. Шахснинг шаклланиши отанинг уруғлиги онанинг бачадонига тушган пайтдан бошланади. Тирик мавжудот ўзининг аввалги ҳаётида кўрсатган фаолиятига қараб у ёки бу эркакнинг уруғлигига киради, Видура оддий тирик мавжудот бўлмагани боис, у Въясанинг уруғидан дунёга келиш имкониятига эга бўлди. Инсоннинг туғилиши – буюк санъат, буюк таълимотdir, шу боис яхши фазилатли инсонлар дунёга келиши учун отоналар фарзандни дунёга келтириш жараёнини поклайдиган, гарбҳадхана-самскара деб аталадиган ведавий покланиш маросими ўтказишлари лозим. Асосий муаммо ер юзида аҳоли сонининг ошиб кетишини тўхтатиш эмас, балки Видура, Въяса ва Майтрея сингари олижаноб инсонлар дунёга келишини таъминлашда. Агар фарзандлар ҳақиқий инсонга муносиб туғилиш билан, яъни барча қонун-коидалар асосида маросимлар ўтказилиб дунёга келса, ер юзида аҳоли сонининг ўсишини тўхтатишга ҳожат қолмайди. Фарзанд туғилишига тўскинлик қилиб, аҳолининг ўсишини тўхтатиш гуноҳ иш бўлиб қолмасдан мутлақо бемаъни ишдир.

#### Текст 20

Менга маълумки, сен Мандавья Мунининг карғиши сабабли ерда туғилишга мажбур бўлгансан. Аввал сен ажал салтанатининг ҳукмдори Ямараж(Азоил) эдинг. Сатьяватийнинг ўғли Въясадева сени укасининг чўрисидан дунёга келтирган.

Изоҳ: Мандавья Муни буюк донишманд эди("Шримад Бхагаватам".1.13.1), Видура эса ҳозирги туғилишидан аввал ўлган одамларнинг ҳукмдори Ямараж(Азоил) эди. Туғилиш, яшаш ва ўлим - моддий оламдаги барча тирик мавжудотлар ўтадиган уч пофона ана шундан иборат. Ўликлар салтанатининг ҳукмдори бўлган ҳолда Ямараж бир пайтлар Мандавья Мунини болалик эрмаклари учун жазолаб, унга найза санчиши буюрган эди. Ямаражнинг бу ишидан қаттиқ жаҳли чиқсан Мандавья уни дуои-бад килди, ана шу қарғиши сабабли Ямараж ер юзида шудра бўлиб туғилиши керак эди. Шу тариқа Ямараж Вичитравирьянинг акаси Въясадева уруғидан унинг канизаги қорнидан дунёга келди. Въясадева Сатьяватийнинг ва буюк донишманд Парашаранинг ўғли эди. Въясадеванинг тенгдоши

ва дўсти Майтрея Мунига Видуранинг дунёга келиш сири маълум эди. Шундай килиб, Видура канизакнинг қорнидан дунёга келди, аммо унинг отаси ва боболари буюк шахслар бўлгани учун унга улардан энг нодир неъмат қолган эди – у Парвардигорнинг буюк содиги бўлди. Ана шундай буюк оиласда туғилиш инсон олдида Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлига кириш учун буюк имкониятлар очиб беради. Видура ўзининг аввалги ҳаётида қилган савоб ишлари эвазига ана шундай имкониятга эга эди.

### Текст 21

Эй хурматли зот, сен – Олий Шахс Худонинг мангу ҳамроҳларидан бирисан, Ўзининг мангу даргохига кетишдан олдин мен сенга етказишим учун Парвардигор менга насиҳатлар бериб кетди.

Изоҳ: Ўликлар салтанатининг буюк ҳукмдори Ямараж тирик мавжудотларнинг кейинги ҳаётлардаги тақдирини белгилаб беради. Албатта, у Парвардигорнинг тўла ишончини қозонган содик хизматкорлари қаторига киради. Ана шундай маъсулиятли лавозимларни Парвардигор фақат Ўзининг руҳий оламдаги мангу ҳамроҳлари билан бир погонада турадиган буюк содикларига топширади. Видура уларнинг бири бўлгани учун Парвардигор Вайкунҳага кетишдан олдин Майтрея Мунига кўрсатмалар бериб, уларни Видурага етказишини илтимос қилди. Одатда Парвардигорнинг руҳий оламдаги мангу ҳамроҳлари моддий оламга келмайдилар. Лекин, баъзан, Парвардигорнинг амрини бажариб, улар бу дунёда пайдо бўладилар. Улар бу дунёга қандайдир маъсулиятли лавозимни эгаллаш учун эмас, балки Парвардигор билан шахсан мулоқот қилиш ёки Унинг хабарини одамлар орасида тарғибот қилиш учун келадилар. Парвардигорнинг ана шундай ваколат билан бу дунёга келган вакилларини шактьявеша-аватаралар, яъни “илоҳий қудратга эга ва Парвардигорнинг вакили бўлиш ҳуқуқига эга аватаралар” деб атайдилар.

### Текст 22

Шунинг учун мен сенга Парвардигорнинг эрмаклари ҳақида гапириб бераман. Уларда Парвардигор моддий оламни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаб туриш ҳамда яксон қилиш учун, бу жараён бир бирини алмаштириб қандай тартибда рўй берадиган бўлса шу тартибда Ўзининг илоҳий қувватини тарқатади.

Изоҳ: Ўзининг кўп сонли қувватлари ёрдамида хар нарсага қодир Парвардигор истаган ишини амалга ошириши мумкин. Моддий оламни Унинг йогамайя қуввати яратади.

### Текст 23

Моддий олам яратилишидан аввал фақат ягона Парвардигор, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган Худо Шахси бор эди, Ундан

бошқа ҳеч ким йўқ эди. Фақат Парвардигорнинг амри билан моддий олам яратилади, кейин яна Унинг ичига ғарқ бўлади. Ана шу Олий Руҳнинг сифатлари Унинг сон-саноқсиз номларида акс этган.

Изоҳ: Бу ерда донишманд Майтрея "Шrimad Бҳагаватам"нинг бошланғич тўрт шлокининг мазмунини тушунтира бошлаган. Майявади фалсафасининг издошлари(имперсоналистлар)га "Шrimad Бҳагаватам"ни ўрганиш таъкиланган, шунга қарамай баъзан улар ўзларича ҳар хил тахминларни ўйлаб чикириб, унинг бошланғич тўрт шлокасини изоҳлашга уринадилар. Биз - Худонинг содиклари унга бу ерда Майтрея Муни берган изоҳларга қулоқ солишимиз лозим, чунки у Уддхава билан бирга уларни Парвардигорнинг Ўзидан эшигтан. Ана шу тўрт шеърнинг биринчи қатори шундай: ахам эвасам эвагре. Майявадилар ахам иборасини умуман чалкаш изоҳлайдилар, уларнинг изоҳларининг маъносини фақат изоҳ берганларнинг ўзлари тушуна оладилар. Бу ерда айтилганки, ахам ибораси деганда алоҳида тирик мавжудотлар эмас, балки Олий Шахс Худо назарда тутилган. Олам яралишидан аввал фақат Парвардигор, Худо Шахси бор эди, ўша пайтда пуруша-аватара ҳам, тирик мавжудотлар ҳам, моддий оламни яратадиган моддий қувват ҳам йўқ эди. Пуруша-аватаралар Парвардигорнинг хилмачил қувватлари билан бирга Унинг Ўзида мужассам эди.

Худо Шахси, Парвардигор бу ерда барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори деб аталган. У Худди қуёшга ўхшайди, тирик мавжудотлар эса - қуёш нурларининг корпускалариридир. Парвардигорнинг олам яралишидан аввал мавжуд эканлиги шрутиларда ҳам тасдиқланади: васудево ва идам агра асит на браhma на ча шанкарах эко вай нарайана асин на браhma нешанах. Ҳамма нарса Худо Шахсидан чиққани сабабли фақат Парвардигорнинг Ўзи ҳамма вақт, ҳамиша мавжуддир. Парвардигор бошқаларсиз мавжуд бўла олади, чунки У мукаммал ва ҳар нарсага қодир. Бошқа ҳамма мавжудотлар, шу жумладан Парвардигорнинг тўлиқ экспансиялари, вишнутаттвалар ҳам, - Унинг таркибий қисмлариридир. Олам яралмасдан аввал на Каранадакашайи, на Гарбходакашайи, на Кширодакашайи Вишну мавжуд эмасди, Браhma ҳам Шанкара ҳам йўқ эди. Парвардигорнинг тўлиқ экспансияси Вишну ва маъбуд Браҳмадан бошлаб барча тирик мавжудотлар Унинг таркибий қисмлари ҳисобланадилар. Руҳий олам Парвардигор билан бирга мавжуд эди, аммо моддий олам Унинг ичидаги намоён бўлмаган ҳолатда эди. Моддий олам фақат Парвардигорнинг истаги билан яратилади ва яксон бўлади. Худди хилма-хил қўринишдаги қўшин шоҳга ўхшагани сингари, Вайкунҳалоканинг хилма-хиллиги Парвардигорга ўхшайди. "Бҳагавад Гита"(9.7)да айтилганки, моддий олам Худонинг хоҳиши билан маълум бир вақт оралиғида яратилади, унинг яксон бўлиши ва қайта

яратилиши оралиғида тирик мавжудотлар ва моддий қувват намоён бўлмаган ҳолда Парвардигорнинг ичидаги бўлади.

#### Текст 24

Бутун борлиқнинг ягона хукмдори бўлган Парвардигор ўша пайтда ягона кузатувчи эди. ўша пайтда моддий олам мавжуд эмасди, Парвардигор Ўзининг тўлиқ ва ажралган қисмлари йўқлигидан Ўз борлигини охирига етказилмагандай хис қиласди. Унинг ички қуввати намоён бўлган ҳолатда эди, лекин моддий қувват уйқуга ғарқ бўлган ҳолатда эди.

Изоҳ: Парвардигор олий кузатувчи ҳисобланади, чунки моддий оламни яратиш жараёни Парвардигорнинг моддий қувватга нигоҳ ташлаши туфайли бошланди. Ўша пайтда кузатувчи бор эди, лекин Парвардигорнинг нигоҳи тушадиган ташки қувват йўқ эди. Худди хотини йўқлигидан зерикадиган эркак сингари, Парвардигор нимадир етишмаслигини хис қилди. Парвардигор унтиши уйқусига ғарқ бўлиб ётган шартланган руҳларга яна бир имконият бериш учун моддий оламни яратишни истади. Моддий олам шартланган руҳларга ўзларининг уйларига, Худонинг даргоҳига кайтиб бориши имконини беради, унинг асосий вазифаси шундан иборат. Парвардигор шу қадар марҳаматлики, моддий олам яратилмасдан олдин У Ўзига нимадир етишмаётгандай хис қиласди, Парвардигордаги ана шу номукаммалликни хис қилиш туйгуси моддий олам яралишининг сабаби ҳисобланади. Парвардигорнинг ички қуввати яратган олам намоён бўлган ҳолатда эди, лекин Унинг бошқа қуввати худди ухлаб ётгандай эди, шунинг учун худди ишқий эрмаклар учун хотинини уйғотадиган эркак сингари, Парвардигор уни уйғотиб, фаолият кўрсатишга ундашни истади. Уйкуда ётган қувватига ачинганидан Парвардигор уни ҳам уйғоқ ва зийрак юрган бошқа қувват(хотин)лари сингари лаззатланишини истайди. Буларнинг ҳаммаси Парвардигорга факат ғафлат уйқусида ётган шартланган руҳларни руҳий онг билан бўладиган ҳақиқий ҳаётга уйғотиш ҳамда уларга худди Вайкунтахалокалардаги мангу озод руҳлар сингари мукаммал бўлиш имкониятини бериши учун зарур эди. сач-чид-ананда-виграха бўлган ҳолда Парвардигор Ўзининг ҳар хил қувватларининг ҳар бир зарраси лаззатга тўла расаларда иштирок этишини истайди, чунки Парвардигор билан биргалиқда Унинг мангу раса-лиласида иштирок этиш – мавжудликнинг энг олий поғонасига кўтарилиш, олий руҳий лаззатга ҳамда мукаммал мангу илмга эришиш демакдир.

#### Текст 25

Парвардигор кузатувчи, У кузатадиган ташки қувват эса, намоён бўлган космик оламнинг бир вақтнинг ўзида ҳам сабаби, ҳам оқибати сифатида ҳаракат қиласди. Эй баҳтиёр Видура, ташки

кувватни майя, сароб, алданиш деб атайдилар, факат у туфайли намоён бўлган моддий олам пайдо бўлади.

Изоҳ: Майя деб аталадиган моддий табиат бир вақтнинг ўзида яралишнинг ҳам жисмоний ва ҳам ҳаракатга келтирадиган сабабчиси ҳисобланади, лекин уни унинг бутун фаолиятини белгилаб берадиган онг, яъни Парвардигор бошқариб туради. Тирик мавжудотнинг танаси ичидаги онг унинг барча қувватларининг манбаи бўлгани сингари, Парвардигорнинг олий онги ҳам моддий табиатда мавжуд бўлган барча қувватларнинг манбаи ҳисобланади. Бу ҳақиқат "Бҳагавад Гита"(9.10)да тасдиқланади:

"Моддий табиатнинг барча қувватлари оламда бўлиб турган ҳамма нарсани назорат килувчи Парвардигорнинг амрига бўйсунади. Фақат ана шу олий сабаб туфайли моддий табиатнинг фаолияти тартибли ва режа асосида боради, ундаги ҳамма жараёнлар маълум қонунлар асосида ривожланади".

#### Текст 26

Пуруша, Парвардигорнинг тўлиқ экспансияси – илоҳий табиатли Олий Тирик Мавжудот уч гунадан таркиб топган моддий табиатни уруглантиради. Шу тариқа мангу замон таъсири остида тирик мавжудотлар дунёга келади.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар отанинг уруғлиги она корнига тушиши натижасида дунёга келадилар. Эркакнинг уруғлигига мавжуд бўлган тирик мавжудот она корнида факат шакланади. Худди шундай, тики Парвардигор уруғлантирмас экан, она - моддий табиат моддий унсурлардан бирор тирик мавжудотни дунёга келтиришга қодир эмас. Ҳаётнинг пайдо бўлиш сири мана шундан иборат. Моддий табиатни пуршанинг биринчи экспансияси, Карападакашай Вишну уруғлантиради, бунинг учун У моддий табиатга нигоҳ ташлаб қўйса, бас.

Парвардигорнинг уруғлантириш усули билан инсоннинг жинсий алоқасини тенглашнинг ҳожати йўқ. Ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор кўзлари билан уруғлантира олади, шунинг учун Уни ҳар нарсага қодир деб атайдилар. Парвардигорнинг ҳар бир аъзоси Унинг бошқа истаган аъзосининг ишини бажара олади. Бу ҳақиқат "Брахма-самхитада"(5.32)да тасдиқланади: ангани йасия сакалендрия-вриттиманти. "Бҳагавад-гита"(14.3)да ҳам ана шу қоида ҳакида гап боради: мама йонир маҳад брахма тасмин гарбҳам дадхамй аҳам. Моддий олам намоён бўлган ҳолатга ўтганида Парвардигорнинг Ўзи уни моддий табиат яратган деб бўлмайдиган тирик мавжудотлар билан тўлдиради. Шунинг учун, моддий илм-фан қанчалик тараққиётга эришмасин, олимлар ҳеч качон тирик мавжудот яратишга қодир бўла олмайдилар. Аслини олганда моддий олам яралишининг сири ҳам мана шунда. Ўзининг табиатига кўра тирик мавжудотлар

моддага ёт, моддий оламга мансуб эмас, шу боис улар Парвардигорнинг рухий борлигидан ташқарида ўзларини баҳтли ҳис қила олмайдилар. Моддий оламда баҳт топишга уриниб, ўзининг азалий табиатини эсдан чиқарган тирик мавжудот шунчаки вақтни бекорга кетказади. Шунинг учун ведалар маданиятининг ягона мақсади – инсонга у аслида рухий табиатга эга бўлган жон эканини эслатиб қўйишдан иборат. Парвардигор шартланган рухга моддий тана беради, шу тана ёрдамида у гўё лаззатланиши мумкин, лекин агар тирик мавжудот ўзига келиб, қалбида рухий онгни ривожлантирмаса, Парвардигор уни яна ўзининг аввалги, моддий олам яралishiдан олдинги ҳолатига - намоён бўлмаган мавхум ҳолатга солиб қўяди. Парвардигор бу ерда виръяван, яъни “Энг курдатли мавжудот” деб аталган, чунки У қадим замонлардан бери шартланган ҳолатда ётган моддий табиатни сон-саноқсиз тирик мавжудотлар билан уруғлантирган.

#### Текст 27

Кейин, мангу замон таъсири остида махат-таттва деб аталадиган моддий унсурларнинг олий бирикмаси намоён бўлган ҳолатга ўтди, соф эзгуликдан иборат Парвардигор махат-таттвани Ўзининг танасида ётган оламни яратиш уруғи билан уруғлантириди.

Изоҳ: Уруғланган моддий қувват вақти келиб моддий унсурлар бирикмаси сифатида намоён бўлади. Ҳамма нарса етилиши учун вақт керак, шунинг учун бу ерда кала-чодитат, яъни “замон таъсири остида” деган ибора ишлатилган. Махат-таттва онгнинг бирикмаси ҳисобланади, чунки ана шу онгнинг бир қисми тафаккур кўринишида ҳар бир тирик мавжудотда акс этган. Махат-таттва, гарчи ўзини модда сифатида намоён этса ҳам, у Олий Мавжудотнинг онги билан бевосита боғланган. Махат-таттвадан, яъни соф онгнинг соясидан бутун борлик ўсиб чиқади. Махат-таттва соф эзгуликдан иборат, унга моддий эҳтирос гунасидан арзимас қўшимча қўшилади, ана шу вақтдан бошлаб махат-таттва ҳаракатга кела бошлади.

#### Текст 28

Кейин махат-таттва бўлғуси тирик мавжудотларнинг манбаи сифатида кўплаган турли қиёфаларга бўлина бошлади. Махат-таттва фафлат гунасининг устивор таъсири остида бўлади ва сохта ўзликни юзага келтиради. Махат-таттва Худо Шахсининг тўлиқ экспансияси бўлиб, оламни яратиш қонунларини ва унинг етилиш вақтини мукаммал билади.

Изоҳ: Махат-таттва соф рухнинг моддий мавжудлик сари йўлида оралиқ погона ҳисобланади. У - тирик мавжудотнинг сохта ўзлигини юзага келтирадиган модда билан рухнинг бирикмасидан иборат. Барча тирик мавжудотлар Худо Шахсининг ажралган

заррачаларидир. Аслида ўзлари Олий Шахс Худонинг таркибий заррачалари бўлишига қарамай, сохта ўзлик таъсири остида шартланган рухлар моддий табиатдан лаззатланувчи вазифасини бажаришга интиладилар. Сохта ўзлик – тирик мавжудотларни моддий тирикчиликка боғлаб қўядиган кучdir. Парвардигор моддий оламда адашиб юрган шартланган рухларга тақрор ва тақрор ана шу сохта ўзликдан қутулишга имкон беради, айнан шу мақсадда вақти вақти билан маълум вақт ўтгандан кейин моддий олам яратилиб турилади. Парвардигор шартланган рухларни улар ўзининг сохта ўзлигининг фаолиятини тўғри йўлга солишлари учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлайди, лекин ҳеч қачон уларнинг Парвардигорнинг ажралмас бўлакчалари сифатида эга бўлган арзимас мустакиллигига тўқсинглик қилмайди.

#### Текст 29

Махат-таттва, ёки буюк сабаб қонуни уч кўринишдан иборат сохта ўзликка айланади: сабаб, оқибат ва иш бажарувчи. Бу жараёнларнинг ҳаммаси ақл сатҳида рўй беради ва уларнинг асосида моддий унсурлар, кўпол сезгилар ва ақлий режалар ётади. Сохта ўзлик ўзини уч хил сифатда намоён этади – эзгулик, эҳтирос ва фафлат.

Изоҳ: Мавжудликнинг бошланғич, рухий ҳолатида тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра Парвардигорнинг мангу хизматкори эканини тўла англайди. Ана шундай соф онг соҳиби бўлган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси озод рухлар ҳисобланади ва шу боис рухий осмондаги Вайкунта сайёralарида илм ва лаззатга тўла хаёт билан мангу яшайдилар. Моддий олам улар учун яратилган эмас. Нитъя-муқта деб аталадиган мангу озод рухларнинг моддий оламда қиласиган иши йўқ. Моддий олам Парвардигорнинг амрига бўйсунишини истамайдиган қўзголончи зотлар учун яратилган. Уларнинг оламга ҳукмронлик қилишга бўлган алдамчи интилиши сохта ўзлик деб аталади. Сохта ўзлик моддий табиатнинг уч гунасида намоён бўлиб, факат ақлда мавжуд бўлади. Эзгулик гунаси таъсири остида юрган кишилар ҳар бир инсонни Худо деб биладилар, шу боис Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга интиладиган асл содиклар устидан куладилар. Эҳтирос гунаси таъсири остида юрган манман одамлар ҳар қандай йўл билан моддий табиатга ҳукмрон бўлишига интиладилар. Уларнинг баъзилари ақлида етилиб пишган ниятларини амалга ошириш учун савоб ишлар билан машғул бўлиб, ўзларини инсониятни ёруғ йўлга олиб чиқиш учун Худо томонидан юборилган деб ҳисоблайдилар. Улар аввалдан маълум бўлган дунёвий эзгулик(альтруизм) йўлидан борадилар, лекин уларнинг ҳамма режалари асосида сохта ўзлик ётади. Ундан одамларнинг сохта ўзлиги шу қадар ривожланиб кетадики, уларда ўзи Худо бўлиб олиш истаги юзага келади. Сохта ўзлик таъсири остида юрган

кишиларнинг охирги тоифаси – ғафлат гунаси таъсиридаги одамлардир. Ана шундай адашган рухлар моддий танасини “мен ўзим” деб биладилар, шу боис уларнинг бутун фаолияти факат моддий танаси атрофида ўтади. Парвардигор уларга ўзларининг сохта ўзлиги яратган ғоялар билан яшаш имконини беради, лекин айни пайтда Ўзининг чексиз марҳамати, меҳрибонлиги сабабли улар Парвардигор Шри Кришна ҳақидаги илмни эгаллаб, ҳаётнинг ҳақиқий мақсадига эриша олишлари учун уларга “Бҳагавад Гита” ва “Шримад Бҳагаватам” сингари муқаддас китоблар билан ёрдам беради. Шундай қилиб, бутун моддий олам сохта ўзлиги таъсири остида шартланган ва моддий табиат гуналари яратган алдамчи тасаввурлар чангалида бўлган ҳолда ақл сатҳида юрган тирик мавжудотлар учун яратилган.

### Текст 30

Эзгулик гунаси билан ўзаро ҳаракат қилиб, сохта ўзлик ақлга айланади. Намоён бўлган моддий оламни бошқариб турган фаришталарнинг барчаси ана шу жараён – сохта ўзлик билан эзгулик гунасининг бирикмасидан пайдо бўладилар.

Изоҳ: Моддий табиатнинг ҳар хил гуналари билан ўзаро ҳаракатга келиб сохта ўзлик моддий оламнинг барча таркибий қисмларини яратади.

### Текст 31

Хеч шубҳа йўқки, сезгилар эҳтирос гунасининг сохта ўзлик билан бирикиши натижасида юзага келган, эмпирик фалсафий илм ва кармали фаолият биринчи навбатда эҳтирос гунасининг маҳсулидир.

Изоҳ: Сохта ўзликнинг асосий вазифаси – имонсизликни, Худосизликни йўқ қилиш. Ўзининг табиатига кўра ўзи аслида Олий Шахс Худонинг ажралмас мангу заррачasi эканини унутган ва Парвардигордан мустақил ҳолда баҳтга эришишга уриниб юрган кишининг фаолияти асосан икки йўналишда ривожланади. Аввалига у шахсий фаровонликка ёки ҳиссий лаззатга эришиш ниятида кармали фаолиятда муваффақият қозонишга интилади, лекин, бу ишга ўзининг анча вақтини бекор кетказгандан кейин, бу йўл билан баҳтга эриша олмагандан кейин фалсафа билан шугуллана бошлайди ва ўзи Худо билан teng деган хulosага келади. Тирик мавжудот Худо билан бир деган сохта ғоя – алдамчи қувватнинг охирги тузогидир, унга илинган тирик мавжудот сохта ўзлик чангалига тушиб қолиб унтиш тўрларига ўралиб қолади.

Сохта ўзлик чангалидан кутулишнинг энг осон усули – ўзида Мутлақ Ҳақиқат ҳақидаги ҳар хил фикрларга бориш истагидан халос бўлишдан иборат. Шуни яхши тушуниб олиш лозимки, фалсафий изланишлар ёрдамида мукаммаллиқдан узоқ бўлган эгоист ҳеч қачон Мутлақ Ҳақиқат англаб ета олмайди. Мутлақ Ҳақиқатни, Олий

Шахс Худони англаб етишга факат камтарин ҳолда муҳаббат билан рўйхати “Шримад Бҳагаватам”да келтирилган ўн икки буюк мўътабар зотнинг вакили бўлган ва ҳақиқий илмга эга кишидан Мутлақ Ҳақиқат ҳақида тинглаган киши англаб етишга қодир бўлади. Факат шундай инсон Парвардигорнинг алдамчи қувватини мағлуб қила олади, “Бҳагавад Гита”(7.14)да айтилганидай, бошқа ҳеч ким уни енга олмайди.

### Текст 32

Осмон товушдан пайдо бўлади, товушнинг ўзи эса, сохта ўзлик билан ғафлат гунасининг бирикмасидан пайдо бўлади. Бошқача қилиб айтганда, осмон – Олий Руҳнинг белгиси, тимсолидир.

Изоҳ: Ведавий мадхияларда шундай дейилган: этасмад атманаҳ акашах самбухутах. Осмон – Олий Руҳнинг тимсоли. Ўзлиги эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида бўлган киши Худо Шахсини англаб етишга қодир эмас. Улар учун Олий Руҳнинг тимсоли осмон ҳисобланади.

### Текст 33

Кейин Парвардигор нигохини мангу замон ва ташқи қувват аралашган осмонга тикиди. Шу тариқа осмонни тўлдириган ҳавони юзага келтирган (тери орқали бир нарса текканини) сезиш туйғуси юзага келди.

Изоҳ: Моддий оламнинг барча таркибий қисмлари маълум бир тартибда: нафис нарсалардан қўпол нараларга қараб пайдо бўлади. Бутун олам ана шундай ривожланади. Осмон текканини ҳис қилишни юзага келтиради, бу туйғу мангу замон, ташқи қувват ва

Худо Шахсининг нигохининг бирикмасидан иборат. Бу туйғудан ҳаво юзага келади, у осмонни тўлдиради. Шу тариқа – нафис нарсалардан қўпол нарсаларга қараб бошқа моддий унсурлар юзага келади: товуш осмонни яратади, текканни сезиш туйғуси – ҳавони, шаклдан олов юзага келади, таъм сувга айланади, ҳид ерга айланади.

### Текст 34

Кейин чексиз қудратли ҳаво осмон билан ўзаро ҳаракат қилиб сезгилар қабул қиласидан шаклни юзага келтириди, шаклни ҳис қилиш туйғуси эса – электрга, оламни ёритган нурга айланди.

### Текст 35

Ҳаво электр билан тўлганида унга Парвардигорнинг нигохи тушди, электр мангу замон ва ташқи қувват билан бириқиб сув ва таъмни юзага келтириди.

### Текст 36

Кейин Парвардигор электрдан юзага келган сувга қаради. Шу тариқа, мангу замон ва ташқи қувват

билин бириккан сув ерга айланди, унинг асосий хусусияти хид.

Изоҳ: Аввалги шеърларда келтирилган моддий унсурларнинг таърифларидан кўриниб турибдики, яратишнинг ҳар бир погонасида бошқа нарсалар билан бирга албатта Парвардигорнинг нигоҳи бўлиши шарт. Худди ўзига керакли рангни олиш учун палитрада турли бўёкларни бир бири билан аралаштирадиган рассом сингари ҳар қандай ўзгаришнинг охирги нуктасини албатта Парвардигор қўяди. Бир унсур бошка бир унсур билан бирикканида уларнинг хусусиятига янги хусусият қўшилади. Масалан, осмон ҳавони юзага келтирди. Осмон фақат бир хусусиятга – товушга эга, аммо, Парвардигорнинг нигоҳи, мангу замон ва ташки қувват билан қўшилиб, у ҳаво – энди икки хусусиятга: товуш ва сезилишга эга бўлган унсурга айланади. Худди шундай, ҳаво осмон билан, вақт билан ва Парвардигорнинг ташки қуввати билан ўзаро ҳаракат қилиб, электрни юзага келтиради. Электр ҳаво ва осмон билан ўзаро ҳаракат қилиб, замон, ташки қувват ва Парвардигорнинг нигоҳи билан бирикканида сув юзага келади. Осмон фақат бир хусусиятга эга – товуш; ҳавонинг икки хусусияти бор: товуш ва сезилиш; электр уч хусусиятга эга: товуш, сезилиш ва шакл; сувнинг тўрт хусусияти бор: товуш, сезилиш, шакл ва таъм. Моддий унсурларнинг шаклланишида охирги пайдо бўлдиган унсур ер бўлиб, у барча беш сифатларни бирлаштиради: товуш, сезилиш, шакл, таъм ва хид. Гарчи бу унсурларнинг ҳаммаси яралишнинг турли таркибий қисмларининг бирикмаси бўлса ҳам, худди палитрадаги бўёклар то рассомнинг кўли тегмагунча ўзидан ўзи бир бири билан аралашмагани сингари, улар ўзидан ўзи юзага келмайдилар. Аслида ана шу ўзидан ўзи ҳаракатга келадиган тизимни Парвардигорнинг нигоҳи ҳаракатга келтириб туради. Барча моддий ўзгаришларнинг асосий фактори тирик онг ҳисобланади. "Бҳагавад Гита"(9.10)да бу хақда шундай дейилган:

Шундай қилиб, моддий унсурларнинг ўзаро ҳаракати оддий одамга мўъжиза бўлиб кўриниши мумкин, лекин аслини олганда улардаги барча ўзгаришларни Парвардигор бошқариб туради. Фақат моддий унсурлардаги ўзгаришлардан бошқа нарсани кўра олмайдиган ва буларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг амири билан ҳаракатга келиб турганини тушуна олмайдиган одамларни, ҳатто бутун олам уларни буюк олим деб ҳисобласа ҳам, фаросатли инсонлар қаторига қўшиб бўлмайди.

### Текст 37

Эй эзгу ишлар қилувчи зот, осмондан то ергача бўлган барча моддий унсурлар эга бўлган олий ва қўйи сифатларнинг ҳаммаси фақат охирги нукта бўлган Парвардигорнинг нигоҳи туфайли юзага келади.

### Текст 38

Юқорида кўрсатилган барча моддий унсурларни бошқарадиган Илоҳлар – Парвардигор Вишнунинг алоҳида ваколат берилган экспансияларидир. Уларнинг танаси мангу замон ва ташки қувватдан таркиб топган бўлиб, ўзлари Парвардигорнинг ажралмас зарралариридир. Уларга оламнинг фаолиятининг турли соҳаларини бошқариш юқлатилган эди, аммо, ўз вазифаларини бажара олмай, улар Парвардигорга ажойиб илтижолар билан мурожаат қилдилар.

Изоҳ: Ҳозирги гоғил одамларнинг фикрига қарши ўлароқ, оламдаги барча ишларни юқори сайёralарда яшайдиган ҳар хил ҳукмдор-фаришталар бошқариб туриши ҳечам хом-хаёл эмас. Фаришталар - Парвардигор Вишнунинг қисман намоён бўлган экспансиялари, уларнинг танаси мангу вактдан, ташки қувватдан ва Парвардигорнинг онгининг бир қисмидан таркиб топган. Одамлар, ҳайвонлар, қушлар ва бошқа тирик мавжудотлар ҳам Парвардигорнинг ажралмас заррачалари, улар ҳам ҳар хил моддий таналарга эга, лекин улар моддий жараёнларни бошқарадиган фаришталар эмас. Фаришталар уларни бошқариб туради. Бу бошқариш тизимини ортиқча деб ўйламаслик керак; замонавий ҳукуматнинг фаолиятини бошқариб турадиган вазирликлар сингари, фаришталар ҳам оламнинг ишини бошқариш учун зарур бўлган ҳукмдорлардир. Фаришталар ҳукми остидаги тирик мавжудотлар ҳеч қачон уларга беписанд муносабатда бўлмасликлари лозим. Барча фаришталар – оламнинг маълум бир вазифаларини бажариш маъсулияти юқлатилган Парвардигорнинг буюк содикларидир. Гуноҳкор рухларни жазолашга мажбур бўлгани учун Ямараждан истаганча хафа бўлиш мумкин, лекин шуни унутмаслик керакки, ана шу машақкатли иш билан машғул Ямараж ҳам бошқа фаришталар сингари Парвардигорнинг содик ҳизматкоридир ва Унинг Ўзи унга алоҳида ваколат бериб қўйган. Парвардигорнинг ёрдамчилари вазифасини бажарадиган фаришталарнинг ҳокимлиги Худонинг содикларига таъсир қилмайди, лекин шунга қарамай, содик ҳизматкор Парвардигорнинг ҳоҳиши билан уларнинг эгаллаб турган юқори мартабасини эътиборга олган ҳолда ҳамиша фаришталарга ҳурмат-эхтиром кўрсатади. Айни пайтда Парвардигорнинг содик ҳизматкори фаришталарни ягона Парвардигорнинг Ўзи деб қабул қиласиган даражада аҳмоқ эмас. Фақат нодонларгина фаришталар ҳам Парвардигор Вишну билан бир қаторда туради деб ўйлаши мумкин; аслини олганда уларнинг ҳаммаси Унинг ҳизматкорлари вазифасини бажаради.

Фаришталарни Парвардигор билан бир погонада туради деб ҳисоблайдиган одамларни пашанди, атеист деб айтадилар. Қайсирида даражада гайана, йога ва карма билан шугулланадиган кишилар, яъни имперсоналистлар, муроқаба билан шугулланадиган кишилар ҳамда ўз меҳнатининг

натижасидан лаззатланишга интиладиган кишилар фаришталарга сифинадилар. Аммо Худонинг содиклари фактат Парвардигор Вишнуга сифинадилар. Улар Парвардигорга дунёвий одамлар, шу жумладан рухий озодликка интилиб юрган, сехрли йога билан шуғулланадиган ёки ведавий урф-одатларга риоя қилиб юрган кишилар тилайдиган қандайdir моддий манфаат кўриш мақсадида сифинмайдилар. Худонинг содиклари Парвардигорга фактат бир мақсад – қалбida Худога соф садоқат уйғотиш учун сифинадилар. Қалбida инсон ҳаётининг асосий мақсади бўлган Худога муҳаббат туйғусини уйғотишига интилмайдиган кишилар Парвардигорга сифинишдан бош тортадилар. Парвардигор билан ўзаро муҳаббатга асосланган муносабатларни инкор этадиган одамлар ўзларини чексиз мусибатларга гирифтор этадилар.

Парвардигор, сувлари тошқин муқаддас Ганга дарёси сингари барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда муомала қиласди. Ганганинг сувлари ҳаммани бирдай поклайди, лекин шунга қарамай унинг соҳилида ҳар хил дараҳтлар ўсади. Гарчи Гарнганинг қирғоғида ўсадиган манго ва нимба дараҳтлари бир хил сувдан ичсалар ҳам, улар бошқа бошқа мева берадилар. Уларнинг биттасининг меваси илохий даражада ширин бўлса, иккинчисининг меваси – жуда аччиқ. Нимба ўзининг аввалги ҳаётида қилган гуноҳ ишлари оқибатида аччиқ мевали дараҳт бўлган бўлса, манго дараҳти ҳам аввалги эзгу фаолияти сабабли ширин мевали дараҳт бўлган. "Бҳагавад Гита"(16.19)да Парвардигор шундай дейди:

"Ҳасадгўй, ёмон ниятли, одамлар ичиди энг пасткашларини Мен моддий олам қаърига ташлайман ва ҳаётнинг турли хил иблисона шаклларида тақрор ва тақрор туғилишга маҳкум этаман". Фаришталар – оламнинг Ямараж ва бошқа хукмдорлари – Парвардигорнинг салтанатидаги тинчлик ва хотиржамликка ҳамиша таҳдид солиб турадиган ана шундай ҳасадгўй шартланган руҳларни назорат қилиб туриш учун керак. Барча фаришталар – Унинг ишончини қозонган содик хизматкорлари бўладилар, шу боис уларни ҳақорат қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

### Текст 39

Фаришталар дедилар: Эй Парвардигор Сенинг нибуфар пойи қадамларинг Сенга ўз ихтиёрини топширган руҳларни моддий тирикчиликнинг барча қийинчиликларидан ҳимоя қиласидиган соябонга ўхшайди. Унинг паноҳидан нажот топган донишмандлар барча моддий мусибатлардан халос бўладилар. Шунинг учун бизлар Сенинг нибуфар қадамларинг пойига сажда қиласиз.

Изоҳ: Жуда кўп донишмандлар ва авлиё зотлар туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чикишга ва барча моддий мусибатлардан биратўла халос бўлишга интиладилар. Аммо улардан фактат Парвардигорнинг нибуфар қадамлари пойидан нажот топганларгина бундай мусибатлардан

осонлик билан халос бўладилар. Илохий фаолиятнинг бошка турлари билан шуғулланиб юрганлар эса, бу дунёда мусибат чекишида давом этаверадилар. Ундей одамларнинг мусибатлардан халос бўлиши жуда мушкул. Уларга ўзлари озодликка чиққандай бўлиб туюлиши мумкин, аммо аслида Парвардигорнинг нибуфар қадамлари пойидан нажот топмай туриб озодликка эришишнинг иложи йўқ. Уларнинг чеккан шунча риёзатларига ва руҳий қасамларига қарамай ана шундай соҳта озодлик уларни моддий тирикчилик уммонига яна гарк бўлишдан ҳимоя килолмайди. Бу – ведавий донишмандлик илмини мукаммал билиб қолмасдан ўтмиш, ҳозир ва келажакни кўра билиш қобилияти ато этилган фаришталарнинг фикри. Фаришталарнинг фикри мутлақо ишонарли, чунки фаришталар оламнинг ҳамма ишини бошқариб турадилар. Парвардигор уларга ана шу ишларни бажаришни ишониб топшириб кўйган, чунки улар Унинг ишончли ва содик хизматкорлари хисобланади.

### Текст 40

Эй Ота, эй Парвардигор, Эй Худо Шахси, тирик мавжудотлар моддий оламда уч турли азобукубатларга маҳкум, шунинг учун улар ҳеч қачон баҳтиёр бўла олмайдилар. Бу дунёда баҳтиёр бўлишга интилишдан ҳафсаласи пир бўлиб, улар Сенинг илмга тўла нибуфар қадамларинг пойидан паноҳ излайдилар, шунинг учун бизлар ҳам уларнинг паноҳига кирамиз.

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилишни диний ақидалар, ё моддий фаолият деб хисобламаслик керак. Бу тирик мавжудотга илохий баҳт келтирадиган ва уч турли: тана ва ақл келтирадиган, бошқа тирик мавжудотлар келтирадиган ҳамда табиий оғатлар келтирадиган мусибатларнинг барчасидан халос этадиган ҳақиқий тўғри йўлдир. Моддий оламдаги шартланган руҳларнинг ҳаммаси - хоҳ одам бўлсин, хоҳ ҳайвон, фаришта ёки күш бўлсин, уч турли – адҳиятмика, адхибхаутика ва адҳидайвика азоблардан изтироб чекишига маҳкум. Уларнинг баҳти – шартланган ҳаётга мансуб бўлган мусибатлардан қутулиш учун оғир кураш олиб боришдан иборат, нажот келтирувчи ягона йўл – Олий Шахс Худонинг нибуфар қадамлари пойидан нажот топиш.

Бунга шундай эътиroz билдиришлари мумкин: ҳақиқий илмга эга бўлган киши моддий мусибатлардан халос бўлишга қодир, албатта, бу инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Лекин, Парвардигорнинг нибуфар қадамлари пойи илохий илмга тўла, унинг паноҳига кирган киши мукаммал илмга эга бўлади. Бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"(1.2.7)да гапирган эдик: "Васудева, Худо Шахсига садоқат билан хизмат қилиб юрган киши илмга муҳтоҷ бўлмайди. Парвардигорнинг Ўзи содигининг қалбидаги ғоғиллик зулматини ёритади. У буни "Бҳагавад Гита"(10.10)да ваъда берган:

“Эмпирик фалсафа инсонни моддий тирикчиликнинг уч турли азобларидан халос этишга қодир эмас. Худога садоқат билан хизмат қилишдан бошқа йўл билан илоҳий илм эгаллашга уриниш – қимматли вақтни бекор кетказишидан бошқа нарса эмас”.

#### Текст 41

Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамларининг ўзи барча муқаддас саждагоҳлар марказидир. Ақли тиник буюк донишмандлар Ведалар қанотида Сенинг нилуфарсимон юзларинг уясиға интиладилар. Уларнинг баъзилари сувлари инсонни барча гуноҳлардан поклайдиган дарёлар ичиди аълоси Ганга паноҳига кириб, Сенинг нилуфар қадамларинг пойига ўзини топшириш учун хар қандай имкониятдан фойдаланадилар.

Изоҳ: Парамахамсалар нилуфар гулларига ин кўядиган шоҳона оқкушларга ўхшайдилар. Парвардигорнинг илоҳий танасининг ҳар хил қисмларини одатда нилуфар гулига ўхшатадилар, чунки нилуфар гули моддий оламда гўзаллик тимсоли ҳисобланади. Оламда Ведалардан ёки "Бҳагавад Гита"дан гўзалроқ нарса йўқ, чунки уларда мужассам бўлган илмни Парвардигорнинг Ўзи берган. Парамахамсалар ведавий донишмандлик илмининг қанотида учиб бориб Парвардигорнинг нилуфарсимон юзларида ин қурадилар ва Унинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топадилар. Парвардигор бутун борлиқнинг бошланғич манбаи, шунинг учун Ведавий донишмандлик илмини эгаллаган чукур тафаккурга эга одамлар, худди уясидан учиб кетиб, факат ўзининг уясида ором ва осойишталика эришиши мумкинлигини билгани сабабли хамиша орқага қайтишга интиладиган қушлар сингари, Парвардигорнинг паноҳига қайтишга интиладилар. Ведалар илмининг мақсади – инсонга Парвардигорни англаб етишга ёрдам беришдан иборат, бу ҳақда Парвардигорнинг Ўзи "Бҳагавад Гита"(15.15)да шундай деган: ведаиш ча сарваир аҳам эва ведйах. Чукур тафаккур соҳиби бўлган кишилар оқкушлар сингари, қандай қилиб бўлса ҳам Парвардигорнинг паноҳига киришга интиладилар, чунки ақлнинг турли фикрлари ичиди адашиб юриш ва турли фалсафий тизимларни самарасиз муҳокама қилиш уларга ҳеч қандай мамнуният келтирмайди.

Барчага меҳрибон Парвардигор шундай қилиб қўйганки, муқаддас Ганга ўзининг сувларини бутун коинот бўйлаб олиб ўтади, ана шу муқаддас дарё сувларига кирган ҳар қандай киши бу дунёда ҳар қадамда қилиб юрган барча гуноҳларидан покланади. Жаҳонда сувларида чўлимган кишининг қалбida Кришна онгини уйғотадиган жуда кўп дарёлар бор, уларнинг ичиди энг асосийси – Ганга. Ҳиндистон заминидан беш муқаддас дарё оқиб ўтади, лекин Гангадан муқаддасроқ дарё йўқ. Ганга ва "Бҳагавад Гита" – одамлар учун илоҳий баҳтнинг асосий

манбаларидир, чукур тафаккурга эга бўлган кишилар ўзининг

уйига, Худонинг даргоҳига қайтиб бориш учун ёрдам сўраб уларга мурожаат қиласидилар. Ҳатто Шрипода Шанкарачарья таъкидлайдики, "Бҳагавад Гита" илмининг бир зарраси ва Ганганинг бир қултум суви инсонни Ямаражнинг жазосидан қутқариб қолишга қодир.

#### Текст 42

Сенинг нилуфар қадамларинг пойи ҳақидаги ҳикояларни ихлос ва садоқат билан тинглайдиган ва ўзининг қалбida уларга муроқаба қиласидиган киши шу заҳотиёқ илмга эга бўлади, барча боғланишлардан халос бўлган шундай инсон хотиржамлик, осойишталика эришади. Шунинг учун биз ҳам Сенинг муқаддас нилуфар қадамларинг пойидан паноҳ излаймиз.

Изоҳ: Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига ихлос ва садоқат билан муроқаба қилиш инсонга шундай мўъжизавий таъсир кўрсатадики, бошқа бирор усул унга ҳатто тенглаша олмайди. Дунёвий одамларнинг ақли шу қадар нотинччи, Мутлақ Ҳақиқат излаш учун уларнинг ўзлари амалда ақлини жиловлаб олишга қодир эмаслар. Лекин, ҳатто дунёвий одамлар ҳам, агар уларда Парвардигорнинг илоҳий номлари, шон-шуҳрати, сифатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашга озгина истак бўлса, улар шундай натижага эришадиларки, уларнинг бу натижалари илм ва боғланмасликка эришишнинг бошқа йўлларидан бораётган кишиларнинг эришган барча ютукларидан устун туради. Ўзининг ҳақиқий "мен" ҳақидаги моддий тасаввурга боғланиб қолган шартланган рух ғофиллик зулматига ботган бўлади. Ўзининг кимлигини билиш уни моддий боғланишлардан озодликка чиқаради. Агар боғланишлардан қутулишга ёрдам бермайдиган илмнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. Моддий лаззатларга боғланишлар ичиди жинсий алоқага боғланиш энг кучли бўлади. Токи инсонда ана шу боғланиш сакланиб колар экан, уни илмга эга киши деб ҳисоблаш мумкин эмас. Илмга эга бўлган киши албатта моддий боғланишлардан озод бўлиши керак. Ўзликни англаш йўли шундай. Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойида Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзликни англашнинг мана шу энг муҳим жиҳати – илмга эга бўлиш ва боғланишлардан халос бўлишга тез эришади. Бу борада мана шу шеърда келтириган дхира ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Дхира деб ҳатто ташвишлар манбаининг ёнида туриб ҳам хотиржамлигини йўқотмайдиган кишини айтадилар. Шри Ямуначарья шундай дейди: Парвардигор Шри Кришнага садоқат билан хизмат қилиш қалбимни бутунлай эгаллаб олгандан бери жинсий алоқа ҳақидаги ўйлар хаёлимга ҳам кириб чиқмайди. Мабодо шундай фикр тўсатдан хаёлимга келиб қолса, у менда жирканишдан бошқа нарса ўйғотмайди".

Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига муроқаба килишнинг осон усули билан шугалланиб содик хизматкор тез вақт ичидаги дхиранинг улуғвор фазилатларига эга бўлади. Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ҳақиқий руҳий устоздан фотиха олиши ва унинг кўрсатмаларига риоя қилиб, Парвардигор ҳақидаги ҳикояларни тинглаши лозим. Шогирд руҳий устозини ҳамиша унинг Парвардигор ҳақидаги ҳикояларини тинглаш билан қабул қиласди. Бунда шогирднинг ўзи мукаммал илмга ва боғланишлардан халос бўлишга олиб борадиган йўлдан қанчалик юксалганини аниқ ҳис қиласди. Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху Парвардигорнинг асл содик хизматкорининг гапларини тинглашни қаттиқ тавсия қилиб кетган; бу йўлдан бориб инсон ҳайратланарли натижаларга эришадики, бу ютуқлар олдида бошқа барча йўлларнинг берадиган ваъдалари кўримсиз бўлиб қолади.

#### Текст 43

Эй Парвардигор, Сен бу дунёда моддий коинотни яратиш, унинг мавжудлигини таъминлаш ва яксон қилиш учун намоён бўласан, шунинг учун бизларнинг ҳаммамиз Сенинг содикларингга хотира ва жасорат ато этадиган нилуфар пойи қадамларинг паноҳига кирамиз.

Изоҳ: Моддий коинотни Олий Шахс Худонинг уч экспансияси: Брахма, Вишну ва Махешвара(маъбуд Шива) яратади, мавжудлигини таъминлаб турари ва яксон қиласди. Улар сезгилар орқали қабул қилинадиган оламни намоён этадиган моддий табиатнинг уч гунасини бошқарадилар. Вишну эзгулик гунасини бошқаради, Брахма – эҳтирос гунасини, Махешвара эса – ғафлат гунасини бошқаради. Гуналарнинг ҳар хил таъсирлари остида ҳар хил содиклар юзага келади. Эзгулик гунаси таъсири остида юрган кишилар Парвардигор Вишнуга сифинадилар; эҳтирос гунаси таъсири остида юрган кишилар маъбуд Брахмага сифинадилар; ғафлат гунасининг таъсири остида юрганлар эса, маъбуд Шиванинг содик хизматкорлари бўладилар. Бу уч Илоҳ ҳам Парвардигор Шри Кришнанинг намоён килган қиёфалари ҳисобланади, чунки У – Олий Шахс Худо, бу ерда фаришталар Парвардигорнинг экспансияларининг эмас, балки Унинг Ўзининг нилуфар қадамлари пойи ҳақида гапирияптилар. Лекин, фаришталарнинг ўzlари бевосита сифинадиган Зот – Парвардигорнинг моддий оламда намоён бўлган экспансияси Вишну ҳисобланади. Муқаддас китоблардан биз биламизки, оламни бошқариш ишларида бирор муаммо пайдо бўлса, фаришталар ўzlарин нинг муаммоларини айтиш учун сут уммонида ётган Парвардигор Вишнунинг олдига келадилар. Маъбуд Брахма ва маъбуд Шива ўzlари Парвардигорнинг экспансиялари бўлишига қарамай, улар ҳам Парвардигор Вишнуга

сифинадилар, шунинг учун уларни фаришталар қаторига қўшиб қўядилар ва Олий Шахс Худо деб ҳисобламайдилар. Парвардигор Вишнуга сифинадиган зотларни фаришталар деб атайдилар, Унга сифинишдан бош тортадиган зотларни эса – асур, ёки ибислар деб атайдилар. Вишну ҳамиша фаришталар тарафини олади, Брахма билан Шива эса, баъзан иблисларни кўллаб қувватлайдилар, лекин улар ўzlари ҳам иблисларнинг манфаатини кўзлагани учун бундай қиласди деб ўйламаслик керак. Брахма ва Шива иблисларни ўз ҳукмига бўйсундириш учун шундай қиласди.

#### Текст 44

Эй Парвардигор, ўзининг ўткинчи тансига ва қариндошларига бўлган боғланишлар тўрига ўралашиб қолган, “мен” ва “меники” деган тушунчалар асосида фикрлайдиган кишилар гарчи Сенинг нилуфар қадамларинг пойи уларнинг танасида бўлса ҳам уларни кўриш имкониятидан маҳрумдирлар. Бизлар Сендан Ўзингнинг нилуфар қадамларинг пойидан бизларга нажот беришингни илтижо қиласмиз.

Изоҳ: Ведаларда нозил қилинган ҳаёт фалсафасининг мазмуни шундан иборатки, инсон уни моддий оламда ачинарли, изтиробларга тўла мавжудликка мубтало қиласидиган қўпол ва нафис тана чангалидан озодликка чиқиши лозим. То биз моддий табиат устидан ҳукмронлик қилишга бўлган соҳта интилишдан халос бўлмагунча моддий танадан кутула олмаймиз. Моддий табиат устидан ҳукмронлик қилиш истаги “мен ва “меники” тушунчалари кўринишида намоён бўлади. Мен атрофимда кўриниб турган нарсаларнинг ҳаммасини хўжайниман. Менинг шунча бойлигим бор, бойлигим яна кўпаяди. Илм ва бойлиқда ким мен билан беллаша олади? Мен – ҳукморман. Мен – Худоман. Умуман, мендан бошқа бирор зот борми ўзи? Ана шундай дунёқарашлар ҳаёт ҳақидаги “факат мен ўзим” деган тасаввурга асосланган ахам мама фалсафасининг мазмунини ташкил этади. Ана шундай фалсафага амал қилиб яшайдиган одамлар моддий олам тутқунлигидан ҳеч қачон озодликка чиқа олмайдилар. Лекин, ҳатто моддий оламнинг мусибатли тутқунлигига мангу маҳкум этилган киши ҳам агар кришна-катха тингласа ва бошқа нарсаларни тинглашдан юз ўгиришга рози бўлса, моддий олам чангалидан озодликка чиқа олади. Кали даврида инсонни тубанликка маҳкум этадиган оиласиий боғланишдан халос бўлиш ва мангу озодликка эришиш имконини берадиган энг самарали усул кришна-катха ҳисобланади. Кали-юга даври гуноҳларга тўла, бу даврга хос бўлган сифатлар одамлар орасида тобора кенгрок тарқалиб боряпти, лекин, шунга қарамай, кришна-катха тинглаб,

уни бошқаларга такрорлаб юрган кишилар Худонинг даргоҳига қайтиб бориш имконига эга бўладилар. Шу боис қандай қилиб бўлса ҳам

одамларни факат кришна-катха тинглашга ўргатиш лозим, бу уларни барча мусибатлардан халос этади.

#### Текст 45

Эй буюк Парвардигор, ташки, моддий фаолиятга ҳарқ бўлган, Сени ҳақорат қиладиган одамлар қалб назаридан маҳрум бўлган одамлардир, шу боис улар Сенинг нилуфар қадамларинг пойини кўришга қодир эмаслар, аммо ягона мақсади – Сенинг кароматларинг ҳакидаги ҳикояларни тинглашдан илохий лаззат олиш бўлган асл содикларинг ҳамиша уларни кўриб юрадилар.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"(18.61)да айтилганидек, Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Шунинг учун ҳар бир инсон Парвардигорни ҳеч бўлмаса ўзининг қалбида кўриши мумкин. Лекин, ички назарини ташки фаолият қобиғи қоплаб олган одамлар Уни кўриш имкониятидан маҳрум. Тана ичида соф руҳнинг мавжудлигининг белгиси онгнинг мавжудлигидир, шундай экан ҳар қандай одам унинг мавжудлигини хис қилиши мумкин, чунки онг унинг бутун танасига сингиб кетган. "Бҳагавад Гита"да таърифланган йога усули ақлнинг фаолиятини бир жойга жамлаш ва ички назар, қалб назари билан ўзининг қалбида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини кўриш учун мўлжалланган. Лекин, кўпчилик "йог"лар Парвардигор билан ҳеч қандай алоқа қилишни истамайдилар. Уларни факат онг қизиктиради, ва онгнинг табиатини англашни улар ўзликни англаш жараёнининг олий мақсади деб биладилар. "Бҳагавад Гита"да онгнинг табиатини таърифлаш учун Кришнага бир неча дақиқа вақт кифоя бўлди, аммо, ўзини йог деб юрган одамлар уни англаб этиш учун кўп йиллаб вақтини сарфлайдилар, чунки улар Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини ҳақорат қиладилар. Барча ҳақоратлар ичида энг ёмони Парвардигорнинг Ўзи бошқа алоҳида руҳлардан мустақил ҳолда алоҳида мавжуд эканини инкор этиш, бошқача қилиб айтганда алоҳида руҳ билан Парвардигорни бир деб хисоблаш ҳисобланади. Акс этиш таълимотини нотўғри талқин қилиб, имперсоналистлар алоҳида онгни Олий Онг деб қабул қиласидилар.

Акс этиш таълимотини ҳар бир самимий инсон тушуна олади. осмон сувда акс этганида сувнинг юзида осмон, юлдузлар кўриниб туради, лекин бу билан юлдузлар билан осмонни бир бирига тенглаштириб бўлмайди-ку. Юлдузлар осмоннинг бир бўлаги, шу боис улар ҳеч қачон унга тенглаша олмайдилар. Осмон – тўла бутун, юлдузлар – унинг зарралари. Улар ҳеч қачон бир бирига тенг бўла олмайдилар. Олий онгнинг алоҳида онглардан мустақил ҳолда мавжудлигини инкор этадиган илоҳиётчиларнинг нуқтаи-назари ҳам Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этадиган атеистларнинг нуқтаи-назаридан қолишмайдиган ҳақорат ҳисобланади.

Парвардигорни ана шундай ҳақорат қилишга журъат қиладиган кишилар ўзининг қалбида Парвардигорни, ҳатто Унинг содик хизматкорларини кўришга қодир бўлолмайдилар. Худонинг содиклари шунчалик марҳаматлиларки, одамларга Худони англаш илмини етказиши ниятида жаҳон кезиб юрадилар. Аммо, Парвардигорга шак келтирадиган кишилар ўзларининг Худонинг содиклари билан ҳамсуҳбат бўлишдан келадиган баҳтга эришиш имкониятидан маҳрум қиласидилар, бундай ҳақорат қилмайдиган оддий инсонлар эса, Худонинг содиклари билан ҳамсуҳбат бўлишнинг ижобий таъсирини ўзида дарров ҳис қиласидилар. Бунга овчи билан Деварши Нараданинг учрашуви тарихи яққол мисол бўлиши мумкин. Гарчи Деварши Нарада ўрмонда учратган овчи буюк гуноҳкор бўлса ҳам, у ҳеч қачон Парвардигорни ва Унинг содикларини онгли равишда ҳақорат қилмаган эди. Нарада Муни билан учрашиш унга шу қадар кучли таъсир қиласиди, у шу заҳотиёқ уйини тарқ этиб, қолган умрини Худога садоқат билан хизмат қилишга багишлишга қарор қиласиди. Налакувара ва Манигрива эса, гарчи фаришталар орасида яшаётган бўлсалар ҳам, ўзлар қилган ҳақорат учун жазо олиб, кейинги ҳаётида дараҳт бўлиб туғилдилар, лекин содик хизматкорининг марҳамати билан Парвардигор кейинчалик уларни озодликка чикарди. Парвардигорни ҳақорат қилган киши Худонинг содикларининг марҳаматига эришиши лозим, факат шундагина улар ўзларининг қалбида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойини кўра олиш хуқуқига эга бўладилар. Лекин энг ачинарлиси шундаки, уларнинг қилган ҳақоратлари ва моддий дунёкарашлари уларни ҳатто Худонинг содикларини кўра билашдан ҳам маҳрум қилиб қўяди. Ташки фаолиятга фарқ бўлиб улар ўзларининг ички назарини, қалб назарини кўр қиласидилар. Лекин Худонинг содиклари шундай нодонларнинг кўпол ва нафис моддий фаолияти билан қиласидиган ҳақоратларига эътибор бермайдилар. Ҳеч иккапланмасдан улар ҳатто ўзларини ҳақорат қилган одамларга ҳам Худога садоқат билан хизмат қилиш нэъматини тарқатишида давом этаверадилар. Худонинг содикларининг табиати шундай.

#### Текст 46

Эй Парвардигор, Сенга хизмат қилишга жиддий эътибор берадиган киши Сенинг кароматларинг ҳақидаги ҳикоялар шарбатидан тотиб онгли равишда Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилади, илмнинг ва таркидунёликнинг чуқур маъносини англаб етади ва руҳий оламга, Вайкунтхалокага эришади.

Изоҳ: Имперсоналист-файласуфлар билан Худонинг соф содиклари орасидаги фарқ шундан иборатки, биринчилар учун Мутлақ Ҳақиқатни англаб этиш ҳар қадамда жуда оғир кечади, Худонинг содиклари учун эса, йўлнинг бошидаёқ

барча лаззатлар салтанати эшиклари очилади. Содик хизматкор шунчаки Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳақида тингласа бас, бу иш одамларнинг хар куни қилиб юрган бошқа ишлари сингари осон, файласуф эса, бир биридан қийин, бирлари ҳақиқат, бирлари эса, шунчаки имперсоналистларнинг сохта таълимотининг мавжудлигини таъминлаб туриш учун зарур бўлган мужмал сўзларни тушунишга уриниб қийналиши лозим. Муқаммал илм эгаллашга интилиб қилган шунча машаққатли ҳаракатларига қарамай, имперсоналистлар оқибат натижада Парвардигорнинг душманлари ҳам шунчаки Унинг кўлида ҳалок бўлгани учун эришадиган шахсиятсиз брахмажйотисига эришадилар. Аммо, илм ва таркидунёликнинг чуқур маъноси очиладиган Худонинг содиклари Вайкунтхага, руҳий оламдаги сайёralарга эришади. Имперсоналист ҳақиқий лаззатга эга бўлмасдан факат осмонга эришади, Худонинг содиклари эса, ҳақиқий руҳий ҳаёт қайнаб турган сайёralарга эришади. Жиддий содик бошқа ҳамма бойликларни ахлат сингари ташлаб юбориб, факат руҳий фаолиятнинг энг юксак чўқиси бўлган садоқат билан хизмат қилишни олади.

#### Текст 47

Илоҳий ўзликни англаш жараёнида хотиржамлика эришган, ҳамда ўзларининг илм ва кучига таянган ҳолда моддий табиат гуналари таъсирини енгигб ўтган бошқалар ҳам Сенинг даргоҳингга кирадилар, лекин улар бунга шунчаки Сенга хизмат қилиб юрган содик хизматкорнинг ҳатто ҳаёлига ҳам келмайдиган катта қийинчиликлар эвазига эришадилар.

Изоҳ: Беминнат ҳолис хизмат ва унинг мевалари ҳақида гапирап эканмиз, шуни таъкидлаш лозимки, бҳактилар, яъни Худонинг содиклари ҳамиша гйани(имперсоналист)лар ва йог(сехргарлар)лар билан ҳамсуҳбат бўлишга боғланиб қолган одамларга қараганда анча юқори турадилар. Бу ерда апаре, яъни “бошқалар” ибораси муҳим аҳамиятга эга. Бошқалар дегани – ягона мақсади шахсиятсиз брахмажйотининг борлиғига қўшилиб кетиш бўлган гйанилар ва йоглар. Худонинг содикларининг мақсадига қараганда уларнинг мақсади жуда арзимас ҳисобланади, лекин шунга қарамай, шу мақсадга эришиш учун улар бҳактиларга қараганда анча кўп машаққат чекишлири лозим бўлади. Бунга эътиroz билдириб айтишлари мумкин - Худога садоқат билан хизмат қилиш ҳам осон иш бўлмаган меҳнат-ку! Лекин, Худога садоқат билан хизмат қилишдаги меҳнат содикнинг ундан оладиган, ҳамиша тобора қучайиб борадиган илоҳий лаззати билан қопланиб кетади. Худонинг содиклари қўл қовуштирумасдан Парвардигорга хизмат қилган пайтларида хизмат қилишдан маҳрум бўлган пайтига қараганда анча кўп лаззат оладилар. Эркак билан аёл бирга бўлганида улар кўпроқ ишлашларига ва бир-бирига ғамхўрлик қилишига

тўғри келади, аммо улар ажралиб кетсалар, ўзларининг бирга фаолият қўрсатишга бўлган талаби қониқмагани туфайли ўзларини анча ёмон ҳис қиласидилар.

Имперсоналистлар интилиб юрган бирлашиш ҳамда Худонинг содиклари интилиб юрган бирлашиш – бутунлай бошқа-бошқа мақсадлардир. Имперсоналистлар ўзларини алоҳида шахс сифатида яксон қилишга ва саюджъя-муқтига, яъни ягона бутун ичида йўқолиб кетишга интиладилар. Худонинг содиклари эса, алоҳида Олий Зот – Парвардигор билан ўзаро муносабатларда туйғулар алмашиш учун ўзларининг алоҳида шахс холатини сақлаб қоладилар. Ана шундай туйғу алмашишлар Вайкунтха сайёralарида рўй беради, шу тариқа Худонинг содиклари хеч қандай ортиқча куч сарғламасдан имперсоналистлар интилиб юрган озодликка эришадилар. Ўзининг алоҳида шахслигини сақлаб юрган содикларга илоҳий лаззатга тўла Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида муктининг ўзи келади. Аввалги шеърда айтилганидек, Худонинг содиклари Вайкунтхага, яъни акунта-дхишнъяга – “осойишталик ҳукм суроётган олам”га эришадилар. Имперсоналистлар ҳам, Худонинг содиклари ҳам бир мақсадга эришадилар деб ҳисоблаш катта хато бўлади. Уларнинг эришадиган натижалари ҳам худди содикнинг оладиган илоҳий лаззати чин-матрадан, имперсоналистнинг эланиб қолган руҳий туйғуларидан фарқ қилиши сингари бир биридан бутунлай фарқ қиласи.

#### Текст 48

Шунинг учун, эй Башлангич Шахс, бизлар Сеники ва факат Ўзингникимиз. Бизлар ҳаммамиз – Сен яратган зотлармиз, аммо бизлар барчамиз моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида туғилганимиз сабабли бизларнинг ҳаракатларимиз бир бирига мос келмаяпти. Шу боис бизлар олам яратилгандан кейин кучларимизни бирлаштириб уларни Сенга илоҳий лаззат келтириш йўлида ишлата олмадик.

Изоҳ: Моддий коинот Парвардигорнинг ташки кувватининг таъсири остида ҳаракат қиласиди. Ҳар хил тирик мавжудотлар ҳам ўзида уларнинг таъсирини ҳис қиласидилар, шу боис Парвардигорни мамнун қилиш учун биргаликда ҳаракат қила олмайдилар. Тирик мавжудотларнинг ҳаракатларидаги ана шу келишмовчилик моддий оламда ҳамоҳангликнинг йўқлигининг асосий сабаби ҳисобланади. Шунинг учун бу дунёда инсон қила олиши мумкин бўлган энг яхши иш – ҳамиша Худо учун ҳаракат қилишдан иборат. Факат шундагина оламда ҳамма кутиб юрган ҳамжиҳатлик юзага келади.

#### Текст 49

Эй туғилмаган Зот, бизлар ва оламда яшаетган бошқа тирик мавжудотлар беташвиш яшшимиз ҳамда ҳам Сен учун, ҳам ўзларимиз учун зарур

бўлган нарсаларни қийналмай олишимиз учун бизларга ўзимиздаги буғдор ва бошқа маҳсулотларни Сенга қандай таклиф этишини ўргат.

Изоҳ: Фақат инсон танасидаги ҳаёт шаклидагина ривожланган онг ўзини намоён эта бошлайди. Коинотнинг юқори сайёralарида яшайдиган фаришталарда у яна ҳам кучлироқ намоён бўлади. Ер сайёраси коинотнинг деярли ўртасида жойлашган, инсон эволюцион ривожланиш погонасида фаришталар билан иблислар орасини эгаллаган. Ердан юқорида жойлашган сайёralар тизимида фаришталар деб аталадиган юқори ривожланган мавжудотлар яшайди. Улар одамларга караганда анча юқори маданиятга, фаровонликка,

гўзаллик ва илмга, узоқ умрга ва лаззатланиш учун кўпроқ имкониятларга эга бўлишига қарамай, улар ҳамиша Худонинг онги билан яшаганлари учун уларни фаришталар деб атайдилар. Фаришталар ҳамиша Парвардигорга хизмат қилишга тайёр, чунки улар ҳар бир тирик мавжудот ўзининг табиатига кўра Парвардигорнинг мангу хизматкори ва ҳамиша Унинг ҳукми остида эканини яхши биладилар. Улар яна шуни яхши биладиларки, тирик мавжудотларни ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан фақат Парвардигорнинг Ўзи таъминлашга қодир. Ана шу ҳақиқатни ведавий мадҳиялар ҳам тасдиқлайди: эко баҳунам йо видадхати каман та энам абруванн айатанам нах праджанихи ясмин пратиштита аннам адаме... "Бҳагавад Гита"да ҳам Парвардигорни бухутабхрит, яъни "Барча тирик мавжудотларни таъминлаб турадиган Зот", - дейилган.

Фаришталар ва Худонинг содиклари ҳозирги даврда одамлар орасида кент тарқалган, жаҳонда озиқ-овқат танқислигининг сабаби аҳоли сонининг ошиб кетиши деган гояни бутунлай инкор этадилар. Улар яхши биладиларки, агар тўғри овқатлансалар Парвардигор ҳар қанча одамларни озиқ-овқат билан таъминлашга қодир. Агар одамлар Худони танишдан маҳрум бўлган ҳайвонлар сингари дуч келган нарса билан овқатланишини истасалар, улар қалин ўрмонлардаги ҳайвонлардан фарқ қилмай очарчилик, қашшоқлик ва муҳтоҷликда яшашга мажбур бўладилар. Парвардигор қалин ўрмондаги ҳайвонларни ҳам барча зарур нарсалар билан таъминлаб кўйган, лекин улар ривожланган Худонинг онгига эга эмаслар. Ҳаммага меҳрибон Парвардигор одамларга ғалла, сабзавотлар, мевалар ва сут маҳсулотлари беради, лекин улар бу кўрсатган марҳамати учун Парвардигорга миннатдорчилик билдиришлари лозим. Улар ўзларининг ҳамма эҳтиёжини қондириб кўйган Парвардигордан ўзини қарздор хис қилиб, миннатдорчилик юзасидан тайёрлаган овқатини аввало Худога таклиф қилишлари, фақат шундан

кеин Унинг қолдирган овқатини ейишлари лозим.

"Бҳагавад Гита"(3.13)да курбонлик маросимида Парвардигорга эҳсон қилинган таом қолдикларини ейдиган киши ўзининг танасини ва жонини қувватлантирадиган таом ейди, аммо фақат ўзи учун овқат тайёрладиган ва ҳеч қандай қурбонлик маросими ўтказмайдиган киши таом сифатида фақат гуноҳ истеъмол қиласи, дейилган. Ана шундай гуноҳли таом ҳеч кимга баҳт келтирмайди ва инсонни муҳтоҷликка маҳкум этади. Калтафаҳм иқтисодчи олимларнинг фикрларига карши ўлароқ, очарчиликнинг сабаби аҳоли сонининг ўсиб кетганлигига эмас. Агар одамлар ўзлари тирикчилик қила олиши учун уларга бериб турган неъматлари учун Парвардигорга миннатдорчилик изҳор этсалар, ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмайдилар ва очарчилик нималигини билмайдилар. Аммо, Парвардигорнинг неъматларининг ҳақиқий қадрини англаб етмайдиган киши ўзини очлик ва муҳтоҷликка маҳкум этади. Худонинг онги билан яшамайдиган кишилар ўзларининг аввалги қилган савоб ишлари эвазига бироз вақт фаровонликда яшашлари мумкин, лекин агар улар ўзларининг Парвардигор билан бўлган ўзаро муносабатларини унутган бўлсалар, моддий табиатнинг бешафқат қонунлари билан улар албатта очликка маҳкум бўладилар. Фақат Худонинг онги билан яшайдиган ва ўзини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган кишиларгина моддий табиатнинг муқаррар жазосидан қутилиб қолиши мумкин.

## Текст 50

Сен – барча фаришталарнинг ва турли ҳаёт шаклидаги хилма-хил тирик мавжудотларнинг бобокалони бўлган азалий Шахссан, Сен – энг қадимий ва ўзгармассан. Эй Парвардигор, Сенинг манбаини ҳам, Сендан устун зот ҳам мавжуд эмас. Ўзида барча тирик мавжудотларни мужассам қилган уруғлик билан ташки қувватни Сен уруғлантирдинг, лекин Сенинг Ўзинг туғилмаган Зотсан.

Изоҳ: Азалий Шахс, Парвардигор Браҳма – ҳар хил ҳаёт шаклига мансуб турли-туман тирик мавжудотларни яратган фариштадан бошлаб барча тирик мавжудотларнинг отаси хисобланади. Ҳар хил турга мансуб бўлган турли ҳаёт шаклидаги барча тирик мавжудотларнинг, бу коинотда биринчи бўлиб дунёга келган маъбуд Браҳманинг ҳам отаси бор, лекин Парвардигорнинг отаси йўқ. Моддий оламга келар экан, бу дунёдаги қонунларга риоя қилиш учун У Ўзининг бесабаб марҳамати билан Ўзининг буюк содикларидан бирига Ўзининг отаси бўлиш имкониятини беради, У Ўзига кимни ота қилиб танлашда мутлако мустакил қарор қабул қиласи. Масалан, Нарасимхадева қиёфасида пайдо бўлганида У устундан дунёга келди, Ахалья эса, Худонинг марҳамати билан Парвардигорнинг экспансияси

Шри Раманинг оёғи тегиши билан тошдан дунёга келди. Бунинг устига Олий Рух сифатида Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот билан бирга юради, лекин Унинг йўзи ҳамиша ўзгармай қолаверади. Моддий оламда яшар экан тирик мавжудот тана алмаштиришга мажбур, лекин Парвардигор ҳатто моддий оламга тушганда ҳам ҳамиша ўзгармай қолаверади. Мана шу – Парвардигорнинг алоҳида йўзига хос хусусиятидир.

"Бҳагавад Гита"(14.3)да айтилганки, Парвардигор ташки, моддий қувватни уруғлантиради, натижада биринчи фаришта – Брахмадан тортиб то арзимас чумолигача бўлган хилма-хил тирик мавжудотлар дунёга келади. Тирик мавжудотларнинг ҳамма турини ташки қувват билан бирга мъобуд Браҳма яратади, аммо коинотнинг бутун аҳолисининг бошланғич отаси Парвардигор ҳисобланади. Парвардигор билан тирик мавжудотнинг ўзаро муносабати – ҳамиша ота билан фарзанднинг муносабатидир, улар орасида ҳеч қачон тенглик бўлиши мумкин эмас. Баъзан ўғлига бўлган муҳаббати юзасидан отаси унинг ўзига хўжайнлик қилишга, хизмат буюришга йўл қўйиши мумкин, лекин аслида ўғил ҳамиша отасининг ҳукми остида бўлади. Қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар бир тирик мавжудот, ҳатто Браҳма ва Индра сингари фаришталар ҳам – Олий отанинг мангу хизматкорлари бўлиб ҳамиша Унинг ҳукми остидалар. Махат-таттва – барча моддий табиат гуналарининг манбаидир, моддий оламда туғилар экан тирик мавжудотлар ўзларининг аввалги фаолиятига мос равишда онаси – моддий табиатдан тана оладилар. Тана – моддий табиатнинг инъоми, аммо рух азалдан Парвардигорнинг ажралмас зарраси ҳисобланади.

### Текст 51

Эй Олий Рух, яратилган мавжудотлардан биринчиси бўлиб, космик қувват биримаси Махат-таттвадан чиқкан бизларга қандай ҳаракат қилишимиз лозимлигини кўрсатиб бер. Бизлар мавжуд бўладиган оламнинг турли соҳаларида Сенга хизмат қила олишимиз учун йўз марҳаматингни дариг тутмай, бизга мукаммал илм ва қудрат ато эт.

Изоҳ: Парвардигор моддий оламни яратади ва моддий қувватни уруғлантириб, унга моддий оламда ҳаракат қилиши лозим бўлган тирик мавжудотларни жойлади. Буларнинг ҳаммаси Унинг режаси асосида амалга ошади. Бу режа шартланган руҳларга улар интилиб юрган ҳиссий лаззатлардан татиб кўриш имкониятини беришдан иборат. Лекин оламни яратишдан яна бир мақсад кўзланади: тирик мавжудотларга улар факат ўзларининг ҳиссиётини лаззатлантириш учун эмас, балки Парвардигорнинг илоҳий ҳиссиётини лаззатлантириш учун яратилган эканини англаш этишида ёрдам бериш. Тирик мавжудотларнинг табиати шундай. Парвардигор ягона, бутун борликда Ундан бошқа ҳеч ким йўқ; У йўзи илоҳий

лаззатланиш мақсадида йўзини сон-саноқсиз киёфаларда намоён этади. Парвардигорнинг барча экспансиялари – вишну-таттвалар, жива-таттвалар ва шакти-таттвалар(шахсий экспансиялари, тирик мавжудотлар ва ҳар хил қувватлар) – ягона Парвардигорнинг ҳар хил эманациялари ва намоён бўлган кўринишлариdir. Жива-таттвалар вишну-таттванинг ажралган экспансиялариdir, лекин имкониятлари ҳар хил бўлишига қарамай, улар ҳам, булар ҳам Парвардигорга илоҳий лаззат бериш учун яратилган. Лекин баъзи живалар Худо Шахсига тақлид килиб моддий табиатга ҳукмронлик қилишни истадилар. Ана шундай истак қачон ва нимага тирик мавжудотда пайдо бўлгани ҳакида шуни айтиш мумкинки, живататтва чекланган миқдорда мустақилликка эга, ана шу мустақиллигидан нотўғри фойдаланиб, баъзи бир тирик мавжудотлар моддий олам чангалига тушиб қолганлар, шундан бери уларни нитъябаддха – мангу шартланган руҳлар деб атайдилар.

Ведавий муқаддас китоблар нитъябаддхаларга, шартланган тирик мавжудотларга ўзларининг хатосини тўғрилаш имконини беради, ведаларда берилган илоҳий илмдан фойдалана олган зотлар аста-секин ўзларининг Парвардигорнинг мангу хизматкорлари бўлган онгини қайта тиклайдилар ва Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қила бошлайдилар. Фаришталар қалбида Парвардигорга соғ садоқат билан хизмат қилиш онгини ривожлантирган тирик мавжудотлар ҳисобланадилар, лекин улар ҳали моддий табиатга ҳукмронлик қилишга интилиш туйғусидан тўла покланмаганлар. Шартланган руҳнинг ана шундай зиддиятли онги шунга олиб келадики, Парвардигор уларга оламни бошқаришни буоради. Фаришталар –шартланган руҳларнинг Парвардигорнинг ишончини қозонган ва Унинг ваколатига эга бўлган ҳукмдорларидир. Худди кўп вақтдан бери қамоқда ётган маҳбусларга баъзи ҳолларда қандайдир лавозимни бериб, қамоқхонадаги тартибни саклаб туришни топширгани сингари, Парвардигор йўзининг ишончини қозонган шартланган руҳларга моддий оламда Парвардигорнинг вакиллари бўлиб хизмат қилишни топширади. Фаришталар – Парвардигорнинг моддий оламда яшайдиган содиклари, моддий қувват устидан ҳукмронлик қилиш истагидан биратўла халос бўлганларида улар ҳам Худонинг асл содиклари бўладилар ва уларда Парвардигорга хизмат қилиш истагидан бошқа ҳеч қандай истак қолмайди. Шунинг учун моддий оламда бирор юқори мартабага эришишга интилиб юрган ҳар қандай тирик мавжудот ўзининг шу истагини Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлаб, фаришталар сингари Парвардигордан бунинг учун ўзига илм ва қудрат ато этишини тилаши мумкин. Тирик мавжудот ўзидан ўзи, Парвардигорнинг ёрдамисиз ҳеч нарсага кодир эмас. "Бҳагавад Гита"(15.15)да Парвардигор шундай дейди: маттаҳ смритир джнанам апоханам ча. Хотира, илм ва унтиш ҳар кимнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигордан

чиқади. Етарли тафаккурға эга бўлган киши ёрдам сўраб Парвардигорга илтижо қилади, Парвардигор Ўзига турли йўллар билан хизмат қилиб юрган самимий хизматкорига ёрдам беради.

Парвардигор фаришталарга ҳар хил тирик мавжудотларни яратишни, уларнинг ҳар бирига ўзларининг аввалги фаолиятига мос келадиган тана беришни топширади. Бу шеърда фаришталар Парвардигордан ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларга тафаккур ва қудрат ато этишни тиляяптилар. Худди шундай, шартланган рухларнинг истаган бири тажрибали руҳий устоз раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланиши ва бунинг шарофати билан вакти келиб моддий олам тутқунилигидан озодликка чиқиши мумкин. Руҳий устоз Парвардигорнинг моддий танага эга бўлган вакили ҳисобланади, "Бҳагавад Гита"(2.41)га асосан, руҳий устоз қабул қилган ва унинг кўрсатмалари асосида харакат қилиб юрган ҳар қандай киши буддхи-йога билан шуғулланиб юрган бўлади.

*Бхактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ "Видуранинг Майтрея билан сұхбати" деб аталағидан бешинчи бобига изоҳлари шундай яқунланади.*

## **Олтинчи боб Фазовий қиёфани яратиш**

### **Текст 1**

Майтрея Риши деди: Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг маҳат-таттвани ташкил этган қувватларининг ҳаракатлари бир бирига мос келмагани сабабли оламни яратиш жараёни тўхтаб қолгани ҳақида эшилди.

Изоҳ: Парвардигор яратган оламда бирор камчилик мавжуд эмас; унда ҳамма қувватлар мавжуд. Лекин, токи Парвардигорнинг амри уларни бирлаштирмас экан, бу мавжуд олам ривожланмайди. Ривожланишдан тўхтаб қолган оламнинг фақат Парвардигорнинг Ўзи яна ҳаракатга келтириши мумкин.

### **Текст 2**

Шунда ҳар нарсага қодир Парвардигор Ўзининг ташқи қуввати, оламнинг ҳар хил унсурларини ўзаро бирлаштирадиган фаришта Кали билан бирга бир вактнинг ўзида йигирма уч моддий унсур ичига кирди.

Изоҳ: Яралган оламда йигирма уч моддий унсур мавжуд: моддий қувват биримаси, сохта ўзлик, товуш, сезилиш, шакл, таъм, ҳид, ер, сув, олов, ҳаво, осмон, кўзлар, кулоқлар, бурун, тил, тери, кўллар, оёқлар, анус, жинсий аъзолар, нутқ ва ақл.

Вақт уларни бирлаштиради ва белгиланган вақтда яна ажратади. Шундай қилиб, вақт Парвардигорнинг қуввати ҳисобланади, ана шу қувват Парвардигорнинг хукмига бўйсуниб маълум тартибда ҳаракат қилади. Ана шу қувват Кали деб аталади, қора танли оламни яксон қиладиган фаришта ана шу қувват тимсоли ҳисобланади ва унга асосан моддий оламда фафлат гунаси таъсири остида юрган одамлар сифинадилар. Ведавий мадхияларнинг бирида мазкур шеърда айтилган жараён шундай таърифланган: мула-практир авикртири махададийах практри-викртаях сапта шодашакас ту викаро на практир на викртих пурушах. Моддий табиат сифатида ҳаракат қиладиган ва йигирма уч унсурдан иборат бўлган қувват олам яралишининг бошлангич сабабчиси эмас. Парвардигор ана шу унсурлар ичига киради ва уларга Ўзининг Кали деган қуввати билан таъсир қилади. Ана шу қоидани барча ведавий муқаддас китоблар тасдиқлайди. "Брахма-самхита"(5.35)да шундай дейилган:

"Мен азалий Худо Шахси, Парвардигор Говиндага сажда қиласман. Ўзининг бир қисми, тўла экспансияси(Маха-Вишну) қиёфасида У моддий табиат ичига киради, кейин (Гарбходакашайи Вишну қиёфасида) – ҳар бир моддий коинотга, кейин – (Кширодакашайи Вишну қиёфасида) ҳар бир унсур ичига, шу жумладан унсурнинг ҳар бир атоми ичига киради. Парвардигорнинг оламдаги бундай қиёфаларининг сон-саноғи йўқ; Улар ҳар бир коинотда ва ҳар бир атом ичидан мавжуд".

Бу "Бҳагавад Гита"(10.42)да ҳам тасдиқланади.

"Эй Аржун, сен Менинг сон-саноқсиз қувватларим ва уларнинг фаолиятининг намоён бўлган сон-саноқсиз кўринишлари ҳақида билишингнинг ҳожати йўқ. мен Ўзимнинг тўла экспансиям бўлган бир қисмим(Параматма, Олий Рух) қиёфасида моддий оламга кираман ва барча коинотларга, улар таркиб топган унсурлар ичига кираман. Олам шу тарзда яратилади".

Моддий табиатнинг ғаройиб кўринишлари ортида Парвардигор Шри Кришна туради, шу боис Парвардигор бутун борлиқнинг биринчи сабабчиси ёки барча сабабларнинг олий сабабчиси ҳисобланади.

### **Текст 3**

Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг қуввати воситасида моддий унсурлар ичига кирганида барча тирик мавжудотлар тирилдилар ва худди уйкудан уйғонган киши дарров ишлай бошлагани сингари, турли фаолиятларга киришиб кетдилар.

Изоҳ: Олам яксон бўлганида барча алоҳида рухлар онгиз мавҳум ҳолатга ўтадилар ва моддий қувват билан бирга Парвардигорнинг ичига кирдилар. Ана шундай тирик мавжудотлар мангу шартланган рухлар тоифасига киради, лекин ҳар гал моддий олам яратилганида уларга озодликка чиқиши ва озод рух бўлиш имкони берилади. Шартланган рухларнинг ҳаммаси Ведаларнинг

денишмандлигидан фойдаланиб ўзларининг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари, рухий озодликка чиқарадиган йўл ҳамда моддий олам тутқулигидан халос бўлиш натижасида ўзи эришадиган баҳт ҳақида билиб олиши мумкин. Ведаларни маълум тартибда ўрганган киши ўзининг бу дунёда қандай ҳолатда эканини англаб етиб, Парвардигорга илоҳий хизмат қила бошлайди ва вақти келиб рухий оламга эришади. Моддий оламда шартланган рухлар ўзларининг аввалги ҳаётларидан бери амалга ошмай қолган истакларини амалга оширишга уриниб ҳар хил фаолият турлари билан шуғулланадилар. Навбатдаги танаси ўлиши билан алоҳида рух унтиш уммонига гарқ бўлади, аммо меҳрибон Парвардигор гувоҳ сифатида ҳар кимнинг қалбida мавжуд бўлиб, уни уйқудан уйғотади ва ўзининг рўёбга чиқмаган орзуларини эслатади, кейинги ҳаётида тирик мавжудот ана шу истакларини амалга ошириш учун интила бошлайди. Тирик мавжудотни бошқариб турган ана шу кўринмас кучни одамлар тақдир деб атайдилар, чуқур фикрлай оладиган киши яхши биладики, айнан амалга ошмаган истаклари уни моддий табиатнинг уч гунаси чангалида ушлаб туради.

Баъзи бир қалтафаҳм файласуфлар, олам қисман ёки тўла яксон бўлганда тирик мавжудот тушадиган онгсиз уйқу ҳолатини унинг ҳаётининг охирги поғонаси деб ҳисоблайдилар. Навбадаги тана ўлгандан кейин тирик мавжудотлар онгсиз ҳолатга ўтадилар, бу ҳолат атиги бир неча ой давом этади, моддий олам тўла яксон бўлганида эса у кўп миллион йиллар давомида онгсиз мавхум ҳолатда ётади. Аммо Парвардигор яна моддий оламни яратганида У тирик мавжудотни яна фаолият кўрсатишга уйғотади. Тирик мавжудот мангу, шунинг учун у фаол ҳаракат қиласидан онгли ҳолати унинг табиий ҳолатидир. Онгли ҳолатида у фаолиятдан тўхтаб турла олмайди, шунинг учун ўзининг турли истакларини амалга ошириш учун ҳамиша ҳаракатда бўлади. Ўзининг истакларини Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан боғлашни ўрганиб тирик мавжудот баркамолликка эришади ва фаол ҳолатда мангу ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун рухий оламга қайтиб боради.

#### Текст 4

Парвардигорнинг амри билан асосий йигирма уч унсур ҳаракатга келганида Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфаси, вишва-рупа дунёга келди.

Изоҳ: Вират-рупа ёки вишва-рупа, Парвардигорнинг имперсоналистлар жуда катта аҳамият берадиган баҳайбат фазовий қиёфаси Унинг мангу қиёфалари қаторига кўшилмайди. У Парвардигорнинг амри билан моддий оламнинг унсурлари яратилгандан кейин намоён бўлади. Парвардигор Шри Кришна Аржунга Ўзининг вират-, ёки вишва-рупасини фақат У – Олий Шахс Худо эканини имперсоналистларга исботлаш учун

намойиш этди. Вират-рупа Кришнани эмас, балки Парвардигор Шри Кришна Вират-рупани намойиш этди. Шундай килиб, вират-рупа Парвардигорнинг рухий оламда мавжуд бўлган мангу қиёфаси эмас; у – Унинг моддий кўринишларидан бири. Арча-виграха, ёки эхромларда содиклар сигинадиган Илохлар – Парвардигорнинг моддий қиёфасининг яна бир тури. Парвардигор ҳали тажрибасиз содиклар олдида Ўзини намоён этиш учун шундай қиёфага киради. Лекин, Парвардигорнинг бу икки қиёфаси ҳам(арча ва вират) моддий унсурлар билан аралашганига қарамай, улар Унинг мангу қиёфасидан – Парвардигор Шри Кришнанинг қиёфасидан фарқ килмайди.

#### Текст 5

Парвардигор Ўзининг тўла намоён бўлган қисми кўринишида моддий олам таркиб топган унсурлар ичига кирганида улар бирлашиб, ўзида барча сайёralар тизимини ҳамда кўзгалувчан ва кўзгалмас барча мавжудотларни мужассам қилган баҳайбат қиёфа шаклига кирдилар.

Изоҳ: Оламни ташкил этган барча унсурлар моддий, токи уларга Парвардигорнинг тўла қисми кирмас экан, улар ўз ҳажмини кенгайтира олмайдилар. Демақ, токи жон кирмагунча модда ўсмайди ҳам, кичраймайди ҳам. Рух яратган нарса бўлгани учун модда фақат рух, жон билан кўшилгандағина ҳажмини каттайтира олади. қалтафаҳм одамларнинг тахминларига қарши ўлароқ космик олам фазовий қиёфага ўзидан ўзи кириб қолмайди. Агар ичиди жон бор бўлса модда ўзининг ҳажмини каттайтириб маълум ўлчамга этиши мумкин, аммо жон ундан чиқиб кетган заҳоти унинг ривожланishi тўхтаб қолади. Масалан, токи тирик мавжудотнинг моддий танасида рухий онг бор экан, тана ўсиб ривожланади, маълум ўлчамларга етади, онгдан маҳрум бўлган ўлик моддий тана эса, ўсиб ривожланишга қодир эмас. "Бҳагавад Гита"(иккинчи боб)да ҳам рух танани бошқариб туриши айтилган. Оламнинг космик танаси ҳам бизнинг кичкина танамиз ўсиб улгаядиган қонунлар асосида ривожланади. Лекин бундан шошилинч хулоса чиқариб, алоҳида рухий заррача баҳайбат фазовий қиёфанинг юзага келишига сабаб бўлган деб ўйламаслик керак. Фазовий қиёфани вират-рупа деб атайдилар, чунки унинг ичиди Ўзининг тўла қисми сифатида Парвардигорнинг Ўзи мавжуд.

#### Текст 6

Самовий минг йил давомида Хиранмайя деб аталадиган баҳайбат вират-пуруша коинот сувларида ястаниб ётди, барча тирик мавжудотлар Унинг ичиди эди.

Изоҳ: Парвардигор Гарбходакашайи Вишну қиёфасида ҳар бир коинот ичига киргандан кейин коинотнинг ярми сув билан тўлади. Бизнинг

кўзимизга кўриниб турган олам ундағи осмонда сузиб юрган сон-саноқсиз сайёralар тизими билан бирга коинотнинг фақат ярмини тўлдириб туради. Вишну коинотга кирган вақтдан бошлаб то сайёralар тизими шаклана бошлагунча самовий минг йил вақт ўтади. Махат-таттва ичига жойланган тирик мавжудотлар ҳар хил коинотларга бўлиб тарқатилиб уларга Гарбходакашайи Вишну билан бирга кирадилар ва Парвардигор билан то Брахма дунёга келгунча кутиб ётадилар. Брахма – коинотдаги биринчи тирик мавжудот бўлиб, ундан колган барча фаришталар ва тирик мавжудотлар дунёга келади. Инсониятнинг бобокалони Ману ҳисобланади, шунинг учун санскрит тилида инсоният манупушай деб аталади. Ҳар хил турлардаги таналарга эга бўлган одамлар коинотнинг турли сайёralар тизимини эгаллайдилар.

#### Текст 7

Махат-таттванинг баҳайбат вират-рупа қиёфасига кирган қувватлари бирикмаси ўзини ўзи тирик мавжудотларнинг онгига, ҳаёт фаолиятига ва ўзини қиёслашга тақсимлади, улар ўз навбатида мос равишида бирга, ўнга ва учга бўлиндилар.

Изоҳ: Онг тирик мавжудот, яхни рух, жоннинг асосий белгиси ҳисобланади. Рухнинг мавжудлиги гйана-шакти деб аталадиган онг шаклида намоён бўлади. Баҳайбат вират-рупанинг онги онглар бирикмасидан иборат бўлиб, ана шу онг алоҳида рухларда намоён бўлади. Онгнинг фаолияти ўн оқимга бўлинадиган ҳаёт нафаси ёрдамида амалга оширилади. Бу оқимлар прана, аpana, удана, въяна ва самана деб, бошқа бир ҳисоб бўйича эса - нага, курма, крика, девадатта, дхананжая деб аталади. Моддий атмосфера рухнинг онгини булғайди, шу боис рух ўзини моддий танага қиёслаб, ҳар хил фаолият билан шуғулдана бошлайди. Тирик мавжудотнинг хилма-хил фаолияти "Бҳагавад Гита"(2.41)да ёзилган: баҳу-шакха хий ананташ ча буддхайо "вийавасайнам. Шартланган рухнинг бутун хилма-хил фаолиятига унинг булғангандан онги сабаб бўлади. Пок, булғанмаган соф онгга эга бўлган тирик мавжудот фақат бир тур фаолият билан машғул бўлади. Алоҳида рухнинг онги олий онг билан тўла ҳамоҳанг бўлганда у билан бир бўлади.

Монистлар онг аслида бир, ягона деб ҳисоблайдилар, сатват(садик)лар эса, гарчи онг ягона бўлса ҳам, ана шу бирлик алоҳида онг олий онг билан мослашган, уйғунлашган пайтда юзага келади, деб ҳисоблайдилар. "Бҳагавад Гита"(18.66)да Парвардигор Аржунга, яъни алоҳида онгга олий онг билан бирга бўлишни, ўнга бўйсунишни маслаҳат беради – сарвадхарман паритяджия мам экам шаранам враджа. Парвардигор алоҳида онгга олий онг билан мослашишни, у билан уйғунлашишни, шу билан ўзининг бошланғич поклигини қайта тиклашни маслаҳат беряпти. Онгнинг фаолиятини тўхтатишга бекорга уринишлар ҳеч қандай натижага

бермайди, лекин унинг фаолиятини Парвардигорнинг амрига бўйсундириш билан онгни поклаш мумкин. Бир биридан ўзини қиёслаш шакли билан фарқ қиласидиган поклик даражасига қараб онг уч хил бўлади: адхъятмика(ўзини ақл ва танага қиёслаш), адхибхаутика(ўзини модданинг маҳсулига қиёслаш) ва адхидайвика(ўзини Худонинг хизматкори деб билиш). Ўзини қиёслашнинг мана шу уч тоифаси ичиди адхидайвика онгнинг Парвардигорнинг амри билан уйғунлашган пок онгда бўлишнинг бошланғич поғонаси ҳисобланади.

#### Текст 8

Парвардигорнинг баҳайбат қиёфаси – Олий Рухнинг биринчи қиёфаси ва Унинг тўла намоён бўлган кўринишидир. У сон-саноқсиз кўп тирик мавжудотларнинг Рухи, ривожланаётган бутун борлик Унда жойлашган.

Изоҳ: Парвардигорнинг экспансиялари икки тоифа бўлади – Унинг шахсий тўлиқ экспансиялари ва ажралган майда экспансиялари. Парвардигорнинг шахсий тўлиқ экспансиялари – вишну-таттвалар, Парвардигорнинг ажралган экспансиялари эса – тирик мавжудотлардир. Тирик мавжудотлар арзимас даражада кичик бўлгани учун уларни баъзан Парвардигорнинг оралиқ қуввати деб атайдилар. Лекин, сеҳргар-йоглар тирик мавжудотлар, Олий Рух, Параматма аслида бир зотлар деб ҳисоблайдилар, лекин нуктаи-назарлар орасидаги бу фарқни жуда катта деб ҳисобламаслик керак, чунки бутун борлик баҳайбат вират-рупа, Парвардигорнинг фазовий қиёфаси ичиди жойлашган.

#### Текст 9

Баҳайбат фазовий қиёфа уч, ўн ва бир кўринишида намоён бўлади: У – тана, ақл ва сезгилар; У – ўн турли ҳаёт нафасининг ҳаракатини бошқариб турган куч, У – ана шу қувватнинг манбаи бўлган юрак.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"(7.4-5)да айтилганки, олам таркиб топган саккиз унсурни Парвардигорнинг қуий қуввати яратган, қуий қувватга хукмронлик қиласидиган тирик мавжудотлар эса азалдан Парвардигорнинг олий, ички қувватига мансуб. Қуий қувватнинг саккиз тури қўпол ва нафис поғонада ҳаракат қиласиди, олий қувват эса ҳаёт фаолиятининг барча жараёнларини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Бу қандай амалга ошишини инсон танаси мисолида кўриш мумкин. қўпол унсурлар(ер, сув, олов ва ҳок.) жисмоний танани ташкил этади ва жоннинг ташки кийимига ўхшайди, нафис унсурлар(акл ва сохта ўзлик) эса, жоннинг ички кийими вазифасини бажаради.

Тананинг фаолиятини таъминлаб турадиган қувватнинг манбаи юрак ҳисобланади, фаолиятнинг ўзини эса сезги органлари амалга оширади, уларга қувватни танада айланиб

юрадиган ўн турли ҳаёт нафаси етказиб беради. Танадаги ҳаёт нафасининг ўн оқими куйидагича тақсимланади. Асосий ҳаво оқими нафас олиш жараёнида бурун орқали ўтади, у прана деб аталади. Анус орқали ўтиб, ахлатни чиқариб ташлайдиган ҳаво оқими аpanа деб аталади, ошқозонда овқатнинг ҳаракатини таъминлайдиган, баъзida кекиришга мажбур қиладиган ҳаво оқими –самана деб аталади. Томоқ орқали ўтадиган, уни тўхтатганда одам бўғилиб қоладиган оқим удана, бутун тана бўйлаб айланиб юрадиган ҳаво оқими эса – въяна деб аталади. Мана шу беш турли оқимдан бошқа нафис ҳаво оқимлари ҳам бор. Кўзлар, оғиз очилишини бошқарадиган оқим нага деб аталади, иштаҳани очадиган оқим – крикара, мушакларнинг қисқаришини таъминлайдиган оқим - курма деб аталади. Девадатта деган ҳаво оқими одам эснаганде организмнинг бўшашишига ёрдам беради, дхананджая деган ҳаво оқими эса, организмнинг озиқланишига ёрдам беради. Юқорида келтирилган барча ҳаво оқимларининг манбаи – ҳар кимда фақат биттадан бўлган юрак ҳисобланади. Юракнинг қуввати – алоҳида рух билан бирга ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжуд бўлиб, унинг ҳаракатларини бошқариб турадиган Парвардигорнинг олий қуввати ҳисобланади. "Бҳагавад Гита"(15.15)да бу шундай тушунирилади: Юрак унда мавжуд бўлган ва шартланган рухни хотира ва унутиш билан таъминлайдиган Парвардигордан чиқадиган ҳаёт қувватининг маркази ҳисобланади. Шартланган рух ўзи аслидан Парвардигорнинг хизматкори эканини унутиб қўйган, ана шу унутиш унинг шартланган ҳолатга тушишига сабаб бўлади. Худони эсламасликка интиладиган кишига Парвардигор кўплаб умрлар давомида Уни унутиш имконини беради, Худонинг содиклари билан ҳамсұхбат бўлиш шарофати билан қалбida Худони элаш истаги пайдо бўлган кишиларга эса, У Худони тобора аниқроқ элашга ёрдам беради. Шу тариқа шартланган рух оқибат-натижада ўзининг уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятига эга бўлади.

Тирик мавжудотнинг қандай қилиб Парвардигордан илоҳий ёрдам олиши "Бҳагавад Гита"(10.10)да ёзилган: Ақлга нисбатан илоҳий ҳолатда бўлган тафаккурга асосланган буддхи-йога, яъни Худога садоқат билан хизмат қилиш усули - ўзликни англашнинг тирик мавжудотга моддий олам чангалидан чиқиб кетиш йўлини кўрсатадиган ягона усулдир. Шартланган рухнинг моддий оламдаги ҳолати худди катта бир механизм ичига тушиб қолган кишининг аҳволига ўхшайди. Ўз ақлига ишониб фалсафий изланишлар билан шуғулланиб юрган кишилар фалсафий изланишларга бағищланган жуда кўп умрлардан кейин буддхи-йога поғонасига кўтариладилар, аммо ҳақиқатан ҳам чуқур тафаккурга эга бўлган киши ўзининг йўлини ақлдан устун турадиган тафаккур поғонасидан бошлайди ва рухий ўзлигини англашга тез эришади. Буддхи-йога йўлидан бораётган

кишилар адашиши ёки тубанликка қулаши мумкин эмас, шунинг учун буддхи-йога рухий ўзликни англашга олиб борувчи энг ишончли йўл, бу "Бҳагавад Гита"(2.40)да ҳам тасдиқланади. Ақлий фикр-мулоҳазаларга берилиб юрган кишилар "Шветашватара-упанишад"да айтилган бир дараҳтда ўтирган икки қуш – алоҳида рух билан Олий Рух эканини тушуна олмайдилар. Алоҳида рух ана шу дараҳт мевасидан тотиб юради, бошқа қуш эса уларга тегмайди, фақат биринчи қушнинг ҳаракатини кузатиб юради. Мустакил, нафсиға боғланмаган гувоҳ-қуш мевалардан тотиб юрган қушнинг ўзига манфаат келтирадиган фаолият билан шуғулланишига ёрдам беради. Агар инсон рух ва Олий Рух (Парвардигор билан одамлар)орасидаги фарқни кўрмаса, демак у аввалгида мoddий олам ичиди адашиб юрган бўлади ва ҳали унинг мoddий олам тутқунлигидан озодликка чиқиш вақти келмаган.

## Текст 10

Парвардигор мoddий оламни яратиш вазифаси юқлатилган барча фаришталарнинг Олий Рухи ҳисобланади. Фаришталарнинг илтижоларига кулоқ солиб, У бироз ўйланиб тургандан кейин Ўзининг фазовий қиёфасини намоён этиб, уларга Ўзини англаб етишга имконият яратиб берди.

Изоҳ: Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфаси имперсоналистларнинг ақлини лол қилиб қўяди. Уларга ана шу баҳайбат қиёфа ортида турган куч – шунчаки хом ҳаёл бўлиб туюлади. Аммо чуқур фикрлайдиган киши оқибатларнинг ажойиблигини кўриб, уни юзага келтирган сабабни муносиб баҳолай олади. Масалан, инсон танаси онанинг қорнида ўзидан ўзи эмас, Балки унда тирик мавжудот, рух борлиги учун ривожланади. Агар жон, тирик мавжудот бўлмаса, мoddий тана ўзидан ўзи ўсишга ва ривожланишга кодир эмас. Агар биз бирор мoddий жисмнинг ривожланаётганини кўрсак, бу унинг ичиди албатта рухий зарра, жон борлигини кўрсатадиган аниқ белги бўлади. Баҳайбат коинот ҳам худди она қорнидаги чақалоқ сингари аста-секин ривожланади, шунинг учун Олий Рух коинот ичига киради деган тасавур мантиққа тўғри келади. Етарли илмга эга бўлмаган дунёвий одамлар оламнинг яралишининг сабабчиси Олий Рух эканини тушунишга кодир эмаслар, шунингдек улар тирик мавжудот қалбидаги рух билан Олий Рухни ҳам сезмайдилар. Шунинг учун Ведаларда Парвардигорни аван-манаса-гочарах, яъни “акл билан англаб ёки сўзлар билан таърифлаб бўлмайдиган Зот” деб атайдилар.

Фоилилиги туфайли сафсатабоз файласуфлар Парвардигорни фикр ва сўзлар доирасига киритиб чеклаб қўйишга бекорга овора бўладилар, аммо Парвардигор Ўзини уларнинг бу йўл билан англashingа йўл қўймайди. Эмпирик – файласуфларда Парвардигорни ўлчаш, таърифлаш имконини берадиган тафаккур ҳам, сўзлар ҳам йўқ. Парвардигорни адхокшаджа деб атайдилар,

яъни У – бизларнинг номукаммал, қўпол сезгиларимизнинг сезиш чегарасидан ташкарида бўлган Зотдир. Ақлий фикрлашлар ёрдамида Парвардигорнинг илоҳий номини ва қиёфасини англаб етишнинг иложи йўқ. Файласуф ва олимлар қанча унвонга эга бўлмасинлар, улар Парвардигор ҳакида салгина бўлса ҳам аниқ тасаввурга эга бўла олмайдилар, чунки улар фақат ўзларининг чекланган сезгиларининг имкониятига ишонадилар. Парвардигорни англаб етишга уриниб юрган юксак унвонли тиришқоқ дунёвий файласуфлар худди қудуқда яшайдиган қурбақага ўхшайдилар. Чексиз тинч океани борлигини эшишиб, қурбақа уни ўзича ўлчаб, тасаввур килишга уриниб шиша бошлади, аммо хеч нарсага эришмай шишиб, жон берди. “Фан доктори” деган унвонни бошқача қилиб “уйкудаги ғофил” деб айтиш мумкин. Ана шундай фан докторларининг ҳаммаси эртадан кечгача далада белини қўтармай меҳнат қилиб юрган ғофил дехқондан фарқ килмайди. Далада ишлаб юрган дехқоннинг моддий оламни ва унинг намоён бўлиб турган ғаройиб гўзалликлари ортида яширинган яралиш сабабини билишга интилиши худди қудуқдаги қурбақанинг Тинч океани ўлчамларини аниқлашга уринишига ўхшайди.

Парвардигор Ўзини факат Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган Ўзининг итоаткор содик хизматкорига ошкор этади. Оламнинг унсурлари ва қувватларини бошқарадиган фаришталар маслаҳат сўраб Парвардигорга мурожаат қилгандилар, Парвардигор уларнинг илтижоларини қабул қилиб, бир пайтлар Аржунга кўрсатганидек, уларга Ўзининг фазовий қиёфасини кўрсатди.

#### Текст 11

Майтрея деди: Энди Парвардигор баҳайбат фазовий қиёфасини намоён этиб, Ўзидан ажратиб кўп сонли фаришталарни дунёга келтириб Ўзини кўпайтиргани ҳакида эшишт.

Изоҳ: Фаришталар ҳам қолган бошқа тирик мавжудотлар сингари Парвардигорнинг ажралган заррачалари хисобланади. Оддий тирик мавжудотлар билан фаришталар орасидаги ягона фарқ шундан иборатки, тирик мавжудот Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида етарлича савоб тўплаганида ва моддий қувват устидан ҳукмронлик қилиш истагидан амалда биратўла кутулганида у Парвардигор оламни бошқариш ишларини топширадиган фаришталардан бири бўлиши мумкин.

#### Текст 12

Агни, яъни олов Унинг оғзидан чиққанида коинотнинг барча ҳукмдорлари унга кириб, ўзларига ажратилган жойларни эгалладилар. Оловнинг қуввати тирик мавжудотга ўз фикрларини сўзларда мужассам қилиш имконини беради.

Изоҳ: Парвардигорнинг баҳайбат фазовий қиёфаси нутқ неъматининг манбаи ҳисобланади. Олов унсурининг фаолиятини шунга ваколат ва ҳокимлик берилган илоҳ, адҳидаива бошқаради. Биз гапираётган нутқ – адҳиятма, яънитананинг чиқиндиси, нутқимизнинг мазмуни эса моддий табиат яратган зот, яъни адхибута қоидасидир.

#### Текст 13

Парвардигордан ажралиб чикиб фазовий қиёфанинг танглайи шакллангандан кейин унга коинотдаги барча сувларнинг ҳукмдори Варуна кирди; шу тариқа тирик мавжудотлар тил ёрдамида таъм билиш имкониятига эга бўлдилар.

#### Текст 14

Парвардигорнинг икки бурун тешиги шаклланганида ўзларига белгиланган жойни эгаллаб, унга эгизак Ашвини-кумарлар кирди. Натижада тирик мавжудотлар хидларни бир биридан ажратиши имкониятига эга бўлдилар.

#### Текст 15

Кейин Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг икки кўзи пайдо бўлди. Уларга кўриш функцияси билан бирга ёруғлик ҳукмдори бўлган Куёш кирди. Натижада тирик мавжудотлар шаклларни кўриш қобилиятига эга бўлдилар.

#### Текст 16

Ажралиб чиқиб фазовий қиёфанинг териси юзага келганида, унга сезиш қобилияти билан бирга Анила – шамол ҳукмдори кирди. Шундай қилиб, тирик мавжудотлар тери сезиш қобилиятига эга бўлдилар.

#### Текст 17

Фазовий қиёфанинг қулоқлари пайдо бўлганида уларга эшитиш қобилияти билан бирга оламнинг томонларини бошқарадиган фаришталар кирдилар. Шу тариқа тирик мавжудотлар эшитиш ва эшитган нарсаларига амал қилиш қобилиятига эга бўлдилар.

Изоҳ: Қулоқлар – тирик мавжудотнинг энг муҳим аъзосидир. Товуш бизларга номаълум ёки биздан узоқда бўлган нарсалар ҳакида маълумот олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Муқаммал илм товуш шаклида инсоннинг қулогига киради ва унинг ҳаётини муқаммал килади. Ведаларга асосан илм ўрганиш жараёни бутунлай тинглаш орқали қабул қилишга асосланган, шунинг учун товуш илмнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади.

#### Текст 18

Тери шаклланганида, унинг ичига ўзига хос хусусиятлар билан бирга тери орқали сезиш жараёнини бошқарадиган фаришталар кирдилар. Шу тариқа тирик мавжудотларда кичиши хис қилиш ва ушлашдан(тана тегишидан) келадиган ёқимли сезгилар юзага келди.

Изоҳ: Ҳиссиётлар орқали қабул қилишнинг асосий қисми биз тери ва унда ўсиб турган туклар орқали сезиш ва қичиш ҳисобланади. Шри Вишванатха Чакраварти айтадики, тери орқали ҳис қилишнинг фариштаси тана ичидан айланиб юрадиган ҳаво оқими ҳисобланади, танада ўсадиган тукларни эса фаришта Ошадха назорат қиласди. Тери ўзига теккан нарсаларни сезади, танада ўсадиган туклар эса қичишни ҳис қиласди.

#### Текст 19

Ажралиб чиқиб фазовий қиёфанинг жинсий аъзолари пайдо бўлганида уларга уруғлантириш функцияси билан бирга коинотнинг биринчи тирик мавжудоти Праджапати кирди. Натижада тирик мавжудотлар жинсий алоқадан лаззатланиш имкониятига эга бўлдилар.

#### Текст 20

Кейин йўғон ичак шаклланди, унга чиқариш органларининг вазифаси билан уларнинг ҳукмдори Митра кирди. Шу тариқа тирик мавжудотлар ахлат ташлаш ва сийиш қобилиятига эга бўлдилар.

#### Текст 21

Фазовий қиёфанинг қўллари пайдо бўлганида уларга осмон шоҳи Индра кирди. Шу тариқа тирик мавжудотлар ишларни олиб бориш ва тирикчилик қилиш учун бойлик орттириш қобилиятига эга бўлдилар.

#### Текст 22

Кейин, ажралиб чиқиб, фазовий қиёфанинг оёқлари юзага келди, уларга харакат қилиш функцияси билан бирга Вишну деган фаришта кирди. Шу тариқа тирик мавжудотлар харакат қилиш ва манзилга етиб бориш имкониятига эга бўлдилар.

#### Текст 23

Ажралиб чиқиб фазовий қиёфанинг тафаккури юзага келганида, унга англаш қобилияти билан бирга Ведалар ҳукмдори Браҳма кирди. Шу тариқа тирик мавжудотлар бу оламдаги нарсаларни ўрганиш қобилиятига эга бўлдилар.

#### Текст 24

Кейин, ажралиб чиқиб, фазовий қиёфанинг юраги пайдо бўлди, унинг ичига фикрлаш функцияси билан бирга Ой фариштаси кирди. Шу тарзда тирик мавжудот фикрлаш қобилиятига эга бўлдилар.

#### Текст 25

Кейин, ажралиб чиқиб фазовий қиёфанинг моддий эго(ўзлиги)си юзага келди, унга фаолият кўрсатиш қобилияти билан бирга сохта ўзлик ҳукмдори Рудра кирди. Шу тариқа тирик мавжудотлар аник мақсадни кўзлаб харакат қилиш қобилиятига эга бўлдилар.

Изоҳ: Тирик мавжудотни ўзини моддага қиёслашга мажбур қиласдан сохта ўзлик маъбуд Шиванинг намоён қилган қиёфаси бўлган фаришта Рудранинг ҳукми остида бўлади. Рудра – Парвардигорнинг моддий оламда ғафлат гунасига маъсул бўлган қиёфаси ҳисобланади. Сохта ўзликнинг фаолияти тана ва ақлнинг талабларини қондиришга қаратилган. Ҳаётида сохта ўзлиги ҳукми остида ҳаракат қиласдан одамларнинг аксарият кўпчилиги маъбуд Шиванинг ҳукми остида бўлади. Одамнинг ғофиллиги нағисроқ кўринишларга эга бўлганида, у ўзини Парвардигор деб ҳисоблай бошлайди. Шартланган руҳнинг сохта ўзлик ҳам таъсир қилган ана шу ишончи, - унга бутун моддий оламни ўзининг ҳукмига бўйсундириб қўйган алдамчи қувватнинг қўйган охирги тузоги ҳисобланади.

#### Текст 26

Ажралиб чиқиб, Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг онги юзага келганида, унинг ичига англаш функцияси билан бирга қувватлар бирикмасига ҳукмронлик қилувчи махат-таттва кирди. Шу тариқа тирик мавжудот назарий илмни англаб етиш қобилиятига эга бўлди.

#### Текст 27

Кейин, фазовий қиёфанинг калласидан жаннатий сайёralар юзага келди, унинг оёқларидан – ерсимон сайёralар, қорнидан эса – осмон юзага келди. Ана шу сайёralарда моддий табиат гуналари билан бирга фаришталар ва бошқа тирик мавжудотлар яшай бошладилар.

#### Текст 28

Эзгулик гунаси таъсири остида юрган ва шу гунага хос бўлган ажойиб фазилатларга эга фаришталар жаннатий сайёralарда яшайдилар, эҳтирос гунаси таъсирида юрган одамлар эса, ўзларига бўйсунадиган бошқа тирик мавжудотлар билан бирга ер сайёрасида яшайди.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"(14.14-15)да айтилганки, эзгулик гунасининг устивор таъсири остида юрган тирик мавжудотлар юқори, жаннатий сайёralарга кўтариладилар; эҳтирос гунаси таъсири остидагилар ер тоифасидаги сайёralарга эришади, ғафлат гунасида юрган кишилар эса, қуйи сайёralарга тушадилар ёки ҳайвонлар танасида туғиладилар. Фаришталар ўзларida эзгулик гунасига хос бўлган фазилатларни ривожлантирганлар, шунинг учун улар жаннатда яшайдилар. гарчи кўп ҳайвонлар одамлар билан бир сайёрада яшасалар ҳам, улар эволюцион ривожланишнинг одамларга қараганда пастроқ поғонасида турадилар. Масалан, сигирлар, отлар, итлар ва бошқа ҳайвонлар қадимдан инсонларнинг ҳимояси остида яшайдилар.

Бу шеърдаги атйантекена ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Ўзидан моддий эзгулик гунасига хос бўлган сифатларни ривожлантириб, тирик мавжудот жаннатий сайёralарга тушиши мумкин.

Инсон ўзида эхтирос ва гафлат гуналарига хос сифатларни ривожлантирган бўлса, ўзи химоя қилиши лозим бўлган ҳайвонларни ўлдира бошлайди. Ҳайвонларни ўлдириб яксон қилишдек бемаъни фаолият билан шуғулланиб юрган кишилар эхтирос ва гафлат гунасининг чангалига тушиб қолган одамлар бўлиб, улар эзгулик гунасига кўтарилиш имкониятидан маҳрумдирлар. Бу билан улар ўзларини кейинги ҳаётида ҳаётнинг куйи шаклларида туғилишга маҳкум этадилар.

Сайёralарни юқори ва куйи сайёralарга ажратиш улarda яшайдиган тирик мавжудотларнинг қайси тоифага мансублиги асосида бўлади.

#### Текст 29

Рудранинг даврасини ташкил этадиган тирик мавжудотлар моддий табиатнинг учинчи гунаси – гафлат гунаси таъсиридаги тирик мавжудотлар. Улар осмонда ер сайёраси билан жаннатий сайёralар орасидаги сайёralарни эгаллаганлар.

Изоҳ: Осмоннинг ўрта қисми Бхуварлока деб аталади. Буни Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура ҳам, Жива Госвами ҳам тасдиқлайдилар. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, эхтирос гунаси таъсири остидаги тирик мавжудотлар ўрта сайёralарда яшайдилар; эзгулик гунаси таъсири остидаги тирик мавжудотлар фаришталарнинг сайёralарида туғилади; эхтирос гунаси таъсири остида юрганлар инсон танасига эга бўлади, кўпроқ гафлат гунаси таъсири остида юрганлар эса, ҳайвонлар ёки жин-арвоҳлар орасида туғиладилар. Бу ерда ҳеч қандай зиддият йўқ. Коинот сон-саноқсиз тирик мавжудотларга тўла, улар қайси сифатларга эга бўлиши ва моддий табиатнинг қайси гунасининг устивор таъсири остида эканига қараб, у ёки бу сайёralарда яшайдилар.

#### Текст 30

Эй Курулар сулоласининг сардори, ведавий донишмандлик илми Парвардигорнинг баҳайбат қиёфаси вират-рупанинг оғзидан пайдо бўлди. Ведалар илмини ўрганишга мойил одамлар браҳманлар деб аталади; улар ҳақли равища жамиятда ўқитувчилар ҳамда бошқа барча табақадаги одамларнинг руҳий устозлари вазифасини бажарадилар.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"(4.13) ҳам тасдиқлайдики, инсонлар жамиятининг тўрт табакаси Парвардигорнинг баҳайбат вишва-рупа қиёфасининг тана қисмлари – Унинг оғизлари, кўллари, сони ва оёклари билан бирга пайдо бўлган. Парвардигорнинг оғзи – браҳманлар, Унинг кўллари – кшатрийлар, Унинг сони – вайшьялар, оёклари эса – шудралардир. Ҳар бир инсон Парвардигорнинг баҳайбат вишва-рупа танасида ўзига ажратилган жойни эгаллаб туради. Шу нуқтаи-назардан қараганда, бирор табақага мансуб одамларга нисбатан менсимаслик назари

билан қарамаслик керак, чунки уларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг у ёки бу тана қисмлари билан боғланган. Биз танамизнинг бирор қисмини, масалан кўллар ёки оёкларни бошқаларидан устун қўймасдан, ўз танамизнинг ҳамма қисмларига бир хил муносабатда бўламиз. Тананинг ҳамма қисмлари ўзига хос мухим вазифаларни бажарадилар, лекин унинг энг асосий қисми оғиз ҳисобланади. Тананинг бошқа ҳар қандай қисмидан маҳрум бўлган киши яшашда давом этиши мумкин, лекин оғизсиз қолса у албатта ҳалокатга маҳкум бўлади. Шунинг учун Парвардигорнинг танасининг мана шу энг мухим аъзосини Ведаларни ўрганиш билан машғул бўлган браҳманлар жойлашган деб айтадилар. Ведаларни ўрганишдан кўра дунёвий илмларни эгаллаш кўпроқ қизиқтирадиган кишини, ҳатто у браҳманлар оиласида туғилган ёки отаси браҳман бўлса ҳам, браҳман деб ҳисоблаб бўлмайди. Браҳман оиласида туғилиш билан инсон ўзидан-ўзи браҳман бўлиб қолмайди. Браҳманинг асосий сифати – Ведаларни ўрганишга мойиллигидир. Ведалар Парвардигорнинг оғзида жойлашган, шунинг учун уларни ўрганишни ёқтирадиган ҳар бир инсон Унинг оғзи билан боғлиқ бўлиб, браҳман деб аталиши мумкин. Ведаларни ўрганишга мойиллик танлаб олинган айрим табака ёки синфга мансуб одамларнинг афзаллиги эмас. Бундай мойилликни қаерда ва қандай оиласида туғилишидан қатъий назар ҳар қандай инсон ҳам ўзида ривожлантириши мумкин. Фақат мана шу мойилликнинг ўзиёқ уни браҳман деб ҳисоблаш учун кифоя.

Ҳақиқий браҳман ҳақли равища жамиятдаги одамларнинг ўқитувчиси ёки руҳий устози вазифасини бажаради. Ведаларни билмайдиган киши руҳий устоз бўла олмайди. Ведаларни мукаммал билиш Худони, ягона Парвардигорни билишдан иборат, мана шу ведалар илмининг мақсади ва энг юксак чўққиси, яъни веданта ҳисобланади. Худони англашда шахсиятсиз Браҳман поғонасига кўтарилиган, лекин Худо Шахси ҳақида ҳеч нарса билмайдиган киши браҳман бўлиши мумкин, лекин унинг руҳий устоз бўлишга ҳақи йўқ. "Падма пурана"да шундай дейилган: Имперсоналист тажрибали браҳман бўлиши мумкин, лекин токи вайшнав даражасига етмагунча, яъни Худо Шахсининг содик хизматкори бўлмагунча, уни руҳий устоз деб бўлмайди. Парвардигор Чайтанъя – бизнинг замонимизда яшаб ўтган ведавий донишмандлик илмининг буюк билимдони шундай деган: "Кришна ҳақидаги илмни мукаммал биладиган ҳар қандай киши – хоҳ у браҳман, шудра ёки саняси бўлсин, руҳий устоз бўлишга муносиб инсондир"(Ч.ч.Мадхъя, 8.128).

Шундай ҳақида, руҳий устознинг асосий сифати унинг браҳманлиги эмас, балки Кришна ҳақидаги илмни мукаммал билишидир.

Ведаларнинг донишмандлик илми билан таниш бўлган кишини браҳман деб атайдилар, лекин фақат соғ вайшнав бўлган ва Кришна

ҳақидаги илмни ҳар томонлама биладиган брахмангина рухий устоз бўла олади.

### Текст 31

Кейин, баҳайбат вират-рупанинг кўлларидан ҳимоя қилиш қобилияти юзага келди, у билан бирга кшатрийлар дунёга келдилар, улар жамиятни ўғри ва ярамаслардан ҳимоя қилишлари лозим.

Изоҳ: Худди брахманлар ўзларидаги Ведаларда берилган илоҳий илмни ўрганишга бўлган мойиллик билан ажралиб тургани сингари, кшатрийлар ҳам жамиятни унинг тинчлигини бузадиган кишилар – ўғрилар ва бошқа жиноятчилардан ҳимоя қилиш қобилияти билан ажралиб туради. Бу шеърда анувратах ибораси муҳим аҳамиятга эга. Кшатрийнинг оиласида дунёга келган кишини эмас, балки кшатрийларнинг яшаш қонунларига асосан одамларни ўғри ва қароқчилардан ҳимоя қиладиган кишини кшатрий деб атайдилар. Одамнинг ижтимоий келиб чиқиши – иккинчи даражали кўрсаткич, жамиятни табака ва ижтимоий катламларга бўлишда у ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. "Бҳагавад Гита"(18.41-44)да брахманларнинг, кшатрийларнинг, вайшьялар ва шудраларнинг сифатлари санаб ўтилган, у ёки бу ижтимоий табақага мансубликни даъво қилиш учун ўзида шу табақага мансуб кишилар учун талаб қилинадиган сифатларга эга бўлиши лозим.

Барча ведавий муқаддас китобларда Парвардигор Вишнуни пуруша деб атайдилар. Гарчи, аслини олганда тирик мавжудотлар ҳам пуруша-шакти, пурушанинг олий қувватига мансуб тоифага мансуб бўлса ҳам, баъзида уларни ҳам пуруша деб атайдилар. Пурушанинг ташқи алдамчи қуввати таъсири остида юрган тирик мавжудотлар ўзларида пурушага хос сифатлар бўлмаса ҳам ўзларини пуруша деб биладилар. Бошқа тирик мавжудотларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган құдрат факат Парвардигорнинг Ўзида бор. У Илоҳий Зот – Браҳма, Вишну ва Махешварадан биринчиси яратиш, иккинчиси ҳимоя қилиш, учинчиси эса яксон қилиш қобилиятига эга. Мазкур шеърда ишлатилган пуруша иборасига эътибор бериш керак, бу ибора кшатрийлар Парвардигор-пурушанинг вакиллари бўлишлари ҳамда праджа, яъни сувда ва қуруқликда туғилган барча тирик мавжудотларни ҳимоя қилиши кераклигини кўрсатади. Шундай қилиб, одамлар ҳам, ҳайвонлар ҳам ҳимояга муҳтож. Ҳозирги жамиятда праджалар ҳимоясиз, ҳеч ким уларни ўғри ва ярамаслардан ҳимоя қилмайди. Ҳозирги демократик жамиятда ҳақиқий кшатрийлар қолмаган, жамиятни аввалгидай брахманлар ва кшатрийлар эмас, балки вайшья ва шудралар бошқаради. Жамиятдаги одамларни ҳам, ҳайвонларни ҳам бирдай ҳимоя килган Махараж Юдхиштхира ва унинг невараси Махараж Парикshit ҳақиқий кшатрий шоҳлар эдилар. Калиюганинг тимсоли бўлган кора одам сигирни

ўлдирмоқчи бўлганида Махараж Парикshit у ярамасни турган жойида ўлдиришга тайёр эди. шу тариқа Кали унинг салтанатидан хайдаб чиқарилган эди. Парвардигор Вишнунинг вакили ўзини ана шундай тутиши лозим. Ведавий жамиятда муносиб шоҳ-кшатрийни Парвардигорнинг Ўзи билан бир қаторда хурмат қилганлар, чунки праджаларни ҳимоя қилиш билан у Худонинг ҳақиқий вакили бўлиб ҳаракат қилган. Аммо, ҳозирги даврда демократик йўл билан сайланган президентлар фуқароларни ўғрилардан ҳимоя қилишга қодир эмаслар, шунинг учун жамиятдаги одамлар ҳар хил суғурта компанияларининг ҳимоясидан фойдаланадилар. Ҳозирги жамият олдида дуч келаётган муаммоларнинг асосида жамиятда ҳақиқий брахман ва кшатрийлар йўқлигига ва жамиятга умумий сайлов ҳукуки берилгани натижасида эришган мартабасидан фойдаланиб вайшья ва шудраларнинг жуда кучли таъсир ўтказаётганидадир.

### Текст 32

Барча одамларнинг тирикчилик манбаи бўлган ғалла етишириш ва уни праджалар орасида тақсимлаш Парвардигорнинг фазовий қиёфасининг сонидан дунёга келди. Жамиятда маҳсулот ишлаб-чиқариш ва уларни тақсимлаш билан шуғулланадиган савдогар ва дехконлар вайшьялар деб аталади.

Изоҳ: Бу ерда аниқ айтилганки, инсонлар жамиятининг ҳаёти виша, яъни дехқончилик ва дехқончилик маҳсулотларини тақсимлаш билан боғлиқ фаолиятга асосланган бўлиши лозим; уларни манзилига етказиш, банк иши ва ҳоказо. Саноат, айниқса ҳозирги жамиятнинг барча мусибатларининг манбаи бўлган оғир саноат – тирикчилик қилишнинг ғайритабии усулидир. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, виша билан машғул бўлиб юрган вайшьялар сигирларга ғамхўрлик қилиши, дехқончилик қилиши ва савдо билан шуғулланиши лозим. Аввал айтиб ўтганимиздай, одамлар тирикчилик қилиш, яшаш учун зарур бўлган барча эҳтиёжларини қондириш учун сигирларни парваришлаш ва дехқончилик билан шуғуллансалар, бас.

Транспорт ва банк ишлари билан боғлиқ бўлган мол айирбошлаш – ана шундай жамият учун зарур бўлган фаолиятнинг бир тури хисобланади. Вайшяларнинг варна(табака)си бир неча касталарга бўлинади: кшетри(ер эгалари), кришана(дехқонлар), тила-ваник(ғалла сотувчилар), гандха-ваник(ширинлик сотувчилар) ва суварна-ваник(олтин сотувчилар ва банкирлар). Брахманлар жамиятнинг рухий устозлари ва насиҳатчилариридир, кшатрийлар фуқароларни ўғри ва қароқчилардан ҳимоя қилади, вайшьялар эса, озик-овқат етишириш ва уларни тақсимлаш билан шуғулланадилар. Шудралар, яъни чукур тафаккурга эга бўлмаган, ўзи мустақил ҳаракат қилишга қодир бўлмаган кишилар юқорида

кўрсатилган фаолиятларнинг бирортаси билан шуғулдана олмайдилар; улар жамиятнинг юқори табакасидаги одамларга хизмат қилиш ва шу йўл билан тириклик қилиш учун яратилган.

Анвалги даврларда кшатрий ва вайшъялар браҳманларни яашаш учун зарур бўлган ҳамма нарса билан таъминлаб турганлар, чунки ўзларини ҳаёт учун зарур нарсалар билан таъминлашга браҳманларнинг вақти бўлмаган. Кшатрийлар фақат вайшъя ва шудралардан солик олганлар, браҳманлар ер солиги ва даромад солиги тўлашдан озод бўлганлар. Муқаммал жамият тизими ана шундай. Ана шу тарзда курилган жамиятда сиёсий, ижтимоий ёки иқтисодий можаролар юзага келмаган. Шундай қилиб, жамиятда тинчлик, осойишталик ҳукм сурарди. Жамиятда синфларга бўлиниш тизими кўллаб кувватланиши лозим.

### Текст 33

Кейин, диний вазифаларни бажаришни охирига етказиш учун Худо Шахсининг оёғидан хизмат қилиш қобилияти юзага келди. Парвардигорнинг оёқлари – Уни ўзининг хизмати билан мамнун қиласидан шудраларнинг маконидир.

Изоҳ: Барча тирик мавжудотлар хизмат қилиш учун яратилган. Тирик мавжудотларнинг вазифаси – Худога хизмат қилиш. Худога хизмат қилиш билан улар диний фаолиятида баркамолликка эришадилар. Баркамолликка абстракт фалсафий фикрлашлар ёки назарий илм тўплаш орқали эришиб бўлмайди. Фалсафий изланишлар билан шуғуланиб илоҳиётчи-гйанилар ўз олдига бир мақсад – модда билан рухнинг фарқини билиб олишни қўядилар, лекин улар илмга эга бўлган ва озодликка чиқсан рух нима билан шуғуланиши ҳақида ҳеч нарса билмайдилар.Faқат фалсафий изланишлар орқали ҳақиқатга интилиб юрган ва Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат килмайдиган кишилар ўз умрини шунчаки бекорга хазон қиласидилар дейилган.

Бу ерда аниқ айтилганки, диний фаолиятнинг муқаммаллигига, яъни баркамолликка хизмат қилиш жараённада эришилади, шунинг учун Парвардигорнинг оёқларидан хизмат қилиш қоидаси пайдо бўлди, лекин бу ерда гап бораётган илоҳий хизмат моддий оламдаги одамлар тасаввуридаги хизмат қилишдан бутунлай фарқ қиласиди. Моддий оламда ҳеч ким хизматкор бўлишни истамайди, бу ерда ҳамма хўжайин бўлишга интилади, чунки сохта ҳукмрон бўлиш истаги – барча шартланган рухлар чалинган асосий касаллиқдир. Моддий оламга тушиб қолган шартланган рух бошқаларни ўзига бўйсундиришга интилади, аммо Парвардигорнинг ташқи куввати уни адаштиради ва бунинг ўрнига унинг ўзи моддий табиатнинг қули бўлиб қолади. Шартланган рухнинг ҳақиқий ҳолати ана шундай. Бизнинг рухий юксалиш йўлимизда ташқи, алдамчи кувватнинг қўядиган охирги тузоги – алоҳида рух билан Парвардигор бир деган

тасаввурдир. Ана шундай тасаввур адашган рухни моддий қувват исканжасида ушлаб туради, лекин бунда у ўзини озодликка чиқсан, “Нарайнага тенг бўлган” ҳис қиласиди.

Аслини олганда, Худога хизмат қилишни истамайдиган браҳман бўлгандан шудра бўлган маъкул, чунки фақат хизмат қилиш истагигина Парвардигорни мамнун қиласиди. Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан ҳамма, ҳатто браҳман сифатига эга бўлганлар ҳам шуғуланиши лозим. “Бҳагавад Гита”да ҳам, “Шримад Бҳагаватам”да ҳам тасдиқланадики, тирик мавжудотнинг баркамоллиги - Худога хизмат қилш истагидир. Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали браҳманлар, кшатрийлар, вайшъя ва шудралар ўзларининг бурчини муқаммал бажарган бўладилар. Ведавий донишмандлик илмини эгаллаган браҳманлар буни яхши билишлари, жамиятнинг бошқа табақаларига мансуб кишилар эса, браҳман-вайшнавларнинг кўрсатмаларига амал қилиб яшашлари лозим. Мана шундай тизим жамиятда муқаммал ижтимоий тартиб ўрнатиш имконини беради. Ижтимоий тизимлар бузилиб кетган жамият на жамият азоларини, на Худони мамнун қилишга қодир эмас. Ҳатто инсон бенуқсон браҳман, кшатрий, вайшъя ёки шудра бўлмаса ҳам, лекин ўзининг ижтимоий бурчини муқаммал бажариш ҳақида ўйламасдан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган бўлса, у баривир ўзидаги Худога хизмат қилиш истаги шарофати билан руҳий баркамолликка эришади.

### Текст 34

Жамиятнинг барча ижтимоий табақалари уларга белгиланган вазифалар ва яашаш шароитлари билан бирга Олий Шахс Худодан пайдо бўлди. Шунинг учун шартланган ҳаёт тутқунлигидан озодликка чиқиш ҳамда рухий ўзлигини англаб этиши учун инсон рухий устоз қабул қилиши ва унинг раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қилиши лозим.

Изоҳ: Коинотдаги тирик мавжудотларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг фазовий танасининг ҳар хил қисмларидан туғилган, шунинг учун улар бутун танага мангу хизмат қилишлари лозим. Танамизнинг барча органларининг вазифаси – хоҳ оғиз бўлсин, хоҳ қўллар, оёқлар ёки сонлар бўлсин – бутун танага хизмат қилишдан иборат. Улар шунинг учун яралган. Одамларга нисбатан қуий ҳаёт шаклидаги тирик мавжудотлар ўзларининг вазифаси нимадан иборат эканини англаб ета олмайдилар, лекин инсон танасига эга бўлган тирик мавжудот варналар, яъни жамият табақалари тизимида ўзининг бурчини бажарар экан буни яхши тушуниши лозим. Юқорида айтилганидек, браҳманлар қолган барча табақаларнинг рухий устози ҳисобланади, шундай қилиб, рухнинг покланиш жараённинг асосини энг юксак поғонаси Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишдан иборат бўлган браҳманлар маданияти ташкил этади.

Шартланган хаёт билан яшаб юрган руҳларга гўё улар оламга хукмрон бўлишга эриша оладигандай бўлиб туюлади, ана шу адашишнинг энг аҳмоқона кўриниши алоҳида руҳнинг Парвардигор билан tengлиги гояси ҳисобланади. Шартланган нодон руҳнинг хаёлига келмайдики, Парвардигор алданиш, сароб домига тушиб қолиши мумкин эмас. Агар майя, сароб Парвардигорни ҳам алдаб қўядиган бўлса, Унинг Олий хукмдорлигининг маъноси нимада бўлади? Ундан ҳолда олий хукмдор деб майяни, алданиши хисоблаш керак бўлади. Шундай қилиб, тирик мавжудотлар ҳеч қачон Парвардигор бўла олмайдилар, чунки улар моддий қувват таъсирида шартланиб қолганлар. Шартланган руҳнинг ҳақиқий ҳолати мана шу шеърда аниқ таърифланган: барча шартланган руҳлар моддий табиатнинг уч гунасидан иборат моддий қувват билан аралашгани сабабли булғаниб нопок бўлганлар. Шунинг учун улар браҳман сифатларига эга бўлишдан ташқари албатта вайшинав бўлган ҳақиқий руҳий устоз қабул қилиб покланишлари лозим. Бу ерда руҳни поклаш мумкин бўлган ягона усул таърифланган, бу усул – ҳақиқий руҳий устоз раҳбарлиги остида Парвардигорга хизмат қилиш, сифинишдан иборат. Мана шу покланишнинг табиий усули ҳисобланади. Бошқа бирор покланиш усулини бунчалик самарали деб ҳисоблаб бўлмайди. Покланишнинг бошқа усуулари инсон ҳаётининг мана шу поғонасига кўтарилишига ёрдам бериши мумкин, лекин оқибат натижада руҳий баркамолликка эришиш учун у албатта Худога садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиши лозим. "Бҳагавад Гита"(7.19)да бу ҳақда шундай дейилган:

### Текст 35

О Видура, ким ҳам илохий замоннинг, Олий Шахс Худонинг ички қуввати яратган фазовий қиёфанинг қурдатини ва фаолиятини баҳолай ёки ўлчай оларди?

Изоҳ: "Курбақалар фалсафаси"нинг издошлари Олий Шахс Худонинг ички қуввати йога-майя яратган фазовий қиёфаси – вират-рупа ҳақида истаганча фикр-мулоҳаза юритишлари мумкин, лекин аслида бирор тирик мавжудот ана шу баҳайбат фазовий қиёфанинг ўлчамларини аниқлашга қодир эмас. "Бҳагавад Гита"(11.16)да Худонинг содик хизматкори Аржуна шундай дейди:

"Эй Парвардигор, эй вишва-рупанинг баҳайбат қиёфаси, эй бутун олам хукмдори! Мен ҳамма жойда Сенинг сон-саноқсиз сонларингни, кўлларингни, кўзларингни ва оғизларингни кўриб турибман. Мен кўриб турган бу мўжизанинг на боши, на ўртаси ва на охири кўринмайди".

Парвардигор "Бҳагавад Гита"ни биринчи навбатда Аржунга айтган, айнан унинг илтимоси билан У Ўзининг вират-рупасини намойиш этган.

Парвардигор Аржунга вират-рупани кўриш имкониятини берадиган алоҳида назар ато этган, лекин Унинг сон-саноқсиз қўлларини ва оғизларини кўргани билан Аржун Парвардигорнинг бутун танасини нигоҳи билан қамраб ололмади. Агар ҳатто Аржун Парвардигорнинг қурдати чегараларини аниқлай олмаган бўлса, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин? Бизларнинг бу йўлдаги барча уринишларимиз худди океанини ўлчашга уринган кудуқдаги қурбақанинг уринишлари сингари бемаъни бўлиб қолаверади. Бир куни файласуф қурбақа океанини ўзи яшайдиган, атиги бир куб метр суви бўлган кудуқ билан тенглаштириб, Тинч океанининг ўлчамларини аниқлашга бел боғлабди. Тинч океанининг ўлчамларини тасаввур қилиш ниятида у бор кучи билан шишиб каттая бошлабди ва ниҳоят портлаб шу ернинг ўзида жон берибди. Мана шу масал Парвардигорнинг ташқи, алдамчи қуввати таъсири остида юрган ҳолда, Парвардигорнинг ўлчамларини аниқлашга уриниб юрган эмпирик файласуфларнинг ҳолатини жуда ўринли кўрсатиб беради. Биз қила олишимиз мумкин бўлган энг яхши иш – Парвардигорнинг камтарин, итоаткор ва фикр-мулоҳазали содик хизматкори бўлиш, ҳақиқий руҳий устознинг Парвардигор ҳақида айтган гапларини тинглаш ва шу йўл билан, аввалги шеърда берилган маслаҳатга қулоқ солиб, Парвардигорга илохий хизмат қилишдан иборат.

### Текст 36

Парвардигорни пок нутқ билан олқишлиш учун, гарчи мен ҳатто бунга қодир бўлмасам ҳам, сенга ўзимнинг руҳий устозимдан эшитган ва ўзлаштириб олган ҳамма нарсаларни гапириб бераман. Акс ҳолда Парвардигорнинг менга ато этиб қўйган нутқ(гапира олиш) неъмати нопоклигича қолаверган бўларди.

Изоҳ: Шартланган руҳни поклаш деганда унинг онгини поклаш назарда тутилади. Онгнинг мавжудлиги илохий табиатли жон, руҳнинг мавжудлигининг белгиси ҳисобланади; онг моддий танани тарк этиб кетган заҳоти тана ҳаракатдан тўхтаб қолади. Шундай қилиб, онг ўзини фаолиятда намоён этади. Эмпирик-файласуфлар қўллаб-қувватлайдиган, онг суст ҳолда қолиши мумкинлигини назарда тутадиган таълимот уларнинг илми саёзлигини кўрсатиб турибди. Соф онгнинг фаолиятини тўхтатишга уриниш руҳнинг булғанишига олиб келади. Агар соф онгнинг фаолияти тўхтатиб қўйилса, онгга эга бўлган ҳаёт кучи албатта ўзига бошқа бир машгулот топади, чунки онг ҳаракатсиз мавжуд бўла олмайди. Онгнинг фаолияти бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Онг ҳатто тана ҳаракатсиз бўлганда ҳам ҳаракат қилишда давом этаверади, - унинг фаолияти ҳар хил туш кўришларда намоён бўлади. Онгиз ҳолат – руҳ учун ғайритабии ҳолат; ташқи куч таъсири остида бундай ҳолат чекланган вакт давомида мавжуд бўлади, ташқи таъсир

тамом бўлганида ёки инсон уйғонганида, онг янги куч билан яна фаолият кўрсата бошлади.

Бу ерда Майтрея айтятники, у онгни булғаб, нопок қиласиган фаолиятдан қочишни истаётганини, шу боис Видурага, гарчи бунга мукаммал қодир бўлмаса ҳам, Парвардигорнинг чексиз улуғворлиги ҳакида гапириб бераётганини айтятти. Парвардигорни олқишилаш мустақил ҳолда бўладиган изланишлар натижаси эмас, бу ҳакиқий руҳий устознинг гапларини камтарин ҳолда тинглаш маҳсулидир. Бунинг устига, ҳеч ким руҳий устознинг гапларининг ҳаммасини тақрорлашга қодир эмас, биз факат камтарин ҳолда руҳий устоздан эшитган гапларимизнинг иложи борича кўпроқ қисмини бошқаларга гапириб беришга самимий интилишимиз лозим. Гап бу ерда Парвардигорнинг улуғворлигини тўлиқ таърифлашда эмас. Асосийси – ўзимизнинг танамизни, ақлимизни ва нутқимизни Парвардигорни илоҳий олқишилаш билан машғул килишда, акс ҳолда уларнинг фаолияти нопоклигича қолаверади. Шартланган руҳнинг ҳаётини фақат ақлимиз ва нутқимиз Парвардигорга хизмат қилиш билан машғул бўлганда поклаш мумкин. Вайшнавлар мактабига мансуб тридана-саннясилар уч таёқ фабул қиласидар, улар Парвардигорга танаси, ақли ва нутқи билан хизмат қилишга қасам ичганининг тимсоли ҳисобланади. Экданда саннясилар эса, Парвардигор билан қўшилиб бир бўлиб кетишини мақсад қилиб қўядилар. Парвардигор мутлақ табиатли Зот, шунинг учун Унинг Ўзи билан Унинг улуғворлиги орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Саннiasi вайшнав Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайдиган улуғворлигини шарафлаб куйлаганида у илоҳий истакларида Парвардигор билан бир бўлади, лекин бунда Унинг мангудиши ҳизматкори бўлиб қолаверади. Бир вақтнинг ўзида ҳам Парвардигор билан бир, ҳам Ундан фарқ қиласиган ҳолатда эгаллаган содик ҳизматкор ҳамиша ўзининг поклигини сақлаб қолади ва шу тариқа инсон ҳаётининг олий мақсадига эришади.

### Текст 37

Эзгу Ишлар Қилувчи Зотнинг кароматлари ва улуғворлиги ҳақидаги сұхбатлар – инсониятнинг энг қиммат бойлигидир. Буюк донишманд ўзларининг асарларида Унинг кароматларини шунчалик мукаммал таърифлаганларки, биз уларни тинглаганимизда қулоқларимиз ўзининг ҳакиқий вазифасини бажараётган бўлади.

Изоҳ: Имперсоналистлар Парвардигорнинг кароматлари ҳакида тинглашдан жуда кўрқадилар, чунки улар ўзларининг ҳаётининг олий мақсади Браҳманнинг борлиги билан қўшилиб кетиши бахтига эришиш деб биладилар; улар ҳар қандай фаолиятни, ҳатто Худо Шахсининг фаолиятини ҳам моддий фаолият деб биладилар. Лекин бу ерда бошқа бахт ҳакида, илоҳий сифатларга эга бўлган Худо Шахсининг кароматлари билан боғлиқ

бўлган бахт ҳакида гап боради. Бу ерда ишлатилган гуна-вадам иборасига алоҳида эътибор бериш керак, чунки Парвардигорнинг сифатлари, Унинг кароматлари ва эрмаклари Худонинг содикларининг сұхбатлари асосий мавзуси ҳисобланади. Майтрея сингари ришилар ҳеч қачон дунёвий мавзулардаги сұхбатлар даражасига тушиб қолмайдилар, лекин барибир, бу ерда у айтятники, илоҳий ўзликни англашда эришиладиган баркамолликнинг олий поғонаси Парвардигорнинг кароматларини муҳокама қилиш ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда, Шрила Жива Госвами хулоса чиқарадики, Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш илоҳий кайвалья баҳтидан чексиз устун туради. Парвардигорнинг илоҳий кароматлари буюк донишмандларнинг асарларида шу қадар ажойиб таърифланганки, инсон ўзини тўлиқ англаб етиши учун бу асарларни шунчаки тингласа, бас. Фақат шундагина инсоннинг тинглаш ва гапириш қобилиятлари ўз вазифасини бажараётган бўлади. Ана шундай буюк асарлардан бири "Шримад Ҳагаватам" ҳисобланади, уни тинглаган ва бошқаларга гапириб берган киши инсон ҳаётининг комил поғонасига кўтарилади.

### Текст 38

Эй ўғлим, чукур муроқбага берилиб самовий минг йил ўтказгандан кейин коинотнинг биринчи шоири Браҳма Олий Руҳнинг улуғворлигини англаб бўлмаслигини тушунди.

Изоҳ: "Қурбақалар фалсафаси"нинг баъзи бир издошлари Олий Руҳни фалсафий изланишлар ва ақлий тахминлар ёрдамида англаб етишга уринадилар. Парвардигор ҳакида бироз илмга эга бўлган содиклар Парвардигорнинг улуғворлигини англаб ва ўлчаб бўлмас деб айтсалар, ана шу файласуфлар уларни ғофилликда айблай бошладилар. Ўзи қудуқда яшаган ҳолда Тинч океанининг ўлчамини аниқлашга уринаётган қурбақа сингари, улар коинотнинг биринчи шоири Браҳма сингари содикларнинг насиҳатларига амал қилишдан кўра, вақтини натижасиз фалсафий изланишларга сарфлашни маъқул кўрадилар. Маъбуд Браҳма чукур муроқбага берилиб самовий минг йил умрини ўтказди, шунга қарамай у Парвардигорнинг улуғворлиги англаб бўлмас деган хуносага келди. Шундай экан, доктор қурбақанинг издошлари ўзларининг чукур мулоҳазали фалсафий изланишлари ёрдамида нимага эришишдан умидвор эканлар?

"Браҳма-самхита"да айтилганки, ана шундай файласуфлар ҳатто юзлаб миллион йиллар давомида фалсафий изланишлар осмонида шамол ёки ақли тезлигига сайр қилсалар ҳам, улар барибир Парвардигорнинг улуғворлигини англаб ета олмайдилар. Улардан фарқли равища Худонинг содиклари Парвардигорни англаб етишга уриниб вақтини кетказмайдилар, улар Парвардигорни олқишлидиган содикларнинг гапларига камтарин кулок соладилар.

Парвардигорнинг улуғворлиги ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва тинлаганларини тақрорлашдан улар ҳақиқий илохий лаззат оладилар. Ана шундай махатма, содикларнинг фаолиятини олқишилаб Парвардигор шундай дейди: "Бҳагавад Гита"(9.13-14): Худонинг асл содиклари ўзларини паро-пракрити, Парвардигорнинг Лакшмидеви, Ситадеви, Шримати Радхарани ёки Шримати Рукминидеви деб аталадиган ички қуввати ихтиёрига топширадилар. Шу тариқа улар ҳақиқий махатма, буюк зотлар даражасига эришадилар. махатмалар ўзларининг вактини натижасиз фалсафий мулоҳазаларга кетказмайдилар, улар Худога садоқат билан хизмат қилиш йўлидан адашмай борадилар. Худога садоқат билан хизмат қилиш Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш ва гапириб беришдан бошланади. Ана шундай илохий фаолият билан шуғулланиб, махатмалар Парвардигор ҳақидаги зарур илмга эга бўладилар, чунки қандайдир даражада билиш мумкин бўлса, бунга факат садоқат билан хизмат қилиш орқали эришиш мумкин. Ҳеч ким инсонга ўзининг нодир умрини ҳазон қилиб фалсафага берилишни таъкиклаб кўя олмайди, лекин фалсафий изланишлар унга Худонинг даргохига эришишга ёрдам бера олмайди. Махатмалар Парвардигорни фалсафий йўл билан англаб етишни инкор этадилар, - улар Парвардигорнинг шарафли кароматлари ва Унинг содиклар ҳамда иблислар билан ўзаро илохий муносабатлари ҳақидаги ҳикояларни тинглашдан лаззат оладилар. Парвардигорнинг кароматлари ҳақидаги ана шу ҳикоялар Худонинг содикларига чексиз лаззат келтиради ва уларнинг ҳозирги ҳаётида ҳам, кейинги ҳаётида ҳам ҳақиқий баҳтиёр бўлишини таъминлайди.

### Текст 39

Олий Шахс Худонинг гаройиб қудрати ҳатто сеҳргар ва жодугарларни ҳам ҳайратга солади. Ҳатто Ўзига тўла бутун Парвардигорнинг Ўзи Ўз қудратининг чегараларини билмаса, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин?

Изоҳ: "Қурбақа фалсафаси" издошлари, яъни баҳслашишн ёқтирадиган, илм-фан ва математик ҳисоб-китоблашлар билан шуғулланадиган дунёвий одамлар Олий Шахс Худонинг англаб бўлмас қудратига ишонмайдилар, аммо ҳатто уларни ҳам баъзан инсон ва табиат яратадиган мўъжизалар лол қилиб, боши берк кўчага киритиб кўяди. Ҳатто моддий оламнинг сеҳргар ва жодугарлари ҳам, Парвардигор Ўзининг эрмаклари пайтида намоён этадиган мўъжизаларни кўриб ҳайратга тушадилар, ўзларининг ана шу ҳолатини бироз бўлса ҳам яшириш учун улар буни шунчаки афсона деб айтадилар. Лекин Олий Шахс Худо учун амалга ошмайдиган ишнинг ўзи йўқ, Унинг барча кароматлари афсона эмас, ҳақиқатдир. Ана шундай одамларни кўпроқ ҳайратга соладиган

нарса шундан иборатки, улар Парвардигорнинг чексиз қудратини аниқлашга уриниб юрар экан, Худонинг самимий содик хизматкорлари шунчаки Парвардигорнинг кўрсатган, ўзларини кундалик фаолиятида гувоҳ бўлиб юрган мўъжизавий кароматларини шарафлаб куйлаш билан моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқадилар. Худонинг содиклари Парвардигорнинг ажойиб санъатини ўзлари машғул бўлган ишларнинг ҳаммасида – овқатланишда, ухлашда ва бошқа ишларда кўриб юрадилар. Банъян дараҳтининг кичкина мевасининг ичидаги минглаб кичик уруғлар мавжуд, уларнинг ҳар бирида янги бир дараҳт яширинган, шу дараҳтда эса, ўз навбатида миллионлаб ана шундай меваларни ҳосил қилиш имконияти бор, уларнинг ҳар бири бир вактнинг ўзида ҳам сабаб, ҳам оқибат ҳисобланади. Шундай қилиб, ҳатто дараҳт ва унинг уруғлари ҳам Худонинг содикларини Парвардигорнинг ажойиб кароматлари ҳақидаги ўйларга олиб келади, айни пайтда дунёвий одамлар ўз вактини на ҳозирги ҳаётида, на кейинги ҳаётида уларга бирор манфаат келтиримайдиган бекорчи мулоҳазаларга ва мантиқий хulosаларга сарфлайдилар. Улар ўзлари ўйлаб топган ғоялар билан жуда мағурурланадилар, лекин айни пайтда банъян дараҳтининг дунёга келиши мўъжизасини муносиб қадрлай олишга қодир эмаслар. Бу файласуфларнинг ҳаммаси моддий олам тутқунлигига мангу маҳкум бўлган баҳтиқаро руҳлардир.

### Текст 40

Нутқ, акл ва ўзлик, уларни бошқарадиган фаришталар билан бирга Парвардигорни англаб етишга интилиб бирор муваффакиятга эриша олмадилар. Шунинг учун бизлар соглом фикрга бўйсунган ҳолда чукур эҳтиром билан Унинг олдида бош эгамиз.

Изоҳ: Ўша қурбақага ўхшаб, мустақил ҳолда Парвардигорнинг қудратини англашга интилиб вактини кетказиб юрган кишилар эътиroz билдириши мумкин: агар Мутлақ Зотни ҳатто нутқ, акл ва ўзликни бошқарадиган фаришталар, яъни Ведалар, Браҳма ва Рудра ҳамда, Брихаспати бошлиқ бошқа фаришталар ҳам англаб етишга қодир бўлмаса, нима сабабдан Худонинг содиклари ана шу англаб бўлмас Зотга бунчалик қизикадилар? Бунга жавоб шундан иборатки, эмпирик-файласуфлар ва имонсизлар Худонинг содиклари Парвардигорнинг эрмакларини таърифлаганда хис қиласиган илохий жазавали лаззатдан тотиб кўрмаганлар. Илохий лаззат нималигини билмайдиган эмпирик-файласуфлар тушунадиларки, уларнинг фикр-мулоҳазалари ва ўйлаб топган ғоялари умуман ҳақиқатдан йироқ эканини ва уларга ҳақиқий мамнуният олиб келмаслигини тушуниб етганларида, уларнинг бу ғояларга бўлган қизиқиши албатта сўниб кетади. Худонинг содиклари Мутлақ Ҳакиқат – Олий Шахс Худо эканини биладилар, буни ведавий мадхиялар ҳам тасдиқлайди: ом тад вишноҳ

парамам падам сада пашянти сурайах. "Бҳагавад Гита"(15.15)да ҳам шу ҳақда айтилган: ведаиш ча сарваир ахам эва ведйах. Ведавий донишмандлик илмини англаб етиш ахам("мен") деган иборанинг чалкаш тушунчаларига эмас, балки Парвардигор Шри Кришнани танишга олиб келади. "Бҳагавад Гита"(18.55)да Парвардигор айтадики, Олий Ҳақиқатни англаб етиш мумкин бўлган ягона усул – Худога садоқат билан хизмат қилиш: бҳактъя мам абхиджанати йаван йаш часми таттватах. Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга олий ҳақиқат Худо Шахси, Брахман ва Параматма – Парвардигорнинг қисман кўринишлари эканини англаш имкониятини беради. Мана шу Ҳақиқатни бу ерда буюк донишманд Майтрея ҳам тасдиқлади. Қалби чукур садоқатга тўлиб, у Олий Шахс Худо(бҳагавата) олдида бош эгади. Парвардигорнинг Брахман ва Параматмадан устун туродиган олий кўринишини англашни истаган киши Майтрея ва Видура, Махараж Паришит ва Шукадева Госвами синагри Худонинг содиклари изидан бориши ва ҳётини Парвардигорга илоҳий садоқат билан хизмат қилишга багишлиши лозим.

*Бҳактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ "Фазовий қиёфани яратши" деб аталадиган олтинчи бобига изоҳлари шундай якунланади.*

## **Еттинчи боб Видура савол беришда давом этади**

### **Текст 1**

Шукадева Госвами шундай деди: Эй шоҳ, буюк донишманд Майтрея бу гапларни гапирганида, Двайпаяна Въясанинг ўғли, ўзининг донишмандлиги билан шуҳрат қозонган Видура одоб билан унга навбатдаги саволни берди.

### **Текст 2**

Видура шундай деди: Эй буюк брахман, агар Парвардигор, Олий Шахс Худо тўла бутун рухий, ҳамиша ўзгармай қоладиган Зот бўлса, қандай қилиб У моддий табиат гуналари ва уларнинг фаолияти билан боғланган? Агар буларнинг ҳаммаси – Унинг эрмаклари бўлса, ўзгармас бўлган ҳолда У қандай қилиб Ўзининг кароматларини кўрсатади ва моддий табиат сифатларидан маҳрум бўлган ҳолда Ўзининг сифатларини намоён этади?

Изоҳ: Аввалги бобда айтилганидек, Олий Рух билан тирик мавжудотлар орасидаги фарқ шундан иборатки, Парвардигор Ўзининг сон-саноқсиз кувватлари ёрдамида моддий оламни яратади, тирик мавжудотларни эса, У яратган олам йўлдан адаштиради. Демак, Парвардигор барча

кувватларни бошқариб туради, тирик мавжудот эса, уларнинг ҳукми остида. Парвардигорнинг илоҳий фаолияти ҳақидаги ўзининг саволлари билан Видура Парвардигор Ўзининг қиёфаларидан бири сифатида ерга тушганда ёки бу ерда Ўзининг кувватлари билан бирга Ўзи пайдо бўлганида, ҳудди оддий тирик мавжудот сингари майя таъсири остига тушиб қолади деган нотўғри тасаввурни инкор этади. Бундай дунёқарашларни одатда, Парвардигор ҳам бошқа тирик мавжудотлар билан бир қаторда туради деб биладиган калтафаҳм файласуфлар қўллаб-кувватлайдилар. Кейинроқ Видура билиб оладики, буюк донишманд Майтрея бундай тасаввурларнинг бутунлай асоссиз эканини исботлаб беради. Мазкур шеърда Парвардигор чин-матра, яъни "мутлако рухий" деб аталган. Парвардигор кўплаб ўткинчи ва мангу ғаройиб оламлар яратиш имконини берадиган сон-саноқсиз кувватларга эга. Моддий оламни Парвардигорнинг ташки куввати яратган, шу боис у ўткинчи, вақтингчалик бўлиб туюлади; "Бҳагавад Гита"(8.19)да айтилганидек: бҳутва бҳутва пралийате, у маълум бир вақт оралиғида яратилади, маълум вақт мавжуд бўлиб туради, кейин яксон бўлиб яна Парвардигор кувватига қўшилади. Аммо, Парвардигорнинг ички куввати яратган рухий олам, моддий оламдан фарқли равишда вақтингчалик яратилган эмас, - у мангу ва илоҳий илмга, бойлика, кучга, кувватга, гўзалликка ва ажойиботга тўла. Парвардигорнинг кувватларининг бундай намоён бўлишлари мангу, шунинг учун уларни ниргуна – моддий табиат гуналари, ҳатто моддий эзгулик гунаси аралашмаган деб атайдилар. Рухий олам ҳатто моддий эзгулик гунасига нисбатан ҳам илоҳий табиатга эга, шунинг учун у ўзгармайди. Агар, сифатлари мангу ва ўзгармас Парвардигор моддий табиат қонунларига бўйсунмаса, Унинг кароматлари ва қиёфаси ҳам бошқа тирик мавжудотларнинг тана ва ҳаракатларига ўхшаб алдамчи кувват, майя таъсири остида бўлади деб тахмин қилишга бизда қандай асос бўлиши мумкин?

Моҳир жодугар ёки фокусчи кўплаб мўъжизалар кўрсатиши мумкин. сеҳрли ҳаракатлар билан у масалан сигирга айланни мумкин, гарчи у ўзи сигирга айланмаса ҳам, у томошабинларга кўрсатган сигир унинг ўзидан фарқ қилмайди. Ҳудди шундай, моддий кувват Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди, чунки У шу кувватнинг манбаи ҳисобланади, лекин айни пайтда, ана шу кувватнинг намоён бўлиши Парвардигор эмас. Илоҳий илм ва Парвардигорнинг куввати ҳамиша ўзгармас, Ҳатто Парвардигор уларни моддий оламда намоён қилганда ҳам улар ўзгармас бўлиб қолаверади. "Бҳагавад Гита"да айтилганидек, Парвардигор моддий оламга Ўзининг ички куввати ёрдамида келади, демак, Унинг ўзгариши, моддий иллатлар таъсири остига тушиб қолиши ёки моддий табиат гуналарининг таъсирини Ўзида ҳис қилиши

ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ўзининг ички қувватига нисбатан Парвардигор сагуна, лекин айни пайтда У - ниргуна, чунки ҳеч қачон моддий қувват билан аралашмайди. Қамоқхонанинг қатъий қонунлари шоҳ қабул қилган қонунлар асосида қамалган маҳбусларга тааллуқли, аммо улар ҳатто шоҳ ўз хоҳиши билан қамоқхонага келганда ҳам бу қонунлар унга таъсир қилмайди. “Вишну-пурана”га асосан, Парвардигорнинг олти фазилати Унинг Ўзидан фарқ қилмайди. Илоҳий илм, куч, бойлик, қудрат, гўзаллик ва таркидунёлиқ Олий Шахс Худо билан бир. Парвардигор моддий оламда ана шу фазилатларини намоён этганида улар моддий табиат гуналари билан боғлиқ бўлмайди. Чинматратва ибораси шуни билдирадики, Парвардигорнинг кароматлари ҳамиша, ҳатто У уларни моддий оламда амалга оширса ҳам илоҳий табиатли бўлиб қолаверади. Парвардигорнинг кароматлари Унинг Ўзидан фарқ қилмайди, акс ҳолда улар Шукадева Госвами сингари озодликка чиккан содикларга бунчалик қизиқарли бўлмасди. Видура бу ерда савол беряптики, баъзи ғофил одамлар айтганларидек, Парвардигорнинг кароматларига моддий табиат гуналари таъсир қиладими. Моддий сифатларнинг булғайдиган таъсирининг асосида моддий тананинг рухий табиатга эга бўлган рухдан фарқ қилишида. Шартланган рухнинг фаолияти моддий табиат гуналари воситасида амалга ошади, шунинг учун бузилган кўринишида бўлади. Аммо, Парвардигорнинг танаси ва Парвардигорнинг Ўзи бир биридан фарқ қилмайди, шунинг учун Парвардигор кўрсатган кароматлар ҳам Унинг Ўзи билан бир. Шундай қилиб, Парвардигорнинг кароматларини моддий фаолият деб юрган кишилар албатта, адашадилар.

### Текст 3

Болалар бир бирлари билан ўйнаб юрадилар, ҳар хил эрмак ва ўйинлар билан вакт ўтказадилар, бунга уларнинг истаклари ундейди. Аммо, Парвардигорда бундай истаклар пайдо бўлиши мумкин эмас, чунки У ҳамиша Ўзидан мамнун ва ҳеч нарсага боғланмаган.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Парвардигор бир ва ягона, бутун борлиқда Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким йўқ. Худди иссиқлик ва ёруғлик кўринишида ўзини тарқатадиган олов сингари, Ўзининг қувватлари ёрдамида У Ўзини жуда кўп қиёфаларда – шахсий ва ажralган экспансияларда тарқатади. Ягона Парвардигорнинг Ўзидан бошқа ҳеч нарса мавжуд бўлмагани туфайли бошқа нарсалар билан бўладиган муносабатининг моҳияти Унинг Ўзининг Ўзига бўлган муносабатидир. "Бҳагавад Гита"(9.4) Парвардигор шундай дейди: "Бутун борлиқ Парвардигорнинг шахсиятсиз кўринишдаги экспансиясидир. Бутун борлиқ Унда жойлашган, аммо У ҳамма нарсадан ташқарида". Парвардигорнинг боғланиши ҳам, боғланмаслиги ҳам мана шунда намоён бўлган: У

бутун борлиқ билан боғланган, айни пайтда унга боғланмаган.

### Текст 4

Моддий табиатнинг уч гунасидан таркиб топган Ўзининг мустақил мавжуд қуввати ёрдамида Парвардигор мана шу оламни яратди. Шу қувват ёрдамида У оламнинг мавжудлигини таъминлаб турди, ҳаммасини қайтадан бошлаш учун У оламни яксон қиласди.

Изоҳ: Парвардигор моддий оламни Парвардигорга тақлид қилиб, Худо бўлишга интилиш истаги билан ёниб юрган тирик мавжудотлар учун яратади. Моддий табиатнинг уч гунаси шартланган рухларни яна ҳам кўпроқ адаштириш учун зарур. Алдамчи қувват адаштириб кўйган ва ўзининг руҳий табиатини унуган тирик мавжудот ўзини моддий оламнинг бир қисми деб ҳисоблади ва умрлар оша моддий фаолият тўрларига тобора кўпроқ ўралиб қолаверади. Парвардигор моддий оламни Ўзи учун яратган эмас, балки Парвардигорнинг бериб кўйган чекланган эркинлигини сунистъмол қилиб, ўзлари ҳукмдор бўлишни истаб қолган шартланган рухлар учун яратган. Шу тариқа шартланган рух моддий оламга тушиб қолади ва бу ерда такрор ва такрор туғилиш ва ўлишга мажбур бўлади.

### Текст 5

Пок рух соғ онгдир, шунинг учун ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда у соғ онгини йўқотмайди. Рухни на замон, на бирор вазият, на уйқу онгдан маҳрум қила олмайди. Унда қандай қилиб у ғофиллик таъсирига тушиб қолади?

Изоҳ: Бу шеърда айтилганки, онг тирик мавжудотнинг мангуброҳидир, ва у ҳамиша, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзгармас бўлиб қолаверади. Бир жойдан иккичи ўтиб юрар экан, одам ўзининг фазодаги ҳолати ўзгарганини англайди. Электр синағри у ҳамиша мавжуд – ўтмишда, ҳозир ва келажакда. Инсон ўзиниг хотирасида аввал бошидан ўтган воқеаларни сақлаб қолади, ўзининг ўтмишдаги тажрибаси асосида келажакни олдиндан билиши мумкин. Ҳеч қачон, ҳатто энг қийин шароитларда ҳам у ўзининг “мен” деган онгини йўқотмайди. Ундей бўлса, тирик мавжудотни ўзининг ҳақиқий “мен”ини, у аслида руҳий табиатга эга пок жон эканини унтишга ва ўзини моддий тана деб ҳисоблашга нима мажбур қиласди? Кўриниб турибдики, бу фақат қандайдир ташки таъсиrlар остида юзага келиши мумкин. Шундай қилиб, биз тирик мавжудот авидий қувватининг таъсирига тушиб қолади деган хуносага келамиз. Бундай хуроса “Вишну-пурана”да ҳам, “Шримад Бҳагаватам”нинг бошида ҳам тасдиқланади. “Бҳагавад Гита”(7.5)да тирик мавжудот пара пракрити деб, “Вишну-пурана”да эса – пара шакти деб аталган. Парвардигорнинг қуввати сифатида тирик мавжудот Унинг ажалмас зарраси

хисобланади. Қувват манбаи ўзида кўплаб қувватларни мужассам қилиши мумкин, аммо улардан бирортаси қувват манбаига тенг бўла олмайди. Бир қувват ўзига бошқа бир қувватни бўйсундириши мумкин, лекин уларнинг ҳаммаси ҳар қандай ҳолатда ҳам қувват манбанинг ҳукми остидалигича қолаверади. Парвардигорнинг жива қуввати, яъни кшетрагъя-шактиси авидий-кармасамджна деб аталадиган ташки қувват таъсирига берилувчан бўлади. Шундай қилиб, жива моддий тирикчиликнинг оғир шароитларига тушиб қолади. Тирик мавжудот то авидий қувватининг таъсири остига тушиб қолмагунча ўзининг ҳақиқий табиатини унута олмайди. Тирик мавжудот авидий таъсирига берилувчан бўлгани боис, у ҳеч қачон қувватнинг олий манбаига тенг бўла олмайди.

#### Текст 6

Парвардигор Олий Рух қиёфасида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд. Унда нимага тирик мавжудотларнинг ҳаракатлари уларга фақат мусибат ва баҳтсизлик келтиради?

Изоҳ: Видуранинг Майтреяга берган навбатдаги саволи шундай: “Парвардигор Олий Рух сифатида ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлишига қарамай нимага тирик мавжудотларнинг бошига шунча баҳтсизлик ва мусибатлар ёғилади?” Тирик мавжудотнинг танасини меваларга тўла дарахтга ўҳшатадилар, тирик мавжудот ва Парвардигорнинг Параматма кўринишини эса – ана шу дарахт шоҳаларида ўтирган икки қушга ўҳшатадилар. Алоҳида рух дарахт меваларидан ейди, Параматма, Парвардигор эса унинг ҳаракатларини кузатиб туради. Ҳукумат жамият тартибини назорат қилмай қўйганида фуқаролар бундан мусибат чекканлари тушунарли ҳол, лекин қандай қилиб бир фуқаро иккинчи фуқарога шоҳнинг кўзи олдида зарар етказиши мумкин? Бошқа томондан, жива, тирик мавжудот сифат жиҳатидан Парвардигор билан бир, шунинг учун ғофиллик уннинг соғ онгда бўлган пайтда эга бўлган илмини қоплаб ололмайди, айниқса Парвардигорнинг Ўзи иштирок этиб турганида бундай бўлиши мумкин эмас. Шундай экан қандай қилиб тирик мавжудот ғофиллик иллатига ботиши ва майя чангалига тушиб қолиши мумкин? Парвардигор – барча тирик мавжудотларнинг отаси ва ҳимоячиси, Уни бхута бҳрит, яъни “барча тирик мавжудотларнинг пособони” деб атайдилар. Нимага унда тирик мавжудотлар бошига шунча мусибат ва баҳтсизликлар бўлиши мумкин эмас, лекин аслида ҳамма жойда шундай бўляпти. Шунинг учун Видура Майтреядан шу саволга жавоб олишни истаяпти.

#### Текст 7

Эй буюк донишманд, ана шу ғофиллик сабабли юзага келган мусибатлар мени ақлдан адаштириб

кўйди, шунинг учун сендан менинг гумонларимни тарқатиб юборишингни илтимос киласман.

Изоҳ: Видура бу ерда айтаётгандай, кўплар ана шундай аросатга тушиб қолиши мумкин, лекин ҳамма тирик мавжудотлар эмас. Агар ҳамма тирик мавжудотлар бирдай ақлдан адашсалар, бундай ахволдан чиқишинг иложи бўлмасди. Одатда одамларга бундай ахволдан чиқиш йўлини буюк зотлар кўрсатади.

#### Текст 8

Шри Шукадева Госвами деди: Эй шоҳ, қизиқувчан Видуранинг саволларидан ҳаяжонга тушган Майтрея, лол бўлиб қолгандай эди, лекин, сал вақтдан кейин у Видуранинг саволларига дадил жавоб бера бошлади, чунки бутунлай Худонинг онгиди эди.

Изоҳ: Донишманд Майтрея бутунлай Худонинг онгиди эди, шу боис у Видуранинг бир бирига зиддай бўлиб кўринган саволларидан ҳайратга тушишга асоси йўқ эди. Шунинг учун гарчи Майтрея, Парвардигорнинг камтарин содик хизматкори ўзини бу саволлар уни боши берк кўчага киритиб қўйгандай қилиб кўрсатса ҳам, дарров ўзига келиб Видуранинг саволларига аник жавоб бера бошлади. Йасмин виджнате сарвам эвам виджнатам бхавати. Ҳар қандай содик хизматкор Парвардигор ҳақида бироз илмга эга, Худога садоқат билан хизмат қилиш унга Худонинг марҳамати билан қолган ҳамма нарсани билиб олиш имконини беради. Гарчи баъзан содик хизматкор ўзини ғофил инсон деб атаса ҳам, у ҳамма нарсани, ҳатто энг мушкул муаммоларни ҳам ҳал қила олади.

#### Текст 9

Шри Майтрея деди: Баъзи шартланган руҳлар шундай гояни илгари сурадиларки, унга кўра Олий Браҳман, Худо Шахси майя, алданиш таъсири остида бўлади, айни пайтда улар Худони ҳеч нарса билан шартланмаган деб ҳисоблайдилар. Бундай тасаввурлар ҳар қандай мантиқка зид.

Изоҳ: Баъзан одамлар, табиатига кўра бутунлай руҳий бўлган Парвардигор алоҳида руҳни илмдан маҳрум қиласидан алдамчи қувватнинг манбаи бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблайдилар. Аслида эса, алдамчи, ташки қувват албатта, Парвардигорнинг сифатларидан бири. Въясадева Парвардигорни кўрганида Унинг ёнида у Парвардигорнинг алоҳида тирик мавжудотларнинг пок илмини қоплаб оладиган ташки қувватини ҳам кўрди. Нимага ташки қувват бошқача эмас, айнан шундай ҳаракат қиласи, буни “Шримад Бҳагаватам”га изоҳ ёзган буюк содиклар Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура ва Шрила Жива Госвамиларнинг таҳлилига асосланиб тушунтириш мумкин. Гарчи моддий, алдамчи қувват руҳий қувватдан фарқ қиласа ҳам, барибир у Парвардигорнинг сон-саноқсиз қувватларидан

бири, шунинг учун моддий табиат гуналари, шубҳасиз, Парвардигорнинг Ўзининг сифатлари ҳисобланади. Қувват ва унинг манбаи, Худо Шахси бир биридан фарқ қилмайди, аммо ташки қувват ва Парвардигор бир бўлишига қарамай, Парвардигор ҳеч қачон Ўзида унинг таъсирини ҳис қилмайди. Тирик мавжудотлар Парвардигорнинг ажралмас зарралари, лекин улар Парвардигорнинг Ўзидан фарқли равишда моддий қувват ҳукми остида бўладилар. "Қурбақа фалсафаси"нинг издошлари Парвардигорнинг "Бҳагавад Гита"(9.5)да айтилган англаб бўлмас йогам ишварамини тўғри тушунишга қодир эмаслар. Ўзининг Нараяна гўё даридра-наряна, қашшоқ одам бўлади деган ғоясини асослаш учун улар гўё Парвардигор моддий қувват таъсири остига тушиб қолади деб айтадилар. Шрила Жива Госвами ва Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура мана шу тушунмовчиликка барҳам берадиган жуда ажойиб мисол келтирадилар. Улар айтадиларки, қуёш бутунлай ёруғликдан таркиб топган, шунга қарамай, булутлар, зулмат ва қор ҳам қўёшнинг ажралмас қисмларидир. Агар қуёш бўлмаса, осмонни булут қопламасди, туман тушмасди, қор ёғмасди. Қуёш ер юзида ҳаётни таъминлаб туради, аммо шу қуёш юзага келтирган зулмат ва қорлар баъзан ҳаёт оқимини тўхтатиб қўяди. Лекин, шуниси аниқки, на зулмат, на булутлар, на қорлар ўзлари учун ҳамиша узоқда бўлган Қўёшнинг ўзига ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайдилар. Фақат ғофил одамлар қуёшни булут қоплади, ё қуёш зулматга фарқ бўлди деб айтишлари мумкин. Худди шундай Олий Браҳман, Парабраҳман, Худо Шахси ҳеч қачон моддий қувват таъсири остига тушиб қолмайди, гарчи моддий қувват Унинг қувватларидан бири бўлса ҳам.

Олий Браҳман алдамчи қувват таъсири остига тушиб қолади деган ғоянинг ҳеч қандай асоси йўқ. Булутлар, зулмат ва қорлар фақат қуёш нурларининг арзимаган қисмини қоплаб олиши мумкин. Худди шундай моддий табиат гуналари фақат қуёш нурига ўхшаган тирик мавжудотларга таъсир килиши мумкин. Моддий қувват тирик мавжудотнинг соғ онгини қоплаб олиб уни мангу лаззатдан маҳрум қилганида, бу – тирик мавжудот учун энг оғир баҳтсизликдир, албатта, бунинг бирор сабаби бўлади. Мана шу вазифани авидай-карма-самджна, ўзларининг чекланган эркинлигини сустеъмол қилган арзимаган кичик заррача бўлган тирик мавжудотларга таъсир қиласиган қувват бажаради. "Вишну-пурана"да, "Бҳагавад Гита"да ва бошқа ведавий муқаддас китобларда айтилганки, тирик мавжудотларни Парвардигорнинг қувватларидан бири, татастҳашакти яратган, шу боис улар ҳамиша қувват бўлиб қолаверадилар ва ҳеч қачон қувват манбаи бўлолмайдилар. Тирик мавжудотлар худди қуёш нурларига ўхшайдилар. Биз айтган эдикки, гарчи қуёш ва унинг нурлари сифат жиҳатидан бир хил бўлса ҳам, баъзан қўёшнинг булут ёки қор кўринишидаги бошқа қувватлари унинг

нурларидан кучлироқ бўлади. Шунга ўхшаб, Парвардигорнинг олий қуввати билан бир бўлган тирик мавжудотлар баъзida Уннинг қуи, ташқи қуввати таъсири остига тушиб қоладилар. Ведавий мадхиялар тирик мавжудотларни гулханнинг учқунларига ўхшатадилар. Учқунлар ҳам олов, лекин учқунларнинг ёниш кучини уларнинг манбаи бўлган гулханнинг олов кучи билан тенглаб бўлмайди. Лекин, бирор учқун ўзи учеб чиқкан гулхан олови билан тенглаша олмайди. Ёнғиннинг зарралари сифатида учқунлар унинг ичида мангу қолишли мумкин, аммо улар оловдан ажралган заҳоти, уларга мусибат ва кулфатлар ёғилади. Бу мисолдан кўриниб турибди, бошлангич олов бўлган Парвардигор ҳеч қачон қандайдир бир зотнинг таъсири остига тушиб қолмайди, аммо ана шу оловнинг кичик учқунлари алдамчи қувват, майянинг ҳукми сотига тушиб қолиши мумкин. Парвардигор Ўзининг моддий қувватининг таъсири остига тушиб қолади деган ғоядан ҳам аҳмоқона ғоя йўқ. Парвардигор моддий қувватнинг ҳукмдори ҳисобланади, аммо тирик мавжудотлар унинг ҳукми остидалар. "Бҳагавад Гита" таълимоти шундай.

Парвардигор моддий эзгулик гунаси таъсири остида бўлади деб ҳисоблайдиган "қурбақа фалсафаси"нинг издошлари гарчи ўзларини озод жонлар деб ҳисобласалар ҳам, моддий қувват юзага келтирган алданиш домига тушиб колганлар. Улар ўзларининг ўша алдамчи қуввати шипшитиб турадиган мужмал, чалкаш мисоллар билан асослашга уринадилар. Лекин уларнинг ўзлари буни тушуниб этишга қодир эмаслар, чунки ўзларининг илми бенуқсон эканига жуда ишонадилар.

"Шримад Бҳагаватам"(6.9.34)да шундай дейилган: Парвардигорга қаратилган илтижоларида фаришталар Унинг кароматларини англаб этиш жуда мушкул эканини, лекин, Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан самимий хизмат қилиб юрган кишилар қандайдир даражада уларни тушуниши мумкин. Фаришталар тан оладиларки, Парвардигор модданинг ёки моддий оламнинг таъсирига берилмайди, шунга қарамай, фаришталар орқали ҳаракат қилиб, У моддий оламни яратади, мавждулигини таъминлаб туради ва яксон қиласи.

## Текст 10

Тирик мавжудот ўзини сохта қиёслаши оқибатида изтироб чекади. Аслида, худди тушида калласини олаётган кишининг бундан ташвишланиши ўринисиз бўлгани сингари, унинг ҳам ташвишланишига ҳеч қандай асос йўқ.

Изоҳ: Бир куни дарсда ўқитувчи ўқувчига пўписа қилиб, унинг калласини олиб, унга сабоқ бўлиши учун уни кўзининг олдида осиб қўйишини айтибди. Бола қўрқиб кетганидан шўхлик қилишни тарқ этибди. Худди шундай, шартланган руҳнинг азобланишининг ва ўзини тана деб

билишининг сабаби – Худонинг амрига қарши чикқан итоатсиз тирик мавжудотни жиловлаб оладиган Парвардигорнинг ташқи кувватининг таъсиридир. Аслини олганда тирик мавжудотни туткун қилишнинг, унга бирор озор беришнинг ёки уни соф онгдан маҳрум қилишнинг иложи йўқ. У соф онгда бўлган холда ўзининг ҳозирги ҳолати ҳақида жиддий ўйлаб қараса, у шу заҳотиёқ ўзининг ҳамиша Парвардигорнинг марҳаматига муҳтож эканини ҳамда Худо билан қўшилиб бир бўлиб кетишга интилиши бемаъни эканини тушуниб етади. Тирик мавжудот умрлар оша ўзининг кучини моддий табиат устидан хукмронлик қилишга ва моддий оламнинг хукмдори бўлишга интилиб бекорга сарфлаб келади, аммо бунда бирор сезиларли натижага эришмайди. Ниҳоят ана шу максадга эришишдан ҳафсаласи пир бўлиб, у моддий фаолиятдан юз ўгиради ва вақтини катта топқирлик талаб қиласидиган, лекин бирор муваффақият олиб келмайдиган фалсафий изланишлар билан ўтказиб, Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилади.

Инсонни шундай ҳаракат қилишга Парвардигорнинг алдамчи куввати мажбур киласиди. Бунда унинг ҳолатини худди тушида бирор калласини олаётган кишининг аҳволига қиёслаш мумкин. Тушида бирор калласини олган киши ўзининг калласини кесилган кўради. Одамнинг калласини ҳақиқатан ҳам олиб ташлаганида у калласи билан бирга кўриш қобилиятини ҳам йўқотади. Демак, ўзининг калласини олганини кўриб турган киши аслида шунчаки ҳом хаёлларга боради. Тирик мавжудот ҳам ана шундай аҳволда: у ҳамиша Парвардигорнинг хукми остида, бунинг устига қалбининг тўрида у буни ҳис қилиб юради, лекин шунга қарамай, ўзим аслида Худоман, лекин майя таъсири остида буни унтиб кўйганман, деб ўйлади. Шу тариқа сароб тирик мавжудотнинг илмини қоплаб олади. Тирик мавжудотнинг ана шу ғайритабии ҳолати унинг барча мусибатларига сабабчи бўлади: шунинг учун ҳамма инсонлар табиий ҳаётга қайтишлари, яъни Худонинг содиклари бўлиши ва ўзларини Худо деб ҳисоблашдай сохта тасавурлардан холос бўлиши жуда муҳим. Ўзини Худо деб ҳисобладиган кишининг эришган сохта озодлик туйғуси – авидйанинг унинг йўлида кўйган охирги тузофидир. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Парвардигорга мангу илоҳий хизмат қилиш билан шугулланмайдиган ҳар қандай тирик мавжудот Унинг алдамчи куввати таъсири остига тушиб қолади. Аммо, ҳатто шартланган ҳаёт кечириб юриб ҳам, у барибир Парвардигорнинг мангу хизматкори бўлиб қолаверади. Майя чангалига тушган тирик мавжудотнинг шартланган ҳолатда машғул бўлиб юрган хизмати ҳам унинг ўзининг мангу табиатини, мангу хизматкор эканини намоён этишидир. Худога садоқат билан хизмат қилишга қарши чиқиб, у майянинг хизматкори бўлади. Тирик мавжудот барибир хизмат қилишда давом этади, лекин

унинг хизмати бузилган кўринишида бўлади. Охирокибатда унга моддий тутқунликдан халос бўлиш ва унинг моддий оламда хизмат қилишни тарк этиш истаги келади, бу унинг Парвардигор билан қўшилиб кетишга интилишида намоён бўлади. Бу тирик мавжудотнинг навбатдаги алданиши бўлади. Биз қила олишимиз мумкин бўлган энг яхши иш – ўзимизни Худога бутунлай топшириш ва шу йўл билан алданишнинг, майянинг таъсиридан биратула халос бўлишдан иборат. Бу ҳақда "Бҳагавад Гита"(7.14)да шундай дейилади:

### Текст 11

Худди сув юзида акс этган ой унинг сифатларига эга бўлгани сингари сиртдан қараган кишига худди у чайқалаётгандай бўлиб кўринади, худди шундай, модда билан аралашган рух ҳам гўё моддий сифатларга эга бўлгандай бўлиб туюлади.

Изоҳ: Олий Рух, Худо шахси осмонда чарақлаб турган ойга ўхшайди, тирик мавжудотлар эса Унинг сувдаги акси. Осмондаги ой қўзғалмайди, аммо унинг сувдаги акси чайқалиб туради. Аслида сув юзида акс этиб турган ой ҳам осмондаги ой сингари чайқалмаслиги керак, лекин ҳақиқий ой қўзғалмай қолаётган бўлса ҳам, сувнинг чайқалиши сабабли ойнинг акси ҳам чайқалгандай бўлиб кўринади. Аслида ой эмас, сув чайқалади. Шунга ўхшаб, тирик мавжудотлар ҳам моддий сифатлар билан булғангандай бўлиб кўринадилар: алданиш, мусибат ва изтироб – буларнинг бирортаси пок руҳда йўқ нарсалар. Мазкур шеърдаги пратийате, яъни “бўлиб кўринган”, “алдамчи” ибораси муҳим аҳамиятга эга. Ойнинг сув юзидағи акси – ойнинг ўзи эмас, унинг айрим нурлари. Парвардигорнинг ажралган, моддий тирикчилик чангалига тушган заррачалари чайқалиш хусусиятига эга бўлади, лекин Парвардигорнинг Ўзи осмондаги сувга тегмайдиган ой сингари чарақлаб туради. Бирор нарсанинг юзида акс этганда куёш ёки ойнинг нури уни ёритади ва ҳайратланса арзийдиган ҳолга келтиради. Ҳаётнинг намоён бўлиши куёш ва ойнинг нурига ўхшайди, у моддий оламни – дараҳтларни, тогларни ёритади. Калтафаҳм одамлар куёш ва ойнинг аксини ҳақиқий ёритгич деб кабул қиласидилар. Соф монизм фалсафаси асосида ана шундай тасаввур ётади. Лекин аслида куёш ва ойнинг нури гарчи мангу боғланган бўлса ҳам, куёш ва ойнинг ўзидан фарқ қиласиди. Осмонда ёйилиб турган ой нури шахсиятсиз бўлиб туюлади, лекин ойнинг ўзи, унда яшайдиган тирик мавжудотлар сингари шахс сифатларига эга. Ой нури билан ёритилган ҳар хил моддий нарсалар турли кўринишига эга, уларнинг баъзилари бошқалардан яхшироқ бўлиб кўринади. Тожмаҳалда акс этаётган ой нури, бирор чўлда акс этган ўша нурдан яхшироқ бўлиб кўринади. Бир хил ой нури нимани ёритиб турганига қараб турли хил кўринишида бўлади. Парвардигор ҳам Ўз нури билан бутун борлиқни бирдай ёритиб туради, аммо ҳар хил нарсаларда акс этиб, бу нур ҳар хил

бўлиб кўринади. Шунинг учун сув юзида акс этиб турган ой нурини ҳақиқий ой деб қабул қилмаслик ва бизни ўраб турган моддий оламга монизм фалсафаси нұқтаи-назаридан қараб, уни нотўғри тушунмаслик керак. Ой ҳам турлича чайқалиши мумкинку. Сув тинч турганида ундаги ой ҳам чайқалишдан тўхтайди. Мустаҳкам ўрнашиб олган тирик мавжудот чайқалишларга берилмайди, лекин атрофини ўраб олган моддий муҳит сабабли бу дунёдаги ҳар бир тирик мавжудот у ёки бу даражада чайқалиш хусусиятига эга.

### Текст 12

Лекин, Худо Шахси Васудеванинг марҳамати билан таркидунё қилиб, ҳаётини Худога садоқат билан хизмат қилишга бағишилаган киши астасекин ўзининг “мен”ининг табиати ҳақидаги соҳта тасаввурлардан ҳалос бўлиши мумкин.

Изоҳ: Олий Шахс Худо, Васудеванинг марҳамати билан Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши шартланган руҳларга хос бўлган, манбаи нотўғри фалсафий фикрлардан келиб чиқадиган ўзини моддага қиёслаш ёки ўзини Худо деб ҳисоблаш бўлган чайқалиш хусусиятидан ҳалос бўлиши мумкин. биринчи қўшиқда айтилган эдики, Парвардигор Васудевага, Худога садоқат билан хизмат қилиш инсонга соғ илм беради ва ҳаёт ҳақидаги моддий тасаввурлардан тезроқ ҳалос бўлишга ёрдам беради. Шу тариқа руҳ ҳозирги ҳаётининг ўзидаёқ ўзининг табиий руҳий ҳолатига эришиши ва уни чайқалишга мажбур қиладиган моддий олам шамоллари етиб боролмайдиган даражага етиши мумкин. Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараённада олинган илм тирик мавжудотни озодликка чиқарадиган йўлга олиб чиқиши мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғлиқ бўлмаган, фақат илм олиш учун ўрганишнинг ҳеч қандай маъноси йўқ. бундай холис хизмат инсонга кутилган натижка бермайди. Парвардигор Всудевани факат Худога садоқат билан хизмат қилиш мамнун қиласди, Унинг марҳаматига эришиш учун Худонинг асл содиклари билан ҳамсуҳбат бўлиш лозим. Худонинг асл содикларининг ҳеч қандай моддий ниятлари ҳам, кармали фаолияти ёки фалсафий изланишлар маҳсулига интилиш ҳам йўқ. Шунинг учун Парвардигорнинг марҳаматига эришиши истаган киши Унинг асл содиклари билан ҳамсуҳбат бўлиши лозим. Фақат ана шундай сухбатлар инсонни аста-секин унга хос бўлган чайқалишлардан ҳалос этиши мумкин.

### Текст 13

Тирик мавжудотнинг сезгилари унинг барча ҳаракатларини кузатиб турган Олий Рухда, Худо Шахсида мамнуният ҳосил қилганида ва Парвардигорга қўшилиб кетганида, у худди қаттиқ уйқудан уйғонгандай, барча мусибатлардан ҳалос бўлади.

Изоҳ: Юқорида айтилганидек, тирик мавжудотнинг ўзгарувчан бўлишига сабаб унинг сезгилариридир. Бутун моддий олам сезгиларни қаноатлантириш учун яратилганлиги сабабли, сезгилар моддий фаолият воситалари ҳисобланади ва мустаҳкам руҳни мувозанат ҳолатидан чиқариб юборади. Шунинг учун сезгиларни моддий фаолиятдан чалғитиш лозим. Имперсоналистлар руҳни Браҳманга, Олий Рухга ғарқ қилиш билан сезгиларнинг фаолиятини тўхтатадилар. Аммо Худонинг содиклари моддий сезгиларнинг фаолиятини тўхтатмайдилар, бунинг ўрнига улар ўзларининг илоҳий сезгиларини Илоҳий Зот, Олий Шахс Худога хизмат қилиш билан машғул қиласди. Ҳар қандай ҳолда ҳам илоҳийликни англаш сезгиларнинг моддий оламдаги фаолиятини тўхтатишга олиб келиши лозим. Агар иложи бўлса, шундан кейин сезгиларни Худога садоқат билан хизмат қилишда машғул қилиш лозим. Ўзининг табиатига кўра сезгилар илоҳий сифатга эга, аммо модда билан аралашгани сабабли уларнинг фаолияти булғанади. Имперсоналистлар таклиф қилганидек уларнинг фаолиятини тўхтатиш ўрнига биз сезгиларимизни моддийлик касалидан даволашимиз лозим. "Бҳагавад Гита"(2.59) айтилганки, инсон фақат юқорироқ поғонадаги фаолият билан шуғулланиб қалбида мамнуният ҳосил қиласгина ҳар қандай моддий фаолиятни тарқ эта олади. Онг ўзининг табиатига кўра фаол, унинг фаолиятини тўхтатишнинг иложи йўқ. Шўх ўйинқароқ болани бир жойда тинч ўтиришга уриниш ҳеч қандай натижка бермайди. Унга бирор фойдали ва қизиқарли машғулот топиб бериш лозим, шунда у барча шўхликларини тарқ этади. Худди шундай, сезгиларимизнинг булғанган моддий фаолиятини фақат уларни мукаммал фаолияти – Олий Шахс Худо билан боғлиқ фаолият билан машғул қилиш орқали тўхтатиш мумкин. Кўзларимиз Парвардигорнинг ажойиб жамолини кўрганида, тилимиз – Парвардигорга тақдим этилган таом қолдиқлари – прасададан тортганида, қулоқларимиз - Унинг шавкатли кароматлари ҳақидаги хикояларни тинглаганида, кўлларимиз – Парвардигорнинг эҳромларини тозалаганида, оёқлар – бизни Унинг эҳромларига олиб бораётганида, яъни барча сезгиларимиз илоҳий фаолиятнинг турли хил ишлари билан машғул бўлса, фақат шундагина илоҳий сезгиларимиз мамнуният ҳосил қиласди. ва моддий фаолият тутқунлигидан биратўла озодликка чиқадилар. Олий Рух сифатида ҳар биримизнинг қалбимизда, Олий Шахс Худо қиёфасида эса - моддий оламдан ташқаридаги илоҳий салтанатда мавжуд бўлган Парвардигор, бизларнинг барча ҳатти-харакатларимизни кузатиб туради, У бизларга Ўз марҳаматини кўрсатиб, Ўзининг меҳрибон нигоҳини ташлаши ва бизларга Унга илоҳий хизмат қилишга руҳсат бериши учун бизларнинг барча сезгиларимиз илоҳий фаолият билан машғул бўлиши лозим. Фақат шунда сезгиларимиз тўла

каноат ҳосил қиласылар ва уларни моддий оламнинг хар хил ишлари ўзига жалб қилмай қўяди.

#### Текст 14

Худо Шахси Парвардигор Шри Кришнанинг илохий номларини, шунингдек Унинг кароматлари ва бошқа нарсаларини таърифлайдиган ҳикояларни тақорорлаш ва тинглаб юриш шарофати билан инсон ўзининг чексиз мусибатларидан қутула олади. Шундай экан, қалбида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойининг анвойи гардига хизмат қилиш истаги туғилган одамлар ҳақида нима дейиш мумкин?

Изоҳ: Илохий донишмандлик илмининг жавоҳири бўлган Ведалар моддий сезгиларни жиловлаб олиш мумкин бўлган икки усулни таклиф этадилар. Улардан бири – гйана усули, яъни Парвардигорни фалсафий йўл билан Браҳман, Параматма ва Бхагаван сифатида англаш. Иккинчиси – Парвардигорга муҳаббат ва садоқат билан бевосита илохий хизмат қилиш. Мазкур шеърда, одамлар орасида кенг тарқалган мана шу икки йўлдан Худога садоқат билан хизмат қилиш афзаллиги айтилади, чунки Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши ўзининг аввалги савоб ишлари мева бера бошлишини ёки тўплаган илмлари бирор натижа беришини кутиб ўтирумайди. Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёни икки поғонада амалга ошади. Биринчи поғонада инсон ўзининг моддий сезгиларидан фойдаланиб, ишонарли муқаддас китобларда келтирилган конун-коидалар асосида хизмат қиласи, иккинчи поғонада эса, унинг қалбида Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойи гардига хизмат қилишга қаттиқ боғланиш пайдо бўлади. Биринчи поғона садхана-бҳакти деб аталади, бу поғонада янги содиклар Парвардигорнинг асл содиги раҳбарлиги остида Худога садоқат билан хизмат қиласылар. Иккинчи поғона рага-бҳакти деб аталади, бу поғонада тажрибали содик табиий равишда ўзидан ўзи, қалбидаги Худога бўлган самимий муҳаббат сабабли хизмат қиласи.

Бу ерда буюк донишманд Майтрея Видуранинг барча саволларига якуний жавоб беради: Худога садоқат билан хизмат қилиш моддий тириклилар билан боғлиқ бўлган барча мусибатлардан ҳалос бўлишнинг энг ишончли йўли. Парвардигорни фалсафий изланиш ва сехрли йога билан шуғулланиш орқали англаб этиш йўллари фақат мақсадга эришиш учун восита бўлиб хизмат қилиши мумкин, аммо улар то Худога садоқат билан хизмат қилиш билан боғланмагунча кутилган натижани бермайди. Садхана-бҳакти билан мунтазам шуғулланиб юрган содик хизматкор охир оқибатда рага-бҳакти поғонасига кўтарилади, рага-бҳакти, яъни Парвардигорга илохий муҳаббат билан хизмат қилиш эса унга шунчалик илохий қудрат ато этадики, у ҳатто хар нарсага қодир қудратли

Парвардигорга ўз ҳукмини ўтказа оладиган бўлади.

#### Текст 15

Видура шундай деди: Эй қудратли донишманд, эй ҳукмдор, сенинг ишончли гапларинг қалбимдаги Олий Шахс Худо ва тирик мавжудотларга нисбатан бўлган барча гумонларимни тарқатиб юборди. Энди менинг ақлим бу нарсаларни ҳеч қийналмай тушуна олади.

Изоҳ: Кришна, яъни Парвардигор ва тирик мавжудотлар ҳақида илмда нозик масалалар шунчалик кўпки, уларни тўғри тушуниб олиш учун ҳатто Видура сингари содик хизматкор ҳам Майтрея сингари буюк донишмандларга мурожаат қилиши лозим бўлади. Парвардигор ва тирик мавжудотларнинг ўзаро мангумуносабатларининг табиати эмпирик-файлласуфларнинг ақлида минглаб гумонлар келтириб чиқаради, лекин ягона тўғри хулоса шундай: Парвардигор ва тирик мавжудотлар ўзаро хўжайин ва хизматкор муносабатида бўладилар. Парвардигор ҳамиша ҳукмдор бўлиб қолаверади, тирик мавжудотлар эса ҳамиша Унинг ҳукми остида. Ўзининг қалбида бир пайтлар йўқотиб қўйган ўзининг ҳамиша Худонинг содик хизматкори эканлиги ҳақида тушунча, онгни қайта тиклаган кишигина Парвардигор билан ўзининг ўзаро муносабатларини тўғри тушуниб етади, ана шундай онгни қайта тиклаш имконини берадиган усул эса Худога садоқат билан хизмат қилишdir. Шундай қилиб, Майтрея сингари мўътабар зотларнинг гапларини тинглаб, ҳақиқий илмга эга бўлиш ва ўзининг тиниб-тинчимас илмини руҳий озодликка олиб чиқадиган йўлда мужассам қилиш мумкин.

#### Текст 16

Эй буюк донишманд, ўзим кутганимдай, сен менинг саволларимга ажойиб жавоб бердинг. Шартланган руҳнинг барча қийинчиликларининг сабаби Парвардигорнинг ташқи қувватининг чайқалишларидан бошқа ҳеч нарса эмас.

Изоҳ: Тирик мавжудотнинг ҳар жиҳатдан Парвардигор билан тенглашишга интилиш гуноҳи – моддий олам яралишининг асосий сабабидир. Парвардигорнинг моддий оламни яратишида бундан бошқа ҳеч қандай сабаб йўқ, бу олам Унга ҳатто бу ерда Ўзининг эрмакларини намоён этиш учун ҳам керак эмас. Парвардигорнинг ташқи қувватининг таъсири остига тушиб қолган шартланган руҳ моддий оламда унга алдамчи азоб-уқубатлар келтирадиган минглаб мусибат ва баҳтсизликларга дучор бўлади. Тирик мавжудот моддий оламда ташқи қувват, майянинг ҳукми остида бўлади, Парвардигор эса ана шу қувватнинг ҳукмдоридир. Тирик мавжудотнинг Худонинг ўрнини эгаллашга, яъни моддий қувватнинг ҳукмдори бўлишга бекорга уринишлари унинг моддий оламда тутқун бўлиб

юришига сабаб бўлади. Парвардигор билан бир бўлиб Унга кўшилиб кетиш эса – майяниг унга тайёрлаб қўйган охирги тузогидир.

### Текст 17

Моддий оламда факат энг ғофил нодонлар ва тафакур погонасидан юкори кўтарилиган донишманд кишилар баҳтиёрилар. Улар орасидаги погонани эгаллаган тирик мавжудотларпнинг ҳаммаси мусибат чекиб яшашга маҳкумдирлар.

Изоҳ: Фоғил, нодон одамлар моддий мусибат нималигини билмайдилар, улар бу дунёда яшаш билан боғлиқ бўлган мусибатларнинг келиб чикиш сабаблари ҳақида ўйламасдан, бошига тушганини кўриб умрини яшаб ўтиб кетадилар. Аслида ундан одамлар ҳайвонлардан фарқ қилмайдилар. Ривожланишнинг юқорироқ погонасида турган кишилар учун ҳайвонларнинг ҳаёти мусибатларга тўла бўлиб кўринади, аммо ҳайвонларнинг ўзлари буни англамайдилар. Масалан, чўчка баҳт ҳақида жуда оддий тасаввурга эга: у балчиқда яшайди, истаган пайтда жинсий алоқа қилиб, тириклик учун оғир кураш олиб боради, - лекин унинг ўзи буни сезмайди ҳам. Чўчқаларга ўхшаган одамлар, яъни моддий оламдаги ҳаётнинг мусибатлари ҳақида ўйламайдиган, жинсий алоқа қилиш ва кеча-кундуз тер тўкиб ишлаш имкониятини ўзи учун баҳт деб биладиган одамлар – энг нодон одамлардир. Шунга қарамай, аслида мусибат нималигини билмагани сабабли, улар шундай алдамчи “баҳт”дан лаззатланиб яшайдилар. Бу дунёда ҳақиқий баҳтиёр одамлар – парамахамсалар, яъни озодликка эришган, онгнинг тафакур сатҳидан юкори кўтарилиб, илоҳий погонада юрган одамлардир. Улар орасидаги одамлар, яъни чўчка ва итларга ўхшаб яшамайдиган, лекин ҳали парамахамса даражасига етмаган одамлар сон-саноқсиз моддий азоб-уқубатларга дучор бўладилар ва шу боис улар Мутлақ Ҳақиқат ҳақида савол беришлари керак бўлади. “Веданта-сутра”да шундай дейилган: атхато брахма-джижнаса – “Браҳман ҳақида савол бериш вақти келди”. онгининг ривожланиш даражаси парамахамсалар билан ҳиссий лаззатланишлар уммонига фарқ бўлиб, руҳий ўзликни англаш нималигини бутунлай унугтиб қўйган аҳмоклар орасида турган кишиларнинг ҳаммаси Браҳман, Худо ҳақида савол беришлари лозим.

### Текст 18

Лекин мен, эй ҳукмдорим, сенинг олдингда жуда қарзорман, чунки сен туфайли мен бизга шунчалик ҳақиқийдай бўлиб қўринган моддий олам аслида алдамчи, ўткинчи эканини тушуниб олдим. Сенинг нилуфар қадамларнинг пойига хизмат қилиш билан мен ниҳоят бу адашишларимдан халос бўлишимга заррача шубҳа қилмайман.

Изоҳ: Шартланган руҳнинг азоб-уқубатлари худди тушида кимdir унинг калласини олаётганини кўраётган кишининг қийналишлари сингари алдамчи ва ҳеч қандай асосга эга эмас. Гарчи назарий жихатдан бу гоя – аниқ ҳақиқат бўлса ҳам, оддий инсон ёки иоҳий юксалишнинг бошида турган янги содикнинг буни амалда англаб этиши жуда қийин. Лекин, Майтрея Муни сингари буюк илоҳиёт кишиларининг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиб, улар билан мунтазам сухбат қилиб, инсон ўзини пок руҳ моддий мусибатилардан кийналади, деб ўйлашга мажбур қиладиган адашишдан халос бўла олади.

### Текст 19

Руҳий устознинг нилуфар қадамлари пойига хизмат қилиб юрган киши иблис Мадхунинг ашаддий душмани, Парвардигорга хизмат қилишнинг илоҳий жазавали погонасига кўтарилади. Унга садоқат билан хизмат қилиб барча моддий мусибатлардан халос бўлиш мумкин.

Изоҳ: Буюк донишманд Майтрея сингари ҳақиқий руҳий устоз билан ҳамсухбат бўлиш, шубҳасиз, инсоннинг қалбида Парвардигорга шахсан хизмат қилишга илоҳий боғланиш туйғусини ривожлантиришга қодир. Парвардигор иблис Мадхунинг душмани ҳисобланади, бошқача қилиб айтганда, У – Ўзининг асл содик хизматкори дуч келадиган мусибатлар душмани. Бу шеърдаги рати-расах ибораси муҳим аҳамиятга эга. Парвардигорга ҳар хил илоҳий раса(муносабат)ларда хизмат қилиш мумкин. Бу муносабатлар ўзаро даҳлсиз муносабатлар, хўжайин ва хизматкор, ўзаро дўстлик, қариндош ва ишқий муносабатлар бўлиши мумкин. Озодликка чиккан, Парвардигорга илоҳий хизмат қилиб юрган тирик мавжудот ана шу расаларнинг бирига боғланиб қолади, Худога илоҳий хизмат қилишга фарқ бўлиб, у табиий равишда моддий оламдаги хизмат турларига боғланишдан халос бўлади. "Бҳагавад Гита"(2.59)да шундай дейилган:

### Текст 20

Риёзат чекиши истамайдиган кишилар Худонинг даргоҳига, Вайкунтха сайёralарига олиб борадиган йўлдан бораётган Худонинг асл содикларига хизмат қилиш имкониятига эга бўлолмайдилар. Асл содиклар Олий Шахс Худони, фаришталарнинг Парвардигори ва барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдорини бетиним олқишлиб юрадилар.

Изоҳ: Барча мўътабар зотлар тан оладиларки, инсонни озодликка чикарадиган йўл – маҳатмаларга хизмат қилишдан иборат. "Бҳагавад Гита"нинг таърифлаши бўйича Вайкунтхага, Худонинг даргоҳига элтувчи йўлдан бораётган асл содиклар маҳатма ҳисобланадилар; улар тинмасдан Парвардигорни шарафлаб куйлайдиган ҳикояларни тинглаб, бошқаларга такрорлаб

юрадилар ва бемаъни, натижасиз фалсафий таълимотларни муҳокама қилиш билан умуман қизиқмайдилар. Қадимдан барча донишманд ва авлиё зотлар Худонинг асл содиклари билан ҳамсухбат бўлиш зарурлигини таъкидлаб келадилар, лекин Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабху бундай сухбатлар айникса ҳозирги даврда – ўзаро жанжаллар, ёлғон ва иккюзламачилик даврида жуда муҳимлигини алоҳида уқтиради. Ҳатто, ҳали етарлича риёзат чекиб савоб тўпламаган кишилар ҳам, агар Парвардигорнинг улуғворлиги ҳакида хикоя қиласиган асанларни тинглаб, такрорлаб юрадиган маҳатмалар билан ҳамсухбат бўлиб юрсалар Худонинг даргоҳига олиб борадиган йўлдан жадал юксала оладилар.

#### Текст 21

Моддиқ қувват бирикмаси, маҳат-таттвани яратиб, унинг ёрдамида сезгилар ва сезиш органларига эга бўлган баҳайбат фазовий қиёфасини намоён этиб, Парвардигор унинг ичига кирди.

Изоҳ: Донишманд Майтреяning жавобларидан тўла қаноат ҳосил қиласиган Видура Парвардигор оламни яратиш жараёнини қандай қилиб охирига етказганини билиб олмоқчи эди, шунинг учун у яна улар аввал муҳокама қиласиган мавзуга қайтди.

#### Текст 22

Сабаблар уммонида ётган Пурушанинг қиёфасини моддий оламнинг бошланғич пурушаси деб атайдилар, ўзида яшайдиган барча тирик мавжудотлар билан бирга барча сайёralарни ичига олган виарат-рупасининг минглаган қўл-оёклари мавжуд.

Изоҳ: Биринчи пуруша – Каранодакашайи Вишну, иккинчи пуруша – Гарбходакашайи Вишну, учинчи – Кширодакашайи Вишну. Кширодакашайи Вишнуда барча тирик мавжудотлари ва табиий бойликлари билан бирга ҳамма сайёralардан такриб топган фазовий қиёфа – виарат-пурушани кўриш мумкин.

#### Текст 23

Эй буюк браҳман, сен айтдингки, Парвардигорнинг баҳайбат виарат-рупаси, Унинг сезги органлари, сезиладиган нарсалар ва ҳаёт нафасининг ўн оқими ҳаёт қувватининг уч тури билан бирлашади. Илтимос энди менга ана шу тоифа қувватларнинг ҳар бири эга бўлган кучлар ҳакида гапириб бер.

#### Текст 24

Менимча, эй ҳукмдор, ўғилларда, невараларда ва бошка қариндошларда мужассам бўлган қувват турли хил ҳаёт шаклларида бутун коинот бўйлаб туркалиб кетган.

#### Текст 25

Эй билимдон браҳман, илтимос, менга қандай қилиб фаришталар сардори Праджапати, маъбуд Браҳма даврлар ҳукмдорлари бўлган Мануларни дунёга келтиришга қарор қилгани ҳакида гапириб бер. Илтимос, шунингдек ана шу Мануларни ва уларнинг авлодларини таърифлаб бер.

Изоҳ: Инсониятнинг, яъни манушья-сарапнинг бобокалони Манулар – Праджапати Браҳманинг Ману ўғил ва неваралари хисобланади. Манунинг авлодлари ҳар хил сайёralарда яшаб оламни бошқариб турадилар.

#### Текст 26

Эй Митранинг ўғли, менга Ер сайёрасидан юкорида ва пастда жойлашган сайёralар, уларнинг ўлчамлари ҳакида, шунингдек ерсимон сайёralарнинг ўлчамлари ҳакида гапириб бер.

Изоҳ: Йасмин виджнате сарвам эвам виджнатам бхавати. Бу ведавий мадҳияда айтилганки, Худонинг содик хизматкори бутун борлиқни Парвардигор билан боғлиқ ҳолда кўриб, ҳам моддий, ҳам руҳий оламдаги ҳамма нарсани билади. Баъзи бир калтафаҳм одамлар нотўғри тахмин қиласигандай Худонинг содиклари факат ўзларининг туйғулари билан чекланиб қолмайдилар. Улар ҳар бир ишга амалий жихатдан ёндошадилар. Улар ҳамма нарсани биладилар, улар Парвардигор Ўзининг сон-саноқсиз оламларини қандай қилиб бошқариб туришини ипидан игнасиғача биладилар.

#### Текст 27

Илтимос, менга тирик мавжудотларнинг ҳар хил турлари – ҳайвонлар, одамлар ҳакида, уруғликдан, тердан, иккибор туғиладиган(куш)лар, ўсимликлар ва мевалар ҳакида гапириб бер. Уларнинг келиб чикиши ва турлари ҳакида гапир.

#### Текст 28.

Менга моддий табиат гуналарининг тимсоллари – Браҳма, Вишну ва Махешвара ҳакида, шунингдек Олий Шахс Худонинг намоён этган қиёфалари ва Унинг шавкатли кароматлари ҳакида гапириб бер.

Изоҳ: Браҳма, Вишну ва Махешвара, моддий табиат гуналарининг уч тимсоли – моддий оламни яратиш, мавжудлигин таъминлаб туриш ва яксон қилиш жараёнларини бошқариб турадиган илоҳлардир, лекин улар бутун борлиқнинг олий ҳукмдор эмаслар. Олий мақсад, барча сабабларнинг сабабчиси Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна бўлади. У – ашрайа, бутун борлиқнинг охирги нажот макони.

#### Текст 29

Эй буюк донишманд, менга инсонлар жамиятининг табака ва турмуш-тарзи ҳакида, ана шу табака ва турмуш-тарзига мансуб кишиларнинг асосий вазифа ва ҳаёти ҳакида, шунингдек улар қай даражада ақли ва ҳиссиётини жиловлаб олиши

ҳақида гапириб бер. Ведаларнинг турли бўлимлари ва буюк донишмандлар қандай пайдо бўлгани ҳақида ҳам гапириб бер.

Изоҳ: Инсонлар жамиятини тўрт табақа ва тўрт турмуш тарзига бўлиш одамларнинг сифатларига, уларнинг маданияти ва таълим-тарбиясининг даражаси, шунингдек уларнинг ақли ва ҳиссиятини жиловлаш орқали эришган руҳий юксалиш поғонасига асосланган бўлади. Бундай бўлиниш ҳар бир одамнинг ижтимоий келиб чиқишига эмас, унинг сифатларига асосланган бўлади. Бу ерда ижтимоий келиб чиқиши ҳақида ҳеч нарса айтилмаган, чунки ижтимоий келиб чиқиши мухим аҳамиятга эга эмас. тарихдан маълумки, Видура шудранинг ўғли эди, шунга қарамай у браҳманлардан ҳам улуғворроқ сифатларга эга эди, чунки бу шеърдан кўриниб турганидек, буюк донишманд Майтрея Мунининг шогирди эди. Ведавий мадхияларнинг мазмунини англаш этиш учун ҳеч бўлмаганда инсон браҳман сифатларига эга бўлиши лозим. "Маҳобҳорат" ҳам Ведаларнинг бир қисми ҳисобланади, лекин у аёллар, шудралар ва двиджа-бандхулар, жамиятнинг олий табақасига мансуб хонадонларнинг номуносиб фарзандлари учун мўлжалланган. "Маҳобҳорат"ни ўрганиб, чукур тафаккурга эга бўлмаган кишилар Ведавий донишмандлик илми билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

### Текст 30

Илтимос, қурбонлик маросимларининг ҳар хил турлари ва шакллари, сехрли йога, назарий илм ўрганиш, Худога садоқат билан хизмат қилиш усуслари ҳамда бу усусларда амал қилинадиган қонун-қоидалар ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Мазкур шеърдаги тантрам ибораси мухим аҳамиятга эга. Баъзан одамлар адашиб, тантрам – ҳиссий лаззатларга берилган дунёвий одамлар қўлланадиган жодугарлик илми деб тушунадилар, лекин бу ерда тантрам деганда Шрила Нарада Муни баён этган Худога садоқат билан хизмат қилиш илми назарда тутилади. Унинг Худога садоқат билан хизмат қилиш қонун-қоидалари таърифланган китобларидан фойдаланиб Худога садоқат билан хизмат қилишда муваффакиятга эришиш мумкин. Донишманд Майтрея кейинчалик тушунтириб берадики, илм ўрганиш жараёни санкхъя фалсафий тизимиға асосланган. Деваҳутининг ўғли Капиладева баён этган санкхъя фалсафаси Олий Ҳақиқат ҳақидаги илмнинг ягона ишончли манбаи ҳисобланади. Санкхъя фалсафасига асосланмаган ҳар қандай илм хом хаёл бўлиб, инсонга ҳеч қандай ҳақиқий баҳт келтира олмайди.

### Текст 31

Илтимос, менга ашаддий даҳрийларнинг дунёкарашларидаги камчилик ва зиддиятлар ҳақида, ҳайвонларни урчиши олиб келадиган

оқибатлар, кўрсатаётган фаолияти ва моддий табиатнинг қайси гунаси таъсири остидалигига асосан ҳар хил турларга мансуб бўлган тирик мавжудотларнинг жой алмашилари ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Моддий табиатнинг ҳар хил гуналари таъсири остидаги ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштириш урчиши деб аталади. Ашаддий даҳрийлар Худонинг мавжудлигига ишонмайдилар, шунинг учун уларнинг фалсафий таълимотлари бир бирига зид. Даҳрий файласуфлар ҳеч қачон умумий бир холосага кела олмайдилар. Ҳаётнинг турли шакллари мавжудлиги моддий табиат гуналарининг турли хил бирикмалари мавжудлигидан гувоҳлик беради.

### Текст 32

Шунингдек, тақводорликнинг, иқтисодий тараққиётнинг, ҳиссий лаззатларнинг ва озодликка чиқишининг бир бирига зид бўлмаган мақсадлари ҳақида, шунингдек тирикчилик қилишнинг турли усуслари ва шастраларда берилган қонун ва тартибни сақлаб туриш йўллари ҳақида гапириб бер.

### Текст 33

Менга аждодларга сифиниш қоидалари, Питрилоканинг яратилиши, ҳар хил сайёralардаги, юлдузлардаги, ёритгичлардаги вакт ўлчами ва уларнинг фазодаги ҳолати ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Ҳар хил сайёralарда, юлдузларда ва ёритгичларда кун ва тун, шунингдек ойлар ва йиллар турлича давом этади. Ой ва Венера сингари юқори сайёralарда вакт ўлчами ердаги вакт ўлчамидан фарқ қиласди. Айтишларича, юқори сайёralардаги бир кун ердаги олти ойга teng. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, Брахмалоканинг бир куни ҳар бири тўрт югадан иборат минг циклга, яъни 4300 000 000 йилга teng. Шунга асосланиб Брахмалокадаги ой ва йиллар қанча давом этишини аниқлаш мумкин.

### Текст 34

Илтимос, менга айтиб берчи, садака бериш, риёзат чекиши ва кудук қазиши инсонга қандай манфаат келтиради. Уйидан узоқда юрганларнинг ҳаёти ҳақида, қийин аҳволга тушиб қолган киши нима қилиши кераклиги ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Жамият эҳтиёжини қондириш учун кудук қазиши энг яхши савоб ишлардан бири ҳисобланади. Эллик ёшга етгандан кейин оилавий ҳаётни тарқ этиш – фақат жиддий, соғлом фикрлай оладиган киши қилиши мумкин бўлган буюк риёзатdir.

### Текст 35

Эй бегуноҳ зот, Худо Шахси, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори бўлган Парвардигор диний қонунларнинг ва ўзини диний фаолиятга тайёрлаб юрганларнинг отаси бўлгани учун менга айтчи, инсон қандай қилиб Худони ўзидан тўла мамнун қилиши мумкин?

Изоҳ: Диний фаолиятнинг барча турлари охир оқибатда Олий Шахс Худони рози қилиш учун мўлжалланган. Парвардигор барча диний қонун-коидаларнинг отаси ҳисобланади. "Бҳагавад Гита"(7.16)да айтилганидек, тўрт тоифадаги одамлар Худога мурожаат қиласидилар: пулга муҳтоҷ одамлар, бошига мусибат тушганлар, донишмандлар ва қизиқувчанлар. Гарчи уларнинг садоқати у ёки бу даражада моддий боғланишлар билан булғанган бўлса ҳам, ана шундай одамлар Худога садоқат билан хизмат қила бошлайдилар. Худога бўлган садоқатида кармали фаолият ёки фалсафий изланишлардан асар ҳам бўлмаган соғ садоқатли содиклар улардан устун турадилар. Бутун умри давомида факат гуноҳдан бошқа иш қилмайдиган одамларни Кришна иблислар деб атайди(Б.г.7.15). Улар илм-фан соҳасида қандай мұваффакиятга эришган бўлмасин, уларни ғофил одамлар деб ҳисоблаш лозим. Ундай гуноҳкорлар Худони рози қила олмайдилар.

### Текст 36

Эй браҳманлар аълоси, руҳий устозлар муҳтоҷ одамларга жуда меҳрибон бўладилар. Улар ҳамиша ўзларининг издошларига, шогирдларига ва ўғилларига ғамхўрлик қиласидилар; руҳий устоз уларнинг савол беришини кутиб ўтирумай уларга ҳамма илмни ўргатадилар.

Ҳақиқий руҳий устоз инсонга жуда кўп нарса ўргатиши мумкин. Руҳий устоз назарида издошлар, шогирдлар ва ўғиллар ҳаммаси баробар; руҳий устоз уларга ҳамиша меҳрибон ва уларнинг илтимос қилишини кутиб ўтирумасдан ҳамиша уларга илоҳий нарсалар ҳақида гапириб беради. Ҳақиқий руҳий устознинг табиати шундай. Бу шеърда Видура Майтрея Мунидан унга ўзи сўрашни эсдан чиқарган бўлиши мумкин бўлган нарсалар ҳақида гапириб беришини илтимос қилипти.

### Текст 37

Илтимос, менга айтиб берчи, моддий табиатнинг таркибий унсурлари неча марта яксон қилинади, бунда Парвардигор ухлаб ётганида Унга хизмат қилиш учун кимлар тирик қолади?

Изоҳ: "Брахма-самхита"(5.47-48)да айтилганки, бутун моддий олам, ундағи сон-саноқсиз коинотлар билан бирга йога-nidra, сирли уйқуга ғарқ бўлган Маха-Вишнунинг нафас чиқариши билан дунёга келади, нафас олганда яксон бўлади: "Мангу уйқуга ғарқ бўлган азалий Олий Шахс Худо, Говинда, уйқусида сон-саноқсиз коинотларни яратиш учун сабаблар Уммони

сувларида ястаниб ётади. У бу сувларда Ўзининг ички қувватида жойлашиб ётади, мен ана шу ягона Парвардигорга сажда қиласан.

У нафас чиқарганида сон-саноқсиз коинотлар дунёга келади, Унинг нафас олиши эса, оламнинг барча ҳукмдорларига ҳалокат олиб келади. Парвардигорнинг ана шу тўла қисмини Маха Вишну деб атайдилар, У Парвардигор Шри Кришнанинг экспансияси бўлади. Мен ана шу азалий Парвардигорга сигинаман".

Моддий олам яксон бўлғандан кейин Парвардигор ҳам, Унинг Сабаблар уммонидан ташкаридаги салтанати ҳам ўзининг бутун аҳолиси ҳамда Парвардигорнинг яқин ҳамроҳлари ва хизматкорлари билан биргаликда мавжудликда давом этаверади. Парвардигорнинг хизматкор ва яқин ҳамроҳлари моддий қувват таъсири остига тушиб қолиб Уни эсдан чиқарган тирик мавжудотларга қараганда анча кўп. Бу шеър имперсоналистларнинг "Шримад Бҳагаватам"нинг бошлангич тўрт шеъридаги аҳам иборасига берадиган нотўғри изоҳларини инкор этади(ахам эвасам эвагре...). Парвардигор ва Унинг яқин ҳамроҳлари ҳатто моддий олам яксон бўлғандан кейин ҳам мавжуд бўлиб қолаверадилар. Видуранинг бу саволи аниқ кўрсатиб турибдики, Парвардигорнинг барча яқин ҳамроҳлари моддий олам яксон бўлғанда ҳам мавжуд бўлиб қоладилар. Бу ҳақиқат Шрила Шридхара Свамидан кейин Жива Госвами ва Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакура мисол келтирган "Каши-кханда"да ҳам тасдиқланган:

"Худонинг содиклари ҳатто моддий олам яксон бўлғанда ҳам мавжудликда давом этаверадилар. Парвардигор ва Унга бевосита хизмат қилиб юрган содиклари моддий оламда ҳам, руҳий оламда ҳам мангу яшайдилар".

### Текст 38

Тирик мавжудотлар ва Олий Шахс Худонинг ҳақиқий ҳолати қандай? Уларнинг табиати қандай? Ведаларда берилган илмнинг алоҳида аҳамияти нимада, руҳий устоз ва унинг шогирдари нимага керак?

Изоҳ: Ўзларининг асл табиатига кўра тирик мавжудотлар ким бўлишидан қатъий назар ҳар кимнинг хизматини қабул қиласидиган Парвардигорнинг хизматкорлари ҳисобланадилар. "Бҳагавад Гита"(5.29)да аниқ айтилганки, Парвардигор – Олий лаззатланувчи, барча қурбонлик маросимлари ва риёзатларнинг меваси Уники, У – бутун борлиқнинг эгаси ва барча тирик мавжудотларнинг дўсти. Парвардигорнинг ҳолати ана шундай. Шунинг учун тирик мавжудот ҳамма нарса Худоники эканини тан олса ва шу тушунчага асосан ҳаракат қиласа, у ўзининг табиий ҳолатига қайтади. Ана шундай илмга эга бўлиши учун тирик мавжудотга руҳий мавзудаги сухбатлар керак. Ҳақиқий руҳий устоз ўзининг шогирдларига қандай қилиб Худога хизмат қилиш мумкинлиги ҳақидаги илмни ўргатишга интилади,

шогирдлар эса ўз навбатида Парвардигор билан тирик мавжудотнинг ўзаро мангу муносабатлари ҳақидаги илмни руҳий ўзлигини англаб етган зотдан ўрганиш кераклигини тушунадилар. Одамларга илоҳий илм нурини етказиш учун Ведавий донишмандлик илмини эгаллаш ва дунёвий фаолиятни тарк этиш лозим. Бу шеърда берилган саволларнинг асосий мазмуни шундан иборат.

### Текст 39

Бу илм манбанини бизларга Парвардигорнинг бегуноҳ содикари кўрсатдилар. Шундай экан ана шундай содикларнинг ёрдамисиз инсон Худога садоқат билан хизмат қилиш илмини ўрганиши ва қалбида таркидунёлик руҳини ривожлантира оладими?

Изоҳ: Кўплаб ғофил одамлар шундай фикрга борадиларки, руҳий устознинг ёрдамисиз ҳам инсон ўзининг руҳий табиатини англай олади. Улар руҳий устознинг зарурлигини инкор этадилар ва ўзларининг шу нуқтаи назарини тарғибот қилиб, аслида ўзлари бошқаларга руҳий устозлик қилишга уринаётган бўладилар. лекин "Шrimad Бҳагаватам" бундай дунёкарашни кўллаб-куватламайди. Ҳатто буюк илоҳиётчи олим Въясадевага ҳам руҳий устоз керак бўлди, у ўзининг руҳий устози Нарада Мунининг кўрсатмаси асосида "Шrimad Бҳагаватам"дай улуғвор асар яратди. Ҳатто, Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи бўлган Парвардигор Чайтаня Махапрабху ҳам руҳий устоз қабул қилди, Парвардигор Шри Кришнанинг Ўзи ҳам руҳий илм ўрганиш учун руҳий устозга, Сандипани Мунига мурожаат қилди; барча ачаръялар ва авлиё зотлар руҳий устозга мурожаат қилганлар. "Бҳагавад Гита"да Аржун гарчи бундай расмиятчиликнинг ҳожати бўлмаса ҳам, Парвардигор Шри Кришнани ўзига руҳий устоз қилиб қабул қилди. Шундай қилиб, руҳий устознинг зарурлигига ҳеч ким шубҳа қилмаслиги лозим. Бунда талаб қилинадиган ягона шарт шундан иборатки, руҳий устоз парампара деб аталадиган ишонарли шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий руҳий устоз бўлиши лозим.

Сури, буюк файласуф-олимларни ҳамиша бирдай бегуноҳ зот(анагха)лар деб бўлмайди. Анагха-сури – Парвардигорнинг асл содиги. Парвардигорнинг асл содиги бўлмаган ёки Парвардигор билан тенглашишга интилиб юрган одамлар анагха-сурilar қаторига киролмайди. Худонинг асл содиклари одамларга ишонарли муқаддас китобларда берилган илм сирларини очиб берадиган жуда кўп китоблар ёзилб қолдирганлар. Парвардигор Шри Чайтаня Махапрабхунинг кўрсатмаси билан Шрила Рупа Госвами ва унинг ёрдамчилари жуда кўп китоб ва кўлланмалар ёздилар, уларда янги содиклар учун

насихатлар тўпланган бўлиб, Парвардигорнинг асл содиги бўлишга жиддий интилиб юрган ҳар

бир содик уларнинг шу асарларини ўрганишлари лозим.

### Текст 40

Эй хурматли донишманд, мен Олий Шахс Худо, Парвардигор Харининг эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тинглаш учун сенга бу саволларни бердим. Сен ҳар бир тирик мавжудотнинг дўстисан, шунинг учун илтимос, кўриш қобилиятини йўқотган одамларнинг ҳаммасига улар ҳақида гапириб бер.

Изоҳ: Видура Худога муҳаббат билан илоҳий хизмат қилишнинг қонун-қоидалари ҳақида унинг фикрини тинглаш ниятида Майтреяга кўплаб саволлар берди. "Бҳагавад Гита"(2.41)да айтилганидек, Худога садоқат билан хизмат қилиш – содикнинг ягона мақсади, шунинг учун унинг ақли бошқа нарсаларга чалғимайди ва ҳеч кандай гумонга бормайди. Видура ҳеч нарсага чалғимасдан Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай гарқ бўлишни истарди. Бу шеърда у Майтрея Мунини ўзининг дўсти деб айтапти. У Майтреяни унинг ўғли бўлгани учун эмас, булки Майтрея ҳақиқатан ҳам моддий табиат таъсири остида руҳий кўриш қобилиятини йўқотган барча одамларнинг дўсти бўлгани учун дўстим деб айтапти.

### Текст 41

Эй бегуноҳ зот, сенинг жавобларинг бизларни барча моддий мусибатлардан химоя қиласди. Ведалар тавсия қиласдан хайр-эҳсонлар, риёзатлар ва курбонлик маросимларининг бирортаси сенинг одамларга берадиган бу неъматинг билан тенглаша олмайди.

Изоҳ: Одамларга қилиш мумкин бўлган энг буюк яхшилик – уларни моддий ҳаётда учрайдиган барча мусибатлардан химоя қилишдан иборат. Барча ташвишлардан фақат Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишигина халос бўла олади. Мана шу илм инсониятга совға қилиш мумкин бўлган энг бебаҳо неъматидир. Ведаларни ўрганиш, курбонлик маросими ўтказиш, саховат билан садака улашиш – буларнинг ҳаммаси биргаликда инсонни моддий мусибатларнинг ҳатто бир қисмидан ҳам химоя қила олмайди, Худога садоқат билан хизмат қилиш эса уларнинг ҳаммасидан озод этади. Ўзининг ана шундай бебаҳо неъматини Майтрея биргина Видурга бериб кўймади; бутун инсониятга мўлжалланган унинг мана шу неъмати қайси даврда яшашидан қатъий назар ҳаммани озодликка чиқаради. Мана шу неъмати Матреяга мангу ҳаёт бағишилади.

### Текст 42

Шри Шукадева Госвами деди: Видуранинг саволларидан илҳомланган Майтрея, Олий Шахс Худо ҳақида гапиришга ҳамиша тайёр юрадиган донишмандлар сардори унга Пураналарда келтирилган ҳикояларни гапириб бера бошлади.

Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида гапирад экан, у бундан чуқур лаззат оларди.

Изоҳ: Майтрея Муни сингари буюк донишманд-олимлар ҳамиша Парвардигорнинг илоҳий кароматлари ҳақида гапиришга тайёр юрадилар. Видуранинг саволларига жавоб берар экан, Майтрея бундан ҳақиқий илоҳий лаззат олаётгани сабабли кулиб турарди.

*Бхактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ "Видура савол беришида давом этади" деб аталағидан еттинчи бобига изоҳлари шундай якунланади.*

## **Саккизинчи боб Гарбходакашайи Вишнудан Браҳманинг дунёга келиши**

### **Текст 1**

Видурага қараб, буюк донишманд Майтрея Муни деди: Шоҳ Пурунинг авлодлари Худонинг асл содикларига хизмат қилишга муносиб зотлардир, чунки уларнинг ҳаммаси Худонинг содикларидирлар. Сен ҳам ана шу авлодга мансубсан, шуниси ажойибки, сенинг шарофатинг билан Парвардигорнинг илоҳий эрмаклари ҳамиша янги мазмун билан тўлиб боради.

Изоҳ: Буюк донишманд Майтрея Видурага миннатдорчилик билдирида ва унинг қандай шавкатли авлодга мансублигини эслатиб, унга хурмат-эътиром кўрсатди. Пурулар авлоди жаҳонга Худонинг жуда кўп содикларини бергани билан шуҳрат қозонди. Бу авлодга мансуб зотларнинг ҳаммасининг фикру-хаёли шахсиятсиз Браҳман ёки Параматмада эмас, балки Бҳагаван, Худо Шахсида жамланган эди, шунинг учун уларнинг ҳаммаси Парвардигорга ва Унинг асл содикларига хизмат қилишга муносиб бўлган зотлар эди. Ўз авлодларининг урф-одатларига риоя қилган ҳолда Видура ҳамиша ҳамма жода Парвардигорнинг сўнмас шухратини шарафлаб куйлаб юради. Шунинг учун Майтрея Виудра сингари ана шундай ажойиб инсон билан ҳамсуҳбат бўлаётганидан бахтиёр эди. Ана шундай шахс билан ҳамсуҳбат бўлиш инсонга ҳақиқий баҳт келтиришини у яхши биларди, чунки бундай сухбатлар туфайли инсон қалбida Худога садоқат билан хизмат қилиш истаги уйғонади.

### **Текст 2**

Энди менга, арзимаган хиссий лаззатга эришиш ниятида ўзини оғир мусибатларга дучор қилиб юрган одамларга ғамхўрлик қилиб буюк донишмандларга Олий Шахс Худо, Парвардигорнинг Ўзи бевосита гапириб берган

"Бҳагавата-пурана"ни баён этишга киришишга рұксат бер.

Изоҳ: Майтрея "Шримад Бҳагаватам"ни баён этишга киришишга қарор қилди, чунки бу асар ягона мақсад – инсонлар жамиятининг барча муаммоларини ҳал қилиш мақсадида яратилган ва шогирдлар силсиласи орқали авлоддан-авлодга ўтиб келарди. Фақат энг омадли инсонларгина "Шримад Бҳагаватам"ни Парвардигорнинг асл содиклари оғзидан тинглаш имкониятига эга бўладилар. моддий қувват таъсири остида алданиб юрган тирик мавжудотлар моддий бахтнинг арзимас заррачаси билан лаззатланиш мақсадида ўзининг елкасига сон-саноқсиз қийинчиликлар юкини ортиб оладилар. Улар ўзларини қандай оқибатлар кутиб турганини билмасдан кармали фаолият билан шуғулланадилар. Нодонлиги сабабли ўзларини танасига қиёслаб, улар ўзларининг сон-саноқсиз сохта боғланишларига ёпишиб оладилар. Улар атрофидаги одамлар ва нарсалар ўзлари билан мангу бирга бўлади деб ўйлайдилар. Бундай ахмоқона тасаввурлар тирик мавжудотнинг онгидаги шунчалик мустаҳкам ўрнашиб олганки, улар Парвардигорнинг ташқи қуввати ҳукми остидан чиқа олмай, умрлар оша чексиз мусибатларга дучор бўлиб юрадилар. Аммо, бирор сабаб билан "Шримад Бҳагаватам"ни ёки "Шримад Бҳагаватам"нинг мазмунини англашетган содик бҳагаватани учратган омадли киши моддий олам тутқунлигидан озодликка чиқа олади. Шунинг учун Майтрея Муни бу дунёда изтироб чекиб юрган барча одамларга ачинганидан биринчи навбатда "Шримад Бҳагаватам"ни гапириб беришга қарор қилди.

### **Текст 3**

Биз замонларда авлиё болалар сардори Санат-кумар бошқа буюк донишманд ҳамроҳлигига Васудева, яъни Парвардигор ҳақидаги Ҳақиқатни билиб олиш мақсадида худди шундай саволлар билан коинот қаърида ётган Парвардигор Санкаршанага мурожаат қилган эдилар.

Изоҳ: Бу шеър олдинги шеърдаги хабарни тушунтиради, унда "Шримад Бҳагаватам"ни Парвардигорнинг Ўзи айтиб берган дейилган эди. Бу ерда Парвардигор уни қачон ва кимга гапириб бергани айтилган. Санат-кумар бошлиқ буюк донишмандлар Парвардигор Васудеванинг тўлиқ экспансияси бўлган Парвардигор Санкаршанага Видуранинг саволларига ўхшаган саволлар билан мурожаат қилган эдилар, шунда Парвардигор шу саволларга жавоб берди.

### **Текст 4**

Ўша пайтда Парвардигор Санкаршана Ўзининг ҳукмдори бўлган, донишмандлар Парвардигор Васудева деб атайдиган ягона Парвардигор ҳақидаги фикр мулоҳазаларга гарқ бўлиб ётган эди, лекин буюк донишмандларнинг баркамолликка эришишларига ёрдам бериш

ниятида У Ўзининг нилуфарсимон кўзларини очиб гапира бошлади.

#### Текст 5

Донишмандлар олий сайёralардан Ганга сувлари бўйлаб коинотнинг қаърига тушдилар, шу боис уларнинг бошидаги соchlари нам эди. Улар илонлар шоҳининг ўзларига яхши қайлик топиши истаган қизлари эҳсон қурбонлик қилиб сажда қиласидан Парвардигорнинг нилуфар пойи қадамларига бош эгдилар.

Изоҳ: Ганга Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойидан оқиб чиқади ва сувларини бутун коинот бўйлаб – олий сайёralардан куйи сайёralарга олиб ўтади. Донишмандлар Сатъялокадан Ганга оқимлари бўйлаб сеҳрли йога усусларига асосланган имкониятлардан фойдаланиб тушдилар. Ҳатто дарёнинг узунлиги кўп минг километр бўлса ҳам, комил йог унинг сувларига қўмилиб бир лаҳзада унинг оқими бўйлаб бир жойдан иккинчи жойга ўтиши мумкин. Ганга – бутун коинот бўйлаб оқиб ўтадиган ягона дарё, буюк донишманд бутун коинот бўйлаб саёҳат қилиш учун мана шу муқаддас дарёдан фойдаланадилар. Бу ерда айтилганки, уларнинг соchlари нам эди, бу улар соchlарини Парвардигор Вишнунинг нилуфар қадамлари пойидан оқиб чиқадиган дарё(Ганга) сувларида намлаганини билдиради. Бошини Ганганинг сувларидан намлаган ҳар қандай инсон шубҳасиз Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойига бошини теккизган ва ўзининг барча гуноҳлари оқибатидан покланган бўлади. Ганга сувларида чўмилган ва шу тариқа барча гуноҳларидан покланган, бошқа бирор гуноҳ қилишга интилмайдиган киши албатта руҳий озодликка эришади. Агар инсон яна гуноҳ қила бошласа, унинг Ганга сувларида чўмилиши худди дарё сувларида яхшилаб ювиниб чиқиб, қирғоққа чиқкан заҳоти устига чанг соча бошлайдиган филнинг ювенишидан фарқ қилмайди.

#### Текст 6

Парвардигорнинг илохий эрмаклари хақида кўп эшитган Санат-кумар бошлиқ тўрт кумар чуқур муҳаббат синган улуғвор шеърларда Парвардигорни самимий олқишилай бошладилар. Уларни тинглаб туриб Парвардигор Санкаршана Ўзининг минг капгирини кўтарди, Унинг каллаларида ярқираб турган гавҳартошлар бутун атрофни гаройиб нурга тўлдирди.

Изоҳ: Парвардигорни баъзан уттамашлока деб атайдилар, бу “содиклари улуғвор мадҳияларда олқишилайдиган Зот” деганинг англатади. Бундай мадҳиялар қалбини Худога муҳаббат ва Унга садоқат билан хизмат қилишга боғланиш туйғуси тўлдирган содикнинг оғзидан ўзидан ўзи тинмай оқа бошлайди. Ҳатто Худонинг буюк содиклари бўлган кичкина болалар ҳам Унга ажойиб илтижолар қилгани ва Унинг кароматларини

чиройли шеърларда олқишилаганига жуда кўп мисоллар бор. Бошқача қилиб айтганда, қалбида Худога нисбатан чуқур муҳаббат ва боғланиш ривожлантирган киши Унга муносиб илтижо қила олмайди.

#### Текст 7

Кейин Парвардигор Санкаршана "Шримад Бҳагаватам"нинг мазмунини бу пайтга келиб таркидунё қилишга қасам ичган буюк донишманд Санат-кумарга гапириб берди. Ўз навбатида Санат-кумар Санкаршанадан тинглаган "Шримад Бҳагаватам"ни Санкхъя Мунининг саволларига жавоб берганда такрорлади.

Изоҳ: Парампара тизими шундай ҳаракат қиласи. Гарчи машхур буюк авлий Санат-кумар ўша даврга келиб руҳий баркамолликка эришган зот бўлса ҳам, барибир Парвардигор Санкаршанадан "Шримад Бҳагаватам"ни тинглади. Кейин, Санкхъя Ришининг саволларига жавоб берар экан, унга Парвардигор Санкаршанадан эшитганларини такрор гапириб берди. Бошқача қилиб айтганда ҳаиқий мўътабар зотларнинг гапларини дикқат билан тинглаган кишигини бошқаларга тарғибот қила олади. Шундай қилиб, тинглаш ва такрорлаш Худога садоқат билан хизмат қилишни ташкил этадиган жараёнлар ичидаги энг муҳими ҳисобланади. Дикқат билан тинглашни билмайдиган киши ведалар илмини тарғибот қила олмайди.

#### Текст 8

Буюк донишманд Санкхъя барча илохиёт қишиларининг сардори эди. Бриҳаспати ва менинг руҳий устозим Парашара Муни унинг "Шримад Бҳагаватам"да Парвардигорни қандай олқишилаганини эшитиш баҳтига мұяссар бўлганлар.

#### Текст 9

Юқорида айтилган буюк донишманд Парашара буюк донишманд Пуластьяниң маслаҳати билан Пураналар аълоси("Шримад Бҳагаватам")ни менга гапириб берди, энди эса, эй ўғлим, мен сенга Парашарадан эшитганларимни гапириб бераман, чунки сен чуқур имон ва садоқат билан менга эргашяпсан.

Изоҳ: Буюк донишманд Пуластья барча иблисларнинг бобокалони ҳисобланади. Бир куни Парашара қурбонлик маросими ўтказмоқчи бўлди, унинг оловида дунёдаги барча иблислар ёниб кетиши лозим эди, чунки уларнинг биттаси унинг отасини ўлдириб еган эди. Буюк донишманд Васиштха Муни қурбонлик маросими ўтказилаётган жойга келиб, Парашарадан бу ёвуз ишдан тўхташни илтимос қилди. Васиштханинг мартабасини ва мўътабарлигини ҳурмат қилиб, Парашара унинг илтимосини рад этолмади. Парашара қурбонлик маросимини тўхтатганида иблисларнинг отаси Пуластья, унинг ҳаиқий

браҳманларга хос фазилатидан ҳайратга тушиб, уни дуо қилди, бу дуога асосан у келажакда Ведаларни тўлдирадиган муқаддас китоблар - Пураналарни ҳикоя қиласиган буюк зот бўлиб етишиши лозим эди. Пуластъя Парашаранинг килган ишидан ҳайратга тушган эди, чунки у браҳманларга хос олижаноблик билан иблисларнинг гуноҳини кечириб юборган эди. Қурбонлик маросимида Парашара Муни барча иблисларни ёқиб юбориши мумкин эди, лекин у ўйланиб қолди: "Ибилслар бошқа мавжудотларни, одамларни ва ҳайвонларни ейдилар, чунки уларнинг табиати шундай, лекин бу браҳманларга хос бўлган кечиримли бўлиш фазилатидан юз ўтиришга сабаб бўлолмайди-ку!" Пураналарнинг буюк ҳикоячиси бўлиб, Парашара биринчи навбатда оламга Пураналарнинг аълоси бўлган "Шримад Бҳагаватам"ни гапириб берди. Майтрея Муни "Шримад Бҳагаватам"ни ўзи Парашарадан қандай эшитган бўлса, шундайлигича гапириб бермоқчи эди, бунинг учун у катталарапнинг барча кўрсатмаларига қулоқ соладиган ва уларнинг садоқатли итоаткор хизматкори бўлган Видурани муносиб тингловчи деб топди. Шундай қилиб, "Шримад Бҳагаватам" оғзаки усулда шогирдлар силсиласи орқали Въясадевадан анча олдин қадим замонлардан бери авлоддан авлодга ўтиб келяпти. Тарихшунослар, Пураналар бир неча юз йил аввал яратилган деб айтадилар, лекин аслида Пураналар қадимдан мавжуд бўлиб, дунёвий тарихшунослар ва файласуф сафсатабозлар айтган даврдан анча олдин пайдо бўлган.

#### Текст 10

Бутун уч олам сув остида қолганда Ўзининг тўшаги – буюк аждар Анантада ётган Гарбходакашайи Вишнудан бошқа ҳеч ким йўқ эди. У Ўзининг ички қувватига ғарқ бўлган ҳолда ухлаб ётгандай кўринарди, Унинг ташки қуввати эса, ҳаракатсиз эди. Парвардигорнинг кўзлари сал очилган ҳолатда эди.

Изоҳ: Парвардигор Ўзининг ички қувватидан мангу илоҳий лаззат олади, Унинг ташки қуввати эса моддий олам яксон бўлганида ҳаракатсиз ҳолатда бўлади.

#### Текст 11

Ўтинда яширинган оловнинг қуввати сингари Парвардигор тошқин сувлари устида ётарди, ўзларининг нафис таналарида бўлган барча тирик мавжудотлар Унинг ичидан паноҳ топган эди. У Ўзининг мустақил намоён бўладиган, кала деб аталадиган қувватига ғарқ бўлиб ётган эди.

Изоҳ: Бутун уч олам – юқори, ўрта ва қуий сайёралар тизими – тшокин сувларга ғарқ бўлгандан кейин ана шу сайёраларда яшайдиган тирик мавжудотлар кала деб аталадиган қувват ёрдамида ўзларининг нафис таналарида қолдилар. Бутун олам сувга ғарқ бўлганида тирик мавжудотларнинг қўпол таналари намоён

бўлмаган ҳолатга ўтадилар, лекин моддий оламнинг сувлари сингари, уларнинг нафис таналари мавжудликда давом этаверади. Шундай қилиб, коинот қисман яксон бўлганда Парвардигор моддий олам тўла яксон бўлгандаги бутун моддий қувватни Ўз ичига олмайди.

#### Текст 12

Парвардигор шу ҳолатда, Ўзининг ички қувватига ғарқ бўлиб, тўрт юз юга давомида ётди, Унинг ташки қувватига гўё У тошқин сувларга ғарқ бўлиб ухлаётгандай туюларди. Кала-шакти уйғотган тирик мавжудотлар ўзларининг кармали фаолиятини давом эттириш учун дунёга кела бошлаганида, Парвардигор кўрдики, Унинг илоҳий танаси кўқимтири тус олибди.

Изоҳ: "Вишну-пурана"да кала-шакти қуввати авидъя деб аталган. Ккала-шактининг ҳаракатлари шунда намоён бўладики, у моддий оламдаги тирик мавжудотларни ўз меҳнатининг натижасидан лаззатланиш мақсадида меҳнат қилишга мажбур қиласи. Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш учун ишлаб юрган кишилар "Бҳагавад Гита"да мудха, нодонлар деб аталган. Шундай нодон одамлар мангу кул бўлиб қолган ҳолда у ёки бу турдаги ўткинчи арзимаган лаззатга эришиш учун вактини ва кучини аямай меҳнат қиласи. Инсон агар болаларига каттароқ бойлик мерос қолдира олган бўлса, ўзидан ва яшаган ҳаётидан мағрурлана бошлайди, ана шу ўткинчи, алдамчи мақсадга эришиш учун у ҳар қандай гуноҳ ишлари уни моддий олам тутқунлигига мангу ушлаб қолишини тушунмайди ҳам. Тирик мавжудотларнинг онги ҳамда улар тўплаган дунёвий гуноҳлар тирик мавжудотлар бирикмасига кўқимтири ранг бердилар. Ўз меҳнатининг натижаларидан лаззатланиш учун меҳнат қилиш истаги тирик мавжудотда Парвардигорнинг кала деб аталадиган ташки қуввати таъсири остида юзага келади.

#### Текст 13

Моддий эҳтирос гунаси Парвардигорнинг нигоҳи тушиб турган олам яралишининг нафис шаклини ҳаракатга келтирди ва уни Парвардигорнинг корнидан ташқарига чикишга мажбур қилди.

#### Текст 14

Парвардигорнинг корнидан чиқиб, тирик мавжудотларнинг кармали фаолияти бирикмаси Вишну Шахси яратган нилуфар гулининг гунчаси шаклига кирди. Унинг олий амрига итоат этиб, ана шу нилуфар гули худди қуёшдай атрофидаги ҳамма нарсани ёрқин нур билан ёритди ва чексиз тошқин сувларини қуритди.

#### Текст 15

Парвардигор Вишну Олий Рух қиёфасида фазовий нилуфар гули ичига кирди ва унга барча моддий

табиат гуналарини жойлади. Шундан кейин нилуфар гулида ведалар донишмандлигининг тимсоли бўлган, биз ўзи туғилган деб атайдиган зот туғилди.

Изоҳ: Бу ерда гап бораётган нилуфар гули – коинотнинг вират-рупаси, яъни Парвардигорнинг моддий оламда мавжуд бўлган баҳайбат қиёфаси. Олам яксон бўлганида фазовий қиёфа навбатдаги яралиш жараёнида яна дунёга келиш учун Парвардигор Вишнунинг қорнига киради. бунинг сабаби хар бир коинот ичига кирадиган Гарбходакашайи Вишну бўлади. Вират-рупада моддий табиат билан шартланган барча тирик мавжудотларнинг кармали фаолияти бирикмаси жамланган. Улардан биринчи бўлиб коинот нилуфаридан туғиладиган коинот хукмдори Браҳма дунёга келади. Бошқалардан фарқли равишда биринчи тирик мавжудотнинг моддий отаси йўқ, шунинг учун уни свайамбху, яъни “ўзи туғилган” деб атайдилар. Олам яксон бўлганида Браҳма Нарайна билан биргаликда уйқуга кетади, яратишнинг янги цикли бошланганида эса, у юқорида айтилганидай қайтадан туғилади. Бу гаплардан уч тушунча ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин – қўпол вират-рупа, нафис Хиранъяргарба ва моддий яратувчи куч, Браҳма ҳақида.

#### Текст 16

Нилуфар гулида туғилган Браҳма, гарчи гулнинг энг тепасида штирган бўлса ҳам, уни ўраб турган оламни кўрмасди, шунинг учун кўзларини ҳамма томонга айлантириб, бутун космик фазони айланниб чиқди. Шу тариқа унда оламнинг тўрт тарафига қараган тўрт калла пайдо бўлди.

#### Текст 17

Нилуфар гулида ўтирган маъбуд Браҳма барibir на оламни, на нилуфар гулини, на ўзини охиригача англаб етолмади. Давр охирига келиб катта тўлқинларни кўтариб, нилуфарни чайқатиб, йўқотиш шамоли эса бошлади.

Изоҳ: Браҳма қуёш вақт ўлчами бўйича таърифлаб бўлмайдиган узоқ вақт, бир юга давомида англаб олишга қанча уринса ҳам, барibir яратиш, нилуфар гули ва уни ўраб олган олам маъбуд Браҳма учун жумбоклигича қолаверди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, бирор тирик мавжудот фақат ўз ақлининг кучига ишониб моддий оламнинг ва яралишнинг сирини англаб етишга қодир эмас. инсоннинг қобилияти шу қадар чекланганки, Парвардигорнинг ёрдамисиз у Худонинг моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш ишларини англаб етиш имкониятидан маҳрум.

#### Текст 18

Фоғилликда бўлган маъбуд Браҳма фикр юрита бошлади: “Бу нилуфар гулида ўтирган мен кимман ўзи? У қаерда ўсиб турибди? Пастда, мана шу

нилуфар ўсиб турган бирор зот бўлиши керак, у албатта сув остида бўлса керак?”

Изоҳ: Оlam яралиши аввалида маъбуд Браҳма фикр юритган моддий олам яралишининг сабаби хали ҳозиргача олим ва файласуфларнинг фикрлаш мавзуси бўлиб келмоқда. Чукурроқ фикрлаш қобилиятига эга бўлган кишилар ўзининг дунёга келиши ва бутун моддий оламнинг яралишининг сабабини – бутун борлиқнинг олий сабабини аниқлашга интиладилар. Агар улар шу саволига жавоб излаб риёзатлар чекса ва жиддий интилишда давом этсалар, улар албатта муваффакиятга эришадилар.

#### Текст 19

Бу ҳақда бош қотириб, маъбуд Браҳма нилуфар гули поясидаги канал бўйлаб сув тагига тушди. Лекин нилуфар пояси ичига кириб ва Вишнунинг киндигига яқинлашса ҳам, у барibir нилуфар гулининг илдизини топа олмади.

Изоҳ: Ўзининг уринишлари ёрдамида инсон Парвардигорга бироз яқинлашиши мумкин, аммо Парвардигорни факат Унинг марҳамати билан тўла англаб етиш мумкин. Худони англаб етишга олиб келадиган ягона йўл – Худога садоқат билан хизмат қилиш. Бу "Бҳагавад Гита"(18.55)да ҳам тасдиқланади: бҳактъя мам абхиджанати йаван йаш часми таттватах.

#### Текст 20

О Видура, ўзининг дунёга келиши сабабини излаб маъбуд браҳма ҳаёти узиладиган чегарага бориб етди. Ана шу чегара тирик мавжудотларнинг ақлида намоён бўлган кўринишларидан бири ўлимдан кўркиш бўлган кўркув туйғусини келтириб чиқарадиган, Вишнунинг кўлидаги мангулик ғилдирагини билдиради.

Изоҳ: Самадҳи холатига эришиш учун инсон, ҳатто бу сабаб қандай табиатга - шахсий, шахсиятсиз ва жамланган табиатга эгалигини билмаса ҳам, ақлини бутун борлиқнинг олий сабабида жамлаши лозим. Парвардигорни муроқаба қилиш албатта Худога садоқат билан хизмат қилишнинг бир тури хисобланади. Ўзининг ақли, хиссиёти ёрдамида Худони англаб етишдан бош тортиш ва олий сабабни излаб муроқаба қила бошлаш инсоннинг камтаринлигини билдиради, бу эса ўз навбатида Худога садоқат билан хизмат қилишнинг аломати хисобланади. Шундай қилиб, ўзининг бу дунёда мавжудлигининг сабабини англаб етишга интилаётган ҳар бир инсон Худога садоқат билан хизмат қила бошлаши лозим.

#### Текст 22

Орадан юз йил ўтганда унинг муроқабаси мақсадига эришди, Браҳма зарур илмга эга бўлди ва ўзининг қалбида шунча уринса ҳам кўра олмаётган Парвардигорни кўрди.

Изоҳ: Фақат Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали Парвардигорни кўриш мумкин, ҳеч қандай ақлий интилишлар бунда бизга ёрдам бера олмайди. Браҳманинг ёши одамларнинг ёши хисобланадиган күёш йилларидан фарқ қиласидиган дивъя хисобида ўлчанади. Дивъя ийлининг ўлчами "Бҳагавад Гита"(8.17)да кўрсатилган: сахасра-йуга-парийантам ахар йад брахмано видух. Браҳманинг бир кунида Ерда тўрт югадан иборат минг цикл вақт ўтади. Мана шу ўлчам тизими бўйича Браҳманинг мурокабаси юз йил давом этди. Мурокаба қилишни тамомлаб, барча сабабларнинг олий сабабини англаб етди ва Парвардигор Чайтанъя тан олган ва маъкуллаган "Браҳма-самхита" асарини яратди. Унда: говиндам ади-пурушам там ахам бҳаджами дейилган. Худога садоқат билан хизмат қилиш имкониятига эга бўлиш ва Унинг ҳақиқий табиатини англаб этиш учун аввал Худонинг марҳаматига эришиш лозим.

### Текст 23

Браҳма сувда нилуфарга ўхшаган катта ок тўшакни – Шеша-наганинг танасини кўрди, унда Худо Шахси, Парвардигор ёлғиз ётарди. Бутун атроф Шеша-наганинг капгиридаги гавҳартошлардан тараалаётган ёғду билан ёритилган, шу жойдаги зулматни тарқатиб турарди.

### Текст 24

Парвардигорнинг танасининг ажойиблиги коралл тоғининг гўзллигини сўндириб кўярди. Кечқурунлари коралл тоғлари ботаётган қўёш нурларидан тикилган ажойиб либос кийиб олади. аммо ана шу либоснинг гўзллиги ҳам Парвардигорнинг ажойиб сариқ либоси олдида сўниб қоларди. Коралл тоғининг олтин чўққиси бор, аммо Парвардигорнинг бошидаги ярқироқ гавҳарлардан безаклар тақилган тожи ҳатто унинг нурини ҳам сўндириб кўярди. Тоғнинг танаси шаршаралар, майса ва гуллар билан безанганд, аммо уларнинг гўзллиги Парвардигорнинг баҳайбат танасининг, қимматбаҳо тошлар, марваридлар, туласи барглари ва гулчамбарлар билан безанганд қўлларининг ва оёқларининг гаройиблиги олдида сўниб қоларди.

Изоҳ: Бизнинг ақлимиизни баъзида ҳаёратга солиб кўядиган табиатнинг гўзл манзараси – аслида Парвардигорнинг илоҳий танасининг бузилган акси холос, шунинг учун Парвардигорнинг гўзллиги мафтун этган киши гарчи моддий табиатнинг гўзллигини инкор этмаса ҳам, унга нисбатан бепарво бўлиб қолади. "Бҳагавад Гита"(2.59)да айтилганки, парам, яъни Парвардигор Ўзига мафтун қилган кишининг қуи нарсаларга нисбатан бўлган қизиқиши умуман йўқолиб кетади.

### Текст 25

Парвардигорнинг бепоён илоҳий танаси уч сайёralар тизимини – олий, ўрта ва қуи – тизимларни қоплаб олган эди. қимматбаҳо безаклар тақиб олган Парвардигор ўзидан гаройиб нур таратиб турган ва илоҳий ранг-барангликка эга ажойиб либослар кийиб олганди.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг танасининг узуни, бўйи ва энини фақат Парвардигорнинг Ўзи билади, чунки У бутун борликка сингиб кетган. Моддий табиат гўзллигининг манбайи Парвардигорнинг гўзллиги хисобланади, аммо бунда У ҳамиша ажойиб либослар кийган, гаройиб безаклар билан безанганд, бубилан У Мутлақ Зотнинг илоҳий ранг-баранглигини намоён этади. Руҳий илмни эгаллаш учун ҳамиша шуни эслаб юриш жуда муҳим.

### Текст 26

Парвардигор Ўзининг оёқларини бироз кўтариб уларни Браҳмага кўрсатди. Парвардигорнинг нилуфар пойқадамлари – моддий иллатлардан Унга пок садоқат билан хизмат қилиш келтирадиган барча саодатлар манбаидир. Парвардигор Ўзига соғ садоқат билан хизмат қилиб юрган содикларига ана шу саодатларни ато этади. Унинг оёқ ва қўлларининг бармоқларидаги ойга ўхшаган тирноклардан тараалаётган илоҳий ёғду энди очилган нилуфар гулининг гулбаргларини эслатарди.

Изоҳ: Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг истагини амалга оширади, бунда У ҳар кимга йузининг истаган нарсасини беради. Асл содиклар Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайдиган Унга илоҳий хизмат қилиш баҳтига эга бўлишга интиладилар. Шундай қилиб, асл содикларнинг барча истакларининг ягона мақсади Парвардигор хисобланади, Худога садоқат билан хизмат қилиш эса – Унинг марҳаматига эришиш имконини берадиган бенуқсон усуллар. "Бҳакти-расамрита-сндуху"(1.1.11)да Шрила Рупа Госвами айтганки, соғ садоқатли хизмат джнана-кармадӣ-анавритам, яъни соғ садоқат билан хизмат қилиш фалсафа ёки кармали фаолият билан аралашмаслиги лозим. Ана шундай садоқат билан хизмат қилиш асл содикка энг олий саодат – Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришна билан бевосита мулоқот қилиш имкониятини беради. "Гопала-танани-упанишада"га кўра, Парвардигор Браҳманинг кўзига Ўзининг нилуфар қадамлари пойининг факат биттасини кўрсатган. Брахмано 'сав анаваратам ме дхйатах стутах паардханте со 'будхйата гопа-вешо ме пурастат авирбабхува. Бир неча миллион йил муроқабада ўтириб, Браҳма Парвардигорнинг Шри Кришна кўринишидаги подачи бола либосини кийиб олган илоҳий қиёфасини кўрди, бу ҳақда у ўзининг машҳур "Браҳма-самхита" асарида ёзган.

### Текст 27

У миннатдорчилик билан Ўзининг содикларининг хизматини қабул қилди ва чиройли табассуми билан уларнинг барча қайгуларини тарқатиб юборди. Парвардигорнинг сирғалар билан безатилган юзи Унинг оғзидан таралиб турган нурдан ёришиб турар, бурун ва қошлари бенуқсон эди; буларнинг ҳаммаси Унинг юзини бетакрор гўзал қилиб кўрсатарди.

Изоҳ: Худога садоқат билан хизмат қилиш Парвардигорда чукур миннатдорчилик туйғусини уйғотади. Кўплаб илохиёт кишилари шуғулланадиган турли руҳий фаолиятлар бор, аммо Худога садоқат билан хизмат қилиш уларнинг орасида алоҳида ўрин эгаллади. Худонинг содиклари ўзларининг хизмати эвазига Худодан ҳеч нарса тиламайдилар. Ҳатто Парвардигор уларга ўзининг энг олий неъмати – руҳий озодликка чиқишини таклиф этганда ҳам, содиклар уни рад этадилар. Шундай қилиб, Парвардигор Ўзининг содиклари олдида қарздор бўлиб қолади, шу боис У қила олиши мумкин бўлган ягона иш – қилган хизматлари учун ссадикларини Ўзининг мафтункор мангутлатофатли табассуми билан мукофолаш. Парвардигорнинг ширин табассум билан порлаган юзи Унинг содикларига чексиз лаззат олиб келади ва уларни илҳомлантириб юборади. Парвардигор Ўзининг содикларининг қувонганини кўрганида бундан яна ҳам кўпроқ лаззат олади. шу тариқа Парвардигор ва Унинг содиклари ҳамиша бир бирларига хизмат қилиш ва ўзининг миннатдорчилигини билдиришда мусобақа қиласидилар.

### Текст 28

Азизим Видура, Парвардигорнинг сонига кадамба гулининг чангини эслатадиган сариқ рангли мато ўралган ва қимматбаҳо гавҳарлар билан безатилган камар билан тортиб кўйилган эди. Унинг кўксини шриватса белгиси ҳамда бебаҳо маржон безаб турарди.

### Текст 29

Шохалари анвойи гуллар билан тўлиб ётган сандал дарахти сингари Парвардигор кўплаб марварид ва гавҳарлар билан безанган эди. У Ўзини Ўзи таъминлаб турадиган дарахт, борлиқдаги барча мавжудотларнинг Эгаси эди. сандал дарахтининг шохаларини кўплаб

илонлар ўраб олгани сингари, Парвардигорнинг танасини Анантанинг капгирлари ўраб турарди.

Изоҳ: Бу шеърдаги авйакта-мулам ибораси муҳим аҳамиятга эга. одатда дарахтнинг илдизлари бизнинг кўзимизга кўринмайди, лекин Парвардигор ҳакида гапирсак, У Ўзининг илдизи ҳисобланади, чунки Ўзидан бошқа ҳеч кимга суюнмайди. Ведаларда Парвардигор Ўзи Ўзининг асоси бўлгани ва бошқа асоси бўлмагани учун

свашрайашрайа деб аталади. Демак, авйакта иборасини бошқа ҳеч кимга эмас, факат Парвардигор қўллаш мумкин.

### Текст 30

Худди катта тоғдай баланд кўтарилиб турган Парвардигор барча кўзғалувчан ва кўзғалмас тирик мавжудотлар учун нажот макони ҳисобланади. У – илонларнинг дўсти, чунки Парвардигор Ананта Унинг яқин дўсти ҳисобланади. Тепасида Ананта-наганинг минг калласи турган Парвардигор худди минг олтин чўққиси бор тоғни эслатарди. Баъзан тоғларда қимматбаҳо тошлар сочилиб ётгани сингари, Парвардигорнинг илоҳий танаси ҳам бошдан-оёқ қимматбаҳо гавҳарлар билан безанган, баъзан тоғлар денгиз сувларига чўмгани сингари, Парвардигор вақти-вақти билан тошқин сувларда кўринмай қоларди.

### Текст 31

Тоғ сингари баланд турган Парвардигорга караб туриб Браҳма У – Хари, Худо Шахси эканини тушунди. У Парвардигорнинг кўксидаги таърифлаб бўлмас даражадаги чиройли гулчамбар Уни ведавий донишмандикка тўла маъноли ширин мадҳиялар билан олқишлаётганини эшилди. Уни жанговор Сударшана чакра ҳимоя қилиб турар, на куёш, на ой, на ҳаво, на олов ҳатто Унга яқинлаша олмасди.

### Текст 32

Парвардигорни кўриб, коинот тақдирини ҳал қилувчи маъбуд Браҳма бутун оламга кўз ташлади. Унинг кўз олдида Парвардигор Вишнунинг киндик чуқурлигидаги кўлмак, ундан ўсиб чиқкан нилуфар гули, шуннингдек ҳаво ва осмонни қуритадиган тошқин сувлари намоён бўлди. Буларнинг ҳаммаси унинг кўз олдида турарди.

### Текст 33

(Буларни кўриб) Маъбуд Браҳмада эҳтирос гунаси таъсири остида яратиш истаги пайдо бўлди. Оламнинг Олий Шахс Худо Парвардигор кўрсатган беш сабабини кўриб, у ақлини яратиш жараёнида мужассам қилиб, кўркув аралаш хаяжон билан Парвардигорга илтижо қила бошлади.

Изоҳ: Бу дунёда бирор нарсани яратиш учун, ҳатто моддий эҳтирос гунасидаги одам ҳам ўзига бунинг учун зарур бўлган куч-кудрат ато этишни тилаб Парвардигорга илтижо қилиши лозим. Факат шу йўл билан ҳар қандай ишда муваффақиятга эришиш мумкин.

Бхактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ "Гарбходакашайи Вишнудан Браҳманинг дунёга келиши" деб аталадиган саккизинчи бобига изоҳлари шундай якунланади.

## **Тўққизинчи боб**

### **Браҳманинг яратиш қудрати тилаб қилган илтижолари**

#### **Текст 1**

Маъбуд Браҳма шундай деди: Узок йиллар давомида риёзат чеккандан кейин мен бугун ниҳоят Сени англаб етдим, эй Парвардигор. Ҳақиқатан ҳам моддий тана олган тирик мавжудотлар жуда баҳтиқародирлар, чунки улар Сенинг шахсингни англаб етиш имкониятидан маҳрумдирлар! Эй Худойим, Сен – билиш керак бўлган ягона зот – Сен Ўзингсан, чунки бутун оламда Сендан устунроқ Зот йўқ. бир қараганда Сендан устунроқ бўлиб кўринган нарсаларнинг ҳаммаси аслида Мутлак Зот эмас. модданинг яратиш кучини намоён этиш билан Сен бутун борлик устидан устивор эканингни тасдиқлайсан.

Изоҳ: Моддий тана билан шартланиб қолган тирик мавжудотларнинг ғоғифлиги уларнинг моддий оламнинг олий сабаби нимада эканидан бехабарлигига ёркин намоён бўлади. Олий сабабнинг табиати ҳакида ҳар хил одамлар турли таълимотларни ўргага ташлайдилар, аммо уларнинг бирортаси ҳақиқатга тўғри келмайди. Олий сабаб битта – Вишну, аммо Парвардигорнинг алдамчи куввати одамларнинг шуни англаб етишига халақит беради. Ажойиб моддий табиат Парвардигорнинг амри билан моддий оламда сон-саноқсиз гаройиб нарсаларни яратади, улар шартланган руҳларнинг дикқатини чалгитади. Шу тарика моддий кувват адаштириб кўйган шартланган руҳлар борликнинг олий сабабини кўриш қобилиятидан маҳрум бўладилар. шунинг учун ҳатто энг машхур олим ва файласуфларни ҳам билимдон донишманд деб бўлмайди. Улар фақат шундай бўлиб кўринадилар, чунки улар Парвардигорнинг алдамчи куввати кўлидаги куроллар ҳисобланадилар. Алданиш домида юриб, одамларнинг аксарият кўпчилиги Парвардигорнинг мавжудлигини инкор этадилар ва борликнинг сабабчиси деб алдамчи кувват яратган арзимас нарсаларни биладилар.

Олий сабаб, Худо Шахсини фақат Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан англаб етиш мумкин, У Ўзининг шундай марҳаматини Браҳма ва шогирдлар силсиласида турган унинг издошлири сингари асл содикларга кўрсатади. Фақат чеккан риёзатлари эвазига Браҳма Гарбходакашайи Вишнуни кўришга муваффақ бўлди, фақат Уни кўргандан кейин Браҳма ҳақиқатан ҳам Парвардигорни англаб етди. Парвардигорнинг шоҳона гўзаллигини ва ажойиблигини томоша қилиб, Браҳма чукур мамнуният ҳосил қилди ва Унинг олдида бошқа ҳамма нарса сўниб, арзимас бўлиб қолишини тан олди. Парвардигорнинг гаройиблиги ва гўзаллиги фақат риёзат чеккан кишига очилади, Унинг гўзаллиги ва гаройиблиги очилган киши учун эса

бошқа ҳамма нарса ўзининг жалб қилувчи қадрини йўқотиб арзимас нарсага айланаб қолади. Буни "Бҳагавад Гита"(2.59) ҳам тасдиқлайди: парам дрштва нивартате

Бу ерда Браҳма Парвардигорнинг олий гўзаллигини ва ажойиблигини англаб етишга интилмайдиган аҳмокларни қоралаяпти. Худони англаб етишга интилиш – ҳар бир инсоннинг бурчи, агар инсон шунга интилмаса, унинг умри бекорга ўтаётган бўлади. Моддий гўзаллик ва бойлик факат қарғага ўҳшаган тирик мавжудотларни ўзига жалб этади. қарғаларнинг қиласидан иши ахлат ташланган жойларни титкилашдан иборат, шунинг учун оппок оққушлар улардан узок юрадилар. Қарғалар билан ҳамсуҳбат бўлгандан кўра оққушлар нилуфар гуллари қоплаган, атрофида чиройли боғлар ўсиб турга и кўлларнинг мусаффо тоза сувларида сузид лаззатланадилар. Албатта, қарғалар ҳам, оққушлар ҳам барибир қушлар, лекин улар ҳар хил баландлиқда учадилар.

#### **Текст 2**

Мен кўриб турган қиёфага моддий иллат ҳеч қачон яқинлаша олмайди. Бу қиёфа бу дунёга Худонинг содикларига Унинг марҳаматини намоён этиш учун Парвардигорнинг ички куввати сифатида ташриф буюрди. Бу қиёфа – бошқа сонсаноқсиз қиёфаларнинг манбаи, мен ҳам макони Сенинг киндингинг бўлган нилуфар уgliдан дунёга келаман.

Изоҳ: Моддий табиат гуналари бошқарадиган уч Илоҳ – Браҳма, Вишну ва Махешвара бу ерда Браҳма таърифлаётган Гарбходакашайи Вишнудан дунёга келадилар. Кширодакашайи Вишну ҳар хил замонларга моддий оламга келадиган сонсаноқсиз Вишнуларнинг манбаидир. Уларнинг ҳаммаси бу оламга Парвардигорнинг асл содикларига илоҳий лаззат бағиашлаш учун келадилар. Ҳар хил эпоха ва даврларда келадиган Вишнунинг қиёфаларини ҳеч қачон шартланган руҳларга тенглаштираслик керак. Вишнұтаттваларни ҳатто Браҳма ва Шива сингари фаришталар билан ҳам бир қаторда кўймаслик керак. Ана шундай қилган кишиларни пашанди, имонсиз деб атайдилар. Бу шеърда ишлатилган тамасах ибораси моддий табиатни билдиради. Руҳий табиат тамиҳдан бутунлай мустақил ҳолда мавжуд, шунинг учун уни авабодҳа-раса ёки авародҳа-раса деб атайдилар. Автародҳа ибораси “бутунлай йўққа чиқарадиган зот” деган маънони англатади. Илоҳийликда модда билан аралашишнинг бирор имконияти йўқ. Браҳма коинотдаги биринчи тирик мавжудот, шунинг учун бу ерда у айтятники, Гарбходакашайи Вишнунинг қорнидан ўсиб чиққан нилуфар гули гунчасидан дунёга келган.

#### **Текст 3**

Эй Парвардигор, Сенинг мана шу мангу илмга ва лаззатга тўла қиёфандан устун турадиган бирор

қиёфа кўрмаяпман. Сенинг руҳий оламни қоплаб олган шахсиятсиз Браҳман нурингда тасодифий ўзгаришларга сабаб йўқ, Сенинг ички қувватинг ҳеч қачон тамом бўлмайди. Мен ўзимни бутунлай Сенга топшираман, чунки, гарчи мен ўзимнинг танам ва сезгиларим билан мағурланиб юрсам ҳам, моддий котинотнинг яралишининг бошлангич сабабчиси Сенсан. Аммо, ҳатто моддий олам яралишининг сабабчиси бўлиб ҳам, Сен Ўзингда модданинг таъсирини сезмайсан.

Изоҳ: "Бҳагавад Гита"(18.55)да айтилганки, бхактия мам абхиджанати йаван йаш часми таттватах – Олий Шахс Худони факат Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида маълум даражада англаб етиш мумкин. Маъбуд Браҳман тушундики, Парвардигор Шри Кришна кўплаб мангур, илм ва лаззатга тўла қиёфаларга эга. Парвардигор Говинданинг ана шу экспансияларини у "Брахма-самхита"(5.33)да таърифлаган.

"Мен Говиндага, зиддиятлардан пок ва бегуноҳ азалий Парвардигорга сажда қиласман. Ўзини сонсаноқсиз қиёфаларда атрқатиб, У барча сабабларнинг бошлангич сабабчиси бўлиб қолаверади. У бутун борликда ҳаммадан катта, шунга қарамай, У мангур ёш ва замон ҳукмига бўйсунмай қолаверади. Ведаларни назарий ўрганиш билан Олий Шахс Худони англаб етишнинг иложи йўқ; Парвардигорни тушуниш учун Унинг содик хизматкорининг ёрдамидан фойдаланиш керак".

Парвардигорни асл ҳолида ҳамиша Уни қалбида олиб юрадиган содик хизматкорининг раҳбарлиги остида Унга садоқат билан хизмат қилиш жараёнида англаб етиш мумкин. Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришиб, инсон англаб етадики, брахмажйоти – Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнанинг қисман намоён бўлган кўриниши, моддий оламдаги уч пуруша-аватара эса, - Унинг тўла қисмлари. Брахмажйоти порлаб турган руҳий оламда калпа(давр)лар алмашмайди, Вайкунтха олами яралмайди ҳам, йўқолмайди ҳам. замон у жойда ўзининг йўқлиги билан намоён бўлади. Парвардигорнинг илоҳий танасидан тарлаиб турган ёғду, чексиз брахмажйотига моддий қувват ўз таъсирини ўтказа олмайди. Моддий оламнинг бошлангич яратувчиси Парвардигорнинг Ўзи ҳисобланади. У иккинчи яратувчи вазифасини бажарадиган маъбуд Браҳмани дунёга келтиради, Унинг Ўзи унга яратиш қобилиятини ато этади.

#### Текст 4

Олий Шахс Худо Парвардигор Шри Кришнанинг мана шу ва бошқа ҳар қандай илоҳий қиёфаси бутун оламларга саодат келтиради. Мен Сенинг содикларинг муроқаба қиладиган мана шу мангур шахсий қиёфани намоён этган Сенинг олдингда чуқур эътиром билан сажда қиласман. Аммо, тақдир дўзахдан жой ҳозирлаб кўйган омадсиз

одамлар Сенинг шахсий қиёфандигни инкор этадилар, чунки улар моддий нарсалар ҳақидаги ўйларга фарқ бўлганлар.

Изоҳ: Парвардигорнинг шахсий ва шахсиятсиз қиёфалари ҳақида гапирав эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Парвардигор Ўзининг тўлиқ экспансияларида намоён этган шахсий экспансиялари бутун оламларга саодат келтиради. Олий Рухга, Параматмага муроқаба қилиш Парвардигорнинг шахсий қиёфасига сигинишининг бир кўриниши бўлиб, шахсиятсиз брахмажйоти ҳеч қачон сигинадиган Зот бўлиши мумкин эмас. Парвардигорнинг шахсиятсиз жиҳатига муроқаба қиладиган ё ўзларининг унга боғланишини қандайдир бошқа йўллар билан намоён этадиган кишилар ўзларига дўзахдан жой тайёрлайдилар; "Бҳагавад Гита"(12.5)да айтилганки, имперсоналистлар ўз вақтини моддий нарсалар ҳақидаги бемаъни ўйларга сарфлайдилар, чунки уларни аниқ ҳақиқатдан кўра кўпроқ бекорчи сафсалалар қизиқтиради. Шунинг учун бу ерда маъбуд Браҳма имперсоналистлар билан ҳамсуҳбат бўлишни қоралайди.

Парвардигорнинг барча тўлиқ экспансиялари бир хил қудратга эга, буни "Брахма-самхита"(5.46) тасдиқлайди: Парвардигор Ўзининг экспансияларини худди шуъласидан бошқа шамлар ёндириладиган шамчироқ сингари биринкетин намоён этади. гарчи бошлангич шамчироқ, Шри Кришнани Говинда, Олий Шахс деб атасалар ҳам, Унинг барча экспансиялари – Рама, Нрисимха, Вараха ва бошқалар – бошлангич Парвардигор билан бир хил қудратга эга. унинг барча экспансиялари илоҳий табиатга эга. "Шримад Бҳагаватам"нинг энг бошида айтилганки, Олий Ҳақиқатга моддий иллат яқинлаша олмайди. Парвардигорнинг илоҳий салтанатида на сўзда, на амалда ёлғонга ўрин йўқ. Парвардигорнинг барча экспансиялари илоҳий, уларнинг ҳаммаси бир бирига тенг. Содик хизматкор олдида намоён бўладиган Парвардигорнинг қиёфаси, гарчи ҳали содикнинг қандайдир моддий истаклари колган бўлса ҳам, моддий қиёфа эмас. Калтафаҳм имперсоналистларнинг фикрларига қарши ўлароқ, моддий оламда намоён бўлар экан, бу қиёфа моддий қувват таъсирига берилмайди. Парвардигорнинг илоҳий қиёфасини моддий қувватнинг маҳсулни деб ҳисоблайдиган имперсоналистларга эса, дўзахдан жой тайёрлаб кўйилган.

#### Текст 5

Эй Парвардигор, ўзларининг қулоқлари ёрдамида ҳавони ведавий мадҳиялар билан тўлдириган Сенинг нибуфар қадамларинг пойини тинглаб юрган кишилар Сенга муҳаббат ва садоқат билан хизмат кила бошлайдилар, Сен ҳеч қачон уларнинг қалбини тарқ этмайсан.

Изоҳ: Худонинг асл содиги учун Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас, Парвардигор ҳам ана шундай содикларига бошқа ҳеч нарса керак эмаслигини яхши билади. Буни шеърда ишлатилган ту ибораси тасдиқлаб турибди. Парвардигор Ўз навбатида Ўзининг содик хизматкорининг қалбини тарк этишни

истамайди. Олий Шахс Худо, Парвардигор билан Унинг асл содикларининг ўзаро муносабатлари ана шундай. Парвардигор Ўзининг содик хизматкорларининг қалбини тарк этмаслигининг ўзи шуни кўрсатиб турибдики, Худонинг содиклари Парвардигорга имперсоналистлардан кўра азизроқ. Асл содикларнинг Парвардигор билан ўзаро муносабатлари мустаҳкам ведалар илмига асосланган Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида юзага келади. Парвардигорнинг асл содикларини ҳиссиётга берилган ақидапастлар деб ўйламаслик керак, улар – амалиётчи инсонлар, чунки ўз фаолиятида улар ўзининг руҳий устозининг гапларини тинглаб Ведалар илмини эгаллаган ишонарли мўътабар зотларнинг кўрсатмаларига амал қиласидар.

Мазкур шеърда ишлатилган парайа ибораси муҳим аҳамиятга эга. содикларнинг Парвардигор билан ўзаро яқин муносабатлари асосида пара ҳакти, яъни Худога нисбатан бўлган табиий муҳаббат ётади; Парвардигор билан ўзаро муносабатлардаги ана шундай юқори поғонага кўтарилиш учун шунчаки Парвардигор ҳақида Унинг соф содиклари "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам"ни тушунтириш жараёнида айтган гапларини тинглашнинг ўзи кифоя.

## Текст 6

Эй Парвардигор, бу дунёда турли муаммо ва ҳаёт ташвишларига ғарқ бўлиб юрган одамлар ҳамиша кўркув остида яшайдилар. Улар ҳамиша ўзларининг танасини, бойлигини, дўстларини ҳимоя қилишга ва бошқаларнинг ҳақоратларига чидашга мажбур; уларнинг қалби гуноҳ истаклар ва қайғу-алам билан тўла; очкўзлик билан ўзларининг бутун фаолиятини “мен” ва “меники” деган алдамчи тасавурлар асосида курадилар. То улар Сенинг ишончли, мустаҳкам нилуфар қадамларинг пойидан нажот топмагунча мана шу ташвишлар уларни кийнаб юраверади.

Изоҳ: Шундай савол туғилиши мумкин: Оиласи ҳақидаги ўй ва ташвишлар билан банд бўлиб юрган киши қандай қилиб ҳамиша Парвардигор ҳақида, Унинг номи, шон-шуҳрати, сифатлари ўйлаб юриши мумкин? Моддий оламда яшаётганларнинг ҳаммаси оиласини қандай бокиши, бойлигини ҳимоя қилиш, дўстларидан, қариндошлидан кам бўлмаслик ҳақидаги ташвишлар билан банд, ўзининг ҳозирги ҳолатини ва мартабасини сақлаб қолиш учун инсон ҳамиша кўркиб безовта бўлиб юради. Маъбуд Браҳманинг гаплари мана шу саволларга жавоб беради.

Худонинг асл содиги ҳеч қачон ўзини уйининг эгаси деб хисобламайди. У ҳамма нарсада Парвардигорга таваккал қиласи, чунки ҳамма нарса Унинг қўлида эканини яхши билади, шунинг учун у ўзининг оиласи учун хавотирланмайди, оиласини сақлаш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўйлаб ташвишланмайди. Ўзини бутунлай Парвардигорга топшириб, у бойликка ҳам умуман қизиқмай қўяди. ҳатто унда бойлик орттиришга бўлган интилиш сақланиб қолган бўлса ҳам, у бунга ўз ҳиссиётини лаззатлантириш учун эмас, балки Худога садоқат билан хизмат қилиш учун интилади. Баъзан Худонинг соф содиги худди дунёвий одамлар сингари бойлик тўплай бошлайди, лекин у бу пулларни Худога хизмат қилишда ишлатиш учун тўплайди, оддий одам эса ҳиссий лаззатланиш учун мол-дунё орттиради. Шунинг учун дунёвий одамдан фарқли равища Худонинг содик хизматкори учун пул ташвиш манбаи хисобланмайди. Ҳамма нарсани Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиш билан содик хизматкор бойлик орттириш илонининг заҳарли тишеларини олиб ташлаган бўлади. Агар илоннинг заҳарли тишелари олиб ташланса, унинг чақиши одамни ўлдирмайди. Худога садоқат билан хизмат қилишда ишлатиладиган бойлик илонининг барча заҳарли тишелари юлиб олинган, шунинг учун бойлик содик хизматкорга ҳеч қандай муаммо келтирмайди. Асл содик фактто у бу дунёда худди оддий одамлардай яшаётган бўлса ҳам ҳеч қачон дунёвий моддий фаолиятга ғарқ бўлиб кетмайди.

## Текст 7

Эй Парвардигор, Сенинг илоҳий кароматларингни шарафлаб қўйлашдан ва улар ҳақидаги ҳикояларни тинглышдан бош тортиб, ўзини барча саодатлардан маҳрум қиласидиган одамлар - ҳақиқатан ҳам, аклдан озган, омадсиз кишилардир. Улар турли гуноғ ва иллатларга ботиб кетган, ўткинчи арзимас моддий лаззатланиш учун ҳар қандай гуноҳдан юз ўтирумайдилар.

Изоҳ: Яна бир савол туғилиши мумкин: одамларни бу дунёнинг барча ташвиш ва кўркувлардан халос этишга қодир бўлган Парвардигорнинг улуғворлиги ва эрмакларини тинглаш ва тақрорлашдай савоб ишлар нимага одамларни ўзига жалб қиласиди? Бу саволга ягона жавоб шундан иборатки, тақдирнинг иши шундай, унга эса, одамларнинг ҳиссий лаззатлар изидан қувиб содир этадиган гуноҳлари сабаб бўлади. Шунга қарамай, Парвардигорнинг асл содиклари ўзларининг ҳаётининг мазмуни шундан иборат деб билган ҳолда ана шу баҳтиқаро одамларга ачинганидан уларни Худога садоқат билан хизмат қилишга жалб қиласидар. Факат Парвардигорнинг асл содикларининг марҳамати билан тақдир кийнаб кўйган ана шу баҳтиқаро одамлар Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш поғонасига кўтарилишлари мумкин.

## Текст 8

Эй буюк ишларни амалга оширувчи Зот. Эй Худойим! Бу баҳтиқаро мавжудотлар ҳамиша очлик ва чанқоқлик азобидан, шамоллаш, сафро ва мъеда??? бузилишдан, қишининг совугидан, ёзинг жазира маисиғидан, ёмғирдан ва бошқа кўплаб оғатлардан қийналадилар, ҳамиша енгиб бўлмас шаҳвоний эҳтирос ва ғазаб ҳукми остида юрадилар. Бу мавжудотларга ачинганимдан юрагим сиқилиб кетади.

Изоҳ: Браҳма ва унинг шогирдлари силсиласида турган шогирдлари сингари Худонинг асл содик хизматкори учун моддий оламда танаси ва ақли, табиий оғатлар ҳамда бошқа нарсалар сабабли уч турли азоб-уқубат чекиб юрган шартланган руҳларнинг мусибатларини кўриш ҳамиша азоб бўлган. Ана шундай ҳамдард одамарнинг баъзилари, гарчи инсониятнинг муаммоларин қандай ҳал қилишни билмасалар ҳам, ўзларини жамиятнинг йўлбошчилари деб атайдилар. Ана шундай калтафаҳм одамларнинг раҳбарлиги остида уларнинг баҳтиқаро издошлари яна каттароқ муаммоларга дуч келадилар. Улар худди кўзи кўр одамга эргашиб кетаётган кўр одамларга ўхшайдилар, натижада ҳаммаси биргалиқда жарга қулайдилар. Шунинг учун токи уларга ҳакиқий ҳамдард бўлган Худонинг содиклари уларга тўғри йўлни кўрсатмас экан, одамлар қалбида бу дунёning мусибатларидан халос бўлишга умид пайдо бўлмайди. Парвардигорнинг ўз ихтиёри билан ҳиссийлаззатланишга интилиб юрган нодон дунёвий одамларни кутқаришни ўз зиммасига олган содиклари Парвардигорга маъбуд Браҳма сингари азиздир.

## Текст 9

Эй Парвардигор, аслида руҳ ҳеч қачон моддий мусибатлардан изтироб чекмайди. Лекин, то шартланган руҳ ўзининг танаси ҳиссий лаззатланиш учун яратилган деб ҳисоблар экан, у Сенинг ташки қувватинг ҳукми остида қолаверади ва моддий мусибатлар чангалидан халос бўла олмайди.

Изоҳ: Моддий оламда яшаётган тирик мавжудотнинг барча мусибатларининг манбаи унинг ўз мустақиллиги ҳакидаги соҳта тасавуридир. Тирик мавжудот ҳамиша, шартланган ҳолатда ҳам, озодликка эришгандан кейин ҳам Парвардигорнинг қонунлари ҳукми остида бўлади, лекин ташки қувват таъсири остида у ўзини Худо Шахсидан мустақил ва Унинг олий ҳукмига бўйсунмайдиган зот деб билади. Ўзининг азалий бошлангич табиий ҳолатида тирик мавжудот ўзининг истакларини Худонинг амрига мослайди, буни истамаган тирик мавжудот эса, моддий оламга тушади, бу ерда у моддий оламда тутқун бўлиб ачинарли хаёт кечиради. "Бҳагавад Гита"(2.55)да айтилганидай, праджахати йада каман сарван партха мано-гатан: тирик мавжудот ўзининг ақлида пайдо бўлган барчарежаларидан

воз кечиши ва Худонинг олий амрига бўйсуниши лозим. Фақат шу йўл билан у моддий тирикчилик чангалидан қутулиши мумкин.

## Текст 10

Ана шундай имонсизлар қундузи ўзларини ва ўзининг хиссиятини оғир ва ёқимсиз меҳнат билан қийнайдилар, тунлари эса уларга уйқусизлик дарди азоб беради, чунки улар ўзлари ақлида пайдо қилган соҳта тасаввурларидан иборат тушлари сабабли тез-тез уйқудан уйғониб кетадилар. Файритабиий куч уларнинг турли хил режаларининг ҳаммасини бирин-кетин чиппакка чиқаради. Агар Сенинг илоҳий кароматларинг ҳакидаги ҳикояларни тинглашдан бош тортсалар, ҳатто буюк донишмандлар моддий оламда туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқолмайдилар.

Изоҳ: Аввалги шеърда айтилганидек, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан қизиқмайдиган кишилар моддий фаолиятга фарқ бўлиб кетадилар. Шундай кишиларнинг аксарият кўпчилиги кундуз кунлари оғир жисмоний меҳнат билан машғул бўладилар. Улар кун бўйи катта саноат корхоналарида қаттиқ чарчагунча меҳнат қиладилар. Ана шу фабрикаларнинг эгалари ўзларини шаб ҷиқарган маҳсулотни сотиш учун харидор излаш билан шуғулланадилар, ишчилар эса ана шундай маҳсулотларни ҳар хил станок ва механизмлар билан жиҳозланган завод ва фабрикаларда белини кўтармасдан оғир меғнат килиб ишлаб чиқардилар. "Завод" – дўзахнинг бошқача номи. Ўзларининг дўзахий азоб берадиган ишларидан келган одамлар ўзларининг чарчаган ҳиссиятига бирор нима билан лаззат бериш ниятида кечқурунлари ўзларини арок ва аёллар билан овутадилар, лекин улар ҳатто кечалари хотиржам ухлашга ҳам қодир эмаслар, чунки хаёлида пайдо бўладиган турли режалари уларга тинчлик бермайди. Уйқусизлик туфайли улар кечаси яхши ҳордик чиқара олмайдилар, шунинг учун эрталаб улар уйқусираб юрадилар. Файритабиий куч уларнинг барча режаларини чиппакка чиқаради, ҳатто буюк олимлар ва мутафаккирлар умрлар оша моддий оламда аянчли шароитда тирикчилик қилишга мажбур бўладилар. буюк олим бутун оламни бир зумда яксон қиладиган атом бомбаси кашф қилиши ва инсоният олдида қилган бу "хизмати" учун энг мартабали мукофотга эга бўлиши мумкин, лекин ҳатто у ҳам қилган гуноҳи учун моддий табиатнинг олий қонуни асосида ҳукм қилинган жазосини олишдан қутулиб қолишга ва туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқишига қодир эмас. Худога садоқат билан хизмат қилишни инкор этадиган кишиларнинг ҳаммаси моддий оламда такрор ва такрор туғилишга ва ўлишга маҳкум.

Мазкур шеърда алоҳида таъкидланганки, агар Худога садоқат билан хизмат қилишни инкор этсалар, ҳатто донишмандлар ҳам моддий олам

зиндонида азоб чекишга мажбур. Кўплаб донишмандлар ҳозирги даврда эмас, ҳатто ўтмишда ҳам ўзларининг Худога садоқат билан хизмат қилишга мутлақо боғлиқ бўлмаган диний тизимини яратишга уринганлар, лекин аслида Худога садоқат билан хизмат қилишдан ташқарида ҳеч қандай дин хақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Парвардигор барча тирик мавжудотларнинг хукмдори. Бутун борликда Унга тенг ёки Ундан буюкроқ зот йўқ. Ҳатто Парвардигорнинг шахсиятсиз кўриниши ва Унинг бир жойга жамланган жиҳатини Олий Шахс Худо билан бир қаторга қўйиш мумкин эмас, шунинг учун, агар Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига асосланмаган бўлса, ҳеч қандай дин ёки фалсафа одамларнинг руҳий юксалишига ёрдам бермайди. Озодликка чиқиш учун каттиқ риёзатларга берилиб юрган имперсоналистлар шахсиятсиз брахмажойтига эришишлари мумкин, аммо Худога садоқат билан хизмат қилмагани сабабли улар охир оқибатда яна бир марта моддий оламда тирикчилик қилиш учун моддий оламга кайтиб келадилар. Буни "Шримад Бҳагаватам"(10.2.33) ҳам тасдиқлайди:

"Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб озодликка эришдим деб ўйлаб юрганлар брахмажойтига эришишлари мумкин, аммо уларнинг онги булғанган бўлгани сабабли улар Вайкунтахалокага кира олмайдилар, бу озодликка чиқсан жонлар яна моддий оламга тушадилар"

Шундай қилиб, ҳеч ким Худога садоқат билан хизмат қилишга асосланмаган диний қоидалар тизимини яратади. "Шримад Бҳагаватам"нинг олтинчи кўшиғидан билиб оламизки, дин қонунларини ягона Парвардигорнинг Ўзи яратади. "Бҳагавад Гита" ҳам шуни тасдиқлайди, унда Парвардигор диннинг инсонни ўз ихтиёрини Худога топширишга ундамайдиган барча турларини инкор этади. фақат инсонни Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган фалсафа ёки таълимот ҳақиқий дин деб ҳисобланиши мумкин. "Шримад Бҳагаватам"нинг олтинчи кўшиғи(6.3.19-21)да барча имонсизларнинг хукмдори Ямараж шундай дейди:

"Дин қонунларини Парвардигорнинг Ўзи ўрнатиб қўйган, уларни бошқ ҳеч икм, шу жумладан фаришталар ва буюк донишмандлар ҳам ўрнатишига қодир эмас. Агар ҳатто буюк донишмандлар ва фаришталар янги дин қоидаларини киритишига ҳаққи бўлмаса, қандайдир сеҳргар, иблислар, одамлар, видъядхаралар ва чараналар ҳақида нима дейиш мумкин? Ўн икки шахс – Браҳма, Нарада, маъбуд Шива, Кумарлар, Капила, Ману, Прахлада Махараж, Джанака, Бхишма, Бали, Шукадева Госвами ва Ямараджа – Парвардигор ҳақиқий дин қонунларини тушунтириш ва тарғибот қилиш учун ваколат бераб қўйган ҳақиқий вакилларидир"

Дин қонунлари ҳамма тирик мавжудотларга бирдай тушунарли эмас. бу қонунлар шунчаки инсонни юқори маданиятли, ахлоқ-одобли қилиш учун мўлжалланган эмас. Албатта, адашган одамлар ахимса ва бошқа алоқ қоидаларига риоя қилиб яшашлари лозим, чунки ахлоқ қоидаларига риоя қилмайдиган ва бошқа тирик мавжудотларга зарар етказадиган киши дин қонунларининг мазмунини англашга қодир бўлмайди. Лекин, ҳатто барча ахлоқ-одоб қоидаларига қатъий риоя қилиб юрган ва бошқа тирик мавжудотларга зарар етказмай юрган кишининг ҳам ҳаққий дин нима эканини тушуниши жуда қийин. Мана шу энг маҳфий сир ҳисобланади, чунки ҳақиқий дин қонунларини англаб етган ҳар қандай инсон шу заҳотёқ озодликка чиқади ва илм ва лаззатга тўла мангу ҳаётга эришади. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларига риоя қилмай юрган киши ўзини дин арбоби деб эълон қилишга ва бу билан соддадил одамларни йўлдан адаштиришга ҳаққи йўқ. "Ишопанишад" мантраларидан бири буни қатъий ман қилиб қўйибди(12):

"Дин қонунларини билмайдиган, шу боис диний фаолият билан шугулланмайдиган киши ўзи ўйлаб топган нарсаларни ҳақиқий дин деб, одамларга ҳақиқий дин қоидаларини – Худога садоқат билан хизмат қилиш қоидаларини бермай, уларни йўлдан адаштириб юрган кишидан минг марта афзал". Маъбуд Браҳма ва бошқа мўътабар зотлар ана шундай ўзбилармон дин арбобларини қаттиқ қоралайдилар.

## Текст 11

Эй Худойим, асл содикларинг Сен ҳақингда ҳикоялар тинглаганида Сени қулоқлари билан кўрадилар. Тинглаш жараёнида ана шундай содикларнинг қалби покланади, Сен эса шу ерга жойлашиб оласан. Сен Ўзингнинг содикларингга шу қадар меҳрибонсанки, улар ҳамиша Сен ҳақингда ўйлаб, Сенинг қайси бир мангу қиёфангга муроқаба қилиб юрган бўлса, уларнинг кўзи олдида Сен ўша қиёфада намоён бўласан.

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, содик хизматкор Худога қайси қиёфада сифинишни истаса, Парвардигор унинг олдида шу қиёфада намоён бўлади. Демак, Парвардигор Ўзининг содик хизматкорининг истагига шу қадар бўйсунадики, у Худони қандай қиёфада кўришни истаса У унинг олдида шу қиёфада намоён бўлади. Парвардигор содик хизматкорининг бундай истагини бажаради, чунки У ҳамиша содик хизматкорининг Ўзига муҳаббат билан қилиб юрган хизматига муносиб жавоб беради. Бу ҳақда "Бҳагавад Гита"(4.11)да ҳам айтилган: ўе йатха мам прападйанте тамс татхаивабхаджамй аҳам. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳеч қачон Парвардигор содик хизматкорининг инжиқликларига жавоб бермайди. бу шеърда яна айтилганки, твам бхакти-йога-парибхавита – яни, бу ерда гап Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка, айнан

Худога муҳаббат, према погонасига эришган содик нимага эришиши ҳакида гап боради. Прима содик хизматкорга унинг имони аста-секин ривожлана бориб ниҳят муҳаббатга айланиш жараёнида келади. Имон, Худога ишонч инсонни Худонинг содиклари билан учрашишга ундиши, улар билан бўладиган сухбатлар унга Худога садоқат билан хизмат қилишга киришиш имконини беради: у шогирдликка фотиҳа олиб, содик хизматкорнинг муқаддас китобларда буюрилган асосий вазифаларини бажара бошлайди. Мазкур шеърда ана шундай жараён шрүтекшита ибораси билан ифодаланган. Шрүтекшита – Ведалар донишмандлик илмини англаб етган ва моддий тасаввурлардан холос бўлган Худонинг асл содикларини тинглаш жараёни.

Тинглаш жараёнида янги содикнинг қалби моддий иллатлардан покланади, унда Парвардигорнинг Ведаларда келтирилган сонсаноқсиз мангу қиёфаларидан бирига боғланиш туйгуси ривожланади.

Содик хизматкорнинг Парвардигорнинг ўёки бу қиёfasига боғланиши унинг шахсий табиатига боғлик бўлади. Худонинг мангу содик хизматкорлари бўлган ҳолда тирик мавжудот табиий равишда азалдан Унга илоҳий хизмат қилишнинг маълум бир турига боғланган бўлади. Парвардигор Чайтанья айтадики, тирик мавжудот - Олий Шахс Худо Парвардигор Шри Кришнанинг мангу хизматкоридир. Демак, ҳар бир тирик мавжудот Парвардигор билан хизмат қилишда намоён бўладиган маълум бир муносабатлар асосида мангу боғланган. Қонун-коидалар асосида Худога садоқат билан хизмат қилиш содикнинг қалбида Парвардигор билан ўзаро ана шу аниқ муносабатга боғланиш туйгусини юзага келтиради, натижада содикнинг қалбида мангу озод жонларнинг қалбидагига ўхшаган Парвардигорнинг мангу қиёфаларидан бирига боғланиш туйгуси ривожлана бошлайди. Парвардигорнинг аниқ бир қиёfasига боғланиш туйгуси сварупа-сиддхи деб аталади. Парвардигор соғ содикнинг қалби нилуфарида содик хизматкор Уни қайси қиёфада кўришни истаса, шу қиёфада ўтиради, шунинг учун, аввалги шеърда айтилганидек, Парвардигор ҳеч қачон ўзининг содик хизматкоридан ажралмайди. Аммо, сохта содикларга, шунингдек Худога вакти-вақти билан сифиниб юрган одамларга Парвардигор ўзини ошкор этмайди ва уларга Ўзини қисташларига йўл қўймайди. Буни "Бҳагавад Гита"(7.25) ҳам тасдиқлайди: нахам пракашах сарвасія йога-майасамавртҳа. Йога-майя ёрдамида Парвардигор Ўзини имонсизлар ёки фақат ўзининг хиссиетига хизмат қиласидиган чала содиклар кўзидан яшириб қўяди. Парвардигор моддий оламни бошқариб турган фаришталарга сифинадиган сохта содиклар учун кўринмай қолаверади. Шундай қилиб, Парвардигор сохта содикларнинг талабларини бажармайди, лекин Ўзининг холис, қалбида

моддий иллатдан асар ҳам қолмаган асл хизматкоридан ҳеч нарсасини аямайди.

## Текст 12

Эй Парвардигор, Сенга турли анжомлар таклиф килиб, дабдабали сифиниш маросимлари ўтказадиган лекин қалбida жуда кўп моддий истаклари бўлган фаришталарнинг сифинишлари унчалик мамнуният бағишиламайди. Ўзингнинг бесабаб марҳаматинг билан Сен Олий Рух сифатида ҳар кимнинг юрагида мавжудсан ва барча тирик мавжудотларга ҳамиша яхшилик қилишга интиласан, лекин имонсизлар Сенга ҳеч қачон эриша олмайдилар.

Изоҳ: Жаннатий сайёralарда яшайдиган ва оламнинг ишларини бошқариб турган фаришталар ҳам Худонинг содиклари ҳисобланади, лекин айни пайтда уларнинг қалбida моддий бойлика ва ҳиссий лаззатланишга интилиш истаги мавжуд. Чексиз меҳрибонлиги туфайли Парвардигор уларга моддий лаззатларнинг тирик мавжудот орзу қилиши мумкин бўлган энг нозик турлари билан лаззатланиш имконини бериб қўйибди, лекин Парвардигор улардан тўла мамнун эмас, чунки улар Худонинг асл соғ содиклари эмас. Парвардигор ўзининг фарзанд(тирик мавжудот)ларидан кимдир уч хил мусибатларга тўла моддий оламда ўзини туғилиш, ўлиш, қасаллик ва кексалик азобларига дучор қилиб мангу қолишини истамайди. Жаннатий сайёralарда яшайдиган фаришталар, шунингдек ерда яшайдиган содикларнинг кўплари моддий оламда яшашни давом эттириш, шу ернинг ўзида Худога хизмат қилиш ва шу билан бирга моддий баҳтдан ҳам лаззатланиб юришни истайдилар. Лекин, моддий оламда қолар экан, улар тубанлика юз тутишлари ва ҳаётнинг қуий турларида туғилишлари мумкин, шунинг учун Парвардигор улардан мамнун эмас.

Асл содиклар моддий лаззатларга интилмайдилар, лекин уларни инкор ҳам қилмайдилар. Улар ўзларининг истагини Худонинг истаги билан мослаштирадилар ва лаззатланиш учун ўзлари шахсан интилмайдилар. Бунга Аржун ёрқин мисол бўла олади. Ўзининг яқинлари ва қариндошларига нисбатан шахсан боғланиб қолгани сабабли у жангда иштирок этишдан бош тортди, лекин "Бҳагавад Гита"ни тинглагандан кейин, Худонинг амрини бажариб жанг қилишга рози бўлди. Шунинг учун Парвардигор ўзининг шахсий истакларини бажариш учун эмас, балки фақат Худонинг хоҳишини бажаришни истайдиган асл содикларидан ҳамиша мамнун бўлиб юради. Павраматма яъни Олий Рух кўринишида Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбida мавжуд бўлиб, ҳаммага тўғри маслаҳат бериб юради. Шунинг учун ҳар биримиз ана шу имкониятдан фойдаланишимиз ва ҳаётимизни Худога илоҳий хизмат қилишга бағишишмиз лозим.

Ана шу икки тоифа тирик мавжудотлардан ташқари, фаришталарга ҳам, Худонинг асл содикларига ҳам ўхшамайдиган имонсизлар ҳам бор, чунки улар Парвардигор билан ҳеч қандай муносабат ўрнатишни истамайдилар. Худога карши чиқиб, улар мана шу оламда ўзларини кўрсатиб юрган фаолияти натижаларини мангутотиб юришга маҳкум этганлар. "Бҳагавад Гита"(4.11)да шундай дейилган: йе йатха мам прападийанте тамс татхаива бҳаджами аҳам - "Гарчи Парвардигор барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон бўлса ҳам, улар ўз навбатида Парвардигорни турлича мамнун қиласидар - бирорлар кўпроқ, бошқалари озрок". Фаришталарни сакама, яъни қалбida моддий истаклар қолган содиклар деб айтадилар, ҳеч қандай шахсий истак ва интилиши қолмаган асл содикларни эса нишкама содиклар деб айтадилар. Сакама содиклар эгоист, чунки фақат ўзини ўйладилар, бошқаларни ўйламайдилар, шунинг учун улар Парвардигорни тўла мамнун кила олмайдилар. Аммо Парвардигорнинг асл содиклари имонсизларни Худонинг содикларига айлантириб, миссионерлик билан шуғулланадилар, шунинг учун Парвардигор фаришталарга қараганда улардан кўпроқ мамнун. Имонсизларга келсак, гарчи Олий Рух киёфасида ҳар кимнинг қалбida эзгу ниятли маслаҳатчи сифатида мавжуд бўлса ҳам, Парвардигор уларга алоҳида эътибор бермайди. лекин У ҳатто имонсизларга ҳам Ўзининг тарғибот билан шуғулланиб юрган содик хизматкорларини юбориб, Ўзининг марҳаматига эришиш имконини беради. Баъзан Парвардигорнинг Ўзи моддий оламга келади ва Парвардигор Чайтаня қилганидай одамларга илоҳий илм тарғибот қиласиди, лекин аслида У кўпинча Ўзининг бесабаб марҳамтини намоён қилиб бу дунёга ҳақиқий вакилларини юборади. Парвардигор Ўзининг асл содикларини шу қадар севадики, улар Худонинг хабарини одамларга етказиб шон-шуҳрат қозонишини истайди, шунинг учун У Ўзининг содикларини юборади, аслида бу ишни Унинг Ўзи бемалол кила оларди. Сакама содиклар учун англаб етолмайдиган, Парвардигорнинг Ўзининг нишкама содикларига кўрсатадиган алоҳида марҳамати ана шундан иборат. Ана шундай илоҳий фаолият Парвардигорга Ўзини кимларгадир каттиқ боғланган деб айблашларидан Ўзини ҳимоя қилиш, айни пайтда Ўзининг нишкама содикларидан қанчалик мамнун эканини кўрсатиш имконини беради.

Шундай савол туғилиши мумкин: агар Парвардигор имонсизлар қалбida ҳам мавжуд бўлса, нимага улар ҳам Худонинг содик хизматкори бўлмайдилар? Бу саволга жавоб бериб шуни айтиш мумкинки, ўжар имонсизларнинг қалби бирор гиёҳ ўса олмайдиган худди чўл ёки шўрлок ерга ўхшайди. Парвардигорнинг бир заррачаси бўлган ҳолда ҳар бир тирик мавжудот маълум даражада эркинликка эга, Ўзининг ана шу эркинлигидан нотўғри фойдаланиб, имонсизлар

ҳамиша Худони ва Унинг таълимотини тарғибот қилиб юрган асл содикларини ҳақорат қиласидар. Ана шу ҳақоратлар уларнинг қалбини экилган урағлар ўса олмайдиган шўр ва чўл ерга ўхшатиб қотириб таштайди.

### Текст 13

Аммо одамларнинг савоб ишлари – ведавий урғодатларга риоя қилиш, хайр-эҳсон улашиш, риёзат чекиш ва Худога илоҳий хизмат қилиш ҳам, агар улар буни Сенга сифинишининг бир тури деб билиб, шу билан Сени мамнун қилишга интилиб, бу ишларнинг маҳсулини Сенга бағишилаб қилсалар, жуда яхши самара беради. Бундай тақводорлик фаолияти ҳеч қачон бекор кетмайди.

Изоҳ: Руҳий фаолиятнинг тинглаш, тақрорлаш, эслаш, сажда қилиш ва бошқалар сингари тўққиз турини ичига олган Худога мутлақ садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир ишда дабдаба, томошаларга ўрганиб қолган одамларни ҳамиша ўзига жалб қиласидар. Шундай одамларга ташқаридан қараганда чиройли ва дабдабали, кўплаб одамлар тўпланадиган диний маросимлар кўпроқ ёқади. Лекин шуни эсада тутиш лозимки, Ведаларнинг кўрсатмаларига асосан, барча савоб ишларнинг маҳсули Парвардигорга бағишиланиши лозим. "Бҳагавад Гита"(9.27)да Парвардигор талаб қиласиди, ҳар хил удумлар, қурбонлик маросими ўтказар экан, эҳсон садақа қилиб ёки риёзат чекиб, инсон ўзининг кудалик қиласидан ўзи лаззатланиб юрган киши уларнинг заҳираларини дарров сарфлаб бўлади. Инсоннинг Худо учун қилган барча ишлари у билан мангу саодат келтиради, лекин, ўзининг савоб ишлари натижасидан ўзи лаззатланиб юрган киши уларнинг заҳираларини дарров сарфлаб бўлади. Инсоннинг Худо учун қилган барча ишлари у билан мангу бирга қолади, тўпланиб тобора кўпайиб, савоб ишларнинг кўринмас заҳирасига айланади, ана шу заҳира унга аста-секин Худога соғ садоқат билан хизмат қилиш поғонасига кўтарилиш имконини беради. Шунинг учун бу ерда маъбуд Браҳма ҳар қандай савоб ишни маъкуллайди ва уни Худонинг асл содиги бўлмаган кишиларга тавсия қиласиди.

### Текст 14

Мен чуқур эҳтиром билан ички қуввати яратган мангу қиёфаси Уни бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган Олий Илоҳий Азал олдида эътиром билан бош эгаман. Унинг шаклшамойилга эга бўлмаган шахсиятсиз қиёфаси ўзлигини англаб етган кишилар тафаккурига аён бўлади. Мен Ўзининг эрмаклари билан лаззатланиб, моддий оламни яратадиган, мавжудлигини таъминлаб турадиган ва яксон қиласидан Зотга сажда қиласман.

Изоҳ: Гарчи ўзининг руҳий ўзлигини англаб етган кишиларнинг тафаккурига Худонинг шахсиятсиз

жиҳати аён бўлса ҳам, Унинг ички қуввати Уни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб туради. Шунинг учун Худонинг содиклари Унинг шахсиятсиз жиҳати олдида хурмат билан бош эгадилар. Бу шеърда раса ибораси алоҳида аҳамиятга эга. Парвардигор Шри Кришна Вриндаванлик подачи қизлар билан раса-раксига тушиб лаззатланади, Худо Шахси Гарбходакашайи Вишну Ўзининг моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаш ва яксон қилиш имконини берадиган ташки қуввати билан бўладиган расада лаззатланади. Бу ерда маъбуд Браҳма гопилар билан раса раксида мангу лаззатланиб юрадиган Парвардигор Шри Кришнага эҳтиром кўрсатяпти, буни “Гопалатапана-упанишад” ҳам тасдиқлайди: паардханте со 'бүдхайата гопа-вешо ме пурушаҳ пурастад авирбабхува. Парвардигор ва тирик мавжудотлар орасидаги фарқни фақат Парвардигорнинг ички қуввати билан Унинг моддий оламни яратадиган ташки қуввати орасидаги фарқни тушуна олишга қодир бўлган чукур тафаккурга эга одамларгина ҳис қила оладилар.

### Текст 15

Мен киёфалари, сифатлари ва кароматлари англауб бўлмайдиган йўллар билан бу дунёнинг қиёфаларини, сифатларини ва фаолиятини келтириб чиқарадиган Зотнинг нилуфар қадамлари пойи паноҳига кираман. Танасини тарқ этиб кетаётганда ҳатто ўзи билмаган ҳолда Унинг илохий номини тилига олган киши шу заҳотиёқ барча кўплаб умрлар давомида қилган гуноҳлари оқибатидан покланади ва Унинг даргоҳига эришади.

Изоҳ: Олий Шахс Худонинг қиёфаларининг кўрсатган кароматлари қайсиdir маънода моддий оламда яшаётган тирик мавжудотларнинг фаолиятига тақлид қилишга ўхшаб кетади. Парвардигорнинг моддий оламда мужассам бўладиган қиёфаларини саҳнадаги актерга ўхшатиш мумкин. Ўзининг ролини ижро этар экан, актер шохнинг харакатларига тақлид килади, лекин аслида у шоҳ эмас. Худди шунга ўхшаб, бу дунёда мужассам бўлар экан, Парвардигор умуман Ўзига бегона бўлган ишларни амалга оширади. "Бҳагавад Гита"(4.14)да айтилганки, Парвардигор Ўзи шуғулланиб юрган фаолиятга умуман бефарқ: на мам кармани лимпантини на ме карма-пхале спрха. Парвардигор ҳар нарсага қодир; agar У истаса бас, Унинг ҳар қандай истаги шу заҳотиёқ ўзидан ўзи амалга ошади. Парвардигор Шри Кришна қиёфасида ер юзига келиб, У Яшода билан Нанданинг ўғли ролини ўйнади, Ўзининг ана шу эрмаклари давомида У Говардхана тогини кўтарди, гарчи У бундай килиши умуман шарт эмасди. Агар У истаса Говардхана сингари миллион тоғлар ўзидан ўзи осмонга кўтарилади, - Парвардигор уларни қўли билан кўтариб юриши шарт эмас. тогни кўтариш билан Парвардигор оддий тирик мавжудотнинг харакатларига тақлид

килади, айни пайтда Ўзининг ғайритабиий кудратини намоён этади. шунинг учун Унинг номларидан бири – Шри Говардханадхари – “Говардхана тогини кўтарган Зот”. Шундай қилиб, бу дунёда мужассам бўлар экан, Унинг кўрсатган кароматлари ва Ўзининг содикларига кўрсатган алоҳида марҳаматлари – худди саҳнадаги артистнинг харакатлари сингари тақлиддан бошқа ҳеч нарса эмас. Лекин, Парвардигор қандай вазифа бажармасин, Унинг ҳамма харакатлари хартнарсага қодир Парвардигорнинг харакатлари бўлиб қолаверади, шунинг учун Олий Шахс Худонинг бу дунёда мужассам бўлган қиёфаларининг кароматларини эсалаш Парвардигорнинг Ўзи билан бир ҳил кудратга эга бўлади. Аджамила Нааяян деган ўғлини чақириб, Парвардигорнинг Нааяна деган мукаддас номини тилга олди, мана шунинг ўзи унинг руҳий баркамолликка эришиши учун кифоя бўлди.

### Текст 16

Сен – сайёralар тизими дараҳтининг бошланғич илдизисан. Ана шу дараҳт моддий табиат орқали уч илдизпоя бўлиб ўсиб чиқди, улар – коинотни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилишга маъсул бўлган мен, Шива ва ҳар нарсага қодир бўлган Сенсан, бизлардан эса сон-саноқсиз шоҳалар ўсиб чиқади. Шунинг учун мен моддий олам дараҳти бўлган Сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: Аввалига моддий олам уч оламга таксимланади – олий, қуйи ва ўрта сайёralар тизими, кейин улар ўн тўрт сайёralар тизимига бўлинади, бутун оламнинг илдизи Олий Шахс Худо ҳисобланади. Бир қарашда моддий олам яралишининг сабабчиси бўлиб кўринадиган моддий табиат – шунчаки восита, Парвардигорнинг қуввати. Бу ҳақиқатнинг тасдиғини биз "Бҳагавад Гита"(9.10)да учратишимиз мумкин: майдадхӣакшена практиҳ суйате са-чарачарам – “моддий табиатнинг бутун фаолиятини Парвардигор бошқариб туради, фақат шу туфайли моддий табиат моддий оламнинг яралиш, мавжудлик ва яксон бўлиш сабабчиси бўлиб кўринади”. Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш учун Парвардигор уч қиёфада мужассам бўлади: Вишну, Браҳма ва Шива. Моддий табиат гуналарини бошқаришда Парвардигорнинг уч асосий воситасиҷи ичиди Вишну – Парвардигордир; ҳатто моддий оламда бўлиб, унинг мавжудлигини таъминлаб туриб ҳам, У моддий табиат қонунларига бўйсунмайди. Бошқа иккى Илоҳ – маъбуд Браҳма ва Шива худди Вишну сингари кудратга эга бўлсалар ҳам, баривор Парвардигорнинг моддий қуввати ҳукми остида бўлади. Калтафаҳм пантеистлар моддий табиатнинг турли соҳаларининг фаолиятини бошқариб турадиган фаришталарнинг

мавжудлигини нотўгри тушунадилар. Парвардигор битта ва ягона, У барча сабабларнинг бошланғич сабабчиси. Лекин, давлат ишларини кўплаб вазирлардан ва бошқа хукмдорлардан таркиб топган ҳукумат бошқаргани сингари, оламни ҳам хукмдор фаришталар бошқариб туради.

Факат ўзининг ғофилиги сабабли имперсоналист оламнинг барча ишларини алоҳида шахслар бошқариб туришига ишона олмайди. Лекин мазкур шеърда аниқ айтилганки, бутун борлик шахсий табиатга эга ва бутун борликда шахсиятсиз бирор нарса йўқ. биз бухақда "Шримад Бҳагаватам"нинг кириш қисмида гапирган эдик, бу шеърда ҳам шу ҳақда айтиляпти.

Моддий олам дараҳти ҳақида "Бҳагавад Гита"нинг ўн бешинчи бобида айтилган. Парвардигор Шри Кришна моддий олам дараҳтини илдизи юқорига қараб ўсадиган ашваттха дараҳтига қиёслайди. Бундай дараҳтини бирор сув ҳавзаси соҳилида турган дараҳтнинг сувдаги аксига караганда кўриш мумкин. Сувда акс этган дараҳт пастга қараб ўсаётгандай, илдизи эса – юқорига карагандай бўлиб туюлади. Бу ерда айтилган яратиш дараҳти – ҳақиқатнинг, Парабраҳман, Вишнунинг аксидан бошқа нарса эмас. Ҳақиқий дараҳт Унинг ички қуввати яратган Вайкунхалокада ўсади, моддий табиат сувларида акс этган дараҳт эса – шунчаки ҳақиқий дараҳтнинг акси. Имперсоналистларнинг Браҳманда ранг-баранглик мавжуд эмас деган тасаввuri эса, ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки "Бҳагавад Гита"да таърифланган соя-дараҳт ўзидан ўзи эмас, балки ҳақиқий дараҳтнинг сояси сифатида мавжуд, ҳақиқий дараҳт илоҳий ранг-барангликка тўла руҳий табиатнинг мангу оламида жойлашган, ана шу дараҳтнинг илдизи Парвардигор Вишну. Ҳақиқий дараҳт билан унинг акси бўлган соя дараҳтнинг илдизи бир – Парвардигор, аммо алдамчи дараҳт – аслида ҳақиқий дараҳтнинг бузилган акси. Ҳақиқий дараҳт бўлган ана Парвардигор олдида маъбуд Браҳма ҳам ўзининг, ҳам Шиванинг номидан эҳтиром билан сажда киляпти.

## Текст 17

Одамларнинг аксарият кўпчилиги бутунлай бемаъни фаолият билан шуғулланадилар. Сен Ўзинг ҳар бир инсонга манфаат келтирадиган амалларни тавсия қилиб қўйгансан, лекин улар Сенинг маслаҳатларингни инкор этадилар. Токи одамлар бемаъни фаолият билан шуғулланишга интилишни тарк этмас эканлар, уларнинг тирикчилик учун курашиб тузган барча режалари чиппакка чиқаверади. Шунинг учун мен мангу замон қиёфасида ҳаракат қиласиган сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: Одатда одамлар асосан умуман фойдасиз бўлган фаолият билан шуғулланадилар. Бунда улар онгли равишда ўzlари учун ҳақиқий манфаат келтирадиган фаолиятни –

Худога садоқат билан хизмат қилишни четлаб ўтадилар, бу фаолият мукаддас китоблар тилида арчана қоидалари тўплами деб аталади. Парвардигорнинг Ўзи ўрнатиб қўйган арчана қоидалари "Нарада-Панчаратра"да нозил қилинган, ақл-идрокка эга, инсон ҳаётининг олий мақсади ва инсоннинг баркамоллиги – Парвардигор Вишнуга – моддий олам дараҳтининг илдизига эришишдан иборат эканини биладиган кишилар ана шу қоидаларга амал қилиб яшайдилар. Бундан ташқариш ва "Бҳагавад Гита"да ҳам ана шундай қоидалар асосида тартибга солинган фаолият зарурлиги ҳақида айтилган. Лекин нодон одамлар уларга факат Парвардигор Вишнуга эришишгина ҳақиқий баҳт келтиришини тушунмайдилар. "Шримад Бҳагаватам"(7.5.30-32)да шундай дейилган:

"Ўзини алдамчи моддий баҳт зиндонида чиритишига қатъий қарор қилган кишилар хеч қачон Кришнани англаб етолмайдилар, - бунда уларга на руҳий устознинг насиҳатлари, на ўзлигини англаш, на биргаликда муҳокама қилишлар ёрдам беролмайди. Жиловланмаган сезгилари ундан одамларни ғофиликнинг энг тубан жойларига тортади, шунинг учун улар ақлдан озганидан чайналган нарсани қайта чайнашдан бошқа иш билан шуғулланмайдилар.

Ўзларининг бемаъни фаолиятига фарқ бўлиб, улар инсон ҳаётининг олий мақсади Вишнуга, бутун борлиқнинг Парвардигорига эришиш эканини билмайдилар. Шунинг учун уларнинг барча уринишлари Парвардигорнинг ташки қувватининг ҳукми остидаги адашган дунёвий маданият ичидаги тирикчилик учун курашга қаратилган. Худди бир кўр кишини иккинчи кўр етаклаб кетаётгани сингари уларга уларнинг ўзларига ўхшаган нодон раҳбарлар йўлбошлилик қиласиган, натижада улар ҳаммаси жарга куладилар. Ана шундай аҳмоқларни қилган барча гуноҳлари оқибатидан битта Ўзи қутқариб қолишга қодир бўлган Парвардигорнинг кароматлари қизиқтирумайди. Токи улар барча моддий боғланишлардан халос бўлган буюк зотларнинг насиҳатларига қулоқ соладиган даражада ақл-фаросатга эга бўлмагунча аҳвол шундай давом этаверади".

"Бҳагавад Гита"да Парвардигор бизларнинг ҳар биримизга мурожаат қилиб, бошқа ҳар қандай машғулотларни тарк этиб, ўзимизни бутунлай арчанага, Парвардигорни мамнун қиласиган фаолиятта бағишлишни илтимос қиласиги. Лекин, арчана қоидалари асосида тартибга солинган фаолият одамларни ўзига жалб қиласиги. Бу дунёдагиларнинг ҳаммаси у ёки бу даражада Худонинг амрига зид бўлган фаолиятга боғланиб қолган. Гайна ёки йога билан шуғулланиш ҳам билвосита Олий Шахс Худонинг ҳокимлигини инкор этади. инсонга ҳақиқий саодат олиб қеладиган ягона фаолият арчана, Худога сифиниш ҳисобланади. Баъзан гайна ва йогани ҳам арчана тизими таркибиға киритадилар, лекин бунда

уларни инсоннинг якуний натижага – Парвардигор Вишнуга эришишига ёрдам берадиган воситалар сифатида қаралади. Юкорида айтилган гапларнинг ҳаммасидан шундай хуносага келиш мумкинки, фақат Худонинг содикларигина ҳақиқий инсон деб аталишга ва озодликка чиқишига муносиб зотлардир, қолган одамларнинг барчаси ўзларининг куч-кудратини ўзларига ҳеч қандай манфаат келтирмайдиган тирикчилик учун бўлган бемаъни курашишга сарфлайдилар.

#### Текст 18

Эй ҳаммага бирдай меҳрибон Парвардигор, мен сенинг олдингда эҳтиром билан бош эгаман, чунки Сен тиним билмас Замонсан ва барча курбонлик маросимларидан лаззатланасан. Мен оламнинг барча сайёralарига ҳукмронлик қиласман ва икки парардха мобайнида мавжуд бўлиб турадиган маконда истикомат қиласман; руҳий ўзлигимни англашга эришиш учун мен узок йиллар риёзатга берилдим, лекин шунга қарамай мен Сенинг олдингда чукур эҳтиром билан бош эгаман.

Изоҳ: Браҳма коинотдаги энг буюк шахс хисобланади, чунки у ҳаммадан узок умр кўради. Бир вақтлар чеккан риёзатлари туфайли ўзининг ҳолати ва мартабаси бўйича маъбуд

Браҳма коинотда катта ҳурмат-эҳтиборга эга, лекин ҳатто у ҳам Парвардигор олдида эҳтиром билан бош эгади. Шунинг учун маъбуд Браҳмадан анча паст погонада турган бошқа барча тирик мавжудотлар ундан ўrnak олишлари ва Олий Шахс Худога муносиб ҳурмат кўrsatiшлари лозим.

#### Текст 19

Эй Парвардигор, Ўзининг илохий эрмакларини намоён этиш учун одамлардан ҳам қуий погонада турадиган ҳайвонлар орасида ҳам, фаришталар орасида ҳам мужассам бўлиб, Сен ўз истагинг билан ҳар хил тирик мавжудотларнинг қиёфасига кирасан. Моддий иллатлар Сени нопок қила олмайди. Сен бу дунёга фақат Ўзинг ўрнатиб қўйган диний конун-қоидаларда кўrsatiлган вазифаларни бажариш учун келасан, шунинг учун эй Парвардигор, мен ана шундай сон-саноқсиз қиёфаларда мужассам бўладиган Сенинг олдингда чукур эҳтиром билан сажда қиласман.

Изоҳ: Парвардигор ҳар хил тирик мавжудот турлари орасида мужассам бўладиган қиёфаларнинг ҳаммаси илохий. Парвардигор Ўзининг намоён этган Кришна, Рама ва бошқа кўплаган қиёфаларида инсонга ўхшайди, лекин бу У ҳам инсон дегани эмас. Унинг оддий инсон деб қабул қиласдан қишилар ҳақиқатни кўра олмайдиган акли саёз одамлардир. Бу "Бхагавад Гита"(9.11)да тасдикланади: аваджананти мам мудха манушим танум ашритам. Парвардигор тўнғиз ёки балиқ қиёфасида мужассам бўлганда ҳам худди шундай қоида амал қиласми. Буларнинг

ҳаммаси – Парвардигорнинг илохий қиёфалари бўлиб, Парвардигор лаззатланиш ва Ўзининг эрмакларини намоён этиш учун маълум бир ҳолатларда уларда мужассам бўлади. Парвардигор мана шу илохий қиёфаларда асосан Ўзининг содик хизматкорларига ёрдамга келиш ниятида мужассам бўлади. Ҳар гал, Худонинг содикларини озодликка чиқариш ва жамиятда Худонинг ўрнатган дин қонунларини қайта тиклаш зарурати юзага келганда У Ўзининг истаги билан бу дунёга келади.

#### Текст 20

Эй, ширин уйкуга ғарқ бўлган Парвардигор, Сен тошқин сувларда ором олиб ётибсан, Сенинг атрофингда катта тўлқинлар қутуриб юрибди. Сен ақл-идрокли одамларга Сенинг уйқунг қанчалик ширин эканини кўrsatiш учун илонлардан бўлган тўшак устида ором олиб лаззатланиб ётасан. Шу пайтда оламнинг барча сайёralари Сенинг корнингда бўлади.

Изоҳ: Ҳамма нарса ҳақида ўзларининг чекланган тажрибалари асосида фикр юритадиган қишилар кудуқда яшайдиган, Тинч океанинг чексиз ўлчамларини тасаввур қила олмайдиган курбакаларга ўхшайдилар. Ана шундай одамлар Парвардигор Ўзининг борлиқ уммонининг ўртасида жойлашган, илонлардан ясалган тўшагида ётади деган гапларни эшитганида, бу гапларни шунчаки афсона деб хисоблайдилар. Уларни кимдир сув устида бемалол ором олиб ухлаши мумкинлиги ҳайратга солади. Лекин, агар салгина фикр-мулоҳаза юритсалар, бу унчалик ғалати ҳолат эмас. Уммон қаърида ўзланинг моддий фаолияти натижасидан лаззатланиб овқатланиш, ухлаш, зурёд қодириш ва ўзини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган сон-саноқсиз тирик мавжудотлар яшайди. Агар ҳатто шундай арзимас киличик тирик мавжудотлар сувда яшаб лаззатлана оладиган бўлса, нимага энди ҳар нарсага қодир бўлган Парвардигор кутурган уммон ўртасида илоннинг салқин танаси устида ётиб уйкудан лаззатлана олмас эан. Парвардигорни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиб турадиган нарса шуки, Унинг барча кароматлари илохий табиатга эга, У хоҳлаган ишни амалга ошириши мумкин, чунки замон ва макон билан чекланмаган. У моддий шароитлардан бутунлай мустақил ҳолда, ҳар қандай шароитда ҳам илохий лаззатлана олади.

#### Текст 21

Эй мен сифинадиган Зот, Сенинг марҳаматинг билан мен коинотни яратиш учун Сенинг нилуфар киндингинг маконидан дунёга келдим. Сен хотиржам ухлаб ётганингда коинотдаги ҳамма сайёralар Сенинг илохий корнингдан жой олган эдилар. Энди эса, Сен уйкудан уйғондинг, худди күёш чиққанда очиладиган нилуфар гули сингари кўзларинг очилди.

Изоҳ: Бу ерда маъбуд Браҳма бизга арchanанинг биринчи қоидасини ўргатяпти, Худонинг содик хизматкорининг кун тартиби – эрталаб соат тўртдан то кеч соат ўнгача ана шу қоида асосида тузилиши лозим. Эрта туриб содик хизматкор Парвардигорга илтижо қилиши лозим. Бошқа кўп қоидалар ҳам бор, уларга асосан эраталаб мангала-арати ўтказилади. Арchanанинг мазмунини тушунмасдан имонсиз нодон одамлар ана шу қоидалар устидан куладилар. Парвардигор шахсиятсиз, шахс эмас, деган тасаввур инсоннинг Худога садоқат билан хизмат қилишга яқинлашишини шу қадар қийинлаштириб юборадики, амалда ҳамма нарсага моддий тасаввурлар нуқтаи-назаридан қарайдиган ўжар дунёвий одамлар билан умуман сухбатлашишнинг иложи бўлмай қолади.

Имперсоналистлар ҳамма нарса ҳакида салбий фикрга эга. уларнинг фикрича, модда шаклга эга экан, демак руҳнинг шакли бўлмаслиги керак, моддий оламда уйқу бор экан, руҳий оламда уйқу бўлмаслиги керак, арчана тизимиға кўра Илоҳ ухлаши мумкин экан, демак арчана – майя, алданишdir. Бундай тассаввуралр аслида ўзининг моҳиятига кўра моддий тасаввурлардир. Ҳаёт ҳакидағи моддий тасаввур – ижобийми, салбийми – барибир моддий тасаввурлигича қолаверади. Факат олий манбадан, яъни Ведалардан олинган илмгина бенуқсон илм ҳисобланади. "Шrimad Бҳагаватам"нинг бу шеърлари одамларга арчана қоидаларига риоя қилишни тавсия қиласди. Оламни яратишга киришишдан олдин маъбуд Браҳма Парвардигорнинг олам тошқини сувлари устида чайқалиб турган, илонлардан иборат тўшак устида ухлаб ётганини кўрди. Шундай қилиб, Парвардигорнинг ички қувватида уйқуга ҳам ўрин бор, маъбуд Браҳма ва унинг шогирдлар силсиласида турган издошлари сингари Худонинг содиклари буни тан оладилар. Мазкур шеърда аниқ айтилганки, Парвардигор қутурган тўлқинлар орасида хотиржам ухлаб ётарди, бу билан У истаган ишини қила олишини намоён этарди. Унинг илоҳий истагини амалга ошириш учун ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди. Майявади-файласуфларнинг фикр-мулоҳазалари уларнинг моддий тажрибалари чегарасидан чиқолмай билан чекланиб қолган. Уларнинг хатолиги шундаки, улар Парвардигорни ўзига тенглайдилар, бундай қиёслашнинг ўзиёқ ҳаёт ҳакидағи моддий тасаввурларнинг маҳсули ҳисобланади. Майявадиларнинг нети нети, яъни "бу эмас, бу эмас" қоидаси асосида шаклланган бутун фалсафаси моддий тасаввурларга асосланган. Масалага бундай ёндошиш инсонни Олий Шахс Худонинг ҳақиқий табиатини англаб олиш имкониятидан маҳрум қиласди.

## Текст 22

Илоё Парвардигор мендан Ўз марҳамати аямасин! У – барча тирик мавжудотларнинг ягона дўсти ва жони; Ўзининг олти илоҳий фазилати ёрдамида У бу дунёда яшаётган тирик мавжудотларнинг

мавжудлигини таъминлаб туради ва уларга олий баҳтга эришиш имконини беради. У Ўз марҳаматини аямай менга оламни яратиш имконини берадиган ўзимни англаш қобилиятини ато этсин, чунки мен – Парвардигорга жуда азиз бўлган, ўз ихтиёрини Унга топширган жонлардан бириман.

Изоҳ: Парвардигор Пурушоттама, яъни Парвардигор Шри Кришна илоҳий ва моддий оламда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради. У – ҳар кимнинг жони ва дўсти, чунки тирик мавжудотларнинг ҳаммаси азалдан Парвардигор билан мангу муҳаббат ва боғланиш ришталари билан боғланган. У – барча тирик мавжудотларнинг дўсти ва ҳожатбарори; У – бир ва ягона. Уни бхагаван, Олий Шахс Худо деб атайдилар, чунки У олти илоҳий фазилатга эга бўлиб, улар ёрдамида барча оламларда яшайдиган барча тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаб туради. Маъбуд Браҳма Парвардигордан унга коинотни аввал қандай бўлса шундайлигича кайтадан яратиш имкониятини ато этишни илтимос қиляпти; факат Парвардигорнинг бесабаб марҳамати билан маъбуд Браҳма Маричи ва Нарада сингари дунёвий ва руҳий табиатли шахсларни дунёга келтира олди. Маъбуд Браҳма илтижо билан Парвардигорга мурожаат қилди, чунки Парвардигор ўз ихтиёрини Худога топширган жонлар учун жуда азиз. Ўзини Унга топширган кишининг барча ўй-фикрлари факат Парвардигорда бўлади, шунинг учун Парвардигор ҳам унга чукур муҳаббат тўла муносабатда бўлади.

## Текст 23

Парвардигор, Худо Шахси, ўзини Унга топширган жонларнинг мангу саодатманди. У Ўз кароматларини ички қуввати, Рама, равнақ фариштаси ёрдамида кўрсатади. Мен Унга илтижо қилиб, менга моддий оламни яратиш имконини бериб, факат Унинг Ўзига хизмат қилишимга имкон беришини, бу фаолият менга моддий таъсир кўрсатмаслигини тилайман, чунки факат Унинг марҳамати билан мен соҳта мағрурликдан ҳалос бўла оламан ва ўзимни яратувчи деб ҳисобламайман.

---

Рама – Парвардигорнинг ички лаззатланиш қувватининг тимсоли, Лакшмининг исмларидан бири. Рама – Парвардигорнинг мужассам бўлган қиёфалардан бири билан адаштираслик керак.(тарж).

Изоҳ: Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш жараёнини моддий табиат гуналарининг уч тимсоли – маъбуд Браҳма, Парвардигор Вишну ва Махешвара бошқариб туради. Улар орасида Парвардигорнинг Вишну қиёфаси, Парвардигорнинг ички қувватга

эга бўлган экспансияси коинотнинг бутун фаолиятини таъминлаб турадиган олий кувват ҳисобланади. Маъбуд Браҳма коинотни яратиш жараёнида Парвардигорнинг ёрдамчиларидан бирининг вазифасини бажаради, шу боис бу ерда Браҳма мағуруланиб кетмаслик ва ўзини ҳакиқий яратувчи деб адашмаслик учун Парвардигордан унга ҳамиша у – Парвардигорнинг қўлидаги қурол эканини эслаб юришга имконият беришини тилайди. Маъбуд Браҳмадан ўrnak олган киши Парвардигор учун жуда азиз бўлади ва Унинг марҳаматига эришади. Бирор нарсани яратиб, нодон одамлар уни ўзим мустақил яратдим деб ҳисоблайдилар, лекин фаросатли одам биладики, agar Худо хоҳламаса, ҳатто дарахтнинг барги ҳам қимиrlамайди, шунинг учун ҳар қандай гаройибот ва ажойиботни яратишга факат ягона Парвардигорнинг Ўзигина қодир ва буларнинг ҳаммаси факат Унинг иши. Факат руҳий илмга эга бўлган кишигина моддий боғланишлардан халос бўлишга ва Парвардигорнинг марҳаматига эришишга қодир бўла олади.

#### Текст 24

Парвардигорнинг кувватларининг сон-саноги йўқ. У тошқин сувлари устида ётганида Унинг киндигидаги кўлмакдан нилуфар гули ўсиб чиқади, ана шу нилуфар гулида мен – коинот кувватларининг бирикмаси пайдо бўламан. Мен ҳозир Унинг моддий коинот шаклига кираётган турли қувватларини намоён этиш билан машғулман. Шунинг учун мен моддий фаолият билан машғул бўлиб, ведавий мадҳиялар товушидан четга чиқиб кетмасликни тилаб илтижо қиласман.

Изоҳ: Моддий оламда Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан шуғулланадиган кишиларнинг ҳаммаси айни пайтда моддий фаолият билан ҳам шуғулланишга мажбур бўладилар, agar содик хизматкор ўзини моддий табиатнинг таъсиридан ишончли ҳимоя қилиш учун етарли кучга эга бўлмаса, у руҳий кувват билан алоқасини йўқотиб қўйиши мумкин. Коинотни яратиш жараёнида маъбуд Браҳма ҳар хил тирик мавжудотларни дунёга келтиришга, уларни яашаш шароитига мос келадиган таналар билан таъминлашга мажбур бўлади. Маъбуд Браҳма Парвардигордан уни ҳимоя қилишини тиляяпти, чунки ўз фаолияти давомида у жуда кўп нопок тирик мавжудотлар билан бирга бўлиши керак бўлади. Тубан шартланган руҳлар билан ҳамсұхбат бўлиб, оддий браҳман ўзининг браҳматеджасидан, браҳманлик кудратидан маҳрум бўлиши мумкин. Ана шундай тубанликдан қўрқиб, браҳманларнинг аълоси маъбуд Браҳма Парвардигордан ҳимоя сўрайапти. Мана шу руҳий юксалиш йўлидан бораётган ҳар бир инсон учун огоҳлантирувчи сабоқ бўлиши лозим. Парвардигор етарлича ҳимоя қилмаган киши руҳий юксалиш йўлидан адашиб тубанликка қулаши мумкин; шу боис биз ҳаммамиз ҳамиша

Худога илтижо қилиб, бизларни ҳимоя қилишини, ҳамиша ўз бурчимизни мукаммал бажариб юришимизга имкон беришини тилашимиз лозим. Парвардигор Чайтанъя ҳам Ўзининг содиклариға ҳамма жойда Унинг таълимотини тарғибот қилишни буюрган ва уларни моддий оламнинг салбий таъсиридан ҳимоя қилишни ваъда берган. Ведаларда руҳий ўзликни англаш йўлини пичоқнинг тифида юриш билан тенглайди. Озгина эҳтиётсизлик ҳам дарров қон оқишига олиб келади. Лекин, Худога ўзини Худога бутунлай топширган ва ўзига буюрилган вазифани барабар экан ҳамиша Худонинг паноҳидан нажот излаб юрадиган зот ҳеч қачон моддий иллат уммонига куламайди.

#### Текст 25

Олий Зот, кексаларнинг энг кексаси бўлган Парвардигорнинг марҳамати чексиз. Мен У қачон Ўзининг нилуфарсимон кўзларини очиб, юзида табассум билан Менга фотиҳа беришини кутиб турибман. У марҳамат кўрсатиб берган Ўзининг кўрсатмалари билан яралган оламга жон бериши ва бизларнинг маюслигимизни тарқатиб юборишга қодир.

Изоҳ: Парвардигор моддий оламда яшайдиган адашган жонларга чексиз меҳрибон. Моддий олам барча тирик мавжудотларга Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали тўғри йўлга кириш имкониятини бериш учун яратилган, ҳар биримиз ана шу имкониятдан фойдаланишимиз лозим. Парвардигор кўплаб шахсий ва ажралган экспансияларда мужассам бўлиб Ўзини тарқатади. Парвардигорнинг ажралган экспансиялари – шахсий табиатга эга бўлган алоҳида жонлар, Парвардигорнингшахсий экспансиялари эса – Унинг Ўзи. Парвардигорнинг шахсий экспансиялари хукмдорлар вазифасини бажарадилар, Унинг ажралган экспансияларига уларнинг ҳукми остида бўлиш ҳамда лаззат ва илмнинг олий тимсоли билан ўзаро илоҳий лаззат алмашиш вазифаси топширилган. Озод жонлар Парвардигор билан ўзаро ана шундай лаззатли муносабатда бўладилар ва уларни моддий тасаввурлар билан булғамайдилар. Ҳукмдор билан унинг ҳукми остидаги зот орасидаги ана шундай ўзаро илоҳий лаззат алмашишга Парвардигорнинг гопилар билан бўладиган раса-лиласи мисол бўлиш мумкин. Гопилар – Парвардигорнинг ички кувватининг хизматкор ролини бажараётган экспансияси, шунинг учун Парвардигорнинг раса раксини ҳеч қачон эркак билан аёл орасида бўладиган жинсий муносабат қарамаслик керак. Бу эрмаклар – Парвардигор билан тирик мавжудотлар орасида бўладиган ўзаро туйгулар алмашишнинг энг юксак ва энг мукаммал даражада намоён бўлишидир. Парвардигор ҳар бир тирик мавжудотга руҳий баркамолликнинг ана шу олий поғонасига кўтарилиш имконини беради. Шунинг учун бутун моддий коинотни бошқариш вазифаси топширилган маъбуд Браҳма

Парвардигорга илтижо қилиб, Ундан олам яралишидан кўзланаётган мақсадига эришишига фотиҳа беришни илтижо қилади.

#### Текст 26

Донишманд Майтрея деди: Эй Видура, маъбуд Браҳма ўзининг дунёга келиш сабабини – Худо Шасини кўрганида, ўзининг бутун ақлини ва гапириш қобилиятини шга солиб,

Парвардигорга илтижо қила бошлади. Илтижо қилиб бўлиб у худди ўзини англашга интилиб чеккан риёзатлардан ва муроқаба қилишдан чарчагандай, жим бўлиб қолди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма ичидан, қалбида мавжуд бўлган Парвардигордан илм оларди. Дунёга келгандан кейин Браҳма уни дунёга келтирган зотни топа олмади, аммо риёзат ва муроқаба ёрдамида у қалбидан илм олиб мукаммал илмга эга бўлди. Ташқаридан ҳаракат қиласиган руҳий устоз ҳам, инсон қалбидаги руҳий устоз ҳам Парвардигорнинг вакиллари ҳисобланади. Парвардигорнинг ана шу ҳақиқий вакиллари билан боғланмаган кишининг ўзини руҳий устоз деб аташга ҳаққи йўқ. Маъбуд Браҳма ташқаридаги руҳий устоздан илм олиш имконияти йўқ эди, чунки ўша даврда у бутун коинотдаги ягона тирик мавжудот эди. Шунинг учун маъбуд Браҳманинг илтижоларидан мамнун бўлган Парвардигор унга бутун борлиқ ҳақидаги илмни ошкор этди.

#### Текст 27-28

Маъбуд Браҳма турли сайёralар тизимини яратишга киришишга шошилиб турганини, сув тошқини остида қолган коинотни кўриб у жуда маюс бўлиб турганини Парвардигор тушунди. Унинг истагини англаб, Парвардигор алданиш туманини тарқатиб юборадиган чукур маъноли гапларни гапирди.

Изоҳ: Қутурган сув тошқинининг кўриниши шу қадар даҳшатли эдик, ҳатто маъбуд Браҳма ҳам хавотирга туша бошлади. У коинотда иложи борича тезроқ кўплаб турли сайёralар тизимини жойлаб, уларни ҳар хил тирик мавжудотлар – одамлар ҳамда ривожланиш зинапоясида улардан юкорида ва пастда турадиган зотлар билан тўлдирмоқчи эди. Моддий табиатнинг уч гунаси мавжуд. Ўзаро бирикиб, улар тўққиз турли аралашма хосил қиласидар. Тўққиз аралашма ҳар хил муносабатда ўзаро бирикиб саксон бир бирикма хосил қиласиди, улар ҳам ўзаро аралашиб кетадилар, натижада алданиш турларининг қанчалик тарқалиб кетишини аниқлашнинг иложи бўлмай қолади. Маъбуд Браҳма олдида ҳар хил таналарга эга бўлган шартланган руҳларни ўзларига мос бўлган макон ва шароит яратиш вазифаси турарди. Бундай вазифани факат маъбуд Браҳма бажара оларди, коинотдаги бошқа бирор тирик мавжудот унинг олдида турган бу

масаланинг қанчалик қийин эканини ҳатто тасаввур ҳам қилолмасди. Лекин Парвардигорнинг марҳамати билан маъбуд Браҳма ана шу қийин вазифани ажойиб равишда амалга оширдики, коинотда яшайдиган барча тирик мавжудотлар ҳалигача ана шу видхата, яратувчининг санъатидан ҳайратга тушиб қойил қоладилар.

#### Текст 29

Олий Шахс Худо, Парвардигор деди: Эй Браҳма, ведавий донишмандлик илмининг манбаи, сенинг тушкунликка ёки коинотни қандай қилиб яратишни ўйлаб ташвишга тушишингга ҳожат йўқ. Мен илтимос қилган ҳамма нарсаларингни аллақачон сенга ато этганиман.

Изоҳ: Парвардигор ёки Унинг ҳақиқий вакили ишониб бирор вазифани топширган киши айни пайтда ана шу вазифани бажаришга ёрдам берадиган дуои-фотиҳа ҳам олади. Албатта, ана шундай маъсулият юклangan киши бу ишни ўзи амалга ошира олмаслигини англаб етиши ва ўз бурчини муваффақият билан адо этишга ёрдам беришни сўраб Худога илтижо қилиши лозим. У ўзига у ёки бу турдаги маъсулиятли иш буюрилганидан мағурланиб кетмаслиги керак. Парвардигор ана шундай ишонч билдирган кишининг тақдирида жуда катта омад кулиб боккан бўлади, агар у ҳамиша Парвардигорнинг амрини бажарувчи хизматкор эканини эсида сақлаб юрса, албатта муваффақият қозонади. Аржунага Курукшетра жанг майдонида жанг қилишни буюриб, Парвардигор ҳали унга бу вазифани топширмасдан олдин унинг ғалабасини таъминлаб кўйган эди. Лекин Аржун ҳамиша ўзининг фақат Парвардигорга боғлиқ эканини англаб етишган ва Унинг барча кўрсатмаларига сўзсиз амал қиласиди. Парвардигорга муносиб имон келтирмасдан ўзига топширилган маъсулиятли ишдан мағурланиб кетадиган кишини албатта, ўзи ҳақида сохта фикрга эга ва шу боис ўзининг вазифаларини муносиб бажара олмайди. Аммо маъбуд Браҳма ва унинг шогирдлар силсиласида турган издошлари Парвардигорга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишда ҳамиша муваффақиятга эришадилар.

#### Текст 30

О Браҳма, ўзингни риёзат чекишига ва муроқабага бағишила, олган илмларингга асосланиб ҳаракат қил, шунда сен Менинг марҳаматимга эришасан. Шу тариқа ҳаракат қилиб, сен бутун борлиқни англаб етишинг мумкин, чунки илм сенинг қалбингда ўзидан ўзи очилади.

Изоҳ: Парвардигор бирор маъсулиятли вазифа бериш билан тирик мавжудотга Ўзининг қанчалик марҳамат кўрсатишини ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Лекин, Унинг марҳаматига эришиш учун инсон риёзат чекиши ва Худога садоқат билан хизмат қилишда ихлос билан қатъий ҳаракат қилиши лозим. Парвардигор маъбуд

Брахмага сайёralар тизимини яратишни буюрди ва уни ишонтириб айтдики, муроқаба ёрдамида у қийналмасдан у ёки бу сайёralар тизимини қаерда ва қандай жойлаштириш кераклигини тушуниб олади. Илм унга қалбидан ўзидан-ўзи келади, шунинг учун у ташвишга тушишининг ҳожати йўқ. "Бҳагавад Гита"(10.10) айтилганидек, ҳаётини будҳи-йогага бағишилаган киши қалбida мавжуд бўлган Парвардигорнинг Ўзидан насиҳат олади.

### Текст 31

О Браҳма, коинотни яратар экансан сен Худога садоқат билан хизмат қилишга бутунлай ғарқ бўлганингда сен Мени ўз қалбингда кўрасанки, Мен бутун коинотга ва шу жумладан сенга ҳам сингиб кетганман, коинот ҳам барча тирик мавжудотлар ҳам Менда жойлашган.

Изоҳ: Бу ерда Парвардигор шуни назарда тутяптики, маъбуд Браҳма ўзининг куни давомида Уни Парвардигор Шри Кришна қиёфасида кўради. Ўзининг Вриндавандаги болалик ўйинлари давомида Парвардигор подачи-болалар ва бузоқлар танасида мужассам бўлиб, сон-саноксиз экспансияларини намоён этади. Браҳма билиб оладики, Яшода она болалик ўйинлари билан хотиржам лаззатланиб юрган Кришнанинг оғзида барча коинотларни ва барча сайёralар тизимини кўради. Браҳманинг Парвардигор Шри Кришна ер юзида бўладиган ана шу куни давомида маъбуд Браҳма ундан бошқа миллионлаб Браҳмалар борлигига ишонч ҳосил қиласди. Ҳамма жойда Ўзининг мангу илоҳий қиёфаларда тарқатадиган Парвардигорнинг намоён бўлган бундай қиёфаларини фақат ҳамиша Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган ва У ҳақидаги ўйларга ғарқ бўлиб юрган асл содиклари англаб етадилар. Шунингдек мазкур шеърда ана шу улуғвор сифатларнинг ҳаммаси тўлалигича маъбуд Браҳмада мавжуд эди.

### Текст 32

Сен Менинг ҳар бир тирик мавжудот қалбida мавжуд эканини ва худди ўтинда яширинган олов сингари бутун оламга сингиб кетганимни кўрасан. Фақат ана шундай илоҳий назарга эга бўлганингдан кейин сен ҳар хил кўринишида намоён бўладиган алданиш таъсиридан халос бўласан.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма қилган илтижоларида Парвардигордан унга моддий фаолият жараёнида ҳамиша ўзининг У билан ўзаро мангу муносабатларини эслаб туриш қобилиятини ато этишни тилайди. Маъбуд Браҳманинг илтижосига жавобан Парвардигор шундай дейди: "Сен бутун борлик Менинг ҳар нарсага қодир бўлган қудратли кувватим

билан боғлиқ эканини ҳеч қачон эсингдан чиқармаслигинг керак!" Кейин ўтинда яширинган оловни мисол келтиради. Гарчи ўтинлар ҳар хил

бўлса ҳам, ёнадиган оловнинг сифати бир хил. Худди шундай, гарчи танадаги рухлар бир биридан фарқ қилмаса ҳам, моддий оламда бир биридан шакли ва сифатлари билан бир биридан фарқ қиласди. Оловнинг хусусияти сифатида иссиқлик ҳамма жойда бир хил, руҳий зарра, яъни Олий Рухнинг учкуни ҳам барча тирик мавжудотларда бир хил. Шундай килиб, Парвардигорнинг қуввати бутун борликка сингиб кетган. Фақат мана шу илоҳий илм тирик мавжудотни дунёвий алданишнинг салбий, йўлдан адаштирувчи таъсиридан куткара олади. Парвардигорнинг қуввати бутун коинотга сингиб кетгани туфайли, пок рух, Худонинг содик хизматкори бу дунёдаги ҳамма нарса Парвардигор билан боғланган эканини кўриб юради, шунинг учун уни моддий қобилклар ўзига жалб этолмайди. Ана шундай соф руҳий назар содикни модданинг йўлдан адаштирадиган таъсиридан химоя килиб юради, шунинг учун у ҳеч қачон, ҳеч қандай вазиятда ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатини унутмайди.

### Текст 33

Сен ўзингни қўпол ва нафис моддий таналар билан қиёслашни тарқ этганингда ва сезгилалинг моддий табиат гуналари таъсиридан биратўла халос бўлганида сен Мен билан мулоқот қилиб ўзингнинг асл ҳолатингни англаб етасан ва соф илмга эга бўласан.

Изоҳ: "Бҳакти-расамрита-синдху"да айтилганик, фақат бир нарсага – Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга интилиб юрган киши, қандай моддий шароитда юрган бўлишидан қатъий назар озодликка чиқкан жондир. Худога ана шундай хизмат қилиш – сварупа, яъни тирик мавжудотнинг асл ҳолати. "Чайтанъя-чаритамрита"да Парвардигор Чайтанъя Махапрабху буни тасдиқлаб айтадики, тирик мавжудотнинг асл руҳий ҳолати Парвардигоргам аангу хизмат қилишдан иборат. Илоҳий оламда Худога садоқат билан хизмат қилиш илоҳий муҳаббатга асосланган эканини тушунмасдан майявади фалсафасининг издошлири тирик мавжудотнинг хизматкор экани ҳақидаги фикрнинг ўзидан титраб кетадилар. Моддий оламда ҳатто ҳеч кимга хизмат қилмайман деб юрган киши ҳам моддий табиат гуналари ҳукми остида юрган ўз хиссиятнинг кули ҳисобланади. Аслини олганда моддий оламдаги бирор тирик мавжудот ҳукмдор бўла олмайди, шунинг учун хиссиятига хизмат қилиш одамларга фақат мусибат келтиради. Улар хизмат қилиш деган гапни эшитган заҳоти чўчиб кетадилар, чунки илоҳий хизматнинг табиати ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. Ўзаро илоҳий хизматда хизматкор ҳам худди Парвардигор сингари эркинликка эга. Парвардигорни сварат, яъни "мутлако мустақил" деб атайдилар, Унинг хизматкори ҳам мустақил, сварат, чунки руҳий оламда ҳеч ким мажбуран хизмат қилмайди. Руҳий оламда илоҳий хизмат

килишга ундаидиган куч табиий муҳаббат туйгуси хисобланади. Ана шундай хизматнинг моддий оламдаги аксини она билан боланинг, икки дўстнинг, эр билан хотиннинг ўзаро муносабатларида кўриш мумкин. Дўстлар, ота-она ёки хотинлар мажбур бўлганидан эмас, фақат ўз яқинларига муҳаббат юзасидан хизмат қиласилар. Лекин моддий оламдаги муҳаббатга асосланган бундай хизмат ҳақиқий хизматнинг кучсиз акси, сояси, холос. Ҳақиқий хизмат, яъни сварупдаги хизмат – руҳий оламда, Парвардигор билан ўзаро алокада бўлади. Худди шундай хизмат билан бу ерда, моддий олам оламда ҳам – бхакти-йога қонун-қоидалари асосида шуғулланиш мумкин. бу шеърда айтилган гапларни гайана мактаби издошларига ҳам тааллуқли. Гайанада ҳақиқий камолотга эришган киши моддий иллатлардан бутунлай, яъни моддий табиат гуналари билан боғланган сезгилари билан бирга қўпол ва нафис танасидан покланганида у Парвардигорга қўшилади ва шу тарика моддий олам тутқунилигидан озодликка чиқади. Гайанилар ва Худонинг содиклари аслида бир йўлдан борадилар. Улар ҳам булар ҳам озодликка эришадиар ва моддий иллатлардан покланадилар. Улар орасидаги фарқ шундан иборатки, гайанилар оддий илим билан каноатланиб ана шу поғонада қолиб кетадилар, Худонинг содиклари эса Парвардигорга илоҳий хизмат қилиб руҳий юксалишда давом этадилар. Худога садоқат билан хизмат килишга табиий интилиш натижасида содиклар ўзининг руҳий шахсиятини ривожлантирадилар, уларнинг хизмати то мадхуръя-раса – ошиқларнинг ўзаро хизмати дарражасига етмагунча тобора ривожланиб бораверади.

#### Текст 34

Сен коинотнинг ахолисини чексиз кўпайтиришга ва Менга ҳар хил кўринишларда тобора кўпроқ хизмат қилишга интилаётганинг учун Мен сенга бунинг учун хамма имкониятларни яратиб бераман, чунки Менинг бесабаб марҳаматим ҳар лаҳзада кучая бориб, ҳамиша сен билан бирга бўлади.

Изоҳ: Замон, аниқ вазифалар ва шароитга қараб, Худонинг асл содик хизматкори ҳамиша бирор йўл билан Худонинг содиклари сонини кўпайтиришга интилади. Дунёвий одамлар илоҳий хизмат доирасини ана шундай кенгайтиришини моддий фаолият деб ҳисоблаши мумкин, лекин аслида бунда Парвардигорнинг Ўз содигига кўрсатаётган, тобора ортиб бораётган марҳамати намоён бўлади. Кимгadir тарғибот ишларини кенгайтиришини моддий фаолият бўлиб туюлиши мумкин, лекин бу фаолият умуман бошқа табиатга эга, чунки Парвардигорнинг илоҳий сезгиларини лаззатлантиришга хизмат қиласиди.

#### Текст 35

Сен – ришилардан биринчисисан, ақлинг ҳамиша Менда мужассам бўлгани учун сен ҳатто сонсаноқсиз тирик мавжудотларни дунёга келтирганингда ҳам гуоҳли эҳтирос гунаси сенга ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"(2.9.36)да ҳам Парвардигор маъбуд Браҳмага худди шуни ваъда беради. Парвардигорнинг ана шу фотиҳаси билан маъбуд Браҳманинг барча режа ва лойиҳаларини мукаммал ҳолга келади. Ҳатто баъзи пайтларда, "Шримад Бҳагаватам"нинг ўнинчи бобида келтирилган лавҳадагидай, маъбуд Браҳма адашгандай бўлиб кўринса ҳам, унинг адашиши Парвардигорнинг ички кувватининг фаолияти сабабли бўлади, окибат-натижада бу адашиши унинг Худога илоҳий садоқат билан хизмат қилишда юксалишиги ёрдам беради. Аржун билан ҳам ана шундай ҳолат бўлган эди. Худонинг асл содик хизматкорларининг ҳар қандай адашиши уларнинг Парвардигорни яна ҳам чуқуроқ билиб олишларига ёрдам беради.

#### Текст 36

Гарчи шартланган руҳларнинг Мени англаб етиши осон бўлмаса ҳам, сен бугун Мени англаб етдинг, чунки сен Менда моддадан асар ҳам, шу жумладан қўпол ва нафис унсурлар йўқлигини англаб етдинг.

Изоҳ: Мутлақ Ҳақиқатни англаб етиш учун моддий оламнинг ҳар қандай кўринишини инкор этишиннинг ўзи кифоя эмас, бунинг учун руҳий мавжудликнинг ҳақиқий табиатини англаб етиш лозим. Моддий мавжудлик шаклларда намоён бўлгани учун руҳий мавжудлик шакл-шамойилсиз бўлиши керақ, деб ўйладиган киши руҳнинг салбий моддий тасаввурлари асосида фикрлайди. Ҳақиқий руҳий тасаввур руҳ ҳакида моддий қиёфа-шакллардан бутунлай фарқ қиласидан руҳий қиёфа ни назарда тутади. Маъбуд Браҳма ўзи кўрган Парвардигорнинг мангу қиёфасини худди шундай қабул килди, Парвардигор ҳам унинг руҳ ҳакидаги тасаввурини тасдиқлади. "Бҳагавад Гита"да Парвардигор Кришнанинг танаси ҳақидаги, Унинг ер юзига инсон қиёфасида келгани сабабли юзага келган моддий тасаввурларни қаттиқ қоралайди. Парвардигор ер юзига Ўзининг сон-саноксиз руҳий қиёфаларининг бирортасида келиши мумкин, аммо уларнинг бирортасида моддадан асар ҳам йўқ, бунинг устига Унинг танаси билан руҳи орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Парвардигорнинг руҳий қиёфасини англаб етишининг йўли шундан иборат.

#### Текст 37

Ўзинг дунёга келган нилуфар гулининг қаердан ўсиб чиққани ҳақида ўйлаб, сен ҳатто унинг пояси ичига ҳам кириб чиқдинг, лекин барибир ҳеч нарсани аниқлай олмадинг. Ана шу пайтда Мен қалбингда сенга Ўзимнинг қиёфамни кўрсатдим.

Изоҳ: Худо Шахсини фақат Унинг Ўзининг бесабаб марҳамати билан кўриш мумкин. бунга на фалсафий изланишлар ёрдамида, на моддий сезгилар ёрдамида эришиб бўлмайди. Олий Шахс Худонинг илоҳий қиёғасини моддий сезгиларнинг қабул қилиш чегарасидан ташқарида. Парвардигорни фақат камтарин ҳолда Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида, қачон У Ўзини содик хизматкорига намоён этганда кўриш мумкин. худони фақат Уни севадиган киши тушуна олади. Парвардигорни моддий кўзлар билан кўришнинг иложи йўқ, лекин Уни ҳар ким йўзининг қалбида, Худога муҳаббат малҳами сурилганда очиладиган руҳий кўзлар билан кўриш мумкин. токи бизларнинг руҳий кўзларимиз моддий иллатлар пардаси билан тўсилган экан, биз Худони кўра олмаймиз, лекин Худога садоқат билан хизмат қилиш жараёнида улар етарли даражада поклаганида Парвардигорнинг Ўзи олимизда намоён бўлади. Маъбуд Браҳманинг нилуфар гулининг илдизини топишга уриниб қилган ҳаракатлари бирор натижа бермади, лекин, у чеккан риёзатлари ва садоқати билан Парвардигорни мамнун қилганида, маъбуд Браҳманинг бирор ҳаракатисиз Парвардигорнинг Ўзи унга Ўзини ошкор этди.

### Текст 38

Эй Браҳма, Менинг илоҳий кароматларимнинг улуғворлигини олқишилаб қилган илтижоларинг, Мени англаш йўлида чеккан риёзатларинг ҳамда сенинг Мен чуқур имон билан ишонганинг – буларнинг ҳаммаси Менинг сенга кўрсатаётган бесабаб марҳаматимнинг мевасидир.

Изоҳ: Тирик мавжудот Худога илоҳий хизмат қилишга интилганида унинг қалбида чайтъя –гуру сифатида мавжуд бўлган Парвардигор ҳар томонлама унга ёрдам бера бошлайди, Унинг ёрдами билан содик хизматкор кўплаб ажойиб, моддий нуктаи-назардан ишониб бўлмайдиган ишларни амалга ошириши мумкин. Худонинг марҳамати билан ҳатто саводсиз одам ҳам руҳий баркамоллик чўқкиси ъўлган илтижолар билан Худога мурожаат қилиши мумкин. Моддий сифатлар руҳий юксалишга ёрдам бермайди; Худога садоқат билан хизмат қилишга самимий интилаётган ҳар қандай инсон руҳий юксалишга эриша олади. Руҳий баркамолликка эришиш учун талаб қилинадиган ягона нарса – самимий интилиш. Бойлик, илм сингари моддий сифатларнинг бунга умуман аҳамияти йўқ.

### Текст 39

Сен Менинг дунёвий одамларга дунёвий сифатлар бўлиб кўринадиган илоҳий сифатларим ҳақида гапириб Мени таърифлаб берганингдан жуда мамнун бўлдим, шунинг учун Мен сени дуо қиласман: сенинг барча истакларинг амалга ошсин, сен ўз ишларинг билан коинотнинг барча сайёralарига машхур бўласан.

Изоҳ: Парвардигорнинг асл содиклари маъбуд Браҳма ва унинг шогирдлар силсиласида турган издошларига ўхшайдилар, улар коинотнинг ҳама жойидаги тирик мавжудотлар Парвардигор ҳақида билишларини истайдилар, Парвардигор албатта ана шундай содикларининг истагини бажариб, албатта уларни дуои-фотиха қиласди. Имперсоналистлар ҳам бальзан моддий эзгулик тимсоли деб биладиган Худо Шахси Нааянага илтижо қиласди, аммо уларнинг илтижолари Парвардигорга мамнуният олиб келмайди, чунки бу илтижоларда Парвардигорнинг ҳақиқий илоҳий сифатлари ҳақида ҳеч нарса айтилмайди. Гарчи Парвардигор барча тирик мавжудотларга бир хилда меҳрибон бўлса ҳам, У Ўзининг асл содикларига алоҳида меҳрибонлик қиласди. Бу ерда Парвардигор илоҳий сифатларга эга эканини кўрсатадиган гунамайам ибораси муҳим аҳамиятга эга.

### Текст 40

Маъбуд Браҳманинг илтижоларига ўхшаган илтижолар билан Менга сажда қилган ҳар бир инсоннинг барча истакларини дарров амалга ошираман, чунки Мен барча дуои-фотихалар Парвардигориман.

Изоҳ: Ўзининг ҳиссиётини лаззатлантиришга интилиб юрган киши Худога маъбуд Браҳманинг илтижоларига ўхшаган илтижолар билан мурожаат қил олмайди. Бундай илтижолар билан Парвардигорга фақат Уни Ўзининг хизмати билан мамнун қилишга интилиб юрган киши илтижо қила олади. Парвардигор Ўзи билан ўзаро илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиш ришталари билан боғланган содикларининг барча истакларини албатта амалга оширади, лекин У, имонсизлар ҳатто тасодифий вазиятга тушиб қолиб, энг яхши илтижолар билан Унга мурожаат қилсалар ҳам ҳеч қачон имонсизларнинг талабларини қондирмайди.

### Текст 41

Мўътабар илоҳиётчи кишиларнинг фикрига кўра барча савоб ишлардан, риёзатлардан, қурбонлик маросимларидан, сеҳрли йога ва муроқабалардан кўзланадиган олий мақсад – Мени мамнун қилишдан иборат.

Изоҳ: Инсонлар жамиятида одатда савоб ишлар деб аталаидиган фаолият турлари жуда кўп. Булар: альтруизм, филантропия, ватанпарварлик ва байналминал фаолият, хайр-саҳоват, қурбонлик маросимлари, риёзат, ҳатто транс ҳолатида муроқаба қилиш, лекин уларнинг ҳаммаси инсонга фақат улар агар Олий Шахс Худони мамнун қилиш мақсадида амалга оширилганда гина мутлақ манфаат келтиради. Ҳар қандай – ижтимоий, сиёсий, диний ва альтруистик фаолиятнинг энг мукаммал ҳолати – Парвардигорни мамнун қилиш. муваффакиятга эришишнинг ана шу сирини Худонинг содиклари яхши биладилар, бунга Аржуннинг жанг майдонидаги ҳатти-ҳаракати

мисол бўла олади. Аржун имонли, эзгу ниятли, ҳар қандай зулмга кариши киши эди, шу боис у ўзининг қариндошлари билан жанг қилишдан бош тортган эди, лекин Курукшетрадаги жанг Кришнани мамнун қилишини англаб етганида, у ўзининг шахсий манфаатларини курбон қилиб, Парвардигорни мамнун қилиш учун жангга кирди. У тўғри қарор қабул қилди, ҳар бир фаросатли киши ундан ўрнак олиши керак. Биз ҳаётда интилишимиз лозим бўлган ягона нарса – килаётган ҳар бир ишимиз билан Худони мамнун қилишдан иборат бўлиши лозим. Бизларнинг ҳар қандай фаолиятда эришган муваффақиятимиз Худони қанчалик мамнун қилганимиз билан ўлчанади. Агар қилаётган ишимиздан Худо мамнун бўлмаса, бизнинг барча интилишларимиз – шунчаки вактимизни бекорга сарфлашдан бошка нарса эмас. Ўтказиладиган барча курбонлик маросимларига, чекадиган риёзатларимизга ва бошка ҳар қандай ишларимизга биз ана шу мезон билан баҳо беришимиз лозим.

#### Текст 42

Мен – ҳар бир алоҳида тирик мавжудотнинг Олий Руҳиман. Мен – олий ҳукмдор ва тирик мавжудотларда бор бўлган энг азиз Зотман, фақат адашганидан одамлар кўпол ва нафис таналарига боғланиб қолганлар, чунки аслида улар фақат Менга боғланган бўлишлари лозим.

Изоҳ: Худо Шахси, Парвардигор рух қайси ҳолатда – хоҳ шартланган, хоҳ озодликка эришган ҳолатда бўлишидан қатъий назар, унинг учун энг азиз Зотдир. Парвардигор ўзи учун энг азиз, энг қадрли Зот эканини билмайдиган руҳлар шартланган ҳолатда бўладилар, ана шу ҳақиқатни охиригача англаб етган зотларни эса, озод жонлар деб айтадилар. Инсоннинг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини англаб етиш даражаси унинг нимага тирик мавжудот учун Парвардигордан ҳам яқинроқ, қадрлироқ зот йўқлигини қанчалик чукур англаб етишига боғлиқ. Бунинг ҳақиқий сабаби "Бҳагавад Гита"(15.7)да айтилган: мамаивамшо джива-локе джива-бхутах санатанаҳ – тирик мавжудотлар ўзининг табиатига кўра Парвардигорнинг ажралмас заррачаларирид. Тирик мавжудот атма деб аталади, Парвардигор эса, - Параматма. Тирик мавжудот Браҳман, Парвардигорни эса Парабраҳман, ёки Парамешвара деб аталади. Ишварах парамах кришнаҳ. Руҳий ўзлигини англаб етмаган шартланган руҳлар улар учун энг қадрли, азиз нарса – ўзларининг моддий танаси деб биладилар. Бундай тасаввур бутун танага, яъни тананинг ўзига ҳамда тана билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг хаммасига тааллуқли. Ўзининг танасига ҳамда тананинг бола-чака ва қариндошлар кўринишидаги давомига боғланиш аслида тирик жонга боғланишга асосланган бўлади. Тирик жон танани тарқ этиб кетган заҳоти, ҳатто агар бу тана суюкли ўғлимизнинг

танаси бўлса ҳам, бизни умуман қизиктирмай қўяди. Шундай килиб, бизларнинг боғланадиган ва муҳаббат билан севадиган нарсамиз аслида моддий тана эмас, балки тирик жон, Парвардигорнинг манту заррачасидир. Барча тирик мавжудотлар аслида яхлит тирик мавжудотнинг таркибий қисмлари бўлгани боис, ана шу олий тирик мавжудот биз ҳақиқий севишимиз лозим бўлган Зотдир. Мана шу қоидани унутган кишининг ундаги бутун борлиқка бўлган борлиқка бўлган боғланиш туйғусига асосланган муҳаббати доимий, мангу бўла олмайди, чунки ундан одам майя, алданиш чангалида бўлади. Маянинг инсонга кўрсатаётган таъсири қанчалик кучли бўлса, унинг ҳақиқий севиши лозим бўлган Зот билан алоқаси шунчалик ожиз бўлади. Аслини олганда, токи Худога садоқат билан хизмат қилишда баркамолликка эришмагунча инсон ҳеч кимни ҳақиқий муҳаббат билан севишга қодир бўлолмайди.

Мазкур шеърда биз ўз муҳаббатимизни Олий Шахс Худога йўналтиришимиз лозимлиги айтилган. Бу ерда курйат, яъни “эга бўлиши керак” деган ибора муҳим аҳамиятга эга. У бизнинг ҳақиқий муҳаббат билан севишимиз лозим бўлган Зотга боғланишимиз тобора кучайиб болриши лозимлигини билдиради. Майя ўз таъсирини фақат кичик руҳий заррача бўлган тирик мавжудотга ўтказа олади, лекин у Олий Руҳ, Параматмага таъсир қилмайди. Тирик мавжудот майя таъсири остида эканини тан олиб, майявади-файлсуфлар Параматма билан қўшилиб кетигна интиладилар. Лекин уларда Параматга нисбатан ҳақиқий муҳаббат туйғуси бўлмгани сабабли майя чангалидан кутулишга ва Параматмага яқинлашишга қодир эмаслар. бунга сабаб уларда Параматмага нисбатан муҳаббатнинг йўқлигидир. Ўзи хасис бўлган бадавлат киши ўз бойлигидан тўғри фойдалана олмайди, шунинг учун шунча бой бўлишига қарамай у ҳамиша қашшоқлик чангалида қолаверади. Аксинча, пулни тўғри ишлатиш йўлини биладиган киши, ҳатто аввалига озгина пули бўлса ҳам тезда бойиб кетиши мумкин.

Кўзлар ва қуёш бир бири билан чамбарчас боғлиқ, чунки қуёш нурларисиз кўзлар кўриш қобилиятига эга эмас. лекин, тананинг қуёшга иссиқлик манбаи сифатида боғланган қисмлари ундан кўзларга караганда кўпроқ манфаат кўрадилар. Қуёшни севмайдиган кўзлар тўғри тушган қуёш нурларининг фойдали таъсирини хис қила олмайдилар, яъни ундан кўзлар қуёш нурларининг фойдали таъсирини хис қила олмайдилар. Шунга ўхшаб, эмпирик-файлсуфлар гарчи Браҳман ҳақида назарий илмга эга бўлсалар ҳам, Олий Браҳманнинг марҳаматидан фойдаланиш имкониятидан маҳрумдирлар, чунки уларда Унга нисбатан муҳаббат йўқ. Имперсоналистлар фалсафасининг кўплаб издошлири гарчи Браҳманнинг табиатини назарий жиҳатдан ўрганиб юрган бўлсалар ҳам, майя ҳукми остида мангу қоладилар. Бунга сабаб

## Ўнинчи боб Яратиш босқичлари

### Текст 1

Шри Видура деди: Эй буюк донишманд, энди менга Олий Шахс Худо кетгандан кейин олам ахлининг бобокалони маъбуд Браҳма қандай қилиб ўзининг танаси ва аклидан хар хил тирик мавжудотларни яратгани ҳакида гапириб бер.

### Текст 2

Сенга ҳамма нарса маълум, шунинг учун илтимос, мен сенга берган саволларнинг бошидан охиригача ҳаммасига жавоб бераб, менинг гумонларимни тарқатиб юбор.

Изоҳ: Видура Майтреяга ҳамма муҳим саволларни берди, чунки уларнинг ҳар бирига Майтрея батафсил жавоб бера олишини биларди. Рухий устозимизнинг мукаммал илмга эга эканига бизнинг ишончимиз комил бўлиши лозим; рухий илмга тааллуқли саволлар билан ғоғил одамга мурожаат қиласлик керак. Саволларга жавоб бера олмайдиган ўқитувчига савол бераб, унинг ҳар хил фикр-мулоҳазаларини тинглаб ўтириш – ўзининг қадрли вақтини бекорга сарфлаш демакдир.

### Текст 3

Сута Госвами деди: Эй Бхригуниг ўғли, Видуранинг гапларини тинглаб туриб, буюк донишманд Майтрея ғайритабиий равища илҳомланиб кетди. Барча илмлар унинг қалбида сакланарди, шунинг учун у Видуранинг саволларига навбат билан жавоб бера бошлади.

Изоҳ: сута увача деган ибора Махараж Паришит билан Шукадева Госвамининг сұхбатида узилиш бўлганини билдиради. Улар сұхбатлашаётган пайтда Сута Госвами кўплаган тингловчиларнинг биттаси эди, холос. Лекин хозир Сута Госвами "Шримад Бҳагаватам"ни Наймишаранийадаги Шаунака бошлиқ донишмандларга, Шукадева Госвамининг авлодларига гапириб беряпти. Лекин буларнинг ҳаммаси бу ерда муҳокама қилинаётган мавзу учун муҳим аҳамиятга эга эмас.

### Текст 4

Буюк донишманд Майтрея деди: Шундай қилиб, эй Видура, самовий юз йил мобайнида маъбуд Браҳма Худо Шахсининг амри билан Худога садоқат билан хизмат қилиб риёзат чекди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма ўзининг бутун фаолиятини Худо Шахси Нааянага бағишилади, деганда, унинг Худога садоқат билан хизмат қилгани назарда тутилади. Худога хизмат қилиш – тирик мавжудот чекиши мумкин бўлган риёзатлар ичida энг катта риёзатдир, бундай риёзат билан истаган вақт давомида шуғулланиш мумкин. Мангу ва ҳамиша илҳомлантариб турадиган Парвардигорга хизмат

шундан иборатки, улар ўзларида Браҳманга нисбатан муҳаббатни ривожлантиримайдилар, чунки улар қўлланаётган мукаммал бўлмаган ўрганиш усули уларга қалбида Унга нисбатан муҳаббат туйғусини ривожлантиришга имкон бермайди. қуёшга сажда қилиб юрган киши, ҳатто кўзи кўр ва Ерда яшаётган бўлса ҳам, қуёш фариштасини яққол кўра олади, аммо қуёшга сифинмай юрган киши, ҳатто ёрқин қуёш нурларининг таъсирига ҳам чидай олмайди. Шунга ўхшаб, Худога садоқат билан хизмат қилиш билан қалбида Худога нисбатан соғ муҳаббат туйғусини ривожлантириб юрган киши, ҳатто гайана поғонасига кўтарилимаган бўлса ҳам, Олий Шахс Худони ўзининг қалбида кўра олиш имкониятига эга бўлади. Шунинг учун ҳар қандай шароитда ҳам инсон ўзининг қалбида Худога муҳаббат туйғусини ривожлантиришга ҳаракат қилиши лозим, ана шу муҳаббат бизга барча зиддиятларни сусайтириш ҳамда барча муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

### Текст 43

Менинг насиҳатларимга амал қилиб, энди сен худди аввалгидаи, ўзингнинг мутлақ ведавий донишмандлик илмингдан ва бутун борлиқнинг олий сабабчиси бўлган Мендан олган танангдан фойдаланиб тирик мавжудотларни дунёга келтиришинг мумкин.

### Текст 44

Донишманд Майтрея деди: Коинотни яратувчи Браҳмага оламни яратишга киришини буориб, унга ўзининг шахсий Нааяна қиёфасини намоён этган Худо Шахси, Парвардигор кўздан ғойиб бўлди.

Изоҳ: Браҳма оламни яратишга киришишдан олдин Парвардигорни кўрди. Мана шу "Шримад Бҳагаватам"нинг матух-шлокасини тушуниш қалити бўлади. Браҳма Парвардигорни ҳали коинот унинг яратиш фаолиятига киришишини кутиб турганда кўрди, демак, Парвардигор ўзининг шахсий қиёфасида ҳали олам яралмасдан олдин мавжуд эди. Баъзибир қалтафаҳи одамлар айтганидек, унинг шахсий қиёфасини маъбуд Браҳма яратган эмасди. Худо Шахси, Парвардигор маъбуд Браҳма олдида ўзининг моддий иллат яқинлаша олмайдиган мангу қиёфасида намоён бўлди, кейин эса кўздан ғойиб бўлди.

Бхактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ "Браҳманинг яратиш қудрати тилаб қилган илтижсолари" деб аталадиган тўққизинчи бобига изоҳлари шундай якунланади.

килиб юрган бирор тирик мавжудот дам олишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди.

#### Текст 5

Кейин маъбуд Браҳма нилуфар гули ўсиб турган сув юзида кўтарилган кучли шамол таъсирида катта тўлкинлар юзага келганини, нилуфар гули ҳар томонга чайқала бошлаганини кўрди.

Изоҳ: Моддий оламни алдамчи дунё деб атайдилар, бу ерда Худога илохий муҳаббат билан хизмат килиш уннутилиб кетган. Шунинг учун моддий оламда Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган киши вақти-вакти билан жуда қийин ахволга тушиб қолади. Бир-бирига рақиб икки томон – алдамчи қувват ва содик хизматкор – ҳамиша ўзаро уруш ҳолатида юрадилар, оқиз содик қудратли алдамчи қувватнинг бардош бериб бўлмайдиган кучли таъсирининг қурбони бўлиши мумкин. Лекин, гарчи моддий қувват маъбуд Браҳмага анча ташвиш келтириб, унинг ҳолатини жуда хатарли килиб қўйган бўлса ҳам, Парвардигорнинг беабаб марҳамати билан моддий қувватнинг зарбаларига бардош беришга маъбуд Браҳманинг кучи етди.

#### Текст 6

Риёзат чеккан ва ўзликни англашнинг илохий илмини англаб етиш билан машғул бўлиб ўтган узок вақт давомида маъбуд Браҳма катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган эди, шунинг учун у шамолнинг ҳаммасини, у билан бирга сувни ҳам ичига тортиб олди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг тирикчилик учун олиб борган кураши – моддий оламдаги тирик мавжудотлар билан алдамчи қувват, майянинг ўзаро бетиним кураш олиб боришига ёрқин мисол бўла олади. Маъбуд Браҳма давридан бери то ҳозирги кунгача барча тирик мавжудотлар моддий табиат кучлари билан кураш олиб боради. Илм ва илохий ўзликни англаш инсоннинг унга қаршилик кўрсатадиган моддий қувватни бўйсундириш учун курашида ёрдам беради. Ҳозирги дунёвий илм-фан ҳамда инсониятнинг чеккан риёзатлари унга моддий табиат кучларини жиловлаб олишда ажойиб натижаларга эришиш имконини берди. Лекин, ўз ихтиёрини Худога топширган ва ҳаётини Худога илохий муҳаббат билан хизмат қилиб, Унинг амрини бажариб юрган киши Парвардигорнинг моддий қувватини бошқариша энг катта муваффакиятга эришади.

#### Текст 7

Ўзи ўтирган нилуфар гули коинотнинг ҳамма жойини эгаллаб турганини кўриб, маъбуд Браҳма шу пайтгача нилуфар гулига жойланган сайёralарни қандай яратиш устида фикр юрита бошлади.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма ўтирган нилуфар гулида коинотдаги барча сайёralарнинг уруғи жойлашган

эди. Парвардигор барча сайёralарни яратиб қўйган, барча тирик мавжудотлар Браҳмада туғилган эди. Олий Шахс Худо моддий олам ва тирик мавжудотларни уруғлик шаклида яратиб қўйган эди, маъбуд Браҳма шу уруғларни бутун коинот бўйлаб сочиб чиқиши лозим эди. Шунинг учун ҳақиқий яратиш сарга, унинг навбатдаги, маъбуд Браҳма амалга оширадиган намоён ҳолатга ўтиши жараёнини висарга деб аталади.

#### Текст 8

Худо Шахсига хизмат килишга ғарқ бўлиб, маъбуд Браҳма бутун коинотни эгаллаб турган нилуфар гули ичига кирди, кейин уни аввал уч оламга, кейин ўн тўрт сатҳга бўлди.

#### Текст 9

Маъбуд Браҳма коинотдаги энг улуғвор шахсdir, чунки у ҳамиша Худога садоқат билан холис хизмат қиласи ва илохий илм чўққисига эришган зот. Шунинг учун маъбуд Браҳма ҳар хил турдаги тирик мавжудотлар билан тўлдириш учун сайёralарнинг ўн тўрт тизимини яратди.

Изоҳ: Тирик мавжудотлар эга бўладиган барча сифатларнинг манбаи Парвардигор ҳисобланади. Моддий оламда яшайдиган шартланган рухлар Унинг сифатларининг фақат бир қисмини акс эттирадилар, холос, шунинг учун уларни баъзан пратибимба деб атайдилар. Парвардигорнинг ажралмас заррачалари, тирик мавжудот – пратибимбалар, ҳар хил даражада Унинг бошланғич сифатларига эга, ўзларининг ана шу сифатларига қараб, улар маъбуд Браҳманинг режаси асосида у ёки бу ҳаёт турида дунёга келадилар ва коинотнинг у ёки бу сайёрасида яшайдилар. Маъбуд Браҳма уч оламни яратади: қуий сайёralар – Паталалокалар, ўрта сайёralар, яъни Бхурлокалар ва олий сайёralар – Сварлокалар. Сварлокадан юқорида жойлашган – сайёralар Махарлока, таполока ва Сатьялока, яъни Браҳмалока – тошқин сувларига ғарқ бўлмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, уларда яшайдиган аҳоли Худога садоқат билан холис хизмат қилиб яшайдилар; уларнинг ҳаммаси два-парардханинг охиригача яшайдилар ва кейин, одатда моддий оламдаги туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқадилар.

#### Текст 10

Видура Майтреядан сўради: Эй ҳукмдор, эй буюк донишманд, энди менга ғаройиб ишлар қилувчи Парвардигор мужассам бўлган қиёфалардан бири бўлган мангу вақт ҳакида гапириб бер. Мангу вақтнинг алломатлари қандай? Илтимос, улар ҳакида иложи борича батафсилроқ гапириб бер.

Изоҳ: Моддий олам атомдан бошлаб то энг катта коинотгача бўлган ҳар хил жисм ва зотлар тўплами бўлиб, уларнинг ҳаммаси кала, мангу вақт қиёфасидаги Парвардигор ҳукми остида. Ҳар нарсага қодир замон ҳар хил турдаги жисмоний

танааларнинг мавжудлик вақтини белгилайди. Маълум вақт чегаралари билан атомларнинг мавжудлик вақти, маълум вақт чегаралари билан бутун коинотнинг мавжудлик вақти белгилаб қўйилган. Аниқ белгиланган вақтда инсоннинг танаси, аниқ белгиланган вақтда коинотнинг танаси яксон бўлади. Бунинг устига кўшимча маҳсулотларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ҳам бутунлай вақт амрига боғлиқ. Видура Майтреядан моддий оламдаги ҳар хил жисмларни таърифларини ва уларнинг мавжудлик вақтини билиб олишни истаган эди.

### Текст 11

Майтрея деди: Мангу вақт моддий табиатнинг уч гунасининг ўзаро ҳаракатга келишининг бошлангич сабаби хисобланади. Мангу вақт ўзгармас ва чексиз, у – Парвардигорнинг қўлидаги қурол бўлиб, вақт ёрдамида У моддий оламдаги Ўзининг эрмакларини намоён этади.

Изоҳ: Парвардигорнинг қўлида қурол бўлган вақт бутун моддий олам атрофида айланиб турадиган ўқ вазифасини бажаради. Вақт – Парвардигорнинг моддий табиатга чўзадиган ёрдам қўлидир. Вақтнинг қаерда бошланиб, қаерда тамом бўлишини ҳеч ким билмайди; моддий оламнинг яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш ҳақидаги ахборотни фақат вақт сақлашга қодир. Вақт мезони олам яралишининг ашёвий сабаби, демак, Худо Шахсининг бевосита экспансияси хисобланади. Вақт Парвардигорнинг шахсиятсиз кўриниши хисобланади.

Хозирги даврда вақт мезонининг табиати ҳақида кўплаб ҳар хил тасавурлар мавжуд. Ана шу тасавурларнинг баъзилари вақтнинг "Шримад Бҳагаватам"даги таърифи билан деярли мос келади. Масалан, яхудийларнинг муқаддас китобларида ҳам вақт - Парвардигорнинг вакили деб айтилган. У ерда шундай дейилган: "Кадимда бизнинг ота-боболаримизга ҳар хил замонларда Ўзининг пайғамбарлари орқали турлича хабар берган Парвардигор ..." Метафизикада мутлақ ва аниқ вақт тушунчалари мавжуд. Мутлақ вақт узлуксиз бўлиб, у моддий жараёнларнинг тезлигига боғлиқ эмас. Астроном ва математиклар вақтни у ёки бу жисмнинг тезлиги билан ёки жисмнинг мавжудлик даври билан боғлаб ўлчайдилар. Лекин, аслини олганда вақт табиатан нисбий бўлган жисм ва ҳодисаларга боғлиқ эмас, аксинча, бу дунёдаги барча жисмлар фақат вақт оралиғида мавжудлиги туфайли ўзларининг шаклига эга ва уларни ўлчаш имконияти мавжуд. Вақт – бизнинг хиссиётимиз фаолиятининг асосида ётган шкала бўлиб, гарчи аслида вақтнинг на боши, на охири бўлмаса ҳам, биз вақт ёрдамида ўтмиш, хозир ва келажакни ўлчаймиз. Чанакъя Пандит айтадики, ҳатто бир лаҳза вақтни ҳам ҳеч қандай бойликка сотиб олишнинг иложи йўқ, шунинг учун бекорга кетган ҳар бир лаҳза вақтни энг катта йўқотиш деб ҳисоблаш керак. Вақт сезгиларимизнинг субъектив қабул қилишига

боғлиқ эмас, лекин айни пайтда унинг бир лаҳзаси ўзи мустакил ҳолда объектив мавжудлик эмас, - улар бизнинг сезгиларимиз билан боғлиқ.

Шунинг учун Шрила Жива Госвами хulosи қиласиди, вақт мезони фаолият – ҳаракат ва қарши ҳаракат, яъни Парвардигорнинг ташқи қуввати билан чамбарчас боғлиқ. Ташқи қувват ёки моддий табиат Парвардигорнинг Ўзи бўлган вақт назорати остида ҳаракат қиласи, шунинг учун бизларга моддий табиат моддий оламда сонсаноқсиз гаройиб нарсаларни яратадигандай бўлиб кўринади. "Бҳагавад Гита"(9.10)да бу хulosи қуйидагича тасдиқланади:

### Текст 12

Кала – Парвардигорнинг намоён бўлмаган шахсиятсиз кўриниши - моддий оламни Парвардигорнинг Ўзидан ажратиб туради. Моддий олам Парвардигорнинг объектив намоён бўлган кўриниши сифатида мавжуд ва Парвардигор Вишнунинг моддий қувватининг ҳукми остида бўлади.

Изоҳ: Аввал, Въясадевага мурожаат килиб("Шримад Бҳагаватам"1.5.20), Нарада Муни шундай деганди: идам хи вишвам бҳагаван иветарах – намоён бўлган олам Олий Шахс Худонинг Ўзидир, лекин бизга у гўё Парвардигордан мустакил ҳолда мавжуддай туюлади. Бунинг сабаби шундаки, моддий оламни Парвардигордан кала(вақт) ажратиб туради. У худди одамнинг магнит лентасига ёзилган ва ундан алоҳида турган овозига ўхшайди. Худди овоз товушлари магнит лентасига ёзилгани сингари, бутун моддий олам моддий қувватга жамланган, у кала туфайли Парвардигордан ажралгандай бўлиб кўринади. Демак, моддий олам – Парвардигорнинг объектив намоён бўлиши, Унинг имперсоналист-файласуфлар шунча эътибор берадиган шахсиятсиз кўринишидир.

### Текст 13

Моддий коинот хозирги кўринишида аввал ҳам мавжуд бўлган, келажакда ҳам шундай мавжуд бўлиб қолади.

Изоҳ: Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш жараёнлари аниқ маълум бир вақтдан кейин яна тақрорланадиган тартибда бўлиб ўтади, бу ҳақда (9.8)да айтилган: бхута-грамам имам кртснам авашам практер вашат. Моддий олам биз ҳозир кўриб турган кўринишида аввал ҳам мавжуд бўлиб, кейин яксон бўлган, худди шундай биз яшаётган олам ҳам вақти келиб яксон бўлади, кейин у яна яратилади, яна қандайдир вақт давомида мавжуд бўлиб туради ва яна яксон қилинади. Шундай килиб, вақт мезонининг даврий фаолияти узлуксиз, мангу ва уни алдамчи деб аташ мумкин эмас. Намоён бўлган моддий олам ўткинчи, ўзгарувчан, лекин, майявади-файласуфларнинг фикрига қарши у алдамчи, рӯё эмас.

## Текст 14

Моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти натижасида табиий равишда амалга ошадиган яратишдан бошка яратишнинг тўққиз тури мавжуд. Яксон бўлиш уч турли бўлади: у мангуд замон таъсирида, моддий унсурлар туфайли ёки тирик мавжудот фаолиятининг сифат кўрсаткичлари сабабли.

Изоҳ: Моддий оламни яратиш ва яксон қилишнинг даврий жараёнлари Худонинг амрига боғлиқ. Улардан ташқари коинотда яратишнинг бошка жараёнлари ҳам рўй беради, уларга моддий унсурларнинг ўзаро фаолияти сабаб бўлади. Ана шу жараёнларни ҳаракатга келтирувчи куч Браҳманинг тафаккури хисобланади. Улар ҳақида кейинроқ батафсил ҳикоя қилинади, бу ерда бу жараёнлар ҳақида фақат умумий маълумотлар берилган. Коинотнинг яксон бўлишининг уч тури: 1) Коинотнинг мавжудлик даври тугаганда унинг бутунлай яксон қилиниши; 2) Коинотнинг Анантанинг оғзидан чиқадиган олов сабабли яксон бўлиши; 3) тирик мавжудот фаолиятининг сифат кўрсаткичлари ва ана шу фаолиятнинг оқибатлари натижасида яксон бўлиши.

## Текст 15

Яратишнинг тўққиз босқичининг биринчисида махат-таттва – барча моддий унсурлар бирикмаси яратилади, унда Парвардигор иштирок этётгани сабабли моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти юзага келади. Иккинчи босқичда сохта ўзлик юзага келади ва унда моддий унсурлар, моддий илм ва моддий фаолият юзага келади.

Изоҳ: Моддий оламни яратиш жараёнида Парвардигордан чиқадиган биринчи эманация махат-таттва деб аталади. Моддий табиат гуналарининг ўзаро фаолияти сохта ўзликнинг, яъни “тирик мавжудот моддий унсурлардан таркиб топган” деган тассавурнинг юзага келишига олиб келади. Сохта ўзлик тирик мавжудотни моддий тана ва ақлини рух(жон)га қиёслашга мажбур қиласди. Моддий унсурлар, ҳаракат қилиш қобилияти ва фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган илм махат-таттва пайдо бўлгандан кейин яратишнинг иккинчи босқичида шаклланади. Бу шеърдаги джнана ибораси бизни ўраб турган олам ҳақидаги илм манбаи бўлган сезги органларини ҳамда уларни бошқариб турган илоҳларни билдиради. Бу ерда фаолият деганда фаолият кўрсатиш органлари ва уларни бошқарадиган илоҳлар назарда тутилади. Буларнинг ҳаммаси оламни яратишнинг иккинчи босқичида яратилади.

## Текст 16

Оламни яратишнинг учинчи босқичида сезгилар қабул қиласди жисмлар, ўз навбатида улар юзага келтирадиган моддий унсурлар яратилади.

Яратишнинг тўртинчи босқичида илм ва ҳаракат қилиш қобилияти юзага келади.

## Текст 17

Яратишнинг бешинчи босқичида ақлни юзага келтирган эзгулик гунаси оламни бошқарувчи фаришталарни дунёга келтиради. Олтинчи босқичда тирик мавжудотни қоплаб оладиган ғофиллик зулмати юзага келади, унинг таъсири остида хўжайин худди аҳмоқдай ҳаракат қила бошлади.

Изоҳ: Олий сайёralарда яшайдиган фаришталарни дева деб атайдилар, чунки уларнинг ҳаммаси Парвардигор Вишнунинг содиклари хисобланади. Вишну-бхактах смрто даива асурас тадвипарайах: Парвардигор Вишнунинг содиклари – девалар, яъни фаришталар деб аталади, қолганларнинг ҳаммаси – асурлар хисобланади. Шундай қилиб, барча тирик мавжудотлар девалар ва асурларга бўлинади. Девалар моддий эзгулик гунаси таъсири остида бўладилар, асурлар эса – эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида. Моддий оламда рўй берадиган барча жаарёnlарни фаришталар бошқаради. Масалан, сезги органи бўлган қўзни ёруғлик бошқариб туради, ёруғликнинг манбаи куёш нурлари, куёш нурларини эса куёш фариштаси бошқаради. Худди шундай ақлни Ой бошқариб туради. Бошка барча сезги органларини – фаолият кўрсатиш органларини ҳам, ахборот олувчи органларни ҳам – ҳар хил фаришталар бошқариб туради. Фаришталар – Парвардигорнинг вакиллари бўлиб, улар Унга моддий оламни бошқаришда ёрдам берадилар.

Фаришталар пайдо бўлгандан кейин, яратишнинг навбатдаги барча тирик мавжудотлар ғофиллик зулматига гарқ бўладилар. Моддий оламдаги ҳар бир тирик мавжудот моддий табиат бойликлари устидан ҳукмронлик қилиш истаги билан шартланиб қолган. Гарчи тирик мавжудот ҳақиқатан моддий оламнинг хўжайини бўлса ҳам, у адашганидан моддий бойликларни ўзиники деб хисоблаб, ғофилликда юради.

Шартланган руҳларни Парвардигорнинг авидъя деб аталадиган қуввати адаштириб қўяди. Авидъя, яъни ғофиллик деб моддий қувватни айтадилар, лекин Худога садоқат билан холис хизмат қилиб юрган Худонинг содиклари учун шу қувватнинг ўзи видъя, пок илм бўлади. Буни "Бҳагавад Гита" ҳам тасдиклайди. Парвардигорнинг маҳа-майя қуввати йогамайяга айланади ва Худонинг асл содик хизматкори олдида ўзининг асл қиёфасида намоён бўлади. Шундай қилиб, моддий қувват бир вақтнинг ўзида уч қўринишда ҳаракат қиласди: моддий оламни яратувчи принцип; ғофиллик ва илм. Аввалги шеърда айтилган эдик, оламни яратишнинг тўртинчи босқичида бошка нарсалар билан бирга илм ҳам яратилади. Бошланғич ҳолатида тирик мавжудотлар ғофил ва нодон эмас, аммо моддий қувват таъсири остида улар фикрлаш

қобилиятини, шу билан бирга ўз илмидан тўғр фойдаланиш қобилиятини йўқотадилар.

Гофиллик гунаси таъсири остида шартланган рух ўзининг Парвардигор билан ўзаро муносабатларини унугдиди ва боғланиш, нафрат, мағрурлик, ғафлат ва ўзини сохта қиёслаш – унинг моддий оламда туткун бўлишига сабаб бўладиган алданишнинг беш тури хукми остига тушиб қолади.

#### Текст 18

Юкорида таърифланган барча погоналар – Парвардигорнинг ташки қуввати амалга оширадиган яратиш жараёнининг табиий босқичларидир. Энди мен сенга эҳтирос гунасининг тимсоли бўлган ва оламни яратиш учун Худо Шахсининг тафаккурига ўхшаш тафаккур ато этилган маъбуд Браҳма яратган зотлар ҳакида гапириб бераман.

#### Текст 19

Оlamни яратишнинг еттинчи босқичида олти турли қўзғалмас тирик мавжудотлар яратилади: гулламайдиган мевали дарахтлар; фақат меваси пишгунча яшайдиган дарахт ва ўсимликлар; тирмашиб ўсадиган; пояси трубасимон; тўшалиб ўсадиган ўсимликлар ва гуллайдиган мевали дарахтлар.

#### Текст 20

Қўзғалмас дарахт ва ўсимликларнинг ҳаммаси озуқа манбаини излаб юқорига интиладилар. Ўсимликлар онг аломатларини намоён этмайдилар, лекин уларда оғриқни хис қилиш қобилияти бор. Уларнинг хилма-хил тур ва шакллари яратилган.

#### Текст 21

Оlamни яратишнинг саккизинчи босқичида ҳаётнинг қуи шакллари яратилади. Улар йигирма саккиз турга бўлинадилар. Уларнинг ҳаммаси жуда ғофил ва нодон. Улар ўзи истаган нарсаларни ҳиди орқали топадилар, уларда қалб хотираси бўлмайди.

Изоҳ: Куйи турдаги ҳайвонларнинг аломатлари Ведаларда қуйидагича таърифланади: атхетарешам пашунах ашанапипасе эвабхивиджнанам на виджнатам ваданти на виджнатам пашийанти на видух швастанам на локалокав ити; юд ва, бхури-тамасо баҳу- рушах ғхраненаива джананти хрдйам прати сваприйам ваств эва винданти бходжана-шайанадй-артхам грхнанти – “Куйи турдаги ҳайвонларда фақат очлик ва чанқоқлик туйгуси бўлади. Улар илм олишга қодир эмаслар ва қўриш қобилиятидан маҳрум. Улар ҳеч қандай қоидага амал қилмайдилар. Бутунлай ғофил бўлган ғолда, улар истаган нарсаларни уларнинг ҳиди орқали топадилар ва фақат шунга асосланиб ўzlари учун нима яхши, нима ёмон экани ҳакида фикр юритадилар. Уларнинг бутун илми ухлаш ва

овқатланишдан ташкари чиқмайди”. Шунинг учун агар мунтазам равишда қорнини тўйғазиб ва ухлаш учун жой ҳозирлаб турилса, ҳатто қуий турдаги энг ваҳший ҳайвонларни ҳам, масалан йўлбарсни ҳам қўлга ўргатиб олиш мумкин. Бундай йўл билан қўлга ўргатиб бўлмайдиган ягона мавжудот илонлар хисобланади.

#### Текст 22

Эй покдомон Видура, сигир, эчки, кўтос, қора антилопа, чўчқа, гавая, кийик, қўй ва тия сингари қуий ҳайвонлар жуфт түёклилар туркумiga киради.

#### Текст 23

От, ҳачир, эшак, гаура, шарабха бизони ва ёввойи сигир жуфттуёклимаслар туркумiga киради. Энди мендан бер тирноқли ҳайвонлар ҳақида эшиш.

#### Текст 24

Ит, шогол, йўлбарс, тулки, мушук, қуён, саджару, арслон, маймун, фил, тошбақа, тимсоҳ, госапа ва бошқаларнинг панжасида беш тирноғи бор. Улар панча-накха – бер тирноқли ҳайвонлар деб аталадилар.

#### Текст 25

Цапля, гриф, лайлак, бургут, бхаса, бхаллука, товус, оккуш, сараса, чакравака, қарга, укки ва бошқалар қушлар туркумiga киради.

#### Текст 26

Фақат бир турга мансуб бўлган ва еган овқатини ошқозонида сақлайдиган инсонни яратиш олам яратилишининг тўққизинчи босқичида амалга оширилади. Одамлар асосан эҳтирос гунаси таъсири остида бўладилар. Улар ҳамиша энг оғир мусибатлар ичida бирор иш билан машғул бўлиб юрадилар, лекин айни пайтда ўзларини баҳтли зотлар деб ҳисоблайдилар.

Изоҳ: Одамлар ҳайвонларга қараганда эҳтирос гунаси таъсирига кўпроқ берилган бўладилар, шунинг учун уларнинг жинсий ҳаёти тартибга солинмаган. Ҳайвонлар аниқ маълум бир вақда жинсий алоқа қиласидилар, лекин одамлар истаган вақтида жинсий алоқа билан шуғулланиши мумкин. Моддий оламда яшаш билан боғлиқ бўлган мусибатлардан кутула олиши учун инсонга ривожланган онг ато этилган, аммо одамлар ғофиллиги сабабли ривожланган онг уларга ўзлари учун янги-янги моддий кулайликлар яратиш учун берилган деб ўйлайдилар. Шунинг учун улар ўзининг акл-идроқидан руҳий ўзлигини англаш учун фойдаланиш ўрнига, ундан ўзларининг овқатланиш, ухлаш, бола-чака қилиш ва ўзини химоя қилиш сингари ҳайвоний эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланадилар. Одамда моддий кулайликлар канча кўп бўлса, у шунчалик баҳтсизроқ бўлиб бораверади, лекин, моддий кувват таъсири остида адашганидан, ҳатто энг оғир мусибатлар ичida юрган бўлса ҳам, у ўзини

бахтли деб ҳисоблайди. Инсон ҳаётида мавжуд бўлган мусибатлар унинг ҳаётини хайвонлар лаззатланиб яшайдиган оддий ва содда ҳаётидан ажратиб туради.

#### Текст 27

Эй олижаноб Видура, оламни яратишнинг охирги уч босқичи ва фаришталарни яратиш(ўнинчи босқич) вакрита деб аталади. Улар яратишнинг юкорида таърифланган табиий босқичларидан фарқ килади. Кумарлар дунёга у йўл билан ҳам, бу йўл билан ҳам келаверадилар.

#### Текст 28-29

Оламни яратишнинг навбатдаги босқичида тирик мавжудотларнинг фаришталар туркумига кирадиган саккиз тури яратилади: 1) фаришталар; 2) аждодлар; 3) асурлар ёки иблислар; 4) гандхарвалар ва аспарлар, ёки парилар; 5) якшалар ва ракшаслар; 6) сиддхилар, чараналар ва видъядхаралар; 7) бхуталар, преталар ва пишачилар; 8) киннарлар, самовий машшоқлар ва ҳоказо. Уларнинг ҳаммасини коинотнинг яратувчиси маъбуд Брахма яратди.

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"нинг Иккинчи қўшиғида айтилган эдикি, Сиддхалокада яшайдиган зотлар сиддхилар деб аталади. Сиддхилар коинот бўйлаб учиш механизмларисиз сайд қилиб юриш қобилиятига эга. Улар ўzlари истаган заҳоти бир сайёрадан иккинчи сайёрага бора оладилар. Шундай қилиб, олий сайёralарда яшайдиган тирик мавжудотлар санъатнинг, маданиятнинг ва илм-фаннынг барча соҳаларида ер ахолисидан устун турадилар, чунки уларга анча ривожланган тафаккур ато этилган. Бу

ерда санаб ўтилган арвоҳ ва жинларни ҳам фаришталар туркумига мансуб деб ҳисоблайдилар, чунки улар инсонлардан бирортаси эга бўлмаган қобилиятига эга.

#### Текст 30

Энди мен сенга Манунинг авлодлари ҳақида гапириб бераман. Ҳар бир калпанинг бошида Парвардигор курдат ато этган маъбуд Брахма ўзгармас қатъият билан коинотни яратади.

Изоҳ: Моддий коинот Олий Шахс Худонинг сонсаноқсиз кувватларидан бирининг экспансияси ҳисобланади; яратувчи ҳам, яралган олам ҳам ягона Олий Ҳакиқатнинг эманацияси ҳисобланади, бу ҳақда "Шримад Бҳагаватам"нинг бошида айтилган: джанмадӣ асия йатах.

Бҳактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг Учинчи қўшиқ "Яратиш погоналари" деб аталадиган ўнинчи бобига изоҳлари шундай якунланади.

## Ўн биринчи боб Вақтнинг ҳар хил ўлчамлари. Атом вақти.

#### Текст 1

Моддий коинотнинг энг кичик, бўлинмас ва алоҳида тана ҳосил қилмайдиган заррачаси атом деб аталади. Атом кўзга кўринмайди, ҳамиша мавжуд, барча шакл, қиёфалар яксон бўлганда ҳам мавжудлигича қолаверади. Моддий тана – ана шу атомларнинг маълум биримасидан бошка нарса эмас, лекин оддий одам унинг табиатини нотўғри тушунади.

Изоҳ: Атомнинг "Шримад Бҳагаватам"да келтирилган таърифи ҳозирги замонавий атом назариясининг қоидалари билан деярли бир хил; бу масала парамана-вада, Канада таълимотида батафсил муҳокама қилинган. Замонавий олимлар ҳам атомни коинот таркиб топган энг кичик бўлинмас заррачалар деб ҳисоблайдилар. "Шримад Бҳагаватам"да илм-фаннынг жуда кўп соҳаларига, шу жумладан атом таълимотига оид маълумотлар бор. Атом – мангу вақтнинг энг кичик нафис шакли.

#### Текст 2

Атом – намоён бўлган коинотнинг энг кичик бирлиги. Соф ҳолда, у ёки бу жисмоний танага биримаган атомларни чексиз бирлик деб аталади. Албатта, сон-саноқсиз ҳар хил жисмоний таналар мавжуд, аммо бутун борлиқнинг асосини атомлар ташкил этади.

#### Текст 3

Вақтни атомлардан таркиб топган жисмоний таналарнинг ҳаракати билан боғлаб ўлчаш мумкин. Вақт – ҳар нарсага қодир Худо Шахси, гарчи Ўзи моддий оламда кўзга кўринмас бўлиб қолса ҳам, жисмоний таналарнинг барча ҳаракатларини бошқариб турадиган Харининг куввати.

#### Текст 4

Атомар вақт аниқ бир атом эгаллаб турган фазо билан боғланган. Намоён бўлмаган барча атомлар биримасини қамраб оладиган вақт буюк вақт деб аталади.

Изоҳ: Макон ва замон, фазо ва вақт – ўзаро боғлиқ бўлган икки тушунча. Вақт ўлчамига асос қилиб атомлар эгаллаган фазо олинган. Эталон вақтни Куёш ҳаракати бўйича

ҳисоблайдилар. Куёш ўз ҳаракати давомида битта атом эгаллаган фазони босиб ўтадиган вақт атомар вақт деб аталади. Энг катта вақт ўлчами барча атомлар биримасини қамраб олади. Ўз орбиталари бўйлаб ҳаракат қиласр экан, сайёralар коинотда маълум бир фазони эгаллайдилар,

фазонинг ўлчам бирлиги эса, атомнинг ўлчами хисобланади. Ҳар бир сайёра белгиланган орбитадан четга чиқмай харакат қиласди. Ана шундай орбита күёшда ҳам мавжуд. Коинот яратилганидан то у яксон қилингунча ўтадиган вақт коинотдаги барча сайёralар тизимининг ўз ўки атрофида улар мавжуд бўлиб турган бутун даври мобайнидаги айланишлари сони билан ўлчанади. Ана шу вақт “олий кала” деб аталади.

#### Текст 5

Кўпол вақт ўлчами бирлиги куйидагича аниқланади. Икки атом бирикаб жуфт атомни ташкил қиласди; ана шундай уч жуфтлик – бир гекзатом. Дераза тирқишидан хонага тушиб турган күёш нурида гекзатомларни кўриш мумкин. Бунда уларнинг осмонга кўтарилаётганини аниқ кўриш мумкин.

Изоҳ: Атом кўринмас заррача хисобланади. Лекин, олти атом бириканида бу атомлар бирикмаси трасарену деб аталади, уни дераза тирқишидан хонага тушаётган күёш нурларида кўриш мумкин.

#### Текст 6

Уч трасарену бирикиши учун кетадиган вақт трути деб аталади. Юз трути бит ведхани ташкил этади, уч ведха бир лавага teng.

Изоҳ: Агар бир секунд(лаҳза)ни 1687,5 қисмга тақсимласак, ана шу вақт оралигининг ҳар бири бир трутiga teng бўлади. Трути – ўн саккиз атом бирикиши учун кетадиган вақт. Атомларнинг ҳар хил жисмоний таналарга ана шундай бирикиши моддий вақт ўлчамининг асосини ташкил этади. барча хисоб-китобларда бошлангич нукта Куёш хисобланади.

#### Текст 7

Уч лава давом этадиган вақт бирлиги бир нимеша, уч нимеша – бир кшана, беш кшана – бир каштха, ўн беш каштха – бир лагху бўлади.

Изоҳ: Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, бир лагху икки минут(дақиқа)га teng. Бундан фойдаланиб вақтнинг атомга нисбатан хисобланган ведавий бирлигини ҳозирги замонавий вақт ўлчамлари билан боғлаш мумкин.

#### Текст 8

Ўн беш лагху бир надикага teng, уни баъзан данда деб атайдилар. Икки данда – бир муҳуртага teng, олти ёки етти данда одамлар ҳисоби бўйича кун ёки туннинг тўртдан бир(чорак) қисмини ташкил этади.

#### Текст 9

Бир надика(данда) вақт ўлчамини аниқлайдиган идиш олти пал(366гр) оғирлигидаги мисдан ясалган бўлиши лозим. Унда оғирлиги тўрт маш, узунлиги тўрт бармоқ олтин бурғи(сверло) ёрдамида тешик қилинади. Ана шу идиш сувга ботирилади, идиш

охиригача сув билан тўлиши учун кетадиган вақт бир данда деб аталади.

Изоҳ: Бу ерда айтилганки, мисдан ясалган ўлчаш идишидаги тешик тўрт бармоқ узунликдаги ва оғирлиги тўрт маш бўлган бурғи ёрдамида тешилиши керак. Ана шу ўлчамлар орқали тешикнинг диаметрини аниқлаш мумкин. Идишни сувга туширадилар,

унинг ичига сув тўлгунча ўтадиган вақт бир данда деб аталади. Бу – данданинг қанча вақт давом этишини аниқлашнинг яна бир усули. Бу хисоб-китоблар шуни кўрсатадики, ведалар маданияти даврида одамлар физика, химия ва олий математика бўйича чуқур илмга эга бўлганлар. Ўлчаш ишлари амалда кўллаш осон бўлган турли усуллар ёрдамида олиб борилган.

#### Текст 10

Инсоннинг бир куни тўрт прахара давом этади, прахара баъзан яма деб аталади, унинг туни ҳам шунчада давом этади. Ўн беш кун ва тун ярим ойни ташкил этади, ҳар ой икки - ёруғ ва коронғу ярим ойдан ташкил топган.

#### Текст 12

Икки ярим ой Пита сайёralар тизимида бир суткани ташкил этади. Йилнинг бир фасли икки ой давом этади, олти ой давомида қўёш жанубдан шимолга тўлиқ ўтиб бўлади.

#### Текст 13

Коинотдаги таъсир кучига эга бўлган юлдузлар, сайёralар, ёритгичлар ва атомларнинг ҳаммаси ўз орбиталари бўйлаб, мангу вақт(кала) тимсоли бўлган Парвардигорнинг амрига итоат этиб, харакат қиласди.

Изоҳ: "Брахма-самхита"да айтилганки, Куёш Парвардигорнинг қўзи хисобланади ва у ўзининг вақт орбитасида айланиб туради. Худди шундай, Куёшдан тортиб то атомгача барча жисмлар калачакра, яъни мангу вақт ғилдирагининг таъсири остида бўладилар, уларнинг ҳар бири аниқ белгиланган айланиш вақтига эга, бу вақт самватсара деб аталади.

#### Текст 14

Осмондаги Қуёш, Ой, юлдузлар ва бошқа ёритгичларнинг номини белгилайдиган беш турли номлар бор. Бу самовий жисмларнинг ҳар бири ўз самватсаасига эга.

Изоҳ: "Шримад Бҳагаватам"нинг юкоридаги шеърларида келтирилган физика, химия, математика, астрономия ҳақидаги, шунингдек вақт

ва фазо ҳақидаги маълумотлар ана шу фан соҳаларини ўрганиб юрган одамлар учун жуда қизиқарли, лекин биз ана шу фанлар тилида уларни етарилаша таърифлашдан ожизмиз. Айтилган гапларнинг ҳаммасига аввалги шеърда якун ясалган, унда айтилганки, маълум бўлган барча илм-фан соҳалари Олий Шахс Худонинг тўла намоён бўлган қиёфаси, қаланинг ҳукмига бўйсунади. Ундан ташқарида мавжуд бўлган бирор зот йўқ. Чекланган илмимиз сабабли бизларга мўъжиза бўлиб кўринадиган нарсаларнинг ҳаммаси Парвардигорнинг қўлидаги сехрли таёқчанинг бир ҳаракати билан амалга ошади. Вакт ҳақидаги гапларга қайтиб, вақтнинг ведавий ўлчам бирликларини замонавий вақт бирликларига ўтказиш жадвалини келтирамиз:

Бир трути - 8/13500 сек;

Бир ведха - 8/135 сек;

Бир лава – 8/45 сек;

Бир нимеша – 8/15 сек;

Бир кшана – 8/5 сек;

Бир каштха – 8 сек;

Бир лагху – 2 мин;

Бир данда – 30 мин;

Бир прахара – 3 соат;

Бир тун – 12 соат.

Икки пакша бир ой, ўн икки ой – бир календар йилига тенг бўлиб, унда қуёш ўзининг орбитасини бир марта тўлиқ айланиб чикади. Инсоннинг умри юз йилга тенг қилиб белгиланган. Шу тариқа мангу вақт бутун борлиқни ўз ҳукми остида ушлаб туради.

"Брахма-самхита"(5.52)да шундай дейилган:

"Мен азалий Парвардигор Говиндага, Олий Шахс Худога сажда қиласман. Унинг назорати остида ҳатто Парвардигорнинг қўзлари деб ҳисобланадиган Қуёш ҳам мангу вақтнинг аниқ белгилаган орбитаси бўйлаб ҳаракат килади. Қуёш барча сайёralарнинг шоҳи, у иссиқлик ва ёруғликнинг чексиз захирасига эга".

Текст 15

О Видура, Қуёш ўзининг чексиз захирасидан саховат билан иссиқлик ва ёруғлик бериб коинотдаги барча тирик мавжудотларнинг мавжудлигини таъминлаб туради. У, тирик мавжудотларни алдамчи моддий боғланишлардан халос этиш ниятида уларнинг умрини қискартиради, ҳамда уларга самовий салтанатга олиб борадиган кенг йўл тайёрлади. У ўзининг самовий йўли бўйлаб катта тезликда ҳаракат килади, шунинг учун ҳар бир тирик мавжудотнинг бурчи – ҳар беш йилда бир марта қуёшга хурмат-эхтиром кўрсатиб, барча зарур анжомлар тақдим этиб, унга сифиниш маросими ўтказишдан иборат.

Текст 16

Видура деди: Сен менга Питрилокада яшайдиганларнинг, жаннатий сайёralарда яшайдиган зотларнинг ҳамда одамларнинг умри қанча бўлишини гапириб бердинг. Энди айтчи,

калпа қонуни ҳукмига бўйсунмайдиган буюк зотлар ва донишманд тирик мавжудотлар қанча умр кўрадилар.

Изоҳ: Браҳманинг ҳар бир куни охирида рўй берадиган коинотнинг қисман яксон бўлиши барча сайёralар тизимиға таъсир қилмайди. Санака ва Бхригу сингари буюк донишмандлар яшайдиган сайёralар калпа охирида яксон бўлмайдилар. Ҳар хил сайёralар турли кала-чакраларга бўйсунадилар, яъни уларга мангу вақтнинг турли ҳисоб тизимлари таъсир килади. Ер сайёрасида вақт бошқа юқори сайёralардаги вақтга нисбатан бошқача тезлиқда ўтади. Шунинг учун бу ерда Видура бошқа сайёralарда яшайдиган аҳолининг умри қанчалиги ҳақида савол беряпти.

Текст 17

Эй руҳий қудрат ато этилган зот, сенга Олий Шахс Худо ҳокимлигининг тимсоли бўлган мангу вақтнинг қандай ўтиши маълум. Ўзини англаб етган жон сифатида сен сехрли назарга эгасан, шу боис сен ҳар нарсани кўра оласан.

Изоҳ: Сехрли йогада баркамолликка эришган ва ўтмиш, ҳозир ва келажакни кўриш қобилиятига эга бўлган кишиларни три-кала-гай деб айтадилар. Шунга ўхшаб, Худонинг содиклари муқаддас китобларда айтилган нарсаларнинг ҳаммасини яққол кўрадилар. Парвардигор Кришнанинг содиклари ҳеч қийналмасдан Кришна ҳақидаги, моддий ва руҳий оламнинг табиати ҳақидааги илмга эга бўладилар. Уларнинг қандайдир йогасиддхи, сехр кучига эга бўлишларининг ҳожати йўқ. Қалбида мавжуд бўлган Парвардигорнинг марҳамати билан уларга бутун борлиқнинг моҳияти ўзидан ўзи очилади.

Текст 18

Майтрея деди: О Видура, тўрт давр Сатья-юга, Трета-юга, Двапара-юга ва Кали-юга деб аталади. Уларнинг умумий даври фаришталар ҳисоби бўйича ўн икки минг йил давом этади.

Изоҳ: Фаришталарнинг бир йили Ер сайёрасида 360 йил давом этади. Кейинги шеърлардан маълум бўладики, юқорида санаб ўтилган тўрт даврнинг умумий узунлиги ўтиш даврлари – юга-сандхъялар билан биргалиқда фаришталарнинг ҳисоби бўйича 12.000 йилни, яъни тўрт югадан иборат тўлиқ цикл 4.320.000 йилни ташкил этади.

Текст 19

Сатья-юга фаришталар ҳисоби билан 4.800 йил, Трета-юга -3.600 йил, Двапара-юга – 2.400 йил, Кали-юга – 1.200 йил давом этади.

Изоҳ: Аввал айтганимиздай, фаришталарнинг бир йили одамлар ҳисоби билан 360 йилга тенг. Демақ, Сатья-юга  $4.800 \times 360$ , яъни 1.728.000 йил, Трета-юга  $3.600 \times 360$ , яъни 1.296.000 йил давом этади. Двапара-юга  $2.400 \times 360$ , яъни 864.000 йил, Кали-юга  $1200 \times 360$ , яъни 432.000 йил давом этади.

## Текст 20

Ҳар бир даврнинг бошида ва охирида келадиган ўтиш даврлари фаришталар ҳисоби билан бир неча юз йил давом этади. Билимдон астрономлар бу даврларни юга-сандхъя, яъни икки давр ораси деб атайдилар. Икки давр орасидаги ўтиш даврлари ҳар хил диний маросимлар ўтказилади.

## Текст 21

Эй Видура, Сатья-югада одамлар барча дин қонунларига тўла риоя қилиб яшаганлар, кейинги даврларда диннинг одамларга таъсири тобора камайиб борган ва шунга мос равишда худосизлик(атеизм)нинг таъсири кучайиб борган.

Изоҳ: Сатья-югада инсоният диний қонун-қоидаларнинг хаммасига амал қилиб яшаганлар. Кейинги югаларда ҳар бир навбатдаги даврда дин ўз қудратиининг чорак қисмини йўқотиб, астасекин таназзулга юз тута борди. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги даврга келиб дин ўзининг бошланғич қудратининг чорак қисмини сақлаб қолган, унинг тўртдан уч қисмининг ўрнини атеизм эгаллаган. Шунинг учун ҳозирги даврда яшаётган одамлар жуда баҳтсиз ҳаёт кечиряптилар

## Текст 22

Уч хил сайёralар тизимидан ташқарида жойлашган Браҳманинг сайёрасида бир кун ҳар бири тўрт югадан иборат бўлган минг цикл давом этади, маъбуд Браҳманинг туни ҳам шунча давом этади, унда коинотнинг яратувчиси уйқуга ғарқ бўлади.

Изоҳ: Тун кириши билан маъбуд Браҳма уйқуга кетади, Браҳмалокадан пастда жойлашган уч хил сайёralар тизими бутун олам тошқини сувларига ғарқ бўлади. Браҳма тушида Гарбходакашайи Вишнуни кўради, Парвардигор унга коинотнинг сувга ғарқ бўлган қисмини қайта тикилашни тушунириб насиҳатлар беради.

## Текст 23

Маъбуд Браҳманинг туни тугаб, кундузи бошланганида у бутун уч оламни қайтадан яратади. Уч олам мавжуд бўлиб турган вақт мобайнида уларда инсониятнинг бобокалони бўлган ўн тўрт Ману алмашади.

Изоҳ: Ҳар бир Манунинг умрининг охирида ҳам коинотнинг бир қисми яксон бўлади.

## Текст 24

Ҳар бир Ману ҳар бири тўрт югадан таркиб топган етмиш бир цикл давомида ҳаётдан лаззатланиб яшайди.

Изоҳ: “Вишну-пурана”да ҳам айтилганки, Манунинг умри ҳар бири тўрт югадан иборат бўлган етмиш бир цикл давом этади, яъни Манунинг умри фаришталар ҳисоби билан 852.000

йил, ердаги вақт ҳисоби бўйича 306.720.000 йил давом этади.

## Текст 25

Бир Ману ўлгандан кейин унинг ўрнига навбатдаги Ману келади. Ҳар бир Манунинг авлодлари коинотнинг турли сайёralарига ҳукмдор бўлади, лекин етти машҳур донишманд, Индра сингари фаришталар ва уларнинг гандхарвалар сингари якин ҳамроҳлари Ману билан бир вақтда дунёга келадилар.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг бир куни давомида ўн тўрт Ману алмашади, уларнинг ҳар бирининг ўз авлод-аждоди бўлади.

## Текст 26

Оlamни яратишининг Браҳманинг куни давомида рўй берадиган босқичида уч сайёralар тизими – Сварга, Мартъя ва Патала – вақти-вақти билан даврий равишида яратилиб, яксон килиниб туради, уларда яшайдиган тирик мавжудотлар(куйи турларга мансуб ҳайвонлар, одамлар, фаришталар ва питалар) эса, такрор ва такрор тугилиб, ўзларининг қилган ишлари оқибат-натижаларини бошидан кечириб, ўлиб юрадилар.

## Текст 27

Ҳар бир Манунинг ҳукмронлик даврида Олий Шахс Худо Ўзининг ички қувватини Ману ва бошқалар сингари турли қиёфаларда намоён этиб, моддий оламга ташриф буюради. Парвардигор шу тариқа Ўзининг илоҳий қудратини намойиш этиб, оламнинг мавжудлигини таъминлаб туради.

## Текст 28

Маъбуд Браҳманинг куни охирига етганида ғоффиллик гунасининг арзимаган таъсири остида баҳайбат коинот тун қаърига ғарқ бўлади. Мангу вақт ҳукмига бўйсуниб, сон-саноқсиз тирик мавжудотлар қиёмат(яксон бўлиш) уммонида ғойиб бўладилар, коинотда жимжитлик ҳукм суро бошлайди.

Изоҳ: Мазкур шеърда маъбуд Браҳманинг, моддий табиатнинг ғафлат гунасининг арзимаган бир қисми билан аралашган манту вақт таъсири остида кириб келадиган туни таърифланган. Уч оламни зулмат тимсоли бўлган фаришта Рудра амалга оширади, у манту вақт олови қиёфасига киради, ана шу оловнинг аллангани бутун уч оламни ютиб юборади. Ана шу уч олам Бхух, Бхувах ва Сваҳ, яъни Патала, Мартъя ва Сварга деб аталади. Сув тошқинида сон-саноқсиз тирик мавжудотлар яксон бўладилар, ҳозиргина Парвардигорнинг қуввати намоён бўлиб турган коинот саҳнасини энди коронгулик пардаси қоплаб олади, оламда жимжитлик ҳукм суро бошлайди.

## Текст 29

Маъбуд Браҳманинг туни кирганида бутун уч олам кўзга кўринмай қолади, худди коронғу тундагидай Қуёш ва Ой нур таратишдан тўхтайди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг туни кириб келганида гарчи Қуёш ва Ой мавжуд бўлиб қолаверса ҳам, уч олам Қуёш ва Ойнинг нурларидан маҳрум бўлади. Улар уч оламдан ташқарида, коинотнинг яксон бўлмай қолган қисмида пайдо бўладилар. Коинотнинг яксон бўлган қисмига куёш ва ой нурлари тушмайди. Улар зулмат қаърига, сув остига фарқ бўлган, у ерда эса, кейин таърифланганидек, кучли шамол эсиб туради.

#### Текст 30

Уч оламни Парвардигор Санқаршананинг оғзидан чикиб турган олов яксон қиласи, буюк донишманлар пастда ловуллаб ёниб, бутун уч оламни ютиб бораётган оловнинг тафтига бардош беролмасдан Жаналокага кўтариладилар.

#### Текст 31

Коинотни яксон қилиш шундан бошланадики, дengiz ва океанлар қирғогидан чикиб кетади. Денгизларда қудратли тўлқинларни юкори кўтарадиган кучли бўронлар эса бошлайди, бир неча лаҳза ичидаги бутун уч олам сув остида қолади.

Изоҳ: Санкаршананинг оғзидан чиқаётган кучли олов фаришталар ҳисоби билан юз йил, яъни одамлар ҳисоби билан 36000 йил давомида ловуллаб ёниб туради. Кейинги 36.000 йил давомида коинотда жала қуяди, кучли бўронлар дengiz ва океанларда катта-катта тўлқинларни юзага келтиради, океанлар тошиб қирғодан чикиб кетади. 72.000 йил давом этадиган бу жараёнлар уч оламнинг қисман яксон бўлишининг бошланишидан хабар беради. Одамлар қиёмат-қойимнинг даҳшатларини эсдан чиқариб юборганлар ва ўзларини дунёвий маданиятнинг ривожланиши натижасида бахтиёр яшайпмиз деб ўйлайдилар. Мана шу майя, яъри рӯё, аслида йўқ нарсани бор деб алданиш ҳисобланади.

#### Текст 32

Худо Шахси, Парвардигор кўзларини юмган ҳолда коинотнинг тошқин сувлари устида чайқалиб турган Анантанинг тахтида ўтиради, Жаналока сайёralар тизимида яшайдиган зотлар эса, кўл қовуштириб ўзларининг илтижоларида Парвардигорни олқишлидилар.

Изоҳ: Парвардигорнинг уйқусини оддий инсоннинг уйқуси билан тенгламаслик керак. Бу ерда Парвардигорнинг уйқуси Унинг ички кувватининг намоён бўлган кўринишларидан бири эканини кўрсатадиган йога-nidra ибораси ишлатилган. Йога ибораси ишлатилган жойда ҳамиша илоҳий нарсалар назарда тутилади. Илоҳий поғонада фаолиятнинг ҳамма турига ўрин бор, Бхригу сингари буюк донишманлар

ўзларининг илтижоларида Парвардигорнинг ана шундай илоҳий фаолиятини олқишлидилар.

#### Текст 33

Шундай қилиб, ҳар бир тирик мавжудотнинг, шу жумладан маъбуд Браҳманинг умри тўхтамасдан тобора охирига яқинлашиб бораверади. Ҳар бир тирик мавжудот ўзи яшайдиган сайёрада ҳукм сурадиган вақт ўлчами билан юз йил ҳукм суради.

Изоҳ: Ҳар бир тирик мавжудот ўзи яшаб турган сайёра вақти билан юз йил яшайди. Ана шу юз йилнинг ўлчами турлича бўлади. Энг узун умр маъбуд Браҳманини, лекин, гарчи маъбуд Браҳма шунча узоқ яшаса ҳам, унинг умри ҳам эртами, кечми барибир ниҳоясига етади. Бошқа тирик мавжудотлар сингари маъбуд Браҳма ҳам ўлимдан кўрқади, шунинг учун у алдамчи қувват чангалидан озодликка чиқиши учун Худога садоқат билан хизмат қиласи. Албатта, ҳайвонларда маъсулият туйғуси йўқ, аммо, маъсулият туйғуси ато этилган инсонлар ҳам ўзларининг қимматли вақтини бекорга кетказадилар, Худога садоқат билан хизмат қилмайдилар; улар тобора яқинлашиб келаётган ажалидан кўрмасдан хотиржам яшашда давом этаверадилар. Мана шу одамларнинг аклдан озганлигини кўрсатади. Аклдан озган киши ўз ҳаёти учун маъсулият ҳис қилмайди. Худди шундай, умри давомида ўзида маъсулият туйғусини ривожлантириб бормайдиган кишининг, келажаги ҳақида қайғурмасдан, қилаётган ишлари оқибатини ўйламасдан бу дунёдаги умридан лаззатланиб юрган жиннидан фарки йўқ. Ҳатто умри коинотдаги энг буюк тирик мавжудот бўлган маъбуд Браҳманинг умридай узун бўлса ҳам, ҳар бир фаросатли инсон чукур маъсулият ҳис қилган ҳолда ўзини кейинги ҳаётга тайёрлаши керак.

#### Текст 34

Маъбуд Браҳманинг юз йил давом этадиган умри икки қисмга бўлинади – биринчи ва иккинчи ярим. Маъбуд Браҳманинг умрининг биринчи ярми ўтиб бўлди, ҳозир унинг умрининг иккинчи ярми ўтъяти.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг юз йил давом этадиган умри ҳақида бу асарнинг кўп жойларида таъкидланган эди. Бу ҳақда "Бҳагавад Гита"(8.17)да ҳам айтилган. Маъбуд Браҳманинг биринчи эллик йили ўтиб бўлди, унинг яна эллик йил умри қолди, шундан кейин у ҳам, худди бошқалар сингари ўзининг муқаррар ажалини кутиб олади.

#### Текст 35

Маъбуд Браҳманинг умрининг биринчи ярми Браҳма-калпадан бошланганди, ана шу калпада маъбуд Браҳма дунёга келди. Маъбуд Браҳма билан бирга Ведалар пайдо бўлди.

Изоҳ: "Падма-пурана"(Прабхаса-кханда)га асосан, маъбуд Браҳманинг ўттиз куни мобайнида жуда кўп калпалар алмашинади, масалан, Вараха-кала ва Питри-калпа. Маъбуд Браҳманинг ўттиз куни унинг бир тўлин ой кунидан то кейинги тўлин ойгача бўлган бир ойини ташкил этади. Ана шундай ўн икки ой бир йилни ташкил этади, эллик йил бир пааррҳани, яъни маъбуд Браҳманинг умрининг ярмини ташкил этади. Маъбуд Браҳманинг биринчи кунида Парвардигор Шветавараҳа қиёфасида Ўзини намоён этади. Ҳиндларнинг астрономик календари бўйича маъбуд Браҳманинг туғилган куни март ойида нишонланади. Бу ердаги гаплар Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакуранинг изоҳидан олинди.

### Текст 36

Браҳма-калпадан кейин Падма-калпа деб аталадиган давр келади, чунки бу даврда Худо Шахси Харининг киндигидаги кўлмакда коинот нилуфар гули ўсиб чиқади.

Изоҳ: Браҳма-калпадан кейин келадиган давр Падма-калпа деб аталади, чунки ана шу даврда коинот нилуфар гули пайдо бўлади. Баъзи бир Пураналарда Падма-калпа Питри-калпа деб ҳам аталади.

### Текст 37

Эй Бхарат авлоди, маъбуд Браҳманинг умрининг иккинчи ярмининг биринчи даври ҳам Вараха-калпа деб аталади, чунки ана шу калпада Парвардигор тўнғиз қиёфасида пайдо бўлади.

Изоҳ: Браҳма-калпа, Падма-калпа ва Вараха-калпа сингари ҳар хил даврларни эслатиш оддий одамларнинг ақлини адаштириб қўйиши мумкин. Баъзи бир олимларнинг фикрига кўра буларнинг ҳаммаси бир калпанинг ҳар хил номлари ҳисобланади. Шрила Вишванатха Чакраварти Тхакуранинг фикрига кўра маъбуд Браҳманинг умри бошланадиган Браҳма-калпа Падма-калпа деб аталади. Бизга эса "Шримад Бҳагаватам"да айтилган, ҳозирги калпа маъбуд Браҳманинг умрининг иккинчи ярмида эканини билишнинг ўзи кифоя.

### Текст 38

Юқорида айтиб ўтилган, маъбуд Браҳманинг умрининг икки ярми Олий Шахс Худо, ўзгармас, чексиз ҳамда барча сабабларнинг сабабчиси бўлган ягона Парвардигорнинг вақт шкаласи бўйича бир нимеша(лаҳзанинг бир қисми)га teng.

Изоҳ: Буюк донишманд Майтрея атомар вақтдан бошлаб то маъбуд Браҳманинг умригача бўлган вақт ўлчамларини батафсил гапириб берди. Энди у бизларда чексиз Парвардигорнинг вақти ҳақида озгина бўлса ҳам тасаввур ҳосил қилмоқчи бўляпти. У маъбуд Браҳманинг умри билан таққослаб, бизларга Парвардигорнинг чексиз

вақтининг қанчалик чексиз эканини кўрсатмаоқчи. Олий Шахс Худонинг вақт шкаласи бўйича маъбуд Браҳманинг бутун умри лаҳзанинг бир қисмига teng. Бу ҳақда "Браҳма-самхита"(5.48)да айтилган:

"Мен Говиндага, тўла қисми Маха-Вишну бўлган барча сабабларнинг сабабчиси Олий Шахс Худога сажда қиласман. Сон-саноқсиз коинотларнинг барча хукмдорлари фақат Унинг биргина нафас олиши давомида мавжуд бўлиб турадилар".

Имперсоналистлар Парвардигорнинг қиёфаси борлигига ишонмайдилар, шунинг учун уларнинг Парвардигор ҳам ухлаши мумкинлигига ишониши жуда кийин. Имперсоналистларнинг тасаввурлари уларнинг илми саёзлигининг оқибатидир. Улар ҳамма нарса ҳақида оддий инсоннинг имкониятлари чегарасида фикр юритадилар. Уларнинг фикрига кўра, Парвардигорнинг мавжудлиги, ҳаёти – инсоннинг фаол турмуш тарзига қарама-қарши кўринишда бўлиши керак: агар инсоннинг сезгилари бўлса, Худо Шахсининг сезгилари бўлмаслиги керак, агар инсоннинг қиёфаси бўлса – Парвардигорнинг шаклшамойили бўлмаслиги керак, агар инсон ухласа, Парвардигор ухламаслиги керак. Лекин "Шримад Бҳагаватам" имперсоналистларнинг фикрини маъқулламайди. Юкоридағи шеърларнинг бирида Парвардигор йога-нидра уйқусига ғарқ бўлган деб айтилган эди. Парвардигор ухляяптими, демак У нафас олади, буни "Браҳма-самхита" ҳам У бир марта нафас олганида сон-саноқсиз Браҳмалар туғилиб-ўлишини айтиб тасдиқлаяпти.

"Шримад Бҳагаватам" билан "Браҳма-самхита"даги гаплар бир бирига зид эмас. Маъбуд Браҳманинг ажали етганида мангув вақт узилиб қолмайди. Вақт ўз йўлида давом этаверади, лекин у Олий Шахс Худога ўз таъсирини ўтказа олмайди, чунки Парвардигорнинг Ўзи вақтнинг хукмдоридир. Албатта, руҳий оламда ҳам вақт мавжуд, лекин у жойдаги воеа-ходисалар уннинг хукмига бўйсунмайди. Вақт ҳам ҳамма нарса мутлақ табиатга эга бўлган руҳий олам сингари чексиз.

### Текст 39

Мангув вақт атомдан то умри тасаввур қилиб бўлмас даражада узун бўлган Браҳмагача ҳамманинг устидан хукмонлик қиласми, шунга қарамай, у Парвардигорнинг хукми остида. Ҳатто Сатья-локада ёки коинотнинг бошка олий сайёраларда яшаса ҳам, вақт фақат ўзини тана деб биладиган кишиларга ўз хукмини ўтказа олади.

### Текст 40

Сезгилар ёрдамида қабул қилиш мумкин бўлган моддий оламнинг диаметри олти миллиард километр. Бу олам саккиз моддий унсурнинг бирикмасидир, бу унсурлар кейинчалик коинот ичидаги жойлашган ва ундан ташқарида бўлган ўн олти нафис унсур - табиат(начал???)га айланадилар.

Изоҳ: Аввал айтилганидек, моддий олам саккиз моддий унсур ва ўн олти сифат(табиат)дан таркиб топган. Моддий оламни таҳлилий ўрганиш билан санкхъя фалсафаси шуғулланади. Ўн олти сифатга ўн бир сезги ва беш сезиладиган нарсалар киради, қўпол ва нафис саккиз моддий унсур эса – ер, сув, олов, ҳаво, осмон, акл, тафаккур ва ўзлик. Ўзаро бирикиб, улар диаметри олти миллиард километр бўлган бутун коинот бўйлаб тарқаладилар. Биз яшаётган коинотдан бошқа сон-саноқсиз бошқа коинотлар мавжуд, уларнинг баъзиларининг ўлчамлари бизнинг коинотдан бир неча марта катта. Кейин айтиладики, уларнинг ҳаммаси бир жойга тўпланган, уларнинг ҳар бири саккиз моддий унсурдан иборат қобиклар билан ўралган.

#### Текст 41

Коинотнинг саккиз моддий унсурдан таркиб топган қобиғининг ҳар бир қатлами ўзидан аввалги қатламдан ўн марта қалинроқ, бир жойга тўпланган коинотлар худди атомларнинг катта бирикмасини эслатади.

Изоҳ: Коинотнинг қобиғини ташкил этувчи қатламлар ҳам моддий унсурлардан иборат: ер, сув, олов, ҳаво, эфир. Ҳар бир қатлам ўзидан аввалги қатламдан ўн марта қалинроқ. Биринчи қатлам коинотнинг диаметридан ўн марта қалинликда бўлиб, ердан таркиб топган. Агар коинотнинг диаметри олти миллиард километр бўлса, ердан таркиб топган биринчи қобиқнинг қалинлиги олтмиш млрд км бўлади. Сувдан иборат қатлам ер қатламидан ўн марта қалинроқ, ҳаво қатлами сув қатламидан ўн марта қалинроқ ва ҳоказо. Моддий қабиклар билан копланган коинот шу қобиқларга нисбатан атомга ўҳшаган кичик бўлиб кўринади. Бундай коинотларнинг сонини ҳатто ана шу қобиқларнинг қалинлигини биладиган киши ҳам билмайди.

#### Текст 42

Мана шунинг учун Олий Шахс Худо, Парвардигор Шри Кришнани барча сабабларнинг бошлангич сабаби деб атайдилар. Шундай қилиб, Парвардигор Вишнунинг илоҳий даргоҳи мангу, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас, ана шу даргоҳ Маха-Вишнунинг, бутун борлиқ манбайнинг ҳам маконидир.

Изоҳ: Сабаблар уммонида ястаниб йога-нидрага ғарқ бўлиб ётган Парвардигор Маха-Вишну Ўзининг нафас олиши билан сон-саноқсиз коинотларни яратади, факат ўткинчи моддий коинотларни яратишга кетадиган вақт давомидагина махат-таттва ичидан пайдо бўлади. Маха-Вишну Парвардигор Шри Кришнанинг тўла намоён бўлган қиёфаси, шунинг учун Парвардигор Шри Кришнадан фарқ қиласа ҳам Унинг моддий оламда Парвардигор мужассам бўлган қиёфа сифатида пайдо бўлиши вақтинчалик характерга эга. Аслида Худо Шахсининг бошлангич қиёфаси Парвардигорнинг сварупаси, яъни Унинг мангу

Вайкунта(Вишнулока) оламида бўладиган ҳақиқий қиёфасидир. Бу ерда ишлатилган махатманаҳ ибораси Маха-Вишнуга тааллуқли, Маха-Вишнунинг бошлангич қиёфаси парама деб аталағидан Парвардигор Шри Кришна ҳисобланади, буни "Брахма-самхита"(5.1) ҳам тасдиклайди:

“Ягона Парвардигор – Кришна, Говинда деб аталағидан бошлангич Худо Шахси. Унинг танаси мангу, илм ва лаззатга тўла, Унинг Ўзи эса барча сабабларнинг бошлангич сабабчисидир”.

*Бхактиведантанинг "Шримад Бҳагаватам"нинг  
Учинчи қўшиқ "Вақтнинг ҳар хил ўлчамлари.  
Атом вақти" деб аталағидан ўн биринчи бобига  
ёзган изоҳлари шундай якунланади.*

### Ўн иккинчи боб Кумарлар ва бошқаларни яратиш

#### Текст 1

Шри Майтрея деди: Эй донишманд Видура, шу пайтгача мен сенга кала кўринишидаги Олий Шахс Худонинг улуғворлиги ҳақида гапириб бердим. Энди мен сенга ведавий донишмандлик тимсоли бўлган Брахма яратган нарсалар ҳақида гапириб бераман.

#### Текст 2

Аввалига маъбуд Брахма ғофилликнинг ўз-ўзини алдаш, ўлимдан кўркиш, умидлари пучга чиққанидан ғазабланиш, сохта эгалик туйғуси, шунингдек ҳаёт ҳақида алдамчи моддий тасаввурга эга бўлиш, яъни ўзининг асл моҳиятини унтиш сингари кўринишларини яратди.

Изоҳ: Ҳар хил тур ва қиёфалардаги сон-саноқсиз тирик мавжудотларни дунёга келтиришдан олдин маъбуд Брахма тирик мавжудотлар моддий оламда яшashi шарт бўлган шароитларни яратди. Токи тирик мавжудот ўзининг ҳақиқий табиатини эслар экан у моддий олам шароитида яшай олмайди. Шундай қилиб, моддий оламда яшашнинг асосини ўзининг асл моҳиятини унтиш ташкил этади. Ўзининг асл моҳиятини унтиш эса ўлимдан кўркув туйғусини юзага келтиради, чунки аслида пок рух туғилмайди, ўлмайди. Ўзини моддий табиатга ана шундай қиёслаш шунга олиб келадики, тирик мавжудотда сохта эгалик туйғуси юзага келади, ана шу туйғу уни олий ҳукмдор унга фойдаланиш учун бериб қўйган нарсаларнинг ҳаммасини “меники” деб ҳисоблашга мажбур қилади. Моддий бойликлар тирик мавжудотларга улар моддий оламда ҳеч қандай мухтожлик сезмасдан руҳий ўзлигини англаш этишиш йўлида ўз бурчларини бажариб яшашлари учун бериб қўйилган. Лекин ўзини сохта қиёслаш шартланган руҳга сохта эгалик туйғусини сингдиради ва уни аслида Парвардигорники

бўлган нарсаларни “меники” деб хисоблашга мажбур қиласди. Мазкур шеърдан маълум бўладики, Парвардигор маъбуд Браҳмани яратган, моддий оламдаги барча тирик мавжудотларни қоплаб оладиган беш турли ғофилликни маъбуд Браҳма яратган. Маъбуд Браҳма шартланган руҳларни алдаб кўйганини англаб етган киши ҳаёт ҳақидаги “тирик мавжудот Парвардигор билан тенг” деган тасаввур қанчалик нодонлик эканини тушуна олади. Патанжали ҳам мазкур шеърда келтирилган ғофилликнинг намоён бўлган беш кўриниши мавжудлигини тан олади.

### Текст 3

Ғофилликнинг мана шу шаклларини яратиш гунох деб ҳисоблаб, маъбуд Браҳма ўз фаолиятидан қаноат ҳосил қилмади ва покланиш учун Олий Шахс Худога муроқаба қила бошлади. Кейин у яратишнинг навбатдаги босқичини амалга оширишга киришди.

Изоҳ: Ғофиллик асосларини яратиб, маъбуд Браҳма мамнуният ҳосил қилмади, аксинча, лекин барибирана шу номуносиб иш билан шуғулланишга мажбур эди, чунки шартланган руҳларнинг аксарият кўпчилиги ғофилликда бўлишга интиларди. "Бҳагавад Гита"(15.15)да Парвардигор Шри Кришна айтадики, ҳар бир тирик мавжудотга ё хотира, ё унтиш юбориб туради. Шундай савол туғилиши мумкин: нимага ҳаммага меҳрибон Парвардигор бировга унтишга ёрдам беради, бировга эса унтишга ёрдам беради? Аслини олганда Парвардигорнинг марҳамати Унинг бировларга яхшилик қилиб, бировларга душманлик қилишида намоён бўлмайди. Парвардигорнинг бир заррачалари бўлган ҳолда тирик мавжудот маълум даражада эркинлик, мустақилликка эга, чунки уларнинг ҳар бири маълум даражада Парвардигорнинг сифатларига эга. маълум даражада мустақилликка эга бўлган ҳар бир инсон ғофиллиги сабабли ундан нотўғри фойдалана олади. Тирик мавжудотда ўз эркинлигидан нотўғри фойдаланиб, ғофилликка гарқ бўлиш истаги юзага келганида, Парвардигор аввалига уни огоҳлантиришга ҳаракат қиласди, лекин, агар тирик мавжудот ўжарлик билан дўзахга тушишга интилишда давом этаверса, Парвардигор унинг ўзининг асл ҳолатини унтишига ёрдам беради. Парвардигор факат тирик мавжудотнинг ўзи ўз эркинлигидан нотўғри фойдаланган киши ҳеч қачон баҳтли бўлолмаслигига тўлиқ ишонч ҳосил қилиши учунгина тубанликка юз тутган тирик мавжудотга ғофилликнинг охирги чегарасигача боришига ёрдам беради.

Моддий оламда ачинарли ҳаёт кечираётган шартланган руҳларнинг деярли барчаси ўз эркинлигидан нотўғри фойдаланадилар ва шунинг учун ғофилликнинг беш тури ҳукми остида бўладилар. Парвардигорнинг итоаткор хизматкори сифатида маъбуд Браҳма зарурат юзасидан

ғофиллик асосларини яратади, лекин бундан мамнуният ҳосил қилмайди, чунки Худонинг содик хизматкори учун ўзининг асл моҳиятини унутган тирик мавжудотнинг тубанликка юз тутишини кўриш жуда оғир. Ўзлигини англаб етишга интилмайдиган кишилар Парвардигордан ўз ниятларига эришиш учун зарур бўлган ҳамма нарса оладилар, мана шу жиҳатдан маъбуд Браҳма ҳамиша Парвардигорнинг ишончли ёрдамчиси ҳисобланади.

### Текст 4

Аввалига маъбуд Браҳма тўрт буюк донишмандни дунёга келтирди: Санака, Сананда, Санатана ва Санат-кумар. Уларнинг бирортаси моддий фаолият билан шуғулланишга озгина бўлса ҳам истак билдирамади – уларнинг ҳаммаси ғайритабиий равишида улуғвор зотлар эди, чунки уларнинг уруғлиги юқорига интиларди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма зарурат юзасидан Худонинг ҳоҳиши билан ғофиллик уммонига гарқ бўлишга маҳкум этилган тирик мавжудотлар учун мўлжалланган ғофиллик қоидаларини яратди, лекин бундай хайрсиз вазифани бажариш унга ҳеч қандай мамнуният олиб келмади. Шунда маъбуд Браҳма илмнинг тўрт асосини яратди: санкхъя, яъни моддий олам шароитларини назарий жиҳатдан ўрганадиган шуғулланадиган эмпирик фалсафа; йога, яъни пок руҳни модда тутқунлигидан озодликка чиқариш учун мўлжалланган сехрли машғулотлар; вайрагъя – моддий лаззатлардан бутунлай воз кечиш, бунинг натижасида инсон руҳий илм чўққисига эришади; тапас – инсон руҳий баркамолликка эришиш учун ўз ихтиёри билан чекадиган риёзатлари. Маъбуд Браҳма тўрт буюк донишмандни – Санака, Сананда, Санатана ва Санатани дунёга келтирди, кейин уларга руҳий юксалишнинг ана шу тўрт асосини ишониб топширди. Улар эса, ўз навбатида одамлар орасида бҳакти таълимотини тарғибот қилиш учун руҳий кариндошлиқ, яъни сампрадая ташкил этдилар. Бу сампрадая аввалига Кумара-сампрадая деб аталарди, кейинчалик Нимбарка-сампрадая деб атала бошлади. Ана шу буюк донишмандлар Парвардигорнинг буюк содиклари бўлиб етишдилар, чунки Худога садоқат билан хизмат қилмасдан туриб, руҳий фаолиятнинг бирор соҳасида муваффакиятга эришиб бўлмайди.

### Текст 5

Ўғиллари дунёга келганида маъбуд Браҳма уларга шундай деди: “Эй ўғилларим, энди сизлар зурёд қолдиришингиз лозим”. Лекин, Кумарлар Васудевага, Олий Шахс Худога боғланган бўлгани учун руҳий озодликка чиқишдан бошқа бирор нарсани истамасдилар, шу боис отасининг илтимосини бажаришдан бош тортдилар.

Изоҳ: Буюк отасининг илтимос қилганига қарамай, Браҳманинг тўрт ўғли, Кумарлар оила куришни истамадилар. Моддий олам

тутқунлигидан озодликка чиқишига интилиб юрган киши ўзини бу дунёга алдамчи оиласириштапар билан боғлаб қўймаслиги керак. Шундай савол туғилиши мумкин: қандай қилиб Кумарлар нафақат ўзларининг отаси, коинотнинг яратувчиси бўлган маъбуд Браҳманинг буйругини рад этишига жуरъат килдилар? Бунга шундай жавоб шундай бўлади: васудева-парайана, Худо Шахси Васудевага садоқат билан хизмат қилиб юрган кишининг бу дунёда ҳеч кимдан ҳеч қандай қарзи бўлмайди. Бу хақда "Шримад Бҳагаватам"(11.5.41)да айтилган:

"Барча дунёвий боғланишлардан воз кечган ва озодликка чикарадиган Парвардигорнинг нилуфар қадамлари пойидан паноҳ топган киши бу дунёда ўзининг барча қарзларидан – фаришталар, аждодлар, донишмандлар, қариндошлари ва ватандошлари олдидағи ҳамма қарзларидан кутулган бўлади". Шунинг учун гарчи Кумарлар улардан оила қуришни илтимос қилган буюк отасининг амрини бажаришдан бош тортган бўлсалар ҳам ҳеч қандай гуноҳ иш қилмаган бўладилар.

#### Текст 6

Ўғиллари отасининг амрини бажаришдан бош тортганида маъбуд Браҳманинг ақлини қаттиқ ғазаб қамраб олди, лекин у ғазабини босишга ва ўзида унинг таъсирини сезмасликка ҳаракат килди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳма моддий эҳтирос гунасининг ҳукмдори ҳисобланади, шунинг учун ўғиллари унинг амрига бўйсунишдан бош тортганини кўриб, унинг ғазаби келгани кишини ҳайратга соладиган иш эмас. Унинг илтимосини бажаришдан бош тортиб, Кумарлар тўғри иш килдилар, лекин барибир эҳтирос гунаси таъсири остида бўлган Браҳма ўзининг ғазабини жиловлаб ололмади. Аммо у ўзининг сезгиларига эрк бермади, чунки ўғиллари руҳий илм чўққисига эришганини ва уларга ғазабини тўкиб солиш керак эмаслигини яхши биларди.

#### Текст 7

Маъбуд Браҳма ғазабини жиловлаб олишига қанчалик уринмасин, бунинг уддасидан чиқа олмади. Ғазаб унинг қошлари ўртасидан отилиб чиқди ва танаси кўкимтир-қизғиши рангли бола киёфасига кирди.

Изоҳ: Ғазабнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлишидан қатъий назар унинг қиёфаси бир хир хил. Браҳма ғазабини жиловлашга қанчалик ҳаракат қилмасин, коинотдаги энг улуғвор тирик мавжудот бўлишига қарамай, унинг уринишлари бирор натижга бермади. Эҳтирос ва ғофилликнинг маҳсули бўлган холда ғазаб ўзининг асл ҳолида Рудра қиёфасида кўк(ғофиллик) ва қизил(эҳтирос) рангли танада маъбуд Браҳманинг қошлари ўртасидан чиқди

#### Текст 8

Дунёга келган заҳоти болакай қичкира бошлади: "Хой инсон тақдирини белгилайдиган зот, ҳой олам аҳлининг устози, менинг исимимни айт ва яшаш жойимни кўрсат!"

#### Текст 9

Нилуфар гулидан туғилган қудратли маъбуд Браҳма ширин сўзлар билан болани овутди ва унинг илтимосига кўра шундай деди: "Йифлама! Мен албатта сенинг истагингни бажараман!"

#### Текст 10

Маъбуд Браҳма давом этди: "Эй фаришталар сардори! Сен жон-жаҳдинг билан қаттиқ чинқирганинг ва йифлаганинг учун одамлар сени Рудра деб чақирадилар.

#### Текст 11

Эй ўғлим, мен сен яшайдиган жойларни белгилаб қўйганман. Сен яшайдиган жойлар юрак, ҳаёт нафаси, осмон, ҳаво, олов, сув, ер, қуёш, ой ва риёзатлар бўлади.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг қошлари ўртасидан эҳтирос ва ғафлат гуналари туфайли юзага келган ғазаб тимсоли сифатида Рудранинг яратилиши чуқур маънога эга. Рудранинг қонун-қоидалари "Бҳагавад Гита"(3.37)да таърифланган. Кродха, яъни ғазаб эҳтирос гунасининг маҳсули бўлган камадан, яъни шаҳвоний эҳтиросдан келиб чиқади. Шаҳвоний эҳтирос қондирилмаса ва истаклар амалга ошмаса, кродха – шартланган руҳнинг энг ашаддий душмани юзага келади. Эҳтирос келтириб чикарадиган мана шу энг оғир гуноҳ ва ҳалокат келтирадиган туйғу ўзини аханка, яъни ўзини оламнинг маркази деб соҳта тасаввур қилиш кўринишида намоён этади. "Бҳагавад Гита" моддий табиат ҳукми остидаги шартланган руҳнинг ана шундай соҳта тасаввурини аҳмоқона нодонлик деб таърифлайди. Эгоцентризм, яъни ўзини оламнинг маркази деб билиш иллати тирик мавжудотнинг кродха, ғазаб юзага келадиган юрагидаги Рудра қоидасининг намоён бўлишидир. Ғазаби қайнаган кишининг кўзлари қизаради, баъзан у муштини қисади ёки ер тепкилай бошлайди. Рудранинг бундай намоён бўлиши инсон танасининг ана шу кисмларида Рудранинг мавжудлигидан далолат беради. Ғазаби келганда инсон тез-тез нафас ола бошлайди, ҳаёт нафасида, яъни инсоннинг нафасида мавжуд бўлган Рудра ўзини шундай намоён этади. Осмонни қора булатлар коплаганида, момокалдироқ гумбурлаб кучли бўрон турганида ҳам Рудра намоён бўлади. Денгизда тўфон туриб, кутурган, оддий одамларга даҳшат соладиган сувда ҳам Рудранинг қўрқинчли қиёфаси намоён бўлади. Сув тошқини пайтида ҳамма жойни босиб кетадиган сувда ва ҳамма нарсани ўз домига ютиб юборадиган оловда ҳам Рудра қоидасининг мавжудлигини кузатиш мумкин.

Ер юзида Рудра қоидасини ўзида мужассам қылган тирик мавжудотлар ҳам бор. Рудранинг доимий вакиллари илон, йўлбарс ва арслон ҳисобланади. Ёзинг жазира маисида инсон иссиқ күёш таъсирида иссиқ уриб касалланади, ерга ой юборадиган изғирин совуқда эса одамлар баъзан ҳушидан кетиб қоладилар. Инсоният тарихида қаттиқ риёзатларга берилган буюк донишмандлар, йоглар, файласуф ва таркидунё қилган кишилар Рудранинг чангалига тушиб қолгани ҳақидаги маълумотлар жуда кўп. Ғазаб ва эҳтирос домига тушиб қолиб, улар ўзлари эришган қудратини намойиш этадилар. Рудра таъсири остида буюк сехргар йог Дурваса Махараж Амбариша билан жанжаллашиб қолди, браҳман бола эса, ўзининг газабини намойиш этиб Махараж Паришитни дуои-бад қилди. Олий Шахс Худога садоқат билан хизмат қилиб юрган кишилар Рудра қоидасини намойиш этгандарида ана шу ғазаб уларнинг тубанликка юз тутишига сабаб бўлади. Буни "Шримад Бхагаватам"(10.2.32)нинг ушбу шеъри ҳам тасдиқлайди:

Имперсоналистнинг ачинарли тубанликка юз тутишига унинг ҳеч нарсага асосланмаган ҳолда ўзини Худо деб биладиган сохта тасаввuri сабаб бўлади.

#### Текст 12

Маъбуд Браҳма давом этди: "Эй ўғлим, сенинг бундан бошка яна ўн бир исминг бўлади: Манью, Ману, Махинаса, Махан, Шива, Ратадхваджа, Уграпета, Бхава, Кала, Вамадева ва Дхритаврата.

#### Текст 13

О Рудра, бундан ташқари сенинг ўн бир хотининг, ўн бир Рудрани бўлади: Дхи, Дхрити, Расала, Ума, Ниют, Сарпи, Ила, Амбика, Иравати, Свадха ва Дикша.

#### Текст 14

Эй ўғлим, мана шу исмларни қабул қилиб ол, хотинларингни олиб ўзингга ажратилган жойларга йўл ол; сен – тирик мавжудотларнинг ҳукмдорларидан бири бўлганинг учун энди сен коинот аҳолисини сезиларли даражада кўпайтиришинг керак.

Изоҳ: Рудранинг отаси бўлгани сабабли маъбуд Браҳма ўғли учун хотинлар танлади, яшаш жойини кўрсатди ва унга ном кўйди. Ўғил фарзанд отаси кўйган номни ва отаси унга берадиган молмulkни қабул қилгани сингари, отаси унинг учун танлаган қизга уйланиши керак. Оламнинг аҳолиси шу тариқа кўпаяди. Кумарлар отасининг таклифини қабул қилишдан бош тортдилар, чунки улар бола-чака қилиш сингари тубан ишлар билан шуғулланишни истамадилар. Худди юксакроқ, олий мақсадга интилиш йўлида фарзанд отасининг амрини бажаришдан бош тортиши мумкин бўлгани сингари, ота ҳам олий мақсадга эришиш

учун ўзининг факат насл қолдириш билан машғул бўлиб юрган фарзандларининг тирикчилигини таъминлашдан бош тортиши мумкин.

#### Текст 15

Танаси қўқимтир-қизгиш рангда бўлган чексиз қудратли Рудра сон-саноқсиз авлодларни дунёга келтириди, унинг барча авлодлари ташқи кўриниши, куч-куввати ва қайсар таибати билан худди унинг ўзига ўхшарди.

#### Текст 16

Рудранинг сон-саноқсиз авлодлари, унинг ўғиллари ва неваралари бир жойга тўпланиб, коинотни ютиб юборишга уриндилар. Барча тирик мавжудотларнинг отаси маъбуд Браҳма буни кўриб қаттиқ хавотирланиб ташвишга туша бошлади.

Изоҳ: Ғазаб тимсоли бўлган Рудранинг авлодлари коинотнинг мавжудлигига шу қадар кучли таҳдид сола бошладиларки, бундан ҳатто барча тирик мавжудотларнинг отаси маъбуд Браҳма ҳам хавотирга туша бошлади. Ўзларини Рудранинг издошлари ёки содиклари деб атайдиган одамларнинг таҳдиди ҳам бундан кам эмас. баъзан улар ҳатто Рудранинг ҳаётига ҳам суикасд қиладилар. Унинг ўзидан фотиҳа олиб, Рудранинг авлодлари баъзан унинг ўзини яксон қилишга харакат қиладилар. Рудрага сигиниб юрган кишиларнинг табиати ана шундай.

#### Текст 17

Рудрага мурожаат қилиб маъбуд Браҳма деди: Эй фаришталар ичиди аълоси, сен энди бундай мавжудотларни дунёга келтирмаслигинг керак. Кўзларидан олов чикариб, улар теварак-атрофдаги ҳамма нарсани яксон қила бошладилар, улар ҳатто менга хужум қилишга журъат қилдилар.

#### Текст 18

Эй ўғлим, сен риёзат чекишига берилсанг яхши бўларди. Шу ишинг барча тирик мавжудотларга саодат келтиради, сенинг ўзингни ҳам баҳтиёр қилади. Факат риёзат чекиши билан сен оламни аввал у қандай бўлса шундайлигича яратса оласан.

Изоҳ: Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш ишларини уч илоҳ – Браҳма, Вишну ва Махешвара, яъни Шива бошкаради. Маъбуд Браҳма Рудрадан коинотни яратиш ва мавжудлигини таъминлаб туриш даврида уни яксон қилишга олиб келадиган фаолият билан шуғулланмасликни, коинотнинг мавжудлик даври тугаб, унинг яксон қилиш бўйича хизмати керак бўладиган замонлар келгунча риёзатга берилиб кутишни илтимос қилди.

#### Текст 19

Факат риёзат чекиши билан Худо Шахсига, ҳар бир тирик мавжудотнинг қалбида мавжуд бўлган ва

айни пайтда сезгилар ёрдамида кўриб бўлмайдиган Парвардигорга яқинлашиш мумкин.

Изоҳ: Браҳма Рудрага риёзатга берилишни ва ўзининг хаёти мисолида ўғиллари ва издошларига Олий Шахс Худонинг марҳаматига эришишга интилиб юрган ҳар қандай инсон албатта риёзат чекиши кераклигини кўрсатишни илтимос қилди. "Бҳагавад Гита"да айтилганки, одатда оддий одамлар мўътабар буюк зотлар кўрсатган йўлдан борадилар. Шунинг учун Рудранинг авлодларининг жирканч қиликларидан норози бўлган ҳамда коинотда ана шундай ахолининг кўпайиб кетиши унинг ўзини ҳалокатга олиб келишидан кўркиб маъбуд Браҳма Рудрадан бундай ёқимсиз авлодни бошқа яратмаслики, бунинг ўрнига риёзатга берилишни ва шу иши билан Худонинг марҳаматига эришишни илтимос қилди. Шунинг учун Рудранинг тасвирини ҳамиша Худонинг марҳаматига эришиши мақсадида чукур муроқабага берилган ҳолатда чизадилар. Бу билан маъбуд Браҳма Рудранинг авлодларидан ва издошларидан ўзларининг Рудра қоидасига асосланган, оламнинг яксон бўлишига олиб келадиган фаолиятини тўхтатишини ва унга коинотни яратишга халақит бермасликни илтимос қиласди.

#### Текст 20

Шри Майтрея деди: Маъбуд Браҳмадан шундай буйруқ олиб, Рудра Ведалар ҳукмдори бўлган отасининг атрофини айланиб ўтди. Рудра унинг гапларига розилик билдириб ўрмонга йўл олди ва қаттиқ риёзатларга берила бошлади.

#### Текст 21

Шундан кейин, ўз кудратини Олий Шахс Худодан олган маъбуд Браҳма авлодини давом эттириш учун тирик мавжудотларни дунёга келтиришга карор қиласди ва ўнта фарзандни дунёга келтирди.

#### Текст 22

Шу тарзда Маричи, Атри, Ангира, Пуластья, Пулаха, Крату, Бхригу, Васиштха ва Дакша дунёга келди. Ўнинчи фарзанд бўлиб Нарада дунёга келди.

Изоҳ: Моддий оламни яратиш, мавжудлигини таъминлаб туриш ва яксон қилиш фаолиятининг ҳаммаси шартланган руҳларининг ўз уйига, Худонинг даргоҳига қайтиш имкониятини яратиш учун мўлжалланган. Маъбуд Браҳма ўзининг яратиш фаолиятида ёрдам берар деган умид билан Рудрани дунёга келтирган эди, лекин Рудра шу заҳотиёқ оламни яксон қила бошлади, шунинг учун Браҳма ўзининг кутуриб кетган бу ўғлини тинчтишга мажбур бўлди. Шунинг учун маъбуд Браҳма дунёвий кармали фаолият билан шуғулланишга ихлоси бўлган бир неча яхши тарбтибли фарзандни дунёга келтиришга карор қиласди. Лекин у шартланган руҳлар Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб бирор фаолият бирор соҳасида муваффақият қозонишнинг иложи йўқ. Фақат Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишгина инсонни ҳаётнинг ҳақиқий мақсадига олиб келишга қодир, Шриман Нарада Мунининг қилиб юргани хизмати – маъбуд Браҳманинг ўғиллари шуғулланиб юрган барча фаолият турлари ичида энг олий хизматдир.

олмаслигини жуда яхши биларди, шунинг учун у охирида фарзандларининг ичида энг аълоси бўлган Нарада Мунини, барча илоҳиётчиларнинг буюк руҳий устозини дунёга келтирди. Гарчи Худога садоқат билан хизмат қилишнинг ўзи ҳар қандай моддий фаолиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда мутлако мустакил бўлса ҳам, Худога садоқат билан хизмат қилмай туриб бирор фаолият бирор соҳасида муваффақият қозонишнинг иложи йўқ. Фақат Худога илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишгина инсонни ҳаётнинг ҳақиқий мақсадига олиб келишга қодир, Шриман Нарада Мунининг қилиб юргани хизмати – маъбуд Браҳманинг ўғиллари шуғулланиб юрган барча фаолият турлари ичида энг олий хизматдир.

#### Текст 23

Нарада Муни маъбуд Браҳманинг танасининг энг яхши қисми бўлган тафаккуридан дунёга келди. Васиштха Браҳманинг нафасидан, Дакша – унинг қўлининг катта бармоғидан, Бхригу – унинг терисидан, Крату эса – унинг қўлларидан туғилди.

Изоҳ: Нарада Муни Браҳманинг танасининг энг яхши қисми – тафаккуридан дунёга келди, шунинг учун у ўзи истаган қишиларнинг ҳаммасига Худони бера олади. На Ведалар илмини ўрганиш, на чеккан риёзатларимиз бизга Олий Шахс Худони англаб етишда ёрдам бера олмайди. Аммо, Парвардигорнинг Нарада Муни сингари содик хизматкори ўзи истаган қишига Худони бера олади. Нарада деган номнинг ўзиёқ унинг истаган тирик мавжудотга Худони беришга қодирлигини кўрсатиб турибди. Нара дегани "Парвардигор", да ибораси эса – "бера оладиган зот" деган маънони билдиради. Лекин, Нарада Муни тирик мавжудотга Худони бера олади деганда, худди бирор жисмни бергандай Худони истаган қишига бериш мумкин эканда деб тушунмаслик керак. Нарада Муни ҳар қандай тирик мавжудотга унинг Худога бўлган илоҳий муҳаббатига мос равища Худонинг содик хизматкори, дўсти, отаси, онаси ёки севгилиси сифатида Парвардигорга илоҳий хизмат қилиш билан шуғулалниш имкониятини бера олади. Бошқача қилиб айтганда, фақат Нарада Муни инсонни бхакти-йога йўлига бошлиши, яъни унга Парвардигорни англаб етиш имконини берадиган энг маҳфий олий сирни ошкор этиши мумкин.

#### Текст 24

Пуластья Браҳманинг кулоқларидан дунёга келди, Ангира – унинг оғзидан, Атри – кўзларидан, Маричи – аклидан, Пулаха – Браҳманинг киндингидан дунёга келди.

#### Текст 25

Дин маъбуд Браҳманинг Олий Шахс Худо Нааяна жой олган қалбидан дунёга келди, имон(Худо)сизлик эса – унинг орқасидан чиқди, тирик мавжудотга ажал унинг орқасидан келади.

Изоҳ: Дин маъбуд Браҳманинг танасининг Худо Шахси жой олган қисмидан дунёга келиши чуқур маънога эга, чунки дин – Худога садоқат билан хизмат қилиш демакдир, буни "Бҳагавад Гита" ва "Шримад Бҳагаватам" ҳам тасдиқлайди. "Бҳагавад Гита"ннинг яқуний хулосасида Парвардигор Шри Кришна айтадики, биз бошқа ҳар қандай диний фаолиятни тарк этиб, ўз ихтиёrimизни бутунлай Худога топширишимиз лозим. "Шримад Бҳагаватам"да ҳам тирик мавжудотни Худога садоқат билан, ҳеч қандай моддий тўсикларсиз холис хизмат қилишга олиб келадиган дин энг яхши дин деб айтилган. Энг комил дин – Худога садоқат билан холис хизмат қилиш, унинг акси эса – динсизлик, Худосизликдир. Юрак – тананинг энг муҳим қисми, орқа(елка) эса, тананинг энг кам эътибор бериладиган жойидир. Душманнинг ҳамласига дуч келган киши унга елкасини қўйишдан қўрқмайди, лекин кўксини ҳамиша ҳимоя қилишга ҳаракат қиласди. Худосизликнинг ҳамма турлари Браҳманинг елкасидан келиб чиқади, ҳақиқий дин, Худога садоқат билан хизмат қилиш эса, унинг Парвардигор Нааяна жой олган қўксидан юзага келади. Инсонни Худога садоқат билан хизмат қилишдан чалғитадиган нарсаларнинг ҳаммаси динсизлик, Худога садоқат билан хизмат қилишга олиб келадиган амалларнинг ҳаммаси дин деб аталади.

#### Текст 26

Шаҳвоний эҳтирос ва истаклар маъбуд Браҳманинг юрагидан пайдо бўлди, ғазаб – унинг қошлари ўртасидан, очқўзлик – унинг лабларидан, нутқ – унинг оғзидан, океан – унинг жинсий аъзосидан, фаолиятнинг жирканч ва гуноҳ турлари – унинг барча гуноҳлар манбаи бўлган ануси(йўғон ичаги)дан юзага келди.

Изоҳ: Шартланган рух ўз ақлининг ҳукми остида бўлади. Дунёвий нуқтаи-назар билан қараганда буюк олим бўлиб қўринган кишилар ҳам, ўзларининг ақлий фаолияти таъсиридан қутула олмайдилар. Шунинг учун Худога садоқат билан хизмат қилиш билан шуғулланмайдиган кишининг шаҳвоний эҳтирос ва бошқа гуноҳ истаклардан кутулиши жуда қийин. Қондирилмаган шаҳвоний эҳтирос ва амалга ошмаган истаклар ақлда юзага келадиган ва қошлар ўртасидан чиқадиган ғазабни юзага келтиради. Шунинг учун оддий одамларга диккатини қошлари ўртасида жамлаш тавсия қилинади, лекин Худонинг содиклари ўз ақлининг таҳтиравонига Олий Шахс Худони ўтказадилар. "Инсон аввал барча истакларидан халос бўлиши керак" деган таълимот мутлақо асоссиздир, чунки ақлни истаклардан бутунлай поклашнинг иложи йўқ. Муқаддас китобларда истаклардан покланиш деганда инсоннинг руҳий юксалиши учун тўсик бўладиган истаклар назарда тутилади. Худонинг содик хизматкорининг ақли ҳамиша Парвардигор ҳақидаги ўйлар билан банд, шунинг учун унинг истаклардан халос бўлиши шарт эмас, унинг барча истаклари факат Худога садоқат билан хизмат

килиш билан боғлиқ. Нутқ неъмати Сарасвати, яъни таълим фариштаси дебаталади. У маъбуд Браҳманинг оғзидан дунёга келади. Ҳатто инсон таълим фариштасининг паноҳи остида бўлса ҳам, унинг қалбида шаҳвоний эҳтирос ва моддий истаклар қолиши ва қошлар ўртасида ғазаб аломатлари пайдо бўлиши мумкин. Бу дунёда инсон буюк олим сифатида шуҳрат қозониши мумкин, лекин бу ҳали у ўзи учун гуноҳ бўлган шаҳват ва ғазаб ҳукмидан халос бўлди дегани эмас. Факат ҳамиша чуқур имон билан Худо ҳақида ўйлаб юрадиган, яъни ҳамиша самадхи ҳолатида юрадиган Худонинг асл содик хизматкоригина ҳақиқий тақводор инсон бўла олади.

#### Текст 27

Донишманд Кардама, Девахутиннинг буюк эри Браҳманинг соясидан дунёга келди. Шу тарзда бутун борлиқ ё Браҳманинг танасидан, ё унинг аклидан дунёга келди.

Изоҳ: Гарчи моддий оламда ҳар бир аниқ вақт мобайнида моддий табиат гуналарининг бирортаси устивор бўлса ҳам, улар ҳеч қачон соф ҳолда мавжуд бўлмайди. Ҳатто икки куйи гуналар таъсири устивор бўлган жойда ҳам барибир ҳамиша озгина эзгулик гунаси аралашган бўлади. Шунинг учун Браҳманинг танаси ва аклидан дунёга келган фарзандлари эҳтирос ва ғафлат гунаси таъсири остида бўлишларига қарамай, уларнинг баъзилари, масалан, Кардама, эзгулик гунаси таъсири остида дунёга келди. Нарада Муни маъбуд Браҳма илохий ҳолатда бўлган вақтда дунёга келди.

#### Текст 28

О Видура, мен эшитганманки, маъбуд Браҳманинг танасидан пайдо бўлган Вак деган қизи ҳам бўлган, гарчи қизининг ўзи у билан яқинлик қилишга интилмаса ҳам, Браҳманинг аклида шаҳвоний эҳтирос уйғотган.

Изоҳ: Балаван индррия-грамо видвамсам апи каршати (Бҳаг., 9.19.17). Сезгилар шу қадар кучли ва бебошки, ҳатто энг билимдон ва донишманд кишининг ҳам ақлини бузиши мумкин. Шунинг учун эркак кишига ҳатто ўзининг онаси, синглиси ёки қизи билан ҳам ёлғиз колмаслик тавсия қилинади. Видвамсам апи каршати – ҳатто буюк донишманд ҳам шаҳвоний эҳтирос қурбони бўлиши мумкин. Майтрея ўзининг қизи билан яқинлик қилишни истаган Браҳманинг одоб доирасидан четга чиққани ҳақида Видурага гапириш керакми, йўқми, билмасдан бироз иккиланиб қолди. Лекин шунда ҳам у бу ҳақда эслатиб ўтди, чунки барибир бундай ҳоллар учраб туради. Бунга коинотдаги энг биринчи ва энг донишманд мавжудот бўлган Браҳманинг ўзи яққол мисол бўла олади. Агар ҳатто маъбуд Браҳманинг ўзи шаҳвоний эҳтироснинг қурбони бўлган бўлса, шунча камчилик ва ожизликлари

бўлган бошқа одамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Бу воқеа маъбуд Браҳма

"Шримад Бҳагаватам"нинг бошлангич тўрт шлокасини гапириб берган даврда эмас, балки кўплаган калпаларнинг бирида юз берган эди, чунки маъбуд Браҳмага "Шримад Бҳагаватам"ни гапириб бергандан кейин Парвардигор уни дуо қилиб, кейинги калпаларнинг бирортасида ҳам у гуноҳ қилмаслигини ва тўғри йўлдан йўлдан адашмаслигини ваъда берган эди. Демак, маъбуд Браҳма Парвардигордан "Шримад Бҳагаватам"ни тинглагунга қадар шаҳвоний эҳтирос қурбони бўлган, "Шримад Бҳагаватам"ни тинглагандан кейин у ҳеч қачон тўғри йўлдан адашмаган.

Лекин барибир биз бу воқеадан ўзимизга хулоса чиқариб олишимиз лозим. Инсон – ижтимоий тирик мавжудот, бошқа жинс вакили билан эркин алоқа қилиш эркакнинг тубанликка юз тутишига олиб келади. Эркак билан аёлнинг, айниқса ёшларнинг бир бирлари билан ўзаро эркин муносабатда бўлиб юришлари руҳий юксалиш йўлида катта тўсиқ бўлишига шубҳа йўқ. Жинсий алоқа тўрларига илиниб қолган тирик мавжудот моддий олам тутқунлигига тушиб қолади, шунинг учун эркак билан аёлнинг чекланмаган тарзда ўзаро муносабатлари албатта, руҳий ҳаёт кечириш учун энг катта тўсиқ хисобланади. Майтрея факат бизларга бундай хатарнинг қанчалик жиддий эканини кўрсатиши учун маъбуд Браҳма билан бўлиб ўтган воқеани гапириб берди.

## Текст 29

Отаси алданиш домига тушиб шундай одобсиз иш қилиб қўйганини билган Браҳманинг Маричи бошлиқ ўғиллари ҳурмат-эҳтиром билан отасига шундай гаплар билан мурожаат қилдилар.

Изоҳ: Ҳатто отасининг қилган ишини қоралаб мурожаат қилганда ҳам, Маричи бошлиқ донишмандлар одоб-ахлоқ қоидаларини бузмадилар. Улар, гарчи маъбуд Браҳма хатога йўл қўйган бўлса ҳам, бу ишнинг заминида қандайдир чуқур маъно борлигини жуда яхши билардилар, акс ҳолда уларнинг буюк отаси ҳеч қачон бундай қилмаган бўларди. Браҳма буни ўзининг қўл остидагиларга инсоннинг табиатига азалдан ато этилган, аёллар билан ҳамсухбат бўлганда ўзини намоён этадиган заиф жиҳатлардан огоҳлантириб қўйиш учун қилган бўлиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Ўзликни англаш йўлидан бораётган кишилар учун бундай алоқалар ҳамиша жуда хатарли хисобланади. Маъбуд Браҳма сингари буюк зотларга, ҳатто улар қандайдир хатога йўл қўйсалар ҳам, ҳеч қачон менсимаслик назари билан қарамаслик керак, шунинг учун Маричи бошлиқ донишмандлар, Браҳманинг ғалати ҳатти-ҳаракатларига қарамай, унга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиша давом этдилар.

## Текст 30

Ота, на бошқа Браҳмалар, на сенинг ўзинг бошқа калпаларнинг бирортасида сен қилмоқчи бўлаётган ишни қилмаганлар, келажакда ҳам ҳеч ким бундай ишни қилишга журъят қилолмайди. Сен – бутун коинотдаги энг қудратли зотсан. Қандай қилиб сенинг миянгга ўз қизинг билан яқинлик қилиш фикри келиб қолди, нимага сен ўзингдаги бу бемаъни истакни боса олмадинг?

Изоҳ: Маъбуд Браҳма - бутун коинотда энг юқори мартаба эгаллаган зот. Мазкур шеърдан кўриниб турибдики, жуда кўп Браҳмалар ва биз яшаб турган коинотдан бошқа кўплаб коинотлар мавжуд. Ана шундай катта лавозим эгаллаб турган зотнинг ахлоқ-одоби бенуқсон бўлиши лозим, чунки қолган бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаммаси унга қараб ҳаракат қиласидилар. Энг покдомон, олижаноб, тақводор ва руҳий жиҳатдан улуғвор тирик мавжудот сифатида маъбуд Браҳмага коинотда факат Олий Шахс Худоникидан апстроқ турадиган энг катта лавозим ишониб топширилган.

## Текст 31

Гарчи сен бутун коинотда энг улуғвор тирик мавжудот бўлсанг ҳам, бундай қилишинг сенга обрў келтирмайди, чунки оддий одамлар руҳий баркамолликка эришиш йўлида сенга эргашадилар.

Изоҳ: Файритабии қудрат ато этилган зот истаган ишини қилиши мумкин, бу ишлари унга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмайди, деган гап бор. Масалан, коинотдаги энг қудратли сайёра бўлган қуёш истаган жойдаги сувни буғлантириб юбориши ва аввалгида қудратли зот бўлиб қолавериши мумкин. Қуёш ифлос жойларнинг сувини ҳам қуритади, лекин ўзи бундан ифлосланмайди. Худди шундай ҳеч қандай ифлос иш ҳам маъбуд Браҳмани булғай олмайди. Лекин, маъбуд Браҳма барча тирик мавжудотларнинг руҳий устози бўлгани сабабли, одамлар ундан ўрнак олиб энг олий руҳий баҳтга эришишлари учун унинг одоб-ахлоқи ва ҳатти-ҳаракати бенуқсон бўлиши лозим. Шунинг учун у ҳеч қачон бундай иш қилиши мумкин эмасди.

## Текст 32

Бизлар, Ўзининг ичида бўлган ҳолда, Ўзидан тараляётган ёғду билан мана шу моддий оламни яратган Парвардигор, Олий Шахс Худо олдида чуқур эҳтиром билан бош эгамиз. Барча тирик мавжудотларнинг баҳт-саодати учун Унинг Ўзи дин қонунларини химоя қилсин.

Изоҳ: Жинсий яқинлик қилиш истаги шу қадар кучлики, ўзининг Маричи бошлиқ буюк ўғилларининг илтимосларига қарамай, маъбуд Браҳма ўз ниятидан қайта олмаган кўринади.

Шунинг учун маъбуд Браҳманинг буюк ўғиллари Олий Шахс Худо мурожаат килиб, Ундан Браҳманинг ақлини киритиб қўйишни илтимос қилдилар. Фақат Худонинг марҳамати билан тирик мавжудот моддий оламдаги ўткинчи нарсаларга маҳлиё бўлмаслиги ва шаҳвоний эҳтиросини босиб олиши мумкин. Парвардигор ҳамиша Ўзига илоҳий муҳаббат билан хизмат қилиб юрган содикларни ҳимоя қилиб юради ҳамда Ўзининг бесабаб марҳамати билан уларнинг тасодифан қилиб қўйган гуноҳларини кечириб юборади. Шунинг учун Маричи бошлиқ донишмандлар марҳамат қилишини тилаб Парвардигорга илтижо қила бошладилар, Парвардигор уларнинг илтижоларини қабул қилди.

### Текст 33

Ўзининг ўғиллари – Праджапатиларнинг гапларини тинглаб туриб, барча Праджапатиларнинг отаси Браҳма уялиб шу заҳотиёқ танасини тарқ этди. Кейин ана шу тана қоп-кора туман бўлиб дунённиг ҳамма тарафига таралиб кетди.

Изоҳ: Гуноҳлардан қутулишнинг энг осон йўли – шу заҳотиёқ танани тарқ этиш, барча тирик мавжудотларнинг ҳукмдори Браҳма бунинг ўзининг мисолида намойиш этди. Маъбуд Браҳма жуда узоқ умр кўради, лекин, гарчи амалда эмас, фақат ақлида гуноҳ қилган бўлса ҳам, ўзининг гуноҳини ювиш учун у ўзининг танасини тарқ этишга мажбур бўлди. Бу билан у барча тирик мавжудотларга тартибсиз жинсий алоқа қилиш қанчалик оғир гуноҳ эканини кўрсатиб, уларга жуда яхши сабоқ берди. Ҳатто шунчаки жирканч жинсий алоқа хақида ўйлаш билан ҳам инсон гуноҳ қилган бўлади ва бу гуноҳни факат ўзининг ҳаётини қурбон қилиш билан ювиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, гуноҳ ишлар инсоннинг умрини қисқартиради ва уни бойлигидан, олган дуои-фотихаларидан маҳрум қиласи. Гуноҳ ишларнинг энг хатарли тури ўзининг шаҳвоний истакларига эрк бериш ҳисобланади.

Ғофиллик гуноҳ ишларга олиб келади, гуноҳ ишлар эса ғофилликни юзага келтиради. Қоронгу зулмат ва туман ғофиллик тимсоли ҳисобланади. Зулмат ва туман ҳозир ҳам коинотни қамраб олган, уларнинг тарқатишга қодир бўлган ягона куч – қуёшdir. Мангу ёргулик манбаи бўлган Парвардигорнинг паноҳига кирган киши уни ғофилликнинг қоронгу зулмати қоплаб олишидан кўрқмаса ҳам бўлади.

### Текст 34

Бир куни, Браҳма оламни қандай яратиш ва коинот аввалги даврда қандай бўлса, шундай ҳолатда қайта тикилаш ҳақида хаёл суреб ўтирганда унинг тўрт оғзидан барча илмлар бирикмаси бўлган тўрт Веда чиқди.

Изоҳ: Ўзи ифлосланмаган ҳолда ҳамма нарсани ўз домига ютиб юборадиган олов сингари, Худонинг марҳамати билан маъбуд Браҳманинг улуғворлик олови унинг ўз қизи билан яқинлик қилиш истаги кўринишидаги гуноҳини ютиб юборди. Ведалар барча илмларнинг манбаи ҳисобланади, Олий Шахс Худонинг марҳамати билан биринчи бўлиб Ведалар илмини моддий оламни қандай килиб қайтадан яратиш ҳақида фикр юритиб ўтирган маъбуд Браҳма англаб етди. Маъбуд Браҳма Худога садоқат билан хизмат қилиш орқали чексиз қудрат сохиби бўлди, Парвардигор эса, Ўзининг бехосдан адашиб, Худога садоқат билан хизмат қилишдай улуғвор йўлдан четга чиқкан содигининг гуноҳини кечиришга ҳамиша тайёр туради. Буни "Шримад Бҳагаватам"(11.5.42)даги шеър ҳам тасдиқлайди:

Ўзини Парвардигорнинг нилуфар қадамлари поида Унга илоҳий муҳаббат билан хизмат қилишга бутунлай бағишилаган ҳар қандай киши Худо Шахси Хари учун жуда азиз, ана шундай содикнинг қалбида мавжуд бўлган Парвардигор унинг барча тасодифий гуноҳларини кечириб юборади”.

Буюк маъбуд Браҳманинг ақлига ўз қизи билан жисмоний яқинлик қилиш истаги келади деб ҳеч ким ўйламаган эди. Маъбуд Браҳма билан бўлиб ўтган бу воеа ҳеч ким, ҳатто маъбуд Браҳманинг ўзи ҳам бардош бера олмайдиган моддий табиатнинг қанчалик қудратли эканини яна бир марта исботлаб турибди. Худонинг марҳамати билан қутулиб қолган маъбуд Браҳма коинотнинг буюк яратувчиси сифатида ўз мартабасини сақлаб қолиб, фақат озгина жазо олди.

### Текст 35

Кейин, гулхан ёқиб ўтказиладиган қурбонлик маросимининг тўрт таркибий қисми юзага келди: қурбонлик маросими ўтказадиган(мантра ўқийдиган) киши; эҳсонларни таклиф қиладиган киши; олов ва Ведаларга қўшимча қилиб ёзилган муқаддас китобларда таърифланган қурбонлик маросимининг ўзи. Улар билан бирга диннинг тўрт асосий қоидаси(ростгўйлик, риёзат, раҳмдиллик ва поклик) ҳамда жамиятнинг тўрт ижтимоий табака ва руҳий юксалишнинг поғоналари доирасида диний фаолият мавжудлигидир. Жамиятнинг барча табакалари ва руҳий юксалиш поғоналари шастраларда батафсил таърифланган. Маъбуд Браҳма уларни тўрт оғзидан тўрт Веда чиқкандан кейин яратган. Одамларнинг жамиятдаги тўрт табака ва руҳий юксалишнинг тўрт поғонаси тизимида тутган ўрнига қараб белгиланадиган асосий вазифалари

шу тарзда белгиланган эди. Урф-одатларни хурмат килиб, ана шу диний қоидаларга риоя килиб юрган кишилар арийлар - рухий баркамолликка интилиб юрган одамлар деб аталади.

#### Текст 36

Видура деди: Эй буюк донишманд, риёзат кимларнинг ягона бойлиги ҳисобланади, энди менга маъбуд Браҳма ўзининг оғизларидан чиқсан ведалар илмини бу дунёда кимнинг ёрдами билан ва қандай қилиб ўрнатгани ҳақида гапириб бер.

#### Текст 37

Майтрея деди: Маъбуд Браҳманинг одинга караган юзидан бошлаб, оғизларидан бирин кетин тўрт веда чиқди: - “Риг”, “Яджур”, “Сама” ва “Атхарва”. Кейин шу пайтгача ҳеч қачон ижро этилмаган ведавий мадҳиялар, руҳонийларнинг удумлари, қироат қилинадиган мадҳиялар ва илоҳий фаолиятнинг бошқа шакллари дунёга келди.

#### Текст 38

Шунингдек у ведалар илмининг бўлимлари бўлган тиббиётни, ҳарбий санъатни, меъморчилик ва мусиқани яратди. Илмнинг мана шу бўлимларининг ҳаммаси маъбуд Браҳманинг олдинга караган юзидан бошлаб бирин-кетин унинг оғизларидан чиқди.

Изоҳ: Ведалар ўзида факат бу сайёра аҳолисига эмас, балки бошқа сайёralарнинг аҳолиси учун ҳам зарур бўлган мукаммал илмни жамлаган. Уларда илмнинг барча соҳалари бўйича маълумотлар тўпланган. Ҳарбий санъат илми одамларга жамият тартибини сақлаб туриш учун керак, уларга мусиқий санъат ҳам зарур. Илмнинг юкорида санаб ўтилган барча бўлимлари Упапурана, яъни Ведаларга қўшимча бўлимлар деб аталади. Ведаларнинг асосий мазмуни руҳий илм ҳисобланади, аммо, одамларнинг илмга бўлган руҳий талабини қондириш учун Ведаларга илм-фаннинг бошқа соҳалари бўйича ҳам маълумотлар киритилган.

#### Текст 39

Кейин, ўтмиш, ҳозир ва келажакни биладиган маъбуд Браҳманинг оғзидан бешинчи Веда - Пураналар ва тарихий асарлар чиқди.

Изоҳ: Алоҳида олинган давлат ва халқларнинг тарихини ҳикоя қиласидан ёки жаҳон тарихида бўлиб ўтган воқеларни таърифлайдиган асарлар бор, лекин Пураналарда бутун коинотнинг бир калпа эмас, балки бир неча калпаларда бўлиб ўтган тарихи ёзилган. Маъбуд Браҳма аввал бўлиб ўтган ҳамма нарсани билади, шунинг учун Пураналар ҳақиқий бўлиб ўтган воқеалар тарихи ҳисобланади. Пураналарни аввал бошлаб маъбуд Браҳма ёзган бўлиб, ведавий мукаддас китобларнинг бир қисми ҳисобланади, шунинг учун улар бешинчи Веда деб аталади.

#### Текст 40

Гулхан ёқиб ўтказиладиган курбонлик маросимларининг ҳаммаси(шодаша, пуриша, агништома, апториама, атиратра, ваджапейа ва госава) маъбуд Браҳманинг шарққа қараган юзидаги оғзидан чиқдилар.

#### Текст 41

Илм, садақа тарқатиш, риёзат ва ҳақиқат тарафдори бўлиш диннинг тўрт устуни ҳисобланади, инсонга ана шуларнинг ҳаммасин англаб етишда ёрдам бериш мақсадида ҳар бир инсоннинг қобилияти ва фаолияти асосида тузилган табакалар тизими ва тўрт турмуш тарзи мавжуд. Буларнинг ҳаммасини тартиб билан маъбуд Браҳма яратди.

Изоҳ: Ҳаёт кечиришнинг тўрт поғонаси: браҳмачарья(шогирдлик), гриҳастха(оилавий ҳаёт), ванапрастха(риёзат чекиши учун дунёвий ишларни тарқ этиш) ва санъяса(руҳий илмни тарғибот қилишга бағишиланган тарқидунёлик) – диннинг асосий тўрт таянчи ҳисобланади. Фаолият турлари, одамларнинг қасб-хунари асосида тузилган табакалар: браҳман(зиёли)лар, кшатрий(хукмдор)лар, вайшья(савдогар ва дехқон)лар ва шудра(қора ишчи)лар ҳисобланади. Бу поғона ва табакаларнинг ҳаммасини одамларга руҳий ўзлигини англашда ёрдам бериш учун маъбуд Браҳма яратган эди. Шогирдлик босқичида инсон таълим-тарбия олиши лозим; оилавий турмуш кечириш босқичида у ўз ҳиссиятнинг талабларини қондиради, лекин бунда у албатта хайр-саҳоват ишлари билан шуғуланиши лозим; оилавий ишларни тарқ этиб, инсон руҳий баркамолликка эришиш учун риёзат чекиши, тарқидунёлик қилишга қасам ичгандан кейин эса, одамларга Мутлақ Ҳақиқат илмини етказиши лозим. Жамиятнинг барча аъзоларининг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиши инсон ҳаётининг асосий мақсадига эришиш учун жуда қулай шароит яратади. Ана шу ижтимоий тизимнинг асосини таълим-тарбия ташкил этади, унинг мақсади – инсоннинг покланишига ва ҳайвонларга хос бўлган интилишлардан ҳалос бўлишга ёрдам беришдан иборат. Покланишнинг энг самарали усули – энг пок Зот Парвардигорни англаб етишdir.

#### Текст 42

Кейин маъбуд Браҳма фотиха олиш маросимини яратди, унда иккинчи бор тугилган кишилар мукаддас зуннор, у билан бирга улар Ведаларни қабул қиласидан кейин камида бир йил риоя қилиб юриш лозим бўлган қоидаларни оладилар: жинсий ҳаётдан сакланишга қасам ичганлар риоя қиласидан қоидалар; Ведаларда кўрсатилган қоидалар; оиласи кишилар риоя қиласидан қоидалар, шунингдек бирорвлардан садақа сўрамасдан тирикчилик қилиш ҳамда факат

ташландык донлар билан озиқланиб яшаш усуллари.

Изоҳ: Шогирдлик даврида брахмачарилар инсон ҳаётининг мазмуни борасида батафсил билимга эга бўлганлар. Бутун таълим-тарбия тизими инсонда оиласи турмуш тарзидан воз кечиш истагини уйғотишига қаратилган. Факат уйланмаслик қасамига амал қилиб жинсий поклигини сақлашга кодир бўлмаган шогирдларгагина руҳий устоз уйига қайтиб бориб муносиб кизга уйланишига рухсат берган. Аксарият ҳолларда шогирд жинсий ҳаётдан сақланишига қасам ичиб, бутун умри давомида брахмачари бўлиб қолган. Буларнинг ҳаммаси шогирднинг олган таълим-тарбиясига боғлиқ эди. Биз ўзимизнинг руҳий устозимиз Ом Вишнупад Шри Шримад Бхактисиддханта Госвами Махараж шахсида хеч қачон брахмачари қасамини бузмаган буюк зотни учратиш баҳтига мусассар бўлдик. Ана шундай буюк зотни наиштиха-брахмачари деб атайдилар.

#### Текст 43

Ванапрастха погонасидаги тўрт босқичванкханаса, валақхилъя, аудумбара ва пхенапа деб аталади. Саннъяса турмуш тарзининг тўрт босқичи эса - кутичака, баҳвода, ҳамса ва нишкрия деб аталади. Уларнинг ҳаммаси Браҳмандан пайдо бўлган.

Изоҳ: Фоғил одамларнинг фикрларига қарши ўлароқ, варнашрама-дхарма, яъни жамиятнинг тўрт табақага бўлиниши ва руҳий ҳаётнинг тўрт погонаси ҳозирги даврда жамиятда юзага келган ижтимоий тизим эмас. Маъбуд Браҳма бу тизимни коинотнинг яратилиш тонгига яратган. Буни "Бҳагавад Гита"(4.13) ҳам тасдиқлайди: чатурварнийам майа срштам.

#### Текст 44

Мантиқ илми, инсон ҳаётининг Ведаларда белгиланган мақсади, қонун ва тартиб, ахлоқ-одоб қоидалари ҳамда машҳур бхух, бхувах ва свах мадхиялари – буларнинг ҳаммаси Браҳманинг оғзидан чиққан, пранава омкара эса унинг қалбидан чиққан.

#### Текст 45

Кейин, курдатли Праджапатининг танасида ўсиб турган туклардан ноиқлик санъати дунёга келди. Асосий ведавий мадхия гаятри унинг терисидан пайдо бўлди, триштуп – унинг танасидан, ануштуп – унинг веналаридан, джагати – тиrik мавжудотларнинг ҳукмдорининг сүякларидан пайдо бўлди.

#### Текст 46

Панкти шеър ёзиш санъати маъбуд Браҳманинг (костний мозг???)сүяк миясидан пайдо бўлди,

брихати шеърий санъати эса – тиrik мавжудотларнинг ҳукмдорининг нафасидан пайдо бўлди.

#### Текст 47

Браҳманинг жони ундош товушларга, унинг танаси унли товушларга, сезгилари – (шипяший???) вишиллайдиган товушларга, кучи ярим унли товушларга, сезгиларининг фаолияти эса – мусиқанинг етти нотасига мужассам бўлди.

Изоҳ: Санскрит тилида ўн уч унли ва ўттиз беш ундош товуш бор. Унли товушлар: а, а, и, и, у, у, р, р, э, аи, о, ау. Ундош товушлар: ка, кха, га, гха ва хоказо. Биринчи йигирма беш ундош товуш спарша деб аталади. Тўрт ярим унли товуш антахстха деб аталади. Уч ушми – уч вишиллайдиган товуш. Улар талавъя, мурдханъя ва дантья деб аталади. Мусиқий ноталар – ша, ри, га, ма, па, дха ва ни деб аталади. Аввал бошда бу товушларнинг ҳаммаси шабда-браҳма, яъни “руҳий товуш” деб аталган. Шунинг учун Маха-калпада дунёга келган Браҳма руҳий товушнинг тимсоли деб аталади. Ведалар – руҳий товуш, шунинг учун ведавий муқаддас китобларнинг товушлари уларни моддий тасаввурлар асосида талқин қилишга, изоҳлашга муҳтоҷ эмас. Гарчи Ведаларнинг товушлари бизнинг нуқтанизаримизда моддий товушларни ифодалайдиган ҳарфлар билан белгандан бўлса ҳам, уларни асл ҳолида қандай бўлса шундайлигича талаффуз қилиш лозим. Аслини олганда борлиқда бирор моддий нарса йўқ, чунки бутун борлиқнинг илдизи руҳий оламга бориб тақалади. Шунинг учун моддий оламни алдамчи дунё деб атайдилар. Руҳий ўзлигини англаб етган кишилар бутун борлиқ руҳий табиатга эга эканини кўра оладилар.

#### Текст 48

Илоҳий товуш манбаи сифатида маъбуд Браҳма бу дунёда Олий Шахс Худонинг вакили ҳисобланади, шунинг учун у намоён бўлган ва намоён бўлмаган деган тасаввурлардан устун туради. Браҳма Мутлак Ҳақиқатнинг тўлиқ қиёфасида мужассам бўлган ва ҳар хил қувватларга эга.

Изоҳ: Браҳма эгаллаб турган лавозим – коинотдаги энг олий ва энг маъсулиятли лавозим, бу лавозимни фақат бутун коинотдаги энг комил шахс эгаллаши мумкин. Баъзан, ана шу лавозимни танлашга муносиб тиrik мавжудот топилмаганида Олий Шахс Худо Парвардигорнинг Ўзи маъбуд Браҳманинг лавозимини эгаллашга мажбур бўлади. Маъбуд Браҳма Олий Шахс Худонинг моддий оламдаги тўла ваколатга эга вакили ҳамда пранава, илоҳий товушнинг манбаи ҳисобланади. Шунинг учун унга ҳар хил қувватлар ато этилган бўлиб, улардан Индра, Чандра ва Варуна сингари курдатли фаришталар пайдо бўлади. Шундай қилиб, маъбуд Браҳма жуда юқори мартаба эгаллайди, шу боис ҳатто унинг ўз қизи билан жинсий яқинлик қилиш истаги ҳам унинг илоҳий

марtabасига путур етказа олмайди. Маъбуд Браҳманинг бундай ҳатти-харакатида алоҳида чукур маъно бор, шунинг учун ҳеч қачон унинг бу ишини оддий тирик мавжудотлар қаторида кораламаслик керак.

#### Текст 49

Кейин Браҳма унга жинсий алоқа қилиш имкониятини берадиган бошқа тана олди ва оламни яратиш жараёнини давом эттириди.

Изоҳ: Маъбуд Браҳманинг аввалги танаси илоҳий табатга эга бўлиб, жинсий алоқа қилиш имконини бермасди, шунинг учун Браҳма ўзига жинсий алоқа қилиш имконини берадиган бошқа тана олишга мажбур бўлди. Бу унга оламни яратиш жараёнини давом эттириш имконини берди. Унинг эски танаси аввал айтганимиздек туманга айланди.

#### Текст 50

Эй Куру авлоди, қудратли донишмандлар мавжуд эканига қарамай коинотнинг ахолиси деярли кўпаймаётганини кўриб, Браҳма ахоли сонини кўпайтириш устида жиддий фикр юрита бошлади.

#### Текст 51

Браҳма ўйлай бошлади: Шунча уринишларимга қарамай коинотда ҳалигача аввалгидай аҳоли сони жуда кам экани ғалати эмасми? Мен бунинг тақдир тақозосидан бошқа сабабини кўрмаяпман.

#### Текст 52

Браҳма фикр-мулоҳазаларга берилиб, ғайритабиий илоҳий кучни томоша қилиб ўтирад экан, унинг танасидан икки қиёфа ажralиб чиқди. Уларни ҳалигача Браҳманинг танаси деб атайдилар.

Изоҳ: Браҳманинг танасидан икки тана пайдо бўлди. Уларнинг биттасида мўйлов, иккинчи танада эса бўлиқ кўқраклар бор эди. Улар қаердан пайдо бўлганини ҳеч ким билмайди, шунинг учун ҳозиргача уларни кайам, яъни “Браҳманинг танаси” деб атайдилар. Уларни ҳеч қачон Браҳманинг ўғли ёки қизи деб айтмайдилар.

#### Текст 53

Дунёга келган заҳоти бу икки мавжудот бир бири билан жинсий алоқага киришиб кетдилар.

#### Текст 54

Эркак танасига эга бўлган мавжудотни Сваямбхува Ману деб, аёл танасига эга бўлган зотни эса - Шатарупа, буюк зот Манунинг хотини деб атадилар.

#### Текст 55

Жинсий алоқага киришиб улар аста-секин коинотнинг ахоли сонини кўпайтиридилар.

#### Текст 56

Эй Бхарат ўғли, белгиланган вақтда Ману ва Шатарупанинг беш фарзанди – икки

ўғли(Приявлата ва Уттанапада) ва уч қизи(Акути, Деваҳути ва Прасути) дунёга келди.

#### Текст 57

Ману ўзининг катта қизи Акутини донишманд Ручига хотинликка берди, ўрганча қизи Деваҳутини - донишманд Кардамага, кенжа қизи Прасутини – Даҳшага хотинликка берди. Улардан бутун коинотда яшайдиган барча тирик мавжудотлар дунёга келдилар.

Изоҳ: Бу ерда коинот ахолисининг дунёга келиши таърифланган. Коинотдаги биринчи тирик мавжудот Браҳма Сваямбхува Ману ва унинг хотини Шатарупани дунёга келтириди.

Манунинг икки ўғли ва уч қизи бўлди, улардан коинотнинг ҳозиргача кўпайишида давом этиб келаётган бутун ахолиси дунёга келган. Шунинг учун Браҳмани барча тирик мавжудотларнинг бобоси, Браҳманинг отаси бўлган Олий Шахс Худони эса барча тирик мавжудотларнинг бобокалони деб атайдилар. Бу ҳақиқат “Бҳагавад Гита”(11. 39)да шундай тасдиқланади:

“Сен – ҳавонинг эгаси, олий судя Яма, олов ва ёмғирлар хукмдорисан. Сен – ойсан, барча тирик мавжудотларнинг бобокалонисан. Шунинг учун мен такрор ва такрор Сенинг олдингда бош эгаман”.

Бхактиведантанинг “Шримад Бҳагаватам”нинг Учинчи қўшиқ “Кумарлар ва бошқаларни яратии” деб аталадиган ўн иккинчи бобига ёзган изоҳлари шундай яқунланади.

Ҳазрат А. Бҳактиведанта Свами Прабҳупада  
Кришнани англаш Халқаро жамиятининг асосчи-  
ачаръяси

Шри Гуру ва Гаурангага шарафлар бўлсин!

Кришна-двойпаяна Въясанинг  
Шримад Бхагаватам асари

*пумсам сва-камайа вивикта-маргаир  
абхийарчатам кама-дугхангри-падмам  
прадаршиайантам крипайа накхенду-  
майукха-бхиннангули-чару-патрам*  
(стр. 349)

**Шримад Бхагаватам**

Учинчи қўшиқ

**“Статус кво”**

(1-12 боблар)

Санскрит тилидаги матн, матннинг ўзбекча  
ўқилиши, алоҳида сўзларнинг маъноси, матннинг  
бадиий таржимаси ва изоҳлар билан

Бҳактиведанта Бук Траст